ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

КРИМИНАЛИСТИКА

ДАРСЛИК

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
юридик фанлар доктори, профессор
Ғ.А.Абдумажидовнинг умумий
таҳрири остида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан ҳуқуқ-шунослик олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган.

I жилд

ТОШКЕНТ–2003

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор **М.Ҳ.Рустамбоевнинг** умумий таҳрири ва бевосита раҳбарлиги асосида ёзилган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор **Ғ.А.Абдумажидов**

Жиноятни тергов қилиш ва очиш назариясининг асосини ташкил қилувчи фанлар қаторида криминалистика марказий ўринни эгаллайди. Мазкур дарслик криминалистика фанининг тўлиқ курсини ташкил этади, мазмуни эса тергов, тезкор-қидирув ва экспертиза фаолиятининг замонавий имкониятларини ёритиб, амалдаги ҳуқуқшунослик ўқув дастурларига тўла мос равишда тайёрланган. Унда криминалистика назарияси ва тергов амалиётида кейинги йилларда юз берган муҳим ўзгаришлар, криминалистик техника соҳасидаги янги-илмий воситалар, услубий тавсиялар ва мураккаб хавфли жиноят турлари, жумладан, уюшган жиноятчилар, хориж фуқаролари томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиётлари биринчи марта ёритилган. Дарсликнинг қатор боблари фото тасвирлар, чизмалар билан жиҳозланган.

Дарслик юридик Олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар ва илмий ходимлар учун мўлжалланган.

МУАЛЛИФЛАР

Абдумажидов Ғ.А. - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсат-ган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор - 1-2-3 ва 11-12-13-14, 20 боблар;

Алимова Р.А. юридик фанлари номзоди, доцент - 4, 7-8-9-10, 17, 19, 21-22 боблар;

Норбоев А. юридик фанлари номзоди, доцент – 5, 16, 20 боблар;

Закутский А.С. юридик фанлари номзоди, доцент – 4 ва 5 - боблар;

Қ.Т.Суяров, юридик фанлари номзоди, доцент – 6, 15 боблар;

Орипов Т.Э. юридик фанлари номзоди, доцент – 13-14, 18 боблар;

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Шарафутдинов А.О. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Никишин Г.Ф. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт криминалистика бўлими бошлиғи

Ҳақбердиева Р.Т. – Ўзбекистон Миллий университети юридик факультети “Жиноят процесси ва криминалистика” кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, доцент

© Ташкент Давлат юридик институти, 2003 й.

I-бўлим. КРИМИНАЛИСТИКА ФАНИГА КИРИШ

I-боб КРИМИНАЛИСТИКА ФАНИ, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ТИЗИМИ, ЮРИДИК ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРИ

1-§ Криминалистика фани ва унинг вазифалари

Криминалистика жиноятчиликни очиш ва тергов қилишнинг тактик-методологик усуллари ва шу мақсадда қўлланиладиган илмий-техник воситалар ва уларни жорий қилиш тўғрисидаги фан. Унинг асосий вазифаси тергов қилишда ва жиноятчиликни очишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларни илмий асосланган усуллар, воситалар ва методлар билан қуроллантиришдан иборатдир.

Ҳозирги криминалистика таркибига кирган ғоялар, мулоҳаза ва тавсиялар жуда қадимдан бошлаб турли мамлакатларда жиноятчиликка қарши кураш тажрибасида шаклланиб келган. Бу ҳақда И.Ф.Криловнинг бир қатор асарларида батафсил баён қилинган. Шунингдек, немис олими Людвиг фон Ягеманн жиноятларни тергов қилиш назариясини 1838 йилда «Суд тергови бўйича қўлланма» китобида атрофлича ёритиб берди.. XIX асрнинг охирларида суд тиббиёти, жиноятчиларни рўйхатга олиш, ашёвий далилларни текшириш ва тергов фаолиятининг ташкилий асосларига эътибор кучайди.

«Криминалистика» атамаси лотинча criminal - жиноят сўзидан олинган. Биринчи марта XIX аср охирида австриялик олим Ганс Гросс жиноятнинг тергов қилиш техникаси, тактикаси ва методикасини ўрганадиган фанга нисбатан шу атамани қўллаган эди. У жиноят ҳуқуқига нисбатан криминалистикани ёрдамчи фан ҳисоблаб, криминалистика жиноят ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган таълимот, деб атади (Гросс Г. Руководство для следователей как система криминалистики. 3-изд. СПб. 1908). «Агар терговчи гувоҳнинг кўрсатувларини тушуна олмаса, нотўғри баҳоласа, жиноятчи қўллаган усулларни билмаса ёки криминалистик қоидалар билан умуман таниш бўлмаса, барча уринишлари бесамар бўлиб қолади” – деб ёзади Г.Гросс.

Криминалистикани турли мамлакатларда турлича ном билан аташган: «илмий полиция», «техник полиция», «жиноий техника» ва ҳ.к. Бизнинг давримизда ҳам бу атама бир хилда қўлланилмайди. Бир

қатор мамлакатларда у криминалистик техника маъносида ишлатилади.

Криминалистика тарихи жиноятни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш мақсадида тергов амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, техник ва табиий билимлардан фаол фойдаланиш асосида шаклланди.

Кейинги юз йиллик давомида бошқа фанлар эришган қатор ютуқлар криминалистикада жиноятни тергов қилиш ва очиш мақсадида кенг фойдаланилди. Криминалистика мақсадлари учун мўлжалланган ёки махсус тайёрланган техник воситалар, усуллар ва методлар тизимини яратиш ишлари анча фаоллашди.

Фотография кашф этилгандан кейин унинг умумилмий ва амалий қоидаларидан иборат криминалистик техниканинг таркибий қисми ҳисобланган суд фотографияси вужудга келди. Кимё ва физика фанлари эришган ютуқлар ҳужжатларни криминалистик техника воситалари ва методлари ёрдамида тадқиқ этиш; физиология қонунлари дастхатни ўрганиш, психология қонунлари сўроқ қилиш тактикасини ташкил қилиш учун асос яратиб берди.

Айни вақтда тергов, суд тажрибасини ва эксперт амалиётини ўрганиш ва ўзлаштириш криминалистикани алоҳида фан сифатида таркиб топишига сабаб бўлди. Аммо бу фаннинг табиати ҳақида умумий тушунча шаклланиши кўп машаққатли бўлган. Масалан XX-аср бошларида бу фанга жиноятчиликка қарши курашда фақат амалий аҳамиятга эга деган қарашлар олдинга сурилган.

Натижада 30-йилларнинг охиригача криминалистика амалий техника фани, деган хато таъриф амал қилди, бу эса унинг назарияси ривожланишига тўсиқ бўлди ва амалда фойдаланишга халақит бера бошлади. Таниқли олим Б.М.Шавер 1938 йилда криминалистикада техник ва тактик таълимотлар мужассамлангани ҳақида ёзди ва уни ҳар томонлама асослашга ҳаракат қилди. 1950 йили А.И.Винберг криминалистикага таъриф бериб, уни жиноятни очиш ва айбдорларни топиш, жиноятнинг олдини олиш усуллари қўлланиладиган; излаш, йиғишнинг техник ва тактик усуллари, суд далилларини қайд этиш ва тадқиқ этиш тўғрисидаги фан, деб атаган эди.

Мазкур таъриф баъзи бир тўлдиришлар ва ўзгартиришлар билан бир неча ўн йиллар давомида эътироф этиб келинди. 50-йиллар бошида криминалистика фани юзасидан кенг равишда баҳс-мунозаралар натижасида техник воситалар, техник усуллар ва методлар жиноий-процессуал қонунлар томонидан кўзда тутилган ҳаракатларни бажариш учун мўлжалланган деган хулосага келинди.

Шу асосда С.П.Митричев: «Криминалистика жиноятни очиш ва олдини олиш мақсадида далилларни излаш, йиғиш, қайд этиш ва тадқиқ этиш бўйича жиноят-процессуал қонунида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш учун қўлланиладиган техник воситалар, тактик усуллар ва методлар тўғрисидаги фан» (Криминалистика. С.П.Митричев ва М.Б.Шаламов таҳрири остида. М., 1963. 7-б.) деган таърифни илгари сурди.

Ҳозирги вақтда кўпчилик олимлар ва амалиётчилар 1967 йилда Р.С.Белкин ва Ю.Н.Краснобаев томонидан таклиф этилган қуйидаги таърифни маъқуллайдилар: «Криминалистика — жиноят содир этиш механизми қонуниятлари, жиноят ва унинг иштирокчилари тўғрисидаги ахборотнинг пайдо бўлиши, далилларни йиғиш, тадқиқ этиш, баҳолаш ва фойдаланиш қонунияти, суд тадқиқоти ва жиноятнинг олдини олишнинг махсус воситалари ва методлари қонуниятларини билишга асосланган фандир» (Криминалистика Р.С.Белкин, В.П.Лавров, И.М.Лузгин умумий таҳрири асосида. М., 1987. 10-б.)

Криминалистиканинг умумий вазифаси – жиноят суд ишларини юритиш вазифаларидан келиб чиқади ва жиноятни тез ва тўла очишга таъсир кўрсатишдан, айбдорни фош қилиш ва қонунни тўғри жорий этишни таъминлашдан, шахс, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари, мол-мулкини, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотлар манфаатини жиноий тажовузлардан ҳимоясини таъминлашдан иборат. Бошқача айтганда, криминалистиканинг умумий вазифаси – жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси билан ҳал этиладиган вазифаларга мос келади.

Криминалистикада фойдаланадиган техник воситалар, тактик усуллар ва методлар уларнинг барча қирраларига қарамай битта умумий белгига эга: улар процессуал қонун асосида жорий қилиниши ва унинг талаблари ва нормаларига мувофиқ келиши керак.

Юқорида келтирилган умумий вазифалар билан бирга криминалистиканинг ўзига хос вазифалари ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

тергов ва эксперт амалиётида самарали фойдаланишга йўналтирилган техник воситалар, тактик усуллар ва методик тавсияларнинг янгиларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш воситалари ва методларини вужудга келтириш ва уларни такомиллаштириш;

криминалистикада ҳозирги табиий, техник ва ижтимоий фанлар: математика, информатика, биология, фалсафа, мантиқ, психология ва бошқа фанларни самарали жорий этиш йўлларини излаб топиш.

Жиноятларни тез ва тўла очишга эришиш – бу тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятнинг ҳақиқий манзарасини очиш ва иш юзасидан ҳақиқатни тиклаш демакдир. Жиноятни тўла очиш – қонуний кучга кирган суд ҳукми билан амалга оширилади. Суд муҳокамасига қадар жиноятни очишда тезкор-қидирув ва тергов органлари иштирок этади. Улардан ҳар бири ўз процессуал ваколати доирасида ҳаракат қилади, бунда улар ўзларига хос восита, усул ва методларни қўллаб, жиноятни тўла очишнинг умумий вазифаларини ҳал қилишда ҳиссаларини қўшадилар.

Тезкор-қидирув органлари криминалистикада ишлаб чиқилган илмий-техник воситалар, тактик усуллар ва операциялардан фойдаланадилар, аммо улар фаолиятларининг натижалари – жиноий-ҳуқуқий оқибатлари – фақат тергов жараёнида, яъни процессуал қонунда белгиланган йўллар билан амалга оширилади. Янглиш фикр, тарафкашлик, нохолислик, айниқса зўравонлик ва таҳдид қонун билан тақиқлаб қўйилган.

Жиноятни тергов қилиш – қонунда кўзда тутилган тартибда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини ташкил этади, бунда ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уни содир этган шахс айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳисобланган бошқа ҳолатлар белгилаб олинади. Буларни исбот қилиш учун криминалистика воситалари, усуллари ва методлари ёрдамида процессуал қонунда кўрсатилган манбалар қўлга киритилади.

Жиноий ишларни тергов қилишнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Шулардан бири, жиноятни аниқлаш билвосита тарзда амалга оширилади. Терговчининг ўзи жиноят ҳодисасини кўрмайди, балки унинг одамлар хотирасидаги ифодасини ўрганади (гувоҳлар, жабрланганлар ва ҳ.к.) ва жиноят қолдирган ўзгаришлар: «қолдиқ ҳодиса» ёки кенг маънодаги жиноят изларини ўрганади.

Тергов ишларини амалга оширишда унинг асосий амалиётлари – объектларни излаш, йиғиш, қайд этиш, тадқиқ этиш – қонунда белгиланган тартибга кўра суд далиллари ҳисобланади. Фақат шу йўллар билан ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уни содир этган шахсни топишда аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни белгилаш мумкин.

Процессуал қонунга мувофиқ далилларни гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, айбловчи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, хуллас ҳар бир фуқаро, муассаса, корхона ва ташкилот тақдим қилиши мумкин. Аммо далилларни излаш, уларни сақлаш, қайд этиш ва тадқиқ қилишда тергов органлари асосий рол ўйнайди.

Далилларни топиш, яъни уларни излаш – тергов органлари фаолиятида муҳим ва айни вақтда мураккаб вазифа ҳисобланади: бу шунинг учун ҳам қийинки, жиноятчи кўп ҳолларда жиноят содир этган изни йўқотиш ёхуд яширишга ҳаракат қилади ва шунингдек, ўзининг жисмоний табиатига кўра излар кўпинча яққол кўринмайди.

Бармоқ излари жиноятчига дахлдор кўплаб предметларда қолади, криминалистик мақсадларда уни аниқлаш ва ундан фойдаланиш XlX аср охири, XX аср бошларида маълум бўлди.

Далиллар жойни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, намуна олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва бошқа тергов ҳаракатлари воситасида олинади. Уларни излашда криминалистик техника воситаларини моҳирона қўллаш, тергов тактикаси усуллари ва методик тавсияларига риоя қилиш талаб этилади. Далилларни топиш учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини яхши билиш зарур. Уларни излашда тасодифларга ишонмаслик лозим; қаерда, қачон ва қандай объектив қонуниятлар асосида уларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш керак.

Тергов органлари ва суд дуч келаётган ҳодисалар қанчалик хилма-хил бўлмасин, характери турлича бўлган маълум қонуниятларга асосланади. Бир ҳодиса табиий-илмий қонуниятларга, бошқаси криминал характердаги қонуниятга асосланади.

Гувоҳлар ёнғин содир бўлган жойда тутунни кузатган бўлсалар, бирор предмет куйганлиги тўғрисида тахмин қилиш мумкин, тутун кўкимтир бўлса - қонуниятга кўра соч, тери, резинка ва бошқа буюмлар куйганлигини англатади. Аланга кўкимтирроқ нурсиз бўлса, шакар, глицерин, ёғоч спирти ёки таркибида 25фоиздан кўпроқ кислород бўлган бошқа буюмлар ёнаётганлигини кўрсатади. Бу амалий кузатувлар натижасидир.

Санчадиган-кесадиган ёки чопадиган қурол билан тан жароҳати етказилганда яраланган жойдан кўп қон кетади, жабрланувчи топилган жойда қон излари бўлмаса жароҳат бошқа жойда етказилганлигини кўрсатади. Криминалист бундай ҳолатларга қараб қанчалик тез йўналиш олса, у ҳодисанинг ҳақиқий характери тўғрисида шунчалик асосланган тарзда хулоса чиқариши мумкин.

Криминалистика ўзининг амалий қонуниятларига ҳам эга бўлиши керак. Улар жиноятчи шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолатлари ва содир этган жиноят усуллари ўртасидаги алоқаларида намоён бўлади. Машғулот ёки касб-корига қараб жиноят қуроли ва ҳар хил махфий қуроллар танланади.

Жиноятни содир этиш ва яшириш усуллари билан рўй берган ҳодиса излари қонуний жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Аммо шуни таъкидлаш керакки, криминалистика воситалари, усуллари ва методлари ёрдамида очилган излар ва бошқа далилларга асосланган маълумотлар процессуал қонун йўли билан аниқланса, улар далиллар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда улар далил бўла олмайди.

Қўлга киритилган излар ва бошқа ашёвий далилларни асл ҳолатда сақлаш керак. Сақлаш чоғида кўриниши, шакли ўзгарган предметлар далиллик кучини йўқотиши мумкин. Масалан, воқеа содир бўлган жойдан топилган ўқ у ёки бу сабаблар билан (нотўғри ўралган, бошқа метал предметлар тегиб турган) микрорельеф (майда ғадир-будирликлар)ини йўқотади, натижада у отилган ўша қуролга мос келмай қолиши мумкин.

Ашёвий далилларни дастлабки кўринишда сақлаш иложи бўлмаса, унинг бир нусхаси, ясама варианти, қолипи, макети ва бошқалари тайёрланиб олиб қўйилади. Исботлашга навбат келганда улар ясама ашёвий далиллар ролини бажаради.

Далилларни қайд этиш деганда, уларни у ёки бу усул билан мустаҳкамлаб қўйиш тушунилади. Бунда далилларнинг моҳиятини фақат терговчилар идрок этиб қолмай, жиноят ишини ўрганишда ва суд муҳокамаси чоғида у билан танишаётганлар учун ҳам тушуниб олиш осон бўлади. Қайд қилиш ҳамма ҳолларда ҳам илмий асосланган, амалий тушуниш, шу асосда воқеликни тўғри аниқлаш учун имкон бериши керак.

Илмий билимлар ривожланиши натижасида қайд этиш усуллари ва воситалари ҳам ривожланиб, ўзгариб боради. Қайд этишнинг эски усуллари – сўроқ натижаларини ёзма тарзда ифодалаш ҳисобланади. Баённомалар эса шу бугунгача ҳар қандай тергов ҳаракатларини амалга оширишда кўрсатувларни қайд этишнинг мажбурий усули ҳисобланади.

Кейинчалик қайд этиш усуллари кўпайди. Баённома билан бирга ҳозирги амалиётда фото суратини олиш, чизиш, план, схема ва чизма олиш, нусха кўчириш, шаклини ясаш, макет тайёрлаш, овозини ёзиш, кинога, видеога тушириш кенг қўлланилади. Қайд этишнинг у ёки бу

усулини танлаш тергов ўтказадиган шахсга ҳам боғлиқ, шунинг учун ҳам уларни қўллаш ихтиёрий дейиш мумкин. Аммо шароитга қараб, қайд этишнинг у ёки бу усулини қўллаш зарур бўлса, терговчи бу заруратни қийин ва мураккаб, деб эътиборсиз қолдира олмайди. Қайд этишнинг қайси усули қўлланилганлиги тўғрисида тергов баённомасида ёзиб қўйиш керак. Бу талаб бажарилмаса қайд этиш ҳолати далиллик аҳамиятини йўқотади.

Далилларга уларнинг йиғилиши ва тадқиқот қилинишига қараб баҳо берилади. У ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив тергов қилиш асосида ва шунга таянган ҳолда қонун ва терговчи заковати билан амалга оширилади.

Криминалистик техника – бу фақат техника воситаларининг йиғиндиси бўлиб қолмай, балки криминалистиканинг умумий назарияси ва табиий ҳамда техника фанлари асосида ишлаб чиқилган илмий қоидалар, усуллар ва методлар мажмуидир. Бунда далилий объектларни топиш, сақлаш, қайд этиш, тадқиқ этиш ва жиноятнинг олдини олиш учун процессуал қонунга мувофиқ улардан фойдаланиш мақсад қилиб қўйилган. Криминалистик техника воситаларидан ҳам терговчи, ҳам эксперт муассасалари фойдаланади, техник асбоб-анжомлар эса энг мураккаб ва хилма-хил эксперт тадқиқоти ўтказиш имкониятини беради.

Криминалистиканинг бу қисмига асосий криминалистика техникалари, суд фотографияси, излар тўғрисидаги таълимот (трасология), суд баллистикаси, ҳужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқоти, хат ва дастхатнинг криминалистик тадқиқоти, одамнинг ташқи қиёфаси бўйича тасвирлаш ва криминалистик рўйхат киради. Криминалистик техника мавзусининг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг ривожланиши ва табиий-техник асослари умумий бўлиб қолаверади.

Тергов тактикаси – бу кам куч, восита ва вақт сарфлаб юқори самарага эришиш мақсадида жиноятни тергов қилиш, очиш ва олдини олишда қўлланиладиган криминалистиканинг умумназарий қоидалари, мантиқ, психология, суд этикаси ва бошқа илмий билимлардан фойдаланишга асосланган дастлабки терговнинг тактик усуллари ва методларининг терговни режалаштиришнинг мажмуидир.

Тергов тактикаси фақат далилларни очиш ва тадқиқ қилишга йўналтирилган айрим тергов ҳаракатлари ўтказиш усулларини ишлаб чиқибгина қолмай, айни вақтда вужудга келган тергов вазиятларидан

келиб чиқиб, аниқ бир ишни тергов қилишнинг умумий йўналишини танлашга ҳам ёрдам беради.

Жиноятнинг алоҳида турларини тергов қилиш – бу жиноятнинг ҳар бир турига тегишли ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб тергов қилиш, уларни очиш ва олдини олишда қўлланиладиган илмий қоидалар, техник воситалар, тактик усуллар ва методик қоидалар (тавсиялар) мажмуидир.

Қўлланиладиган воситалар, усуллар ва тавсиялар бир жиноятни тергов қилишда самарали бўлиши мумкин. Масалан қотиллик жиноятига нисбатан қўлланилган усул бошқа жиноятларни, айтайлик лоқайдликни тергов қилишда самара бермаслиги мумкин. Тавсия қилинган методика ҳар бир жиноятни тергов қилиш, очиш ва олдини олиш процессида энг қулай натижаларга эришиш учун мақсадга мувофиқ восита, усул ва методик қоидаларни танлаш имкониятини беради.

2-§. Криминалистика тизими

Ганс Гросс «Терговчилар учун криминалистика тизимидан қўлланма» асарида криминалистика тизимида уч элементга асосланди: тергов тактикаси, техникаси ва методикаси. Бу тузилмани жуда мукаммал деб бўлмасди, олимнинг ўзи ҳам буни яхши тушунар эди, у қўлланманинг киришида шундай деб ёзган эди: «Криминалистика ҳали жуда ёш фан, қандайдир якуний натижага албатта етиб келиши керак, ҳозирча бир нарса деб бўлмайди, аммо унга маълумки, келажакдаги ўзгариш ҳам доимийлигича қолмайди, доимийлик умуман ҳеч қачон бўлмайди, фақат узлуксиз ҳаракатгина доимий бўлиб қолади».

Дарҳақиқат, дастлабки даврда криминалистика тизимига жиноий техника асос қилиб олинди. Бу масалалар Е.Ф.Буринскийнинг «Судда ишлатиладиган ҳужжатлар экспертизаси» (1903й.), В.И.Лебедовнинг «Жиноятни очиш санъати» (1912й.), С.Н.Трегубовнинг «Жиноят техникаси асослари» асарларида чуқур таҳлил этилди. Криминалистика дарслигининг дастлабки нашрларида (1929, 1935й.) унинг тизими икки қисмни ўз ичига олган эди – жиноят техникаси ва жиноят тактикаси, 1939 йили криминалистиканинг учинчи қисми – жиноятнинг айрим турларини тергов қилиш ҳақида дарслик нашр этилди. Ўшандан бери криминалистика уч қисмга бўлиб ўрганиларди: техника, тактика ва методика.

Ҳозирги вақтда ватанимизда криминалистика тизимини тўртга бўлиб ўрганиш қабул қилинган: 1) криминалистика-нинг илмий асослари ва методологияси; 2) криминалистик техника; 3)криминалистик тактика; 4) жиноятларнинг алоҳида турларини тергов қилиш методикаси.

3-§. Криминалистиканинг юридик ва бошқа фанлар билан алоқалари

Криминалистика жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган ягона юридик фан эмас. Жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят процесси ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Шунинг ўзи криминалистикани ушбу фанлар билан алоқаси зарурлигини кўрсатади.

Криминалистика, энг аввало, жиноят ҳуқуқи билан алоқадор. Ганс Гросс криминалистикани «Жиноят ҳуқуқи воқелиги тўғрисидаги фан» деб атаган эди. Бинобарин, криминалист дастлаб жиноят ҳақида таълимотга эга бўлиши ва унга таяниши лозим.

Жиноят сабабларини ўрганувчи ва унинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқадиган криминология билан криминалистиканинг алоқаси ҳам яққол кўриниб турибди. Криминалистика криминологиянинг назарий қоидалари ва амалий материалларини қўллайди, криминология ҳам ўз навбатида аниқ жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва шароитларни очиш бўйича криминалистик билимлардан кенг фойдаланади.

Криминалистика ўғирлик, ҳужжатларни қалбакилашти-риш ва бошқа жиноятларнинг олдини олишга даъват этилган махсус усуллар ва техник воситалар ишлаб чиқишда ҳам фаол қатнашади.

Криминалистика жиноят процесси билан узвий боғлиқ. Илгари баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар уни «жиноят процессининг давоми ёки махсус курси» (М.С.Строгович ва бошқалар), деб атаган эдилар. Криминалистика ҳам жиноят процесси, ҳам жиноятга оид суд юритиш ишлари вазифаларига бўйсунади, жиноят процесси принциплари ва нормаларига риоя қилиб, криминалистик техника воситалари, тактик усуллар ва методлардан фойдалана олади. Бу талабларни бузган

ҳолда тўпланган, қайд қилинган ва тадқиқ этилган фактик маълумотлар суд далиллари бўлолмайди, ўз кучи ва аҳамиятини йўқотади.

Жиноятни тергов қилишда қўлланиладиган криминалистик усуллар ва воситалар жиноят процессуал ва нормаларга мувофиқ ишлаб чиқилади, аммо кўпчилиги бевосита процессуал қонунда белгилаб қўйилмаган. Вақт ўтиши билан улардан баъзилари ҳуқуқий тартибга солинган. Масалан, тергов экспериментлари ўтказиш ва таниб олиш учун кўрсатишга оид тактик усуллар криминалистикада ишлаб чиқилган бўлиб, узоқ йиллар ҳуқуқий тартибга солинмай, фақат 60-йилларда қонундан жой олди.

Криминалистика жиноятни очиш ва тергов ўтказиш тўғрисидаги фан бўлса-да, фуқаролик процессига нисбатан бегона эмас. Дастлабки ривожланиш босқичларида криминалистика фуқаролик процессида қўлланилмаган эди. Ҳозирги фуқаролик процессини амалга ошириш учун ҳужжатларни техник-криминалистик ва дастхат экспертизасида ва бошқа ашёвий далилларни аниқлашда криминалистик усуллар ва методлар тез-тез ишлатиб турилади.

Бозор муносабатларига ўтиш ва хўжалик юритиш фаолиятининг янги шакллари, банк тизимининг ривожланиши, муомалага турли қимматли қоғозлар – акциялар, векселлар чиқарилиши муносабати билан фуқаролик ишларда криминалистикани қўллаш доираси анча кенгайди.

Криминалистика фақат юридик фанлар билан эмас, балки бошқа фанлар: мантиқ, этика, психология, тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва бошқалар билан алоқадор ҳисобланади.

Мантиқий фикр юритиш исбот қилиш жараёни самарадорлигининг зарурий шартидир. Илмий билимларнинг ривожланиши, уларнинг интеграциялашуви натижасида билимларнинг махсус тармоғи, тергов мантиғи ёки исботлаш мантиғи вужудга келди, унинг қоидалари тергов процессида далилларни таҳлил қилишда фойдаланилади.

Суд этикаси жиноятни тергов қилишда қонун билан бирга қўлланиладиган ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқади. Терговчи у ёки бу техник воситалар, тактик усуллар ва криминалистик методлардан фойдаланиш жараёнида ахлоқ қоидалари талабларини бузишга ҳаққи йўқ. Ахлоқсиз усуллар ва воситалар ёрдамида тергов қилишга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу жиноят ҳисобланади.

Суд психологияси ва унинг қонунлари ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг

хулқ-атвори, ниятини тўғри тушуниш ва тушунтириб бериш имкониятини беради. Шу асосда уларнинг хулқ-атворларини ва шунга олиб келган сабабларни объектив баҳолаш имкониятини берувчи шарт-шароитлар вужудга келади. Суд психологияси тергов ўтказаётган шахснинг ахлоқи ва хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Психологик омиллар тергов ишларини ташкил этиш ва ўтказишга, натижалар самарали бўлишига ёрдам беради, бу уларни нафақат ҳисобга олиш, балки олдиндан кўра билиш зарурлигини кўрсатади. Масалан, сўроқ қилиш ва кўрсатувларга баҳо беришни суд психологиясисиз фараз қилиб бўлмайди.

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси – криминалистик қоидалар асосида ишлаб чиқилган. Тезкор-қидирув фаолияти назариясининг криминалистика билан алоқаси чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, исбот қилиш жараёнида ва алоҳида тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда тезкор ахборотни вужудга келтириш, қайта ташкил этиш, тўплаш, ундан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Криминалистика суд тиббиёти билан фақат боғлиқ бўлиб қолмай, балки доимо алоқада фаолият кўрсатади. Буни суд ишларини юритишда ҳақиқатни аниқлаш, ашёвий далилларни тадқиқ этиш методлари умумийлиги билан изоҳлаш мумкин. Қотиллик ёки тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ишларнинг бирортасини суд тиббиёти иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Жасад, қотиллик қуроллари, кийим-кечаклар ва бошқа ашёвий далиллар криминалистика ва суд тиббиётининг умумий объекти ҳисобланади ва уларни тадқиқ қилиш кўпинча комплекс тиббий-криминалистика экспертизаси шаклида амалга оширилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, суд тиббиёти вакиллари Н.С.Бокариус, Ю.М.Кубицкий, С.Д.Кустанович, Ю.С.Сапожников ва бошқалар дактилоскопия, суд баллистикаси, дастхатшунос-лик ва криминалистиканинг бошқа бўлимларини ривожлан-тиришда катта ҳисса қўшдилар. Криминалистика, шунингдек, суд психиатрия фани билан боғлиқ бўлиб, руҳий касалликка чалинганлар томонидан содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракатларни тергов қилишда ҳисобга олинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланганлар шахсини ўрганишда ақли расолиги ёки ақли норасолиги тўғрисидаги руҳшуноснинг хулосалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Яна шуни таъкидлаш керакки, криминалистикада тиббий фанлар (физика, кимё, биология, физиология ва бошқалар), техникага оид фанлар (радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси ва бошқалар) ва математика фанлари қонунлари ва қоидаларидан кенг фойдаланиб ке-

линмоқда. Тегишли асбоб-анжомлар ва методлар одатда жиноятчиликка қарши кураш вазифаларига мослаштирилади ёхуд криминалистика вазифаларини ҳал қилишда, махсус восита ва методларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Юридик ва бошқа фанлар тизимида криминалистика



2-боб КРИМИНАЛИСТИКА МЕТОДЛАРИ

1-§ Криминалистикада қўлланиладиган методлар таснифи

Метод – бу маълум мақсадга эришиш учун табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларни тадқиқ этиш усуллари деган маънони англатади. Фақат тадқиқот натижалари эмас, балки унга олиб борадиган йўл ҳам ҳақиқий бўлиши керак.

Ҳар қандай фанлар каби криминалистика ҳам табиат ва жамият воқеликларини ҳамда предметларни билишнинг умумфалсафий ва мантиқий усулларига суянади. Лекин ҳар бир фан ўзи текширадиган жабҳаларнинг моҳияти ва тадқиқ қилишнинг мақсад-вазифаларига хос бўлган турли муайян услублардан фойдаланади, шунингдек, янги услублар яратади.

Криминалистикада турли хил методлар қўлланилади, уларни таснифлашда, энг аввало, криминалистиканинг фан ва амалиёт борасидаги методларини фарқ қилиш керак. Улардан фойдаланиш имкониятлари тергов ҳаракатларини амалга ошириш мақсади, шарт-шароити ва усуллари билан белгиланади. Масалан, тергов эксперименти амалий фаолият методи сифатида фақат процессуал қонун билан қатъий тартибга солинган ҳолда қўлланилади ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни текшириш ҳамда аниқлаб олиш мақсадида амалга оширилади. Илмий экспертиментларга бундай талаблар қўйиш шарт эмас.

Криминалистика, амалий фаолиятда методлар процессуал қонунлар ва криминалистиканинг назарий қоидалари асосида яратилади ва фойдаланилади.

Шу билан бирга криминалистик методлар бошқа барча фанлар тўплаган илмий қоидаларга ҳам суянади. Масалан, шахсни сўроқ қилишда суд психологияси қоидалари асос бўлиб хизмат қилади, мантиқ қоидалари тергов версияларини яратиш ва фойдаланишда муҳим рол ўйнайди.

Криминалистикада методлар қуйидаги талабларни қаноатлантириши керак:

қатъий илмий асосга суяниш;

қонунларни бузмаслик;

ахлоқ нормаларига риоя қилиш;

хавфсиз бўлиш.

Криминалистикада қўлланиладиган методлар таснифи турли асосларга эга. Улар мазмунига кўра умумилмий ва махсус турларга бўлинади.

2-§ Умумилмий криминалистик методлар

Умумилмий методлар ичида, энг аввало, диалектик метод муҳим ўрин эгаллайди. Унга биноан ҳар бир буюм бошқалари билан ўзаро алоқаларда, ҳаракатда, муайян шароитларда келиб чиқиши ва йўқолиши мумкин. Жиноятни очиш ва тергов қилишда келиб чиқадиган ҳар қандай масалани ҳал этишда диалектика тадқиқ этилаётган ҳодисага объектив ёндашувнинг муносабатлари ва алоқаларини, шунингдек, унга хос барча хусусиятларни эътиборга олишни талаб этади. Диалектика қонунлари барча нарсалар ва воқеликларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш, билиш, шундай экан жиноятни очиш ва уни содир этган шахсни аниқлаш имконияти бор, деган билиш назариясига асосланади.

Диалектик метод турли муносабат ва алоқалар эътиборсиз қолиб кетишидан, бир томонлама тергов қилишдан, фақат бир хил ҳолат билан қизиқишдан сақлайди.

Умумилмий методларнинг муайян турларига кузатув, қиёслаш, ўлчаш, тасвирлаш, эксперимент ўтказиш, моделлаштириш ва бошқалар киради.

Кузатув. Предметлар ва ҳодисаларни фаол бир мақсадга қаратилган режа асосида ва бевосита қабул қилиш кузатув орқали амалга оширилади. Кузатув амалий фаолиятда тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга ошириш чоғида алоҳида аҳамиятга эга. Кузатув вазифалари предмет ёки ҳодиса характерига қараб белгиланади. Бир ҳолатда – қидирилаётган нарсани топиш, иккинчи ҳолатда унинг аниқ хоссалари ва белгиларини аниқлаш, учинчи ҳолатда – тинтув ва бошқа тергов хатти-ҳаракатлари ўтказишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи хулқ-атворини таҳлил қилиш зарур. Шу муносабат билан кузатув жараёнида аниқланган ва процессуал мустаҳкамланган баъзи фактлар далиллик аҳамиятига эга бўлиши, бошқалари версияларни тузиш учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қўшимча техник воситалар ва турли асбобларни қўллаш шароитида кузатув доираси ва самарадорлиги ошади.

Қиёслаш - ташқи дунёни идрок қилишнинг асосий усулларидан бири. Қиёслашсиз табиатда ва жамиятда содир бўлаётган фақат му-

раккаб ҳодисаларни эмас, балки жуда оддий ҳодисаларни ҳам билиш мушкул.

Билиш жараёнида, шу жумладан, жиноятни тергов қилиш ва экспертиза жараёнида мазкур методни кенг қўллаш зарурати юқорида таъкидланган ҳолат билан изоҳланади. Қиёслаш криминалистикада, умуман идентификациялаш мақсадида ўтказилаётган тадқиқотда алоҳида аҳамиятга эга.

Қиёслаш методини қўллаш мантиқнинг икки қоидасига жавоб бериши керак: 1) объектив воқеликнинг бир хилда предметлари ва ҳодисаларини, бир турдаги тушунчаларни қиёслашга йўл қўйилади; 2) қиёслашда муҳим аҳамиятга молик белгилардан фойдаланилади.

Криминалистик мақсадларда амалга ошириладиган қиёслашда тез-тез учрайдиган белгилар муҳим ўрин тутади. Қиёслаш методи криминалистик амалиётда мантиқий билишнинг бошқа методлари, яъни таҳлил қилиш, ҳодисаларни бир бутун ҳолда текшириш усули билан қўшиб олиб борилади.

Ўлчаш. Бу метод ёрдамида ўлчанадиган буюм ва ўлчов бирлиги, миқёси ёки эталони (метр, килограмм, минут, литр, ҳарорат, ранг кабилар) ўртасидаги нисбат орқали белгиланади. Аниқ ўлчовга эга бўлиш учун махсус асбоб ва анжомлардан фойдаланилади. Ўлчов илмий ва амалий фаолиятда мунтазам қўлланилади. У криминалистикада ҳодиса юз берган жойни ва ашёвий далилларни ўрганишда, экспертиза ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказишда фойдаланилади.

Тасвирлаш. Мазкур метод воситасида тадқиқ этилаётган объектлар белгилари ва хоссалари тасвирлаб ёзилади (саналади). Бу услуб объект ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш ёки алоҳида томонлари, таркибий қисмлари тўғрисида хулоса қилиш имкониятини беради. Тасвирлаш сифатли ва миқдорли, тузилмали ва функционал, тўла ва тўлиқ эмас ва ҳ.к. бўлиши мумкин. У оғзаки ва ёзма шаклда, шу жумладан рақам, расм, рамз ва бошқача тарзда амалга оширилади.

Буюм ва воқеликларни бевосита ва билвосита тасвирлаш турлари бор. Биринчи ҳолатда криминалист текширилаётган объектнинг белгиларини, яъни шахсан ўзи қабул қилган, ҳис этган нарсани тасвирлайди, иккинчи ҳолатда бошқа одамлар кўрсатган белгилар асосида, масалан, гувоҳлар, жабрланганларнинг сўзлари асосида шахс қиёфасини тасвирлайди.

Қиёслаш маълум тартибда бажариладиган тасвирлаш ва солиштириб кўриш элементлари билан боғлаб олиб боришдир. Жумладан, криминалистикада одамнинг ташқи қиёфасини сўз орқали ифо-

далаш, таърифлаб бериш анатомик ва функционал белгилар ёрдамида амалга оширилади. Изчиллиги, белгиларининг сони ва сўз тарзидаги ифодаси маълум тасвирлар воситасида баён этилади. Бундай тасвирларда солиштириш элементлари анча аҳамиятли ўрин эгаллайди.

Эксперимент. Унинг заминида текширилаётган ҳодисани ўрганиш ва унинг бошқа ҳодисалар билан алоқасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган илмий асосланган тажриба ётади. Бунда текширилаётган ҳодиса сунъий равишда иложи борича тўла ва аниқ такрорланади.

Эксперимент кузатув билан бирга олиб борилади, аммо бу мазкур методлар айнан бир хил экан, деган маънони билдирмайди. Экспериментнинг ўзига хос белгиси кузатилаётган ҳодиса жараёнига эксперимент ўтказувчининг фаол аралашувидан иборат. Криминалистикада экспериментал текшириш ва аниқлаб олиш, баъзи ҳолларда тергов ёки судда кўрилаётган иш юзасидан аҳамиятли бўлган янги маълумотларни олиш учун ўтказилади. Тергов эксперименти, албатта, процессуал шаклда амалга оширилади.

Экспертизани амалга оширишда ҳам илмий тадқиқотга хос шароитларда эксперимент ўтказилади. Экспериментлар-нинг умумий томонлари илгаридан тайёрланган шароитда ўтказиладиган тажрибалар, олинган натижалар бўлиб, уларнинг тўғрилиги синаб кўриш орқали кафолатланади.

Моделлаштириш. Бу метод техник фанлар заминида вужудга келиб, ижтимоий фанларда моделлаштириш кенг тарқалгандан кейин умумилмий метод сифатида эътироф этила бошланди. Унинг моҳияти объектни ўхшаш модел орқали билишдан иборат, бунда тадқиқ қилинаётган объект унинг асосий белгилари, хусусиятлари орқали тикланади. Модел моддий ва идеал бўлиши мумкин. Ҳар икки хил модел ҳам криминалистикада кенг фойдаланилади.

Жиноят процессида материалдан тайёрланган моделларга гипсли шакл ясаш, бармоқ излари нусхаси олиш, воқеа содир бўлган жойнинг конструкциясини тайёрлаш, М.М.Герасимов методи асосида одамнинг бош кўринишини тиклаш кабилар киради.

Билиш жараёнида идеал модел ҳам маълум рол ўйнайди. Бунга, энг аввало, тезкор-қидирув, тергов ва эксперт версиялари киради. Моделлаштириш ролини баҳолар эканмиз, ҳар қандай яхши нусха ҳеч қачон оригинални тўла ифодалай олмаслигини эътиборга олмоқ керак. Нусха объектнинг белгилари, хоссалари ва сифатидан бир қисминигина ифодалайди. Аммо моделлаштириш воситасида тадқиқ қилинаётган объект тўғрисида бир оз бўлса-да, қўшимча ахборот

олиш мумкин. Бундай ахборот терговчининг бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисида тасаввурини кенгайтиради.

Экспертлар амалиётида бошқа бир қанча умумилмий методлардан фойдаланилади. Математик метод тобора кенг ўрин эгалламоқда. Ахборот ҳисоблаш марказлари ЭҲМнинг янги авлоди билан таъмин этилган бўлиб, улар Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар тизимида кенг ишлатилмоқда.

Криминалистик экспертиза амалиётида анъанавий қўлланилаётган физикавий ва кимёвий методлар анчани ташкил қилади. Микроскопия, газсимон модданинг масс-спектрал анализи, рентген тузилмаси анализи, эмиссион, атом-абсорбцион спектрал анализи ва бошқа махсус методлар жуда кенг ва самарали фойдаланилмоқда.

3-§ Махсус криминалистик методлар

Илмий-техника тараққиёти асрида фақат умумилмий тадқиқот методлари эмас, балки махсус методлардан фойдаланиш ҳам ўсиб бормоқда. Улардан баъзилари пайдо бўлса, бошқалари модификация оқибатида тубдан ўзгаради, учинчиси ўз аҳамиятини йўқотади. Криминалистиканинг ўзида ишлаб чиқилган махсус методлар жумласига суд-фотография, трасология, суд-баллистикаси ва бошқалар киради. Масалан, тергов ва эксперт амалиётида суд-фотографияси томонидан ташкил этилган таниб олиш (сигналетик), микросъёмка, фотографик ранг ажратиш, қийин шароитларда фотографиядан фойдаланиш ва бошқа методлар мавжуд. Трасологияда оёқ, пойабзал, бузиш қуроллари каби асбобларнинг изларини топадиган ва қайд қиладиган махсус методлар ишлаб чиқилган. Суд-баллистикасида ўқни бураб чиқарадиган, ўқни профилографик тадқиқ этиш, кесадиган ва текис стволли қуролнинг идентификацияси бўйича оптик ва механик методлар яратилган.

Криминалистикада ишлаб чиқилган махсус методлардан баъзилари бошқа соҳаларда ҳам қўлланмоқда. Масалан, фотографик ранг ажратиш методи криминалистикада яратилган бўлса ҳам, ундан ҳужжатларни тадқиқ қилишда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Фотопортрет идентификацияси методи тарихий тадқиқотларда, суддастхатшунослик, ҳам муаллифшунослик тадқиқотларида ишлатилиб келинмоқда.

Криминалистикада қўлланиладиган умумилмий метод ҳам, махсус метод ҳам маълум талабларга жавоб бериши керак. Бундай талаб-

лар мезон хизматини ўтайди: 1) методнинг натижалари тўғри бўлиши кафолатланганлиги; 2) фойдаланиш қулайлиги, яъни методни жорий этиш натижасида олинган хулосалар жиноят процессининг барча иштирокчиларига тушунарли бўлиши; 3) хавфсизлиги; 4) самарадорлиги; 5) кам харажатли эканлиги.

Шунингдек, қонунга зид бўлган гиёҳванд моддалар, гипноз, телепатия ва бошқа методлар ҳамда воситалардан далил сифатида, хусусан шахсни айблаш учун асос сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳар бир фан амалиёт бўсағасида зарурат сабабли бунёдга келиб, аллақанча ривожланиш босқичларини босиб ўтади, бошқа фанлар негизида бойиб, шаклланиб алоҳида гуруҳ сифатида ажралиб чиқади. Ундаги ҳаётий воқеликларни ўрганиш, умумлаштириш, тахлил этиш, синаб кўриш, турли хулоса ва ғояларга келиш, хилма-хил йўналишларда ютуқ ва хатолар таъсирида ўз диққат марказида бўлган воқелик ва нарсаларга баҳо беришни ўзгартиб, аниқлаштириб боради. Ана шу мураккаб жараён жиноятни тадқиқ қилиш, уни очиш, содир этган шахсни фош қилиш услубига, «санъатига» хизмат қилувчи криминалистика фанига ҳам хос. Унда ҳам турли назарий қарашлар, тушунчалар, усуллар, алоқалар, таърифлар, атамалар узлуксиз бунёд этилиб, асослантириб келган. Унинг умумий назариясида асосан далилларни, яъни турли хатти-ҳаракатлар оқибатида қоладиган изларнинг шаклланиши, уларни қидириш, топиш ва йиғиш, тадқиқ этиш, баҳолаш ва уларга оид фактик маълумотлардан фойдаланиш қонуниятлари тўғрисида таълимот ўрин олган.

Ана шу умумназарий таълимот асосида бир қатор криминалистик жузъий таълимотлар шаклланган ва ривожланган. Улар жумласига:

идентификация назарияси;

кўникмалар ҳақида таълимот;

жиноятни содир этиш усуллари ҳақида таълимот;

изларни бунёдга келиш механизми ҳақида таълимот;

далилий маълумотларни акс эттириш, ишга илова қилиш қоидалари;

турли объектларнинг белгилари (аломатлари) ҳақида таълимот;

жиноятларни рўйхатга олиш усуллари;

эксперт тадқиқотларини ўтказиш услублари;

тергов версиялари ва режалаштириш қоидалари;

криминалистик башорат қилиш назарияси киради.

Юқорида келтирилган барча назария, таълимот ва қоидаларнинг аҳамияти бир хил эмас, албатта. Масалан, идентификация назариясини аксарият олимларнинг умумназарий тусга эга деб ҳисоблашлари бежиз эмас. Мазкур назариянинг моҳияти алоҳида мавзуда баён этилади. Умумназарий аҳамиятга эга бўлган яна бир таълимот жиноят механизмига оид бўлиб, унинг таркиби жуда кенг ва қуйидагиларни ўзида қамраб олади:

жиноят субъекти;

унинг ўз жиноий қилмиши, оқибатлари ва иштирокчиларига муносабати;

тажовуз предмети;

жиноятни содир этиш сабаблари;

жиноятнинг оқибатлари;

жиноят содир этилган жой, вақт ва бошқа шарт-шароитлар;

жиноят содир этишга имкон берган ва тўсқинлик қилган ҳолатлар;

жиноят содир этилаётганда ҳозир бўлган шахсларнинг фаол ва пассив хулқ-атворлари кабилар.

Умуман юқоридагиларни инобатга олиб, криминалистика жиноятни тергов қилиш маҳорати ҳақида фан деб қисқа таърифлаш, шунингдек, унинг асосий моҳиятини таъкидлаш учун бу фаннинг кейинги бир неча ўн йилликлар давомида отахони бўлган Р.С.Белкин таъбири билан криминалистика-жиноят механизми, у ва унинг иштирокчилари ҳақида ахборотларни, далилларнинг бунёдга келиши, уларни йиғиш, тадқиқ қилиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш қонуниятларини билишга асосланган жиноятларни текшириш ва олдини олишга қаратилган махсус воситалар ҳамда усуллар тўғрисидаги фан десак бўлади.

КРИМИНАЛИСТИКА УСЛУБЛАРИ

УМУМ ИЛМИЙ УСЛУБЛАР	**МАХСУС УСЛУБЛАР**
Кузатиш, Тасвирлаш, Ўлчаш, Тає-єослаш, Эксперимент, Моделлаштириш, Прогноз єилиш, Математик услублар Эвристик услублар: таѕлил, синтез, индукция, дедукция ва бошєалар	Бошєа фанлардан олинган услублар: физикавий, химиявий, биологик, антропологик, статистик, социологик ва бошєа услублар Криминалистиканинг ўз услублари:

- Мафкуравий єарашлар ва талабалардан холислик ва мустаєиллик
- Тарихийлик ва илмий билимларнинг ворислиги
- Фан предметида тизимлилик
- Прогрессив тараєєиёт

3-боб КРИМИНАЛИСТИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ

1-§ Криминалистик идентификация тушунчаси, вазифалари, принциплари ва шакллари

Идентификация атамаси лотинча ldem (айнан ўша) сўзидан олинган бўлиб, айнанликни аниқлашни билдиради. Бу атамани биринчи марта франциялик олим Альфонс Бертильон одамларни рўйхатга олишга бағишланган ўз ихтиросида қўллаган. Криминалистик идентификация жиноят иши бўйича қидирилаётган, аниқланиши лозим бўлган муайян (одам, буюм) объектнинг айнан ўзи эканини билдиради.

Табиатда ва жамиятда барча объектлар бир-биридан фарқ қилади ва фақат ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бир объект бошқа объект билан айнан тенг бўлолмайди. Объектлар ўзаро жуда ўхшаш, бир хилдаги белгиларга эга бўлиши мумкин.

Айнанлик фалсафий асосларга эга: 1) ҳар бир моддий объект фақат ўзига тенг; 2) объектлар доимо ўзгаришда, лекин бу ўзгаришлар нисбий бўлиб, уларни аниқлаш ва ҳисобга олиш имконияти мавжуд; 3) объектлар ўзаро муносабатда, бошланишда бўлгани сабабли, уларнинг белгилари бошқа объектларда ўз аксини топади. Ҳар бир объект бошқа объект каби ўхшаш хусусиятларга эга. Шу асосда у муайян гуруҳ, тургa оид ҳисобланади. Демак, айнанликдан ташқари баъзи ҳолларда ўхшашлик, яъни объектларнинг бирор гуруҳга оидлигини аниқлаш билан кифояланади.

Айнанлик ва ўхшашликни аниқлаш воситасида жиноят ишига оид бир қанча ҳолатлар аниқланади.

Чунончи:

нарсанинг белгилари – уни қайси корхона, қачон ясаб чиқарганини;

ҳодиса содир бўлган жойдаги моддий излар – у ерда ким, қандай ҳаракат қилганини;

ўқ ва гилзани текшириб, отиш қуролининг тури ва айнан ўзини;

дастхат бўйича уни ёзган шахсни;

одам оёғининг изи бўйича – шу одамнинг бўйини;

қоғоз ва сиёҳнинг белгилари бўйича ҳужжатнинг неча йил муқаддам ёзилганини аниқлаш имкониятлари бор.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида турли объектларни қидириш ва аниқлаш зарурияти доимий ҳодиса содир бўлган жойда

қолган қўл изи бўйича – шахс, ғилдирак излари бўйича – автотранспорт воситалари, кийим ёки пойабзалдаги тупроқ ва ўсимлик қолдиқлари бўйича жой кабилар аниқланади.

Идентификация жараёнида из қолдирган объект қолган из билан таққослаб кўрилади. Агар изни шу объект қолдирган бўлса, айнанлик қайд этилади.

Из деганда фақат моддий излар (қўл, оёқ, бузиш қуроллари ва ҳ.к.) тушунилмай, балки тасвири бор барча буюмлар: қўлёзма, фотосурат, нарсанинг қолдиқлари, қисмлари кабиларни, шунингдек, хотирани тасаввур этиш лозим. Бошқача айтганда, криминалистик идентификацияда «излар» атамаси кенг маънода қўлланилади.

Жиноятни тергов қилиш жараёнида ўхшашлик тушунчаси, уни аниқлаш принциплари ва методикасига оид қоидалар ва амалий тавсиялар мажмуи криминалистик идентификация тўғрисидаги назарияни ташкил этади.

Мазкур таълимотнинг келиб чиқиши С.М.Потапов номи билан боғлиқ. У 1940-йилда «Криминалистик идентификация принциплари» асарини эълон қилди. Н.В.Терзиев ва В.Я.Колдиннинг тадқиқотларида криминалистик идентификация назариясига оид умумий масалалар тадқиқ этилди. Шу билан бирга криминалистик, кимёвий, биологик ва тиббий экспертизалар методикасининг такомиллашиб бориши идентификация назариясини ривожлантиришга имкон берди.

Криминалистик идентификация деганда, объектларнинг қиёсий тадқиқоти тушунилади, бунда айнанлик ва ўхшашликдан далил сифатида фойдаланилади. Идентификация услуби мантиқ ва бошқа фанларда ҳам қўлланилади.

Криминалистик идентификациянинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Криминалистик идентификация суд далиллари ҳисобланган фактик маълумотларни аниқлашга йўналтирилган, у жиноят-процессуал қонун талабларига бўйсунади.

Криминалистик идентификация илгари содир этилган ҳодиса изидан бориб, жиноятни тергов қилиш процессида нотаниш объектни тадқиқ қилади.

Криминалистик идентификация методи аниқ бир моддий объект ёхуд унинг энг кичик бир қисмини аниқлашга йўналтирилган. Бу, бир томондан, криминалистик тадқиқотнинг энг замонавий, мукаммал ва ишончли техник асбобларига эга бўлиши зарурлигини, иккинчи томондан, тергов қилинаётган ҳодиса асл ҳолатини ва иш юзасидан

ҳақиқатни аниқлаш учун криминалистик идентификация амалиёти ва назариясининг катта аҳамиятини кўрсатади.

Криминалистик идентификация – билиш воситаси, усули ва методик мажмуи сифатида объектнинг турли ҳолати, кўриниши, турли вақтларда ва ҳар қандай мураккаб шароитда криминалистик аҳамиятга эга бўлган айнанлик ва ўхшашликни аниқлашга имкон берадиган мукаммал методикага эга бўлиши керак.

Криминалистик идентификация ишончли, универсал ва юқори даражадаги назарий таълимотдир. Моддий дунёнинг объективлиги, хилма-хиллиги ундаги ўхшашлик умумий бўлиб, айнанлик ҳар бир воқеа ва нарсаларнинг ўзигагина хослиги, иккита айнан воқеа ёки нарса табиатда ва жамиятда бўлиши мумкин эмаслиги, уларнинг ҳар бири фақат ўзига тенг эканлиги идентификациянинг туб моҳиятини англатади.

Криминалистик идентификация назарияси учун шу объектларнинг ўзаро таъсири натижасида бир-бирида қоладиган моддий асоратлар, излар, уларни тадқиқ қилиш имконияти мавжудлиги асос бўлиб ҳисобланади. Зўравонлик содир этилганда, унинг излари фақат жабрланганлар баданида қолмай, жиноятчининг баданида ёхуд кийим-кечагида ҳам бўлади. Биринчи ва иккинчи турдаги из ҳам криминалистикада аҳамиятли ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам тўғри, тескари ва қарши идентификация алоқаларини узвийликда тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш криминалистик идентификация назарияси ва амалиётининг долзарб вазифасидир.

Криминалистик идентификация принциплари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Идентификация процессида қатнашадиган объектлар идентификацияланувчи ва идентификациялайдиган турларга бўлинади. Идентификацияланувчи – бу айнанлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш керак бўлган ёки қидирилаётган объект ҳисобланади, идентификациялайдиган объект эса айнанликни аниқлаш учун восита бўлиб хизмат қилади. Бунда ҳар қандай моддий ва идеал излардан фойдаланилади.

2. Идентификация жараёнида ҳамма объектлар - идентификацияланувчи ҳам идентификациялайдиган ҳам ўзгаришсиз қолади, деб бўлмайди, чунки улар доим ҳаракатда, ривожланишда. Шу билан бирга объектларнинг ўзгариш даражаси ва тезлиги ҳар хил бўлади. Шуни ҳисобга олиб криминалистик идентификация объектлари ўзга-

радиган ва нисбатан ўзгарадиган хилларга бўлинади. Нисбатан ўзгарадиган объект маълум вақт давомида барқарорлик белгиларини сақлаб туради, унда ўхшашлик белгилари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланади.

3. Идентификация жараёнида билишнинг анализ ва синтез методлари қўлланилади. Криминалистик идентификация тадқиқот объектларининг ўзига хос томонлари қанчалик чуқур ва мукаммал анализ қилинганлигига боғлиқ. Аммо қиёсланаётган объект белгиларини анализ қилиш билан жараён якунланади, деб бўлмайди. Қиёсий анализ натижасида мос келган белгилар ва фарқлар таққосланиши ва уларнинг ҳар бирини тушунтириш зарур.

4. Ҳар бир таққосланаётган белги умуман идентификация объекти сифатида ҳаракатда, ўсишда экани эътиборга олиниши керак. Бунда ҳар бир белгининг келиб чиқиши ва ўзгариш сабабларига аниқлик киритиш лозим. Идентификация объектининг айрим белгилари маълум даражада барқарорликда қолиши мумкин. Ҳатто, идентификация объектининг муҳим белгилари қасддан ўзгартирилган бўлиши эҳтимол.

Криминалистик идентификация процессуал бўлмаган ва процессуал шаклларда амалга оширилади. Унинг нопроцессуал шакли ўз навбатида бир неча кўринишларда бўлади: 1) суриштирув органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида амалга оширилган идентификация; 2) фуқаролик ва арбитраж судлари, шунингдек, нотариат органи фаолиятида фойдаланиладиган маъмурий-ҳуқуқий идентификация.

Жиноят-процессуал қонун нормалари ва талабларига мувофиқ айнанлик дастлабки тергов, суриштирув ва суд муҳокамаси даврида ўтказилади. Криминалистик идентификация тергов ҳаракати масалан, таниб олиш учун кўрсатиш орқали амалга оширилади ёки суд томонидан иш кўриш жараёнида намоён бўлади.

Юқоридаги таснифларга мувофиқ криминалистик идентификация субъекти суриштирувчи, терговчи, судья, эксперт бўлиши мумкин. Бу субъектлар жиноят-процессуал қонунда белгиланган тегишли криминалистик усуллар, воситалар, методлардан фойдаланиб, идентификацияни процессуал шаклларда амалга оширади.

2-§ Криминалистик идентификация объектлари

Криминалистик идентификация моддий объектларнинг ўхшашлик сифатини ифодалар экан, объектив воқеликнинг қайси элементлари таққослаш объекти сифатида хизмат қилишини аниқлаб олиш керак.

Тергов қилинаётган ҳодисанинг вақти ва жойини, предмет ва шахснинг алоҳида хоссаларини, заҳарнинг таъсирчанлик даражаси, сиёҳнинг кимёвий таркибини аниқлаш учун идентификация қоидаларидан фойдаланилади.

Айнан объект тушунчасини белгилашда, биринчидан, буюмлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисидаги фалсафий таълимотдан, иккинчидан, криминалистик идентификациянинг ўзига хос услубларидан келиб чиқиш лозим.

Буюм фалсафий нуқтаи назардан хоссалар, белгилар тизими сифатида қаралади. Хоссалари бир хил бўлган буюмлар ўхшаш ҳисобланадилар.

Криминалистик идентификациянинг роли жиноятнинг аниқ моҳиятини белгилаш, жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишда иштирок этганлар, жабрланганлар, жиноий тажовузлар содир этишда фойдаланилган қурол ва воситаларни аниқлашни тақозо қилади. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун тергов қилинаётган ҳодисанинг объектив алоқаларини очиш ва кузатиш зарур. Айбдорнинг хатти-ҳаракатлари билан жиноят натижалари ўртасидаги боғланиш бунга мисол бўла олади.

Аммо объектнинг тергов қилинаётган воқеа билан мавжуд индивидуал алоқасини, улар ўртасидаги барқарор ва бетакрор хусусиятлар йиғиндисига эътибор берилган тақдирдагина тадқиқ қилиб аниқлаш мумкин.

Демак, буюмларнинг фақат алоҳида хоссалари эмас, балки бетакрор хусусият ва сифатлар йиғиндисига эга бўлган яхлит ҳолдагиси идентификация объектлари бўла олади. Идентификациялаш – муайян моддий буюм ва предметларни бошқаларидан ажратиш, фарқлаш демакдир. Масалан, жиноятчининг изда акс этган бўйи, қўл, оёқ излари, жисмоний кучи, бошқа ҳар қандай хусусиятлари идентификация объекти бўла олмайди. Алоҳида индивидни характерловчи бундай хусусиятларнинг йиғиндиси, ташқи қиёфасининг ўзига хос белгилари идентификациянинг оддий объекти ҳисобланади. Юрганда қўлни силкиш ёки қадам ташлаши шахснинг функционал хусусиятини ифодалайди. Аммо бундай хусусиятлар кўпгина шахсларга хос бўлиши мумкин ва шу сабабли идентификациялаш учун етарли эмас. Фақат

индивидуал хусусиятларнинг маълум йиғиндиси бир шахсга тегишли бўлиши мумкин. Объектнинг бетакрор йиғиндисини ташкил этмайдиган алоҳида хусусиятлари ифодаланган излар ҳам идентификациялаш учун етарли эмас.

Криминалистик идентификация моддий объектни тергов қилиш воқеаси билан алоқасини аниқлаш учун ўтказилади. Дастхат идентификацияланмайди, балки унинг воситасида уни ёзган шахс идентификацияланади ёхуд технологик жараён идентификацияланмайди, аслида технологик жараённинг ўзига хос томонлари бўйича машина, цех, фабрика идентификация қилинади.

Иш учун жиноятнинг ёзув, овоз, жиноят содир этиш усули, технологик жараён белгилари билан алоқаси эмас, балки кўрсатилган белгиларга эга бўлган моддий объект, шахс, жойнинг алоқаси муҳим.

Баъзи объектлар, жумладан, ўз макон чегараларига эга бўлмаган, сочилувчи, суюқ ва газ ҳолатидаги жисмлар ҳам криминалистик идентификация объектлари бўла олмайди. Масалан, гумон қилинувчидан топилган патронлар, жиноят содир этилган жойдан олинган патрон типига тегишли, ўлган одам ички органидан олинган озуқа қолдиқлари ва гумон қилинувчидан тинтув қилинганда чиққан буюмнинг кимёвий таркиби бир хил бўлиши мумкин, гумон қилинувчининг кийимидан топилган қон ўз гуруҳи ва типига кўра жабрланганнинг қонига ўхшайди. Буюм турларидаги умумийлик идентификациялаш учун етарли эмас.

Криминалистик идентификация тадқиқ этаётган объект турини белгилаш билан якун топмайди. Ўз натижаларига кўра бу хилдаги белгилаш фақат оралиқ аҳамиятга эга. Бундай ҳолда криминалистик идентификациянинг ягона объекти тўғрисида эмас, балки қиёсланаётган объектнинг қайси гуруҳга мансублигини белгилаш, уларнинг тур ўхшашликлари билан чекланади.

3-§ Идентификация объектларининг таснифи

Юқорида таъкидланганидек, идентификациявий тадқиқот жараёнида битта объектдан ҳосил бўлган бир неча излар, масалан, баҳсли қўлёзма ва гумон остидаги шахс дастхатининг намунаси солиштириб кўрилади. Қиёсланаётган бу объектларнинг биринчиси идентификацияланадиган, иккинчиси идентификациялайдиган объектлар ҳисобланади. Масалан, эшикни бузиб ўғирлик содир этилган жойда турли излар топилади, гумон қилинган шахснинг уйида бузиш қуроли

топилиб, ундан эксперимент тарзида излар олинади. Жиноят излари ва экспериментал излар қиёсий тадқиқ қилинади. Яшириниб юрган шахсни идентификациялаш учун унинг фотосурати ва қўлга олинган шахснинг фотосурати қиёсланиб текширилади.

Ана шу объектлардаги барча белгилар ва хусусиятлар эмас, бир-бирига солиштириш мумкин бўлганлари таққосланади. Масалан, жиноят содир этилган жойдан топилган ҳажмли излар бўйича ломнинг иссиққа бардошлилиги, электр ўтказувчанлиги, зичлиги ва бошқа хоссалари ўрганилмай, унинг из қолдириш хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Идентификацияга оид хоссалар объектларнинг ўзаро таъсиридан ва изнинг вужудга келиш механизмларидан келиб чиқиб аниқланади. Масалан, автомашина юрган йўлда ғилдиракнинг изи қолади, автомашина бирор тўсиқликка урилганда радиатор, буфер, кузов ва машинанинг бошқа қисмларида из қолади.

Идентификациялайдиган объектда унинг хоссаларини ифодалайдиган белгиларгина фойдали ахборот беради. Фақат ўша белгилар ўрганилади, қолганлари эътиборга олинмайди. Масалан, оёқ кийимнинг ердаги излари ўрганилаётганда из қолдирган тагчармнинг ташқи тузилиши, зичлиги, юмшоқлиги ва бошқа хоссалари ўрганилади. Тупроқнинг биологик ва кимёвий таркиби изнинг шаклланишига таъсир этмаса, улар тадқиқ қилинмайди.

Идентификациялайдиган ва идентификацияланувчи объектлардан фойдали ахборотни ажратиб олиш тадқиқотнинг дастлабки муҳим вазифаси ҳисобланади. Заруриятга қараб, идентификациялайдиган ва идентификацияланувчи объектлар бевосита ва билвосита тадқиқот қилинади. Идентификацияланадиган объектдаги хоссалар ўзгармаган бўлса, у бевосита тадқиқ этилади. Объект ўзгарган бўлса, унинг идентификациялайдиган белгилари илгариги излари орқали, яъни билвосита текширилади.

Бевосита тадқиқот ҳамма ҳолларда ҳам мумкин бўлавермайди. Баъзи ҳолатлар ва функционал-динамик белгилар идентификация мақсадида фақат уларнинг излари, тасвирлари бўйича ўрганилади. Масалан, ёзув машинкасини идентификациялашда унинг ўзи эмас, унда ёзилган матн текширилади.

Хотиравий қиёфалар бўйича идентификация қилишда кўрсатувлар, ёзма ёки чизма шаклида ифодаланган қиёфаси воситасида шахсни айнан ўша қидирилаётган одам эканлиги ҳал этилади.

Айнанликнинг процессуал шаклида ҳам фарқ бор: тасвирловчи материаллар бўйича идентификация кўздан кечириш ва экспертиза ўтказишни талаб этса, хотиравий қиёфа бўйича айнанликни аниқлаш сўроқ қилиш ва таниб олиш учун кўрсатиш шаклида амалга оширилади.

Баъзан қидирилаётган объект бир вақтнинг ўзида идентификацияланадиган ва идентификациялайдиган объект бўлиши мумкин. Масалан, жабрланган шахснинг баданида из қолдирган автомашинада айни вақтда қон изи қолиши мумкин, бармоқ изларини қолдирган жиноятчининг қўлида бўёқ заррачалари топилиши мумкин.

Идентификациядан фойдаланиб исбот қилишнинг мақсади тергов қилинаётган ҳодиса билан боғлиқ объектни топишдан иборат. Бу объект қидирилаётган ҳисобланади. Амалда исботлашнинг вазифаси текширилаётган объектлар доирасини мумкин қадар чеклаш ва уларнинг орасидан қидирилаётган объектни ажратиб олишдан иборат.

4-§ Идентификациявий тадқиқот жараёни

Криминалистик идентификациявий тадқиқот жараёни тўрт босқич: дастлабки текширув, алоҳида-алоҳида ҳолда ва қиёсий тадқиқот, шунингдек, уларнинг натижаларини баҳолашдан иборат. Дастлабки тадқиқот босқичи бир қатор тайёргарлик ишларини кўришни талаб этади: тадқиқот учун зарур бўлган материалларни излаш, уларни текшириш методикасини танлаш, тегишли илмий техника воситалари ва асбобларини тайёрлаш, идентификациянинг процессуал шаклларини аниқлаш, тақдим этилган тадқиқот материаллари миқдори ва сифатига баҳо бериш, уларни тадқиқот ўтказиш учун қанчалик яроқлилигини белгилаш.

Қидирилаётган ва қидиришга ёрдам берувчи объектларнинг хоссаларини алоҳида-алоҳида тадқиқ этганда, масалан, ҳодиса содир бўлган жойдан олинган из, уни қолдирган предмет ёки махсус тайёрланган из, сохта қўлёзма, дастхат намунаси ва бошқалар топилиши мумкин. Алоҳида-алоҳида анализ қилинганда уларнинг барча белгилари ўрганилади. Масалан, хатнинг матни дастлаб шошилмай ёзилганлиги, аммо кейин шошиб ёзилган қисми аниқланади, бунда дастхат сунъий равишда ўзгартирилган, деган хулоса чиқариш ҳам мумкин.

Объектларнинг қиёсий тадқиқи босқичида уларга хос белгиларнинг ўзаро фарқи ва мос тушиши аниқлаб олинади. Қиёсий объектлар моҳиятидан келиб чиқиб, қиёслашнинг у ёки бу техник усуллари тан-

лаб олинади, ўлчов, оптик воситалар ёрдамида объективлик, аниқлик ва тўла-тўкисликка эришилади.

Идентификациявий тадқиқот жараёнининг охирги босқичи унинг натижаларини баҳолаш ҳисобланади. Ўхшашлик бор ёки йўқлиги ҳақида охирги хулосани чиқариш учун қўлга киритилган барча тадқиқот материалларини таққослаб кўриш, алоҳида-алоҳида анализ қилинганда объектлар ҳолатига ва алоҳида белгиларига умумий баҳо бериш, баъзи белгиларнинг мос келиш даражаси, уларнинг аҳамияти, мос келадиган ва келмайдиган белгиларнинг ўзаро алоқалари ва ҳ.к. Амалиётда таққосланаётган объектларнинг қиёсий белгилари камдан кам мос келади. Кўпгина муҳим белгилари мос келган ҳолда ҳам, айрим деталлари тасодифий вазиятлар туфайли мос келмай қолади.

Идентификациявий тадқиқот жараёнида эксперт изларда аниқ ва тўла-тўкис тасвирланган белгиларни етарли миқдорда аниқлаб, ўхшашлик бор-йўқлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилган бўлса, бу ҳақда қатъий хулоса чиқаради.

Ўз-ўзидан маълумки, қатъий ва тахминий хулосалар ўртасида катта фарқ бор. Биринчиси, қатъий тасдиқни англатади, масалан, жасаддан олинган ўқ мазкур қуролдан отилган. Иккинчи ҳолда излар аниқ ва тўла ифодаланмагани сабабли уларни тадқиқ этишда катта қийинчиликлар туғилса, белгилар мослиги ёки фарқи ҳақида эксперт тахминий хулоса чиқаради: мазкур матн фуқаро Иванов томонидан ёзилган бўлиши эҳтимол.

Тахминий хулоса, унинг номидан ҳам кўриниб турибдики, фактни аниқ эмас, балки тахминий баҳолайди. Шу боис экспертнинг бундай хулосасини терговчи ва суд айблов учун асос қилиб олмаслиги лозим. Тахминий хулосани бошқа далиллар ёрдамида синчковлик билан текшириш керак. Одатда, экспертнинг тахминий хулосаси терговчи учун у ёки бу версияни олға суриш имкониятини беради, қўшимча далиллар излашда янги қулайликлар яратади.

Баъзи бир ҳолатларда экспертлар қўйилган саволларга аниқ жавоб бера олмай, уни ҳал қилиш имконияти бўлмади, деб хабар қилади. Экспертнинг бундай жавобини экспертиза ўтказишга етарлича тайёргарлик кўрилмаганлиги, саволлар нотўғри қўйилганлиги, топилган изда индивидуал белгилар етарли ифода топмаганлиги, у ёки бу масалани ҳал қилиш учун илмий асослар етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бундай ҳолларда терговчи юқоридаги тўсиқларни

бартараф этиши ёхуд иш юзасидан чиққан муаммоларни бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида ҳал қилиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, терговчи идентификациянинг энг фаол субъекти бўлиб, ўзи ҳам мазкур вазифани мустақил ҳал қилиш имкониятига эга.

Терговчининг идентификациявий ҳаракатлари деганда, шундай тергов ҳаракатлари тушуниладики, у ўз мазмунига кўра, объектнинг қиёсий тадқиқоти асосида ўхшашлик ёки айнанлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида якун чиқаришга қаратилган фаолиятни амалга ошира олади.

Таниб олиш билан тергов идентификацияси ўтказиш терговчидан идентификация назарияси талабларига риоя қилишни талаб этади. Терговчи ўзи мустақил идентификация ҳаракатлари ўтказишдан ташқари кўп ҳолларда идентификация вазифаларини турли ихтисосдаги эксперт-криминалистларга топширади. Бу идентификация тадқиқоти ўтказиш учун фан, техника, санъат ва ҳунармандчилик соҳасида махсус билимлар талаб қилинган ҳолатларда амалга оширилади.

Криминалистик экспертиза тайинлашга терговчи бошқа процессуал ҳаракатлар каби жиддий тайёрланиши керак.

ЖПКнинг 125-моддаси иш бўйича сўроқ қилинганларга таниб олиш учун шахсни ва предметни кўрсатишни назарда тутади. Уни амалга ошириш учун терговчи қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

таниб олиш учун кўрсатиладиган объект тўғрисида идентификациявий ахборотни йиғиш, идентификация қилинадиган объектни излаш; бир қанча объектлар орасида таниб олиш учун кўрсатилиши лозим бўлганларни аниқлаб олиш;

таниб олиш учун ҳужжатларни ва фотосуратларни тайёрлаш;

таниб олишга имкон берувчи усул ва воситаларни аниқлаш, жумладан, овоз ва функционал белгилари асосида таниш учун имкониятлар яратиш;

таниш натижаларини баҳолаш, тўғрилигини ва ўзига хос томонларини текшириш;

5) ўхшашликнинг мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги тўғрисида хулосага асос бўладиган идентификациявий белгилар тасвири билан таниб олиши учун шароитларни ҳозирлаш.

Экспертизанинг муваффақияти эксперт хулосасининг далиллик аҳамияти унга тақдим қилинган материаллар қанчалик яхши танланганлигига ва экспертнинг малакасига боғлиқ.

Идентификациявий экспертиза учун материаллар тайёрлашга бир қанча талаблар қўйилади;

экспертиза тайинлашнинг процессуал асосланганлиги;

экспертиза ўтказиш қанчалик зарурлиги ва экспертга топшириладиган ҳақиқий вазият нақадар аниқлиги;

тадқиқ қилинадиган объектларнинг келиб чиқишига оид маълумотлар тўғрилиги.

Криминалистик идентификациявий экспертизани тайинлашнинг процессуал асосланганлиги жиноий-процессуал қонун талабларидан келиб чиқади. У фақат жиноят ишлари юзасидан суриштирувчи терговчи, прокурор ёки суд томонидан тайинланиши мумкин. Жиноят иши қўзғатилган бўлмаса-да экспертиза тайинлаш қонунга кўра мумкин (ЖПК 329-м.). Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда терговчи қандай экспертиза ўтказиш кераклигини кўрсатади: дастхатшунослик, дактилоскопик, баллистик, портретга оид ва қисмларнинг илгари бир бутун эканини аниқлаш бўйича экспертизалар шулар жумласига киради.

Агар бунга зарурат туғилган бўлса ва барча керакли материаллар йиғилган бўлса, ўз вақтида экспертиза тайинланиши, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилиниши лозим.

Экспертга берилган саволлар аниқ, экспертиза предметига тегишли бўлиши, ишдаги маълумотлар ва экспертиза тайинлаш билан боғлиқ шарт-шароитлар тўғрисида экспертга етарли ахборот бериш керак. Нотўғри ахборот эксперт хулосасининг шаклланишига салбий таъсир қилади. Терговчи тақдим қилинган намуналар сифати учун жавоб беради, шу сабабли у материалларни синчиклаб ўрганган ҳолда тайёрлаши зарур. Ашёвий далиллар бўйича эксперт тадқиқотиўхшашлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида далилларга эришиш мақсадида моддий қайд қилинган излар-тасвирлар, одамлар ва буюмларни қиёслаш, ўхшашлик ёки айнанликни аниқлашнинг асосий ва энг ишончли усулдир.

Умумий қоидага кўра эксперт идентификацияни тўрт асосий босқичда амалга оширади:

дастлабки тадқиқот – объектларни кўздан кечириш;

идентификация объектларини алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш;

уларни қиёсий тадқиқ этиш;

қиёсий натижаларни баҳолаш.

Текширилаётган объектларни индивидуаллаштириш жараёнида аввал қидирилаётган ва текширилаётган объектнинг гуруҳга хос белгилари аниқланади, сўнгра уларнинг индивидуал белгилари ўрганилади.

Идентификация жараёнида эксперт объектларни синчиклаб тадқиқ қилади, судлов-тадқиқот фотографиясининг турли усулларини, физик ва кимёвий методларини қўллайди.

Бундан ташқари, объектларни алоҳида-алоҳида тадқиқ қилганда белгиланган идентификация алоқаларини тўла ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадида изларни кўпинча экспериментал тайёрлаш зарур бўлади. Масалан, қиёсий микроскоп ёрдамида ўқотар қуролнинг ўқи ва гильзаси бўйича идентификация қилишда эксперт қуролдан экспериментал отиб кўриш воситасида идентификация белгиларини ўрганишга киришилади.

Қиёсий тадқиқот-эксперт идентификациянинг ҳал қилувчи босқичидир. Бу босқичда эксперт объектларни қиёслашнинг учта асосий усулидан фойдаланади: таққослаш, устма-уст қўйиш ва белгиларни бирга қўшиш. Тасвирларни таққослаш усули ўзининг соддалиги ва қулайлиги билан кенг тарқалган бўлиб, криминалистик идентификациянинг барча турларида қўлланилади. У таққосланаётган тасвирни бир-бирига яқин қўйиб ягона кўриниш майдонини пайдо қилади. Бунда таққосланаётган тасвир имкон борича ойдинлаштирилади ва катталаштирилади. Таққослашга энг яхши шароитлар яратиш мақсадида қиёсий микроскоп қўллаш мумкин.

Таққосланаётган объектни фотосуратга олиш ва қиёслашни енгиллаштирадиган қўшимча ишлов бериш мумкин (қиёсий тўр, геометрик шакл, чизиқ ва ҳ.к.). Бундай ишловларнинг аҳамияти шундаки, улар баъзи белгилар ўртасидаги нисбатни билиш, гуруҳга хос томонларини таққослаб кўриш ва шундай қилиб янги белгиларни кашф қилиш имконини беради.

Устма-уст қўйиш усули таққосланаётган тиниқ тасвирни бошқасини устига қўйиб, белгилари тўғри келса, ягона тасвир ҳосил қилишга ёрдам беради. Агар таққосланадиган тасвир тиниқ бўлмаса, масалан, картон қоғозга туширилган бўлса, улардан диопозитив тайёрланади ёки махсус оптик асбоблардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Белгиларни қўшиш усулида таққосланганда тасвир шундай жойлаштириладики, бунда тасвирдаги бирор белги мос келиб қолганда табиий равишда бошқасининг давоми кўзга ташланади.

Бир-бирига ёндош қўйилган тасвирлар таққосланаётган тасвирнинг таркиб топиш механизмидан анча фарқли бўлса-да, катталаштириб фойдаланиш имкониятини беради. Кесилиш, ишқаланиш ва бошқа усулда ҳосил бўлган мураккаб изларни таққослашда бу усул муҳим аҳамият касб этади.

Тасвирни қиёслаш мақсадида ҳар хил оптик асбобларни, асосан турли микроскопларни қўллаш мумкин.

Фотосуратлар бўйича тасвирларни бир-бирига қўшиб аниқлаш кенг ёйилган. Шу мақсадда суратлар шундай қирқилсинки, кесишган чизиқ тасвирнинг характерли томонларини кўпроқ қамраб олсин. Номлари келтирилган қиёсий тадқиқотнинг ҳар бир тури қиёслашнинг хусусий усулидир. Алоҳида-алоҳида ва қиёсий тадқиқот натижасида олинган маълумотлар мажмуига баҳо бериш, яъни қидирилаётган объектлар ўхшашлиги ёки фарқли экани тўғрисида эксперт хулосаси - эксперт идентификация жараёнининг охирги босқичини ташкил этади.

Қиёсий тадқиқот натижаларини баҳолаш аввалги босқичларда ўтказилган тадқиқот жараёнининг мантиқий давоми деса бўлади.

Объектларни кўздан кечиришдаёқ шаклланган версиялардан бири сифатида ўхшашлик ёхуд фарқ тўғрисида фикр юритиш, идентификация белгиларини қиёслаш босқичида мустаҳкамланади, идентификация тугаши билан эса узил-кесил ҳал этилади. Масалан, эксперт бармоқ изи бўйича шахсни топишда бармоқ излари белгиларини кўздан кечириб, таққослашни бошлайди, издаги мавжуд барча аниқ ифодаланган ва ўзаро боғлиқ томонларни белгилаб олади.

Гуруҳга ажратилган бармоқ излари ёки уларнинг келиб туташган жойи ўхшаш экани тўғрисида хулоса чиқариш учун эксперт қиёсий тадқиқот ўтказади. Белгилар комплексининг кўпчилиги тўғри келган бир вазиятда баъзи фарқлар чиқиб қолганда иш анча мураккаблашади. Бундай ҳолда эксперт тадқиқотнинг аввалги босқичларига мурожаат қилиб қиёсланаётган объектнинг ҳар бирига хос идентификациявий белгиларни тўла таҳлил этади. Бунинг натижасида илгари кузатилмаган белгилар келиб чиқиши мумкин.

Баъзи ҳолларда қиёсланган натижаларга баҳо бериш босқичида идентификацияланадиган ва идентификациялайдиган объектлар белгиларини яна таққослаб ва қиёслаб қўшимча экспериментлар ўтказишга тўғри келади. Дастлаб қиёсий тадқиқотдаги фарқлар аниқланиб, унга баҳо берилади. Бундай баҳолашнинг асосий вазифаси бўлиб ўтган ҳодисага аниқлик киритиш, яъни айнан ўша объектнинг ўзи-

даги ўзгаришлар сабабли икки объектдаги фарқлар юз бермадими, деган саволга жавоб олишдан иборат.

Хоссаларнинг тасвири бир хил бўлмаганлиги билан боғлиқ белгилардаги фарқ билан қиёсланаётган объект хоссаларида мавжуд бўлган фарқни аралаштирмаслик керак. Қиёсланаётган дастхат белгиларидаги фарқ имзолашнинг бир хил шароитда бажарилмаганлиги; қурол изларидаги фарқ уларнинг вужудга келиш механизми бир хил бўлмаганлиги, фотосуратдаги фарқ суратга олиш шароитлари бир хил бўлмаганлиги сабабли юз берган бўлиши мумкин.

Бундай фарқларни қиёсланаётган объектларнинг ўз хоссаларидаги фарқ билан аралаштирмаслик керак. Агар айнан қиёсланаётган объект хоссаларида фарқ сезилса, қидирилаётган объект ўтган анча узоқ давр ичида ўзгарганидан дарак бериши мумкин. Масалан, ёзув машинкаси фойдаланиш жараёнида шикастланган, оёқ кийим тагчарми кийиб юриш жараёнида ёки таъмирлашдан кейин ўзгарган бўлиши эҳтимол. Одам қариганда, жароҳат олганда, касалланганда ёки операция натижасида ташқи кўриниши ўзгаради. Объектнинг ўзгариши идентификациядан қочиш мақсадида манфаатдор шахс томонидан атайлаб қилинган бўлиши мумкин.

Топилган фарқни тўғри баҳолай олиш учун ўрганилаётган предметдан фойдаланиш, таъмирлаш, сақлаш, тозалаш режимини, текширилаётган шахснинг ёши, патологик ва бошқа ўзгаришларини ўрганиш талаб этилади.

Агар топилган фарқ объект ўзгаргани оқибатида юз бермаган бўлса, бинобарин, қидирилаётган ва текширилаётган объект хоссалари бир-бирига тўғри келмаса, ўхшашлик тўғрисидаги масала инкор этилади. Тўғри келмаслик қиёсланаётган объект хоссаларининг гуруҳли фарқларига ҳам тааллуқли. Қидирилаётган оёқ кийими ва қўлга олинган шахснинг оёқ кийими размеридаги катта фарқ; шикаст етказишда фойдаланган ва тинтув вақтида топилган турли кўринишдаги тиғли буюм (масалан, болта, ханжар) ҳам шулар жумласига киради.

Эксперт белгиланган ҳодисаларнинг жамини баҳолар экан, улар индивидуалми ёки ўхшашми деган саволга жавоб беради. Агар мос келиш йиғиндиси унинг турли объектлардаги такрорланиш имкониятини инкор этмаса, бунда объектлар ўхшаш ёки бир турдаги ҳодиса сифатида талқин этилади. Агар мос келиш йиғиндиси индивидуал бўлса, турли объектларда такрорланмаса, қидирилаётган ва текширилаётган объект айнан ўша, деб қабул қилинади. Мос келиш индивидуал мажмуини баҳолашда индентификация тадқиқоти ва идентифи-

кация хоссалари ва уларни қўшиб такрорлаш сони устидан эксперт кузатуви катта аҳамиятга эга. Фарқлар ва мос келишларнинг натижаларини таққослаш асосида объектлар ўхшашлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

5-§ Криминалистик диагностика

Бирор объект қидирилаётган нарса, ҳужжат ёхуд шахснинг айнан ўзи эканлиги аниқланмаса, текширилаётган объектлар жиноятга алоқадор бўлиши мумкинлиги, қидирилаётган объектга ўхшашлиги тўғрисида хулосага келинади. Бу ҳолда гуруҳ ўхшашлиги аниқланади ва шу гуруҳга кирадиган объектлар орасидан жиноятга алоқадорини аниқлаш вазифаси келиб чиқади. Гуруҳга мансуб объектлар ўз хусусиятлари билан бири жиноятга жуда алоқадор, иккинчисининг бундай алоқаси асло йўқ эканлиги объектни қидиришга катта ёрдам беради. Масалан, иш бўйича барча “Тико” машиналари эмас, балки фақат оқ рангли, бамперининг чап томони шикастланган, чироғи сингани қидирилиши кераклиги вазифани анча енгиллаштиради. Ана шу шикастланган автомашинани бошқа шу гуруҳдагиларидан фарқлаш криминалистик диагностика таълимотига оиддир.

«Диагностика» сўзи грекча бўлиб, «фарқлаш», «аниқлаш» деган маънони англатади. Медицинада касалланишнинг одатий, унга ўхшаш симптомларга эга бўлган бошқа формаларидан ажратилганда диагностика тушунчаси ишлатилади. Криминалистикада бу текширилаётган ҳолатни одатий ҳолат билан ўхшашлигини аниқлашдан ташқари фарқлаш, яъни шу ҳолатни унга ўхшаш ҳолатлардан ажратиш, дифференциялаштириш тушунилади.

Криминалистик диагностиканинг умумий вазифаси объектив ҳақиқатни объектнинг хусусиятлари ва ҳолатларини ўрганиш орқали аниқлашдир. Бинобарин, диагностика замирида умумий воқеалар ва уларнинг натижалари бўйича таниб олиш жараёни ётади.

Диагностика мураккаб суд–исботлов тизимининг усулларидан бири сифатида ҳақиқатни аниқлаш умумий қонун-қоидаларига тўлалигича мос келади.

Криминалистик диагностиканинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) жиноят содир этилган вазиятни ўрганиш (жиноят қаерда, қандай вазиятда содир этилган, мавжуд изларнинг қайси бири жиноятга алоқадор);

2) ҳодисанинг турли босқичига оид механизмни ўрганиш (тўсиқни бузиб ўтишнинг хусусияти ва йўналиши, транспорт воситаларининг тўқнашувдан олдин ва ҳодиса пайтида ўзаро жойлашуви, қалбаки пул белгилари тайёрлашнинг усуллари ва ҳоказо);

3) ҳодиса юз берган жойдаги буюмларнинг алоҳида белгиларини аниқлаш (уларнинг ҳолати ва хусусиятлари, жиноят қуролини танлашга, жиноятчи ва унинг кийимида из қолдиришга, жиноятни яширишга алоқадорлик);

4) жиноий ҳодисанинг вақтга оид хусусиятларини ўрганиш (қачон юз берган, уни амалга ошириш учун қанча вақт кетган бўлиши мумкин, қайси излар аввал, қайсилари кейинроқ пайдо бўлган ва ҳоказо);

ҳаракатда бўлган объектларнинг миқдори ва хусусиятларини аниқлаш (жиноят иштирокчилари нечта бўлган; қулфни очган шахс профессионал маҳоратга эга бўлганми, ўқ отиш қуроли ёки портловчи моддаларни тайёрлашда қандай мосламалар ишлатилган ва ҳоказо).

сабабли боғланишни ўрганиш (маълум бир хатти-ҳаракатлар ва келиб чиққан натижа ўртасида сабабли алоқалар борми, ёнғиннинг сабаби, тепкини босмай юз берган ўқ отилишининг сабаби нима ва ҳоказо).

Баён этилганларни инобатга олган ҳолда криминалистик диагностикани объектнинг (вазиятнинг) хусусиятлари ва ҳолатларини унда юз берган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида текшириш, ушбу ўзгаришларнинг сабабини ва уни содир этилган жиноят билан алоқасини аниқлаш деб таърифлаш мумкин.

Диагноз тушунчаси дастлаб тиббиёт билан, касалликни аниқлаш билан боғлиқ бўлган. Фан ва техниканинг ривожланиши, билим ва усулларнинг бирлашуви, уларнинг бир соҳадан иккинчисига ўтиши сайин диагностиканинг техник, ботаник, зоологик, психологик ва бошқа тушунчалари пайдо бўлди ва татбиқ этила бошлади.

Масалан, психологик диагностика суд-психологик экспертизасида кенг қўлланилиб, инсоннинг руҳий хусусиятлари ва ҳолатини аниқлаш усулларини ўз ичига олади: индивидуал фарқланиш, болалар ва ўсмирларнинг шахс сифатида ривожланиши, интеллект, ақлий заифлик ва ҳоказо. Техник диагностика суд-автотехника экспертизасида кенг қўлланилади.

Криминалистик диагностиканинг илмий асосларини яратиш учун алоҳида объектларнинг ва бутун бир жиноий вазиятларнинг ху-

сусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи катта ҳажмдаги кўп учрайдиган белгиларни таҳлил қилиш ва уларни бир тизимга солишга тўғри келади. Булардан келиб чиққан қонунийликлардан фойдаланилади.

Криминалист-трасолог излар классификациясига асосланиб, ҳодиса рўй берган жойда изларнинг пайдо бўлиш шароитларини аниқлаш бўйича диагностик вазифани ечади: аввал ҳар бир изни алоҳида, сўнгра бир турдаги излар гуруҳини, ундан сўнг ҳар хил излар гуруҳини ва уларнинг бирикмаси таҳлилига асосланиб бутун бир вазиятни диагностика қилишга ўтади.

Идентификацияда объектнинг белгилари бир-бирига мос келганда қидирилаётган объект деб эътироф этиш учун изда акс эттирилган белгилар билан солиштирилади. Диагностиканинг мақсади маълум, лекин ягона бўлмаган белгиларни аниқлашдир. Бу ерда қиёсий усул акс эттирилган тасвирлар орқали ўрганилаётган объектни такрорланувчи белгилари билан солиштириш учун ишлатилади. Ҳар қандай диагностиканинг (тиббий, техник ёки криминалистик) асоси ўхшашлик билан таққослашдир. Ўхшашликлари орқали таққослаш усули ёрдамида эҳтимоллик даражаси, ўхшашлик аломатлари сони ва уларнинг муҳимлигига боғлиқ бўлган хулосага келиш мумкин.

Криминалистик идентификация назариясида объектлар идентификациялаштирилувчи ва идентификациялаштирувчи, изланаётган ва текширилаётган турларга ажратилади. Бундай классификация диагностикада ҳам мавжуд. Бунда объектлар диагностикалаштирилувчи ва диагностикалаштирувчи, изланаётган ва ўрганилаётганга ажратилади. Диагностикалаштирилувчи - бу объектнинг ҳолати, хусусиятлари, ҳодиса механизмидир. Диагностикалаштирувчи эса, ҳолат, хусусият, механизмни моддий акс эттирувчи излар, аломатлардир.

Кўпинча, диагностикалаштирилувчи объект сифатида қандайдир конкрет нарса, диагностикалаштирувчи сифатида эса турли хил маълумот: қолип, нусха, тергов ҳаракатлари баённомаларидаги тавсиф, схемалар, режалар, кўрсатув фото-кино-видеотасвирлар учрайди. Конкрет объектни диагностикалаш, юқорида келтирилган маълумот билан чекланмай, алоҳида тергов ҳаракатлари; тергов эксперименти, ҳодиса юз берган жойни қайта кўздан кечириш, экспертиза ўтказишни талаб қилади.

Маълумотнинг ишончлилиги ва етарлилигига баҳо бериш жуда муҳимдир. У етарли ёки ишончли бўлмаса, яна қандай манбалардан

ва қандай воситалар ёрдамида текшириш, тўлдириш мумкинлигини аниқлаш лозим.

Ҳозирги пайтда диагностикани криминалистик экспертиза жараёнида ишлатиш ривожланган. Бунда қуйидаги вазифалар ҳал этилади.

Объектнинг бевосита хусусиятлари ва ҳолатини ўрганиш, шу жумладан, маълум бир андозага мос келувчи хусусиятларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, объект ўқ отиш қуролими, мазкур кукун гиёҳвандлик воситасими? Объектнинг асл ҳолати қандай бўлган, ҳужжатнинг бошланғич матнига қандай ўзгаришлар киритилган; одам қўлёзма ёзаётганда қандай ҳолатда бўлган; матнга химиявий таъсир кўрсатилганми, ювилганми, кийимдаги қон изларининг шакли ва жойлашишига қараб уларнинг пайдо бўлиш механизмини аниқлаш мумкинми; мазкур ҳужжат бланкини тайёрлашда махсус қоидалардан четга чиқишларга йўл қўйилганми, деган саволларга жавоб олиш имконияти бор.

Ҳаракат вақтини, кетма-кетлигини аниқлаш, ҳодиса жойидаги изларга кўра, жиноятчи қандай ҳаракат қилгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Терговчи алоҳида изларни аниқлаш ва уларни пайдо бўлиш сабабларини тушунтиришдан (сабаблари ва ўзаро алоқалари) бир хил излар гуруҳини ўрганишга ўтади ва сўнгра уларнинг аломатлари асосида жиноят ҳодисаси ҳақида муайян бир тахминни олға суради. Бу тахминни асослашда криминалистик диагностика пайтида аниқланган сабаб-натижа алоқалари муҳим аҳамиятга эга.

Криминалистик диагностиканинг элементлари бошқа тергов ҳаракатларини ўтказганда ҳам яққол кўзга ташланади. Терговчининг тинтув қилинаётган, сўроқ қилинаётган шахснинг хулқ-атвори, сўроқ пайтидаги реакциялари устидан кузатуви диагноз схемаси бўйича амалга оширилиши керак: белгилар таҳлили, тахмин қилиш, уни текшириш ижобий роль ўйнайди.

КРИМИНАЛИСТИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ ВА ДИАГНОСТИКА



ИДЕНТИФИКАЦИЯ БЕЛГИЛАРИ
Объектни єамраб олиш даражасига кўра
* Умумий
* Хусусий
Asамиятига кўра
* Гурysга оид
* Индивидиуаллаштирилишга кўра
Характерига кўра
* Миєдорига кўра
* Сифатига кўра
Объект билан алоєасига кўра
* Зарурият туфайли
* Тасодифий алоєаларга бо¦лиє

ОДАМ ИДЕНТИФИКАЦИЯ
Излар бўйича-єўл, бармоє, оёє, тиш ва тананинг бошєа аъзолари излари бўйича
Таниб олишда тасаввурдаги образ бўйича
Биологик ажратмалар бўйича
Єўёзма`матни бўйича
Ташєи єиёфани тасфирлаб бериш (о¦заки портрет) бўйича
Суяк єолдиєлари бўйича
Овознинг магнит ёзувлари бўйича
Фото, рентген ва бошєа тасвирлар бўйича

II бўлим. КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКА

4-боб КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКАНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§ Криминалистик техника тушунчаси ва унинг вазифалари

Криминалистик техника - фаннинг бир бўлими бўлиб, жиноятларни тергов қилиш жараёнида далилларни топиш, мустаҳкамлаш, кўчириб олиш ва тадқиқ этишда қўлланадиган махсус асбоб-ускуналар, техник воситалар ҳақидаги илмий-назарий билимлар тизими ҳисобланади. Шу билан бирга криминалистик техника далилларни топиш, уларни текшириш жараёнида қўлланадиган амалий билимдир.

Криминалистик техника бўлими жамиятнинг илмий ва техник ривожини таъминлайдиган табиий фанлар (биология, физика, химия ва бошқалар) янги техника-технология воситалари (компьютер технологияси, информатика кабилар) ютуқлари криминалистик фаолиятда, айниқса жиноятни тергов қилишда ва олдини олишда кенг қўлланилади.

Техник воситалар деганда, фақат асбоб-анжомларни (ёритувчи, ўлчовчи ва бошқаларни)гина эмас, балки техник қурилмаларни, махсус криминалистик фаолиятда қўлланиладиган микроскоплар, нурларни ва рангларни ажратувчи спектрографлар, овоз ёзиш, тасвир ёзиш ва бошқалар назарда тутилади.

Криминалистик техника бўлимига тергов жараёнида зарур бўлган информатик маълумотлар: изларни топиш ва текшириш, отиш қуролларини идентификация қилиш, турли маълумотларнинг манбаи бўлган ҳужжатларни тадқиқ этиш масалаларидан иборат. Мазкур бўлим тизимига, шунингдек, одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация қилиш ва криминалистик рўйхат маълумотларини қўллашнинг махсус қоидалари ҳам киради. Криминалистик техника тизимида турли объектларни, изларни тадқиқ этишда қўлланадиган услублар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Криминалистик техниканинг вазифаси содир этилган жиноятга доир маълумотларни қидириш, топиш, тадқиқ этиш ва аниқлашдан иборатдир. Жиноят эса, текширилаётган воқеа ҳолатининг моддий хоссаларида ўз аксини топади.

Криминалистик техника деганда жиноятни аниқлаш, очиш ва унинг олдини олиш учун фойдаланиладиган турли техника қурилмалари, ускуналар, аппаратлар, асбоблар, буюмлар ва мосламаларни тушуниш керак.

Криминалистик техникада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг илғор тергов тажрибаси, шунингдек, кимё, биология, физика ва бошқа фанлардан фойдаланилади. Криминалистик техника жиноятчиликка қарши курашда юқорида кўрсатилган фанларнинг айрим ютуқларини терговни олиб бориш вазифаларига мослайди, ижодий бойитади ва муайян мақсадда қўллайди. Шунингдек, криминалистиканинг ўз негизида махсус йўл-йўсинлари, услублари ва криминалистикада, бир томондан, табиий ва техника фанлари, бошқа томондан, жиноятларни очиш ва уларни олдини олиш учун яратилган услублар тизими жамланган.

Криминалистик техниканинг моҳияти жиноят воқеаси билан боғлиқ бўлган моддий вазиятни аниқлаш, ўрганиш, қайд этиш, техник воситалар, йўллар ва услубдан фойдаланиш, уларни тадқиқ қилиш, шунингдек, техник-криминалистик жиҳатдан тавсифлаш криминалистик аҳамиятга эга бўлган объектларни қидириш, идентификациялаш услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Жиноят - юз берган, содир этилган воқеадир. Жиноятчини топиш ва кейинчалик ўрганишда воқеа юз берган жойда, жабрланган одамнинг танасида, кийим-кечагида қоладиган моддий изларнинг аҳамияти каттадир. Криминалистик техника ҳар қандай из ва ашёвий далилларни топиш, сақлаб қолиш, қайд этиш, олиш ва тадқиқ этиш воситалари, йўл-йўриқлари ва услубларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Ҳар қандай жиноят ҳам конкрет вазиятда, муайян макон ҳамда вақтда содир этилади. Бундан келиб чиқадики, криминалистик техниканинг вазифаси конкрет объектлар ва ҳодисаларни аниқлаш имкониятини берадиган илғор услубларни яратишдан иборатдир.

Тезкор-қидирув фаолиятида ҳақиқий маълумотларни аниқлаш учун техника воситаси бўлиши лозим. Улардан олинган маълумотлар жиноятларни содир этган шахсларни аниқлашда керак.

Жиноятнинг турли ҳолатларини ўрганишга ёндашувни назарда тутиб, бу ёндашув муайян техник ҳаракатлар воситасида амалга оширилади.

Услубиёт тор маънода муайян вазифаларни ҳал этиш учун қўлланадиган бир неча услублар жамламасини билдиради. Масалан,

қалбаки белгиларни аниқлаш учун ҳужжатларни криминалистик тадқиқ этиш, микроскопия, рангларни фарқлаш, ультрабинафша нурларида таҳлил ўтказиш зарур.

Криминалистик техника воситалари жиноятларнинг олдини олишга, воқеа содир бўлган жойдаги вазиятни аниқ ифодалашга, тергов ҳаракатларини ўтказиш ва натижаларини қайд этишга, ашёвий далилларни тўплаш, кўздан кечириш ва тадқиқ қилишга қаратилган.

Криминалистик техника воситаларини қўллаш тактикаси, дейилганда тергов олдига кўйилган масалаларни ҳал этишга эришиш мақсадида айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида ана шу воситалардан оқилона ва самарали фойдаланиш тушунилади.

Криминалистик техника бир қатор тармоқларни ташкил этади: криминалистик фотография, видео ва овоз ёзиш, кинога олиш воситалари шулар жумласига киради. Улар криминалистика курсининг бошқа тактика ва услублари билан боғлиқ. Бу тармоқлар жиноят изларининг ҳосил бўлиш механизмини ва уларнинг аломатларини ўрганади. Криминалистиканинг бошқа соҳалари: идентификациялаш ва диагностика, кўздан кечириш, тинтув ва эксперимент ўтказиш тактик жиҳатдан ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ.

Криминалистик техника воситалари ва услублари тергов, тезкор-қидирув, экспертиза ва суд амалиёти эҳтиёжларига асосланиб ишлаб чиқилади.

Криминалистик техника воситалари ва услублари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Биринчи гуруҳга жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишда фойдаланиладиган фотография, видео ва овоз ёзиш, кинога олиш воситалари, биология микроскоплари ва бошқа оптик асбоблар, автомобиль ва авиация транспорти, телефон, телеграф, фототелеграф, радио, таҳлил қилиш қурилмалари, компьютерлар каби умумий техника воситалари киради.

Иккинчи гуруҳ фан ва техниканинг турли тармоқларидан олиниб, криминалистика мақсадлари учун мослаштирилган техника воситаларидан ташкил топган. Булар жумласига ультрабинафша ва инфрақизил нурлардан фойдаланишда ишлатиладиган турли ёритгичлар, қидирув воситалари, кўчма криминалистик лаборатория киради.

Криминалистик мақсадлар учун махсус тайёрланган техника воситалари ва услублари учинчи гуруҳни ташкил этади. Булар жумласига қидирилаётган шахснинг ташқи қиёфасини моделлаштирувчи

техника воситалари, папиляр нақшлар, ўқлар, гильзалар ва бошқа объектларни ўрганадиган оптик асбоблар, воқеа содир бўлган жойдаги изларни текширишда фойдаланиладиган қидирув асбоблари ва материаллари киради.

Криминалистик техника воситалари ва услублари икки хил фаолиятга тегишлидир. Биринчи турга далилларни топиш, олиш ва қайд этишда тергов ҳаракатларини ўтказишда фойдаланиладиган криминалистик воситалар киради.

Иккинчи турга асосан криминалистик экспертизалар ўтказишда қўлланиладиган воситалар киради. Бу гуруҳдаги техник воситалари жумласига угломерлар, микрометрлар, диометрлар, фотометрлар ва бошқа турли оптика асбобларни, лупалар, микроскоплар люминесценция лампалари, спекторофотометрия, рентген, хромотография аппаратларини киритиш мумкин.

2-§ Криминалистик техника текширув воситалари ва услублари

Криминалистик техника воситалари турли-туман бўлади. Улар орасида биринчи навбатда объектларни ёритадиган асбоблар зарурдир. Энг кўп тарқалган сунъий ёруғлик манбаларига турли хил қиздириш лампаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундан ташқари, маиший турмуш ва санъат соҳасида фойдаланадиган ёритиш воситалари, кучли ёритгичлар, электроёритгичлар ва галоген лампаларидан ҳам фойдаланилади.

Криминалистика мақсадларида фойдаланиладиган ёритгич аппаратурасини уч тури мавжуд:

-умумий ёруғлик берувчи;

-муайян йўналишни тутам нурларда ёритувчи;

-ёруғликнинг махсус манбаларидан иборат турлари.

Ёруғликнинг махсус манбалари жумласига турли нусхадаги ультрабинафша ёритгичлар: ”УХ-1”, “ультраёритгич”, мўъжаз ультрабинафша ёритгич, люминоскоплар, кўк рангдаги нурларга мўлжалланган асбоблар, электрон-оптика ўзгартириш мосламаси ва бошқалар киради. Мазкур асбоблар кўриш қийин бўлган ёки кўринмайдиган биологик (қон, сперма, сўлак, сийдик, тер, сут ва шу кабилар) изларни; махсус кимёвий моддаларнинг ёнилғи-мойлаш материаллари, елимларни; отилган ўқнинг излари ва шу кабиларни топиш имкониятини беради.

Ультрабинафша ва кўк нурларнинг самараси шундан иборатки, уларнинг таъсири остида юқорида санаб ўтилган объектларнинг ўзи люминисценциялана бошлайди. Люминисценция ҳодисасини янада яхшироқ қабул қилиш учун асбоблардан фойдаланиш мўлжал қилинаётган бинони қоронғилаштириш лозим.

Оптика асбоблари ашёвий далиллар ёки изларнинг айрим деталлари ўз ҳажмига кўра жуда кичик бўлса ва уларни оддий кўз билан кўриб бўлмаса, уларнинг кўринишини катталаштириб топиш ва кўздан кечириш учун талаб қилинади. Лупа - тасвирни бевосита катталаштириб берувчи оптик асбоб ҳисобланади. Катталаштириш унчалик кўп бўлмаган (2-3 марта) лупалар икки ёклама қабариқ мусбат линзадан иборат бўлиб, фокус оралиғи 10ммдан 100 мм гачани ташкил этади. Неча марта йириклаштирилишига қараб, лупанинг катталаштириш даражаси белгиланади. Ашёвий далиллар билан ишлашда одатда етти баробаргача катталаштирилиб берадиган линзалардан фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда криминалистика амалиётида излар ва бошқа майда объектларни топиш учун ўрнатиладиган лупалар, ўлчов лупалари, бинокуляр, дактилоскопик лупалар, ёритувчи лупалар, зарра лупалари қўлланилади.

Микрообъектларни қидириш ва топиш учун ёритиладиган ўрнатиладиган лупа жуда қулайдир. Бундай лупа гардишига ўрнатилган асосий линза (3-6 марта катталаштирадиган диаметри 130 мм) ва қўшимча линзадан иборат оптика тизимини ташкил этади. Қўшимча линза 4 марта катталаштиришни таъминлаш учун қўлланилади. У олиб қўйиладиган таянч ёрдамида асосий линзанинг гардишига мустаҳкамланади.

Лупанинг асосий линзаси ўрнатилган гардиш айланаси бўйлаб жойлаштирилган ёритгич лампалар объект кўриш майдонининг бир текис ёритилишини таъминлайди. Улар қувватни ўзгарувчан ток тармоғидан пасайтирувчи трансформатор орқали олади.

Папилляр нақшларни тадқиқ этиш учун дактилоскопик лупадан фойдаланилади. Унинг гардиши суриладиган тарзда ҳалқа асосига мустаҳкамлаб қўйилган металл штативига ўрнатилган. Штатив асосига айлана шаклидаги ойна шиша ўрнатилган бўлиб, унинг диаметри бўйлаб папилляр нақшнинг муайян участкасида (масалан, папилляр нақшнинг маркази ва делтаси ўртасидан) папилляр чизиқларни санашни енгиллаштирувчи ингичка чизиқ ўтказилган.

Тўқимачилик газламаларини тадқиқ қилиш учун 4 ва 7 баробар катталаштириб берадиган махсус лупадан фойдаланилади. Бундай лупа ўрнатгичга эга бўлиб, унинг асоси 1х1 ёки 2х2 сантиметрли туйнукчалардан иборат. Таққосланаётган газлама намуналарининг толаиплари миқдорини ҳисоблаб чиқишда чеклагич вазифасини бажаради. Таққослама тадқиқ этилганида 1 ёки 2 сантиметрли ипларнинг миқдори ҳисоблаб чиқилади.

Ҳужжатлар, излар ва бошқа ашёвий далилларни кўздан кечиришда кўзойнаксифат бинокуляр лупалардан фойдаланилади. Бундай лупа икки линзадан ёки линзаларнинг икки системасидан ташкил топади. Уларнинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида иккала кўз билан кузатув олиб бориш мумкин. Лупалар ёрдамида катталаштирилган ҳажмлар етарли даражада бўлмаса, ашёвий далилларни тадқиқ этиш учун микроскоп қўлланилади.

Ҳужжатлар, турли хил ашёвий далиллар, ўқотар қуроллар, соч толалари, чанг, кукун микроскопда тадқиқ этиладиган объектлар ҳисобланади.

Микроскоп ашё белгиларини бир неча юз марта катталаштириб кузатиш имконини беради.

Микроскопнинг асосий қисмлари: тубус, ўрнатгич, ашё столчаси, окуляр объектив, конденсор ва ойнадан иборатдир.

Микроскоп объективлари муайян фокус масофаси қанчалик кам бўлса, катталашиш шунчалик кўп бўлади. Объектив гардишида унинг ёруғлик кучи кўрсатилган бўлади.

Микроскопда тадқиқот ўтказилганда объектнинг кучли ва бир текис ёритилиши талаб қилинади. Микроскоп учун ёритгич (масалан, ОН-5, ОН-7, ОН-9) одатда ёритиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Криминалистика фаолиятида, хусусан тадқиқотлар ўтказиш вақтида кўпинча қиёслама микроскоплар қўлланилади. Бундай микроскопларнинг тузилиши тенг икки қисмга бўлинган бир кўриш майдонида бир вақтнинг ўзида ўзаро қиёсланадиган иккита объектни кузатиш мумкин. Кузатилаётган манзара иккита объектив, иккита акс эттирувчи призма, ажратувчи призма ва окуляр ҳисобига ҳосил бўлади.

Қиёслама микроскоп ёрдамида кўпинча ўқ ва гильзалардаги, бошқа трасология объектларидаги излар тадқиқ этилади.

Бир қатор экспертиза муассасаларида бошқа турдаги микроскоплар (МИС-6, МИМ-70) ишлатилади. Бундай микроскоп вертикал йўналишда ёритиш учун мўлжалланган бўлиб, металл ва қоришмала-

рдан тайёрланган буюмларнинг кристаллик структурасини ўрганиш, қалам ва нусха кўчириш қоғози штрихларини дифференциялаш, кесишган штрихлар қандай кетма-кетликда тушганлигини аниқлаш имконини беради.

Экспертиза муассасаларида электрон микроскоплар мавжуд бўлиб, бундай микроскоплар штрихлар, толалар, биологик объектлар (соч толалари) каби криминалистик тадқиқот объектларининг юксак даражадаги ечимини билиш имкониятини беради.

Электрон микроскопиянинг дифракцион услуби моддаларнинг кристаллик структурасининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш қалам, сиёҳ, бўёқ, пластмасса моддаларини ўрганиш имкониятини беради.

Тери нақшлари-изларни аниқлаш воситалари. Изларни қидириб топиш учун дастлаб оптика (кўриш) услубидан фойдаланиш тавсия қилинади. Чунки бу услуб изларга ҳам, ўзида из қолдирувчи буюмларнинг сиртига ҳам бирор бир таъсир кўрсатмайди.

Буюмларни (қия нурлар билан) ёритиш учун турли хил ёритгич асбоблар қўлланилади (масалан, чўнтакда олиб юриладиган электр фонар ОН-9, ОН-19 ва бошқа ёритгичлар).

Ўзида из қолдирувчи объектнинг рангига қараб турли хил ёруғлик фильтрлари, шу жумладан, ультрабинафша (УФС) фильтрлардан фойдаланиш мумкин. Ультрабинафша нурларининг унда фаянс ва сопол буюмлардан қолдирилган ёғ излари, қўл изларини хусусияти кузатганда яхши натижаларга эришилади. Тери нақшларини кўз билан кўришнинг иложи бўлмаган ҳолларда, уларни аниқлаш учун турли хил кукунлардан (мис оксиди, рух оксиди, графит, қора куя, водород билан қайта тикланган темир) ёки уларнинг аралашмаларидан (рух оксиди, алюминий, рух-кўрғошин оксиди) турли хил нурлатувчи кукунлардан рух, йод буғлари), физик усуллардан (ёки тер-ёғ моддаларининг элементлари билан ўзаро таъсирга кирувчи азот кислотали кумушнинг сув аралашмаси) ёхуд кимёвий усуллардан фойдаланилади.

Кукун суртиш учун юпқа дактилоскопик шакллар чанглатувчи сачратқичлар, йод найчалари-субиматорлар ва магнит шкалларидан фойдаланилади.

Кўзга кўринмас излар кимёвий усулда азот кислотасини кумуш ёки ацетонга солинган нингидрин ёрдамида аниқланади.

Электрон-оптик ўзгартиргичлар - излар ва бошқа ашёвий далилларни инфрақизил нурларда кўздан кечириш ва тадқиқ қилиш имко-

нини берувчи асбоблардир. Унинг асосий қисмлари: корпус “ВЭС-4” русумдаги ўзгартиргичларни ўзи объективи, окуляр, инфрақизил фильтр иккита гальваник элементли қувват блокидан иборат. Мазкур асбобдан фойдаланилганда объектив фотокатодда (махсус таркибли модда билан сирланган пластинка) кўзга кўринмас тасвирни ҳосил қилади. Инфрақизил нурлар таъсири остида фотокатод ўзидан электронлар оқимини чиқаради. Бу электронлар люминесенцияловчи экранда магнит “линза” орқали фокусга тўпланиб, окуляр орқали кўзга кўринадиган тасвирни вужудга келтиради. Инфрақизил ўзгартиргичлар сифатида С-70 русумидаги портатив ёки “Рельеф-1”, стационар электрон-оптик ўзгартиргичдан фойдаланиш мумкин.

Криминалистик аҳамиятга эга бўлган яширин объектларни топиш учун турли хил қидириш асбоблари ва мосламаларидан фойдаланилади. Улар мўлжаллаган мақсади, тузилиши ва ишлаш принципларига кўра фарқланади.

Ерга кўмилган мурдаларни қидириб топиш учун ичи ғовак махсус электр асбоби «шуп»дан фойдаланилади. Мазкур асбобнинг амал қилиши тупроқнинг электр қаршилигини ўлчашга асосланган.

Оқсил моддалари парчаланган жойларда тупроқ газсимон ва суюқ моддалар билан тўйинади. Натижада мазкур жойда тупроқнинг электр ўтказиш хусусияти ошади. Бу ҳолатни микроамперметр стрелкаси кўрсатади.

Сув остида мурдалар ва мурда қисмларини турли кийим ва бошқа нарсаларни қидириб топиш ва чиқариб олиш учун «трал»дан фойдаланилади.

Металл буюмларни қидириб топишда металл қидирувчи асбоблар, шунингдек, криминалистика мақсадлари учун махсус яратилган воситалар қўлланилади.

Индукцион металл қидириш асбоблари қора ва рангли металлардан ясалган буюмларни қидириб топиш имконини беради.

Магнитли қидирувчи кўтаргич ферромагнит металлардан тайёрланган турли хил ашёлар ёки уларнинг қисмларини қидириб топиш ва чиқариб олиш учун мўлжалланган. Унинг ишлаш принципи магнитнинг ферромагнит металларини ўзига тортиш ва ўзида ушлаб туриш хусусиятига асосланган.

Суд экспертизасининг ривожланиши муносабати билан айрим тергов ҳаракатларининг амалга оширилиши вақтида олиб қўйилиши лозим бўлган объектлар доираси кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда қаттиқ, суюқ ва сочилувчи моддалардан ташқари, жуда кам миқдорда топиладиган газсимон моддалар ҳам олиб қўйилмоқда.

Имкониятига қараб ҳид тарқатувчи нарсанинг ўзи (қўлқоп, бош кийим, рўмолча ва шу кабилар) олиб қўйилиб, зич ёпиладиган тиқинли мосламага жойлаштирилади. Бундай қилишнинг имкони бўлмаган ҳолларда инсондан тарқаладиган ҳид манбаи изига 20-30 минут давомида ҳидни ўзига яхши сингдирувчи махсус газлама парчаси қўйилиб, кейинчалик у пинцет ёрдамида зич ёпиладиган идишга олинади. Қайд этишнинг бундай услуби амалиётда жуда қўл келади.

Тез буғланиб кетадиган модда изларини, масалан, бензин, керосин, дизель ёқилғиси қолдиқларини герметик идишларга жойлаш лозим бўлади.

Моддий моделларни тайёрлаш учун нусха тайёрлаш материалларидан (парафин, гипсдан) кенг фойдаланилади. Улар икки турга бўлинади: термопластик ва суюқ материаллар. Биринчи тур материаллар жумласига пластилин, мум, парафин, тез эрувчан металлар киради. Иккинчи турга гипс, АКР-100 ст, “К” ва “Д” пасталари, СКТ-Ннни киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирадиган материаллар ёрдамида қаттиқ ва пластик қолиплар, иккинчи гуруҳга кирадиганлари ёрдамида эса, қаттиқ ва эластик қолиплар тайёрлаш мумкин. Бундай моделлар рельеф изларининг шакли, катта-кичиклиги ва ўзаро қандай жойлашганлигини аниқ акс эттиради.

Микроскопик текширувлар. Экспертиза амалиётида микроскопик услублар катта аҳамиятга эга бўлиб, турли объектлар, моддалар устида тадқиқот ўтказишда қўлланилади.

Микроскопик услуб объектнинг турига қараб шуъла ёруғида ёки акс этган ёруғликда ўтказилади. Экспертиза амалиётида борган сари кўпроқ микроскопик услуб қутблашган ёруғликда ўтказилмоқда. Бундай услуб кристалл моддаларни, табиий ва кимёвий толаларини, дон, крахмал, айрим ўсимлик ва ҳайвонот тўқималарини тадқиқ этиш имконини беради. Бу каби тадқиқотлар ёрдамида кўпгина материалларни идентификациялаш, шунингдек, уларнинг тузилмасига оид фарқларни аниқлаш мумкин бўлади. Янги услублардан бири-тўлқин ҳосил қилувчи электрон микроскопидир. Ушбу услуб орқали сиртга эга бўлиб, юқори вакум шароитида ўз тузилмасини сақлаб қоладиган ва электрон нурлари тарами остида ўзгармайдиган объектларни тадқиқ этиш мумкин.

Тўлқин ҳосил қилувчи электрон микроскопия услубидан соч толаларини тадқиқ этишда уларнинг ажралиш механизмини, ташқи муҳит, кимёвий ишлов бериш таъсири изларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Тўлқин ҳосил қилувчи электрон микроскопиядан экспертиза амалиётида турли материалларнинг зарраларидан ҳосил бўлган микроиз белгиларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Тўлқин ҳосил қилувчи микроскопия ёрдамида олинган тўқимачилик толаларининг морфологик белгиларини микроскопик тадқиқ қилиш асосида толалардан ҳосил бўлган микроизлар аниқланади ва таққосланади.

Элементлар таркибини ўрганиш услублари ва воситалари турли материаллар ва моддаларни криминалистик экспертиза қилишда кўп йиллардан бери қўлланилиб келинмоқда. Булар жумласига, атом спектрометриясининг услуб ва воситаларини, рентгеноспектрал услублар ва нейтроннинг активацион таҳлилини киритиш мумкин.

Эмиссион-спектрал таҳлил - бу услуб махсус асбоб- спектрофотометр ёрдамида амалга оширилади. Бундай таҳлил туфайли турли хил бўёқлар, автомобилларнинг лак бўёқларини, порохларни, гиёҳванд моддаларни, мойларни, заҳарли кимёвий моддалар ва бошқа шу кабиларни тоифалаш мумкин бўлади.

Элементлар таҳлили транспорт воситаларининг лак-бўёқларини, мато ва толаларни идентификациялаш, тупроқ қолдиқларини тадқиқ этиш учун қўлланилади. Табиий гиёҳларнинг элементлар таркибидан бундай ўсимлик гиёҳванд моддаларнинг қайси минтақада ўстирганлиги ва уни етиштириш технологиясини аниқлаш учун фойдаланилади. Синтетик гиёҳванд моддаларни тадқиқ этишда элементлар таркиби бундай моддаларни тайёрлаш технологиясини аниқлаш имконини беради. Айни вақтда улар қайси минтақада ишлаб чиқарилганлигини ҳам тахмин қилиш мумкин бўлади. Элементлар таркиби қимматбаҳо тошларни фарқлаш имконини ҳам беради.

Атом спектрометрияси ҳамда бошқа услуб ва воситалар буюм асл эканлиги ёки унинг қалбакилигини аниқлаш имконини беради. Масалан, унинг ёрдамида у ёки бу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгарган вақтини аниқлаш мумкин. Элементлар таркибини таҳлил қилиш воситалари ва услублари бошқа восита ва услублар билан биргаликда этил қўшилган бензин ва озиқ-овқат ёғларининг бузилганлик даражасини, олтин ёки олтин буюмлари би-

лан бирга турган матолардаги олтиннинг микрозарраларини аниқлашда қўлланилади.

Порохларнинг элементлари таҳлили уларни ўқотар қуролларни қўллаганлик билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича табақалаштириш имконини беради. Ўқ теккан тешик атрофида қолган одам тўқималари ёки терисининг таҳлили нафақат ўқ узилган масофани, балки қуролнинг тури, калибрини ҳам аниқлаш имконини беради.

Молекуляр спектрометрия. Молекуляр спектрометриянинг услуб ва воситалари спектр олиш орқали дори-дармонлар, заҳарловчи моддалар, пластмассалар, лак-бўёқ, ёқилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимёвий толалар ва резиналарни таҳлил қилишда қўлланилади. Суд экспертизасида аксарият ҳолларда инфрақизил спекроскопия услуби қўлланилади. Уларнинг ёрдамида кимёвий қўшилмалар идентификация қилинади.

Экспертиза амалиётида инфрақизил спекрометрия услублари ва воситалари, нефть маҳсулотлари, мойлар, лак-буёқ материаллари, толалар, полимерлар, пластмассалар, золдирли ручка пасталар, портловчи моддалар олиш имконини беради. Ушбу услуб ёрдамида тасодифий ҳосил бўлган органик моддаларнинг таркиби тўғрисидаги маьлумотни олиш айниқса аҳамиятлидир.

Ашёвий далилларнинг суд экспертизаси амалиётдаги самарадор услуб ва воситалар қаторига спектраль люминисценция анализини ҳам киритиш лозим. Ушбу услуб ёқилғи-мойлаш материалларини, заҳарли моддаларини тадқиқ этишда қўлланилади, шунингдек, саноат чиқиндиларида углеводлар мавжуд бўлган участкаларни, таркиби турлича бўлган шишаларни табақалаштириш имконини беради.

Спектраль таҳлил, ўқ отиш жараёнида ўқ стволдан чиқаётган пайтида унинг сирти қирилиши оқибатида металлда ҳосил бўлган жуда кичкина изни ҳам, порох қуруми изларини ва бошқа йўллар билан топиб бўлмайдиган ўзга изларни аниқлаш имконини беради.

Айрим қотишмалар, масалан қўрғошин қотишмаси спектраль таҳлил ёрдамида тадқиқ этилганида қотишманинг маркасини, агар махсус аралашмалар мавжуд бўлса, бу қотишма қаерда ишлаб чиқарилганлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Бундай услуб ёрдамида таркиби жиҳатидан бир-бирига жуда яқин бўлган қотишма ва қўшилмаларни ҳам фарқлаш мумкин. Мана шундай таҳлил ёрдамида қиёсланаётган объектларнинг, масалан, мурдадан олинган майда зар-

рачаларнинг гумон қилинаётган шахсга қарашли патрондаги заррачаларга ўхшашлигини ва айнанлигини аниқлаш мумкин.

Объектларнинг тузилиши ва фазовий таркибини тадқиқ этиш услуби. Материаллар, моддалар ва буюмларнинг тузилиши ва фазовий таркибини ўрганиш учун аксарият ҳолларда металография услублари ва рентген таҳлилидан фойдаланилади.

Металлографик тадқиқ этиш, масалан, металларнинг путурдан кетиши, ёнғин, авария ёки портлашга сабаб бўлган-бўлмаганлигини, ёхуд унинг оқибати эканлигини аниқлаш имконини беради. Ёнғин зонаси ва марказини аниқлашда металлография услублари ёрдамида металл буюмларнинг иссиқлик даражасини ва қизиш муддатини белгилаш мумкин бўлади. Металл ва қотишмалар қиздирилганда уларнинг сиртида турли ранглар ўзгаради. Улар ёрдамида металл ва қотишмалар иссиқлик даражаси ва вақт нуқтаи назаридан интервалини билиб олиш мумкин.

Материаллар ва моддаларни криминалистик экспертиза қилиш амалиётида рентген таҳлили услублари ва воситалари кенг тарқалган. Бу орқали ашёвий далилларнинг фазовий таркиби ва унинг тузилишидаги ўзгаришларни пухта аниқлаш мумкин. Мазкур услубдан кристаллсимон тузилишга эга бўлган деярли барча объектларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Рентген ёрдамида фазовий таҳлил тадқиқоти тез ва пухта ўтказилишини таъминлайди, бу орқали олинган кўрсаткичлар эса, автоматлаштирилган ҳолда ишлаб бериш учун ЭҲМ га киритилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда таҳлил қилишнинг бундай усули гиёҳванд моддалар, қимматли қоғозлар ва ҳужжатларнинг материалини, лак-бўёқларни, бинокорлик материалларини, фармацевтика препаратларини, заҳарли моддаларни, кимёвий толаларни, металл ва қотишмалардан тайёрланган буюмларни тадқиқ этишда муваффақиятли қўлланмоқда.

Хромотографик услуб ва воситалар моддаларнинг фракция ва молекуляр таркибини аниқлаш имконини беради. Ушбу услуб моҳияти шундан иборатки, тадқиқ этилаётган модданинг таркибий қисмларини ажратиш ва ажратилганларни таҳлил қилишдан иборатдир. Экспертиза амалиётида хромотографиянинг бир неча хиллари қўлланиб келинади. Таркибий қисмларни бўлиш усулига қараб, тадқиқ этилаётган модда: қоғоз, юпқа қатламли, газ-суюқлик, устунсимон хромотография кабиларга бўлинади.

Юпқа қатламли хромотография энг кўп тарқалган услуб бўлиб, органик тарзда пайдо бўладиган объектлар-гиёҳванд моддалар, дори-дармонлар, бўёқлар, заҳарли кимёвий моддалар, сиёҳ, нефть маҳсулотлари, ёғ, мой ва бошқа моддаларни таҳлил этишда қўлланилади.

Хромотография деб икки босқичдан иборат тадқиқот услубига айтилади. Биринчи босқичда тадқиқ этилаётган модданинг таркибий қисмлари ажратилади, иккинчи босқичда эса, ажратилган ҳар бир қисм таҳлил этилади.

Ҳужжатлар техник жиҳатдан таҳлил этилганида юпқа қатламли услуб ёрдамида турли таркиб бўйича тайёрланган бир хил рангдаги сиёҳларни ажратишгина эмас, балки техник жараёнларнинг тебраниши билан боғлиқ фарқни рўйхатга олиш ҳам мумкин. Бу услуб тўқимачилик толаларининг буёқларини таҳлил этиш вақтида кенг қўлланилади. Органик моддалар ва уларнинг аралашмалари қайси гуруҳга мансублигини, тадқиқ этилаётган моддаларнинг сифат ва миқдор таркибини, бир хиллиги ёки турлича эканлигини аниқлаш учун газ-суюқлик хромотографияси услубидан фойдаланилади.

Газ хромотографияси жараёнида “газ хромотографияси” деб аталган махсус асбоб қўлланилади. Ҳозирги замон хромотографлари ЭҲМ билан жиҳозланган бўлиб, улар кўпгина экспертиза вазифалари ҳал этилишида, жумладан нефть маҳсулотлари турини аниқлаш, бензин, дизель ёнилғиси ва автол маркасини тоифага ажратиш, автомобиль ёнилғиси таркибида нефть маҳсулотларини аниқлаш, тадқиқ этилаётган объектда гиёҳванд модда бор-йўқлигини топиш, келиб чиқиш манбаига қараб намуналарни табақалаштириш мумкин.

Ушбу услубдан вино-ароқ маҳсулотларини, озиқ-овқат маҳсулотларини тадқиқ этишда, қон таркибида алкогол бор-йўқлигини аниқлашда, тамаки, резина полимер материаллари, клейлар, портловчи моддалар ва бошқа объектларни текширишда, ҳид таркибини тадқиқ этишда, суюқлик ва газ таркибини белгилашда фойдаланилади.

Полиграфия услуби “полиграф” деб аталувчи махсус прибор орқали амалга оширилади. Мазкур услуб суюқ моддаларни, ўқ отиш снарядларини, металлар, заҳарли моддалардан қолган изларни аниқлашда қўлланилади.

Радиоактивликка оид таҳлил. Материаллар ва моддаларни тадқиқ этишда яна бир юқори таъсирчан услуб радиоактивликка оид таҳлил қўлланилиши мумкин. Бу услуб объект ядро реакторида нур-

латилганда унда пайдо бўладиган сунъий радиоактивликни ўрганишга асосланган.

Криминалистик техниканинг бу услуби яқиндан ўқ узилганда, тўсиқларда қолган изларни, ўқ узган одамда қолган изларни, биологик объектлардаги заҳарли моддаларни, биологик тўқималардаги микро элементларни аниқлашда қўлланилади.

Фан-техника тараққиёти шароитида криминалистик техниканинг ривожланиш истиқболлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фан ва техниканинг умумий тараққиёти негизида кримииналистик техниканинг илмий қоидаларини ишлаб чиқиш;

- далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, уларга баҳо бериш ва улардан фойдаланишнинг техник-криминалистик восита ва услубларини такомиллаштириш, янгиларини яратиш;

- жиноятчиликка қарши курашда техник-криминалистик воситалари ва йўл-йўриқларини қўллашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа масалаларини ишлаб чиқиш.

Криминалистик техниканинг тараққиёти икки йўналишда боради.

Бир томондан криминалистик техника муаммоларини умумназарий жиҳатдан ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилиши, иккинчи томондан далил-исботларни топиш, олиб қўйиш, қайд этиш ва тадқиқ қилиш, улар устида ишлашнинг конкрет техника-криминалистика воситалари ҳамда йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Сўнгги вақтларда турли криминалистика объектларини тўплаш, улар устида ишлаш, тадқиқ қилиш ишида компьютер техникасидан фойдаланиш имкониятлари кўзга ташланмоқда. Компьютер дастлабки марта дактилоскопия ва дастхатшунослик тадқиқотларида қўлланилган.

Дактилоскопияда ҳозирги вақтда кодлаштирилган бармоқ изларини машина ёрдамида қидириб топиш ва қиёслаш услуби қўлланилмокда. Бу услуб дастлабки тарзда кодлаштирилмаган ҳолда махсус қурилма ёрдамида папилляр нақшларни автоматик таниш қоидаларига асосланган.

Криминалистика фаолиятида бундай воситалардан фойдаланиш воқеа содир бўлган жойда топилган бармоқ изларини компьютер хотирасидаги бармоқ излари билан тезкор равишда солиштириш имконини беради. Махсус ишлаб чиқарилган алгоритм дастури ёрдамида у

ёки бу қўлёзма матнини бажарган шахсни идентификациялаш имкониятини вужудга келтиради.

1-расм, Биологик текширув микроскопининг умумий кўриниши «МБС-10»

2-расм, Объектларни қиёслаб текширув микроскопи МИМ-2

3-§ Криминалистик техниканинг тергов ва тезкор-қидирув ишларида қўлланилиши

Криминалистик техникани тезкор ходимлар, терговчилар мутахассис криминалистлар, суд ўз ваколати доираларида қўллайдилар. Бундай техника жумласига терговчилар ва криминалистика экспертизаси бўлимларининг ходимлари фойдаланадиган илмий-техника воситаларининг комплектлари, кўчма криминалистика лабораториялари, овоз ёзиш аппаратуралари киради. Жиноятларни олдини олиш ва жиноятларни жадал аниқлаш, жиноятчиларни қидириш ва ушлаш учун тезкор ишларда қўлланиладиган воситалар, турли хил сигнал берувчи қўриқлаш қурилмалари, ҳужжатларни қалбакилаштиришдан ҳимоялаш воситалари-кимёвий жиҳозлар ҳам криминалистик техника жумласига киради.

Криминалистик техника воситаларидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда, кўздан кечириш, тинтув, сўроқ, эксперимент ва бошқа тергов ҳаракатларини бажаришда ва ашёвий далилларни ўрганиш, видео, кино ҳужжатларини кўриш, магнит ёзувларини эшитиш ва бошқа вақтларда фойдаланадилар.

Криминалистик техника тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ ишларни исбот қилишда, далиллар қидириб топишда, жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олишда ҳамда зарур маълумотларни аниқлаш, қайд этиш ва тадқиқ қилишда фойдаланилади.

Тергов ҳаракатлари жараёнида криминалистик техника жиноятнинг моддий ҳолатини қайд этиш, далилларни топиш, олиш ва сақлаш, уларни тақдим этиш ва объектларни экспертизага тайёрлаш чоғида қўлланилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатлари ўтказилишида иштирок этаётган мутахассислар техника воситалари ва услубларини қўллаш орқали тезкор-қидирув ходимларига амалий ёрдам кўрсатадилар, маслаҳатлар берадилар.

Криминалистик техникадан тегишли қонун ҳужжатлари нормаларига, вазирликлар прокуратура қарорларига мувофиқ фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91, 106-моддаларида техника воситалари ва услубларининг айримларини (фотография, овоз ёзиш, моддий нусхалар, чизмалар) қўллаш ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатилган. Қонун ости ҳужжатларида криминалис-

тик техника воситаларидан фойдаланиш тартиб-қоидалари батафсил ифодалаб берилган.

Ишларни судда кўришда криминалистик техника воситалари ва услубларидан фойдаланишга маълум шартлар билан йўл қўйилади. Чунончи, бунда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилмаслиги; уларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солинмаслиги; ахлоқ ва этика нормаларига эътибор берилиши; ахборот манбалари - излар, ашёларни сақлаб қолинишнинг таъминланиши, шунингдек, ахборотнинг ўзи (масалан, экспертиза ва дастлабки тадқиқотлар ўтказиш, суратга олиш, видео ва овоз ёзиш, кўрсатмалар моддий нусхалар ва чизмалар) бузилмаслиги; воситалар ва услублардан тўғри фойдаланиш учун объектив шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим.

Бундай шартнинг биринчиси - криминалистик техника воситалари ва услубларининг илмий жиҳатдан ўзига хослиги ва пухта бўлишидир. Ҳар қандай техник воситаси, шу жумладан, махсус материаллар ва моддалар, уларнинг қўллаш услуби тиббиёт воситалари каби қатъий равишда илмий маълумотларга асосланган, ваколатли органларнинг синовидан ўтган ва улар томонидан экспертиза ва жиноят-қидирув амалиёти учун тавсия этилган бўлиши керак. Бунинг учун техника-криминалистика воситалари ёрдамида тўғри ва пухта ахборот олинишини таъминлаш лозим. Шундагина жиноят ишини тергов қилишда объектив натижага эришиш мумкин бўлади.

Криминалистик техниканинг юқорида санаб ўтилган барча субъектлар томонидан юксак малака билан қўлланилиши-иккинчи муҳим шартдир. Бу шартни руёбга чиқариш-техника воситалари ва услубларини мукаммал билиш ва улардан тўғри фойдаланишни тақозо этади. Бунда жиноят-процессуал қонунининг энг муҳим талаблари сифатида объектив ёндашув ҳар томонлама ва тўлиқ бўлиши зарур.

Тергов ҳаракатлари баённомаларида ва криминалистика экспертизаси хулосаларида дастлабки текширув материаллари, криминалистик техника воситалари ва услубларини қўллаш шароитлари, тартиби ва натижаларини акс эттириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда техника воситалари қўлланганлиги ўз тасдиғини топади, муайян бир маълумотни техника воситаси ва услубини қўллаш йўли билан текшириш, тергов ҳаракатлари (кўздан кечириш, эксперимент ўтказиш, кўрсатувни воқеа содир бўлган жойда текшириш) жараёнлари ёки натижаларини тиклаш имконияти яратилади.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида, тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда техника воситаларини ўзида жамлаган “тезкор” сумка жуда қўл келади. Турли изларни, ашёларни топиш, кузатиш, кўчириб олиш ва қайд этиш учун зарур техник воситалар тергов ва тезкор ходимларга мўлжалланган мазкур сумкада жойлашган.

«Тезкор» сумкасида қуйидагилар мавжуд:

- фото ва видео тасвирга оладиган аппаратуралар;
- турли изларни мустаҳкамлаш ва кўчириб олишга ишлатиладиган восита-асбоблар;
- тери каштасидан қоладиган, кўзга кўринмайдиган изларни кўринарли қилиб, кўчириб олишга қўлланадиган воситалар;
- ўлчов ва оптик (лупалар) асбоблар;
- ёзиш-чизмалар тайёрлаш, қайд этиш воситалари

Ҳозирги вақтда криминалистик техника воситалари билан жиҳозланган авто-лаборатория ва алоҳида махсус прокурор криминалист кабинетлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

1-схема.



2-схема.



3-расм, Тергов сумкасининг ички кўриниши

4-расм, Тергов сумкасидаги баъзи асбоблар

5-боб СУД ФОТОГРАФИЯСИ ВА ВИДЕО-ТАСВИР ЁЗУВИ

1-§ Криминалистик фотография тушунчаси, унинг қўлланиш шакллари

Суд фотографияси муҳим криминалистик соҳалардан ҳисобланиб, унинг жиноятчиликка қарши курашдаги ўрни каттадир. ЖПКнинг 91-моддасида айтилишича, далилларни қайд этишда баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланиши мумкин. Шундай экан, суд фотографияси ҳодиса жойини кўздан кечиришда, тергов экспериментида, мурдани эксгумация қилишда, олиб қўйиш ва тинтувда, таниб олиш учун кўрсатишда ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда далилларни мустаҳкамловчи ва акс эттирувчи восита сифатида қўлланилади.

Криминалистик фотография деганда тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларида, шунингдек, эксперт текширувларида қўлланиладиган илмий ишлаб чиқилган суратга туширишнинг усуллари тизимига айтилади.

Фотосуратлар тергов ҳаракатлари баённомаларига ёки эксперт хулосаларига илова қилинади. Улар расмий равишда туширилган объектларни акс эттириб: предмет (из) аломатларини; тергов ҳаракатлари олиб борилган шароитни; эксперт текширув натижаларини идрок этишга имкон беради. Бундай тасвир баённоманинг тасвирлов қисмини (эксперт хулосасининг текширув қисмини) тўлдирибгина қолмай, балки оғзаки тасвирлаш орқали идрок этилиши қийин бўлган аломатлар ва шароитларни тушуниш имконини беради. Суратга тушириш мустаҳкамлашнинг объектив шакли сифатида акс эттириш оғзаки усулига нисбатан бир қатор афзалликларга эга: олинган суратларнинг расмийлаштирилганлиги, уларнинг яққоллиги, маълумот узатишда юқори даражада аниқлиги, акс эттириш жараёнининг нисбатан тезлиги буларнинг барчаси замонавий фотоаппаратуралардан фойдаланган ҳолда далилларни мустаҳкамлашнинг энг муҳим усулларидан бири бўлиб қолди.

Криминалистик фотография ишончли акс эттиришнинг ва илмий-текширув усулларининг мажмуи сифатида ҳозирги амалиётда кенг қўлланилади.

Мазкур кўшимча воситалардан фойдаланилганлиги ҳақида тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Шунингдек, ЖПКнинг 127-моддасида айтилишича, шахсни таниб олиш учун кўрсатишнинг иложи бўлмаганда, ёхуд хавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг фотосуратидан фойдаланиш мумкин. Бунда тергов ҳаракатлари баённомасига ёки суд мажлиси баённомасига фотожадвал илова қилинади. ЖПКнинг 136-моддасида айтилишича, кўздан кечириш чоғида суриштирувчи, терговчи ёки суд фотосуратга туширади.

Криминалистик фотографиянинг метод ва усуллари, мақсадларига кўра далилларни мустаҳкамловчи ва текширадиган бўлиши мумкин. Мустаҳкамловчи методларга панорама, ўлчовчи, репродукциявий, стереоскопик, таниб олинадиган ва катта масштабли суратга тушириш киради. Текшириладиган микросуратга тушириш, тасвир контрастини кучайтириш мақсадида суратга тушириш ва кўринмас спектр нурларида суратга тушириш каби мустаҳкамловчи методлар қуролланмаган кўз билан кўриш имкони бўлган, текшириладиган суратга тушириш аломатларини акс эттириш учун хизмат қилади. Текширув методлари ёрдамида ҳужжатлардаги қалбакилаштириш излари аниқланади, микроаломатлар ўрганилади ва ҳоказо.

Криминалистик фотография қуйидаги турларга бўлинади:

1) суд-тергов фотографияси;

2) тезкор-қидирув фотографияси;

3) суд-эксперт фотографияси;

Суд-тергов ва тезкор-қидирув фотографиясида мустаҳкамловчи методлар қўлланилади. Суд-эксперт фотографиясида ҳам мустаҳкамловчи, ҳам текширувчи методлардан фойдаланилади. Суд-тергов фотографияси қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) ҳодиса жойини, мурдани, ашёвий далилларни, ҳужжатларни кўздан кечиришда;

2) тирик шахсларни гувоҳлантиришда;

3) тинтув ўтказишда;

4) тергов эксперименти жараёнида;

5) таниб олиш учун кўрсатишда;

6) тирик шахсларни ва мурдаларни рўйхатдан ўтказишда.

Эксперт фотографияси барча турдаги криминалистик экспертизаларда ва кўпгина бошқа турдаги экспертизалар (суд-тиббиёт, суд-автотехник, суд ёнғин-техник ва бошқалар)да қўлланилади.

Бу методлар билан бир қаторда хусусий методлар қўлланилиб, буларга ориентир, обзор, детал ва марказий суръатга тушириш киради.

У ёки бу турдаги суратга туширишдан фойдаланган ҳолда, далилий аҳамиятга эга бўлган объект ва фактларни энг яхши тасвирга туширишни таъминловчи суратга туширишнинг метод ва усуллари танланади.



2-§ Криминалистик фотография методлари

Панорамали суратга олиш қизиқтирган объектни тўлиқ, ҳатто кенг бурчакли объектив суратга олиш имкони бўлмаганида ёки суратга туширилаётган объектдан етарли масофадан олиш имкони бўлмаганида қўлланилади.

Панорамали суратга олиш махсус аппарат ёрдамида амалга оширилади ёки объект бўлакларга бўлиб суратга олинади ва бунда бир хил масофадан бир неча марта суратлар олинади. Ҳар бир сурат олдинги суратда туширилган ҳудуднинг бир чеккасини, унинг 10 фоизини қамраб олиши керак. Барча суратлар бир хил шароитларда (масофа, ёруғлик, диафрагма, ва ҳоказо) туширилиши лозим. Аппарат ўрнатилишининг тўғрилиги видеоискателга қараб аниқланади. Бунда кадрнинг чеккасида бўлган бирор деталга эътибор қилинади. Бу детал кейинги кадрни олишда ориентир бўлиб хизмат қилади ва бу кадрда ҳам ифода этилиши керак. Зарур ҳолларда сунъий ориентацияларга (қозиқча ва ҳоказо) мурожаат этилиши мумкин. Бундай йўсинда олинган негативлар бир хил шароитдаги фотонашрда тайёрланади. Булар уларда мавжуд бўлган умумий чизиқларига кўра кесилади ва бир-бирига ёпиштирилади.

Панорамали усулда суратга олиш вертикал ва горизонтал тарзда бажарилиши мумкин. Вертикал усулда фазо ёки тик ҳолатдаги объектни, горизонталда эса узоқдан кўриниб турган участкалар суратга олиниши мумкин.

Ҳозирги амалиётда кўпроқ горизонтал усуллар қўлланилади. Бунда тўғри чизиқли ва айланма усуллардан фойдаланиш мумкин.

Тўғри чизиқ бўйича панорамали суратга олишда лозим бўлган участка қаршисида тўғри чизиқ ҳосил қилиниб, шу чизиқ бўйича бир неча нуқталарга тўхталиб сурат олинади.

Тўғри чизиқли съёмкада фотоаппарат суратга тушурилувчи участканинг олдида параллел қўйилади. Бунда шкала ёрдамида олдинги план билан аппарат оралиғи бир хил бўлиши назорат қилинади. Айниқса фотоаппарат қийшаймаганлиги текширилиб кузатилади.

Айланма усулдаги фотоаппарат штатив ўқлар атрофида горизонтал текислик бўйича айлантирилади. Айланма съёмка объективнинг олдинги плани аппаратдан анча узоқ бўлганида қўлланилади (масалан, катта ҳовлини унинг марказидан суратга олиш), акс ҳолда жиддий перспектив бузилишлар бўлади. Панорамали суратга олиш махсус аппаратура ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Россияда «ФТ-2» ва «Горизонт» панорама аппаратлари ишлаб чиқарилган. Бундай аппаратлар горизонтал бўйича 120 градус бурчакда суратга олиш имконини берадиган «ФТ-2» аппаратининг негатив сурати 24х100 мм, яъни 3та оддий кадрдан узун, «Горизонт» аппарати эса- 24х57,5мм.

Кўрсатилган аппаратлардаги чизиқлар эгри қилиб қўйилади. Шу эгри чизиқ бўйича затвор тугмачаси босилганидан сўнг фотоаппарат объективи айланади. Фотоаппарат объективининг фокуси доимий қотирилган бўлади. Панорама усулида ҳодиса жойи, тинтув жойи ва тергов эксперимент ўтказиладиган жойлар суратга олинади.

Стереоскопик суратга олиш предметларни кенг ҳажмда идрок этиш имконини беради, бу эса уларнинг шакли ва ўзаро жойлашганлиги ҳақида кенгроқ тасаввур беради. У стереоскопик суратга олиш базаси деб аталувчи масофадан бир-биридан узоқликда жойлашган иккита нуқтадан олиш имконини кўрсатади. Базиснинг масофаси одам кўзи қорачиғлари орасидаги масофа (65-70 мм) га тенг. Шундай қилиб ҳар бир нуқтадан олинган тасвирлар худди чап ёки ўнг кўз билан алоҳида-алоҳида кўрилиши мумкин каби бўлади. Олинган суратларга шундай ишлов бериладики, ҳар бир сурат 42/36 ммга тенг бўлиши керак. Ҳар бир расм картонга ёпиштирилади (ўнги ўнгга, чапи чапга) ва бунда улар орасидаги масофа 65 ммга тенг бўлиши керак. Бундай сурат жуфт стериеоскоп орқали томоша қилинади. Мосламанинг тузилиши стереожуфтликни яхшироқ ҳажмли эффект олиниши учун окулярлардан узоқлаштириш ва яқинлаштириш имконини беради.

Стереосъёмка турли усулларда амалга оширилади.

Икки нуқтада суратга олиш учун (1-усул) кичик форматли бўлмиш «ЗОРКИЙ-110», «ЗЕНИТ-122» аппаратларда суратга олишда махсус стереопланка (стереоскопик штатив қурилма) қўлланилади. У кесилган жойида винт ўрнатиладиган темир планкадан иборат. Планкада махсус фотоштатив ўрнатиладиган жой-кесик мавжуд. Кесикнинг чап томонига фотоаппарат кўчма винт билан қотирилади ва биринчи фотосъёмка амалга оширилади. Сўнг фотоаппарат планканинг ўнг томонига сурилади ва яна винт ёрдамида мустаҳкамланиб, иккинчи сурат олинади. Иккала сурат олиниш шароитлари бир хил бўлиши керак. Иккинчи усул оддий фотоаппаратга стереофотомослама ўрнатишдан иборат.

Учинчи усул махсус стереоскопик фотоаппаратурадан фойдаланишдан иборат. У горизонтал жойлашган объективлар билан таъминланган. Бундай аппаратнинг сурат олиш тезлиги жуфтлаштирилган бўлиб, затворлар синхрон ҳаракат қилади. Объективлар оптик ўқлари орасидаги масофа 65 мм бўлади. Камера тўсиқ орқали иккига бўлинган. Ҳар бир объектив ўзига тегишли бўлган негатив фотоматериалнинг тенг яримини ифода этади.

Стереоскопик фотосъёмкадан детал суратга олишда фойдаланилади. Ўлчамли фотосъёмка объектлар орасидаги масофани билиш имконини беради. Ушбу фотосъёмка икки кўринишда амалга оширилади:

1) масштабли фотосъёмка;

2) метрик фотосъёмка.

Масштабли фотосъёмка ўлчамларни аниқлаш имконини беради (узунлиги, бўйи ва эни). У ҳужжатларни, предметларни, жиноят қуролларини, изларни ва бошқа ашёвий далилларни суратга олиш имконини беради.

Масштабли фотосъёмкада объект билан биргаликда масштабли чизғич қўлланилади. Объект неча баравар кичрайса, у ҳам шунча даражада кичраяди, шунда у кейинчалик барча параметрлар бўйича ўлчанса бўлади. Бундай бир хил кичрайишга эришиш учун, масштаб суратга олишда иккита шартга риоя қилиш керак бўлади:

1) чизғич объектнинг ёнига қўйилибгина қолмасдан суратга олинувчи текислик билан бир йўналишда қўйилиши керак;

2) фотоаппарат шундай жойлаштирилиши керакки, объективнинг оптикаси суратга олинувчи текисликка нисбатан перпендикуляр ҳолатда бўлиши лозим. Масштабли чизғични суратга олинувчи объектнинг устига қўйиш тавсия этилмайди, сабаби бунда баъзи деталлар ёпилиб қолиши мумкин.

Метрик суратга олиш суратга олинган объектнинг нафақат ҳажми, балки улар орасидаги аниқ масофа ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Метрли фотография усулида метрли суратга олишдан обзорли ва марказли суратга олишда зарур бўлганида қўлланилади.

Катта масштабли съёмка майда изларни, майда предметларни ва уларнинг деталларини акс эттиришда қўлланилади. Қапчиғи икки баравар чўзиладиган ёки объективга ўрнатиладиган мослама ёрдамида объектни табиий катталикда олиш мумкин. Кичик форматли фотоаппаратларда суратга олиш анча қийин. Улар энг яқини бир метр масофадан сурат олиш имконини беради (баъзилари 0,5м масофадан). Биринчи ҳолда фотографик кўпайтириш коэффициенти 19-20, иккинчи ҳолда 11-12 баравар бўлади.

Репродукциявий фотосъёмка усули объектнинг юзини: ҳужжатларни, чизма, фотосуратни, қўлда чизилган расмларни, лойиҳаларни натурал катталаштирилган ва кичиклаштирилган ҳолда суратга

олиш (фото нусха кўчириш) учун қўлланилади. Репродукциявий усул икки турда бўлади:

1) фотоаппарат ёрдамида;

2) контакт усулда.

Репродукциявий суратга олиш ҳужжатларнинг ҳамма турларини далилий ашё қилиб кўрсатиш учун расмийлаштирилади. Бундай суратлардан тезкор мақсадларда кўздан кечириш баённомаларини тўлдириш, шунингдек, шу ҳужжатларни экспертиза қилиш учун фойдаланилади. Контакт репродукция усулида суратга олиш учун рефлексли қоғозлар ишлатилади. Улар асосан турли хилдаги ҳужжатларнинг чизма, схема нусхаларини олиш учун фойдаланилади. Рефлексли қоғоз эмулсия томони билан нусхаси олинаётган оригинал ҳужжатнинг устига тиниқ шиша билан ёпилади ва тепасидан тўғри ёруғлик берилади. Олинган негатив билан нусхаларни кўпайтириш мумкин бўлади.

Рефлекс фотография учун махсус рефлекс ёки оддий фотоқоғоз ишлатилиб, у юқори контрастли ёки асоси юпқа бўлиши керак. Иш қизил ёруғликда амалга оширилади. Рефлекс қоғоз суратнинг устига шундай қўйиладики, унинг эмулсия қатлами ҳужжат устига тегиб туриши лозим. Текисроқ бўлиши учун унинг устига юқорида айтилганидек, ойна қўйилиши мумкин. Ундан ёруғлик манбаи шундай масофада ўрнатилиши керакки, у бутун суратга олинувчи текисликни бир хилда ёритиши керак. Бунда ёруғлик фотоқоғоз орқали ўтиб суратга олинувчи ҳужжатнинг турли участкаларида акс этади ва фотоқатламда беркитилган сурат қолдирилади. Акс эттирилган нусха ўзида ҳужжатнинг негатив тасвирини ифода этади. Сўнг рефлекс фотография орқали бу негатив нусхадан ҳужжатнинг позитив нусхаси тайёрланади.

Таниб олиш учун суратга олиш тирик шахсларни ва мурдаларни қуйидаги мақсадларда суратга олиш учун қўлланилади:

1) рўйхатга олиш учун;

2) таниб олиш учун кўрсатиш учун;

3) эксперт тадқиқоти учун.

Тирик шахсларни суратга тушириш қоида бўйича икки ҳолатда амалга оширилади: фас-тўғридан ва ўнг-чап томонидан. Юз қисмининг алоҳида хусусиятлари бўлса, иккала томондан ҳам суратга туширилади. Суратга туширишда бош тик ҳолатда бўлишига эътибор қилиш керак. Ён томонидан суратга туширишда сочлар қулоқ ёки унинг қисмини беркитмаслиги лозим. Суратнинг фони оч кулранг

нейтрал сидирға бўлиши керак. Агар фон сифатида ишлатиладиган экран бўлмаса, суратга туширилувчи оч ранг девор олдида туриши зарур, лекин бошнинг сояси деворга тушмаслиги учун девор ва у орасидаги масофа бир метрга яқин бўлиши керак. Суратга туширишда ёруғликка эътибор қилиш жоиз, яъни у жуда текис ва ёйилган бўлмаслиги керак, чунки бундай ёруғлик юзни текис қилиб, контурларсиз кўрсатади. Энг яхши натижаларга 45 даража остида бурчакда берилган умумий ёйилган ёруғлик шароитида эришилади.

Таниб олиш учун суратга туширилганда юз тасвири натурал катталигининг 1/7 қисмини ташкил қилиши тавсия этилади. Лекин бундай даражадаги кичкиналаштиришга фақат 6х9, 19х12 ва ундан кўпроқ ҳажмдаги кадрли фотоаппаратлар ёрдамида эришиш мумкин.

Мурдани таниб олиш учун суратга тушириш қуйидаги тартибда амалга оширилади: дастлаб, суд-тиббиёт эксперти мурдани қиёфасини тиклашга ҳаракат қилади. Суратга тушириш фас, ўнг ва чап профиль амалга оширилади. Мурдани тик ҳолатда суратга тушириш мумкин. Бунда мурда стулга жойлаштирилади ва боши стулдаги махсус ушлагичга боғлаб қўйилади. Мурда яланғоч ҳолда топилган бўлса, унинг бадани суратга туширилишдан олдин оқ мато билан ўралади. Мурданинг устига бошқа кийимларни кийгизиш нотўғри бўлади, сабаби бу таниб олувчини таниб олиш вақтида адаштириши мумкин.

Суратга туширишнинг хусусий усуллари воқеа содир бўлган жойни суратга олиш баённомасини тасвирий қилиб мустаҳкамлашга ва ашёвий далилларнинг фотонусхаларини жиноят ишига қўшиб қўйишга ёрдам беради. Воқеа содир бўлган жойни ўз вақтида кечикмай суратга олиш муҳим аҳамиятга эга. Терговчи воқеа содир бўлган жойда олган суратларининг натижалари унумли бўлиши учун:

1) воқеа содир бўлган жойдан бошқа манфаатдор шахсларни четлатиш;

2) вазиятнинг ўз ҳолатича сақланишини, далилий ашёлар ва бошқа предметларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

3) воқеа содир бўлган жой ва у ердаги ашёвий далиллар, қўл, оёқ, кийим, транспорт изларини, ташқи муҳит таъсиридан ёмғир ва қордан сақлаш чоралари кўрилиши керак.

Статик кўздан кечириш чоғида жойлардаги объектлар қандай турган бўлса, вазиятни ўзгартирмай, шу ҳолда обзорли, марказли суратга олиш лозим бўлади.

Динамик кўздан кечириш-актив ҳаракат бўлиб воқеа жойини деталли кўриб чиқишдир. Воқеа содир бўлган жойда ўқ отиш қуролла-

ри, гильза, патронлар, излар, ашёвий далиллар синчиклаб кўриб чиқилади, қўлга олиб кўрилади, агар уларни олиб кетишнинг иложи бўлмаса суратга олинади. Суратга олиш объектлари жиноят учун бевосита алоқадор бўлган майдон, кўча, бино, уй, ўрмон, темир йўл, томорқа ерлар, уйнинг ичидаги кўзга кўринган предметлар ва жиноятдан қолдирилган излар, шунингдек, оёқ кийим, қўл излари, бузилган, синдирилган тўсиқлар, бузиш қуроллари, транспорт воситалари ва уларнинг излари бўлиши мумкин. Булар қўшимча равишда кўргазмали далил бўлиб хизмат қилади. Воқеа содир бўлган жойни кўрсатадиган фотография конкрет мақсадларга мос равишда ҳар бир кўриб чиқиш босқичи бажарилганлигини кўрсатувчи сурат олингандагина тўлиқ бажарилган ҳисобланади. Воқеа жойини суратга олиш қуйидаги турларда амалга оширилади:

А) Воқеа содир бўлган жойни унинг атрофидаги кўриниш билан бирга қўшиб суратга олиш **ориентирли суратга олиш** дейилади. Бундай сурат воқеа содир бўлган жойдаги объектларнинг ташқи кўринишини ва шу воқеага алоқадор жойларни тўлиқ кўрсатиш билан характерланади.

Агар кенг жой майдонини, ундаги бутун вазиятни бирга қўшиб ориентирли суратга олиш зарур бўлиб қолса, унда кенг бурчакли объективлар билан ёки панорама усулида суратга олиш зарур бўлади. Айрим ҳолларда воқеа содир бўлган жойда тўсиқлар, яъни баланд бино, дарахтлар бўлса, унинг атрофидаги вазиятни юқоридан туриб суратга олиш мумкин.

Б) **Обзорли суратга олиш** воқеа содир бўлган жойнинг дастлабки ҳолатини, у қандай кўринишда бўлса, шу кўринишда суратга олишдан иборат. Бунда воқеа содир бўлган жойни тўла ва мазмунли акс эттириш, воқеа тахминан аниқланган жойдан суратга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Обзорли сурат воқеа содир бўлган жойни тўлиқ акс эттиришдир. Бунда олинган суратлар воқеа содир бўлган жойнинг энг муҳим элементларини, вазиятнинг энг зарур жойини бутун акс эттириши керак. Бундай вақтда воқеа содир бўлган жой билан, жиноят содир бўлган вақтдаги вазиятнинг ҳолати, буюмларнинг ҳолати, предмет излари билан танишиб чиқилади. Обзорли сурат воқеа содир бўлган жойдаги предметлар сонига, суратга олувчининг позициясига, туриш ҳолатига боғлиқ. Бир томондан олинган суратда баъзи деталлар бошқа деталларнинг орқасида яшириниб қолиши мумкин. Шунинг учун обзорли суратни тўрт томондан, яъни тўрт нуқтадан олиш маъқулдир. Воқеа жойидаги қўзғалмайдиган ва кўзга

яққол ташланадиган предметлар, очиқдаги алоҳида бино, қурилиш, якка турган дарахт, кўча ва шунга ўхшашлар ориентир нуқта қилиб олингани маъқул.

Обзорли суратларни олишда кўпроқ панорама усули қўлланилади. Бунда терговчи воқеа содир бўлган жой билан танишиши, унинг ҳажми ва чегарасини аниқлаши, вазиятни ифодаловчи барча ҳолатларни суратга олиши керак.

В) **Марказли (узловой) суратга олиш.** Криминалистик нуқтаи назардан воқеа содир бўлган жойда ёки унинг айрим ҳудудида мавжуд бўлган айрим предметларни суратга олиб қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда бундай муҳим марказли объект воқеа содир бўлган жойдаги мурда ва унинг атрофидаги излар, қон доғлари, жиноят қуроллари бўлиши мумкин.

Ўғирлик содир бўлган жойдаги эшик, дераза ҳолати, омборнинг очиқ қолиши, авария содир бўлганда автомобиль ҳалокати ва ҳоказоларни алоҳида тасвирлаш мумкин. Масалан, мурдадаги жароҳатлар, бузилган эшик, дераза, девор ва бошқа тўсиқлардаги бузиш қуролидан қолган излар, ўқ отиш қуролидан қолган излар мазкур усул билан суратга олинади.

Г) **Деталли суратга олиш.** Деталли суратга олишнинг асосий вазифаси, майда деталларни (далилий ашёларни) суратга олишдир. Масалан, мослама, калит, темир, ёғоч ва бошқа материалнинг майда қисмлари, қўл излари, отилган ўқ ва гильзалар, синган шиша парчалари ва шу каби бошқа объектлар суратга олинади. Деталли суратга олишнинг марказли усулидан фарқи шундаки, айрим деталл, ашёвий далилларни жойдан олиб кетиб, махсус хона ва алоҳида шароитда суратга олиш мумкин. Шу билан бирга суратга олинаётган объектнинг натурал размерини кузатиш мақсадида унинг ёнига ўлчов асбоби (чизғич), сантиметрли лента қўйиб суратга олинади.

Ҳодиса жойини суратга тушириш ҳодиса содир бўлган жойдаги теварак муҳитни, ундаги предметларни, топилган изларни, жиноят қуролларини ва мурдани акс эттириш мақсадида амалга оширилади. Уни турли нуқталардан амалга ошириш тавсия этилади.

Тинтув вақтида суратга тушириш унинг натижаларини акс эттиришга қаратилади. Бунда тинтув олиб борилган жой, хуфия жойлар, жойлашуви, омборлар, тинтув вақтида топилган предметлар суратга туширилади.

Тергов эксперименти вақтида суратга олиш у амалга оширилаётган атроф муҳитни ҳамда эксперимент, ҳам унинг алоҳида этаплари

ва натижаларини акс эттиришга қаратилади. Бу фотографик усулда кўриш мумкинлигини текширувчи, бирор бинога маълум бир йўл билан кириш мумкинлигини текширувчи, объектларни у ёки бу жойда жойлаштириш мумкинлигини текширувчи тергов эксперименти натижаларини мустаҳкамлайди.

Ҳужжатларни суратга олиш. Далилий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардан нусха олиш учун амалга оширилади. Бунда ҳужжат бутунлай ё қисман олиниши мумкин (ундаги муҳр, штамп, имзо, матннинг қисми). Изларни ва ашёвий далилларни суратга олиш бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган объектларни акс эттириш учун фойдаланилади. Бунга оёқ, қўл, транспорт воситаларининг излари, бузиш қуроллари ва уларнинг излари, жиноят излари ва бошқа объектлар киради. Ашёвий далилларни суратга туширишда ҳам уларнинг умумий кўриниши, ҳам тергов жараёнида ўрганилиши зарур бўлган алоҳида ташқи белгилари туширилади. Ашёвий далиллар, турли излар, жиноят қуроллари дастлаб улар топилган жойда суратга олинади. Марказли суратга олиш нафақат ашёвий далилни (пистолет, бузиш қуроллари ва ҳоказо), балки унинг атрофидаги предметларни акс эттиришнинг имконини беради. Сўнг у деталли суратга олиш усулида суратга туширилади. Бунда масштабли чизғич қўлланилиши шарт.

Шунингдек, ёритишга алоҳида эътибор бериш лозим, чунки предмет шакли ва унинг ташқи белгиларини тўғри идрок этиш ёруғликка боғлиқ. Ёруғлик суратга туширилаётган объектларнинг барча деталларини аниқ кўриш имконини бериши керак. Қоида бўйича бир неча ёруғлик манбаидан фойдаланилади. Улардан бири буткул объектни ёритишда қўлланилса, бошқалари алоҳида деталларни ёритишда фойдаланилади.

Предметнинг кўриниши аниқ бўлиши учун у ёруғ фонда суратга туширилади. Соялар бўлмаслиги учун объект қотирилган ойнанинг устига шундай қўйилиши керакки, у нейтрал фондан 10-20 см масофада бўлсин. Ялтироқ предметлар бир қанча қийинчиликларни туғдиради (пичоқ, пистолет, автомобиль қисми ва ҳоказо). Бундай ялтироқлик ёруғликни тўғри тушириш билан йўқ қилинади: ёруғлик бевосита объектга эмас оқ экранга йўналтирилади.

Изларни суратга тушириш.

Қўл изларини суратга олиш одатда икки босқичда амалга оширилади:

1) қўл излари олинган предмет суратга олинади. Бу қўл изларининг жойлашувини кўрсатиш учун зарур;

2) қўл изларининг ўзи. Бармоқларнинг якка излари йирик масштабли суратга олиш методида узунлаштирувчи ҳалқалар ёрдамида суратга олинади. Қўл изларини суратга олишдан олдин уларнинг устига шу мақсадларда қўлланиладиган бирор бир кукун сепилади. Агар қўл изи рангсизлиги туфайли суратга олиниши қийин бўлса, изли предмет эксперт бўлимига жўнатилиши керак.

Оёқ кийим ва транспорт воситалари изларини суратга олиш. Бунда алоҳида ва бир гуруҳ излар суратга олиниши мумкин. Излар жуда узун бўлса ёки кетма-кет жойлашган бўлса, чизиқли панорама қўлланилади. Бунда суратга олинадиган предмет ёнига масштабли чизғич қўйилади. Айрим оёқ кийим излари изнинг шакли ва ҳажмини, шунингдек, алоҳида белги ва хусусиятларини акс эттириш учун фойдаланилади. Транспорт воситалари изларини суратга олишда расми аниқ кўринадиган ёки бирор алоҳида белгилари бўлган участкалари суратга олинади.

Бузиш қуроллари ва уларнинг излари дастлаб марказли суратга олиш усулида, кейин эса масштаб усули билан суратга олинади. Бунда фото кадр йўл қўядиган даражада максимал масштабда сурат олиш лозим. Изларнинг шаклига ва алоҳида белгиларига алоҳида эътибор берилади, сабаби бу орқали қуролнинг шакли ва хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Фотоаппаратдан тўғри йўналишдаги ва ёйилган ёруғлик шундай берилиши керакки, у из рельфининг хусусиятларини аниқ кўрсатсин. Бўялган текисликни суратга олишда ёруғлик фильтрлари қўлланилиши мумкин. Мурдани ҳодиса содир бўлган жойда суратга олиш обзорли суратга олиш қоидалари бўйича бажарилади. Кейин эса марказли суратга олинади. Бунда мурдани иккита қарама-қарши томонидан олиш тўғрироқ бўлади; учинчи сурат тепасидан олинади. Агар мурда оёқ ёки боши томонидан суратга олинган бўлса, бу маълум даражада перспектив бузилишларга олиб келади. Бундай суратга олишга фақат истисно ҳолларда йўл қўйилади: ён томонидан суратга олиш имкони бўлмаганида (мурда тор жойда эканлиги сабабли) ёки алоҳида аҳамият касб этган мурданинг ҳолатини акс эттириш учун (номусга тегиб ўлдириш ҳолатида). Мурда топилган ҳолатида суратга туширилгандан сўнг у ағдарилиб ёки кўчирилиб, баданининг кўринмас жойларини суратга олиш мумкин.

Суд фотографияси иш учун далилий аҳамиятга эга бўлган моддий объектлар ва фактларни ёзиб қайд қилиш ва текшириш учун қўлланилади. Фотография усули ўзининг кўргазмали, аниқ ва тезкор-

лиги билан қайд этишнинг бошқа методларидан бирмунча фарқ қилади.

Текшириш учун суратга олиш мутахассис томонидан лаборатория шароитларида махсус тегишли услублар қўлланган ҳолда амалга оширилади. Аниқ фототехника воситалари ва услубларни танлаб олиш текшириладиган объектлар ва текшириш вазифаларига боғлиқ.

Турли криминалистик экспертизаларни ўтказиш пайтида қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга тўғри келиши мумкин:

Кичик ҳажмли объектнинг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган деталларини аниқлаш;

Оддий кўз билан илғаб бўлмайдиган атроф-муҳит фонидан салгина фарқ қилувчи деталларни аниқлаш;

Оддий ёруғликда кўриб бўлмайдиган деталларни аниқлаш.

Бундай масалалар ҳар хил усулларни қўллаш билан ҳал қилинади.

Микро ва макрофотография оддий усул билан текшириб бўлмайдиган ўрта, майда излар ва бошқа деталлар махсус қисқа фокусли объектив ёки фотокамера ёки фотонасадка билан бирлаштирилган ҳолда микроскоп орқали аниқланади ва қайд қилинади.

Биринчи усулда объект 20-30 марта катталаштирилиб берилади ва у макросурат деб юритилади.

Микроскоплар оптик ва электрон микроскоп орқали янада кўп даражада катталаштирилиб берилиши (бир қанча минг марта) мумкин ва микросуратга олиш йўли билан аниқланган излар, деталлар уларнинг катталаштирилган тасвирлари бўйича амалга оширилади.

Суратга олишда микрообъектлар тасвирининг сифати кўп жиҳатдан ёруғликнинг аниқ белгиланишига ва ёритгич йўналиши тўғри танланганлигига, ёритгичнинг кучига боғлиқ, чунки бундай ҳолатда ёруғлик унча кўп бўлмайди.

Контраст, яъни объект ва ундаги деталларнинг кўзга ташланишидаги фарқлар шунчалик суст бўлиши мумкинки, уларни бир-биридан ажратиш қийин.

Контрастни кучайтириш учун (масалан, қоғоздаги ёзувнинг фарқини) ҳужжат контрастли фотоматериалга тасвирларни устидан қўйиш учун бир марталик контраст фотосуратга олиб, тасвирни фотохимиявий йўл билан кўчайтириш услублари билан амалга оширилади.

Рангларни ажратиш ранги ўзгарган, ўйилган, шикастланган (куйдирилган), ўчирилган, матнлар қўшиб ёзилган, айрим чизмаларга

ёки ҳарфларга тузатишлар киритилган ҳужжатлар текширилаётган рангли контрастларни светофильтр билан суратга олиш йўли билан кучайтириш мумкин. Бунда фон ёки деталларни аниқлаш вазифаси қўйилади.

Светофильтрни танлаб олиш учун атрофдаги доира бўйича қўшимча ранглардан фойдаланилади. Қандайдир рангларнинг детали тасвирини кучайтириш учун унга (доира бўйича мос келадиган) қўшимча ранг берувчи светофильтр олинади, ёруғликни камайтириш учун замонавий ранг светофильтри олинади.

Кўринмас доғларни спектрнинг нурларида суратга олиш (ультрабинафша, инфрақизил, рентген). Ультрабинафша, инфрақизил нурлар, шунингдек, кўринадиган ёруғликнинг айрим зоналари спектрнинг кўринмас зоналаридаги алоҳида моддалар люминесценция ультрабинафша ёки инфрақизил нурларга сезувчан фотоматериаллар билан суратга олинади. Фотоаппаратнинг объективига 3С-1, ЖЗС-5, ЖЗС-5, ЖС-17 ёки КС-19 светофильтр кийдирилади.

Калталаштирилган ультрабинафша нурлари билан суратга олиш турларини катталаштириш ва ўтказишдаги фарқларга, бинобарин фотоқатламларга бир хил қабул қилинадиган ёки оддий кўз билан қараганда кўринмайдиган айрим моддалар билан таъсир ўтказишга асосланган. Кўп ҳолларда қайтарилган ультрабинафша нурлари орқали суратга олиш химиявий реактивлар билан ўчирилган ҳужжатларни тиклаш мақсадида амалга оширилади.

Фильтр ёрдамида масалан, объектлардаги отилишдан қолган из ёки қон доғларини аниқлаб олиш, сиёҳ тўкилган, учиб кетган ёки хиралашиб қолган хатларни ўқиш мумкин. Бундай объектларни инфрақизил нурлари орқали ИКС-1, ИКС-2 светофильтр ёрдамида инфрахроматик фотоматериал ёки электрон-оптик ўзгартиргич билан оддий фотоматериал орқали суратга олиш мумкин.

Рентген нурларида текширишлар асосан лаборатория шароитларида олиб борилади. Рентген нурлари билан суратга олиш ҳажмли ашёларнинг ички тузилишларини кўриш ва текшириш учун қўлланилади. Рентген нурида текширишда нур ўтмайдиган элементлар қўлланилади ва махсус аппаратда кузатиш йўли билан ёки махсус рентген фотоплёнкаларига олиб текширилади. Криминалистик текширишлар ўтказишда рентген нурларидан ташқари радиоактив нурлантиришдан, яъни гамма ва бетта нурларидан фойдаланилади.

Сўнгги пайтларда жиноий ҳодисани тўлиқ ва атрофлича қайд қилишнинг замонавий воситалардан бири-тобора кенг

қўлланилаётган видеотасвирга олишдир. Илгари видеоёзув бўлмаганда, магнит тасмасига овоз ёзуви, кино ва фототасвир каби далилларни мустаҳкамлашнинг анъанавий усуллари қўлланилган. Фикримизча, бу усулларда бир қатор камчиликлар мавжуд бўлган. Видеоёзув аппаратлари 70-йилларнинг бошларида жиноят ишларини текширишда фойдаланила бошланди. Бошқа илмий-техник воситаларга нисбатан афзаллиги туфайли видеоёзув нафақат далилларни тўплаш, тергов жараёнлари ва натижаларини мустаҳкамлаш, балки иш бўйича мустақил далил сифатида кенг қўлланиши билан эътиборли дейишга асос бор.

Далилларни мустаҳкамлашнинг график ва фототасвир усулларидан фарқли ўлароқ, видеоёзув барча маълумотларни динамик тартибда тўлиқ акс эттиради. Видеоёзувни қўллаш тергов ҳаракатларининг бориши, воқеаларнинг ривожи ва жараёнининг ўзи ҳам акс этган тўлиқ ахборот манбаи эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. У ишончли далилий ашёларни қўлга киритишга хизмат қилади. Видеоёзув ҳодисани тергов ҳаракати иштирокчилари қандай кузатган бўлса, шундай ҳолда қайта намоён этади. У алоҳида белгиларни фақат асл ҳолатда эмас, балки секинлаштирилган ёки тезлаштирилган ҳолда намойиш этиши, кадрларни тўхтатиш, унда акс эттирилган воқеаларни синчиклаб кузатиш ва изчил ўрганиб чиқиш учун қулайдир. Бу нафақат дастлабки тергов, балки суд учун ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Хусусан, судланувчиларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувларини, маълумотларини ўзгартириши ва бошқа йўллар билан дастлабки тергов материалларининг далилий аҳамиятини йўқотишга уриниши текширилганда айниқса қўл келади.

Видеомагнитофон техникасининг афзаллиги шундаки, изларни суратга олиш, тергов ҳаракатлари ўтказишда етарли бўлмаган жиҳатларни тўлдиришда қўллаш мумкин (ёмон об-ҳавода, қоронғи жойларда). Қонунга кўра, кинотасвирдан фойдаланганда албатта юқори таъсирчан сурат тасмаси бўлиши керак. Видеоёзувда эса тунги вақтда, очиқ, воқеа содир бўлган жойларни кўздан кечиришда қўшимча ва сунъий ёруғликдан фойдаланилса ҳам бўлади. Хусусан, "Panasonic" видеокамералари учун ноқулай шароитларда ҳам корпусида жойлашган галоген чироқ нури қуввати етарли бўлади. Бундан ташқари, қўшимча ёруғликни қўллаш ва ёритишнинг бошқа усулларини қўллаш ҳам мумкин. Виде-оёзувни кинотасвир, видеофонограмма билан боғлиқ тарзда таржима қилинган фильмнинг турли кўриниши сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бунда у кинотасвир

аппаратидаги ифода ёруғлик плёнкасида эмас, балки видеомагнитофондаги магнит видеотасмасида мустаҳкамланиши билан фарқланади. Хуллас, видеоёзув воқеани қайд этишнинг энг қулай ва ишончли воситаси бўлиб, шубҳага йўл қўймаслиги билан устувордир. Видеоёзувлар кинотасвир билан солиштирил-ганда тезкор ва аниқ иқтисодий афзалликларга ҳам эга. Унинг яна бир афзал жиҳати оқ ва қора киноманбалари билан солиштирганда уларга нисбатан кенгроқ ахборот доирасига эга рангли видеотасмалардан фойдаланиш имконияти мавжудлигидир.

Кинотасвирни кимёвий қайта ишлашда унинг сифати юқори бўлиши ҳамда тўлиқ яроқли бўлишига кафолат бўлмайди. Киноплёнкани монтаж қилишда ҳам хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Кинокамерадан фарқли ўлароқ, видеокамера автоматик тартибда ишлайди, видеомагнитофонни телевизион аппаратга улаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Видеоёзувнинг ўрни шундаки, видеомагнит тасмаси ҳеч қандай қайта ишлашни талаб қилмайди, балки кўп маротаба ишлатилиши, видеоёзувни тергов ҳаракатини тасвирга олиш тугаши биланоқ намойиш этиш мумкин.

Видеоёзув тергов ҳаракати баённомасида ёзилган айрим ҳолатларни тўлиқ ва аниқ бериш, шунингдек, унда айрим сабабларга кўра ёзилмаган предмет ва ҳодисаларни акс эттириш учун фойдаланилади, терговчи йўл қўйган камчиликларни тўлдиради, баённомада ёзилган деталларни кўриш ва уларни тасаввур қилиш имконини беради. Шунингдек, ишни тўғри ҳал қилишда аҳамиятли ҳолатлар ҳақида объектив маълумотларни ўзида мужассам этади. У қулай ва вақтни иқтисод қилиши билан ҳам афзалдир. Шу сабабли видеоёзув техникасини аввалambор терговни қизиқтирувчи ҳодисалар, манбалар ва динамик ҳаракатдаги объектларни қайта тиклаш ва қайд этиш учун қўллаш мақсадга мувофиқ.

Видеоёзув техникаси, воқеа жойини кўздан кечириш, у ер ҳолат мураккаб ва тез ўзгарадиган бўлса, масалан, ёнғин, сув тошқини, портлаш, транспорт ҳалокати ёки воқеа натижалари билан боғлиқ, қайта тиклаш ишларини қайд этиш ҳолларида самара беради. Видеокамера воқеанинг умумий тасвири, масалан, ёнғин белгиларини батафсил ўрганиб чиқишда ёрдам беради. Айрим ҳолларда ҳатто унинг юз бериш сабабларини аниқлаш, олов тарқалиш йўналишини белгилашда қўл келади. Агар ёнғин жойи ўрмон ҳудуди бўлса, майдон тарафлари бўйича юқоридан кўриниши вертолётдан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Видеоёзув техникасини маст ҳолда жиноят содир этган шахсларни ушлаб туришда, айниқса, йўл-транспорт ҳодисаларида қўлга олинганлар спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини текширишга розилик бермаганда, ушлаб турилганда ёки ҳибсга олинганда жиноятчи жиноят изларини, ашёвий далилларни, ҳужжатларни йўқ қилиш ёки зарар етказиш хавфини туғдирганда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса тасвир судда намойиш этилганда шахснинг айбдорлигини тасдиқловчи бошқа далиллар қаторидан жой олиши мумкин. Шунингдек, видеоёзувни фош қилувчи далилларни қайд этишда, масалан, кўп миқдордаги қурилиш манбаларини йўқотиш, олиб қўйиш билан боғлиқ тинтув ўтказишда қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Видеоёзувни шахсни таниб олиш учун кўрсатиш пайтида ҳам қўллаш керак. Чунки, баъзан шубҳали ҳолатлар бўлиши мумкин, видеомагнитофон эса таниб олиш бўйича хусусиятларни судда кўрсатиш йўли билан уларнинг ишончлилигини оширади.

Видеоёзув ҳужжат ва предметларни таниб олиш учун кўрсатишда ҳам фойдалидир. Видеоёзув техникаси ҳаёти хавф остида турган жабрланувчидан тушунтириш олишда ёки кичик ёшдаги шахслар сўроқ қилинганда фойда беради. Видеоёзувни манфаатдор шахсларнинг тазйиқи натижасида ўзларининг дастлабки ҳақиқий кўрсатувларини ўзгартириш мумкин бўлган гувоҳни (жабрланувчини) сўроқ қилишда, шунингдек, сўроқ қилишнинг ноқонуний усуллари қўлланганлиги ҳақидаги ариза бериш мумкин бўлганда ва ўз кўрсатувларини ўзгартирадиган айбланувчини сўроқ қилишда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Видеоёзув тергов экспериментлари ўтказилганда, иш бўйича ҳақиқатни тиклаш ва далилларни мустаҳкамлашда ҳам беқиёс ёрдам беради.

Баъзи ҳолларда прокурор, суд, адвокат ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари видеофонограммани кўриб, тергов экспериментининг муҳим процессуал шароитларига риоя қилинган ёки қилинмаганлиги, баённомада ўтказилган тажриба ва унинг натижалари ўртасида қарама-қарши фикрлар бор ёки йўқлиги ҳақида муҳокама қилиш имкониятини қўлга киритадилар.

Видеоёзув ўзгарувчан ҳоллардаги маълум объект ва ҳодисаларни кўриш зарурати туғилганда, маълум шахснинг ҳодисаларни кўриши зарурати туғилганда, маълум шахснинг аниқ вақт оралиғида касбга хос билимларни қўллаш билан бирор усулда

маълум ҳаракатни содир этиш имкониятини текшириш каби тергов экспериментларини ўтказишда кўпроқ фойдалидир.

Далилларни видеоёзув техникаси ёрдамида қайд этишнинг янги усули процессуал меъёрларга зид келмайди ва жиноят ишини текширишнинг самарасини ҳамда дастлабки тергов материалларининг далил манбалари баҳосини оширади.

5-расм, Мурданинг топилган жойида икки томондан расмга олиш

6-расм, Жиноят содир бўлган бинонинг ташқи кўриниши (обзорли суръатга олиш)

7-расм, Криминалистика фотолабараторияси

3-§ Суратга ва видео-тасвирга тушириш натижаларини процессуал расмийлаштириш

Жиноятни очишда ва тергов олиб боришда суд фотографияси суратларни етарли даражада юқори сифатли бўлишини таъминлаши керак. Фотография суратга олинган ҳолат ва вазиятнинг белгиларини ва маълум объектларини тўла тасвирлай олиши лозим. Суд фотографияси далилларни тасдиқлабгина қолмай, исботлаш жараёнинини ҳам енгиллаштиради. Фотосуратлар баённомага илова қилинади, аммо бу нарса терговчини баённома ёзишдан озод қилмайди. Олдинги олинган суратлар ҳам изоҳлаб ёзилиши керак. Фотография ташқи кўринишни кўрсатади, холос, аммо терговчининг сўз билан айтадиганларини (материалнинг қаттиқ, юмшоқлиги, аҳамият даражаси, структурасини) кўрсата олмайди.

Криминалистик фотосуратлар тергов ҳаракати баённомасида ўз аксини топади. Кўздан кечириш баённомасида олинаётган объектнинг номи, фотоаппарат модели, объектив маркаси, ёруғлик тури, (табиий, сунъий), негатив фотоматериалларнинг спектрал сезгирлиги, фотография усули, суратга олинган кадрлар сони, диафрагмаси, выдержкаси кўрсатилади. Масштаб билан суратга олинмаган бўлса, масофани кўрсатувчи шкаладаги метри кўрсатилади. Фотоаппарат модели ва объектив маркаси воқеа содир бўлган ҳолатни реконструкция

қилиш учун керак бўлади. Ёруғлик тури, ёруғлик фильтри ва фотоматериалларнинг сезгирлигини кўрсатиш предмет ёки деталнинг ёруғлик даражаси кўз билан қараганда баҳо бериш учун керак бўлади. Суратдаги предметларнинг ранги ва фотоматериалларнинг турига қараб суратда у ёки бу камчиликлар бўлиши мумкин. Масалан, қизил, ҳаворанг, кўк, жигаррангли предметлар ўзининг рангидан тўқроқ чиқади. Фотоаппарат билан суратга олинганда нуқталар воқеа содир бўлган жойда тартиб номери билан белгиланиши ва тайёрланган фотосуратга мос келиши керак.

Гувоҳ, айбланувчининг кўрсатуви билан воқеа жойини суратга олганда баённомада суратга олинган объектлар фотография усуллари, олинган сони кўрсатилади. Бир объект устида бир неча шахсларнинг кўрсатув фикри бўлиши учун ҳар хил ёруғлик фильтрлари, негатив ва диафрагмани, выдержкани ўзгартириб олиш ва белгилаш мумкин. Тергов эксперименти, таниб олиш учун кўрсатиш ва тинтувда объектни аниқлаш учун фотография усули ва кадрлар сонини кўрсатиш етарли. Баённомага киритилган суратлар тушунтириш матни билан тўлдирилади. Матн суратнинг орқа томонига ёки каттароқ оқ қоғозга ёпиштирилган суратнинг тагига ёзилади. Тушунтириш матнида қуйидагилар бўлиши керак:

суратга туширилган объектнинг номи;

воқеа жойининг кўриниши;

предметларни далилий ашёларни тўплаш ва шунга ўхшаш тергов ҳаракати олиб борилган куни, вақти, сурат ёпиштирилган баённомага илова қилинади.

Муҳим аломатлар номер ёки белги билан кўрсатилади. Таниб олиш учун олинган сурат тасвири кўрсатилган шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми тушунтириш матнида берилади. Суратлар терговчи ёки суриштирув олиб борган шахс томонидан имзо қўйилиб тасдиқланади. Баённомага холислар ва терговчи имзо қўяди.

Эксперт-криминалистлар тайёрлаган фотосуратларни ўзининг махсус шаклдаги сурат жадвали бланкасига ёпиштирилади. Фотография ёрдамида олиб борилган текширишлар эксперт хулосасининг текшириш қисмида ёзилган бўлиши керак. Фотоаппарат модели, объектив маркаси, ёруғлик манбаи, ёруғлик фильтри ва фотоёруғлик сезувчи материаллар кўрсатилади. Хулоса жадвалга ҳавола қилинади, объектнинг характерли белгилари кўрсатилади. Белги билан контроль сурат ҳам кўрсатилади, суратлар тушунтириш матни билан тўлдирилади, унда суратга олинган объект учун қўйилган белгининг аҳами-

яти тушунтирилади. Ҳар бир жадвал эксперт имзоси билан тасдиқланади.

Кино суратларни расмийлаштиришда бўлган ҳодиса баённомада кўрсатилади. Процессуал қоидаларга риоя қилиб сурати олинган объектнинг характери, эпизодларнинг олинган сони, қисқа мазмуни, суратга олиш усуллари, киноаппаратнинг модели, объектив маркаси, кадрларнинг айланиш тезлиги, ёруғлик тури баённомада кўрсатилади.





6-боб КРИМИНАЛИСТИК ТРАСОЛОГИЯ

1-§ Трасология тушунчаси ва изларнинг таснифлари

Трасология сўзи французча «la tras» - из, грекча «logos»-таълимот сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлиб, излар ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Трасология жиноятларни фош қилишда ва унга қарши курашда қўлланиладиган криминалистик техниканинг муҳим соҳаларидан биридир.

Излар ҳақидаги таълимот деганда кенг маънода жиноят содир қилиш натижасида вужудга келадиган барча ўзгаришлар тўғрисидаги билимларни тушунамиз. Излар жиноят содир этилган жойда, жиноятчининг баданида ва кийимида ҳосил бўлади.

Криминалистикада излар икки гуруҳга ажратилади:

Ҳодиса ёки унинг айрим ҳолатлари инсон онгига сингиб хотирасида сақланади ва маълум вақтларда маълумот-ахборот шаклида тикланади. Бу хилдаги изларни шартли равишда хотиравий излар деса бўлади. Изларнинг бу тури субъектив характерга эга бўлиб инсоннинг сезиш, қабул қилиш, тафаккур қилиш, хотирасида мустаҳкам ва узоқ муддатгача сақлаш қобилиятига, шунингдек, бошқа жисмоний ва руҳий хусусиятларига боғлиқдир.

Моддий излар-жиноий ҳодиса билан боғлиқ бўлган турли ҳаракатлар натижасида бир объектдан иккинчи объектда унинг маълум қисмидан акси, модда қолдиғи ёки бошқа ўзгариш аломатлари қолади. Изни ҳосил қилувчи объект изни ўзида акс эттирувчида фақат контакт бўлган ташқи тузилишининг бирор қисмидангина из қолдиради. Шу асосда из ҳосил бўлишида икки объект ўзаро муносабатда бўлиб, биринчиси изни ҳосил қилувчи, иккинчиси изни ўзида акс эттирувчи объектлар гуруҳини ташкил қилади.

Изларни ҳосил бўлиш механизми дейилганда, бир объектнинг иккинчи бир объектда ўз тасвирини қолдириш жараёнини тушуниш керак. Улар индивидуаллиги ва ўзига хос хусусий белгиларига эга. Ана шу белгилар бир объектнинг иккинчи объектга таъсири натижасида из ҳосил қилади.

Трасология бу - изларнинг ҳосил бўлиш механизмини, из ҳосил қилувчи объектларнинг гуруҳ ва индивидуал мансублигини аниқлаш, изларнинг аксини қидириб топиш, қайд этиш ва текшириш учун

қўлланиладиган илмий-техника воситалари ва методларини ишлаб чиқиш ҳақидаги таълимотдир.

Излар қуйидагича таснифланади:

1. Келиб чиқиш шакли бўйича:

- ботиқ излар;
- юзаки излар;

2. Ҳосил бўлиш механизми бўйича:

- статик излар;
- динамик излар;

3. Изларнинг заррачалар ҳисобидан ҳосил бўлишига қараб:

- локал излар;
- периферик излар.

Амалий жиҳатдан изларни таснифлаш уларни қидириб топиш, нусхасини олиш, тадқиқ этишда ҳар бир изни қай усулда ҳосил бўлганлигини процессуал ҳужжатларда тўғри-аниқ ифодалаш имконини беради.

Ботиқ излар - қабул қилувчи юзанинг из қолдирувчи объект билан контактда бўлган жойнинг тўқнаш келган қисмидаги ўзгариш ҳисобига ҳосил бўлади. Бунинг натижасида из қолдирувчи объектнинг тасвири қабул қилувчи объектда ботиқ ҳолатда ўз аксини топади.

Юзаки излар қабул қилувчи объектда из қолдирган объект юза қисмининг акси ўтиши натижасида ҳосил бўлади.

Изни ҳосил қилувчи ва қабул қилувчи объектлар контактининг ҳаракати натижасида юз берса динамик излар ва ҳаракатсиз ҳолатда эса статик излар ҳосил бўлади. Из ҳосил қилувчи объектнинг ташқи тузилиши статик изда аниқ ифодаланади, динамик изларда эса бундай хусусият суркалиш-тирналиш каби шаклда акс этади. Идентификациялаш вазифаси ҳам ушбу из турларига қараб ўзгача амалга оширилади.

Икки объектнинг бир-бирига таъсир этиши натижасида контакт бўлган майдон ичидаги ўзгариш локал изни ва майдон ташқарисида бўлган ўзгаришлар периферия изларини ҳосил қилади.

Жиноий ҳодиса билан боғлиқ бўлган барча излар - қолдиқ моддалар, турли ўзгаришлар, объектнинг бўлаклари кабиларни ўз ичига олади. Из ҳосил қилувчи предмет – буюмнинг ташқи индивидуал тузилиши акс этилган изларгина трасологик текширув предмети бўлаолади. Бу масала трасологиянинг асосий вазифаси бўлган объектлар-

нинг излари асосида унинг айнанлигини ёки маълум бир гуруҳ (тур)га мансублигини аниқлаш тушунчасидан келиб чиқади.

Криминалистик техникада трасологик изларни таснифлаш, идентификация ўтказиш масалалари даставвал проф. Б.И.Шевченко томонидан ўрганилиб, трасологик идентификация фақат жисмларнинг ташқи тузилиши бошқа объектларда акс этган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланган.

Трасологик изларнинг таснифи уларни ҳосил қилувчи объект турлари бўйича ҳам хилма-хилдир.

Одамнинг қўл, бармоқ, яланг оёқ излари, бунга пойабзал изларини ҳам киритиш мумкин. Баъзан тиш ва лаб излари ҳам учрайди.

Жиноий ҳаракатни содир этишда турли тўсиқларни бузиш учун асбоб-қуроллар ишлатилади, буларни бузиш қуролларидан қолган излар деб аталади.

Транспорт воситасининг ғилдираклари ва турли қисмларидан қоладиган излар ҳам бор.

Экспертиза текширувлари ҳам ана шу гуруҳларга тегишли бўлган изларнинг хусусиятига қараб ўтказилади. Объектлардаги изларнинг ҳосил бўлиш механизмини ва из қолдирган объектларнинг айнанлигини аниқлаш трасологик текширув орқали бажарилади.

Изнинг ҳосил бўлиш хусусияти унинг аломатлари, шакли, ўлчови, қолдиқлари ва бошқаларини ўрганиш орқали аниқланади. Мазкур текширувга бевосита изни ўзида акс эттирган объектни ўрганиш билан эришилади. Объектнинг фотосурати, нусхаси фақат ёрдамчи восита ролини ўйнайди. Шу билан бирга жиноий иш материалларини кўздан кечириш баённомаси, фотосуратлари ва чизмалари текширувни бир мунча енгиллаштиради.

Объектларнинг қайси гуруҳга мансублигини аниқлаш айнанлик масаласини ҳал этишда биринчи босқич бўлиб хизмат қилади. Қайси гуруҳга мансублик текшираётган объектларнинг изда акс этган умумий тузилиши, ўлчови ва бошқа умумий аломатлари орқали аниқланади.

Объектларнинг айнанлигини белгилаш трасологик текширувнинг асосий вазифасидир. Бу текширув натижасида топилган (ҳосил бўлган) изнинг муайян объектдан қолганлиги аниқланади. Объектларнинг ўзаро таққослаш орқали текшириш жисмнинг қайси гуруҳга мансублиги ва айнанлиги белгиланади.

Объектларнинг айрим бўлаклари асосида бир бутунни аниқлаш масаласи ҳам трасологик экспертиза вазифасига киради. Жумладан,

жиноят қуролининг масалан, пичоқнинг бир қисми ҳодиса жойида, иккинчи бўлаги шубҳаланилган шахс ёнидан (уйидан) топилиши, ҳужжатнинг йиртилган, кесилган бўлаклари, синган шиша бўлаклари ва ҳ.к., айрим бўлаклари асосида битта қуролга тегишли эканлиги аниқланади.

2-§ Қўл бармоқ излари

Қўл (бармоқ) излари бошқа изларга нисбатан кўпроқ учраб туради, чунки инсон у ёки бу ҳаракатни содир қилганда қўл билан ушлайди, олади ва бошқа амалларни бажаради.

Дактилос - бармоқ маъносини англатади Тергов амалиётида излар асосида муайян шахснинг айнанлигини дактилоскопик текширув йўли билан аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Қўлдан қоладиган изларнинг аҳамияти изни ҳосил қилувчи қўлдаги тери тузилишининг ўзига хослиги ва такрорланмаслиги билан белгиланади. Анатомия фанининг маълумотларига биноан тери икки қават, яъни дерма ва эпидермис қатламларидан иборат бўлиб, дерма ички қатлами, эпидермис эса ташқи қопловчи тери қатламини ташкил қилади. Ички қатлам (дерма)да тери тузилиши силлиқ бўлмай ўзига ҳос папилляр (кашта) тузилиши билан тавсифланади. Кашталар папилляр чизиқлар ҳосил қилиб, устки қатлам – бу чизиқларни такрорлайди.

Қўл изларининг аҳамияти инсон қўли бармоғининг охирги бўғимларидаги папилляр чизиқларнинг индивидуал, яъни ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятига эга бўлиши ва бу хусусият инсоннинг умри давомида ўзгармас, мустаҳкам тасвирга эгалигидадир. Терининг тузилиши инсоннинг ҳомиладалик даврида шаклланиб, умри бўйи ўзгармай ва ўлгандан сўнг ҳам тўлиқ чириш юз берганга қадар сақланиб қолади. Тери каштасининг хусусияти, ундаги барча аломатлар йиғиндиси иккинчи шахсда такрорланмаслигидадир.

Қўл кафти, бармоғи ёки бошқа жойи зарар кўрганда ҳам (куйиш, кесилиш ва бошқалар) устки қатлами маълум бир вақт ўтиши билан тўла ва аввалги ҳолатга тикланади. Фақат терининг ички (дерма) қатлами чуқурроқ зарарланса, папилляр чизиқлари шикастланиб ўрнида чандиқ излари ҳосил бўлади. Бу маълумотлар амалий ва назарий жиҳатдан қатор тадқиқотлар асосида тасдиқланган.

Ҳар бир қўл – бармоқ излари папилляр белгиларни ташкил қилади. Ушбу белгилар йиғиндиси муайян шахснинг айнанлигини

белгилайди. Дунё миқёсида яшовчи барча одамлар ичида ҳозирги кунга қадар икки шахснинг бир хилдаги бармоқ излари бўлмаган.

Бармоқдаги папилляр чизиқлар уч қисмдан иборат:

1) каштанинг ички шаклини чизиб борувчи чизиқлар;

2) ички шаклнинг ташқари қисмидаги, яъни ён атрофдаги чизиқлар;

3) каштанинг базис чизиқлари.

Каштанинг ички чизиқлар оқими атроф чизиқлар оқими билан учрайдиган жой дельта деб номланади.

Изларнинг классификацияси, асосан кашта чизиқларининг неча оқимдан иборатлигига ва бу оқимларнинг йўналиш шаклига қараб белгиланади. Бармоқдаги папилляр кашталар ана шу оқимнинг йўналишидаги мураккаблигига қараб уч турга: ёйсимон, сиртмоқсимон ва айлана шаклидаги чизиқларга бўлинади.

Ёйсимон каштада чизиқлар бир томондан кўтарилиб айлана ҳосил қилиб, қарама-қарши томонга йўналади.

Сиртмоқсимон каштада ички оқимдаги икки ёки ундан кўп чизиқ каштанинг марказида сиртмоқ ташкил этади ва яна қайта ўз томонига йўналади. Сиртмоқ ҳосил қилган чизиқлар оқимининг оғиши бош бармоқ томони бўйича йўналса, сиртмоқдаги каштанинг радиал формаси, агар оғиш жимжилоқ томон бўлса, улинар формаси деб аталади. Каштадаги сиртмоқларнинг ўзи оддий, берк, яримта ва букилган формаларда бўлади. Каштадаги сиртмоқ ҳосил қилган папилляр чизиқларнинг ҳар уч оқими бир-бирига яқинлашган жойда битта учбурчак дельта ҳосил бўлади.

Айлана каштада папилляр чизиқлар турли шаклдаги думалоқ, марказдан ўнгга ёхуд чапга йўналган айлана доиралардан ташкил топган бўлиб, ҳар иккала томонида дельтаси бўлади. Ушбу дельталарнинг ўзаро жойлашиши асосида ҳам айлана кашталар турларга бўлинади.

Экспертиза фаолиятида кўп ҳолларда бармоқ излари текширилиб турилади. Кафтнинг у ёки бу қисми излари нисбатан камроқ учрайди. Бирор модда билан қўллар, бармоқларни кашта тузилишларини аниқлаш мумкин. Кўринмайдиган изларни кўринарли қилиб, криминалистик техник воситалари ёрдамида кўчириб олинади. Излар алоҳида предмет, буюмларда топилган ҳолларда изни предмети билан олиниб (унга ҳеч қандай восита қўлланилмасдан) экспертизага юборилади.

Солиштириб текшириш учун шубҳаланилган шахсларнинг ўнта бармоғи ва икки кафтининг излари махсус дактилокарталарда акс эттирилиб намуна сифатида юборилади. Жиноят содир бўлган ва бошқа ҳодисалар рўй берган жойларда қўл изларини силлиқ предмет – буюмларда, масалан, краскаланган пол, девор, эшик-дераза ёғочлари ва металл қисмлари, уй-рўзғор буюми, мебелларнинг силлиқ устки қатламларида излаш лозим.

Силлиқ бўлмаган ўзига ёғ ва тери суюқлиги сингдирадиган буюмларда из қолган бўлсада, уни кўринарли қилиш, кўчириб олиш ва идентификация қилишнинг иложи бўлмайди, чунки бундай из индивидуаллик хусусиятларини акс эттира олмаганлиги сабабли яроқсиз ҳисобланади.

Ҳодиса жойида топилган бармоқ изини фотосуратга олиб мустаҳкамлангандан сўнг уни махсус дактилоплёнкага кўчириб олинади ва намуналар билан экспертизага юборилади. Кўринмайдиган ва бўялган қўл-бармоқ излари алоҳида кичик буюм ёки жиноят қуролида қолган бўлса, мазкур предметни ҳеч қандай ўзгаришсиз излари билан олиб, махсус усул билан ўраб жойлаштириб эксперт ихтиёрига ҳавола қилмоқ тавсия этилади. Экспертиза топилган из шубҳаланилганнинг қайси қўли ва бармоғидан қолганлигини аниқлашга ёрдам беради.

8-расм, Қўл бармоқ излари,
Чапда ҳодиса жойидан топилган из, Ўнгда шубҳаланувчи бармоғидан намуна изи (Бир хилдаги белгилар рақамлар билан кўрсатилган)

3-§ Оёқ ва пойабзал излари

Оёқ, пойабзал ва пайпоқлардан қолган излар ҳажмли ва юзаки кўринишда бўлади. Оёқлардан қоладиган ҳажмли излар кўпроқ идентификация қилишга яроқли бўлади. Улар кўпинча бўш тупроқда, қорда ёки нам қумларда қолиши мумкин. Изларни текшириш фақат оёқнинг катта-кичиклиги ёки пойабзалларнинг шакли ва размерини аниқлаб қолмасдан, балки изларда акс эттирилган баъзи характерли хусусиятларга қараб шахснинг айнан ўзлигини аниқлашга имкон бўлади. Оёқ излари асосан юрганда, сакраганда ёки чопганда ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳосил бўлиш механизми одатда ҳосил бўладиган статик излардан бирмунча фарқ қилади.

Текшириш учун яроқли бўлган динамик излар ҳодиса содир бўлган жойларда қолиши мумкин. Чунки пойабзалларнинг тагчарми қаттиқ ва юмшоқ материаллардан қилинганлиги учун сирғаниш натижасида қолган изларда уларнинг идентификациявий хусусиятлари яхши акс эттирилмайди. Бироқ, тагчарм ва пойабзалларнинг пошна қисмларининг сирғаниши натижасида изларда пойабзалга қоқилган мих ва тақалардан излар қолган бўлса, бундай вақтларда объектларни идентификация қилиш мумкин бўлади.

Оёқ излари яққол кўриниш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли уларни топиш учун махсус усулларни қўллашга зарурат туғилмайди. Яланг оёқ изларини қидиришда қўл изларини топишда қандай усуллар қўлланса, бунда ҳам худди шундай усуллар қўлланади, яъни турли ёнбошдан ёруғликлар бериш йўли билан ёки турли бурчакдан кўриш усули билан топиш мумкин. Йод буғи билан чанглантириш усули ва нингидриндан фойдаланиш ҳам изларни топишда ижобий натижа бериши мумкин

Пойабзаллардан қолган изларга қараб уларнинг тагчарм қисмининг тузилиши, пошнаси, тагчармидаги алоҳида шакллар, юзасининг тузилиши (силлиқ, кашталик), шунингдек, тагчармнинг пойабзалга тикилиш усуллари тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Бу белгиларнинг умумий йиғиндиси пойабзалнинг размери тўғрисида аниқ хулоса юритиш имкониятини беради.

Яланг оёқдан қолган изларни текшириш билан унинг шакли ва размери, агар изда бармоқ излари ҳам аниқ акс этган бўлса, уларнинг шакли ва ҳажми тўғрисида хулоса чиқазиш имкони туғилади. Шу нарсани назарда тутмоқ керакки, ҳаракат вақтида бармоқлар бир мунча ёйилиб кетади ва уларнинг акси юрмасдан турган вақтда қолдирган изга нисбатан узунроқ ва энлироқ бўлади.

Яланг оёқ изларининг узунлиги изнинг ўқи бўйлаб, товондан то катта бармоқ учигача бўлган масофада ўлчанади. Оёқнинг товон ва кафт қисмларининг эни, уларнинг энг кенг жойидан оёқ юзасининг эни ва энг қисқа жойидан ўлчанади.

Пойабзаллардан қолган изларнинг узунлигини аниқлаш учун пойабзал тагчарминнинг энг четидан то учигача ўлчанади. Тагчарм узунлиги, изнинг ўқи бўйлаб, тагчарм эни - энг кенг жойидан, ўрта қисми энг қисқа жойидан, пошна қисмининг эни энг кенг жойидан ва пошна қисмининг узунлиги из ўқи бўйлаб ўлчанади.

Ҳодиса жойида бир неча оёқ излари топилган тақдирда, улардан биттаси ўлчаниб қолмасдан барчаси ўлчаниши зарур. Бу ерда излар "йўлка"си ҳосил бўлади ва уларни суратга олиниб кейин масштабли режага кўчирилади. Йўлкаларнинг қуйидаги характерли элементлари: юриш йўналиши, қадамнинг узунлиги ва эни, товоннинг буриш бурчаги бўлади.

Пойабзалнинг размерини топиш учун қуйидаги талаблар бажарилиши керак: а) изнинг узунлигини ўлчаш; б) топилган сонни 10-15 мм камайтиш; в) қолган сонни 6,67га тақсимлаш. Масалан: изнинг узунлиги 280мм. 280-10=270; 270:6,67=40. Шундай қилиб, из қолдирган пойабзал тахминан 40 размерли дейиш мумкин. Пойабзал изига қараб кишининг бўйини тахминан топиш мумкин. Киши бўйи пойабзал изидан 6,7 баробар узун бўлади.

Ҳажмли оёқ изларидан нусхалар олиш учун гипсдан фойдаланилади. Гипс қуруқ ва яхши бирикадиган майда бўлиши керак. Гипс бўтқаси тайёрлангандан кейин оёқ изларига икки хил усулда қуйилади. Биринчи қуйилишда из яримгача тўлдирилиб, устидан гипс нусханинг мустаҳкам ва жипслиги учун турли чўп ёки сим қуйилиб ундан кейин иккинчи марта гипс қуйилиб из тўлдирилади. Шуни назарда тутмоқ керакки, гипсни изга қуйишда изнинг чет қисмлари ағанаб тушиб кетиши мумкин. Шунинг учун гипс суюқлигини тўғридан-тўғри изга қуймасдан четроқдаги тупроқ устига қуйилса, гипс ўзи секин оқиб изга тушади, бу эса изнинг ҳамма қисмларидан тўлиқ нусха чиқишига имкон яратади.

Агар излар юмшоқ объектларда бўлиб, гипс яроқсиз ҳолатга келиб қолиш хавфи туғилса, бундай изларга гипс қуйишдан аввал 6 фоизли спиртда суюлтирилган шеллак қоришмаси (лак, сурғич, пластмасса), ацетон (2,5 фоиз)да эритилган целлюллоза ёрдамида изнинг юз қисмига пуркаш йўли билан қотирилиб, кейин гипслик нусха олинса мустаҳкам чиқади.

Тергов ва экспертиза амалиётида яланг оёқ изларига нисбатан пойабзал излари кўпроқ учраб туради. Пойабзал излари одатда юриш – ҳаракат натижасида ҳосил бўлади, бу вақтда динамик ва инсон тинч тўхтаб турган жойида статик излар қолиши мумкин. Юриш-қадам ташлаш жараёнида пойабзалдан қисман статик ва оёқнинг ҳаракати натижасида динамик излар ҳосил бўлади. Оёқлардан бири судралиш хусусиятига эга бўлса ва ҳаракат натижасида сирғаниш юз беради, бунда пойабзал излари соф динамик хусусиятга эга бўлади. Идентификация учун кўп ҳолларда статик изларнинг ботиқ шакллари аҳамиятлидир. Бу изларни кузатиш, ўлчаш, ўрганиш билан пойабзалнинг (уни кийган оёқнинг) размери, шакли, яъни қайси гуруҳга мансублиги билан бир қаторда из қолдирган пойабзалнинг айнанлигини аниқлаш мумкин.

Пойабзалнинг юзаки излари бўйича фақат умумий хусусият белгиларини кузатиш мумкин. Баъзи ҳолларда излар текис жойлар (паркет, пол, линолеум, мармар, силлиқ плиткалар)да қолгандагина пойабзалнинг индивидуал хусусияти акс этади. Бундай ҳолатларда идентификация ўтказиш мумкин бўлади. Динамик излар бўйича уларнинг ҳосил бўлиш механизми ва объектнинг қайси қисмидан ҳосил бўлганлиги аниқланади.

Яланг оёқ излари камроқ учраб турсада, уларнинг идентификация нуқтаи назаридан аҳамияти каттадир. Одамнинг оёқ тавонида микрорельеф кашталари мавжуд бўлиб улар ҳам индивидуаллик хусусиятига эгадир. Шу боис, яланг оёқ излари бўйича уни қолдирган муайян шахснинг айнанлигини белгилаш мумкин. Инсоннинг тавон терисидаги папилляр чизиқлар, тери тузилиши (микрорельефи) индивидуал бўлиб, умр бўйи ўзгармайди. Бу ҳолат бир қатор илмий тадқиқот ва кузатувлар асосида тасдиқланган. Яланг оёқ излари юмшоқ ва ярим юмшоқ объектларда ботиқ ҳолатларда ва текис жойларда эса юзаки шаклда қолиши мумкин. Уларни ўлчаш ва кўчириб олиш учун қўл изларига доир умумий усуллар тавсия этилади. Яланг оёқ изларини ўлчашда бош томондан (катта бармоқдан) товоннинг сиртқи четигача узунлиги, кафт қисмининг маркази, оралиқ чизиқча чегарасигача узунлиги ва кенглиги, товон қисми ҳам узунлигига ва энига ўлчанади. Бу умумий гуруҳга мансублигини белгиларидир.

Ҳодиса жойида инсоннинг қадам ташлаши, югуриши натижасида чап ва ўнг оёқларининг излари қолади. Бундай изларни ўлчашда чап ва ўнг оёқ излари алоҳида ва оралиқ масофаси, йўналиши, қадамнинг қайси томонга йўналтирил-ганлиги, узунлиги, кенглиги ва

бошқа белгилари аниқланади. Алоҳида кўчириб олинган чап ёки ўнг оёқнинг изи бўйича индивидуал идентификация ўтказилади.

Мазкур излар кўздан кечириш баённомасида қайд этилиб, фотосуратга олиш билан мустаҳкамланади. Шундан сўнг улардан битта ёки бир неча нусхалар гипс қоришма воситаси билан кўчириб олинади.

9-расм, Пойабзал излари, ходиса жойидан олинган изнинг қолипи ва текширилувчи пойабзал рақамлар билан бир хилдаги белгилар кўрсатилган

10-расм, Оёқ излар йўлкаси (Ҳарфлар билан ўлчов белгилари кўрсатилган)

4-§ Бузиш қуролларидан қолган излар

Жиноятчилар биноларга кириш мақсадида турли тўсиқларни бузиб, қулфларни турли усулларда очиш ва шикастлаш йўлидан фойдаланадилар. Тўсиқлар ўз хусусияти, тузилиши ва вазифаси бўйича турлича бўлади. Жиноятчилар турли предмет – асбобларни жумладан, ёғоч, темир, шишаларни қурол сифатида ишлатадилар. Масалан: дурадгорлик, слесарлик асбоблари, уй-рўзғор ва хўжаликда ишлатиладиган қуроллар, қулфларни бузиб очиш учун мослама калитлар ва бошқалар. Тўсиқ бўлган объектларнинг барчасини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1) турли шакл ва тузилишдаги қулфлар;

2) қурилиш тўсиқлари ва турли мосламалар, масалан, сейф қутилар, буюм, пул ва бошқа сақлаш қурилмалари.

Жиноятчилар кўп ҳолларда қулфларни бузадилар ва баъзида бошқа калитга ўхшаш мосламалар билан очадилар. Қулфларни бузишда баъзан қулф ёпиқ илинган ҳолда тўсиқ билан бирга кўчириб олинади. Мослама калитлар ва бошқа калитнинг шаклига ўхшаш асбоблар билан очилганда қулфнинг ички қисмида тирналиш, сирғалиш каби излар ҳосил бўлади. Қулфли тўсиқ бузилганда қаттиқ металл буюм-асбоб билан қулф бириктирилган эшик-дераза кесакисини

ажратадилар. Бундай ҳолларда тўсиқнинг ўнг ёки чап қисмида ботиқ излар ҳосил бўлади. Қулфлар аввалги ҳолати ўзгармасдан илингани бўйича қолади. Осма қулфларни бузганда турли слесарлик асбоблар ишлатилади. Омбур, ножовка (металл қирқадиган арра) кабилар билан қулф банди кесилади ёки лом билан сиқиб бузиш қуроли теккан жойларда ботиқ ёки юзаки излар ҳосил бўлади. Қулфнинг ички қисмидаги баъзи жойлари (ригел, пружина тишлари) зарарланади ва қулф қисман илинган ҳолда сақланади.

Эшик, дераза, девор каби тўсиқлар бузилганда синдириш, бузишга мослашган асбоб-предметларни қўллайдилар. Металлдан ясалган қурилмаларни (сейф, шкаф каби) бузишда автоген асбобини ҳам қўллайдилар.

Ушбу усуллардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Очқич (отмичка) - бу қулфларни очиш учун махсус тайёрланган мослама бўлиб улар мураккаб, ҳам жуда оддий усулда тайёрланган бўлиши мумкин. Очқичлардан фойдаланиб очилган қулфларда қоладиган изларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда ўткир қурол излари қолишидир. Очқични қўл ичига солиб бураган вақтда қулфдаги қисмларда уларнинг ўткир қирраларидан тирналган излар қолиши, айрим деталлари синган ҳам бўлиши мумкин.

Омбур - бу уйни ички томонидан тиқиб қўйилган калитни очишга мослантирилган учи узун, кертик тишли мосламадир. Бундай асбобдан фойдаланиш унинг ички томонидан қулфга солиб қўйилган калитни бошқа томондан туриб учидан тишланиб, қулфни очиш ёки калитни уйнинг ички томонига туртиб юбориб, махсус очқич билан очиш имкониятини беради. Бундай асбобдан калитда статик излар қолади. Эшикларнинг ичига ўрнатилган қулфларни очишда қулфнинг тилини суриш учун ишлатиладиган асбоблардан ҳам фойдаланилади. Масалан: искана, пичоқ учи. Ясси қилинган ломлар ёки металл парчалари шундай асбоблар жумласидандир. Бундай вақтларда бузиш қуроли эшик орасига киритилади, қулфларнинг тили қулф ичига сурилиб эшик очилади.

Кесилиш натижасида бузиш қуролларидан объектларда икки томонлама из қолади. Қурол эшик оралиғига киритилган вақтда эшикнинг ўзида ҳамда тўсинида из қолиши мумкин. Бундай излардан айниқса бузиш қуролининг учидан қолган излардан, қурол учи қисмининг гуруҳ мансублигини, шаклини, размери, баъзи вақтларда ҳатто уларнинг гуруҳ мансублиги ва айнан ўзи эканини аниқлаш ҳам мумкин.

Бузиш объектлари икки гуруҳга: қулфларга ва бино тўсиқларига бўлиб ўрганилади.

Қулфни бузиш ёки синдириш деганда уни қисман ёки тулиқ яроқсиз ҳолатга келтирилишига айтилади. Қулфлар асосан икки турга: ички ва осма қулфларга бўлинади.

Ички қулфларни синдириш тажрибада кам учрайди, чунки бунинг учун аввало қулф ўрнатилган объектларни ёки эшик ва ромларни бузишга тўғри келади. Осма қулфларни синдириш ёки бузиш эса тажрибада кўпроқ учраб туради. Осма қулфлар кўпинча қулфни объектдан юлиб олиш, кесиб олиш ёки ҳалқасини арралаш, эговлаш йўли билан бузилади ёки синдирилади.

Қулфни объектдан юлиб ёки суғуриб олинганда объектда бузиш қуролининг учида ҳажмли излар қолади. Баъзи вақтларда излар қулфнинг ташқи қисмида ҳам қолиши мумкин. Қулфлар кўп ҳолларда унинг ҳалқасини кучли ўткир қайчилар билан қирқиш йўли билан бузилади. Кесиш натижасида ҳалқада қайчининг излари қолса, арралаш натижасида эса қандай турдаги арралаш асбобларидан фойдаланилганлигини билдирувчи из белгилари қолади. Арралаш изларидан фақат фойдаланилган қуролнинг тури, арралашнинг ҳаракат томонлари, арра тишининг қалинлиги ва бошқа белгиларини аниқлаб олиш мумкин. Арралаш вақтида ҳодиса жойида арралашдан чиққан қипиқлар ва синган қулф ҳалқасининг бўлакчалари қолади. Объектларни кўздан кечиришга бундай ҳолатларга алоҳида аҳамият бериш зарур бўлади. Айрим вақтларда, гумон қилинаётганларнинг оёқ кийимлари ва тирноқ тагидан металл қипиқлари топилиши мумкин. Мободо улар ҳодиса жойидан топилган қипиқлар билан бир хил деб топилса, жиноятни очиш учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари қулфларни кўздан кечиришда қуйидаги ҳолатларни, яъни қулфнинг ётган жойини, турларини, эни ва узунлигини ташқи тузилиш ҳолатини, ундаги изларни, бузиш қуролларидан қолган изларнинг шакллари, размери ва бошқаларни аниқлаб олиш зарур бўлади. Буларни ҳаммаси объектларни бузишда жиноятчилар томонидан қўлланилган усулларни аниқлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Бузиш қуролларидан қоладиган излар бўйича идентификация ўтказиш учун ҳодиса жойида объектларни кўчириб олиш ишлари криминалистик техника тавсия этадиган қоидалари асосида бажармоқ лозим. Жумладан, бузилган қулфни топилган жойида уни ҳолатини ўзгартирмасдан суратга тушириш, баённомада қайд этиш, статик

услуби билан кўздан кечириб, қисмларини бир-биридан айирмаган турғунлик ҳолда махсус қутиларга жойлаштириш лозим.

Кўрсатилган объектларнинг тадқиқот текшируви натижасида уларга таъсир этган, қўлланилган қурол тури, сифати, изларнинг ҳосил бўлиш механизми аниқланади, кейин тергов тезкорлик чораларини кўриб индивидуал идентификация ўтказилади. Солиштириб текшириш учун изланувчи – текширилувчи объект ва шубҳаланган қурол изларидан кўчирма тайёрланиб олинади. Идентификациянинг умумий услублари қўлланилиб текширув ўтказилади.

Мазкур экспертизанинг вазифаси қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

- тўсиқдаги изларнинг ҳосил бўлиш механизми;
- қандай турдаги предмет (асбоб-ускуна) билан бузилган, синдирилган, кесилган;
- текширувга юборилган объект-қурол сифатида ишлатилганми;
- текширувга юборилган қулфнинг умумий ҳолати, бузилиш усули, қандай қурол тури билан бузилган,очилган;
- текширувга ҳавола қилинган объектлар (калит ва бошқалар) мослама калитми, асл калитми, нусха калит эмасми?

Экспертиза текширувига бузиш қуроллари ва улардан қолган излар билан бир қаторда ҳодиса жойини ва объектларни кўздан кечириш баённомаси, фотосуратлари, ҳодиса жойининг чизмаси ва бошқа ёрдамчи маълумотларни ҳам юбориш мақсадга мувофиқ.

5-§ Транспорт воситаларининг излари

Транспорт излари деганда асосан унинг ғилдираклари-дан қоладиган излар назарда тутилади. Транспортнинг ғилдирагидан қоладиган изларнинг турлари йўл-кўчанинг устки қатлами-рельефига боғлиқ. Юмшоқ, ярим юмшоқ (лой, қор, нам тупроқли) қатламларда ботиқ излар ва қаттиқ (асфальт, тош, бетон-плиталар) қатламларда юзаки излар қолади. Транспорт тормозланганда ёки бошқа сабаблар билан сирғаниш натижасида динамик излар ҳосил бўлади.

Автотранспорт воситаларидан из ҳосил бўлиш механизми ўзига хос хусусиятга эга. Автотранспорт тўғри кетаётганда тўртта ғилдиракдан тўртта из қолмасдан фақат иккита из қолади, чунки олдинги ғилдирак изларини орқадаги ғилдирак излари қоплайди. Фақат бурилиш (қайрилиш) жойида ҳамма ғилдираклардан из қолади.

Юк ташувчи мотороллернинг ҳамма ғилдирагидан (улар тўғри йўлдан кетганда ҳам) из қолади, чунки уларнинг ғилдираклари кетмакет ўрнатилган эмас. Уч ўқли транспорт воситалари бурилиш жойида олдинги ва орқадаги ғилдиракларидан из қолдиради, чунки орқа ғилдираклар ўрта ғилдиракларнинг айни устидан босиб ўтиб, битта из ҳосил қилади.

Транспорт воситаларининг қайси гуруҳга мансублигини (тури, маркаси, модели) пневматик шина изларига қараб аниқлаш мумкин. Протекторларнинг тузилиши, эни ва ташқи диаметри шина моделини аниқлашда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Кейинги вақтларда автотранспорт конструкциялари сонининг тобора ўсиб бориши туфайли уларнинг қолдирган изига қараб қайси гуруҳга мансублигини аниқлаш анча қийинчилик туғдириши мумкин. Шу сабабли ҳодиса жойини кўздан кечиришга зарур белгиларни тўғри ва тўла ифодалаш учун автомобиль техникаси соҳасида яхши билимга эга бўлган мутахассисларни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

Ғилдиракли от-арава транспортларидан қоладиган излар ғилдиракларнинг сони, ораларининг эни, диаметри ва бошқа белгиларига қараб аниқланади. От-арава транспортларига ишлатилаётган шиналар, темир ғилдиракларнинг тузилиши аниқланиб олиниши зарур. Бундай транспортларда пневматик шиналар, резинадан қўйилган ғилдираклар ва темир ғилдираклар ишлатилиши мумкин.

Транспортлардан қоладиган излар кўпинча статик изларга яқинроқ бўлади. Агар ғилдиракларнинг майда ташқи қисмлари изларда яхши акс эттирилган бўлса, бу турдаги транспортларнинг изларини идентификация қилиш мумкин. Шиналарнинг сирғаниш натижасида ҳосил бўладиган динамик излар эластик бўлганлиги сабабли майда рельефлари из қабул қилиб олувчи объектларда тўла акс этмайди. Шунинг учун бундай излар идентификация учун яроқсиз, лекин транспорт гуруҳини аниқлашга имкон беради.

Идентификациявий аҳамиятга эга бўлган ҳайвон изларидан асосийси отлардан қоладиган туёқ ва тақа изларидир. Туёқ излари бўш ва тез ёйилувчан бўлганлиги учун маълум вақт ўтгандан кейин ўзининг идентификациявий хусусиятини йўқотиши мумкин. Бундан ташқари тўёқларда кўзга ташланиб турадиган аниқ чегаралар бўлмайди ва туёқдан қоладиган майда рельефлар идентификация қилиш вақтигача ўзининг айрим белгиларини йўқотиши мумкин.

Тақалар кўпроқ идентификациявий белгиларга эга. Тақага қоқилган михлар ва уларнинг жойланиш системаси отларнинг айнан ўзини аниқлаш имконини беради. Ҳайвон излари юзаки ва ботиқ бўлиши мумкин. Ҳайвон оёқларининг изларидан нусхалар олиш ва баённомада қайд қилиш ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган усулларда бажарилади.

Транспорт воситаларидан қоладиган излардан нусхалар олиш трасология объектларини кўздан кечириш ва қайд қилишнинг умумий қоидаларига биноан амалга оширилади. Лекин бундай излардан нусхалар олишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи айрим томонларига тўхталиб ўтиш лозим. Нусха олишга киришишдан аввал автомобиль шиналари, чаналарнинг полослари ва чанғиларнинг сирғаниб юрадиган қисмларидан қоладиган излар, уларнинг тузилиши тўғрисида тўлароқ маълумот берадиган ва гуруҳга мансублигини аниқлашга имкон берадиган, кўзга аниқ кўриниб турадиган умумий белгиларини танлаб олиш керак. Агар шу белгиларнинг баъзилари ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳар ер ҳар ерида қолдирилган бўлса, нусха шу жойларнинг ҳаммасидан олиниши зарур. Бундай жойларда ғилдирак излари топилмаса ёки топиш қийинчилик туғдирса, ғилдиракнинг тўлиқ бир айланиши ҳажмидаги издан нусха олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай вақтларда гипсдан фойдаланиш яхшироқ бўлади.

Олинадиган нусха жуда катта бўлиб кетмаслиги учун изларга гипс қўйишдан олдин бир неча бўлакка бўлиб, кейин гипс суюқлиги қўйилса самарали натижа беради.

11-расм, Транспорт воситаси ғилдирак қопламасидан излари

6-§ Изларни кўздан кечириш ва процессуал расмийлаштириш

Ҳодиса содир бўлган жойда топилган изларни албатта кўздан кечириб, баённомада қайд этиш зарур. Баённома ЖПКнинг 90-

моддасига асосан тузилиб, унда топилган изнинг тури, хусусияти ва индивидуал белгилари акс эттирилади.

Изларни кўздан кечириш баённомаси уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда: ким томонидан, қаерда ва қачон, қандай ҳодиса юзасидан излар қидирилгани каби маълумотлар баён этилади. Кўздан кечириш қандай шароитда, қандай ёруғликда, қанақа оптик асбоблар ёрдамида ўтказилганлиги, кўздан кечириш қачон бошланиб қачон тугаганлиги ва иштирокчилар ёзилади.

Баённоманинг иккинчи қисмида:

- из топилган предметнинг номи;

- шу предметнинг қаеридан, қандай усулда ва қандай техник воситалар ёрдамида излар топилганлиги;

- изларнинг тури, сони;

-изларнинг размери, аниқ ифода этилган хусусиятлари;

- излар қандай усулда қайд этилганлиги ва олинганлиги, баённомага қандай кўринишда илова этилганлиги;

- изларнинг схематик тасвири қайд этилади.

Баённоманинг учинчи якунловчи қисмида кўздан кечириш иштирокчилари томонидан тушган таклифлар, изоҳлар акс эттирилади. Бу қисмда қандай излардан нусхалар олинганлиги, ҳодиса жойидан далил сифатида нималар олинганлиги ёзилади. Баённома барча иштирокчилар томонидан имзоланади.

Излар одатда фотографик ўлчов методи асосида муфассал детални суратга олиш йўли билан қайд этилади. Фотографик усулда қайд этилиши ва изларнинг схематик тасвири баённомага қўшимча қайд этиш усули бўлиб ҳисобланади.

Фотографик усулда изларнинг асл ҳолатига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан унинг тасвири тушириб олинади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда изни даставвал суратга олиш керак.

Изларни суратга олишда стереоскопик, панорама, масштабли ва йирик масштабли усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Изнинг характерига қараб конкрет ва соялантирувчи нур бериш лозим.

Механик усулда изларни қайд этиш асосан ботиқ излардан гипс ёрдамида қуйма нусхалар олиш, юзаки излардан эса из кўчириб олувчи материалларга уларнинг нусхасини тушириб олишдан иборат. Агар из қабул қилган объектнинг ўзини изи билан олиш имконияти бўлмаса, ушбу усулдан фойдаланилади. Издан нусхалар кўчириб олишда унинг ҳар бир катта-кичик элементларини максимал даражада аниқ ва равшан бўлишига эришиш зарур.

Трасологияда умуман из қабул қилган объектнинг ўзини олган маъқул. Имкони бўлмаган тақдирдагина юқорида қайд этилган усуллардан фойдаланилади. Из қабул қилган объектдан нусха олишда унга моддий зарар келтирмаслик чорасини кўриш зарур.

Из тушган объектни унга бирор ўзгариш, ташқи таъсир бўлмаслигини таъминлайдиган қилиб жойлаштириш лозим. Изга нисбатан бирор усул қўлланишидан олдин унга тушган чет нарсаларни (барг, чўп ва ҳоказолар) олиб ташлаш керак. Ботиқ излар агар сув билан тўлган бўлса, сувни резина сўрғичи ёки қоғоз сўрғич ёрдамида олинади. Агар ботиқ излар саёз, яъни унчалик чуқур бўлмаса, изнинг қолипи керакли даражадаги қалинликда бўлиши учун из атрофига деворча айлантирилади.

Баъзан из майда ва ўзаро яхши жипсланмаган заррачали объектларда қолади (масалан, қум, ун, цемент, қуруқ тупроқ ва шу кабиларда). Шу туфайли бу изларни олиш ёки улардан нусхалар кўчириш мумкин бўлмайди. Чунки бу заррачалар тарқалиб кетиб из шаклини бузиб юборади. Бундай ҳолларда илгариги изни вақтинчалик қотириб, ундан нусха кўчириб олинади. Лекин из бор объектнинг ўзини олиб кетиш, ишга далилий ашё сифатида қўшиш жуда катта қийинчилик туғдирганлиги туфайли ҳозир изни перхлорвинил эритмаси билан мустаҳкамлаш усули ишлаб чиқилган. Бу усулда сочилиб кетувчи нарсалар, ўзига пуркалган перхлорвинилни аста-секин шимиб олиб, майда заррачалар бир-бири билан қаттиқ ёпиша бошлайди. Натижада улар бир бутун қаттиқ объектга айланади. Сўнгра изли объектни олиш, жиноят ишига қўшиш имконияти туғилади. Бундай изларни мустаҳкамлаш учун ацетонда 6-8 фоизли перхлорвиниллик эритма тайёрланади ва пульверизатор орқали пуркалади. Тахминан 20-50 минутлардан сўнг изни кўчириб олиш мумкин бўлади.

Ҳажмли излардан нусха олиш. Агарда изни қабул қилувчи объект билан бирга олиш имконияти бўлмаса, у ҳолда изнинг шаклини, ҳажмини ҳамда рельефлардаги хусусиятларини максимал даражада аниқ ва тўғри акс эттирадиган кўчирма нусха олиш зарур бўлади. Бу нусха бир неча усуллар билан олинади:

Ҳажмли излардан нусха олишда гипсдан фойдаланиш мумкин. Гипсдан қаттиқ ва юмшоқ юзаларда қолган ҳажмли изларни олиш учун фойдаланилади. Гипс сувда қаймоқ суюқлигида қорилиб изга қўйилади ва об-ҳаво вақтига қараб тахминан 10-20 минутдан сўнг уни олиб, турли лой ва бошқа предметлардан тозаланади. Иккинчи усули қатламлаш дейилади. Бунда қуруқ гипс намланган из устида бир

қатлам сепилади, гипс бир оз қотгандан сўнг иккинчи қатлам сепилади ва шу тариқа исталган қалинлик ҳосил қилиниб олинади.

Сўнгги вақтларда излардан микрорельефи сақланган нусхалар олишда янги кимёвий материаллардан фойдаланила бошланди. Бу материаллардан бири полимер ҳисобланади. Бу полимер силикон паста “К” номи билан юргизилади. Паста “К” - тез қурувчан, кул ранг, ҳар қандай юзада яхши жойланадиган хусусиятга эга. Пастанинг қўйилиб қолишини тезлатиш мақсадида юз қисм пастага 7-10 қисм катализатор қўшилади.

Айрим ҳажмли излардан нусхалар олишда пластилиндан ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо пластилин ёпишқоқ бўлгани учун уни глицерин ёки вазелин билан юмшатиб кейин издан нусха кўчириб олинади.

7-§ Трасологик экспертиза ҳал қиладиган масалалар

Суд трасологик экспертизаси криминалистик экспертизанинг бир тури ҳисобланади. Трасологик экспертиза ёрдамида турли-туман масалалар ҳал этилиши мумкин. Шулардан энг муҳими из ҳосил қилувчи объект ва уни қолдирган изи бўйича индивидуал идентификация қилишдир. Суд трасологик экспертизасининг объектлари бўлиб қўл, оёқ, бузиш қуроллари, транспорт воситалари ва бошқа излар ҳисобланади.

Суд трасологик экспертизаси қуйидаги турларга бўлинади:

- дактилоскопик экспертиза;
- оёқ (пойабзал) излари бўйича ўтказиладиган экспертиза;
- бузиш қуроллари ва ускуналардан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертиза;
- транспорт воситаларидан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертиза;
- тишлардан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертиза;
- бўлаклардан бир бутунликни аниқлаш бўйича ўтказиладиган экспертиза.

Дактилоскопик экспертизаси ҳодиса жойида бармоқ излари қолдирган шахс, из ҳосил бўлган вақт ва шароитни аниқлаш имкониятини беради. Дактилоскопик экспертизанинг объектларига қуйидагилар киради:

- бармоқ излари қолдирган предметлар ёки уларнинг қисмлари;

- кўзга хира кўринадиган бармоқ излари мавжуд бўлган предметлар;
- дактилоскопик плёнкага кўчириб олинган бармоқ излари;
- предметлардаги изларнинг кенг кўламли олинган фотосурати;
- бармоқ излардан олинган гипслик нусхалар;
- жиноят ишининг бошқа материаллари (баённомалар, дастлабки экспертиза хулосаси);
- таққослаб текшириш учун гумон қилинганнинг бармоқларидан олинган нусхалар.

Оёқ (пойабзал) излари бўйича ўтказиладиган экспертизада ҳодиса жойида из қолдирган шахс ва унинг айрим хусусиятлари (бўйи, ёши ва ҳ.қ.) аниқланади. Бу турдаги экспертизанинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:
- у ёки бу предметда қолдирилган юзаки оёқ изларидан дактилоскопик плёнкага кўчириб олинган нусхалар;
- ботиқ оёқ изларидан олинган гипс нусхалар;
- оёқ излари олинган фотосурат;
- жиноят иши материаллари;
- гумон қилингандан олинган пойабзал;
- агар ҳодиса жойида пайпоқ изи топилган бўлса, гумон қилингандан олинган пайпоқлар;
- агар ҳодиса жойида яланг оёқ изи топилиб, ундан гипслик нусхалар олинган бўлса, гумон қилинган шахс оёғининг 2-3 нафар экспериментал нусхаси.

Бузиш қуролларидан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертизада ҳодиса жойида қолдирилган излар, бузиш қуроллари ва ускуналарни идентификация қилиш, ҳамда суд трасологияси бўйича мавжуд бўлган махсус билимга асосланиб изларнинг ҳосил бўлиш механизми аниқланади:
- бузиш қуроллари излари мавжуд бўлган предмет ёки унинг бир қисми;
- ҳодиса жойидан топилган излардан олинган нусха;
- из топилган предмет ва изнинг фотосурати;
- ҳодиса жойидан топилган ёки гумон қилинган шахсдан олинган бузиш қуроллари;
- ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси.

Транспорт воситаларидан қолдирилган излар бўйича ўтказиладиган экспертизада йўл транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт идентификация қилинади. Уни содир этиш ҳолатини ва суд

трасологияси, суд автотехникаси бўйича махсус билимга асосланиб ҳодиса механизмини аниқлаш ҳисобланади. Экспертизанинг объектларига қуйидагилар киради:

- транспорт воситаси ёки унинг қисмлари;
- транспорт воситасининг ҳодиса жойидан топилган қисмлари (гайка, синган ойна бўлаклари ва бошқалар);
- одамни босиб кетиш ҳодисаси содир этилган тақдирда, жабрланувчининг кийими;
- ҳодиса жойида мавжуд бўлган излардан олинган гипслик нусха;
- фотосуратлар;
- жиноят иши материаллари;
- текширилаётган транспорт воситасининг ғилдирагидан қоғоз ёки газмолга олинган нусхалар;
- ҳодиса жойидан топилган транспорт воситасидан олинган қисмлар.

Тишлардан қоладиган излар бўйича ўтказиладиган экспертизада ҳодиса жойидан топилган турли объектларда (жабрланувчининг танасида, озиқ-овқатларда, сигарета қолдиқларида) қолдирилган излари орқали шахс идентификация қилинади.

Бўлаклардан бир бутунликни аниқлаш бўйича ўтказиладиган экспертизада ҳодиса жойидан топилган объект бўлакчалари аниқланади. Ҳодиса жойидан топилган бир тусдаги предметга оид барча бўлакчалар экспертиза объектлари бўлиб ҳисобланади. Масалан, йиртиб ташланган қўлёзма бўлакчалари, бўлаклаб ташланган одам танаси. Бу бўлакчалар бир-бири билан таққослаб текширилиб бир объектга тегишли эканлиги аниқланади.

Суд трасологик экспертизаси ҳал этадиган масалаларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Изларнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш. Бу экспертизанинг мустақил вазифаси ҳисобланиб, у из қолдирувчи ва из қабул қилиб олувчи объектларнинг ўзаро муносабатда бўлишини ўрганади. Изларнинг ҳосил бўлиш механизмини кўрсатувчи белгиларни бевосита из мавжуд бўлган объектнинг ўзини ўрганиш орқали билиб олиш мумкин. Экспертизага текширилиши лозим бўлган объектлар билан бирга жиноят иши материаллари (баённома), фотосуратлар, режа, схемалар ҳам юборилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Объектларнинг гуруҳ мансублигини аниқлаш. Бунга экспертизага юборилган предметларнинг умумий белгиларини текшириш орқали эришилади.

3. Объектларнинг индивидуал мансублигини (диагностикасини) аниқлаш. Бу ҳам трасологик экспертизанинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай вазифани ҳал этишда экспертлар экспертизага юборилган ҳар иккала нусхадаги белгиларни солиштириб текшириб маълум хулосага келадилар ва идентификациявий вазифани ҳал этадилар.

Суд трасологик экспертизасини ўтказиш учун барча материаллар тўплангандан кейин терговчи ЖПКнинг 180-моддасига асосан қарор чиқаради ва унда эксперт олдига қўйиладиган аниқ саволлар, экспертиза текширувига юбориладиган материаллар кўрсатилади.

Барча материаллар экспертиза ўтказишга яроқли ва етарли бўлиши лозим. Экспертиза текшируви қуйидаги босқичлардан иборат.

1. Экспертизага келган объектлар ва эксперт олдига қўйилган саволлар билан танишиб чиқиш босқичи. Бу босқичда эксперт экспертизага юборилган материалларнинг тўлиқлигини текширади, унинг олдига қўйилган саволлар билан танишиб чиқади, агар қўйилган саволлар унинг махсус билими доирасидан четга чиққан бўлса экспертиза ўтказилмайди.

2. Объектларни алоҳида-алоҳида текшириш босқичи. Бу босқичда эксперт текширишга юборилган объектларнинг ташқи тузилиш белгиларини ва уларнинг экспертиза ўтказишга яроқлилигини аниқлайди.

3. Солиштириб текшириш босқичи. Бу босқич эксперт текширувининг асосий ва муҳим босқичи ҳисобланиб, унда текширилаётган изларнинг ўхшашлик ва фарқ қилувчи белгилари аниқланади ва улар баҳоланади.

1. Хулоса ёзиш ва уни баҳолаш.

Ҳозирги вақтда экспертларнинг ихтиёрида суд-трасологик экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган барча илмий-техникавий воситалар ва усуллар мавжуддир. Экспертизани ўтказишда бевосита кўз билан кузатиш, микроскопик, фотографик, профилографик методлар кенг қўлланилмоқда. Трасологик объектларни текширишда ҳозирги вақтда электрон микроскоплар ва ҳисоблаш техникавий воситаларидан ҳам фойдаланилмоқда.

7-боб КРИМИНАЛИСТИК БАЛЛИСТИКА

1-§ Баллистика тушунчаси ва текширув объектлари

Суд баллистикаси криминалистика техникасининг бир тармоғини ташкил қилиб, жиноят ҳодисаси билан боғлиқ бўлган ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портлатиш моддалари, ўқ отишдан, портлатишдан ҳосил бўладиган ўзгаришлар, излар ва қолдиқ моддаларни текшириш билан шуғулланади.

Баллистика (грек тилида “ballo” “отаман” сўзини билдиради) нинг асосий моҳиятини ўқ (сочма ўқлар)нинг қурол ичидаги ва ҳаводаги ҳаракатини ўрганиш ташкил этади.

Криминалистик баллистикада ҳарбий баллистика ва техниканинг айрим таълимотларидан, ҳозирги кун ютуқларини ўз вазифасига мослаштирилган ҳолда фойдаланилади. Баллистика соҳасига отиш қуролларининг тузилиши, турлари, отишдан ҳосил бўладиган ўзгаришлар, ўқ-дориларни (патрон, ўқ-гильзаларни) қайси қуролдан отилганлигини текшириш масалалари киради.

Криминалистик баллистика фаннинг бошқа соҳалари, айниқса трасология билан чамбарчас боғлиқдир. Отишдан ҳосил бўладиган ўқ ва гильзалардаги изларнинг вужудга келиш механизмини ўрганиш ва текшириш, трасология назариясининг умумий илмий асосларига таянади.

Ўқ отишдан ҳосил бўладиган турли аломат ва жароҳатлар инсон танасида юз берса, улар суд-тиббиёт текширувида объект бўлиб ҳисобланади, бошқа тўсиқлардаги барча ўзгариш, жароҳатлар криминалистик баллистика соҳасига тегишлидир.

Криминалистик баллистика текширувига қуйидаги объектлар киради: ўқ-отар қуроли, унга ўхшаш бўлган мослама ва ясама қуроллар, қуролнинг айрим қисмлари, отилган-отилмаган ҳарбий снарядлар, портловчи моддалар ва уларнинг қолдиқ заррачалари, отишдан ҳосил бўладиган турли тўсиқлардаги излар ва жароҳатлар, алоҳида отилган ўқ (снаряд), гильза, сочма ўқ доналари (дробь, картечь) ва бошқалар.

Ҳодиса жойидан, жабрланувчи танасидан топилган ва олинган ўқ-гильзалар билан бир қаторда, солиштириб текшириш учун экспериментал отишдан ҳосил қилинган ўқ ва гильза, порох қолдиқлари, сочма ўқ намуналари ҳам текширув объектлари қаторига киради.

Баллистик тадқиқот ўтказиш вазифаси қуйидаги масалаларни ўз ичига олади.

1. Таснифлашга оид масалалар булар қуйидагилардир: ўқ-отар қуролларининг тузилиши бўйича турлари, уларнинг ҳар бир тур ёки гуруҳга тегишли бўлган қисмлари;

ўқ, гильза қандай қуролдан отилганлигини (айнанлик ёки гуруҳ мансублигини) аниқлаш;

отиш қуролларини, патрон, портловчи моддалар ва уларнинг қисмларини келиб чиқиш (ишлаб чиқиш) усулини аниқлаш;

отиш қуролига ўхшаш буюмларни отиш қуроли қаторига киритиш.

2. Диагностик масалалар:

отиш қуролининг соз-носозлиги, отишга яроқли эканлиги ва қуролдан ўқ ўз-ўзидан отилиб кетиши мумкинлигини аниқлаш;

3. Идентификациявий масалалар:

отилган ўқ ва гильза аввал битта патронни ташкил қилганлигини аниқлаш;

ўқ ва гильзалар айнан қайси қуролдан отилганлигини аниқлаш.

4. Отиш қуролини қўллашдаги турли вазиятлар:

отиш шароити-ҳолати (жойи, масофаси, ўқнинг йўналиши) ва бошқа ҳолатларни аниқлаш).

Ўқ отишдан ҳосил бўладиган излар, жароҳатлар инсон танасида, кийимида юз берса суд-тиббиёт текшируви билан бир қаторда криминалистик текширув ҳам ўтказилади. Масалан, жабрланувчига ўткир кесиш-чопиш, отиш қуроли билан жароҳат етказилганда унинг суяк тўқимларида акс этувчи излар тиббиёт ва криминалистика соҳасидаги мутахассисларнинг ҳамкорлигида, яъни комплекс экспертиза ўтказилади.

Ҳозирги кунда криминалистик баллистика соҳасида муаммоли масалалар қаторида қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиздир: қуролдан ўқ отилган вақтини аниқ ёки нисбий белгилаш, бир неча ўқнинг олдинма-кетин отилганда, қайсилари олдин, қайси бири кейинлигини, қуролдан неча маротаба ўқ-отилганлигини аниқлаш ва бошқа масалалар.

Ушбу муаммоларнинг ҳар бирини ечилиши алоҳида услублар ва техник воситаларни талаб қилади. Аммо келтирилган масалалар ўзаро боғлиқлиги сабабли уларни бир вақтнинг ўзида комплекс тартибда ҳал этмоқ лозим.

2-§ Ўқ-отиш қуролларининг турлари ва қисмлари

Тергов ва экспертиза амалиётида жиноий мақсадда ишлатиладиган ўқ отиш қуролларидан кўп ҳолларда кичик, калта стволли қўлда отишга мўлжалланганлари учраб туради. Отиш қуролининг стволи (ўқ чиқадиган йўли) силлиқ цилиндр шаклида бўлиб бошланиш жойи даста устида бўлиб, чиқиш (учи) дан бироз диаметри жиҳатдан каттароқ бўлади. Бу жойни баллисткада “патронник” - ўқ билан гильзанинг биргалигини ташкил қилувчи патронларнинг жойлашув жойи ҳам дейилади. Отишга тайёрланган патрон стволнинг бош томонида жойлашган бўлиб, ҳарбий ҳолатга келтирилганда патроннинг гильза устидаги капсули (портловчи порохни ёндирувчи қисми) тепки тўғрисига жойлашади.

Стволнинг узун ва қисқа бўлиши қуйидагича: узун стволлик қуроллар (узунлиги 40смдан ортиқ бўлганлари) ўрта узунликдаги стволлар (20смдан 40смгача бўлган) ва қисқа стволи қуроллар (узунлиги 20смдан қисқа бўлганлар). Узун стволликларга ҳарбий ва ов милтиқлари, карабинлар киради, ўрта стволлик қуроллар қаторига турли автоматлар, жумладан, «Калашников» автомати-“АК”лар киради, қисқа стволлик қурольларга револьвер (тўппончалар), пистолетлар ва баъзи қўлда ясалган қуроллар ва қирқмалар (стволни қисқартириш мақсадида кесилганлари) киради.

Қўлда отишга мўлжалланган барча қуроллар икки гуруҳга бўлинади: стволнинг ички тузилиш жиҳатидан силлиқ стволли ва чуқурчали қуроллар. Силлиқ стволли қурольларга ов милтиқлари (сочма ўқ отишга мосланган), эски ишлаб чиқариш тўхтатилган шомполлик пистолетлар ва қўлда ясалган (мосланган) қуроллар киради.

Чуқурчали қурольларнинг хусусияти - стволнинг ички тузилиши силлиқ бўлмай ствол деворида айланма шаклида бўлган ариқчалар мавжуд бўлиб, улар отилган ўқни катта куч билан сиқилиб чиқиб узоқ масофага етишини, айланма шакли эса ўқнинг стволдан чиққач мўлжалга йўналишини (траекториясини) ўзгартирмасдан нишонга тўғри боришини таъминлайди.

Криминалистик идентификация учун ствол ичидаги чуқурчалар оралиғидаги майдончалар стволдан чиқаётган ўқнинг ён қисмида тирналиш, сирғалиш шаклидаги изларни ҳосил қилади. Булар қуролни идентификация қилиш учун жиддий аҳамият касб этади.

Чуқурчаларнинг сони турли қурольларда турличадир: кўпчилик қўлда отишга мўлжалланган пистолетларда, тўппончаларда тўртта,

баъзиларида олтита, еттита ва кардан кам қўролларда учрайдигани саккизта чуқурча бўлади. Чуқурчаларнинг айланма йўналиши ўнг томонга баъзилари чап томонга қаратилган бўлади.

Чуқурчали қуроллар гуруҳига барча ҳарбий, баъзи спорт - ўқув милтиқлари ва қўлда айрим қисмлардан йиғилган қуроллар киради.

Стволнинг ички диаметри унинг “калибри” дейилади ва мм.да ўлчанади. Энг кўп учрайдиган қуроллар 5,6; 6,35; 7,62; 7,62; 8 ва 9 мм.ли калибрга тегишлидир.

Қуролнинг таркибий бўлган патронлар (гильза ва ўқлар) ҳам ана шундай ўлчовдаги калибрга эга бўлиб, тегишли қурольларга мослашгандир. Масалан; Калашников автомати 7,62-АК; баъзилари АКМ, АКС, АКСУ тизимидагилари 5,45 мм.ли калибрга эгадирлар. ТТ (Токарев), ПМ (Макаров пистолетлари), АПС ва ПСМ қуроллари қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

ТТ- Тулада ишланган Токарев пистолети-7,62 мм.ли калибрли, тўртта ўнг томонга йўналган чуқурчали стволга эга, (магазинига) саккизта патрон жойлашади ва жанговор ҳолатга келтирилиши автоматлашган;

ПМ - Макаров пистолети - зарядкаси (ҳарбий ҳолати) автоматлашган, 9мм калибрли, тўртта ўнг томонга йўналган, чуқ урчали стволи бор, магазини саккизта патрон сиғдиради, тепкиси (спусковой курок) очиқ ва ҳаракатчан;

АПС - автоматлаштирилган Стечкин пистолети калибри 9мм, тўрт чуқурчали ствол, магазинига 20та патрон жойлашади.

ПСМ - Лапашеев, Симарин ва Куликовлар томонидан ишланган кичик габаритли пистолет 5,45 калибрли тўрт чуқурчали ствол магазинига 8 та патрон жойлашади;

Револьвер (тўппонча)-тўла автоматлаштирилмаган стволи тўрт чуқурчали, патронлар жойлашадиган қисми айланма, думалоқ барабан шаклида бўлиб, 7 патрон кирадиган алоҳида (скамораси) уялари бор, жангавор ҳолатга қул билан келтирилади, отиш жараёнида барабан айланиб уясидаги патрон стволга тўғриланади. Тергов ва экспертиза амалиётида кўпроқ револьвернинг “Наган” системасидаги тури учраб туради, унинг калибри 7,62 мм.

Ҳарбий милтиқ ва карабинлар узун стволли тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, калибри 7,62 мм. Ҳарбий ҳолатга келтирилиши қўл билан амалга оширилади, затворни орқага тортиш билан патрон магазинидан стволга узатилади, магазинга 5та ўқ жойлашади. Амалиётда шунингдек, Семенов конструкцияси асосида

ишланган СКС автоматлашган карабинлар, Драгуновнинг снайпер карабини учраб туради. Автоматлашмаган калибрли милтиқларнинг 5,6 мм.ли тўртта баъзи моделларида олтита чуқурча бўлиб тузилиш жиҳатидан ҳарбий милтиқларга яқинроқдир.

Силлиқ стволли милтиқлар асосан икки турда бўлади Дастаси билан ствол қисми букланадиган ва букланмайдиганлари. Букланадиган ов милтиқлари бир отар, икки, айрим ҳолларда уч отар, (уч стволли) бўлади;

Баъзида жиноятчилар силлиқ стволли милтиқларнинг стволларини кесиб арралаб қисқартирадилар, яширин олиб юришга мослайдилар. Булар амалиётда "қирқма" дейилади. Улардан отилган ўқнинг тезлиги ов милтиғидан бир мунча пастроқ бўлади. Масалан, 16 мм калибрли ов милтиқларининг стволи 20ммга қисқартирилган бўлса ўқнинг бошланиш тезлиги 11 м/с бўлади. 40 мм.га қисқартирилган бўлса, ўқнинг стволдан чиқиш тезлиги 35-40 м/с ни ташкил қилади.

ТОЗ-8 тизимидаги милтиқларнинг қирқмаси ҳам шундай хусусиятга эга бўлади. Баъзида қуролни патроннинг калибрга мослаб ўзгартирадилар, масалан, револьвернинг патрон жойлаштирадиган уясини эговлаб кенгайтирадилар. Амалиётда газли ва сигнал (старт) қуролларини ўқ отишга мослаштирилган ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ясама қуроллар бир мунча соддалаштирилган, силлиқ стволли якка ўқ отишга мўлжаллаб тайёрланади. Булар одатда 5,6 мм калибрли патронларга мослашган бўлади. Ташқи кўринишини ниқоблаш мақсадида уларга турли асбоб-буюм (ҳассанинг дастаси, ёзиш-чизиш қуроли) шаклини берадилар. Булар "атипичный", яъни типик бўлмаган отиш қуроллари дейилади.

Қўлда ясалган шомполлик қурол якка ўқ отишга мосланган бўлади. Унда ўқ ва порохни шомпол билан стволга жойлаштирадилар, баъзида икки, уч марта отишга мўлжалланганлари ҳам учраб туради. Улар 5,6 мм калибрли патронларга мослашган бўлади.

Отиш қуролларининг айрим қисмлари патрон уларда турли излар ҳосил қилади: излар қуролни отишга ҳозирлашда, магазиндан патрон стволга узатилганда, тепки капсулга зарба беришганда порох газининг босими (кучи) ўқни стволдан итариб чиқарганда, ўқдан ажралган гильза орқага ҳаракат қилиб қайтариш (отражатель) қисмига урилганда қолади. Отилган гильзада магазин пружиналаридан, тепкидан, гилзани чиқариб ташлаш илгагидан излар ҳосил бўлади.

Отилган ўқда эса стволнинг ички қисмидаги чуқурчаларнинг оралиқ майдончасидан тирналиш шаклида излар ҳосил бўлади.

Ҳозирги кунда ишлатиладиган барча ҳарбий патронларнинг таркибини гильза, капсул, порох заряди ва ўқ ташкил қилади. Ов милтиқларининг патронида порох билан сочма ўқ аралашиб кетмаслиги учун уларнинг орасига ажратгич (прокладка) ва ўқнинг устидан наматгача (пыж) қопламалари ишлатилади.

Гильзалар темир ва латунь металидан тайёрланади, ов милтиқлари учун қоғоз-картондан ҳам ишланади, пастки қисмини метал, устки деворини эса картон ташкил қилади. Гильзанинг бош қисми ўқ жойлашадиган жойи, девори ва остки қисми асосида идентификация қилиб, қуролнинг қайси гуруҳга мансублиги ва айнанлигини аниқлаш мумкин.

Ҳодиса жойидан топилган ўқ ва гильзани кўздан кечириш натижасида улар қандай моделдаги қуролдан отилганлигини аниқлаш мумкин. Сўнгра шубҳали қурол топилган тақдирда идентификация ўтказилиб мазкур қуролнинг айнанлиги, яъни отилган ўқ ва гильза «ана шу қуролдан отилганми» деган масала ҳал этилади.

Қуролнинг ўзи топилмаган ҳолларда ўқнинг қандай патрон турига тегишли эканлиги, умумий тузилиши, шакли, оғирлиги, қандай металлдан ясалганлиги, гильзага қандай услубда бириктирилганлиги ва бошқалар аниқланади.

Отилган гильзанинг ҳам умумий шакли бош қисми ва асосларини тузилиши, ўлчови (диаметри ва узунлиги) бош қисмининг ички ўлчови, оғирлиги, маркировка белгилари ва бошқаларни кузатиш билан қандай турдаги қуролдан отилганлиги ҳақида фикр юритилади шубҳаланган қуролни излашда қидириш доирасини анча қисқартиради, енгиллаштиради.

Силлиқ стволли қуролларга мўлжалланган сочма ўқнинг айрим доналари (дробь, картечь) топилган тақдирда, уларнинг заводда ёки қўлда ишланганлиги, қандай усулда тайёрланганлиги шакллари, оғирлиги, кимёвий таркибини спектографик хусусиятларини аниқланади. Бу масала текширилаётган сочма ўқнинг гуруҳ мансублигини аниқлаш билан бирга хар хил жойларда топилган бир неча ўқ доналарининг бир манбага тегишли эканлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Ов милтиқларига мўлжалланган патронларнинг қопламасини текшириб, патроннинг калибри, қандай материалдан ишланганлиги, ишланиш услуби ва бошқалари аниқланади. Қопламалар уй шароитида қўлда ясалганда унинг материалига (қоғоз, картон, жун, намат) ка-

би ўхшаш материаллар ва уларнинг бўлаклари бир хил жойларда топилган тақдирда трасологик текширув ҳам ўтказилиши мумкин.

12-расм, АПС пистолети

13-расм, ясама отиш қуроллари

14-расм, Ясама 5,46 мм ли отиш қуроли

3-§ Отилган ўқ ва гильзалар асосида отиш қуролини идентификациялаш

Қуролларни идентификация қилишнинг илмий асослари қуролнинг из ҳосил қиладиган қисмлари, отилган ўқ ва гильзаларнинг из акс эттирадиган устки тузилишлари индивидуаллик хусусиятига эга эканлигидадир.

Индивидуал ташқи тузилиш хусусияти стволнинг ички тузилишидаги чуқурча оралиқларига ҳам хос бўлиб, ўқ стволдан чиқиш жараёнида сиқилиб, сирғалиб ана шу индивидуал ташқи тузилиш (микрорельф)ни ўзида акс эттиради. Патроннинг гильза қисмида эса уни отишга ҳозирлаш пайтида, сўнгра бевосита отиш чоғида турли излар акс этади. Уларнинг умумий ўлчови, шакли биринчи навбатда қуролнинг қайси гуруҳга мансублигини аниқлашга ёрдам беради. Умумий белгилари билан бир қаторда микрорельфни ифода этувчи хусусий белгилар йиғиндиси эса идентификация ўтказишга асос бўлади. Отилган ўқ ва гильзалар асосида ўтказиладиган тадқиқот ҳодиса жойида топилган ўқ ва гильзаларни умумий белги-хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Сўнгра улардаги изларни қуролнинг муайян қисми билан солиштирилади. Кўп ҳолларда солиштириб текшириш учун шубҳаланган қуролдан экспериментал отиш йўли билан намуна ўқ ва гильза олинади. Шундан сўнг улардаги излар - аломатлар ўзаро солиштириб текширилади. Экспериментал ўқ отишни махсус тайёрланган пахтада, сув ва бошқа сунъий тўсиқларда амалга оширилади. Бунда ўқнинг тезлик ҳаракати тўсиқда сусаяди ва ҳосил бўладиган излар ўзгармайди.

Қуролларни тадқиқ қилишда ва солиштириб текширишда бир неча услублар қўлланилади. Бу иш энг қулай ва кўпроқ ишлатиладиган услубий солиштириб текширишга мосланган микроскоп ёрдамида

амалга оширилади. МСК, ДМС, LEKA микроскоплари майда объектлар, хусусан қуролнинг айрим қисмлари, текширилувчи ва намуна объектларидаги изларни ёнма-ён жойлаштириб ягона кузатув майдонида текширувга мўлжалланган. Кузатиш ва текшириш жараёнида текширилаётган объектларни турли белгиларини узунлик, кенглик ва бошқа ҳолатларини имконини беради. Шу билан бирга объектларнинг айрим ҳолатларини фотосуратга олиш билан бир йўла кимёвий таркибини спектографик таҳлил қилиш мумкин. Отиш қуролларининг айрим қисмларини, патроннинг гильза, ўқ, сочма ўқ доналари, порох ва бошқа объектларнинг спектографик таҳлили ҳодиса жойида топилган қисмлар билан шубҳаланилган ўхшаш модда ва ашёларни гуруҳ ва турдош мансублигини аниқлашда кенг қўлланиладиган услубдир.

Сочма ўқларнинг айрим қисмлари ҳодиса жойида ёки бошқа жойларда топилганда уларни ясалиши, материали, сақланиш шароитлари, аломатлари каби белгилари йиғиндиси асосида икки ҳар хил жойда топилган сочма ўқ доналарининг манбаи битта эканлиги аниқланади. Бу дентификация ўтказишнинг бошланғич босқичи бўлиб, гуруҳ мансублиги ва айнанлик ҳақидаги хулосага замин тайёрлайди. Баллистика экспертизасига юбориладиган қурол, топилган жойида кўздан кечирилади, унинг умумий ҳолати баённомада қайд этилади, қуролни ҳолати ўзгармай махсус расмийлаштириш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Қурол зарядланган, жанговор ҳолатга келтирилган бўлса, ундаги патрон чиқариб олинади, магазинда нечта патрон борлиги қайд этилади. Қуролнинг умумий кўриниши, тури, маркировкаси унда излар, моддалар мавжудлиги, ва бошқа кўринарли аломатлари баённомада батафсил қайд этилади.

Қуролни отишга яроқли-яроқсиз эканлигини текшириш учун уни қисмларга ажратиб кўздан кечириш қатъиян ман этилади, чунки экспертиза текширувига аҳамиятли бўлган изларни яроқсиз қилиб қўйиш хавфи бўлади.

Экспертиза ўтказиш учун аҳамиятли бўлган турли тўсиқлардаги ўқ отишдан ҳосил бўлган (ўзгариш, жароҳатлар) изларни кўздан кечиришда шу соҳадаги мутахассисни таклиф этиш ва ишни унинг иштирокида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Отиш натижасида патрондан ажралиб чиққан ўқ, қуйма ёки сочма доналари, чала куйган турли қисмлари экспертизага алоҳида-алоҳида тахлаб юборилади.

15-расм, Гилза турлари, (Бутилка ва цилиндр шаклида) рақамлар билан отишдан қоладиган белгилар кўрсатилган

16-расм, Ўқларнинг шакллари

4-§ Отишдан қоладиган жароҳатларни, отиш масофасини, ўқнинг йўналиш томонини аниқлаш

Отишдан қоладиган жароҳатлар турли тўсиқларда, масофаси ва йўналиши бўйича турли изларни ҳосил қилади. Амалиётда ўқ тўсиқ қалинлигини тешиб ўтиши, ички қисмида қолиши ёки қиялаб тўсиқни тирнаб ўтиши ҳоллари учраб туради. Тешиб ўтган жароҳатларда ўқнинг тўсиққа кириш ва чиқиш жойларига қараб ўқнинг тўсиқ қатламида йўналиш канали белгиланади.

Ўқнинг шикастлаш кучи тўсиқ материалининг бузи лиш, синиш ва парчаланиш хусусиятларига боғлиқ. Жисми қаттиқ бўлган ёғоч, темир, тўсиқларни ўқ муайян масофада тешиб, ўтади. Бу ҳолда тешик диаметри ўқнинг ўлчовидан кичик балади. Мўрт материалларда, ғишт, шиша кабиларда синиш, парчаланиш натижасида жароҳат ўлчови ўқнинг диаметридан бир мунча каттароқ бўлади. Ўқ матолардан тешиб ўтишида материалнинг тешилган жойи куйиб, узилиб кетганлигини кузатиш мумкин. Ўқ яқин масофада ёки тақаб отилганда матода куйиш ва эриш аломатларини ҳосил қилади. Булар стволдан чиқаётган порохнинг гази ва ўқнинг қизиб чуғ бўлиб ҳали совушига улгурмаганлиги ҳисобига юз беради.

Тўсиқда ўқдан ҳосил бўлган изларни кузатиш ва ўрганиш билан отиш масофасини яқиндан отишда ҳосил бўладиган аломатларни, ўқнинг тури, шакли, калибри, ишлатилган порох турини, ўқнинг йўналиши, отган шахснинг қаердан туриб отганлиги каби маълумотларни аниқлаш мумкин.

Мазкур маълумотларни ҳодиса жойида терговчининг ўзи ёки тегишли мутахассис иштирокида кўздан кечириш билан аниқланади. Улар баллистик экспертиза ўтказиш зарур бўлган ҳолатлар сифатида хизмат қилади. Тўсиқдаги отиш жароҳатлари битта ёки бир неча ўқдан қолганлигини, ўқдан ҳосил бўладиган кириш-чиқиш тешиклари, уларнинг сони, шакли, ўлчови ва бошқа белгиларини кузатиш билан амалга оширилади.

Отиш жароҳати атрофида порохдан қолган тутунларни ва ёнмай қолган порох заррачаларини кимёвий усулда текшириш порох унинг тури (тутунли, тутунсиз) ишлаб чиқарилган заводнинг маркаси каби маълумотларини олиш мумкин.

Ўқнинг йўналишини аниқлаш тўсиқдаги жароҳатдан ўқ теккан нуқтани бирлаштириш усули билан эришилади. Эшик, дераза, шишаларнинг синиғи ва бўлакларнинг шакли ва синган, тешилган жойнинг қирғоқлари орқали қайси томондан ўқ отилганлиги маълум бўлади. Ўқнинг узилган жойида айлана шаклида дарз кетган чизиқлар ва шишанинг устки қатламини кўчиши, ўқнинг йўналиш томонига қараган бўлади. Ўқнинг чиқиш жойидаги қатлам сиртга қараб, кириш йўлига нисбатан бироз каттароқ ўлчовда юз беради. Икки қаватли рама шишаларида юқорида кўрсатилганидек кириш жароҳат тешиги биринчи қаватда каттароқ, иккинчи қаватда кичикроқ радиусда ҳосил бўлади.

Бу ҳолат ўқнинг ҳаракати, тезлиги, кучи биринчи қават тўсиқдан ўтиб сусайгани ва иккинчи қаватга урилиш кучи анча камайганлиги сабабли бўлади.

Яқин масофадан отилганда, ўқнинг иссиқлиги, порох газларининг таъсири натижасида тўсиқнинг устки қисмида куйиш аломатлари порохнинг тутуни ва ёнмай қолган заррачалари қолади. Буларни оддий кўз билан ҳам айниқса ранги оқ бўлган материалларда кузатиш мумкин. Қора ва хира рангли тўсиқ материалларни микроскоп орқали кўриш, текшириш ва фотосуратга тушириш мумкин. Шунингдек, кўзга кўринмайдиган жумладан, инфрақизил нурларда текшириш, кимёвий ва электрокимёвий ва бошқа услубларни қўллаш билан амалга оширилади. Отиш масофаси "яқиндан туриб отилган" деган тушунчани асослайдиган белгилар тўсиқдаги эриш, ёнмай қолган порох заррачаларини тўсиқ қатламига сингиб қолиши каби аломатлари мавжуд бўлган ҳолда аниқланади. Бошқа ҳолларда отиш масофаси, яъни стволнинг охирги ўқ чиқадиган жойидан тўсиққача бўлган ўлчови тахминий белгиланади.

"Яқин масофа" тушунчаси ҳарбий қуроллар, ов ва спорт милтиқлари учун турличадир. Жумладан, порох газларидан ҳосил бўладиган механик ва термик аломатлар 5-10 см., тутуни 30-40 см да, ёнмай қолган порох заррачалари тўсиқда сақланиши 80-100 смгача кузатилади. Ов милтиқларида тутунли порох ишлатилганда тутун ҳиди 150-170см ва порох заррачалари 2-3 метргача етиб бориши мумкинлиги маълумдир.

Ўқнинг отилиш жойидан тўсиққача бўлган масофани аниқлаш учун, тўсиқдаги отишдан ҳосил бўлган изларни экспериментал отишдан ҳосил қилинган излар билан ўзаро солиштириш усули қўлланилади.

Тўсиқ қатламида отишдан сингиб, сақланиб қолган моддаларнинг спектографик анализи ёрдамида отиш масофасини анчайин тўғри аниқлаш мумкиндир. Қуролдан отиш жойи, яъни шахснинг қаердан туриб отганлигини аниқлаш эса ўқнинг йўналиши, отиш масофаси ҳақидаги маълумотларнинг ўзаро таҳлили асосида ўтказилади. Отиш масофаси нисбатан узоқ бўлмаган ҳолларда, тўсиқдаги жароҳатнинг кириш йўли бўйича тўғри чизиқни ташкил қиладиган ип ва бошқа буюм билан ўқнинг йўналиш томонига қараб тортилади ва ҳосил бўлган тўғри чизиқнинг давоми бўйича кузатилади. Жароҳатда кириш ва чиқиш тешиклари ҳосил бўлган бўлса, бу йўналиш қоғоздан ясалган тўғри - текис найчани жойлаштириш йўли билан кузатилади.

Ўқнинг кириш ва чиқиш жойлари бир-биридан узоқроқ жойлашган бўлса, ундай ҳолларда ип-каноп ёки сим ёрдамида улар бирлаштирилиб, йўналиши бўйича ички қисмига жойлаштириш билан ўқ йўналишини қарама-қарши томонига қараб кузатилади.

Силлиқ стволли қуролларни идентификация қилиш имкони асосан улардаги отилган патрон ва гильза ёрдамида ўтказилади. Отилган снарядда силлиқ стволнинг индивиуал хусусиятлари акс этмаганлиги туфайли уларга нисбатан гуруҳ - тур мансублигини аниқлаш билан чекланилади. Мазкур қуроллардан етказилган жароҳатларни текшириш, отиш масофаси, ўқнинг йўналиши, отиш жойи кабиларни аниқлашда юқорида келтирилган услублардан фойдаланиш мумкин.

5-§ Портловчи моддаларни текширув

Портловчи моддалар ва улардан ясалган қурилмаларни тадқиқ қилиш тобора кўпроқ учрамоқда. Бу вазифани бажариш махсус билим, услуб ва техника воситаларини талаб қилади.

Мазкур экспертиза ҳал қиладиган масалалар асосан уч турда бўлади.

Биринчи гуруҳни портловчи моддалар, улар қўлланилга жой, портлашдан қолган изларни аниқлашни ташкил қилади.

Иккинчи турдаги вазифалар портлатиш қурилмаларининг тузилиши, ишлатилган портловчи модданинг тури, миқдори, портлатиш воситаси ва услуби ҳамда бошқа тасвирловчи хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Учинчи гуруҳ вазифаларига қуйидагилар киради:

- портлатиш учун тайёргарлик кўрилганлик ҳолатини аниқлаш;
- портлатиш оқибатлари ёки юз бериши мумкин бўлган оқибатларни белгилаш;
- ҳодиса жойининг портлатишдан аввалги ҳолатини тиклаш;
- портлатиш қурилмаси ўрнатилган жойни аниқлаш;
- портловчи моддаларнинг ўз-ўзидан ўт олиши мумкинлигини аниқлаш;
- бир неча жойларда ҳар хил вақтларда содир бўлган портлатишларнинг ўзаро ўхшашлиги - боғлиқлигини аниқлаш;
- экспертизага юборилган, объектларда портлатиш моддаларнинг қолдиқлари мавжудми, агар бор бўлса уларнинг тури, ҳусусияти ва ишлатиш соҳаси;

- портлатиш қурилмаси ва унинг қисмларини тайёрлаш ва ишлатиш услужи;

- портлатиш қурилмасини ўт олдириш усули ва уни амалга оширишнинг олдинма-кетинлиги;

- портлатилган тротилнинг ҳажмига кўра портлаш кучи;

- портлатиш қурилмаси саноат ишлаб чиқаришида тайёрланган бўлса, унинг тури, маркаси (артиллерия снаряди, мина, гранат ёки ясама воситалар);

- портлатиш қурилмаси қўлда ясалган бўлса, уни бажарган шахснинг бу соҳадаги мутахассислик малакаси.

Мазкур портлаш моддалари туркумига тутунсиз ёнадиган порохлар (масалан, пераксинил, нитроглицерин) ва тутунли порохлар киради. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, дутсиз ёнадиган порохларнинг баъзи турлари унинг детонация кучи (ёниш тезлиги) уларнинг қопламага жойланиш ва бирламчи портловчи модданинг кучига боғлиқ равишда бир неча км/секни ташкил қилиши мумкин. Дутли порохларнинг ёниш тезлиги ёпиқ қоплама ҳажмига жойлаштирилган бўлса, максимал даражаси 400 м|с ни ташкил этади.

Пиротехник қўшилма моддалар таркибини турли механик аралашмалар, ачитқич, ёнилғи, уларни боғловчи моддалар ташкил қилади. Булар асосан ёруғлик товуши ва тутун эффектларини ҳосил қилишга мўлжалланган воситалардир. Мазкур моддалар ёниш тезлиги мм бўлагидан бир неча см|сек.ни ташкил этади, шунинг учун уларнинг портлаш кучи минимал даражага эгадир. Лекин баъзи хлорат, перхлорат, пиротехник бирикмалари ва шунингдек, бризантли портловчи моддаларнинг қўшилмалари мавжуд бўлган бирикмалар маълум шароитларда кучли детонацияга айланиб кетиши мумкин. Мазкур перотехник бирикмалар берк ва маҳкам бўлган қоплама ҳажмига жойлаштирилган ҳолларда уларнинг ёниш, ўт олиш тезлиги бир мунча юқорилаштирилганлиги кузатилган.

Портлаш қурилмаси деганда махсус ишланган ва маълум шароитларда портлаш қобилиятига эга бўлган турли қурилмалар тушунилади.

Булар ишланиши ва тузилиши бўйича саноатда ёки қўлда тайёрланган бўлади. Портлатиш қурилма (мослама)ларнинг бирорта қисми қўлда ясалган ёки айрим қисмлари саноат нормалари белгиланган тартибдан ташқари усулда йиғилган бўлса, ясама қурилмалар бўлиб ҳисобланади.

Пиротехник экспертиза объектларига: детонатор капсуллари, электр-детонаторлар, олов ўтказувчи шнурлар, қўл гранаталари, шунингдек, тротил шашкалари, аммонит зарядлари, портловчи пакетлар киради.

Портловчи моддалардан қолган изларни тадқиқ этишда асосан аналитик реакция ва юпқа қатламли ёҳуд газ хромотография услублари қўлланилади.

Пиротехник қўшилмалар таркибига кирувчи моддаларнинг турини аниқлаш учун элементли спектрал ва микроспектрал услублардан фойдаланилади.

Ҳал этиладиган баъзи масалалар комплекс характерга эга бўлиб, улардан олинадиган маълумот - натижалар, мутахассиснинг амалий тажрибасига, мутахассислик малакасига боғликдир.

6-§ Совуқ қуролларни текшириш

Совуқ қуролларни ясаш, олиб юриш ва сотиш учун амалдаги жиноят қонунида жавобгарлик кўрсатилмаган, лекин совуқ қурол ёрдамида содир қилинган жиноятларни таснифлаш муҳим бўлиб, тегишли экспертиза тайинлашга зарурат туғилади.

Совуқ қуроллар кўп ҳолларда қотиллик, баданга шикаст етказиш, бандитизм, босқинчилик, оммавий тартибсизлик ва безорилик жиноятларини содир этилганда қўлланилади.

Кўрсатилган жиноятларнинг баъзиларида қўлланилган ёки қўллаш таҳдиди мавжуд бўлган ҳолларда (босқинчилик, бандитизм каби) жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади. Жиноятни содир қилишда отиш ва совуқ қуроллардан ташқари, турли предметлар, жиноят қуроли тарзида ишлатилади, бу ҳолда ишлатилган қурол совуқ қуроллар қаторига кирмайди ва экспертиза тайинлашга ҳам асос бўлмайди.

Совуқ қуроллар махсус жиноий мақсад учун тайёрланган (ясалган) бўлиб, улар жиноятни содир қилишда шикаст етказиш ёки ўзини ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

Совуқ қурольларни тузилиши, ўлчовлари шакли бўйича рўзғорда ишлатиладиган асбоб-ускуналардан фарқ қилади. Шаклига ва тузилишига кўра улар санчилувчи, кесувчи, чопувчи, санчилиб кесувчи, санчилиб чопувчи, мажағловчи ва мураккаб бўлиши мумкин.

Совуқ қуроллар ишлатилишида кўзланган мақсадига кўра жанговор, ҳарбий ва фуқаролик овчилар учун мўлжалланган балади.,

ҳарбий совуқ қуроллар асосан инсон танасига жароҳат етказишга мўлжалланган. Улар асосан қўшинларнинг қўл жангида ишлатилади (қиличнинг барча турлари, штиклар, десант пичоқлари ва б).

Овчилик қуролларига: миллий пичоқлар, ханжар ва ҳоказолар киради. Булар овда ҳайвонларни тутишда, жароҳатлашда, шилишда ва бошқа ёрдамчи ишларда қўлланилади.

Спорт оламида ишлатиладиган қуроллар: штиклар, шпага, рапира, қилич, эспандрлар, ўзининг эгилувчанлиги, учининг тўмтоқлиги билан жароҳат етказиш хусусиятига эга эмас. Шунинг учун улар совуқ қуроллар қаторига кирмайдилар.

Ишланиши (тайёрланиши) нуқтаи назаридан совуқ қуроллар уч гуруҳни ташкил қилади: заводда, ҳунармандлар томонидан ва қўлда ясалган қуроллар.

Заводда, фабрикада, фирмада тайёрланадиган қуроллар маълум давлат ва фирманинг стандарти асосида ва техник талабларга жавоб берадиган бўлади.

Ҳунармандлар ишлаб чиқарадиган қуроллар техник ва стандарт талабларига жавоб бермасада, ҳунарманднинг мутахассислиги малакасига биноан уларнинг миллий, маҳаллий ташқи тузилиши, безаги ва ҳарбий хусусиятлари билан заводда тайёрланадиган қуроллардан қолишмайди. Совуқ қуроллар ва уларнинг ғилофлари миллий нақшлар, турли ҳикматли сўзлар баъзида ишлаган уста-ҳунарманднинг исми-шарифи белгилари билан безатилади.

Қўлда ясалган совуқ қуроллар айрим ҳунарманд бўлмаган шахслар томонидан қуролларнинг намуналарига тақлид қилиб ишланади. Амалиётда заводда ёки ҳунармандчилик фирмаларида ишланган қуролларни ўзгартириб қайта ишланганлари ҳам учраб туради.

Совуқ қуроллар экспертизаси асосан уларнинг қайси тур ва гуруҳга мансублигини аниқлашдан иборат. Ҳал қилинадиган масалалар доираси текширилувчи қуролнинг техник ҳолати турдошлиги, айнанлигини белгилашдан иборатдир.

Совуқ қуролларнинг техник ҳолатини аниқлашда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

қуролнинг соз ёки носозлиги, агар носоз бўлса, уни созлаш, соз ҳолатга келтириш мумкинми?

мазкур предмет (нарса-буюм) совуқ қуролми?

текширилувчи предмет совуқ қуролларнинг қандай турига, мансуб.

Совуқ қуролларни идентификациялаш ёки гуруҳга тегишлигини турли экспертизалар, жумладан, трасологик текшируви ёрдамида ҳал қилинади. Бу вазифа кимёвий, физикавий ва техникавий усулларни қўллаш билан амалга оширилади. Ҳал қилинувчи саволлар қуйидагича бўлиши мумкин.

Мазкур қуролни тайёрлашда қандай материал қўлланилган, текширишга юборилган материал қўлланилганми; қуролни ясашда қандай қолип ишлатилган; қандай асбоб, қурилмалар ёрдамида бажарилган? текширилувчи (қуроллар)ни тайёрлашда бир хил асбоб-ускуна, қурилмалар қўлланилганми? Текширишга юборилган ғилоф мазкур қуролнинг ғилофими? қуролнинг ташқи қисмларида қандай ёзув, маркировка белгилари бўлган ва улар қандай усулда йўқотилган. текширувга юборилган бўлакча мазкур қуролнинг қисми эмасми?

Жиноятни содир қилишда ишлатилган совуқ қуроллар топилган жойида (ҳодиса содир бўлган, тинтув ўтказилган жойларда) ёки терговнинг хизмат хонасида кўздан кечирилиб, процессуал қонун нормалари асосида расмийлаштирилади ва жиноят ишига ашёвий далил сифатида илова қилинади. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда зарур бўлса, процессуал қонун назарда тутган қоида асосида тегишли мутахассис таклиф этилиши мумкин.

Совуқ қурольларни кўздан кечиришда криминалистиканинг кузатиш, ўлчаш ва баён қилиш услублари қўлланилади. Қуролни кўздан кечиришда дастлаб унинг умумий тузилиши ва ўлчовига эътибор берилади, сўнгра ҳамма қисмларини мужассамлиги, қуролнинг асосий қисмига маҳкамланиш усули, қандай материалдан ишланганлиги, ранги, ўлчови, қурол дамини силлиқ ва ўткирлиги, учининг шакли, ўткирлиги, қурол юзидаги ёзув ва бошқа аломатлар аниқланади.

Қуролдаги изларни, турли модда қолдиқларини ва бошқаларни зарарлаб, ўзгартириб қўймаслик учун уни кўздан кечирувчи шахс қўлларига оқ резинадан тайёрланган қўлқоп кийиш зарур бўлади. Қуролнинг олди, орқа ва бошқа қисмларини текшириш учун унинг дастаси ва учидан, яъни излардан холи бўлган жойларидан ушлаб кўриш лозим.

Совуқ қурольларни жиноий мақсадда ишлатилганлиги натижасида уларда турли излар: қўл, бармоқ ва бошқа биологик моддалар ҳосил бўлади, шунинг учун экспертизага юборишда тегишли юмшоқ материалга жойлаштириб юбориш лозим. Совуқ қурол эканлигини аниқлашдан олдин ундаги изларга оид текширув суд тиббиёт, биоло-

гик, трасология ва бошқа экспертизалар ўтказилади. Қайсилари олдин, қайсилари кейинги навбатда текширилиши ишнинг экспертиза материали ва объектларига боғлиқ.

8-боб ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА МАТНЛАРИНИ КРИМИНАЛИСТИК УСУЛДА ТЕКШИРИШ

1-§ Ҳужжатлар ашёвий далил сифатида криминалистик текширув объекти

Турли жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида далилий ашё бўлган ҳужжатлар билан ишлашга тўғри келади. Жумладан, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш, мансабни суиистеъмол қилиш жиноятлари, фирибгарлик, хўжалик ишларида молиявий ҳисоб-китоб ҳужжатлари билан бир қаторда турли ёзма ҳужжатлар криминалистик текширув объекти ҳисобланади.

Ҳужжат деганда кенг маънода бирор ҳодисани ўзида ёзма равишда акс эттирувчи моддий объект тушунилади. Суд ва тергов амалиётида ҳужжатларнинг қуйидаги турлари мавжуд: қўлда турли ёзиш воситасида бажарилган имзолар, хатлар (ариза, тилхат, таржимаи ҳол ва ҳ.к) молиявий ҳужжатлардаги қўлёзма ва босма матнлар; типография усулида ва босма асбоблар воситасида тайёрланган ҳужжатлар, турли график чизмалар, режалар, (ҳужжатларнинг репродукция тасвири, ксерокс нусхалари ва ҳ.к;) фото-кино ҳужжатлар; турли объектлар, инсон ва ашёвий далилларнинг кино-фото, видео тасвири ва фоноҳужжатлар; магнит тасмасига ёзилган турли маълумотлар.

Криминалистик маънодаги ҳужжатлар жиноят иши бўйича маълум бир ҳодисалар ҳақида маълумот беради. Баъзи ҳужжатларни жиноий мақсадда ишлатиб, ундан қурол сифатида фойдаланадилар. Фирибгарлик жинояти бўйича қалбаки ҳужжат ёрдамида маблағ ундириш, сохта ҳисоб рақами ва векселлар билан банкадан пул олиш ва шу каби ҳужжатлар иш юзасидан ашёвий далил ҳисобланади. ЖПКнинг 84-моддасида ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган ёки бермаганлиги, уни содир этган шахснинг айбли ёки айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларини аниқлашга асос бўладиган ҳар қандай маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчи айбланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар овоз ёзувлари, видео тасвирлар, фотосуратлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан аниқланади. Ашёвий далиллар криминалистик маънода жиноят ишини ҳал қилувчи муҳим омиллар бўлиб, улар жиноий ҳаракатнинг изларини ўзида акс эттиради ёки жиноятни содир этишда қурол сифатида ишлатилади.

Кўрсатилган сифатлар ҳужжатларга нисбатан тегишли бўлганда улар ҳам далилий ашё ҳисобланади.

Ҳужжатларни ашёвий далил сифатида текширишда икки хил маълумот олиш мумкин бўлади: қўлёзма матн, имзо, рақам ва бошқа ёзувлар ким томонидан бажарилган ва иккинчиси ҳужжат асл нусхами ёки қалбакилиги, қайси қисми қандай усулда ўзгартирилган, ўчирилган, қўшимча ёзувлар киритилган ва ҳоказо.

Ашёвий далил ҳисобланган ҳужжатларни ишга қай даражада молик эканлигини аниқлаш учун терговчи уларни кўздан кечириб, умумий ва индивидуал хусусиятларини аниқлайди ва тегишли тартибда расмийлаштиради.

Ашёвий далил хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар криминалистик фаолиятда икки хил текширувга боғлиқ: 1. хатшунослик текшируви, яъни қўлёзма матн, (имзо, рақам, турли белгилар, чизмалар ва ҳ.к.) ким томонидан ёзилган ёки бажарилганлигини аниқлаш.

2. Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини аниқлаш учун уни криминалистик техника усулида тадқиқ этиш.

2-§ Криминалистик хатшунослик тушунчаси

Ашёвий далил бўлган ҳужжатларни текширишнинг асосий вазифаси - қўлёзма матнларини ва имзоларини ким томонидан бажарилганлигини аниқлашдир.

Хатшунослик экспертизасининг текширув объектлари ҳужжатдаги қўлёзма матнлари: ҳарфли, рақамли, шартли белгилар – шифровка, имзо шаклидаги ёзувлардир. Қўлёзма хатларни (дастхат) текшириш ва унинг ким томонидан бажарилганлигини (ёзилганлигини) аниқлаш инсоннинг ўзига хос ёзиш усули - малака хусусиятига боғлиқ.

Ёзиш малакаси инсон ҳаётининг маълум даврида бошланади ва шаклланади. Умумий ёзиш қоидаси хат билан шуғулланувчига бошланғич маълумотни хуснихат қоидаси асосида берилади. Ҳар бир ҳарф-рақамни ёзиш усули, айрим қисм элементларини бир чизиқда жойлашуви ёзиш жараёнида ўзига қулай ва мос ҳолатни қўллаб умумий ёзиш қоидаси чегарасидан чиқиб, фақат ўзига хос услубни яратади ва қўллайди. Масалан, ёзиш қуролини қия ёки тўғри параллел ушлаб ёзиш натижасида ҳарфларнинг ўнг ёки чап томон қия бўлиши, ёзишнинг йўналиши, ҳарфларнинг бир-бирлари билан бирикиши, жойлашуви каби аломатлар ҳосил бўлади.

Ёзиш малакаси ўрта мактаб давридан шакллана бошлайди. Бошланғич мактаб ўқувчилари ёзиш қоидасига биноан ҳарф ва рақамларни ёзишда қалам, ручкани ўнгдан чапга ёки аксинча йўналишда бажарадилар. Ёзишни ўрганиш жараёнида хатнинг ёзилишида ҳарфлар шакли секин-аста ўзгаради, умум қоида чегарасидан чиқа бошлайди. Бу жараёнга инсоннинг физиологик хусусияти таъсир этади. Машҳур рус физиологи И.П.Павловнинг инсон физиологиясида ривожланадиган шартли рефлекслар такрорланиш асосида мустаҳкамланади - деган ғояси мазкур хатшунослик илмига ҳам тўлалигича асос бўлади. Шартли рефлекслар инсоннинг ҳаёти давомида ҳосил бўлиб кун сайин такрорланиб ривож топади. Бу жараённи И.П.Павлов “Динамик стереотип”- деб номлаган. Шартли рефлекслар асосида амалга ошириладиган фаолият қайта - қайта такрорланади ва шу билан бирга ҳаракат такомиллашиб, ривож топади. Инсоннинг ҳаёти давридаги баъзи ҳаракатлари шу асосда мустаҳкамланиб қолади. Дастхатни бажариш жараёни юқорида келтирилган “динамик стереотип”, яъни такрорланиш ҳаракати асосида шаклланади ва маълум даврга келиб мустаҳкамланади, шу зайлда ҳар бир шахснинг ўзига хос ёзиш услуби (дастхати) ҳосил бўлади.

Шу билан бирга дастхат қотиб қолган, ўзгармайдиган қобилият эмасдир. Физиология дастхатни ўзини-ўзи бошқарувчи мураккаб функционал қобилият сифатида тасвирловчи. Шунга кўра дастхат турли ўзгарувчан шароитларда турғунлигини, ўзгартади, муайян чегараларда, турли тусга кириб турли таъсир этувчи кучлар оқибатида ўзгариши табиий ҳолдир.

Дастхат қуйидаги хусусиятларга эга:

- динамик турғунлик (ёки нисбий мустаҳкамлик);

- турли таъсир этувчи турларга нисбатан ўзига хос ўзгарувчанлик.

Хатшунослик текширувини ўтказишда қўлёзма имзони айнан ким томонидан ёзилганлигини аниқлаш имконини инсоннинг ана шу ёзиш қобилияти - дастхати беради. Хат ёзиш жараёни, шунингдек, ёзилган матн; сўз, рақам, имзо криминалистик текширув объекти сифатида хат деб тушунилади. Криминалистикада қўлёзма матнлар, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, дастхат деб юритилади.

Имзо қўлёзманинг алоҳида бир тури бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун уни текшириш услубиёти дастхатни текшириш услубиётидан бир мунча фарқ қилади.

Дастхат инсоннинг мактабда ўқиб, илм олиш даврида ривожланади ва тахминан ўрта маълумотга эга бўлиш арафасида мустаҳкамланади. Шу вақтдан бошлаб дастхат бўйича уни бажарган шахсни аниқлаш имконияти туғилади.

Дастхатнинг мустаҳкам бўлиб шаклланишига қатор омиллар, яъни инсоннинг анатомик, физиологик, психологик хусусиятлари, ёзиш малакаси, фаолияти таъсир этади. Шу билан бирга инсоннинг ўзига хос одат бўлиб қолган ёзиш ҳаракати такрорланган сари мустаҳкамланиб, индивидуаллик - айнанлик хусусиятига эга бўлади. Бу илмий назария кўп йиллар давомида экспериментал тадқиқотлар асосида ва экспертиза амалиётида исбот қилинган.

Дастхатнинг текширув объекти сифатида мустаҳкам бўлиши нисбийдир. Чунки хат инсоннинг онгли равишдаги фаолиятидан бир кўриниш бўлиб, унга объектив ва субъектив омиллар таъсир этади. Объектив омиллар бўлиб ёзиш шароитига тегишли бўлган ҳолатлар, яъни атроф-муҳит таъсири, ёзиш қуроли, қандай материал - буюмга ёзилиши кабилар ҳисобланади.

Субъектив омилларга ёзаётган шахснинг психологик касаллик, мастлик, эмоционал ва шу каби инсоннинг ўзига хос бўлган бошқа ҳолатлари киради. Шунингдек, ёзиш жараёнида шахс қасддан ёзувини - имзосини ўзгартириб ёзишга ҳаракат қилиши мумкин. Мана шу сабаб омиллар хатнинг нисбий мустаҳкамлиги ва индивидуаллигини белгилайди.

Кўрсатилган омиллар дастхатнинг айрим умумий хусусиятига таъсир этиб, асосий индивидуаллик вақти шароитига нисбатан бўлган мустаҳкамлиги хатни (имзони) бажарган шахснинг айнанлигини белгилаш учун имкон беради.

Экспертиза текшируви натижасида ёзган шахсни аниқлаш билан бир қаторда, хатнинг ёзилиш шароитини, ёзган шахснинг саломатлик ҳолатлари ҳам аниқланиши мумкин. Бундай ҳолатлар хатдаги “нутқ” умумий, хусусий белгилар асосида амалга оширилади. Масалан, ёзаётган шахснинг руҳий ҳаяжони ва бошқа ҳолатлари одатланган ёзиш усулига таъсир этиб, шу боис ёзувнинг бир текислиги бузилади, ёзиш тезлиги юқори бўлади ёки пастлашади. Натижада хатнинг аниқлиги, равонлиги ўзгаради, ҳарфлар тузилиши бир мунча соддалашади. Қўлёзмада айрим бузилишлар кузатилади. Ўзига хос ҳолатлар ёзиш шароитининг ўзгаришида ҳам юз беради. Масалан, тик туриб ёки ётган ҳолда ёзиш, қўлнинг жароҳатланиши натижасида чап қўл ёки бошқа мослама билан ёзиш ва ҳоказо.

3-§ Дастхатнинг идентификациявий белгилари

Хат, имзо ва бошқа қўлда ёзилган матнларни ким томонидан бажарилганлигини аниқлашда қўлланадиган услуб дастхатшунослик услужи деб ата лади. Идентификациявий белгилар эса текширув тадқиқот, изланиш аниқлашда восита бўладиган хатнинг белги - аломатларидир.

Дастхатшунослик экспертизасини ўтказишда эксперт дастхатда мавжуд бўлган қуйидаги белгиларни ўрганиб, таҳлил қилиб текширув ўтказади.

1. Дастхатнинг мазмунига оид сифатлари.
2. Топографик белгилар (хат, имзо, рақам, ёзувларнинг ҳужжатда жойлашув хусусиятлари);
3. Дастхатни ёзиш усулининг умумий сифат ва белгилари;
4. Хатнинг алоҳида (хусусий) белгилари.

Дастхатнинг биринчи гуруҳдаги сифат - белгиларини “нутқ-белгилари” деб ҳам атайдилар. Бу белгилар ёзган шахснинг умумий савиясини акс эттиради. Буларга нутқ хусусияти, сўз бойлиги даражаси, сўзлар ўз ўрнида ишлатилиши, жумла тузилиши, сўзлашувда сақланган шева ва хориж ибораларининг хатда акс этиши, грамматик хатоларнинг одат бўлиб қолиши кабилар киради. Мазкур сифат белгилари маълум ҳажмда ёзилган қўлёзма матнда ифодаланади. Имзо ва қисқа бўлган жумла ёки рақам ёзувларида нутқ белгилари тўла акс этмайди.

Хатшунослик экспертизасида нутқ белгилари ёрдамчи, қўшимча белгилар вазифасини ўтайди муаллифшунослик экспертизасида эса у асосий ўрин эгаллайди. Дастхатнинг умумий белгилари уч гуруҳга бўлинади:

1. Дастхатнинг шаклланиш даражасини билдирувчи белгилар: дастхатнинг ишланиш даражаси, ҳаракат аниқлиги, боғланиш, ёзиш тезлиги, босими;

2. Ҳаракатлар тузилишини билдирувчи белгилар: дастхат тузилиши, устунлик қилувчи ҳаракат шакли, ҳарфлар ўлчами, оралиғи, қиялиги, ҳарфларнинг бўйи ва эни бўйича ўлчами;

3. Топографик белгилар, яъни қўлёзма битилганда ҳаракатларни жойланишини билдирувчи белгилар: ёзув чизиғининг шакли ва йўналиши, типографик бланка чизиғига нисбатан жойланиши, ҳошия

ўлчами, ҳошия чизиғининг шакли, сўзлар ва қаторлар орасидаги масофа ва бошқалар.

Ҳар бир умумий белгининг ўз сифатлари аниқланади. Масалан, дастхатнинг ишланиш даражасига кўра хатнинг юқори, ўрта ва паст даражада бажарилиш сифатлари белгиланади. Юқори даражада ишлов берилган хатнинг ёзилиш тезлиги ҳам шунга мос бўлиб, ҳарфларнинг умумий тузилиши асосан бир мунча соддалаштирилган, ноаниқ бўлади. Сўз ва ҳарфлар ўзаро боғланган бўлиб, бир чизиқ йўналишида, қўлнинг автоматик ҳаракати натижасида, қалам - ручка қоғозда узилмаган ҳолда бажарилади.

Юқорида келтирилган белгилар умумий бўлиб, ёзган шахснинг қайси гуруҳга мансублигини билдиради, яъни “дастхати юқори даражада ишланган шахслар, хатни йирик (майда) ёзадиган шахслар” деган фикрни беради ва ҳужжатнинг якка ёзган шахсни аниқлашда изланиш доирасини бир мунча торайтиради ва идентификация - айнанликни аниқлашда биринчи босқич бўлиб хизмат қилади.

Лекин умумий белгилар ҳам ўз аҳамиятига эга бўлиб, маълум вазифаларда таснифий ва даражавий масалаларни ечишга имкон беради. Масалан, текшириладиган ҳужжат юқори даражада ишланган дастхат билан бажарилган вазиятда уни бажаришда гумон қилинувчи шахс дастхатининг ишланиш даражаси паст бўлса, у ҳолатнинг ўзиёқ ҳужжат гумон қилинувчи томонидан бажарилмаган деган хулосага асос бўлади. Ҳар бир умумий белги гуруҳи қатор алоҳида хусусий белгиларни ифодалайди ва бир қанча гуруҳга бўлинади. Бунда қўшимча равишда хусусий белгилар, хатнинг айрим ҳарфлар ва уларнинг қисм элементлари акс этади. Мантиқ илмининг қоидаси асосида умумий тушунча хусусий аломатларда ифода этилади, хусусий белги аломатлар йиғиндиси эса умумий сифат ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Мана шу илмий ҳолат хатшунослик текширувига тўла татбиқ этилади.

Хусусий белгилар бир сифатда бўлмай айрим ёки бир қатор ҳарфларда намоён бўлишига қараб алоҳида ва ягона (фақат бир ҳарфда) учрайдиган белгиларга ажратилади. Масалан, бир нечта - “з”, “д”, “у” ҳарфларида бир хил шаклда бўлган сатр тагидаги ҳалқа қисми алоҳида белги қаторига киради. Агар бунда битта ҳарфда ҳалқа шакли фақат ўзига хос бўлса, у хусусий белгилар қаторига киради. Ҳарфларнинг ҳаракатини мураккаблилиги бўйича тузилиши, ҳарф элементларини бажаришда ҳаракат йўналиши, шакли ва бўйи (вертикал) ва эни (горизонтал) бўйича кўлами, бирлаштириш усули, сони

(миқдори), кетма-кетлиги, босимнинг ўзгариши, ёзиш ҳаракатининг бошланиши, тугалланиши, уланиш, кесилиш нуқтаси жойланиши ва бошқалар хусусий белгилар гуруҳини ташкил қилади.

Криминалистикага оид сўнгги тадқиқотларда дастхатнинг яна бир қанча интегратив белгилари ҳақида сўз юритилган. Бу белгилар умумий ва хусусий белгилар ўртасида ўрин эгаллаб, дастхатдаги асосий ҳаракатни билдиради. Масалан, бир неча ҳарфлар ва уларнинг элементларини бажаришда ҳалқасимон чап айланмали ҳаракат кузатилади.

Дастхатнинг умумий ва хусусий белгилари муайян вақтга нисбатан мустаҳкам бўлиб, умумий индивидуаллик ва (турғунлик) хусусияти нисбийдир. Бу тушунчани қуйидагича шарҳлаш мумкин. Хатни, имзони бажараётган шахс ўз ихтиёри билан ёки бирор шарт-шароит таъсирида беихтиёр ўзгартириб ёзиши мумкин. Бу ҳолда умумий белгиларнинг ўзгариши тўла ёки қисман осонроқ амалга ошади, хусусий белгиларда қисман ўзгариш юз беради, умумий айнанлик хусусияти эса ўзгармай ёзувда сақланиб қолади.

Ҳужжат жиноий ҳаракат учун қурол сифатида ишлатилган ҳолларда уни қўлёзма қисмларини (ҳарф, рақам, имзо кабилар) бажараётган шахс тергов жараёнида уни текширилиши, ким томонидан ёзилганлигини аниқланишини аввалдан билади ёки шундай имконият бўлишини сезади. Шунинг учун қалбаки ёки ноқонуний ҳужжатни тузишда, расмийлаштиришда ёзиладиган рақам-сонлар, сўз билан ифодаланадиган буйруқ – кўрсатмаларни тасдиқловчи имзоларни бажариш жараёнида ёзаётган шахс хатини ўзгартириб ёзишга ҳаракат қилади. Ҳужжатни қалбакилаштиришда кўп ҳолларда жиноятчи ўзининг имзосини ўзгартириб ёки имзони бошқа мансабдор шахс номидан унинг имзосига ўхшатишга тақлид қилиб бажаради. Лекин қасддан ўзгартириб ёзилган хатнинг асосий қисмида белгилар тўлалигича ўзгармас ҳолда сақланиб қолади. Кўп йиллар давомида шаклланган ва индивидуаллик хусусиятига эга бўлган дастхат тўла ўзгариши мумкин эмас. Бу масала криминалистик экспертизанинг кўп йиллик изланишдаги назарияси ва амалий фаолияти давомида ўз исботини топган.

Дастхат атайлаб ўзгартириб ёзилган қўлёзмада, асосан умумий белги сифатларнинг одатдаги ёзилишидан бир мунча ўзгариш аломатларини кузатиш мумкин. Булар қуйидагилардир: ёзиш жараёнида тезлик сусаяди, натижада ҳарф ва уларнинг бирикмалари алоҳида-алоҳида ёзилиб, қўлнинг титраши ёзувда акс этади. Хатни микроскоп

(лупа) остида бир мунча катталаштириб кузатилганда ёзишдаги ҳаракатнинг айрим жойларида тўхташ нуқталарини ҳам кўриш мумкин. Овал шаклида ёзиладиган ҳарф қисмларида овал-айланма жойларида бурчаклар ҳосил бўлиши, ёзишдаги йўналишнинг ўзгаришида ҳарфларнинг ҳажми ва чизиқда жойлашувини тузилиши, умумий ёзишдаги автоматик ҳаракатнинг сусайиши каби аломатларни кузатиш мумкин бўлади.

Ҳужжатлардаги маълумотларни тасдиқловчи имзолар ҳам хатшунослик текшируви объекти ҳисобланади. Шунинг учун юқорида келтирилган умумий ва хусусий белгилар тизими имзоларни текширишда ҳам тўлалигича қўлланилади. Шу билан бирга имзоларни ўзига хос бўлган баъзи хусусиятларига нисбатан аломатлари ҳам мавжуддир. Булар имзонинг умумий тузилиши ва транскрипцияси; ҳарфли, ҳарфсиз, аралаш ҳарф ёки ҳарфсиз чизиқлар бирикмасидан ташкил топган имзолардаги белгилардир. Ҳарфли имзо деб фақат ҳарфлардан тузилган имзони ифодалайдилар. Ҳарфлар ва ўқилмайдиган айланма чизиқлардан ҳосил бўлган имзолар аралаш имзолар дейилади. Ҳарфсиз, яъни фақат ўқиб бўлмайдиган, ҳарф шаклига ўхшаган чизиқлардан ташкил топган имзо эса чизиқли имзо дейилади.

Баъзи шахслар имзосининг бошланиш қисмида ўзининг исмидаги бош ҳарф билан отасининг исмини бош ҳарфига қўшиб “монограмма” шаклида ёзади. Сўнг бошқа ҳарф ёки чизиқлар билан тугатади, чизиқ ости ва устига қўшимча безаклар киритади. Имзони тугатадиган турли шаклдаги чизиқлар жимжима деб аталади.

Имзо, қандай шаклда ёзилганидан қатъи назар, хатшунослик текширув объекти бўлиб дастхат белгилар таърифи буларга тўла татбиқ қилинади. Лекин имзонинг ўзига хос хатшунослик экспертизаси хусусиятлари ҳам мавжуд. Имзода муайян шахснинг гувоҳлик белгиси бўлгани сабабли уни текшириш услубиёти аввал имзо асл қалбакилигини аниқлашни талаб қилади. Фақатгина имзо қалбакилаштирилганлиги қатъий тасдиқланса, уни гумон қилинувчи шахслардан қайси бири бажарганлигини текшириш мумкин. Хусусан “А” номидан қўйилган имзо “А”нинг ўзи бажарганлигини аниқламасдан, шу имзони “Б” ёки “В” томонидан бажарилганмикан деган масалани ҳал қилиб бўлмайди. Аммо ҳавойи (ҳақиқатда бўлмаган) ва тергов томонидан аниқланмаган шахслар номидан қўйилган имзоларни текшириш бу қоидадан истиснодир.

Рақам ва бошқа белгилар билан ифодаланган ёзувлар ҳам мазкур экспертиза объекти сифатида текширилиб, белгиларини тавсифлаш,

матнининг ҳажмига боғлиқ бўлади. Бу ёзувларда ҳам инсоннинг ёзиш малакасининг ўзига хос индивидуаллик хусусияти акс этади.

Инсоннинг хизмати, ҳунари, мутахассислиги туфайли унинг хизмат фаолиятида битта эмас бир неча кўринишга эга бўлган ёзувлари (имзолари) бўлиши мумкин. Ҳар бир кўринишдаги умумсифат белгилари шахснинг индивидуаллик ёзиш хусусиятини сақлаб қолади ва акс эттиради. Булар дастхат (имзо)нинг турли вариантлари деб аталади.

Қўлёзма хатларини айнан ким томонидан қандай шароитда ёки ҳолатда ёзилганлигини аниқлаш учун бир гуруҳдаги умумий ёки хусусий белгиларнинг ўзи кифоя бўлмайди, балки қатъий аниқ ва бехато хулоса бериш учун белгиларнинг барча гуруҳлари йиғиндиси тавсифланади. Намуна бўлган ҳужжатларнинг ёзув хат белгилар йиғиндисига солиштириб текширилгандан сўнггина аниқ хулосага келиш мумкин бўлади.

17-расм, Дастхат ҳарфларининг ёзилиш шакллари

18-расм, Текширилувчи ва намуна хатларидаги ҳарфлар тузилиши

19-расм, Текширилувчи ва намуна дастхатларидаги идентификацияви белгилар

4-§ Хатшунослик текширувининг услубиёти

Хатшунослик экспертизасини ўтказишда қўлланадиган текширув усуллари криминалистик диагностика ва идентификация назарияларининг умумий услубиёти қоидасига асосан ўтказилади. Шу билан бирга мазкур экспертизанинг моҳияти, текширилувчи объектларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эксперт зарур бўлган бошқа усулларни ҳам қўллаши мумкин.

Текширувнинг биринчи босқичида эксперт юборилган экспертиза материали билан танишиб чиқади, уни тайинлаш учун қандай зарурат туғилганлигини, экспертиза ҳал қиладиган масалалар аниқ ифодаланганлиги, текшириш учун юборилган объектларнинг (ҳужжатларнинг) мавжудлиги ва бошқа маълумотларни аниқлайди.

Эксперт текширувининг навбатдаги вазифаси ашёвий далил бўлган ҳужжатнинг қўлёзма матнларини (ҳарфли, рақамли) ва имзоларнинг мансублик сифатлари ва хусусий белгиларини таҳлил қилишдир. Улар ичида бир хил ҳарфларда такрорланадиган ва турғунлик хусусиятига эга бўлган, мустаҳкам шаклланган белгилар инобатга олинади.

Таққослаб текширишга юборилган дастхат (имзо) намуналари ҳам шу тариқа алоҳида-алоҳида кўздан кечирилади. Қўлёзмани (имзони) бажаришда гумон қилинган шахсларнинг сонига қараб, уларнинг айримларини гуруҳ мансублиги асосида танлаб дастхатлардаги умумий ва хусусий белгиларни акс эттирадиган жадвал чизмалар тайёрланади.

Дастхат ва имзодаги белгилар ҳарфларнинг алфавит тартибида жойлашуви асосида таҳлил қилиниб, улардаги хусусият тегишли тартибда жадвалга туширилса солиштириб текшириш босқичида бир мунча қулайлик туғилади. Биринчи навбатда умумий белгиларга эътибор берилади, чунки улар ёзган шахснинг умумий ёзиш савияси, дастхатнинг шаклланишидан далолат бериб, гумон қилинувчи шахслар орасидан айрим шахсларнинг хатини ажратиб олиш имконини беради.

Алоҳида кўздан кечириш жараёнида экспертизага тақдим этиладиган намуналар ҳам ўзаро солиштирилади, яъни бир шахс номидан юборилган дастхат, имзо намуналари (эркин, экспериментал ва бошқа турдагилар) неча шахс томонидан бажарилгани ҳам ҳал қилинади, шундан сўнг уларни ашёвий далил бўлган ҳужжатнинг қўлёзмаси билан солиштирилади.

Тадқиқот жараёнида текширилувчининг қўлёзма (имзо)лардаги қасддан ўзгартириб ёзилгандан ҳосил бўлган умумий ва хусусий белги аломатлари алоҳида инобатга олинади. Бу ҳолатлар хатни ёзиш шароити, уни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Имзоларни текширишда имзонинг ҳарфли қисмидаги умумий ва хусусий белгилари, ҳарфсиз чизиқлар, айланма сиртмоқсимон ёзувларнинг йўналиши, ўзаро жойлашуви имзонинг охирги якунловчи қисми, жимжиманинг белги хусусиятларини аниқлаб, ана шундай белги сифатларни намуна бўлган имзоларда ҳам мавжудлигини кузатиш лозим. Сўнгра солиштириш учун танланган белгилар жадвалга киритилиб, ўхшаш ҳарфлар ва ҳарфсиз ўқилмайдиган чизиқлардаги аломатлар белгиланади.

Ашёвий далил бўлган ҳужжатдаги имзолар кўп ҳолларда уларни бажарган шахслар томонидан ўзгартирилиб ёзилади. Бундай ҳолларда имзодаги белгилар қисман ёки тўла ўзгариб кетиши мумкин. Ёзаётган шахснинг имзоси шаклан ўзгарсада, унинг ўзига хос бўлган ёзиш услуби кўпинча имзонинг охирги қисмида сақлади, ўзгаришсиз қолади.

Бу вазиятда гумон қилинувчи дастхатининг намуналаридан фойдаланиш, улардан солиштирув учун тегишли ҳарфларни топиб таққослаб ўтказиш ўз самарасини бериши мумкин.

Баъзилар, раҳбар, мансабдор шахслар номидан қўйилган имзоларни унга тақлид қилиб, ўхшатиб ёзишга ҳаракат қиладилар, яъни қалбакилаштирадилар. Қалбакилаштирилганда имзонинг узун-қисқалиги, тузилиши ва бошқа умумий белгилари тўла ёки қисман ўзгаради. Бу ҳол имзонинг қалбаки эканидан хабар беради ва баъзи ҳолларда белгиларни сонига-сифатига қараб ким томонидан бажарилганлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Эксперт текширувининг иккинчи босқичида алоҳида таҳлил қилиш натижасида кузатилган дастхат, имзо белгилари ўзаро солиштирилиб таққосланади. Гумон қилинган шахсларнинг сонига қараб уларнинг хат намуналарини ҳар бирини текширилувчи хат билан тегишли тартибда навбатма-навбат солиштирилади, гуруҳ мансублиги асосида ўхшаш хат намуналари умумий тўпламдан ажратиб олинади. Текширилаётган ҳужжатдаги дастхат (ёзув. имзо) билан ажратиб олинган намуналардаги барча гуруҳдаги белгилар солиштирилади. Умумий ва хусусий белгилар йиғиндиси тўлалигича текширилувчи ва намуна объектларидан бири иккинчисини такрорласагина айнанлик масаласи ҳал қилинган бўлади. Агарда умумий ва хусусий белгиларнинг кўпчилиги бир-биридан фарқ қилса, айнанлик инкор қилинади, яъни қўлёзма (имзо)ни бошқа шахс ёзганлиги аниқланади. Айрим белгиларнинг текширилувчи ва намуна хатлардаги умумийлиги уларнинг ўхшашлик хусусиятларидан дарак беради.

Табиийки, икки ёки ундан кўпроқ шахсларнинг хати ўхшаш бўлиши мумкин. Лекин ёзган шахснинг айнанлигини, яъни текширилаётган қўлёзма (имзолар) айнан “шу шахс томонидан бажарилган” деган хулоса қилиш учун идентификациявий белгиларнинг барчалари, айниқса хусусий бўлган алоҳида дастхат белгилари бир хилда бўлмоғи лозим.

Солиштириб текшириш натижалари экспертнинг текширилаётган дастхат юзасидан маълум хулосаларини шакллантиради. Хулосалар қатъиян тасдиқловчи, масалан, “05.05.1995 йилда М. номидан ёзилган тилхатдаги асосий матн тагида жойлашган М.номидан қўйилган имзо М.нинг ўзи томонидан бажарилган” ёинки “М.номидан қўйилган имзо М.нинг ўзи томонидан бажарилмаган” каби бўлади. Текширув натижаси аниқ бирор хулоса беришга етарли бўлмаса, эксперт «аниқлаш иложи» бўлмаганлиги ҳақида фикр бера-

ди. Масалан, “текширилувчи А.номидан имзо қисқа ва содда бўлганлиги учун (бир ҳарф ва ҳарфсиз чизиқдан иборат бўлганлиги) унда мос келувчи ёки фарқ қилувчи белгилар етарли миқдорда аниқланмаганлиги сабабли, ушбу имзони А.нинг ўзи бажарганлиги ёки бажармаганлиги ҳақида хулоса бериш иложи бўлмади”.

Амалиётда молия ҳужжатларида мавжуд бўлган мансабдор, моддий жавобгар бўлган шахслар номидан қўйилган имзоларни баъзида жиноий мақсадда кузатув ёрдамида, қўлни бироз машқ қилдириб, ўхшатиб, тақлид қилиб ёзиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шунингдек, имзоли ҳужжатни ёруғлик манбаи остига жойлаштириб тагидан керакли қоғоз ҳужжатга ўткир предмет ёрдамида чизиб излари туширилади, сўнгра қалам-ручка билан имзонинг излари устидан юргизилади. Мазкур ва шунга ўхшаш бошқа усулда содир қилинадиган қалбакилаштириш далиллари криминалистик техника ёрдамида аниқланади. Бу ҳолларда кўпинча дастхатни қалбакилаштирган белгилаш иложи бўлмайди, чунки ёзиш малакасини акс эттирадиган белги-аломатлар чизиқ, нусха қилиш, нусха ясаш усулларида акс этмайди.

Экспертнинг ўтказган тадқиқоти унинг фикри бўлган хулосанинг якунловчи қисмини ташкил қилади. Бу қисмда экспертизага қўйилган саволларга қисқа, аниқ жавоблар берилади. Жавоблар хулоса шаклида ёзган шахснинг айнанлигини қатъий тасдиқловчи ёки инкор этувчи бўлиши лозим. Айрим ҳолларда қатъий тасдиқлаш иложи бўлмаса эксперт тахминий хулоса ҳам бериши мумкин. Экспертиза амалиётида бундай хулосалар, айниқса хатшунослик соҳасида кам учрайди, кўп ҳолларда масалани объектив сабабларга кўра ҳал этиб бўлмаганлиги ҳақида хулосалар берилади.

5-§ Криминалистик муаллифшунослик текшируви

Ҳужжат матнларининг муаллифини аниқлаш масаласи криминалистик муаллифшунослик текшируви ваколатига тегишли бўлиб, хатшунослик экспертизасини ўтказишда унинг мазмунига тегишли бўлган сифат белгилари оғзаки нутқ хусусиятларини тадқиқ этиш асосида шаклланади.

Дастхатни айнан ёзган шахс аниқланса-да нутқ, унинг мазмуни иккинчи шахсга тегишли бўлади, яъни бири айтиб туради, иккинчиси эса ёзади.

Суд ва тергов амалиётида шахси номаълум (аноним) хатлар, муаллифи номаълум бўлган адабий ва илмий асарлар (бунга қўлда ёзил-

ган матнлар билан бирга печатлаш воситасида бажарилган ҳужжатлар ҳам киради) нинг муаллифини аниқлашга зарурат туғилади.

Баъзида жиноятчи ўз мақсадини амалга ошириш учун жабрланувчига зўрлик ёки таҳдид ишлатиб, маълум мазмундаги хатни ёзишга уни мажбурлайди, матннинг мазмунини айтиб (диктовка қилиб) туради. Бу ҳолда хатни бажарувчи шахснинг қўлёзмасидаги умумий ва хусусий белгилар унинг дастхатини акс эттирса-да, матннинг мазмуни ундаги оғзаки нутқ белгиларини акс этиши ҳужжатнинг муаллифи бошқа эканидан хабар беради.

Хатдаги оғзаки нутқ белгилари муаллифнинг умумий савиясини белгилайди. Буларга нутқнинг хусусияти, сўз бойлиги даражаси, сўзларни ўз ўрнида ишлатилиши, жумла тузилиши, сўзлашувда сақланган шева ва хориж сўзлар-ибораларни қўллаш, грамматик, орфографик, лексик ва бошқа хусусиятлар киради.

Ҳужжатларнинг матн-мазмунини текшириш масаласига криминалистик хатшунослик соҳасидаги мутахассислар билан бир қаторда тилшунослар, филологлар ва текширилувчи матннинг мазмунига оид тегишли мутахассислар жалб этилади ва уларнинг ҳамкорлигида ҳал этилади.

Муаллифшунослик экспертиза текширувининг асосини инсон сўзлашув нутқининг шаклланиши, маълум билимлар тизими асосида ривожланиши, мукаммаллашиши ва инсоннинг индивидуал нутқ хусусиятларининг хатда акс этиш қонуниятлари ташкил қилади.

Криминалистика муаллифшунослик матнни идентификация назариясини, лингвистика, психология, социал лингвистика, психолингвистика билимларининг айрим назарий ҳолатлари билан боғлиқ равишда таҳлил этиб, муаллифни аниқлаш вазифасини бажаради.

Мазкур тадқиқотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хатнинг айнан муаллифини аниқлаш (идентификациявий масала);

- матн муаллифининг умумий билим даражаси, касби, мутахассислиги ва бошқа хусусиятлари асосида маълум гуруҳ мансублигини белгилаш (гуруҳга мансублик-диагностик масала).

Криминалистик муаллифшунослик экспертиза объектлари қаторига турли ҳужжатларнинг қўлёзма, шунингдек, печатлаш воситасида бажарилган матнлар, кўпайтирилган полиграфия маҳсулотлари киради. Матн сўз бирикмалари ва жумлалари йиғиндисидан иборат бўлиб, маълум маъно-мазмунни ифода қилмоғи зарур. Эксперт мутахас-

сисларнинг амалиётига кўра матнни идентификациявий тадқиқот объекти бўлиши учун у тахминан 500 сўздан кам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда матндаги нутқ белги аломатлари аниқ хулоса чиқаришга етарли бўлмай қолади.

Муаллифшунослик экспертизасини ўтказиш учун хатшунослик текширувига ўхшаш таққослаш учун хат намуналари зарур бўлади. Хат намуналари муаллифи номаълум жиноят ишига алоқаси бўлган, ҳужжатларни бажаришда гумон қилинган шахсларнинг қўлёзмалари, печатлаш ва кўпайтириш полиграфия маҳсулотлари каби матнлар ҳисобланади.

Намуналар хатшунослик текширувига тақдим этиладиган объектлар каби эркин, экспериментал ва оралиқ вақтига тегишли бўлган хатлар бўлиши мумкин.

Таснифлашга оид гуруҳга мансублик ва диагностик масалани ҳал қилиш учун ҳозирги кунда экспертиза фаолиятида назарий ва услубий асослар ишлаб чиқилган. Ҳужжатларнинг матни мазмунини таҳлил қилиш билан унинг муаллифини алоҳида гуруҳга мансублиги масаласи ҳал қилинмоқда. Масалан, ҳужжатдаги матн қайси миллат тилида ёзилганлигига қараб муаллифга нисбатан бу тил-она тили бўлиб ҳисобланадими ёки бошқа хориж тил эканлигини аниқлаш мумкин.

Муаллифшунослик текшируви бир неча босқичдан иборат: биринчи экспертизага юборилган материал билан танишиб чиқиб, қарор-ажримда белгиланган тадқиқот вазифаси, текширув объектларининг сони, сифати етарли ва яроқли эканлиги аниқланади.

Иккинчи босқичда текширилувчи ва намуна объектлар ҳар бири алоҳида кўздан кечирилиб таҳлил қилинади, улардаги нутқ хусусиятига тегишли бўлган сифат белгилари: лексика, синтаксис, жумла тузиш ва фикрни ёзма шакллантиришнинг ўзига хослиги аниқланади. Текширилувчи муаллифлар сони қанча бўлса, ҳар бирининг хат намуналари алоҳида-алоҳида гуруҳга ажратилиб, алоҳида қиёсланиб тадқиқ этилади.

Солиштириб текшириш натижасида маълум белги хусусиятларининг ўхшашлиги ёки қарама-қаршилик ҳолатлари асосида тегишли хулосаларнинг асослари шаклланади.

Текширилаётган муаллифнинг айнанлиги ёки уни маълум бир гуруҳга оидлиги (маълумоти, савиясининг даражаси, мутахассислиги ва бошқа хусусиятлари)га кўра баҳоланиб хулоса қилинади.

Ҳозирги кунда дастхатшунослик ва муаллифшунослик тадқиқотида «математик таҳлил» услуби кенг қўлланилмоқда. Текширилувчи объектларнинг турли сифат белгилари математик тавсифлаш услубиётида икки бир-бири билан боғлиқ бўлган сифат хусусиятлари асосида ишлатилади: а) текширув объектининг белги-хусусиятлари мустаҳкам ва индивидуал бўлиш сифати; б) бир хилдаги белги-аломатларнинг миқдори бир шахснинг хатидаги умумий ва хусусий белгиларининг йиғиндиси иккинчи шахснинг хатида такрорланмаслиги, унинг сифат омили бўлса, айрим мустаҳкам шаклланган белгиларнинг бир объектда қайта такрорланиши эса миқдор сифатини тавсифлайди.

Объектнинг сифат-белгилари доимий ёки маълум вақтгача мустаҳкам ва ўзгармайдиган бўлиши математик статистика ва тахминий назариянинг зарур бўлган шарт-шароитидир. Шу билан бирга хатнинг вариантлиги, турли сабаблар туфайли ўзгариши, унинг сифат-белгиларини нисбий мустаҳкамлигини тасдиқлайди.

Диагностик маълумотлардан дарак берувчи белгилар хатнинг маълум шароитларда ёзилиши, турли сабабларнинг таъсири натижасида одат бўлиб қолган ёзиш услубига ўзгаришлар киритилишидан келиб чиқади.

Дастхатшунослик ва муаллифшунослик экспертизалар хулосаси бошқа экспертизалар текширувлари каби жиноят иш юзасидан далил манбаи бўлиб ҳисобланади ва умумий қоидалар асосида баҳоланади.

6-§ Дастхатшунослик ва муаллифшунослик текширувини ўтказиш учун материал тайёрлаш

Экспертиза тайинлашнинг умумий процессуал тартиби ЖПКнинг 180-моддасида таъкидланган унга биноан, суриштирув, тергов органи ва суд экспертиза тайинлаш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарадилар.

Қарор (ажрим)да экспертиза ўтказиш сабаблари иш учун ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар, уларни ечишда қўлланадиган махсус билим соҳаси, шу билимга эга бўлган мутахассисни жалб этиш зарурати кўрсатилади.

Шунингдек, экспертизага ҳужжатлар, уларни текширишга восита бўлган дастхат (имзо) намуналари ва бошқа объектлар ҳам юборилади. Хатшунослик экспертизасининг хулосалари тўла ва асосли бўлиши учун текшириладиган ҳужжатнинг қачон, қандай шароитда

тузилганлиги, қаердан олинганлиги, матнларни ёзишда, расмийлаштиришда гумон қилинган шахслар ва уларнинг тушунтиришлари каби маълумотлар қарор (ажрим)да кўрсатилмоғи лозим.

Зарур бўлган ҳолларда эксперт жиноят иши материалларининг экспертиза текширувига тегишли бўлган ҳолатлари билан ҳам танишиб чиқиши мумкин. Бу маълумотлар экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорнинг баёнот қисмида кўрсатилади ёки иш материалининг тегишли қисми эксперт ихтиёрига топширилади.

Қарор, ажримда эксперт ҳал қиладиган масалалар аниқ ва равон саволлар тариқасида кўрсатилади. Масалан; “15.05.1995 йилда “М” номидан ёзилган аризанинг чап томонидаги “текшириб ҳал қилинсин...” - деган ёзув “М” томонидан ёзилганми. Ёзув тагида “Р” нинг номидан қўйилган имзони “Р” нинг ўзи бажарганми? Аризанинг асосий матни юқоридаги буйруқни ифода этувчи ёзув ва имзолар бир киши томонидан ёзилганми? каби саволлар бўлиши мумкин.

Эксперт ихтиёрига юборилаётган ҳужжатларнинг ҳар бирининг номи, рақами, санаси ва бошқа реквизитлари кўрсатилади. Жиноят иши юзасидан ашёвий далил бўлган объектларни олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва экспертизага юборишда қўлланадиган умумий тартиб қоида, текширилувчи ашёвий далил бўлган ҳужжатларга ҳам тўлиқ татбиқ этилади.

Эксперт тадқиқотининг муваффақиятли, яъни тўлиқ, асосли ва объектив бўлиш солиштириб текшириш учун олинадиган дастхат - имзо намуналарининг сони ва сифатига боғликдир.

Қўлёзмани бажаришда гумон қилинган ҳар бир шахснинг эркин ва экспериментал хат намуналари етарли ҳажмда бўлиши лозим. Эркин намуналар шахснинг ўқиш, хизмат ва турар жойларидан олинадиган ҳужжатлардир.

Терговчи намуналарни экспертизага юборишдан аввал эркин дастхат ва имзо намуналари ким томонидан бажарилганлигини аниқлаб олгач, гумон қилинувчининг тасдиқловчи ёзуви ва имзоси билан расмийлаштириб мустаҳкамлайди. Эркин намуналар имкони борича кўпроқ бўлиб, текширилувчи ҳужжатдан тузилиш вақтига нисбатан катта фарқ бўлмаслиги керак. Экспериментал дастхат намуналари экспертиза тайинлаётган ходим томонидан олиниб, гумон қилинувчи томонидан ёзилади. Текширилувчи ҳужжатдаги ёзувда мавжуд бўлган сўз бирикмалари, жумла, тузилишлари, рақамларнинг ёзилиш хусусиятларига ўхшаш бўлган матнни таклиф қилади ёки ўзи уни айтиб туриб ёздиради.

Дастхат ва имзо эркин намуналари жиноят ишига алоқаси бўлмаган ҳолатда ёзилган бўлганлиги учун улардаги индивидуал айнанлик белги сифатлари деярли ўзгармайди, аксинча мустаҳкам бўлади. Шунинг учун экспертиза тайинлашда эркин намуналарга кўпроқ эътибор берилиши лозим.

Имзо намуналарини олишда гумон қилинувчининг қўл қўйишида имзоларнинг неча турда бўлишига қараб, ўшанча вариант - турда талаб қилинади. Имзо намуналарини бажаришда гумон қилинувчи ҳар бир варақка алоҳида ёзиши талаб қилинади, олдинги ёзилган имзосини кузатиб туриш имкони бўлмаслиги лозим. Бу дастхат (имзо) намуналарини бажаришда гумон қилинувчининг ўз хатини (имзосини) ўзгартириб ёзиш имконини камайтиради.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да текширилувчи ҳужжатлар билан бир қаторда ҳужжат реквизитлари, экспериментал намуналарнинг неча варақдалиги алоҳида қайд этилади.

9-боб ҲУЖЖАТЛАРНИ КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКА УСУЛИДА ТЕКШИРИШ

1-§ Криминалистик техника текшируви тушунчаси, вазифаси ва турлари

Ҳужжатларни техник жиҳатдан текшириш криминалистиканинг иккинчи бўлимида мустақил ўрин эгаллайди. Криминалистик техника баъзи табиий ва техник билимларнинг айрим тармоқларини ўз вазифасига мослаб, улар асосида турли қалбакилаштирилган ҳужжатларни текшириш учун махсус услубларни ишлаб чиқади.

Ҳужжатларни криминалистик техника усулида текшириш фақат жиноят ишлари бўйича масалаларни ҳал қилиш эмас, балки фуқаролик судлов ишларида ҳам кенг қўлланилади.

Тергов ва суд амалиётида ҳужжатларни криминалистик техника усулида текшириш масаласи кўп тарқалган бўлиб, ҳужжатлар ижтимоий соҳаларнинг барча доираларида алоҳида ўрин тутиши, хилма-хил ва кенг тарқалган материаллардан тайёрланганлиги билан боғлиқ.

Ҳужжатларни техникавий текширув унинг олдига қўйилган вазифалар билан характерланади. Криминалистик техника текширувининг объектлари:

- турли ҳужжатлардаги тадқиқот қилинувчи реквизитлар (матн, имзо, пул-тўлов ҳужжатлари, қимматбаҳо ашёвий бойликларни олиш-сотиш каби ҳаракатларни ифодаловчи ҳужжатлар, шахсий ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқалар);

- пул-тўлов ҳужжатлари, нақд пул кирими ва тўлови бўйича турли операцияларни акс эттирувчи чек дафтарчаси, кирим-чиқим ордерлари, касса дафтарчаси, тўлов ҳужжатлари, турли квитанциялар, депонент карточкалари.

Моддий бойликларнинг ҳаракатини акс эттирувчи ҳужжатларга: юк хатлари (накладной), кирим-чиқим характеридаги барча ҳужжатлар тўплами; шахсий ҳужжатларга шахсни тасдиқловчи ва унинг меҳнат фаолиятига хос бўлган ҳужжатлар, паспорт, шахсий гувоҳнома, рухсатнома, ҳарбий билет, касаба уюшмаси билетлари, ҳайдовчилик гувоҳномалари, дипломлар ва ҳоказолар киради.

Меҳнат фаолиятига хос бўлган ҳужжатларни, меҳнат дафтарчалари, меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, касаллик варақалари, қабул қилиш ва озод этиш ҳақидаги буйруқлар, шартнома-

лар, таклифномалар, шахсий варақалар, касаллик тарихи ва бошқалар ташкил этади.

Қимматли қоғозлар заём облигациялари, лотерея чипталари, темир йўл ва ҳаво йўл пулли чипталари, томоша ва маиший хизмат чипталари, қоғоз пул банкнотлари ташкил этади.

Текширув объектларига ҳужжатлардан ташқари ёзув восита ва ашёлари, ҳужжатнинг реквизитларини ва белгиларини бажаришда фойдаланиладиган турли буёқ воситалари, қоғоз, ёзув қуроллари, елим ҳамда ёзувни айнитиш моддалари киради.

Ҳужжатларни техникавий усулда текширув вазифалари қуйидагилардир:

1. Ҳужжатнинг тайёрланиш услубини аниқлаш;
2. Ҳужжат мазмунини ўзгартириш усулини аниқлаш;
3. Кўринадиган ва оддий кўз билан кўринмайдиган ёзувларни аниқлаш;
4. Ҳужжатларнинг асил бирламчи кўринишини тиклаш;
5. Ҳужжатлар бажарилган, қўлланилган ускуналар, воситалар, қуроллар ва материалларни идентификация қилиш;
6. Ҳужжатларни қалбакилаштиришдан муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш.

Ҳужжат материалларини текширишда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар унинг таркибини, турини, маркасини, ишлаб чиқарган заводини аниқлаш, у ёки бу ҳужжат материалларнинг аниқ ҳажмини ва гуруҳ мансублигини аниқлашга оиддир.

Ҳар бир текширув экспертизанинг мос турини белгиловчи бир қатор махсус вазифаларни бирлаштиради. Суд - техник экспертизанинг асосий турларини қуйидагилардан иборат:

- ҳужжатнинг бирламчи мазмуни ўзгартирилганлигини аниқловчи экспертизалар (ўчириш, қўшимча ёзувлар киритиш, қўшимча белгилар чизиш, ювиш);
- ҳужжатдаги муҳр ва штамп изларини (аксларини) аниқловчи текширув;
- матннинг машинкада ёзилган шаклини текшириш. Бунга бошқа қоғозга нусха кўчириш воситалари, жумладан ЭҲМ, кўпайтирувчи мосламаларда тайёрланган матнлар ҳам киради;
- ҳужжатнинг давлат белгилари ва типографик бланкаларини текшириш;
- қалбакилаштиришдан асровчи махсус воситалар билан таъминланган ҳужжатларни текшириш;

- қайта ёпиштирилган фотосуратларни аниқлаш;
- объектларнинг айрим қисмлари бўйича бутунни тиклаш;
- имзоларни техник қалбакилаштирилганлигини текшириш;
- куйган ҳужжатларнинг матнини тиклаш;
- ҳужжат устидан бостириб ёзиш оқибатида қолган рангсиз чизиқлар бўйича матн мазмунини аниқлаш;
- устидан чизиб ўчирилган, чаплаштириб юборилган, устига модда тўкилган, ёзувлар мазмунини тиклаш;
- ранги учиб кетган ёзувларни тиклаш;
- кесиб ўтган чизиқлар бўйича кетма-кетлигини аниқлаш;
- ёзув материаллари, ёпиштириш воситалари ва қоғозларни текшириш экспертизаларидир.

2-§ Ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари

Ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг икки, яъни сохталаштириш ва ўзгартма киритиш тури мавжуд.

Биринчи тури ҳужжатнинг умумий шакли тўғри бўлиб, ундаги маълумот тўлалигича ёки қисман сохта бўлади. Масалан, моддий маблағни сарф қилиш ҳужжатида сохта маълумотни расмийлаштириш тушунилади. Иккинчи тури эса ҳужжатлардаги бирламчи маълумотларни ғайриқонуний ўзгартириш (қўшимча ўзгартма киритиш, ўчириш, бузиш кабилар).

Ўзгалар мулкини турли усулларда талон-тарож қилиш жиноятлари кўп ҳолларда сохта ҳужжатлар қўлланиб содир этилади. Кўринишдан тўғри ва қонуний расмийлаштирилган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳақиқатдан йироқ бўлиб, жиноий унсурлар ўзларининг фойдасига мослаб, сохта ҳужжатларни расмий ҳужжат бланкаларида акс эттирадилар. Қоидага мослаб имзолар ва муҳрлар билан тасдиқлаб, унга ҳақиқий, қонуний тус берадилар.

Бундай жиноятларни тергов қилиш жараёнида ҳужжатлар сохталигини аниқлаш учун шубҳали бўлган ҳужжатдаги маълумотни текшириб, унинг мазмуни бошқа нусхадаги маълумотга тўғри келиши, навбатдаги операцияларни акс эттирувчи ҳужжатларга мос келиш келмаслигини аниқлаш билан ҳал этилади. Баъзида бундай маълумотларни моддий жавобгар шахсларнинг жавобини акс эттирувчи ёзувларни кўздан кечириш натижасида ҳам олиш мумкин бўлади.

Ҳужжатларга моддий ўзгартиришлар киритиш билан қалбакилаштирилган ҳолларни текширишда қуйидаги белгиларга эътибор бериш лозим.

1. Ҳужжатнинг матнидаги айрим ёзувларни (ҳарф, рақам, имзо) ўчириш ва ўрнига бошқа ёзув киритиш.

Ўчириш натижасида қоғозни устки силлиқ қатлами зарарланади. Қоғоз толаларининг ҳурпайиши ва ранги бир мунча ўзгариши кузатилади, ўчирилган жойдаги ёзувларнинг айрим штрихлари ва бўёқ қолдиқлари сақланиб қолади. Ҳужжат матни махсус бланкада бажарилган бўлса, унда қўшимча равишда қоғознинг юзасидаги каштаси ва типография чизиқлари зарарланади. Ёзувларни йўқотиш мақсадида ўткир асбоб билан қоғознинг устки қатламини кесиб қирқиб ўчирадилар. Бундай ҳолларда қоғознинг орқасидан ёруғлик туширилиб кузатганда аввалги ёзувнинг ботиқ излари бўйича ўчирилган ёзув мазмунини тиклаш мумкин бўлади.

Ҳужжатнинг ўчирилган ёзувлари ўрнига янги, жиноий мақсадга керак бўлган матн ёки ҳарф рақамларни ёзганда қоғознинг устки қатлами зарарлангани сабабли ёзув қуроли бўлган қалам, паста сиёҳ моддаларининг заррачалари ёйилиб, қоғознинг ички қатламига сингиб кетади. Ундан ташқари бирламчи ёзув буёқлари билан кейинги ёзувдаги буёқнинг рангида бир мунча фарқни кузатиш мумкин бўлади.

2. Ҳужжат матнига қўшимча ёзув, рақам ва бошқа ўзгартиришлар киритиш.

Қалбакилаштиришнинг бу турида ҳужжатнинг аввалги матнига қўшимча ёзувлар киритишда сон-рақам белгилари ўзгартирилади. Рақамларнинг айрим қисмлари уни кўпайтириш ёки камайтириш мақсадида ўзгартирилади.

Қўшимча киритилган ёзувлар бирламчи матннинг умумий бузилиш, жойлашуви ва бошқа белгиларидан бир мунча фарқ қилади. Хат белгиларидан ташқари ёзув воситаси бўлган бўёқнинг таркибида ҳам (оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган даражадаги рангнинг фарқи бўлади) муҳрлаш воситасида қўшимча сўз, рақам ва бошқа ёзувлар киритилганда ҳам юқорида кўрсатилган аломатлар мавжуд бўлади.

Ёзув машинкасида бажарилган матнларга қўшимча ёзувлар киритилганда ҳарфларнинг жойлашуви, чизиқнинг оралиғи (интервали) типографик бўёқнинг таркибидаги фарқ ва шу каби муҳрлаш воситасининг ўзида бўлган бошқа белгилар мавжуд бўлади.

3. Ҳужжатдаги ёзувларни рангсизлантириш, ювиш.

Ҳужжатнинг айрим қисмларидаги ёзув ёки тўлиқ матн турли кимёвий моддалар билан рангсизлантирилади ва ўрнига керакли бўлган ёзувлар ёзилади. Реактив модданинг таъсири натижасида қоғознинг таркиби бирмунча ўзгаради, толалари узилиб кетади. Йўқотилган, рангсизлантирилган ёзувлар ўрнига бошқа янги матнни бажаришда ёзув воситаси (қалам, паста, сиёҳ) бўёғи бир мунча ёйилиб қоғознинг ички қатламига сингиб кетади.

Ҳужжатни ультрабинафша нурларда кузатиш билан ундаги ўзгаришларни, аввалги ёзувдан сақланиб қолган бўёқ доғлари билан кимёвий модданинг таъсири бўлган жойларни аниқлаш мумкин. Ҳужжатнинг матни моддий сув билан ҳам ювиб рангсизлантирилиши учраб туради. Бу ҳолда қоғоз таркибига сингиб қолган аввалги ёзувнинг қолдиқ доғларини турли нурларда рангини кучайтириб кузатиш ва суратга олиш билан тикланади.

4. Ҳужжатдаги фотосурат ва маркаларни ўзгартириш. (аввалги, ҳақиқийси ўрнига бошқасини ёпиштириш).

Шахсий ҳужжатларга ёпиштириладиган фотосуратларнинг одатда пастки ўнг ёки чап бурчаги устидан муҳр акси тушади. Шу каби ёпиштирилган марка устидан ҳам штамп ва имзонинг бир қисми акс этади. Фотосурат, марка кўчирилиб ўрнига қайта бошқалари ёпиштирилганда муҳр, штамп қисмининг акси қўлда чизилади ёки бошқа муҳр билан тасдиқланади. Бу ҳолда муҳрнинг умумий тузилиши, доира бўйича жойлашган ёзувларнинг умумий ва хусусий белгилари ўзгариб кетади. Фотосурат ва маркаларни орқа қисмини кузатиш ва текшириш билан елимнинг олдинги ва кейинги навбатда ишлатилган турини аниқлаш мумкин.

5. Имзоларни техникавий қалбакилаштириш.

Сохта ҳужжатларга ҳақиқий асл ҳужжатдаги имзоларни нухса кўчирувчи қоғоз ёрдамида ёки ҳужжатни ёруғликка тушириш билан имзонинг соясини сохта ҳужжатга тушириб сўнг устидан ёзиш қурол билан юргизилади. Мазкур ҳолларда қалбакилаштирилган имзодаги ёзув ҳаракати бир мунча сустлашганлиги, чизиқларнинг йўғонлашганлиги ва текислиги бузилганлиги кузатилади. Ҳужжатни турли нурларда кўздан кечириш натижасида сохта имзонинг штрихларида қалам, ручка ҳаракатини тўхтатиш аломатлари ва нусха кўчирувчи қоғоз бўёқлари заррачаларини кўриш мумкин бўлади.

6. Муҳр ва штамп аксларини қалбакилаштириш.

Қалбаки муҳр ва штампларнинг ўзи қўлда ясалган бўлади ёки аксини қўлда чизилади. Ясама муҳр штампларнинг стандарт шаклида

доира, тўртбурчак, учбурчак турларининг ўлчовлари фарқ қилади. Ҳарф шакллари, бузилиши, ўлчови, ўзаро жойлашуви каби белгилари ҳосил бўлади. Масалан, циркулдан қоладиган тешик, қалам ва ручкада чизилганда ҳаракатнинг бир икки жойларида тўхташ аломатлари бўлади.

Ҳужжатдаги ҳақиқий муҳр аксини бироз намлаб сохта ҳужжатнинг керакли жойига тушириш усули ҳам учраб туради. Бу ҳолда муҳр аксидаги бўёқ паста - мастика чизиқларида ёйилиб ранги анча сусаяди. Ёзувлари ва муҳрнинг марказидаги расм белгилари ноаниқ бўлиб тушади. Муҳр-штампларнинг аксларини сохталаштиришда баъзида бир неча усулларни қўллайдилар. Сохта ҳужжатдаги муҳр-штамп аксларини кўздан кечириш жараёнида унинг қайси муассаса, вазирлик, идора - корхонага тегишли эканлигини аниқлаш, асл нусха намуналари билан солиштириб кўриш, унинг умумий бузилишига, ҳарфларнинг жойлашувига стандарт шаклига мос келишига жиддий эътибор бериш лозим.

7. Ҳужжатларнинг қалбаки бланкасини ясаш.

Бу усул кўп ҳолларда шахсий ҳужжатларни (олий ёки ўрта маълумот ҳақидаги дипломлар, машина паспорти ва шахсий ҳайдовчи гувоҳномалари) тайёрлашда, шунингдек, пул ва қимматбаҳо қоғозларни (облигация, лоторея, чек, вексель кабилар) қалбакилаштиришда ишлатилади. Жиноятчилар бланкаларни ясашда рассомчилик, полиграфия ҳунарларини ишлатиш билан бирга турли мослама станок ва техник жиҳозлардан фойдаланадилар. Сохта бланкадаги типографик ёзувлар умум стандарт тузилишидан, бўёқнинг таркиби, ранги, ёзув ҳарф тузилиши билан фарқ қилади. Бланканинг ясалишида қўлланилган материал, бўёқ елим, таркиблари ҳам гуруҳ мансублиги жиҳатдан фарқ қилади.

Сохта пул ва қимматли қоғозларни ясашда қуйидаги белгилар ҳосил бўлади: махсус ҳимоя воситасини бажарувчи қоғознинг ички ва сиртқи қатламидаги микроскопик кашта ва матннинг йўқлиги, қоғознинг таркибига кирувчи кимёвий воситаларнинг бошқача тури ишлатилиши ва бошқалар.

Жиноятчилар ҳужжатларни сохталаштиришда бир неча ҳужжатнинг қисмларини ўзаро монтаж қилиш усули ва ҳозирги замонавий техник жиҳозларини ҳам ишлатадилар.

Қалбакилаштирилган ҳужжатларнинг юқорида кўрсатилган аломатларини кузатиш ва аниқлаш учун криминалистик техникада

ишлаб чиққан услуб ва услубиётларни эгалламоқ, шунингдек, замонавий техник воситаларини қўллай билмоқ зарурдир.

3-§ Қалбакилаштирилган ҳужжатларни техникавий усулда текшириш

Ҳужжатларни техникавий усулда текшириш қатор оптик асбоблар ёрдамида, оддий лупалар, микроскоплар, мосламалар, турли нур ҳосил қилувчи манбаларни ишлатиш билан амалга оширилади.

Экспертиза текширувида фотосуратни тадқиқот- текширув услубини қўллаш билан бирга ёруғлик манбаларини турли шароитда қўллаш (тўғридан, қия ёритиш, сингиб ўтиш) махсус текширув услублари мавжуд: намли нусха кўчирув, диффузия нусха кўчируви, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган бинафша нурида люминессенция ҳосил қилиш, инфрақизил нурларида ёритиш, ультрабинафша ва инфрақизил нурларда спектроскопия ҳосил қилиш, хромотография ва бошқаларни қўллайдилар.

Текширилувчи ҳужжатни қия тушган ёруғликда кузатиш, ёруғлик нурлари 90 градус берилганда кўринмайдиган ёки қисман кўринмайдиган белгилар аниқ бўлишини таъминлайди. Ёруғлик манбаи сифатида махсус нур чиқарувчи ёритқич ОН-19 ишлатилади.

Ёзувлари ўчирилган, зарарланган ҳужжатларни ёруғлик манбаига тўғри ўрнатиб кузатилса., ёруғлик нурларининг қоғоз қатламидан сингиб ўтиш даражаси ҳар хил бўлади. Бундай шароитда сохта пул, қимматбаҳо қоғоз - ҳужжатлар ҳам ўтувчан нурларда кузатилганда ҳужжатнинг ички қатлами ҳолатлари тўла ва аниқ кўринади. Бу ҳолатни мустаҳкамлаш усули ўтувчан ёруғлик нурларида фотосуратга туширишдир. Суратга тушириш учун махсус ёруғлик манбаи ФМН-2, МРКА, УЛАРУС мосламаларига ўрнатилади. Текшириш ва суратга олиш ишлари эса қоронғилаштирилган бинода амалга оширилади.

Ёзувлари ўчирилган, рангсизлантирилган ва қисман ёниб, ёзуви кўринмай қолган ҳужжатларнинг матнларини тиклаш учун уларга ёруғликни тўғри перпендикуляр йўналтирилган ҳолда бериш лозим. Текширилувчи объектдаги рангларни ажратиш ва улардаги фарқни белгилаш учун светофельтрлар яъни, рангларни ажратиб берувчи мосламалар қўлланилади. Ёруғликдаги нурларни фильтрлайдиган мосламалар ҳозирги кунда саноат ишлаб чиқаришда 80х80, 40х40 ўлчовдаги турли рангдаги шишалардан ишлаб чиқарилмоқда, уларнинг умумий сони 117 та паспортланган намуналардан иборат.

Светофильтрларнинг ҳар бири спектрнинг қайси ҳолатида ишлатилиши ва имконлари ҳақида маълумотлар билан таъминланган. Мазкур фильтрлар текширув вазифасига биноан ўқиб бўлмайдиган, бўялган, кўчирилган, рангсизлаштирилган ёзувларни кўринарли қилиш ва тиклаш мақсадида ишлатилади.

Спектрнинг зарур бўлган нурини ажратиб, унда текширув ўтказиш учун ёруғлик манбаи олдига керакли рангдаги фильтр ўрнатилади ва объектив орқали кузатилади. Масалан, қизил нурда текширув ўтказиш лозим бўлса "КС" фильтри қўлланилади, фильтр қизил нурларни ўтказиб бошқаларини тўсиб ўтказмай туради.

Узун тўлқинли инфрақизил нурларнинг акс этувчи электромагнит майдонидаги ёруғлиги деярли барча ёзиш материали (сиёҳ, паста, қалам, рангли туш, фломастер, истеъмол бўёқлари)га таъсир этиб уларни ранг жиҳатидан ажратади ва кўрсатилган бўёқлар остидаги ёзувларни кўринарли қилади. Узун тўлқинли инфрақизил нурларни график қалами, қора туш, ёзув машинкасининг қора лентаси, нусха кўчирув қоғози, типография бўёқлари, оғир металл тузлари, темир, мис, хром каби материаллар таркибидан сингдириб ўтиш қобилиятига эгадир.

Техникавий текшириш учун инфрақизил нурларни ажратиб берувчи КС-18, КС-19, ИКС-1, ИКС-2, ИКС-3 ёруғлик фильтрлари ишлатилади. Кўп ҳолларда экспертиза текшируви ЭОП (электрон оптик) мослашувчи аппарат ёрдамида ўтказилади.

Мазкур асбобнинг қулайлиги шундан иборатки, текширув жараёнида кўзга кўринмайдиган инфрақизил нурланишни кўринарли қилиб, текширилаётган объектнинг хусусиятини кузатиб бориш имконини беради.

Рангсизлантирилган, ювилган, кимёвий моддаларни қўллаб, йўқотилган ёзувларни кўзга кўринмайдиган моддалар билан ёзилган матнларни тиклаш, кўринарли қилиш учун ультрабинафша нурлардан фойдаланилади. Қисқа тўлқинли ультрабинафша нурларнинг электромагнит ёруғлиги текширилувчи объектнинг таркибига сингиб ундан ёруғлик аксини ҳосил қилади. Ультрабинафша нурларини ҳосил қилувчи манба сифатида юқори босимга ва турли қувватга эга бўлган симобли кварц лампалари хизмат қилади. Булар ДРТ (ПРК), ДРК, ДРЖ (СВДШ) маркали люминесцент лампаларидир.

Спектрнинг инфрақизил нурларида люминесценция текшируви қалбакилаштирилган ҳужжатлардаги турли ўзгаришларни аниқлашда ишлатилади, чунки ёзувларни тиклашда оддий кўзга кўринадиган

нурларнинг таъсири етмайди. Инфрақизил нурларнинг таъсири натижасида текширилувчи объектда акс ёритувчи нур чиқаради, бу ҳолат люминесценция деб аталади. Ҳужжатнинг бир хилдаги бир вақтда ёритилган матни ва кейинчалик киритилган ўзгаришлар инфрақизил нур таъсири натижасида ўзига хос бўлган акс ёруғлик нурларни чиқаради ва кўзга кўринмайдиган майда заррачаларини ҳам кўринарли қилади.

Намли нусха кўчирув усули паста билан ёзилган матнлардаги ўзгаришларни, бўёқнинг ранги, таркибини аниқлашда фотоқоғознинг эмулсия (желатин) қатламини намлаб ёзувларни унга кўчиришда қўлланилади. Қалбакилаштирилган ҳужжатларни текширишда абсорбцион - люминесцент усули ҳам қўлланилади. Бу усул ёрдамида ҳужжатдаги ёзувларнинг бир-бири билан кесишиб ўтган жойларида (масалан, имзо билан бошқа ёзув бирининг устидан иккинчиси ёзилган ҳолларда) қайсилари аввал ёзилганлигини аниқлаш зарурати-ни ҳал қилади.

Ультрабинафша нурларнинг кўринарли спектроскопия усули ёзув воситасининг тури, рангсиз моддаларнинг сифати, ёпиштириш воситаларининг сифати, турини аниқлашда қўлланилади. Текширилувчи модданинг асосий хусусияти спектрофотометрия таҳлили асосида тузиладиган чизмалардир, яъни ҳар бир модданинг спектр нурини ўзига сингдириш қобилияти ҳар хил бўлганлиги сабабли спектр графиги ҳам шунга тегишли равишда акс этади.

Инфрақизил спектроскопия усули ҳам юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш ва таққослаб текшириш учун қўлланилади. Ёзиш воситаларининг хусусиятларини қоғоз, клей ва бошқа материалларни текширишда кимёвий томчилар реакциясини таъсир эттириш усулини қўллайди.

Турли моддалар ва ҳужжатнинг материалини текширишда юпқа қатламли хромотография услуби қўлланилади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йиллари давомида Адлия вазирлиги қошидаги криминалистик тадқиқотлар Марказининг ҳужжатларни текшириш бўлими ходимлари илмий тадқиқотларини янги техник жиҳозлар қўллаш ва текширув услубларини мукаммаллаштиришга сезиларли ҳисса қўшдилар. Шу билан бирга бўлим охирги йилларда бир мунча техник жиҳозлар билан янгиланиб, текширувлар ана шу технология асосида ўтказилмоқда.

Экспертиза амалиёти давомида компьютерлаштириш ва илмий техник ривожланиш муносабати билан ҳужжатларни техника усулида

олиб бориладиган текширувлари янги мукаммал асбоб ускуналар ёрдамида ўтказилмоқда. Жумладан, ҳужжатларни текширишга мосланган DVS-Portable видеосканери, “VSC-2000” видеоспектрал компоратори рангсиз ёзувларнинг ботиқ излари асосида тиклаш учун мўлжалланган. “ESDA” аппарати, “Leica DMC” микроскопи, “Foram-685” Романовский спектрографиги. “CYM-2000” ихчам видомикроскопи ва бошқалар ишлатилмоқда.

4-§ Криминалистик техника текширувида қўлланадиган замонавий асбоблар

Қалбакилаштирилган ҳужжатлардаги аввалги ҳақиқий ёзувни турли усулда ўчириш, ўзгартириш, рангсизлантириш каби ҳолларни ва спектрнинг битта зонасига кирувчи нурларнинг бир-биридан ранг жиҳатдан фарқини текшириш ва аниқлаш учун видеосканер асбоби қўлланилади. Бу қурилмада ҳужжатлар ультрабинафша нурларининг кенг ёруғлик диапозонида ва инфрақизил нурларнинг яқин ва кўринарли тўлқинларида текширилади. Асбоб ихчам бўлиб, оқ-қора монохром билан жиҳозланган, турли шароитларда қўллашга мўлжалланган ва ташқи турли босим қувватда кузатиш учун монитор ва генератор билан таъминланган. Мазкур асбобнинг тадқиқот қобилияти бироз чегараланган, жумладан, текширилувчи объектнинг ўлчов масштабини ўзгартириб монитор экранга узата олмайди, шунингдек, аниқланган маълумотларни кўргазмали қилиб мустаҳкамлашда ва объектларни ўтувчан нурларда текширишда имкони чеклангандир.

Ҳужжатларни техникавий усулда текшириш соҳасида мўлжалланган янги замонавий асбоблардан бири Англиянинг “Foster & Fresman” компанияси ишлаб чиққан “VSC-2000” видеоспектрал аппаратидир.

Ашёвий далил бўлган ҳужжатларни текширишда кўрсатилган асбоб текширилувчи объектнинг қисм реквизитларини ҳеч бир зарарлантирмайди ва ўзгартирмайди. Шу билан бирга ҳужжатдаги тўлиқ ёки қисман ўзгаришларни қўшимча ёзув киритиш, ювиш, рангсизлантириш ҳолларини аниқлашга имкон яратади. Ёзув материалларини идентификация қилишда фотометрия ва оптик услубларни қўллаш билан бирга текширилувчи объектларни бир мунча катталаштирилган ҳолда кузатиб туриш имконини беради. Текширув ишлари инфрақизил нурларнинг турли тўлқин узунлигида ўтказилиши мумкин. Ультрабинафша нурларида люминесенция аломатини кузатиш, тек-

ширилувчи объектларнинг бу нурларни ўзига сингдириш хусусиятини кўриш мумкиндир. “VSC-2000” асбоби ультрабинафша ва инфрақизил нурларнинг ёруғлик уйғотувчи катта ҳажми диапозонида текширув олиб бориш имконини яратувчи махсус қурилма билан жиҳозланган. Текширилувчи объектларни ёритиш эса турли шароитларда ва ҳажмда (ёруғликни тўғридан қиялаб) амалга оширилиши мумкин. Асбобнинг ишлаши автоматлаштирилган. ПЭХМга уланиб, график файллар билан ишлаши ва экспертиза хулосасига текширув натижаларидан кўргазмали воситаларни тайёрлаб бериши мумкин.

Экспертиза фаолиятида жумладан, Адлия вазирлиги қошидаги Криминалистик илмий-тадқиқот Маркази амалиётида мазкур асбоб деярли ҳар бир текширув ва тадқиқот ишларида қўлланилмоқда. Ҳужжатдаги ювилган, рангсизлантирилган, кўринмайдиган ёзувларнинг ботиқ излари бўйича ўқиш ва тиклаш имконини берадиган “ESDA” асбоби, Англиянинг “Foster & Fresman” компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда энг замонавий ҳисобланади. Асбоб юқори қувватли ток асосида ишлайди ва полимер плёнкаларида текширув натижаларини кўргазмали қилиб беради. Объектларни микроскопик (катталаштириб, таққослаб) текшириш учун мосланган Германиянинг “Leica” фирмаси ишлаб чиққан “Leica DMC” микроскоп асбоби мавжуд. Текширилувчи объектларнинг тасвирини бир бирига солиштириб текшириш ва натижасини кўргазмали қилиб мустаҳкамлаш мумкин. Бунинг учун микроскоп видеопринтер ва ёритиш шароитини турли тизимли воситаси билан жиҳозланган. Англиянинг “Foster & Fresman” компаниясининг маҳсули бўлган “Forem-685”, автоматлаштирилган Романовский спектрографик аппарати объектларнинг - ҳужжатларнинг материали ёзиш воситаси таркибини спектрал хусусиятини аниқлашда айниқса кам миқдорда бўлган ёзувнинг айрим штрихларидаги бўёқ зарраларини таҳлил қилганда уларни ўзгартирмай, зарарлантирмай текшириш учун қўл келади. Рамановский Спектр - бу текширилувчи объектнинг молекул зарраларига 685 м.км ўлчовидаги лазер нурларини таъсир этиш йўли билан уларни спектрал хусусияти ва кимёвий таркибини аниқлайди. Асбоб ПХЭМга уланган бўлиб, тайёрланган дастур асосида ҳар бир текширилувчи объектни алоҳида таҳлил қилади. Моделлаштириш ва олинган спектрларни қайта ёзиб чиқариш имконини беради. Ихчамлаштирилган микроскоп CVM-2000 асбоби майда объектларни минг маротабагача катталаштириш учун мўлжалланган. Текширув натижаларини экран мониторига узатиб график шаклда му-

стаҳкамлаш имконига эгадир. Мазкур микроскоп ҳужжат матнларида ҳар бир майда штрих чизиқ каби деталларни, ҳужжатнинг устки қатлами ҳолатини сифатли текшириш ва натижасини кўргазмали қилиб мустаҳкамлаш қобилиятига эгадир.

5-§ Ҳужжатларнинг техник экспертизасини ўтказишда ҳал қилинадиган масалалар

Криминалистик техникани ривожланиши суд ва тергов идоралари махсус техник воситалар билан жиҳозланиши, шубҳали ҳужжатларни бевосита терговчининг ўзи аниқлаш учун имкониятларни сезиларли даражада оширди. Жумладан, терговчининг портфелидаги мавжуд мосламалар (ультрабинафша нурли лампа, лупа ва бошқалар) ёрдамида ҳужжат қалбакилигидан далолат берувчи белгилар аниқланиши мумкин. Аммо ЖПКнинг 172-моддасига биноан тадқиқот тўлиқ ва холисона бўлиши учун шубҳали ҳужжатлар юзасидан техник криминалистик экспертиза тайинланиши шарт.

Криминалистик экспертизанинг бу тури кенг доирадаги масалаларни ҳал қилади, улардан энг кўп учрайдиганлари қуйидагилар:

- текширилувчи ҳужжат қандай усулда тайёрланган;
- текширилувчи ҳужжат матнига ўзгартиришлар киритилганми;
- ҳужжатнинг аввалги ҳақиқий матни қандай бўлган;
- ҳужжатдаги муҳр (штамп) акси қандай ясама ёкиҳақиқий усулда тайёрланган;
- ҳужжатнинг ёзилган, расмийлаштирилган вақти;
- айрим ёзувлар (асосий матн ва резолюция, тасдиқловчи имзо кабилар), олдинма кетинлиги, қайси бирлари олдин, қайсилари кейин ёзилган;
- турли шароитлар таъсирида ёзув ранглари ўчиб, ўқиб бўлмайдиган даражага келган, ҳужжатларнинг матнларини тиклаш;
- ҳужжатнинг матни, намуналари тақдим этилган ёзув машинкасида ёзилганми;
- ҳужжатнинг материали сифатини, қайси гуруҳга мансублигини аниқлаш ва бошқа масалалар.

Экспертга материал тайёрлашда ва экспертиза имконларидан тўғри фойдаланиш мақсадида терговчи тегишли мутахассисни таклиф этиб, унинг маслаҳати ва ёрдамида эксперт текширувига саволларни тузиш, солиштириб текшириш учун зарур бўлган намуналарни тайёрлашда фойдаланиши мумкин.

Ашёвий далил бўлган текширилувчи ҳужжатларни экспертизага юбориш учун уларни криминалистик техниканинг тегишли тактик услублари асосида олиш, жойлаштириш ва расмийлаштириш лозимдир. Жумладан, ҳужжатга қўшимча ёзувлар киритиш, уни буклаш, бошқа қоғозларга ёпиштириб қўйиш мумкин эмас. Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да ашёвий далил бўлган ҳужжатларнинг ҳар бирини алоҳида ўзига хос хусусияти билан қайд этиш, лозим. Қўшимча ёзувлар киритилган, аввалги матнларни ўзгартириб, ўчириб, ўрнига бошқа ёзувлар киритилган ҳужжатларни криминалистик экспертизага юборишда бир вақтнинг ўзида хатшунослик экспертизаси ҳам тайинлаб, ҳужжатдаги ёзувларни қалбакилаштиришда шубҳаланган шахсларнинг хат намуналарини юбориш мақсадга мувофиқдир.

Ёзув машинкасида босилган матнни текширишда шубҳаланган ёзув машинкасида, компьютернинг ёзув мосламасида, принтерда ва бошқа воситаларда бажарилган намуналар юборилиши керак. Муҳр, штамп аксини текширишда расман тегишли муҳри (штампи) бўлган идора, корхона, муассасанинг муҳри (штампи) аксидан намуналар юбормоқ лозим. Шу билан бирга қалбаки ёзув муҳрининг акси туширилган ҳужжатларни солиштириб текшириш учун унга ўхшаш гуруҳ мансублиги бўлган асл-ҳақиқий ҳужжатларни ҳам намуна сифатида юбориш керак. Муҳр (штамп) намуналарининг ҳар бирини алоҳида бир неча оқ силлиқ қоғозга тушириб керакли мансабдор шахслардан тасдиқлаб олиш зарур.

Ҳужжатнинг материалини текшириш, айрим бўлаклар битта ҳужжатни ташкил қилишини аниқлаш учун юбориладиган ҳужжатнинг ҳар бир бўлаги индивидуал хусусиятлари кўрсатилиб юборилади.

Техник усулда қалбакилаштирилган имзони текширишда ҳақиқий имзони ҳам намуналарини юбориш экспертиза текширувини бир мунча осонлаштиради ва хулосанинг тўғри бўлишига ёрдам беради.

Экспертизага юбориладиган намуналар шубҳа туғдирмаслиги ва терговчи томонидан текширилиб, кўздан кечирилиб ўз тасдиғини топмоғи лозим.

10-боб ОДАМЛАРНИНГ ТАШҚИ ҚИЁФА БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЎТКАЗИШ

1-§ Одамнинг ташқи қиёфаси-идентификация объекти: тушунчаси ва илмий асослари

Тергов ва тезкор-қидирув амалиётида қидирувдаги, текширилаётган, ўлган одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказиш кўплаб учраб туради. Одамнинг ташқи қиёфа белгилари асосида унинг шахси айнанлигини аниқлаш одамнинг портрети-фототасвири орқали амалга оширилади. Идентификация объектлари сифатида тирик одам, мурда, мурда қолдиғи (скелети) текширилади.

Ҳар бир шахс социал ва жисмоний хусусиятларга, алоҳида индивидуалликка эга бўлиб қатор эга. Социал хусусиятларга инсоннинг исм-шарифи, насл-насаби, касб-ҳунари, бошқалар билан муносабати ва ҳоказолар киради. Жисмоний аломатларга - жинси, ёши, ташқи қиёфа тузилиши кабиларни киритиш мумкин.

Идентификация ўтказишда одамнинг ўзи эмас, унинг чизилган, бўёқ билан тасвирланган ёки фотографияда акс этган суратлари таққослаб текшириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айрим ҳолларда инсоннинг ташқи тузилиши сўз орқали тасвирланиб, шу асосда чизилган тахминий расм орқали текширув ўтказилиши мумкин.

Одамнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказишнинг илмий асослари қатор фанларнинг (анатомия, физиология, суд-тиббиёти ва бошқалар) ривожланиш омилларига ва ютуқларига таянган ҳолда шаклланади, тергов, тезкор-қидирув ва экспертиза фаолиятида кенг қўлланилади.

Идентификациявий - текширув услубиёти одам ташқи тузилишининг информатик ва мустаҳкам белгиларига асосланади. Инсоннинг ташқи қиёфа тузилишига оид маълумотлар XIX аср охирида илк бор француз криминалисти А.Бертильон томонидан бир тизимга солиниб, жиноят содир қилган шахсларни рўйхатга олишда ишлатилган. Бунда одам гавдасининг умумий тузилиши, айрим қисмлари ҳар хил бўлиши (бошнинг, қўл-оёқнинг, қулоқ супрасининг, кўкрак қафас ҳажми ва ҳоказонинг) ва уларнинг ўлчовлар йиғиндиси айнан бир одамга хос бўлиб, иккинчисида такрорланмаслиги таъкидланган. А.Бертильон ишлаган ўлчовлар таснифи асосида немис криминалистлари Р.А.Рейсс, россиялик олимлар. Н.С.Бокариус, С.М.Потапов, И.Н.Якимов ва бошқалар одам ташқи қиёфаси белгилари турларини

маълум тизимларини экспертиза идентификациясида, айримларини (юз тузилиши портретини) тезкор-қидирув фаолиятида қўллаш услубиётларини ишлаб чиқдилар.

Ҳозирги кунда одамнинг ташқи тузилишини информатик ва мустаҳкам аломатлари асосан тергов, тезкор-қидирув фаолиятида, бедарак йўқолган ва жиноий жавобгарликдан қочиб яшириниб юрган шахсларни қидиришда, шунингдек, шахси номаълум бўлган одамлар ва уларнинг мурдаларини аниқлаш учун тегишли ҳужжатлар орқали текширишда қўлланилади.

Амалиётда баъзи тергов ҳаракатларини ўтказишда (масалан: таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш каби) тирик шахсларни ва мурдаларини кўздан кечиришда, уларнинг ташқи тузилиш хусусияти бўйича шахси аниқланиб, тегишли маълумотлар олинади.

Одамларни ташқи тузилиш хусусиятлари бўйича идентификация қилиш - айнанлигини белгилаш имкони инсоннинг анатомик ва информатик аломатларининг йиғиндиси индивидуал бўлганлиги ва уларни иккинчи шахсда такрорланмаслик таълимотига асосланади. Бу индивидуаллик хусусияти амалий ва назарий жиҳатдан криминалистик фаолиятда йиллар давомида ўз исботини топган. Одам дунёга келиб йил сайин ўсади, бетоб бўлади, қарийди, турли сабабларга кўра унинг танасида ўзгаришлар ҳосил бўлади, шунга қарамай тананинг асосий кўриниш хусусиятлари сақланади. Йиллар давомида ҳосил бўладиган ўзгаришлар тананинг айрим қисмларининг ўлчови, шакли ва туси нисбий мустаҳкамликка эгадир.

Одамнинг ташқи тузилишини ифода этувчи белгилар, унинг сўз билан таърифланган тасвирий портретини ташкил этади. Ташқи қиёфа белгилари тушунчасига одамнинг умумий гавда тузилиши, бўйи, айрим тана аъзолари (қўл, оёқ, юз, бурун кабилар)нинг ўлчов ва шакл хусусиятлари, яъни анатомик сифат белгилари, юриш, қадам ташлаш, овоз, нутқ ва турли ҳаракатдаги аломатларидан иборат функционал белгилари киради.

Инсоннинг фото ёки бошқа тасвирлари идентификация объекти сифатида текширилганда, уларда одамнинг акс эттирилган қисмларигина эътиборга олинади. Фотосуратлар инсоннинг бўй-бастини акс эттирган бўлса, бу ҳолда белгилар йиғиндиси тўлароқ бўлиб идентификация учун аҳамиятли бўлади.

Тезкор-қидирув ишларида текширилаётган шахснинг устидаги кийимларининг хусусиятлари, индивидуаллик аломатлари, хусусан кийимнинг тури, материал сифати, шакли, бичими, ўлчови, кийим-

нинг ишлатилиш (эскириш, тўзиш) даражаси турли моддалардан қолган доғлари ва ҳоказолар ҳам идентификация қилишда аҳамиятли бўлиб, информатик вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради. Кийимлар қаторига одамнинг баъзи тана аъзоларидаги одат бўлиб қолган буюмлар ва тақинчоқлар ҳам киради. Булар қидирилаётган одам билан шахси номаълум мурдаларни идентификация қилишда қўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

Одамнинг ташқи қиёфасини акс эттирувчи портретлар асосида идентификация қилишда асосан улардаги анатомик белгилар ишлатилади. Процессуал тергов ҳаракати бўлган таниб олиш учун кўрсатишда одамнинг функционал белгилари (юриши, нутқи ва бошқалар) ҳам инобатга олинади.

Инсоннинг ташқи қиёфаси тузилишидаги белгилар кўпчилик одамларда учраб турса, уларнинг индивидуаллик қиймати паст бўлиб, асосан гуруҳ мансублигини белгилашда хизмат қилади. Айрим белги, тузилиши хусусияти кам учрайдиган бўлса унинг индивидуаллик хусусияти аҳамиятлироқ бўлади. Масалан, ташқи тузилишдаги умумий нормадан ташқари бўлган белгилар, хусусиятлар, (қошнинг қуюқ-қалин бўлиши, аёлларда лаб усти тукларининг қалин ва узунлиги, сочларининг оқ бўлиши ва х.к) фақат айрим шахсларга тегишлидир. Инсоннинг индивидуаллик хусусиятини тасвирловчи (алоҳида белгиларини) идентификация ўтказишда жуда аҳамиятлидир. Буларга жуда кам, фақат айрим шахсларда учрайдиган туғма камчиликлар, жисмоний мажруҳлик, хирургия даволашдаги қолган излар (чандиқлар), татуировка ва бошқа аломатлар киради. Кўрсатилган алоҳида гуруҳ белгилари ҳам индивидуаллик хусусиятини тасвирловчи белгилар йиғиндиси билан биргаликда баҳоланади.

Одамнинг ташқи қиёфа тузилиш хусусиятларининг яна бир қимматли томони уларнинг нисбий ўзгармаслиги ва мустаҳкамлигидадир. Нисбийлик тушунчаси инсон умрининг маълум вақт орасидаги ўзгармас хусусиятидир. Шунинг учун маълум вақт оралиғидаги нисбий мустаҳкамликка эга бўлган белги хусусиятлар ҳам шу текширилаётган вақтнинг шарт-шароитлари ва ҳолатига кўра баҳоланади. Масалан: 10 йил давомида инсоннинг ҳаёти давомида бирор сабабларга кўра муҳим ўзгаришлар юз бермаган бўлса, унинг ташқи қиёфаси шу вақтга нисбатан мустаҳкам ҳисобланади. Инсоннинг ёши, ривожланиш, ўсиш хусусиятига қараб баъзи тана қисмлари ўзгариши мумкин. Баъзи қисмлари эса умр бўйи шаклининг асосий хусусиятини йўқотмайди. Масалан, юз тузилиши инсоннинг 20-25 ёшларида шаклланиб

бўлади ва турғунлик хусусиятига эга бўлади, қулоқ супраси эса умр бўйи шакли, асосий тузилишдаги мутаносиблиги ўзгармайди.

20-расм, Одамнинг ташқи қиёфа белгилари (Бош ва юзнинг тузилиш белгилари)

21-расм, Қулоқ супраси ва қош кўзнинг тузилиш аломатлари

22-расм, Бурун шакли ва ўлчов белгилари

23 расм, Жабрланувчи марҳум И.нинг бош суяг ва ҳаётий фотосуратини қоплаш услуби

24-расм, Бедарак йўқолган М.нинг ҳаётий фотосурати билан бош суягига солиштириб идетификация қилиш

2-§ Одамнинг ташқи қиёфа белгилари тизими

Инсоннинг ташқи қиёфа белгилари асосан икки турга мансубдир. Одамнинг ҳомила даврида шаклланган ўзига хос бўлган анатомик белгилари криминалистикада статик турғун белгилар деб атала-

ди. Иккинчи тури инсоннинг турли ҳаракати - фаолиятида акс этадиган (юриш, қадам ташлаш, нутқ ва бошқалар) динамик белги аломатларидир.

Анатомик белгилар тавсифи инсоннинг умум жисмоний хусусиятларидан бошланади:

- жинси, ёши, антропологик турдошлиги (ташқи кўриниши бўйича, осиёлик, европалик ва ҳк.);

- умумий гавда тузилиши, боши, юзи, бўйин, елка, кўкрак қафаси, қўл ва оёқлар (булар умум ўлчов ва шакллари бўйича ўрганилади);

- соч, қош, мўйлов-соқол ўсимлари (соч толаларининг шакли - тузилиши-текис, жингалак, ранги бўйича - қора, малла);

- тери қопламасининг ранги (пигментация аломатлари, кўзларининг шакли, катта-кичиклиги ва ранги).

Умумий гавда тузилиши инсоннинг тўла, қотма ёки озғин бўлиши, бўйи баланд, ўрта, паст, бошнинг катта, ўрта ва кичик ўлчовда бўлиши, шакл бўйича геометрик думалоқ, учбурчак, овал каби атамалар билан тавсифланади.

Одамнинг ташқи тузилиши белгиларининг асосий ўлчов шакллари унинг юзи - бети қисмида акс этади: юзнинг тавсифи тўғридан ва ёнбош (ўнг ва чап) ва қия (ним ёнбош) томонидан кузатилади; думалоқ, учбурчак, овал шаклида, пешона, қош, кўз, бурун, оғиз, энгак қисмлари ҳам катта-ўрта-кичик шакллари бўйича жойлашади ва ўзаро пропорциялари белгиланади.

Тишларнинг йирик, майда, жойлашуви бўйича, текис-тўғри ва қийшиқ-сўйлоқ бўлиши инсоннинг нутқи, лаб ҳаракати вақтида кузатиш мумкин. Оғиз ва лаб тузилиши ўзаро боғлиқ бўлиб, ўлчови ва шакллари ҳам умумий тавсифланади, лабнинг қалинлиги, юпқалиги ва ранги алоҳида кўрсатилиши мумкин.

Энгакнинг ўлчови катта-кичиклиги, шакли бўйича думалоқ, учбурчак, олдинга ёки орқага қараб йўналганлиги, бўйни қисмига нисбатан баланд-паст, қаватланган, осилганлиги белгиланади. Бўйиннинг узунлиги-калталиги, йўғон-ингичка, (тўла-семиз, ариқ ва ҳ.к.), елка тузилиши, кенг қисқа, тўғри, тўғри-текис, қиялашган, елка орқа томондан кўриниши, гавданинг умумий шаклига нисбатан тўғри ёки букрайган, қўл ва оёқлар ҳам умумий бўйига пропорция меъёри белгиланади (катта-кичик узун, калта, тўла-ориқ ва ҳ.к.).

Функционал белгилар қаторига инсоннинг маълум ҳаракатлари жараёнида ҳосил бўладиган хусусиятлар киради. Мазкур белги ало-

матлар одамнинг ҳаёти давомида ҳосил бўлиб, кун сайин такрорланиб одат бўлиб қолади ва айрим сабаблар таъсир этсагина ўзгариши мумкин бўлади.

Бу гуруҳдаги белги аломатлар инсоннинг фаолияти, ҳаракати натижасида ҳосил бўлади ва тавсифи инсон гавдасининг юриш-туришидаги умумий ҳолат вазиятидан бошланади: гавданинг тўғри, чап ёки ўнг томонга, орқага, олдинга оғдирилган ҳолда тутиши; тик турганда ёки ўтирган ҳолда ҳам юқоридаги аломатларнинг ҳосил бўлиши.

Қадам ташлаш, юриш хусусиятлари одамнинг ўзига хос бўлган юриш тезлиги, сустлиги, қадамнинг узунлиги, қисқалиги, оёқ кафтининг йўналиш томони, қадам ташлаш жараёнида бошнинг, умуман гавданинг, қўлларнинг вазияти, (ҳаракати), чайқалиши ва шу кабилар билан белгиланади.

Юзнинг юмшоқ мускул тўқималарининг ҳаракатда бўлиб туриши, тебраниши (мимикаси) инсоннинг ички ҳиссиёти (руҳий ҳолати)дан дарак берувчи аломатдир. Бу белги баъзи одамларда сезиларли даражада бўлади, баъзиларда эса деярли сезилмайди. Мимика инсоннинг маълум ҳолатлардаги доимий равишда юзнинг (чеҳранинг) очиқлиги, хушчақчақлиги ёки жиддийлик, хафалик кўриниши билан боғлиқдир.

Инсонга хос бўлган сўзлашиш (нутқ) хусусиятлари, функционал белгилар қаторида бошқаларига нисбатан мустаҳкам бўлиб, овознинг ўзига хос индивидуаллиги намоён бўлади. Овознинг паст, баланд, жаранглovчи, бўғиқлиги, майинлиги, қалин йўғонлиги, сўзлашиш жараёнида товушларни, сўз туркумларини ифода этишдаги индивидуал хослик хусусиятларини акс этиши (тилнинг чучуклиги, ҳарфларни бузиб ифода этиш, айрим шева сўзларни ишлатиш), сўзлашишда нутқнинг тезлиги, сустлиги, чўзиб тўхтаб ифода этиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Анатомик ва функционал белгиларнинг алоҳида турлари айрим одамларда учрайдиган, кўзга ташланадиган алоҳида белги-аломатлар туркуми ҳисобланади. Буларга инсоннинг ўзига хос туғма ёки ҳаёти давомида ҳосил бўлган жисмоний нуқсонлари, аломатлари мисол бўла олади. Масалан, оёқ-қўллардаги камчилик-касаллик, тери юзасидаги нор, хол, чандиқ, сўгал, чечак касаллиги ва жароҳат излари, татуировка (баданга игна билан ёзиш, расм чизиш), чўлоқланиш, оёқ ёки қўл бармоқларининг умум тузилишидан кўпроқ ёки камроқ бўлишлиги ва ҳоказолар киради.

Юқорида келтирилган белгиларга қўшимча маълумот сифатида, инсоннинг эгнидаги кийимини ҳам таърифлаш мумкин. Бунда либоснинг умумий тури: бош кийим, эгнидаги устки либос (ёзги, қишки) пойабзал (енгил ёзлик, уйда киядиган, қишлик иссиқ этик, махси ва ҳ.к.) уларнинг ўлчовлари, модели, бичим тури (миллий, умумий), ишлаб чиқаришда хизмат турига кўра махсус кийиладиган уни тузилиш хусусиятлари таърифланади.

Инсоннинг эгнидаги кийимини тавсифлаганда унинг ишлатилганлик даражаси (янги, бироз кийилган, анчагина тўзиган каби) ҳам ифодаланиши лозим. Кийим ва пойабзал юзаларидаги турли моддалардан ҳосил бўлган доғлар, таъмирлаш аломатлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Одамнинг функционал белгилари турли ашёларда, фотосурат, расм, чизмаларда акс этмаганлиги учун улар асосан тезкор-қидирув ва баъзи тергов ҳаракатларини ўтказишда қўлланилади.

Турғунликка хос бўлган анатомик белгилар инсоннинг турли портретларида (расмларида) акс этади. Шунинг учун экспертиза текширувида кўп ҳолларда инсоннинг у ёки бу портрети идентификация объекти бўлиб хизмат қилади.

3-§ Портретлар бўйича идентификация қилиш турлари

Криминалистик идентификацияга объект бўладиган портретларнинг тайёрланиши, ишланиши, қандай материалда акс эттирилганлиги, қандай модда, ашё ишлатилганлиги бўйича фарқланади. Ишланиш усулига асосан портретлар, фотография суратлари, рассомчилик, чизмачилик ва алоҳида қисмлардан йиғилган (синтетик) усулда тайёрланган бўлиши мумкин.

Суд экспертизаси амалиётида асосан кўпроқ учрайдиган турлари фотосуратлар бўлиб, рассомчилик, чизмачилик ва бошқа усулда ишланганлари кам учрайди. Охирги бир неча йиллар давомида фототасвирлардан айрим қисмлари (кўз, бурун, оғиз каби) олиниб сунъий (синтетик) тайёрлаш кўпроқ тарқалиб кетди. Фотографик объектларни объектив (тўғри ва ҳақиқатга яқинроқ маънода) рассомчилик, чизмачилик ва сунъий тайёрланган портретларни субъектив деб атайдилар. Фотопортретнинг тайёрланиши фотоаппарат объективи орқали олинадиган оптик тасвир бўлганлиги учун шундай номланган. Портретларнинг иккинчи гуруҳи эса инсоннинг хотирасида сақланган

қиёфа тузилиши портрет муаллифи (эксперт, рассом, гувоҳ) томонидан тикланиб ясалгани учун субъектив дейилади.

Портрет тайёрлашда фотоқоғозда туширилгани, картон, қалин мато, ёғоч, пластмасса, чинни юзасига чизилгани ва расм чизиш воситаси сифатида акварел ёки майда тайёрланган бўёқ ранги ва оддий қалам ёки сиёҳ ишлатилади.

Фотопортретлар. Фотосуратда бошқа портретлардаги каби асосан инсоннинг юзи акс этади. Энг кўп тарқалган фотосурат портретлари одамнинг кўкраккача бўлган қисми 3х4, 9х12 см ўлчовида тайёрланади ва турли ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида бош кийимсиз тўғридан, ёруғлик устки ва ёнбоши томонларидан бир меъёрда берилиб тайёрланади. Баъзида бундай фотосуратнинг пастки ўнг бурчаги бўш қолади.

Тезкор-қидирув ва тергов ишларида кўкраккача, белгача бўлган қисмлари, бўйи бараварида якка ва гуруҳ шахслар қаторида тасвирланган фотосуратлар кенг қўлланилади. Бундай фотосуратларга кўпроқ бадиий тус берилиб тайёрланганлиги ва одамнинг ўзига хос ташқи қиёфаси юзининг айрим белги аломатлари тўлиқ акс этмаслиги идентификациявий текширув учун бир қатор қийинчиликларни туғдиради.

Идентификациявий текширув учун кўп ҳолларда оқ-қора фотосуратлар ишлатилади, рангли портретлар камроқ учраб туради. Рангли фотопортретнинг оқ-қора турларига қараганда текширув учун бир мунча қийинчиликлар, ҳатто иккиланишларга олиб келади, чунки одамнинг табиий хос бўлган ранг хусусиятлари суратда бир мунча ўзгариши мумкин, шунингдек, рангли фотосуратлар ёруғлик ва қуёш нурлари таъсирида ранги ўчиб ўзгаради.

Фотосуратларда акс этган шахснинг юзи, унинг тузилиши, айрим белгиларини суратга олиш жараёнида ёруғликни қайси томондан берилганлигига қараб, бош қисмининг тўғри-қия тутиб туриши ва бошқа сабабга кўра у бироз ўзгартириб юбориши мумкин, шунинг учун фотопортрет асосида шахсни аниқлаш ишини даставвал фотосуратдаги тасвирланган одамнинг юзини, унинг қараши (нигоҳи)га, ёруғлик қайси томондан берилганлиги, бошнинг ҳолати ва ҳоказоларга эътибор бериш лозим. Бундан ташқари фотопортретда аёлнинг тасвири ифодаланган бўлса, унинг сочи, юзидаги косметик моддалар (бўялган қош, киприк, лаб) кабилар юз тузилишидаги ҳақиқий белгиларни тасвирлаш учун қийинчиликларни келтириб чиқаради. Фотосуратда тасвирланган, умум тузилишни кузатишда

юзнинг қайси қисми (ўнг, чап, пастки-юқориси) аниқроқ акс этган ёруғлик нурлари бир хилда ёки қисман айрим жойларини ёритганлигини ажратиб, шу нуқталардаги белги аломатларини тасвирлаш мумкин. Юзнинг тузилиши ундаги белгиларнинг фотосуратда акс этишига бошнинг ҳолати (ракурси) таъсир этади. Шунинг учун суратга тушириш вақтида бош юқорига ёки пастга, чап ёки ўнгга қаратилганда юз тузилишидаги аломатларнинг шу шароитга кўра бироз бўлсада ўзгариши ҳам инобатга олиниши лозим.

Одам мурдасининг фотопортретини кузатиш ва ўрганишда унинг ташқи қиёфасидаги (юзи ва кўринарли қисмларида) жароҳатлар мурданинг ўзгариш аломатлари (чириши натижасида) ҳаётий даврдаги тасвирдан анча фарқ этади. Уларга жиддийроқ эътибор бермоқ лозим. Баъзида мурдани юзи фотосуратга туширишдан олдин унинг юзидаги қон ва бошқа моддалар ювилиб, жароҳатларни текислаш (туалет) ўтказилади. Бундай ҳолларда мурдани кўздан кечириш ва фотосуратга олиш жараёнида қайд этилган баённома билан танишиб чиқмоқ лозим.

Рассом ишлаган ва чизма портретлар. Мазкур тасвирлар қалин матода, қоғоз-картон каби материалларда бажарилади. Портретни тайёрловчи (рассом) инсоннинг ташқи қиёфасини натурадан ўзини кузатиш билан бирга бошқа шахслардан эшитиб, хотирасида шакллантириб сўнг портретга туширади. Мазкур портретлар одамнинг ташқи қиёфасини умумий шакли, кўриниш ва рассомнинг хотирасига сингиб қолган хусусиятларгина акс эттирилиб, аниқ ўлчовдаги пропорция ва белгилар тушиб қолади. Бундай портретлар тасвирдаги одам билан умумий ўхшашликкагина асосланган бўлади. Амалиётда кўпроқ учрайдиган портретлар қидирилувчи шахснинг ташқи қиёфаси ҳақидаги маълумотлар асосида тайёрланади. Қидирилувчи шахснинг ташқи қиёфаси, уни кўрган - билган (гувоҳ, жабрлануви ва бошқа)ларнинг хотирасида сақланиб, сўз билан тасвирлаб тикланади ва шу ахборот асосида унинг ташқи тузилишининг асосий хусусиятларини экс эттирувчи портрет чизилади.

Қидирувда бўлган шахсларнинг фотосуратлари бўлмаган ҳолларда ҳар хил одамларнинг юз қисмларидан олинган (йиғма портрет) сунъий синтетик портретлар тайёрланади. Бундай усул қуйидагилардан иборатдир: изланувчи шахсни кўрган-билган гувоҳга турли фотосуратлар кўрсатилади: шулар ичидан ўхшаш бўлган юзнинг қисмлари (кўз, қош, айрим белгилари) ажратилади: уларни ўзаро бирлаштириб йиғма портрет ишланади. Ҳозирги кунда бундай портретларни тайёр-

лашда компьютер дастурида мавжуд бўлган одамнинг юзи, тузилиши белгиларини акс эттирувчи турли тасвирлари бўлган фотороботлардан фойдаланилмоқда.

Рассом ишлаган, чизма ва (фоторобот) йиғма портретларни текширишда уларнинг хусусияти одамнинг ташқи тузилишининг ҳақиқий тасвирини акс этмаслигини ва умумий яқинлаштирилганлигини, ўхшашликка асосланганлигини унутмаслик лозим.

Мазкур портретларни текширишдан олинадиган маълумот тезкор-қидирув фаолияти учун аҳамиятли бўлиб, улар тергов - процессуал ҳаракатларни ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади.

4-§ Одамларнинг портретлари асосида ўтказиладиган идентификациявий текширув

Мазкур идентификация икки кўринишда бўлиши мумкин:

1. Экспертиза шаклида ўтказилиб, унинг натижаси тергов иши юзасидан далил бўлиб хизмат қилади, иккинчиси тезкорлик текшируви бўлиб, унинг натижаси далил бўлмасада, экспертиза тайинлашга ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга асос бўлади. Экспертиза текширувига объектлар одамнинг ташқи тузилишини акс эттирадиган фотосуратлари, уларнинг кўчирмалари, юзнинг айрим қисмларининг қолиплари, бош суяги (чаноғи) ва уларнинг рентген нурларида олинган тасвирлари юборилади. Экспертизага рассомчилик, чизмачилик ва йиғма (сунъий портретлар) ҳам юборилиши мумкин. Лекин булар юзасидан ўтказиладиган экспертиза текширувининг натижалари бир мунча чекланган бўлади.

Экспертизага юбориладиган фотопортретларни тадқиқ этиш, уларни кўздан кечириб умумий хусусиятини қайд этишликдан бошланади. Чунончи, портретнинг шакли, ўлчови, қандай ёзувлари борлиги, тасвирланган шахсларнинг жинси, тахминий ёши, фотосурат ишланган вақт ва бошқалар аниқланади.

Текширилувчи шахснинг фотопортрети билан шунга ўхшаш бўлган ёки намуна вазифасини бажарувчи фотопортретларни тадқиқ этиш, уларда тасвирланган битта шахснинг айнанлигини аниқлаш услуби, умумий экспертиза текшируви услубиётидан бир мунча ўзига хос бўлган хусусиятлари билан фарқланади. Жумладан, қиёсий-услубий моделлаштириш, портретларни бир-бирига устма-уст тушириш, бирлаштириш ва бошқа техник усуллар билан амалга оширилади. Ташқи тузилиш аломатларининг бир-бирига нисбатан қўзғалмас

белгилари бўйича айни бир хил ўлчамга келтирилган таққосланаётган тасвирларни бирлаштириш (монтаж) усуллари ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда фотопортрет текширувларида ўлчаш услублари ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, айрим анатомик нуқталар ўртасидаги бурчак катталиклари оддий транспортир асбоби билан ёки унинг қўшимча қўшилмаси бўлган доиравий шаклдаги махсус асбоб ёрдамида ўлчанади.

Бир хил шаклда тайёрланган фотопортретлардаги тасвирларни таққослашда график ясаш услуби ҳам самаралидир. Таққосланаётган объектлардаги бир гуруҳга тегишли белгилар аниқланиб, улардаги учбурчак, ромб, трапеция ва бошқа геометрик шаклларнинг (бир-бирига тўғри келиши) тенглиги расмдаги шахслар тасвири мазкур изланувчи шахснинг тасвири эканлиги, яъни айнанлиги аниқланади. Шунингдек, график идентификациялашнинг алгоритмларини тузиш услуби ҳам мавжуддир. Бу услуб текширилаётган объектнинг ўзига хос бўлган нуқталари, белгилар тизими, истиқболли мувофиқлик ёки аксини кузатиш учун тавсия қилинган.

Экспертиза текширувига одам мурдасининг суяк қолдиқлари (асосан бош чаноғи) юборилиб, унинг шахсини аниқлаш зарур бўлса, экспертизага шубҳаланган шахснинг ҳаётий давридаги фото ёки бошқа портретлари юборилади. Шу билан бирга иложи бўлса, ўлган шахснинг рентген сурати, кўздан кечиришда тайёрланган фотосурати, қўлда чизилган бошқа турдаги портретлари ҳам юборилади. Бу экспертизани ўтказишда криминалистлар билан бир қаторда тиббиёт соҳасидаги мутахассислар ҳам жалб этилади.

Мазкур экспертиза турини ўтказишда маълумотларни ўзида акс эттирувчи манба объектлар ҳам юборилиши мумкин. Шулардан энг кўп тарқалган тури, одам қиёфасини сўз-нутқ ёрдамида тасвирлашдир. Сўз ёрдамида тузилган портретлар турли процессуал ҳужжатларда (баённомалар, сўроқ кўрсатувларида) рўйхатга олиш карталарида ва тегишли мутахассис томонидан тузилган маълумотларда акс эттирилган ҳолда тасвирланади. Сўз ёрдамида тузилган портрет асосан анатомик белгилар асосида шаклланадиган, баъзида унга инсоннинг айрим анатомик ва функционал белгилари билан бир қаторда алоҳида аломатлар (холлар-чандиқлар, касаллик аломатлари) ҳам киритилади. Бундай маълумотлар тергов ҳаракатларининг (сўроқ, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, таниб олиш учун кўрсатиш) баённомаларида, жиноий рўйхат карталарида ва бошқа ҳужжатларда бўлиб, улардан экспертиза ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин.

Экспертиза текшируви дастлаб портретларни алоҳида-алоҳида ўрганишдан бошланади, сўнг ҳар бир текширилаётган портретдаги ташқи қиёфа белгилари аниқланиб, ўзаро ўхшаш белги-тузилиш хусусиятлари солиштирилиб таҳлил қилинади. Белгиларнинг ўзаро ўхшашлиги ёки аксинча хар хил бўлиши шарҳланиб ўхшашлик ёки ўхшамаслик сабаблари асослантирилади. Портретлардаги тасвирланган шахслар қиёфаси бир одамга тегишлими ёки ҳар хил ўхшаш бўлган шахсларнинг тасвирими - бу ҳақда хулоса қилинади. Текширилаётган портретлардаги умумий ва хусусий белгилар йиғиндиси бир-бирини такрорласа (бир хилда эканлиги кузатилса), портретлардаги тасвир битта шахсга тегишли эканлиги, яъни қидирилаётган одамнинг айнанлиги тасдиқланади. Белгиларнинг баъзилари ўхшаш бўлсаю, баъзилари мутлоқ бошқа шакл, ўлчов ва ҳоказо билан тасвирланса, айнанлик масаласи инкор қилинади.

Идентификациянинг асосий босқичи текширилаётган портретдаги инсоннинг индивидуал ўзига хос бўлган ва ўзгармайдиган белгиларини қайд этиб уларни таққослаб текшириш ва натижасини баҳолашдир.

Портретда ташқи қиёфа белгиларининг барчаси акс этмаслиги, уни тайёрлашда ёруғликнинг турли шароити, фотосуратнинг сифати каби ҳолатлар идентификация учун зарур бўлган йиғиндисини бир мунча чеклаб қўяди. Мана шу сабабли идентификациянинг мазкур босқичини ўтказишда турли оптик асбоблар, ёруғлик шароитини мословчи қурилмалар қўлланилади.

Экспертиза текширувида одам калласининг рентген сурати ҳам ишлатилади. Бошнинг ўнг ёки чап қияси томонидан олинган шаклида айниқса юмшоқ тўқима соясида пешона, бурун, лаб ва бошқа баъзи нуқталари аниқ ифодаланади. Рентген сурати бошнинг тўғри (фас) ҳолатида олинса унда юзнинг шакли, ўлчови бош чаноғининг шакли - ўлчови каби белгилар ифодаланади. Ўлган одамнинг суяк қолдиқларидан турли қолиплар ҳам ясалиб текширувга юборилиши мумкин. Уларга калла суягига гипс ёки бошқа юмшоқ моддадан қолиплар ясаб унинг шакли - тузилиши тикланади. Бундай ҳолларда марҳумнинг тишларидан қолип олиш ҳодисалари ҳам учраб туради ва мазкур объектлар комплекс текширувга юборилади.

Одамнинг ташқи қиёфа тузилиши уни кўрган, билган айрим шахсларнинг хотирасида сақланиб, хаёлий портрети тикланиши мумкин. Баъзи тергов ҳаракатлари, хусусан таниб олиш ана шу хаёлий тасвирлаш усулига асосланади. Идентификациявий текширувда ҳаё-

лий портрет одамнинг фото ёки бошқа турдаги портрети билан қиёсланади.

Одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида ўтказиладиган баъзи бир текширувларни криминалистлар билан суд-тиббиёт соҳасидаги (анатом, антрополог) мутахассислар ҳамкорлигида ўтказилади.

Экспертиза ҳал қиладиган масалаларни тўғри ва аниқ тузилишини таъминлашда, шунингдек, керакли намуна, нусха қолипларини тайёрлашда мутахассиснинг иштироки ва ёрдами беқиёсдир.

11-боб КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ

1-§ Криминалистик рўйхатга олиш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Криминалистик рўйхат (жиноятни қайд қилиш) деб, жиноят содир қилган шахс, шунингдек, жиноий воқеа билан сабабли боғланишда бўлган нарсалар ҳақида маълумотларни қайд қилиш, йиғиш ва тартибга солишнинг илмий усулига айтилади. Ундан жиноятни тергов қилиш ва олдини олиш мақсадларида фойдаланилади. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда терговчи ва тезкор ходим криминалистик рўйхатга олиш деб аталувчи турли хилдаги ҳисобга олиш ахборотларидан мунтазам фойдаланадилар. Рўйхатга олиш ёрдамида шахслар, излар, нарсалар ва бошқа турли объектлар ҳақида криминалистик жиҳатдан аҳамиятли ахборот олинади. Бундай ахборот тергов ва тезкор-қидирув йўли билан тўпланади. Ҳисобга олиш тизими мунтазам такомиллашиб бормоқда. Дастлаб у жиноятларни рўйхатга олиш тариқасида бошланиб, сўнгра жиноий таъқиб қилинган шахсларни ҳисобга олган. Ҳозирги вақтда бундай шахслардан ташқари бир талай бошқа объектлар ҳам ҳисобга олинади. Шу сабабли «криминалистик рўйхатга олиш» атамаси «жиноятларни рўйхатга олиш»дан кўра замонавий ҳисобларни тўлароқ акс эттиради. Криминалистика амалиёти бу хил ахборотларни уларнинг яроқлилиги жиҳатидан текширувдан ўтказади, бир хиллари кўп йиллар давомида мавжуд бўлади, бошқалари ўзгаради ва бекор қилинади.

Жиноят-процессуал қонунида криминалистик рўйхатга олиш назарда тутилмаган, у қонун ости ҳужжатлари – буйруқлар, йўриқномалар, дастур-кўлланмалар билан тартибга солинади. Амалиётда терговчининг, тезкор ходимнинг, прокурорнинг, судьянинг сўрови ҳамда қизиқтирувчи объект рўйхатга олишдан ўтказилганини кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд. Улар илгариги рўйхат бўйича текширилади. Текшириш натижалари юзасидан жавоб тайёрланиб, сўровчига юборилади. Баъзан терговчи ва прокуратура ходимлари ўзлари сўраб олмай, бу ишни қонунга мувофиқ суриштирув органларига топширадилар.

Криминалистик ҳисобга олишлар ёрдамида қидирилаётган ва вафот этган фуқаронинг шахсини, аввалги судланганликни, жиноятларни содир этишда илгари қатнашганликни, қурол, рақамланган ашёлар сингари нарсаларнинг кимга тегишлилигини, бир хил усулда,

бир шахс, шахслар гуруҳи томонидан содир этилган жиноятлар туркумини аниқлаш мумкин бўлади.

Криминалистик рўйхатга олишни криминалистик маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, излаш ва қиёсий текшириш бўйича фаолият сифатида таърифлаш мумкин. Рўйхатга олиш жараёнини ҳисобга олиш объектларини аниқлашдан, уларнинг гуруҳ ҳолидаги ва хусусий аломатларини, шу аломатларни қайд этиш усулини, ҳисобга олиш шаклини, рўйхат ҳужжатларини жойлаштириш, керакли объектлар тўғрисида ва объектларни ҳисобдан чиқариш қоидалари ҳақида маълумотлар олиш тартибини белгилаб қўйишдан иборат.

Ҳисобга олиниши лозим бўлган объектлар жумласига маълум ва номаълум одамлар, нарсалар излар, ҳужжатлар, ҳайвонлар, очилмаган жиноятлар киради. Маълум одамлар – булар қидирув эълон қилинган, ҳибсга олинган, ушлаб турилган, судланган, бедарак йўқолган, дайдилик ва тиламчилик билан шуғулланувчилар тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслардир. Номаълумлар – танилмаган мурдалар, яширинган жиноятчилар, руҳий касаллар ва шахси аниқланмаган болалардир. Маълум нарсалар – йўқолган ўқотар қурол, ўғирланган ашёлар, олиб қочилган автомобиллардир. Номаълум ашёлар эса, аниқланган ўқотар қурол, сохта пул бирликлари ва турли ҳужжатларни ясашда ишлатилган босма қолиплар, очилмаган жиноятлар жойидан олинган бузиб кириш қуролларидир.

Очилмаган жиноятлар жойида топиб олинган бармоқ излари, қалбаки ҳужжатлар, қоғоз пуллар ва қимматли қоғозлар, ўғирланган ва саёқ юрган чорва моллари ҳисобга олинади.

Гуруҳлари ва хусусий аломатлари бўйича таснифлаш керакли ахборотни тезда ахтариб топишни таъминлайди. Аломатларни қайд этиш усулларидан, баён қилишдан ташқари, фотосуратга олиш, схема тарзида тасвирлаш, босиб туширилган излар ва объектларни асл ҳолида тўплаш қўлланилади. Ҳисобга олиш шакллари тариқасида картотекалар, видеотекалар, журналлар, фотоальбомлар, ЭҲМ коллекцияларидан фойдаланилади.

Криминалистик рўйхатга олишнинг аҳамияти аввало моддий объектларнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги, уларнинг барқарор ва такрорланмас аломатлари, шунингдек, объектлар ўзаро таъсирда бўлганда ўз хоссаларини бошқа объектларда акс эттириш қобилияти билан боғлиқдир. Ҳисобга олинадиган объектларнинг таснифи ҳам илмий асосларга - тур билдирувчи ва хусусий аломатлардан таркиб

топади. Рўйхатга олишнинг илмий асослари кўп ҳолларда текширишларнинг натижаларидан далиллар тариқасида фойдаланиш имконини беради.

2-§ Криминалистик рўйхатга олиш тизими

Маълумотларни жамлаш имкониятлари ва заруриятига, хизмат кўрсатиладиган ҳудуднинг катта-кичиклигига қараб барча ҳисобга олишларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин, булар: марказлаштирилган, маҳаллий ва аралаш (марказлаштирилган-маҳаллий).

Марказлаштирилган ҳисобга олишлар ИИВ Ахборот марказида ва ИИВ Эксперт-криминалистика марказида олиб борилади.

Маҳаллий ҳисобга олишлар Қорақалпоғистон республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳридаги ички ишлар идораларининг тегишли ахборот марказларида, жиноят қидируви ва эксперт-криминалистика бўлинмаларида олиб борилади. Баъзи ҳисобга олишлар қуйи бўғинларда – ички ишлар органларининг шаҳар, туман, йўл бўлимларида олиб борилади.

Марказлаштирилган – маҳаллий ҳисобга олишлар ҳам марказда, ҳам жойларда бир хил турдаги объектларни рўйхатга олишни назарда тутади. Бу қайдлар кўпроқдир. Улардан фойдаланишда шуни назарда тутиш керакки, жойларда ҳисобга олинадиган бир хил номдаги объектларнинг барчаси ҳам марказий девонларда рўйхатдан ўтказилавермайди. Масалан, ҳар қандай жиноят учун ҳукм қилинганлар, жазо муддатидан қатъи назар, маҳаллий ҳисобга олишда рўйхатдан ўтказилади, ИИВ Ахборот марказида эса фақат хавфли жиноятлар учун, шунингдек, бошқа жиноятлари учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар ҳисобга олинади. Шу сабабли судланганликни айбланувчи илгари ҳукм қилиниши мумкин бўлган бошқа минтақаларда ҳам текшириш керак бўлади.

Ҳисобга олишлар қайдлов-маълумотнома (алфавитли-дактилоскопик), тезкор-қидирув, криминалистик маълумот тариқасидаги коллекциялар тарзидаги қайд этишларга бўлинади.

Алфавитли-дактилоскопик ҳисобга олиш (марказлаштирилган-маҳаллий) судланганлар, ушлаб турилганлар, ҳибсга олинганлар, қидирув эълон қилинган шахслар, дайдилик ёки тиламчилик қилгани учун ушлаб турилганлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ҳисобга олиш иккита ўзаро боғлиқ карточкада амалга оширилади,

булар: а) фамилиялар бўйича ва б) рўйхатга олишнинг ўн бармоқли тизимига асосланган дактилоскопик.

Алфавитли карточкада демографик маълумотлар ва судланганлик, ҳибсга олишлар, ушлаб туришлар тўғрисидаги маълумотлардан ташқари дактилоскопик формула кўрсатилади. Унда ҳукмнинг ўзгартирилиши, умумий ёки хусусий афв қўлланилганлиги, жазо ўталган вақт ва жой, шахснинг қидирувда бўлиши қайд этилади. Дактилоскопик харитада (қуйида унинг намунаси келтирилган) демографик маълумотлар, тўлиқ дактилоскопик формула, ўнта бармоқ изи, судланганлик, ҳибсга олиниш ҳақидаги маълумотлар, алоҳида белгилар киритилади.

Дактилоскопик картотека бўйича ушлаб турилганлар, ҳибсга олинганлар, вафот этганлар, ҳалок бўлган номаълум фуқаролар (танилмаган мурдалар), ҳужжатсиз, ўзи ҳақида ҳеч қанақа маълумотни маълум қила олмайдиган фуқароларнинг шахсини аниқлаш мумкин.

Шахс ҳақида сўровлар: 1) республика ИИВ Ахборот марказига; 2) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишли ИИБ Ахборот марказига ва 3) шахс бошқа ҳудудда ҳам яшаганлиги ҳақида маълумотлар бўлса, қўшимча равишда ўша ҳудуддаги Ахборот марказларига ҳам сўровлар юборилади.

3-§ Криминалистик рўйхат турлари

Криминалистик рўйхат турларига қуйидагилар киради: *Тезкор-қидирув ҳисобга олишлар:*

1) Бедарак йўқолган шахслар, номаълум беморлар ва танилмаган мурдалар ҳисоби республика ИИВ Ахборот марказида, ИИБ Ахборот марказларида юритилади. Бу ҳисобга олиш сабабсиз ғойиб бўлган шахслар, уйидан ёки тиббиёт муассасаларидан қочиб кетган вояга етмаганлар, маъмурият рухсатисиз ногиронлар уйлари ва қариялар уйларини тарк этган ногиронлар ва қариялар; соғлиғи ҳолатига кўра ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмайдиган, даволаш стационарлари, ногиронлар ва қариялар уйларида, болалар уйлари ва интернатларида турган шахслар; номаълум фуқароларнинг мурдалари киритилади. Ана шу ҳисобга олиш бўйича шунингдек, терговдан, суддан, жазони ўташдан яширинганлар ва бошқа қидирилаётган шахслар текширилади.

Ҳисобга олиш учта мустақил параллел картотекаларда олиб борилиб, уларда ягона намунавий нусхадаги таниб олиш карточкалари бўлади.

Бедарак йўқолган шахсни таниб олиш карточкаси унинг демографик маълумотларини, ташқи кўриниши, кийим-кечаги тавсифини, ажралиб турадиган (ўзига хос) белгиларини, тишларининг ҳолатини, касби, машғулоти тури, ғойиб бўлиши ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Карточкага

(жинси)	
Фамилияси_____	дакт.
Исми_____	форм.
Отасининг исми_____	формула
	қўшимча тасниф

Туғилган йили_____Туғилган жойи_____
_____
_____

ЎНГ ҚЎЛ

1. Бош	2. Кўрсаткич	3. Ўрта	4. Узук	5. Жимжилоқ
	6			

6

ЧАП ҚЎЛ

1. Бош	2. Кўрсаткич	3. Ўрта	4. Узук	5. Жимжилоқ

НАЗОРАТ ТАРИҚАСИДАГИ БАРМОҚ ИЗЛАРИ

Чап қўл			**Ўнг қўл**

*Ҳибсга олинганнинг имзоси*_____
*Карта тўлдирилган вақт*_____*200 __й.*
_____
_____
_____
(қаерда ва ИИВ қайси органида экани кўрсатилсин)
Эслатма. ИИВ – ИИБда қўшимча тасниф формуласи тузилмайди.

ҲИСОБГА ОЛИНИШ – ҲУКМ ҚИЛИНИШЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

1. Ҳибсга олинган_____
(қачон, ким томонидан, нима учун, ЖК ва фармонларнинг моддалари, моддаларининг қисмлари)

2. Ҳукм қилинган_____
(қачон, ким томонидан, нима учун ЖК ва фармонларнинг қайси моддаси (моддалари)
_____
_____
моддаларининг қисмлари ва қанча муддатга)

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

(янги дактилорўйхатга олишлар, қамоқ жойларидан қочишлар ва бошқалар ҳақида)

_____
_____
_____
_____

АЛОҲИДА БЕЛГИЛАРИ

1. Жисмоний нуқсонлари:
_____
___
(майибликлар, жароҳатлар, сўгаллар, доғлар, чандиқлар, тиртиқлар, тананинг

_____
_____
оғриқли ҳаракатлари, каллик (шакли), юзнинг номутаносиблиги, кўзларнинг турли тусдалиги, тил чучуклиги, дудуқланиш ва ҳ.к.)

_____
_____
_____
_____
_____

2. Бошқа белгилари:__
(татуировкалар, одатлар-ўрганишлар (имо-ишоралар, ғайриихтиёрий ҳаракатлар ва ҳ.к.)
_____
_____
_____
_____

Картани тузди: _____
(лавозими ва имзоси)

Карта тўғри тузилганлигини текширди, формулани ҳисоблаб чиқарди:

_____
(лавозими, имзоси ва сана)

рўпарадан, чап ва ўнг ёндан олинган фотосуратлар, суратга олиш вақти кўрсатилган ҳолда, ёпиштириб қўйилади. Таниб олиш карточкасига, агар илгари шахс дактилоскопия қилинган бўлса, дактилокарта илова қилинган бўлади.

Танилмаган мурдаларга доир таниб олиш карточкаси мурданинг бўйини ва кўринишидан ёшини, топилган санаси ва жойини, вафот этиш сабаби ва вақтини, ёриб кўриш санасини, мурданинг ҳолатини, у кўмилган жойни, ташқи кўриниши, кийим-кечаги тавсифини, тишларининг ҳолати, ажралиб турадиган белгилари, соғлиғининг ҳаётлигидаги ҳолатини акс эттирувчи маълумотларни ўз ичига олади. Карточкага мурда тартибга келтирилгандан кейин олинган учта (рўпарадан, ўнг ва чап ёндан олинган) сурат қўшиб қўйилади, агар бармоқ изларини олиш имконияти бўлса, унга дактилокарта илова қилинади.

Объектни ҳисобга қўйиш пайтида уни мавжуд карточкалар бўйича текширилади. Карточкалар икки ёки уч нусхада тўлдирилади ва маҳаллий ахборот марказига юборилади. Ҳисобга олиш бўйича

бундан кейинги юмушларни ахборот маркази ходимлари амалга оширадилар.

Нотаниш касалнинг карточкасида ҳам айни шундай маълумотлар кўрсатилади.

Йўқотилган ва аниқланган ўқотар қуролни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказида йўқотилган қуролни қидириш ва ундан фойдаланиб содир этилган жиноятларни очиш мақсадида юритилади. Ўғирланган, йўқотилган, олиб қўйилган (мусодара қилинган), топиб олинган ва ғайриқонуний равишда сақланиб ихтиёрий топширилган жанговар, спорт, ов сойли қуроллари: тўппончалар – пистолетлар, револьверлар, милтиқлар – винтовкалар, карабинлар, автоматлар, пулемётлар ва сойли стволли ов милтиқлари, техник ҳолатидан қатъи назар, ҳисобга олинади.

Агар олиб қўйилган, топиб олинган ёки топширилган қуролда сериясини, тартиб рақамини, ишлаб чиқарилган санасини йўқ қилиш излари аниқланса, уни ана шу белгиларини тиклаш учун эксперт-криминалистика бўлинмасига юборилади. Агар қуролдан жиноятни содир этишда фойдаланилган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, у эксперт-криминалистика бўлинмасидаги мавжуд ўқ-гильза қайдномаси бўйича текширилади. Ахборот марказининг қурол ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги маълумотномасининг бир нусхаси тегишли жиноят ишига қўшиб қўйилади.

Ўғирланган, олиб қўйилган рақамли ашёлар, қадимги ва тасвирий санъат буюмлари (осори атиқалар)ни ҳисобга олиш минтақавий ахборот марказларида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва шунингдек, шаҳар, туман, йўл ИИБ томонидан олиб борилади.

Ўғирланган, олиб қўйилган, топилиб ихтиёрий равишда топширилган, хусусий, инвентарлаш рақамига ёки антиқий белгиларга эга бўлган ашёлар (аудио, видеомагнитофонлар, кино ва фото камералар, соатлар, ов милтиқлари, силлиқ стволли милтиқлар ва ҳ.к.), маданий бойликлар (расмлар, иконалар, черков анжомлари, танга, орден, медаль, марка, зеб-зийнат коллекциялари, музейга қарашли буюмлар) ва бошқа тарихий, илмий ҳамда қимматбаҳо антиқий, тасвирий санъат буюмлари ҳисобга олинади.

Тегишли ҳисобга олиш карточкасида нарсанинг номи, ҳисобга қўйиш учун асос бўлган ҳолатлар акс эттирилади, нарсанинг, шу жумладан унинг ўзига хос хусусиятларининг таърифи берилади.

Карточка ашё ҳақидаги маълумотлар олинган куни навбатчи қисм томонидан тўлдирилади. Бир нусха навбатчи қисмда қолади,

иккитаси ИИВ, ИИББ, ИИБ минтақавий ахборот марказига юборилади. Ахборот маркази ходимлари бу ашё олдин ҳисобга олинган-олинмаганини текширадилар.

Рақамланмайдиган ашёларни ҳисобга олиш маҳаллий хусусиятга эга бўлади ва шаҳар, туман, йўл ички ишлар органларида олиб борилади. Ўғирланган ашё учун тузилган карточка нарсанинг номини, унинг тавсифини ва ҳисобга қўйишга асос бўлган ҳолатларни ўз ичига олади. Рақамланмайдиган ашёлар ҳисобига фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ашёлар олинади. Ашё бошқа минтақа ҳудудида ўғирланган бўлиши мумкин деган тахмин бўлса, тегишли ахборот марказига сўров юборилади. Ўзига хос хусусиятларга эга бўлмаган бир нечта бир хил ашёга бир нусхадаги карточка тўлдирилади.

Катта ҳажмдаги ахборотни қайд этиш ва зарур маълумотларни тезда олиш имконини берадиган ЭҲМлар жорий этилиши муносабати билан криминалистик рўйхатга олиш имкониятлари ошиб кетди. Автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари (ААҚТ) универсал (автоматик маълумотлар банки – АМБ-марказ, АМБ-вилоят) ва ихтисослаштирилган тизимларга бўлинади.

Универсал мақсадга мўлжалланган ААҚТ ахборотни ишловдан ўтказишнинг комплекс тусда бўлишини таъминлайдиган кўп ихтисосли (кўп томонлама) тизимлардир. Чунончи АМБ-вилоятда тезкор-қидирув ҳисобига қўйилган шахслар, очилмаган жиноятлар, рақамли ёки фарқлайдиган белгиларга эга бўлган ўғирланган ва олиб қўйилган ашёлар, йўқотилган ва аниқланган ўқотар қурол, ўғирланган ва аниқланган осори атиқалар, йўқотилган ва аниқланган автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар ишловдан ўтказилади. Ихтисослаштирилган ААҚТ муайян турдаги объектлар ҳақидаги ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган. Улар Республика ҳудудий ва маҳаллий тизимларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВда юритиладиган ААҚТ жумласига қуйидаги тизимлар киради:

«Таниб олиш» - танилмаган мурдаларни ҳисобга олиш ва идентификациялаш;

«Хабар қилиш» - қидирув эълон қилинган шахсларни ҳисобга олиш;

«Паспорт» – қидирилаётган шахсларнинг паспортларини ва паспортларнинг ўғирланган бланкаларини ҳисобга олиш;

«Техпаспорт» – автомототранспортнинг ўғирланган ва йўқотилган техник паспортларини ҳисобга олиш;

«Автоқидирув» - олиб қочилган, ўғирланган ва эгасиз автомототранспортни ҳисобга олиш;

«Юклар» - темир йўл ва ҳаво транспортида ўғирланган багаж ва юкларни ҳисобга олиш.

Криминалистика бўлинмаларида олиб бориладиган, иш юритишда махсус билимлар талаб қилинадиган ҳисобга олишлар криминалистик ҳисобга олишлар деб аталади.

Очилмаган жиноятлар содир бўлган жойларда топилган номаълум жиноятчиларни ва ички ишлар органлари томонидан ҳисобга олинган шахсларни дактилоскопик ҳисобга олиш иккита картотекада юритилади:

- очилмаган жиноятлар содир бўлган жойлардан олинган қўл изларининг фотосуратлари (излар картотекаси);

- ички ишлар органларида ҳисобга олинган шахсларнинг дактилокарталари (дактилокартотекалар)дан иборат бўлади.

Ҳисобга олиш шаҳар, туман, йўл ички ишлар органларининг маҳаллий эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан олиб борилади. Дактилокарталар ёрдамида ҳодиса содир бўлган жойда ким из қолдирганини ҳамда айни бир шахс ҳодисанинг турли жойларида из қолдирган-қолдирмаганини аниқлаш мумкин.

Излар картотекаси икки гуруҳда бўлади. Биринчисида қўл бармоқларининг экспертиза томонидан папилляр нақш типи ва тури аниқланган изларининг фотосуратлари туради. Маҳаллий бўлинмалар фотосуратларининг дубликатлари юқори турувчи эксперт-криминалистика бўлинмаларига юборилади. Ана шу излар картотекаси бўйича гумон қилинувчиларнинг дактилокарталари ва очилмаган жиноятлар содир бўлган жойларда янгитдан тўлдирилган карталар, шунингдек, ички ишлар органларида ҳисобга олинган шахсларнинг дактилокарталари текширилади.

Излар картотекасининг иккинчи гуруҳи нақшининг типи ва тури аниқланмаган қўл бармоқларининг, шунингдек, кафтлар изларининг фотосуратларидан иборат бўлади. Бу гуруҳдан муайян жиноятларни содир этишда гумон қилинган шахсларнинг дактилокарталарини текшириш учун фойдаланилади.

Дактилокартотека ички ишлар органида ҳисобда турган шахсларнинг дактилокарталарини (улар бўйича хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги очилмаган жиноятлар содир бўлган жойлардан олинган қўл бармоқларининг излари текширилади) ҳамда жиноят қидирув хизматларидан, тергов бўлимидан тушадиган дактилокарталарни ўз

ичига олади. Бу гуруҳдан гумон қилинувчиларнинг дактилокарталарини текшириш учун фойдаланилади.

Гиёҳвандлик воситаларини ва кучли таъсир кўрсатувчи дори воситаларини олиш учун қалбаки дориқоғозларни (тиббий рецептларни) ҳамда уларни қалбакилаштириш билан шуғулланувчи шахсларнинг дастхати намуналарини ҳисобга олиш - маҳаллий ҳисобга олиш тури бўлиб, ИИВ, ИИБ криминалистика бўлимларида юритилади. Уни юритиш шакли аралаш – картотекалар ва коллекциялар тариқасида бўлади. Қалбаки дориқоғозлар картотекалари ёрдамида бир нечта дориқоғознинг ягона манбаини, шунингдек, муайян тайёрловчиларни аниқлаш мумкин. Дастхат намуналари коллекцияси дориқоғоздаги матн муайян шахс томонидан ёзилганлигини аниқлашда ёрдам беради. Терговчи ўзини қизиқтирган маълумотларни олиш учун суриштирув органига бериладиган алоҳида топшириқномада қалбаки дориқоғоз, гумон қилинувчи ёки айбланувчи қайси ҳисоб бўйича ва қандай мақсадда текширилишини кўрсатиши зарур.

Бузиб очиш қуроллари ва асбоблар изларини ҳисобга олиш ҳам маҳаллий бўлиб, очилмаган жиноятлар содир бўлган жойлардан олинган, ИИВ, ИИБ эксперт-криминалистика бўлинмаларида турган излар ва асбоблар коллекцияси тарзида олиб борилади. Бу ҳисобга олиш ёрдамида битта қурол бир неча жиноятни содир этишда қўлланилганлигини аниқлаш мумкин. Коллекцияда очилмаган жиноятлар содир бўлган жойдан топилган бузиб очиш қуроллари ва олинган нусха (қолип) тариқасидаги излар туради.

Жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида топилган қурол ўқлари, гильзалари ва патронларини ҳисобга олиш – бу марказлашган-маҳаллий бўлиб, эксперт-криминалистика бўлинмаларида: марказда – Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБда, жойларда – ИИВ, ИИБ, ТИИБ ЭКБда турган ўқгильзотекалар деб аталувчи коллекциялар тариқасида олиб борилади.

Марказлаштирилган ўқгильзотека жиноятлар муносабати билан олиб қўйилган сойли ўқотар қурол излари бўлган ўқлар, гильзалар, патронлар, шунингдек, ички ишлар органлари фойдаланишидаги, йўқотилган ёки ўғирланган қуролдан тажриба тариқасида отиб олинган назорат гильзаларидан жамланади.

Маҳаллий ўқгильзотекаларга марказлаштирилган ўқгильзотеканинг объектларига очилган ахборот карточкалари жойлаштирилади.

Жойларда ов қуроллари патронларининг, силлиқ стволли ёки пневматик қуролдан отилган снарядларнинг гильзалари, шунингдек,

ашёвий далил сифатида олиб қўйилган сойли ўқотар қурол излари бўлган ўқлар, гильзалар ва патронлар ҳисобга олинади.

Мазкур ҳисобга олиш ёрдамида бир қанча жиноятларни содир этишда битта нусхадаги қуролдан фойдаланилганлиги аниқланади ва жиноятни содир этишда қўлланилган қурол олиб қўйилган, топиб олинган, ихтиёрий равишда топширилган қуроллар орасидан аниқланади.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олиб қўйилган ўқлар, гильзалар ва патронлар терговчи томонидан экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан биргаликда, жиноят очилгани ёки очилмаганлигидан қатъи назар, ҳудудий эксперт муассасасига топширилади. Экспертиза ўтказилганидан кейин объектлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБ ўқгильзотекасига текшириш ва вақтинча сақлаш учун юборилади.

Шунингдек, давлат муассасаларида, жамоат ташкилотларида ёки айрим фуқароларда ғайриқонуний сақланган олиб қўйилган ёки ихтиёрий равишда топширилган сойли ўқотар қуроллар: револьверлар, пистолетлар, автоматлар, карабинлар, кичик калибрли ва жанговар қирқма винтовкалар ва карабинлар, ясама сойли қуроллар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБ ўқгильзатекаси текширувидан ўтказилиши керак. Улар терговчи томонидан маҳаллий эксперт бўлинмасига юборилади. Жиноятни содир этишда муайян нусхадаги текширилаётган қурол қўлланилганлиги аниқланган тақдирда, терговчи экспертиза ўтказиладиган жой тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Қалбаки қоғоз пулларни ҳисобга олиш ҳам марказлаштирилган-маҳаллий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБда олиб борилади. Унинг ёрдамида қалбаки танга ва қоғоз пулларнинг тайёрланиш усули ва технологияси бўйича келиб чиқиши умумий эканлиги аниқланади, шунингдек, уларни тайёрлаш билан шуғулланган шахслар фош этилади.

Битта тўп қалбаки пулларнинг олд ва орқа томонлари фотосуратлари бўлган ҳисобга олиш карточкаларидан, иккинчиси асл ҳолидаги намуналар коллекциясидан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБда қалбаки пул белгиларининг турли картотекалари мавжуд. Булар: полиграфия усулида ёки техник воситалар ёрдамида тайёрланган қоғоз пуллар; расми чизиб ясалган пуллар; чет эл валютаси ва металл тангалар.

Полиграфия усулида тайёрланган қалбаки ҳужжатларни ҳисобга олиш – марказлаштирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБда олиб борилади. Бу ҳисобга олиш ёрдамида босма иш қоғозла-

ри (бланкалари) битта клишедан, матбаа ҳарфлари термасидан фойдаланиб, тайёрланган қалбаки ҳужжатларнинг келиб чиқиши умумийлиги, шунингдек, уларни тайёрлаш билан шуғулланган шахслар аниқланади.

Ҳисобда қалбаки ҳужжатларнинг фотонусхалари картотекаси ва босма иш қоғозларининг коллекцияси мавжуд бўлади. Ҳисобга олиш тўпламасида учта бўлим бор, булар: олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаганлик тўғрисидаги дипломлар ва дипломларнинг бланкалари, ҳайдовчилик гувоҳномалари ва уларнинг бланкалари, бошқа ҳужжатлар.

Ҳақиқийлиги шубҳа туғдирган ҳужжат терговчи томонидан экспертиза ўтказиш учун маҳаллий эксперт бўлинмаларига юборилади, шундан сўнг унинг асл нусхаси ёки фотонусхаси, эксперт хулосасининг нусхаси, ахборот карточкаси Республика ИИВ ЭКБга юборилади.

Криминалистик маълумот тариқасидаги коллекциялар мажбурий, тавсия қилинадиган ва факультатив (ихтиёрий) турларга бўлинади.

Мажбурий –бузиб очиш қуроли сифатида фойдаланиладиган асбоблар ва бошқа нарсаларнинг; пойабзал тагчарми ва устки қисми тасвирларининг; фаралар нур тарқатгичлари-нинг; автомототранспорт лак-бўёқ қопламаларининг; автомототранспорт шиналари протекторлари изларининг коллекцияларидир.

Тавсия қилинадиган – чет элда ишлаб чиқарилган пломбаларнинг; металлни термик кесиш аппаратларини қўлланиш изларининг; қулфларнинг; муҳрлар ва штамплар босилган излари (босма нусхалари)нинг; толали материалларнинг; ҳайвонлар жунларининг; ёнилғимойлаш материалларининг; хонаки усулда тайёрланган гиёҳвандлик моддаларининг ва энг кўп тарқалган кучли таъсир қилувчи фармацевтик дориларнинг коллекцияларидир.

Факультатив – булар совуқ қурол, порох ва портловчи моддаларнинг; енгил автомобиллар ва мотоцикллар двигателларида тартиб рақамлари туширилган пуансонлар изларининг; ёпиштирувчи моддаларнинг; ёзув материалларининг, қоғозларнинг (босмахона, машинкада ёзув ва рўзғор қоғозларининг) коллекцияларидир.

ИИВ эксперт-криминалистика бўлимларида барча турдаги коллекциялар вужудга келтирилади; шаҳар (туман) органларининг эксперт-криминалистика гуруҳларида тавсия қилинадиган ва факультатив коллекциялар вужудга келтирилиши мумкин.

Криминалистик маълумот тариқасидаги коллекциялар объектларни асл ҳолида, шунингдек, уларнинг тасвирларини: фотосуратлари, видеотасвирлари, нусха олинган қолиплари, таърифтавсифини ўз ичига олиши мумкин.

Бузиб очиш қуроллари сифатида фойдаланиладиган асбоблар ва бошқа нарсалар коллекциялари саноат усулида тайёрланган нарсаларнинг хоссалари, шакли, ўлчамлари ва бошқа аломатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Коллекциялар фонди жиноятларни фош этиш амалиётини таҳлил этиш, трасология экспертизалари, шунингдек, хизмат кўрсатиладиган ҳудуддаги корхоналар ва савдога келтирилаётган буюмлар турларини ўрганиш асосида белгиланади.

Пойабзал тагчарми ва устки қисми тасвирларининг маълумот тариқасидаги коллекциясида муайян артикул, фасон, моделдаги тагчармлар ва пойабзалларнинг ҳодиса содир бўлган жойда из қолдирган пойабзал қайси гуруҳга мансублигини аниқлаш учун мўлжалланган расмлари туради. Пойабзаллар тагчарми ва устки қисми тасвирларини ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни маълумотнома нашрлардан, каталоглардан, савдо корхоналаридан ва экспертиза амалиётидан олинади.

Металлни қирқиш намуналарининг маълумот тариқасидаги коллекцияси металлни термик ва механик усулда қирқиш учун қўлланиладиган, сейфлар ва бошқа металл тўсиқларни бузиб очиш учун фойдаланиладиган аппаратлар турини, қирқиш вақтини ва жиноятчининг ана шу аппаратлардан фойдалана олиш даражасини аниқлаш учун мўлжаллангандир.

Толали материалларнинг маълумот тариқасидаги коллекцияси келиб чиқиши ҳайвонотга, ўсимликка оид ва кимёвий толалар, газламалар ва сунъий мўйна намуналари. Микрообъектлар билан ишлашда фойдаланилади.

Ёнилғи-мойлаш материалларининг маълумот тариқасидаги коллекцияси нефтни қайта ишловчи, саноат, савдо корхоналаридан олинган, экспертизага келиб тушадиган асл ҳолидаги намуналардан тўпланади. Асл ҳолидаги намуналардан олинган спектрлар ва хроматограммалар атласи тузиб борилади. Коллекциядан текшириш учун олиб келинган ёнилғи-мойлаш материаллари таркибини аниқлашда фойдаланилади.

Гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир этувчи моддалар коллекцияси асл ҳолидаги намуналарни ва улардан олинган спектрлар

атласини ўз ичига олади. Текшириш учун келтириладиган нотаниш гиёҳвандлик воситаларини ва кучли таъсир қилувчи моддалар таркибини тезкор аниқлаш учун мўлжалланган.

Шу тариқа, криминалистик маълумот тариқасидаги коллекциялар маълумотлар банклари вазифасини бажаради. Улар ёрдамида кўрсатиб ўтилган маълумотларни олиш мумкин бўлади. Улардан экспресс текширувларни ўтказиш, экспертизаларни бажариш, тезкор таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Маълумот тариқасидаги коллекциялар айрим тўпларининг видеонусхалари тезкор амалиётда фойдаланиш учун кўчма криминалистика лабораторияларига жойлаштирилади ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида фойдаланилади.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТУРЛАРИ

Тезкор маълумотли	**Тезкор-єидирув**	**Криминалистик**
Sибсга олинган, айбланган, судланган, єидирувда бўлган, жиноят содир этган, аммо жамоатчилик таъсири чораси єўлланилганлиги муносабати билан жиноий жазодан озод этилган шахсларга доир Чет эл фуєаролари, фуєаролиги бўлмаган шахслар ва чет элда яшаётган фуєаролар содир этган sуєує-бузарликлар ва жиноятларга доир	єидирув эълон єилинган шахслар бедарак йўєолган шахслар, таниб олинмаган мурдалар, кимлиги маълум бўлмаган беморлар ва болалар ў¦ирланган антиквар буюмлар ва маданий бойликлар ў¦ирланган, йўєолган, олиб єўйилган, ўз ихтиёри билан топширилган резбали ўє отиш єуроллари умумдавлат муомаласидаги ў¦ирланган ва олиб єўйилган sужжатлар, тартиб раєами бўлган буюмлар єидирилаётган ва эгаси йўє автотранспорт	оператив аsамиятга молик шахсларнинг дактокартотекалари, очилмаган жиноятлар жойидан олинган дактоизотекалар жиноятни содир этиш усулига кўра ўє, гилъзотека єалбаки пуллар ва єимматбаsо єо¦озлар матбаа усулида тайёрланган цалбачи хужжатлар гиёsвандлик ва кучли таъсир єилувчи доривор воситаларш олиш учун ясалган єалбаки тиббий рецептлар ва єалбакилаштирувчи шахслар дастхатининг намуналари ташєи аломатлари бўйича оператив аsамиятга молик шахслар овози ва нутєи фотолентаси (фонотекаси) бузиш єуроллари

Эксперт-криминалист бўлимларининг колекция ва картотекалари

Ўєотар ва совує. єуроллар ѕамда єурол-аслаѕалар коллекцияси
Турли буюм ва материаллар коллекцияси
Детал ва жиѕозлар (пойабзал пошналари, фара шишалари) коллекцияси
Спектрлар, хромотограммалар, рентгенограммалар
Овоз, нутє, шовєин фонотекаси
Турли каталоглар

КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ УСУЛЛАРИ

- Картотекалар
- Излар жамланмаси
- Альбомлар
- Коллекциялар
- Журналлар
- Рўйхатлар
- Маълумотлар ёки маълумотлар банкининг компьютер базалари
- Аралаш

КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТ ОБЪЕКТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Криминалистик рўйхат объектларини тартибга солиш – бу уларнинг махсус жойлашуви бўлиб, рўйхатга олинган объектлар саєида маълумотлар ахборот єидиришнинг тез ва єулайлигини таъминлайди

Тартибга солиш усуллари

- Хронологик
- Дактилоскопик
- Ташєи ало-матлар кўра
- Алфавитли
- Электрон-ѕисоблаш

III БЎЛИМ. КРИМИНАЛИСТИК ТАКТИКА

12-боб КРИМИНАЛИСТИК ТАКТИКАНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§ Криминалистик тактика тушунчаси ва унинг вазифаси

Криминалистик тактика - криминалистика фанининг бўлимларидан бири ҳисобланади. «Тактика» атамасини жиноятларни тергаб-текширувчи шахсларнинг ишига татбиқан биринчилардан бўлиб XIX аср охирида немис муаллифи А.Вейнгардт қўллаган.

«Тактика» атамаси асосан ҳарбий билимлар соҳасида қўлланади. Тактикага ҳарбий фаннинг жанг моҳиятини, унинг қонуниятларини, уни олиб бориш усулларини ўрганувчи ҳамда стратегия ва тезкор маҳоратга (грекча taktika – қўшинларни сафга тизиш маҳорати сўзидан) нисбатан тобе ҳолатни эгаллаб турувчи тармоғи тариқасида қаралади.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишни амалга оширувчи шахслар рақиб билан жанг олиб бормаслиги сабабли, «тактика» атамаси криминалистикада шартли равишда, тергов фаолиятини ва уни ташкил этиш маҳоратини белгилаш учун қўлланилади.

Тергов фаолияти – бу юридик амалиётнинг махсус ваколатли шахслари – терговчилар ва суриштирувчиларнинг жиноятларни олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилиш бўйича қонун нормаларида назарда тутилган ишларидан иборат. Унинг мазмун ва моҳияти хилма-хил бўлиб, жиноят ишлари бўйича терговчилар меҳнатининг меъёрий, ташкилий, психологик, мантиқий, эмпирик ва бошқа жиҳатларини ўз ичига олади.

Даставвал криминалистикада тактик жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш билан шуғулланадиган шахсларга уларнинг ишларини режалаштириш юзасидан бериладиган назарий жиҳатдан асосланган тавсияларининг мажмуи тариқасида майдонга келган. Бора-бора унинг мазмун-моҳияти ўзгариб, анъанавий қоидалар билан бир қаторда криминалистик тактикага тергов фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ талай янги назариялар, таълимотлар, тавсиялар қўшила борди.

Криминалистик тактиканинг энг муҳим қоидалари жумласига қуйидагилар киради:

- жиноятларни тергов қилиш чоғидаги тергов ҳаракатларининг оқилона тактик усуллари;

- криминалистик тактик комбинациялар (ҳаракатлар мажмуи) ва операциялар;

- жиноятларни тергов қилишни режалаштириш ва тезкор-қидирув ходимлари билан терговчининг ўзаро ҳамкорлиги;

- жиноятларни тергов қилишда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг ёрдамидан фойдаланиш;

- жиноятларни тергов қилишда гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг шахсини ўрганиш;

- жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш;

- терговчининг жиноятларни олдини олишга доир фаолияти.

Дастлаб криминалистик тактика фақат жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш асослари тўғрисидаги билимлар ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича тавсияларнигина ўз ичига олган. Кейинроқ эса жиноятларнинг айрим турларини тергов қилишни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўриб чиқила бошланди.

Ҳозирги вақтда криминалистик тактика криминалистиканинг тергов фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсияларини қонунийлик талабларига қатъий мувофиқ ҳолда ишлаб чиқиш мақсадида ана шу фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш қонуниятларини ўрганувчи мустақил бўлими ҳисобланади.

Криминалистик тактиканинг қоидалари, тавсиялари ва хулосалари криминалистика фанидаги барча қолган бўлимларининг мазмуни билан узвий боғлиқдир.

Криминалистик тактик назариялари, таълимотлари ва категориялари криминалистиканинг методологик асослари, криминалистик идентификациялаш ва диагностикалаш, жиноят содир этиш усуллари тўғрисидаги таълимот, тергов фаолиятида криминалистик модел тузиш сингари қоидаларга асосланади.

Криминалистик тактик тавсияларда криминалистик техника муҳим ўрин эгаллайди. У кўздан кечириш, тинтув, экспериментни ташкил этиш ва амалга ошириш, экспертиза ҳамда бошқа тергов ҳаракатларини тайинлаш ва ўтказиш чоғида криминалистик тактик қоидалар таркибида қўлланилади. Криминалистик техника ривожланиб борган сари унинг ютуқлари суд далилларини аниқлаш, текшириш ва баҳолашда тобора янги имкониятлар очади. Бу илгари яра-

тилган тактик усуллар, операциялар ва комбинацияларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг мутлақо янгиларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўз навбатида, криминалистик тактиканинг таркиби жиноятларни тергов қилиш услубиётини ривожлантиришга кўмаклашади. Жиноятларни тергов қилишни режалаштириш, терговчи ва тезкор ходимларнинг ўзаро ҳамкорлиги, айрим тергов ҳаракатларининг тактикаси ҳақидаги криминалистик назариялар ва криминалистик тактиканинг бошқа қоидалари хусусий услубиётларга асос қилиб олинади ҳамда ана шу жиноий жазога лойиқ қилмишларни фош этиш ва тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган ҳолда мукаммаллаштирилади.

Шу билан бирга криминалистик тактикада жиноят процесси, этика, мантиқ, психология, конфликтология фани ва билимларнинг бир қанча бошқа тармоқлари кенг қўлланилиб, улар тергов фаолиятини ташкил этишнинг кўп ва мураккаб муаммоларини ҳал қилишга ижодий тарзда мослаштирилади.

2-§ Криминалистик тактика тизими

Криминалистик тактика криминалистика фанининг бўлими сифатида тергов фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш қонуниятлари тўғрисидаги тизимлаштирилган билимлар мажмуидан иборатдир. Унинг ҳозирги вақтга келиб шаклланиб бораётган тизими турли даражадаги мураккаблик ва мазмунга эга бўлган ўзаро боғлиқ бир қанча қисмлардан ташкил топади.

Умумий кўринишда криминалистик тактика тизими қуйидаги иккита асосий ўзаро боғлиқ қисмларни ўз ичига олади:

1) криминалистик тактиканинг умумий қоидалари;

2) криминалистик тактиканинг махсус қисми.

Умумий қоидалар – криминалистика мазкур бўлимининг моҳияти ва тергов фаолиятини ташкил этишга доир билимларни ўз ичига олувчи илмий асосидир. Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари ўз навбатида иккита кичик қисмларга бўлинади:

а) криминалистик тактиканинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва замонавий ҳолатига доир билимларни бирлаштирувчи илмий муаммолари:

- криминалистик тактиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи,

- криминалистик тактиканинг предмети,
- криминалистик тактиканинг тизими,
- криминалистик тактиканинг вазифалари,
- криминалистик тактиканинг манбалари,
- криминалистик тактиканинг принциплари,
- криминалистик тактиканинг илмий билимлар тизимида тутган ўрни ва ҳоказо.

б) Тергов фаолиятини ташкил этишнинг илмий асослари:
- тергов фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги криминалистик таълимот,
- жиноятларни тергов қилишни режалаштириш,
- терговчиларнинг тезкор ходимлар билан ўзаро ҳамкорлиги,
- тергов фаолиятида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш,
- жиноятларнинг олдини олишга доир фаолиятни ташкил этиш,
- тактик усуллар ва тавсиялар тўғрисидаги криминалистик таълимот,
- тактик операциялар,
- тергов вазиятлари,
- тактик ечимлар,
- терговчилар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш ва ҳоказо.

2. Криминалистик тактиканинг махсус қисми жиноятларни тергов қилиш ва суд тергови жараёнида суднинг ҳамда терговчининг ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказишга доир билимлар тизимидан иборатдир. Бу билимларнинг мазмунидаги фарқ махсус қисмни ҳам иккита нисбатан мустақил таркибий элементга бўлишни тақозо этади:

а) жиноятларни тергов қилиш жараёнида айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси:
- терговни кўздан кечириш ва гувоҳлантириш тактикаси,
- сўроқ қилиш ва юзлаштириш тактикаси,
- тинтув қилиш тактикаси,
- қўлга тушириш ва ҳибсга олиш тактикаси,
- таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси.
- тергов эксперименти тактикаси,
- кўрсатувларни воқеа юз берган жойнинг ўзида текшириш ва аниқлаштириш тактикаси,
- суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш тактикаси,
- қидирув тадбирлари тактикаси.

б) судлов ишларини юритиш жараёнида айрим тергов ҳаракатлари тактикаси:

- суд тергови тактикаси,
- суд кўздан кечириши тактикаси,
- кўрсатувларни воқеа юз берган жойнинг ўзида текширув тактикаси.

Криминалистик тактиканинг охирги қисми эндигина шакллана бошлаган ва у барча мутахассислар томонидан эътироф этилган эмас. Бироқ суд терговини ташкил этиш масалаларига дахлдор талай ишлар пайдо бўлгани муносабати билан уларни криминалистик тактик билимлар тизимидан чиқариб ташлаш нотўғри бўлар эди. Қолаверса, суд ислоҳоти ривожланган сайин мазкур муаммолар тобора катта амалий ва назарий аҳамият касб этади.

Криминалистик тактика замонавий ҳолатнинг қуйида келтирилган тизими асосий элементлар ўртасидаги барқарор боғланишларни акс эттирувчи аниқ таркибий тузилмага эга.

Криминалистиканинг бошқа бўлимлари сингари криминалистик тактика жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишда, яъни жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга аввало, терговчиларга самарали ёрдам кўрсатишга даъват этилгандир.

Тергов фаолиятини ташкил этишнинг барча шакллари ва йўналишлари самарадорлигини ошириш учун криминалистик тактикани илмий тадқиқ этишни фаоллаштиришни ва унинг доирасини кенгайтириш талаб қилинади.

Криминалистик тактиканинг умумий мақсади бир қатор вазифаларни ҳал қилиш жараёнида рўёбга чиқарилади, булар:

Криминал амалиётнинг ҳозирги ҳолатини ва унинг ривожланиш йўналишларини, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортилаётган шахслар, жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг тергов ва суддаги хулқ-атворини ўрганиш. Бу жиноятчилар муҳитидаги мавжуд анъаналар, алоқалар ва муносабатларни, жиноятчиларнинг ўзаро мулоқотда бўлиш усуллари ва воситаларини, жиноятларни яшириш усулларини (масалан, махфий жойларни жиҳозлаш йўли билан), терговчилар ҳамда судьяларни алдаш учун ҳийла-найрангларни ўрганишга тааллуқлидир.

Тергов фаолиятига оид илғор тажрибани, унинг тактик ва ташкилий асосини ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, тергов ва суд

тактик хатоларини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни тадқиқ этиш.

Криминалистик тактика тизими
Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари
Криминалистик тактиканинг махсус қисми
Криминалистик тактиканинг илмий муаммолари
Тергов фаолиятини ташкил этиш илмий асослари
Айрим тергов ҳаракатлари тактикаси
Суд тергов ҳаракатлари тактикаси
Тарих
Тергов фаолиятини ташкил этиш
Кўздан кечириши ва гувоҳлантириш тактикаси
Кўздан кечириш тактикаси
Предмет
Терговни режалаштириш
Сўроқ қилиш ва юзлаштириш тактикаси
Сўроқ қилиш тактикаси
Тизим
Терговчининг ўзаро ҳамкорлиги
Тинтув тактикаси
Кўрсатувларни воқеа юз берган жойида текшируви тактикаси
Вазифалар
Жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш
Ушлаб олиш тактикаси
Манбалар
Жиноятнинг олдини олиш фаолияти
Таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси
Принциплар
Тактик усуллар
Тергов эксперименти тактикаси
Алоқалар
Тактик операциялар
Кўрсатувларни воқеа юз берган жойда текшириш тактикаси



Криминалистик тактика тергов амалиёти билан узвий боғлиқдир. Бир томондан, у тергов фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқади, иккинчи томондан – тергов амалиёти криминалистик тактикани ривожлантириш манбаларидан бири ҳамдир. Зеро, ундан фойдаланмасдан туриб билимнинг ана шу соҳасида тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

1.Тергов фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий-тактик усуллар ва тавсияларни ишлаб чиқиш. Криминалистик тактика жиноятчиликка қарши кураш жараёнига қўшаётган ҳисса, яъни пировард натижада унинг назарий ва амалий ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти ана шу жузъий вазифа қанчалик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

3-§ Тактик усуллар, тактик қарорлар, тергов вазиятлари ва криминалистик тактиканинг бошқа қоидалари

Криминалистик тактиканинг хилма-хиллиги унинг замирида ётган қоидаларни батафсил кўриб чиқишни талаб қилади. Аввало жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш чоғида терговчи ҳаракатларининг оқилона тактик усулларини улар жумласига киритиш зарур.

Терговчи турли жиноят ишлари бўйича иш олиб борар экан, қуйидаги турдаги ҳаракатларни бажариши мумкин.

ТАКТИК УСУЛЛАР ОЛДИГА ЄЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
Мумкинлиги (єонун ва одоб-ахлоє меъерларига ѕамда илмий асосларга мос келувчи) Маєсадга мувофиєлик Хилма-хиллик Хавфсизлик Самарали ва тежамкор Усулни эркин танлаш Тергов ѕаракатлари ва тезкор єидирув тадбирларининг энг маєбулини уй¦унлаштириш

Тергов ҳаракатлари – бу терговчининг жиноятларни тергов қилиш чоғидаги жиноят-процессуал қонунида назарда тутилган ҳаракатлари бўлиб, уларнинг моҳияти жиноят ишлари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат бўлади. Улар жумласига сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тинтув, ушлаб туриш, таниб олиш учун кўрсатиш, тергов эксперименти, кўрсатувларни воқеа юз берган жойда текшириш ва аниқлаштириш, суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш киради. Жиноят процесси тараққий этган сари тергов ҳаракатларининг тури ва таркиби ҳам ўзгариб боради ва аниқлаштирилади.

Қидирув чоралари. Терговчининг ва суриштирув органлари ходимларининг айбланувчилар, гумон қилинувчилар, жабрланувчилар, гувоҳлар, мурдалар, ҳайвонлар, қимматбаҳо нарсалар, ҳужжатлар ва тергов қилинаётган жиноят иши учун аҳамиятли бошқа объектлар турган жойни аниқлашга қаратилган жиноят-процессуал қонунида рухсат этилган ҳаракатлари қидирув чоралари ҳисобланади.

Криминалистик тактикада терговчининг жиноятларни тергов қилиш пайтидаги барча ҳаракатлари ўрганилавермайди. Унда далил-

лар ва ишлаш жараёни билан боғлиқларигина қамраб олинган. Хусусан, тергов ҳаракатлари, қидирув ва олдини олиш чораларининг тактик усуллари батафсил кўриб чиқилади.

Жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларининг тактик усуллари – бу жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни тез, тўла ва холисона аниқлашнинг энг самарали усулларидир.

Лекин тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг барча усуллари ҳам криминалистик тактик усул деб ҳисобланавермайди. Бунинг учун у бир қатор талабларга жавоб бериши лозим.

Биринчидан, тактик усул амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлиши, яъни қонуний бўлиши лозим. Кенг маънода олганда, криминалистик тактик усулларнинг қонунийлиги – бу уларнинг жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши эҳтимолини истисно этадиган тарзда қонунга мувофиқ бўлишидир. Тор маънода олганда, тактик усулларнинг қонунийлиги қонун ҳамда қонуности норматив ҳужжатларнинг жиноятларни очиш ва тергов қилиш чоғида терговчи ҳаракатларининг тавсия қилинадиган усули билан боғлиқ муайян норма кўрсатмаларига қатъий ва аниқ риоя этишдан иборат бўлади.

Иккинчидан, тактик усул самарали, таъсирчан, жиноятларни очиш ва тергов қилишда ҳақиқатни аниқлаш учун амалда фойдали натижа келтирадиган бўлиши керак. Тактик усулларнинг самарадорлиги уларнинг оқилоналигидан иборат.

Учинчидан, тактик усул илмий ва амалий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Жиноятларни тергов қилишда терговчи ҳаракатларини амалга оширишнинг криминалистик тактика томонидан ишлаб чиқиладиган усуллари илмий билимларнинг тегишли соҳалари томонидан аниқланган муайян қонуниятларига асосланмоғи лозим. Бу талабга риоя этмаслик ҳақиқатни аниқлаш учун гипноз остида сўроқ қилиш, мутахассис тариқасида экстрасенсларни таклиф этиш сингари назарий жиҳатдан асоссиз усулларни жорий этишга уринишларга олиб келади.

Тўртинчидан, тактик усуллар аҳлоқ-одобга мос ва инсоний бўлиши керак. Тергов фаолиятида алдаш, қўрқитиш, жисмоний ва маънавий зўравонлик сингариларга йўл қўйиб бўлмайди. Айни чоғда, тактик усулларни тергов уддабуронлиги, тадбиркорлиги, режалилиги, омилкорлиги, таваккаллиги ва бир қадар устамонлигисиз амалга ошириб бўлмайди. Терговчи ёлғон гапириш ҳуқуқига эга эмас, лекин у жараён иштирокчиларини тўпланган далиллар билан таништириш

даражаси ва кетма-кетлигини белгилаши, сўроқ қилиш навбатини ва иш бўйича далиллардан фойдаланиш тартибини, тинтув ўтказиш ҳамда қўлга тушириш пайтини ва бошқа шу сингариларни белгилаши мумкин.

Тактик усулларни ишлаб чиқишда қуйидаги конституциявий нормага доимо амал қилиш керак бўлади: «Шахс қадр-қиммати давлат томонидан муҳофаза қилинади. Уни камситиш учун ҳеч нарса асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси). Бундан ташқари, шуни назарда тутиш керакки, давлатимиз қийноқларга солишга ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини таҳқирловчи турларига қарши конвенцияни имзолаган мамлакатлар қаторига кирди. Конвенцияда белгилаб қўйилганки, қийноққа солиш бирон-бир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумот олиш ёки иқрор қилиш, шу ёки учинчи шахс содир этган (ёки содир этилишида гумон қилинаётган шахс) ҳаракат учун уни жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки мажбур қилиш учун қасддан кучли оғриқ ёхуд жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган ёхуд ҳар қандай тусдаги камситиш мансабдор шахс томонидан етказилган қонунсиз ҳаракатни билдиради.

Бешинчидан, тактик усуллар муайян бўлиши керак. Жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш чоғида терговчи ҳаракатларини амалга ошириш тактик усуллари муайянлигининг моҳияти уларнинг аниқлиги ва амалийлигидан иборатдир. Тактик усулларни муайянлаштириш жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда терговчининг ҳаракатларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш умумий қоидаларини, шароитлари ва усулларини белгилашдан бошланади ҳамда уларни бажаришнинг турли ўзига хос хусусиятларига мослаб батафсил аниқлаштириб олинади. Масалан, ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси, умуман олганда, шу тергов ҳаракатининг тизимини, асосий элементларининг мазмунини, уни ўтказишнинг умумий услубларини ва натижаларни қайд этиш усулларини очиб беради. Шу билан бирга, ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикасини янада муайянлиги турли объектлар (мурда, транспорт воситаси, уй-жой ва ҳоказо) учун, шунингдек, кўздан кечиришнинг турлича шароитлари (очиқ жой, бино ичи, поезд ва бошқалар) учун уни амалга ошириш усулларини батафсил кўзда тутишдан иборат бўлади.

Олтинчидан, тактик усуллар тергов фаолиятида рўёбга чиқарилиши чоғида алоҳида мазмунга эга бўлиши керак. Терговчининг жиноятларни тергов қилиш чоғидаги ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича криминалистик тактика томонидан ишлаб чиқиладиган тавсияларини одатда «соф» ҳолда қўллаб бўлмайди. Улар турли жиноятларни очиш ва тергов қилишда қўлланишга мўлжалланган бўлиб, муайян бир жиноят иши бўйича юзага келадиган тергов вазиятлари хусусиятларини ҳисобга олиши мумкин эмас. Шу сабабли криминалистик тактик тавсияларни қўллаш терговчидан уларни ўрганиш ва билишнигина эмас, балки ҳар бир янги жиноятни очиш ва тергов қилиш шароитларига ижодий ёндашган ҳолда мослаштиришни ҳам талаб қилади.

Криминалистика ва тергов амалиёти томонидан жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш жараёнида фаол қўлланиладиган талай тактик усуллар ишлаб чиқилган.

Ўз мазмунига кўра криминалистик тактик усуллар тўрт гуруҳга бўлинади.

1. Психологик тактик усуллар, яъни жиноят ишлари бўйича терговчи ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий ва юридик психология соҳасидаги ютуқларга таянган усулларидир. Масалан, терговчи сўроқ қилинувчи билан психологик алоқа ўрнатиши тинтув қилинувчининг руҳиятини кузатиши, ушланаётган шахсни, жиноятни содир этишда гумон қилинувчини қўлга олиш чоғида психологик таъсир кўрсатиш тактик усулларидан кенг фойдаланади.

2. Мантиқий тактик усуллар, уларнинг замирида мантиқ қонунлари ва категориялари ҳамда унинг суд мантиқи деб аталувчи билимга хос қонуниятлар ва категориялар ётади. Улар жумласига сўроқ қилинувчи шахснинг кўрсатувларидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш усуллари киради: тергов версияларини тузиш ва уларни текширишнинг мантиқий усуллари; тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида далиллардан ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг мантиқий изчиллигини белгилаш усуллари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

3. Ташкилий тактик усуллар. Бу усуллар жиноятларни тергов қилишни режалаштириш қоидалари ва усулларини; жиноятларни очиш ва тергов қилиш пайтида терговчининг тергов ҳаракатларини ҳамда бошқа ҳаракатларини; иштирокчилар ўртасида вазифалар тақсимланишини; терговчи ва суриштирув органлари тезкор ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишни; жамоатчиликни ва

оммавий ахборот воситаларини жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашга жалб этишни ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

4. Комплекс тактик усуллар – булар жиноятларни очиш ҳамда тергов қилиш пайтида илгари кўрсатиб ўтилган ва бошқача мазмундаги терговчи ҳаракатларини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш йўлларини уйғунлаштиради. Масалан, содир этилган жиноятда ўз айбини инкор этаётган айбланувчини сўроқ қилишда саволларни қўйиш кетма-кетлигини танлаш сўроқ қилинувчининг руҳияти хусусиятларини, унинг айби юзасидан тўпланган далиллар мазмуни ва аҳамиятини ҳамда сўроқ қилишда ҳимоячи, мутахассис, прокурор ва бошқа шахслар иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоғи лозим.

Ўзининг йўналишига кўра криминалистик тактик усуллар қуйидаги шароитларда қўлланиш учун ишлаб чиқилади:

типик тергов вазиятлари;

низоли тергов вазиятлари;

экстремал тергов вазиятлари;

тергов ва суриштирувга қарши уюшган ҳаракат;

«эски» очилмаган жиноят ишлари бўйича ишлаш ва ҳоказолар.

Криминалистик тактик усуллар ҳажми (кўлами)га кўра:

юзма-юз (масалан, юзлаштиришда шахсларни сўроқ қилиш тартибини белгилаш);

криминалистик тактик комбинациялари тарзида бўлади.

Иккинчиси, яъни тактик комбинациялар битта тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида умумий вазифани ҳал этишни кўзда тутувчи бир неча тактик усуллар бирикмасидан иборат бўлади. Масалан, айбланувчининг уй-жойини тинтув қилишда махфий жойни аниқлаш бўйича криминалистик тактик комбинацияси техник, психологик, мантиқий ва бошқа усулларни ўз ичига олади.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, криминалистик тактик усулларидан муваффақиятли фойдаланиш учун жиноят ишлари бўйича тергов вазиятларини тўғри тушуниш ва баҳолаш зарур.

Тергов вазиятлари тўғрисидаги криминалистика назарияси Р.С.Белкин, И.Ф.Герасимов, Л.Я.Драпкин, Н.А.Селиванов, Н.П.Яблоков, О.Я.Баев, В.П.Бахин ва бошқа криминалистларнинг асарларида ривожлантирилган. Уларнинг асарларида таъкидланадики, тергов вазиятлари ҳар қандай жиноят ишларини тергов қилиши ишни юритишнинг ҳар бир пайтидаги ҳолатини акс эттиради ва шу боис вазият таҳлилини тўғри амалга ошириш тергов фаолиятини

ташкил этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда эътироф этиш керакки, жиноят ишлари бўйича тергов вазиятлари тайин бир жиноятни тергов қилишнинг муайян пайтидаги ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи ҳолатлар мажмуидан иборат бўлади. Ана шу ҳолатлар таркибини тергов вазиятларининг элементлари деб ҳам аташ мумкин. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1. Тергов вазиятининг жиноят хусусиятлари ва у ҳақдаги ахборот билан боғлиқ элементлари:

жиноий ҳаракатлар таркиби (вақти, жойи, усули ва ҳоказо).

жиноятнинг оқибатлари.

жиноятни содир этган шахслар сони ва улар тўғрисидаги маълумотлар.

гумон қилинганлар ушланганми ёки ушланмаганми.

ўғирланган нарса топилганми ёки топилмаганми ва шунга ўхшашлар.

- жиноят содир этилган пайтдан то жиноий ҳодиса тўғрисидаги ахборот маълум бўлгунга қадар ўтган вақт.

- жиноий ҳодиса тўғрисидаги дастлабки ахборот мазмуни ва манбаи.

- жиноий ҳодиса тўғрисидаги дастлабки ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва тегишлилиги.

2. Тергов вазиятининг тергов қилиш натижалари билан боғлиқ элементлари:

- тергов қилишнинг дастлабки босқичида тергов фаолиятининг мазмуни ва натижалари билан боғлиқ элементлар.

- кейинги тергов қилиш босқичида тергов фаолиятининг мазмуни ва натижалари.

- тергов қилишнинг хотима қисми мазмуни.

3. Тергов вазияти давомида терговчининг шахси ва унинг иш шароитлари билан боғлиқ элементлар:

- терговчининг малакаси ва ихтисоси.

- терговчиликдаги иш тажрибаси.

- терговчининг шахсий тайёргарлиги (жисмоний ва маънавий-руҳий ҳолати).

- касбий билимлари, маҳорати, кўникмалари даражаси ва бошқалар.

- тергов бўлинмасида бошқарувни ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг аҳволи.

- криминалистик ва махсус техника, транспорт, девонхона материаллари ва сарф-харажат материаллари.

- терговчининг ўз иш юритишидаги бошқа жиноят ишлари билан бандлиги.

- терговчининг турли хизмат вазифаларини (навбатчилик, айрим топшириқлар ва ҳ.к.) бажаришга жалб этилиши.

Гарчи мазкур рўйхат тўла-тўкис бўлмаса ҳам, у жиноятларни тергов қилишда юзага келадиган тергов вазиятларининг элементлари турлича аҳамиятга эга бўлишини кўрсатади. Уларнинг бир хиллари тергов фаолияти учун объектив хусусиятга эга бўлади. Бошқа элементлар терговчининг шахси ҳамда унинг иш шароитлари билан боғлиқ ва шу сабабли тергов фаолияти учун субъектив аҳамиятга эга. Бироқ тергов вазиятини баҳолашда фақат биринчи элементларни қайд этиш билан чекланиш ҳамда жиноятларни очиш ва тергов қилишни ташкил этишга улардан кам бўлмаган даражада таъсир кўрсатадиган иккинчи гуруҳдаги ҳолатларни истисно этиш хато бўлур эди.

Ушбу элементларнинг ўзига хос хусусиятларига ва уларнинг бир-бири билан уйғунлашувига қараб тергов вазиятларининг ҳар хил кўринишлари юзага келади. Улардан бир хиллари жиноят ишларини тергов қилишда тез-тез, бошқалари камдан-кам учрайди. Шу боис уларнинг такрорланиб туриш хусусиятига кўра типик ва алоҳида тергов вазиятларига бўлинади.

Тергов қилиш вазифалари бажарилишига эришиш нуқтаи назаридан тергов вазиятлари қулай ва ноқулай хусусиятга эгалиги билан, яъни мазкур жиноятни тез ва тўла очиш, тергов қилиш имконини берадиган ёки жиноят иши бўйича ҳақиқат аниқланишини қийинлаштирадиган хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Жиноят ишларини тергов қилиш босқичларига татбиқан олганда тергов вазиятлари бошланғич, оралиқ ва якунловчи бўлади.

Жиноятларни фош этишда жиноят процесси иштирокчилари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мазмуни нуқтаи назаридан тергов вазиятлари низоли ва низосиз вазиятларга бўлинади.

Тергов қилиш шароитларига татбиқан олганда тергов вазиятлари экстремал ва нормал бўлиши мумкин. Шу тариқа, экстремал ёхуд аниқроғи кечиктириб бўлмайдиган, шошилинч ҳал этишни талаб қилувчи тергов вазиятлари мазкур жиноятни тергов қилишнинг муайян пайтида юзага келадиган ҳолатларнинг ниҳоятда ўзгача тарзда кечишини билдиради.

Юзага келаётган тергов вазиятларини таҳлил қилиш натижалари терговчи томонидан тактик ечим - терговнинг боришига таъсир кўрсатиш мақсадини аниқлаш ҳамда унга эришиш воситалари, услублари ва усулларини белгилашдан иборат бўлган хулоса тариқасида ифода қилинмоғи лозим.

Тактик ечимлар оғзаки ва ёзма бўлиши мумкин. Улар тергов қилиш режаси, алоҳида тергов ҳаракатини ўтказиш режаси, жиноят иши бўйича қарор, суриштирув органларига топшириқ ва бошқа шу сингарилардир.

Тактик ечимлар тергов ҳаракатларини, комбинациялар ва операцияларни ўтказиш тартибини белгилаб, иш бўйича тергов фаолиятига чекланган тарзда таъсир кўрсатади. Айни чоғда терговчининг услубий ечимлари тергов қилишнинг умумий йўналиши ва изчиллигини белгилайди ҳамда шу билан бирга стратегик аҳамиятга ҳам эга.

13-боб ТЕРГОВ ВЕРСИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТАЪЛИМОТ

1-§ Тергов версияси тушунчаси ва таснифи

«Версия» атамаси фақат криминалистикада эмас, балки дунёвий илмларнинг кўпгина бошқа соҳаларида ҳам қўлланилади. Масалан, матншуносликда қўлёзма мазмунидан англашиладиган фикр хусусидаги ҳар хил версиялар ҳақида сўз юритилади. Одатда филологлар ва санъатшунослар бадиий асарларнинг версияларини муҳокама қиладилар. Тарих фанида тарихий далилларнинг бир-бирига зид изоҳлари (версиялари, яъни соддароқ айтганда, эҳтимол тутилган ҳолатлари) ўзаро рақобатлашади. Уларни жиноят судлов ишларини юритишнинг бошқа версияларидан ажратишга, бу тушунчанинг криминалистикадаги вазифаси ва мазмунини аниқлаб олишга интилиш «тергов версиялари» сўз бирикмаси юзага келишига сабаб бўлди, унинг тўғрисида мустақил таълимот шаклланишига кўмаклашди.

Ушбу криминалистик таълимот жиноят судлов ишларини юритишдаги версия тушунчаси, унинг асослари ва тузилиши, уни текшириш ва баҳолаш ҳақидаги назарий қоидалар мажмуидан иборатдир.

Тергов версияларининг моҳияти уларнинг қўлланиш соҳаси – жиноят ишларини тергов қилиш билан боғлиқ. Тергов қилиш – бу ўтмиш воқеликни билиб олиш жараёнидир. Унинг объекти юзада ётмайди. Терговчи илгари бўлиб ўтган, тўғридан-тўғри идрок этиб бўлмайдиган далилларни била бошлайди. Тергов қилиш – бу тафаккур ва тасаввурга, ҳиссий ва мантиқий билишга асосланган, тергов амалиётида тузатишлар киритиб бориладиган чуқур ҳамда ижодий мушоҳададир. Ниҳоят, тергов қилиш – бу далилларни шунчаки қайд этиш эмас, балки мураккаб диалектик жараёндир: терговчи ҳодисанинг ташқи жиҳатидан унинг туб моҳиятини, сабабларини, алоҳида-алоҳида фактлар ўртасидаги алоқаларни аниқлагани сари чуқур тушуниб боради. Бу жараён машаққатли, зиддиятли, кўп босқичлидир. Уни ишончли йўналишсиз амалга ошириб бўлмайди.

Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш бошқа соҳалардаги билимлар тўплаш жараёни каби воқеа тўғрисидаги муайян бўлмаган, эҳтимоллик даражасига эга бўлган маълумотлар тўплаш, уларни аниқлаб тўлиқ ва аниқ билимни қўлга киритишдир. Тергов қилинаётган воқеа тўғрисида маълумот тўлиқ ва аниқ эмаслиги табиий ҳолат бўлиб, терговчи аниқлаган фактларнинг аксарияти тахминий бўлиши мумкин. Ушбу фактларнинг келиб чиқиши табиати ҳам шу каби аниқ

бўлмаслиги терговчини тахминий фикрга олиб келиши мумкин. Далилларни босқичма-босқич таҳлил этиш уларни текшириш, жиноятга оид ахборотнинг тўпланиши билан эҳтимоллик тарзидаги фикрлар тўлиқ ва аниқ бўлган маълумотлар билан алмашади, тахминлар ўз ўрнини аниқ хулосаларга бўшатиб беради.

Тергов версияси – бу терговчининг текширилаётган ҳодиса моҳияти ва сабаблари, айбдор шахслар ва улар айбининг хусусияти, ишнинг бошқа ҳолатлари тўғрисидаги тахминидир. Бу маълумотлар ва далилларнинг мумкин қадар кенг умумлаштирилиши, уларнинг ягона изоҳ билан бирлаштирилиши демакдир; версия жиноятни тўлиқ очишга, жиноятчиларни фош қилишга, айбсизларни оқлашга қаратилган. Ниҳоят, тергов версияси – бу текширилаётган ҳодисаларнинг терговчи тасаввурида фикран яратилган образи, модели, шакл-шамойилидир.

Тергов версияси – фикрлаш жараёнининг учта жиҳати: билишга оид, мантиқий ва руҳий жиҳатлари бирлигининг натижасидир. Айнан шу боис криминалистик назарияда унинг моҳияти хусусида турлича нуқтаи назарлар таркиб топган. Ушбу бир-бирига мос келмайдиган хусусиятлар учун умумий бўлган нарса шуки, уларнинг барчаси мураккаб, кўп маъноли версия тушунчасининг қирраларидан бирини акс эттиради. Жонли инсоний фикр-мулоҳаза фикрий образ ва моделнинг фаразлари ва изоҳлари сифатларини жамланган ҳолда ўзида уйғунлаштиради.

Фикр юритиш мантиқ қоидалари асосида кечгани сабабли, одамни чинакам билишга (воқифликка) олиб боради. Шундан келиб чиқиб, тергов версиясига криминалистикада фаразнинг бир тури тариқасида, унинг хусусий, алоҳида ҳодисаси тариқасида қаралади. Версияни бошқа фаразлардан фарқловчи белгилари қуйидагиларда намоён бўлади: 1) амал қилиш соҳасида (жиноят судлов ишларини юритиш); 2) мазмунида (иш учун аҳамиятли фактик маълумотлар ўртасидаги тахмин қилинган алоқалар); 3) текширишнинг ўзига хос усулларида (далилларни тўплашнинг процессуал усуллари); 4) пировард мақсадда (жиноят судлов ишлари бўйича ҳақиқатга эришиш).

Тергов версияларини изоҳлашнинг алоҳида тури тариқасида талқин қилганда текширилиши лозим бўлган далилларни изоҳлашнинг эҳтимол тутилган турли вариантлари назарда тутилади. Бундай нуқтаи назар ўз асосларига эга. Фараз ва изоҳ – билишнинг ўзаро боғлиқ категорияларидир. Версияни бундай тушуниш уни ўрганишда

мантиқ ва гносеология (билиш назарияси) қоидаларидан фойдаланиш имконини беради.

Фараз тушунчасининг бир нечта тавсифи мавжудлигини назарда тутиш лозим. Жумладан: 1) ҳодисалар боғланишларининг бевосита кузатиладиган шакллари ёки ана шу ҳодисаларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳақидаги алоҳида тахмин; 2)муайян бир фикрга келиб тахминни олға суриш; 3) олға сурилган тахминни исботлаш, яъни текширилишини ҳам ўз ичига олади. Жиноят-процессуал ва криминалистик адабиётларда версия ва фаразнинг алоқасини кўриб чиқишда фараз тушунчасининг ана шу ҳар хил маъно-мазмунига таянадилар.

Психологик нуқтаи назардан версия – тасаввур маҳсули (фантазия). Тасаввур муайян объект ҳақидаги идрок ва тушунчани ҳозирча кузатиш доирасидан ташқарида турган янги образларга айлантириш имконини беради.

2-§ Тергов версияларини тузиш, текшириш ва натижаларини баҳолаш

Ҳар бир ишни тергов қилишда такрорланмас далиллар мажмуи намоён бўлади. Унинг ўзига хослиги жойнинг ва вақтнинг муайян ҳолатлари, жиноятчиларнинг мақсадлари ва важ-баҳоналари ва уларнинг ҳийла-найранглари билан боғлиқ бўлиб, барчаси ўз навбатида сон-саноқсиз бошқа сабаблар ва шарт-шароитлар билан ҳам алоқадордир. Ана шу ҳолатларни билиб олиш ва англаб етиш – доимо ижобий натижа беради. Шу боис уни ҳал этишга қаратилган ҳар бир ҳаракат тасаввур қилишни талаб этади. Масалан, терговчи бузиб очиш изларини текширар экан, уларда эзилган ва кўчган жойларнигина кўрмайди. У мисранг (лом)дан фойдаланиб, эшикни бузиб очиб, хонадонга кирган номаълум кимсанинг образини фикран кўз олдида гавдалантиради. Хўш, гавдаланиш қандай пайдо бўлади? Бунга асосан тасаввур ёрдам беради. Тасаввур бевосита кузатиш маълумотларини ҳамда хотирадаги маълумотларни – илгари олинган таълим ва амалиётнинг натижаси сифатида хотирада сақланиб турган тушунчалар (образлар)ни бир бутун қилиб бирлаштиради.

Тасаввурда яратилган версия ёки образ билиб олишдан иборат муҳим вазифани бажаради. Терговчи уни таҳлил этар экан, кўз олдига келтирилаётган ҳодисанинг эҳтимол тутилган изларини хаёлан қидиради, далилий маълумотларни ҳиссий ва мантиқий излаш йўнали-

шларини белгилаб олади. Бу излар ва ҳодиса тўғрисидаги тасаввур таққослаш асосида амалга оширилади. Агар топилган излар тасаввурда яратилган образга мос келмаса, тасаввурга янгидан озиқ берадиган маълумотларни қидиришга киришади. Бундай изланишлар текширилаётган ҳолатлар ҳақида янада янги тасаввурларни вужудга келтиради. Асоссиз, яъни таги пуч, хом хаёллар ва уйдирмалар бундай ижодий тасаввур этишнинг тескарисидир. Улар ҳақиқий воқеликдан ажралиб қолган бўлиб, терговни муқаррар равишда ҳақиқатдан узоқлаштиради ва кўпинча суд хатосига сабаб бўлади.

Тергов версияси қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши зарур:

реал бўлиб, далилий маълумотларни ўрганиш асосида тузилган бўлиши;

илмий маълумотларга мос келиб, уларга қарши чиқмаслиги;

мантиқан тўғри тузилган ва қарама-қаршиликларга эга бўлмаслиги.

Ниҳоят, версиялар моделлаштириш назарияси нуқтаи назаридан тергов қилинаётган ҳодисанинг ҳар жиҳатдан тўкис ахборот берадиган мантиқий моделидир. Бундай ёндашув уларни ишлаб чиқиш, текшириш ва баҳолашнинг замирида моделлаштириш назарияси тушунчаси ва концепциялари ётадиган янги йўлларни очади.

Фикрий эксперимент концепцияси алоҳида амалий аҳамиятга эга. Бундай эксперимент мураккаб ақлий операциядан – тахмин қилинаётган жараённинг, воқеалар кечишининг ҳақиқий объектлар (шахслар, нарсалар) фикрий моделлар билан алмаштирилган хаёлий манзарасини яратишдан иборатдир.

Версияларни олға суриш субъекти ва фаолият хусусиятига кўра, текшириш чоғида *тергов* ва *суд, қидирув* ва *эксперт* версиялари фарқланади. Тергов қилинаётган ҳодиса ҳолатларини изоҳлаш кўламига кўра улар *умумий* ва *хусусий*ларга бўлинади. Умумийлари ҳодисани умуман изоҳлаш, хусусийлари унинг айрим томонларини изоҳлаш учун тузилади.

Аниқлиги даражасига кўра тайин (аниқ ва мавжуд) ва ахтарув (қидирув) версиялари фарқланади. Биринчиси – бу иш учун аҳамиятли объектларнинг (ҳодисалар, ҳаракатлар, нарсалар, жараёнларнинг) ҳиссий-кўргазмали тасаввур этиладиган образларидир; иккинчиси – бу терговчи деярли ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган объектларни излашнинг эҳтимол тутилган йўллари хусусидаги муаммоли тасаввур этишдир.

Масалан, терговчи ҳодиса содир бўлган жойда мурдани кўздан кечиришда яраланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, қотил ўқотар қуролдан фойдаланганини тахмин қилади. Терговчи милтиқдан ўқ узган кимсанинг қиёфасини хаёлан чизади. Жиноятчи ва унинг қуролининг бундай ҳиссий-кўргазмали образи тайин версияга мисолдир. Бироқ мурданинг ёнида жиноятчи ҳақида бошқа маълумот берадиган излар йўқ деб фараз қилайлик. Терговчи кўздан кечириш доирасини кенгайтиради. Нима учун у шундай қилади? Тергов қилинаётган ҳодисага алоқадор бўлган ниманидир топиш мақсадида. Ана шу "нимадир" - ов милтиғини ўқлашда ўқ устидан босиб шиббаланадиган латта, жун ва бошқа шу сингарилар ҳам, ташлаб юборилган гильза ҳам, пойабзал изи ҳам бўлиши мумкин. Бу тахмин қилинаётган изларнинг аниқ шакл-шамойили терговчи онгида ҳали пайдо бўлмаган. Ҳозирча уларни ахтариш доираси ҳақида тахминлар бор, холос. Ахтаришга оид версия ана шу тахминлардан иборат бўлади. Терговчида жабрланувчининг қотиллик содир этилишидан олдинги даврдаги турмуш тарзи, алоқалари, хатти-ҳаракатлари, ўй-мақсадлари тўғрисидаги ва ҳоказо тахминлари ҳам ахтаришга оид версиялар бўлади.

Асосий версиялар ва қарши версиялар фарқланади. Қарши версиялар – бу асосий версиянинг тахминга асосланган мантиқий инкоридир. Масалан, асосий версия – қотилликни К. содир этган, қарши версия – қотилликни К. содир этмаган.

Баъзан иш версиялари (терговчи айни чоғда иш олиб бораётган версиялар); мантиқий тўғри, яъни асосли ва нотўғри версиялар, шунингдек, чин, яъни воқеликка мос ҳамда *сохта,* воқеликка номувофиқ версиялар ўзаро фарқланади.

Версиянинг реаллиги тўғрисидаги хулоса чиқариб ташлаш усули (иш материалларида ягона бир версиядан бошқа барча версияларни рад этувчи далиллар мавжуд) ҳамда инкор усули (аниқ тасдиқланган бир версиядан бошқа версиялар инкор этилади) орқали амалга оширилади.

Тергов версиясини тузиш – номаълум фактлар ва улар ўртасидаги алоқалар ҳақидаги тахминни олға суриш демакдир. Аниқланган тахминлар ёрдамида изоҳланиши лозим бўлган далилий маълумотлар ана шунга асос бўлади, бундай маълумотларни версиянинг асоси деб атайдилар.

Тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотлар жуда аниқ бўлгани тақдирдагина версия қилиш учун асос бўлиши мумкин. Бунга, ўз навбатида, бир қатор шартларга риоя этилган тақдирда эришиш

мумкин (маълумотлар бир қанча мустақил манбалардан, илмий-техника воситалари қўлланилган ҳолда, турли усуллар ёрдамида олинган бўлиши керак).

Тергов версиясининг тузилишида қуйидаги элементлар мавжуд:

тергов давомида олинган ва унинг ўзагини ташкил қилувчи маълумотлар;

ушбу маълумотларни ўрганиб чиқиш;

мазкур маълумотларни ўрганиб чиқиш натижасида илгари сурилган тахминлар, бу фактларнинг эҳтимолий изоҳи, уларнинг келиб чиқиши ҳамда улар орасидаги алоқа;

ҳар бир версиянинг йўлини аниқлашга кўмаклашадиган натижаларни ишлаб чиқиш;

натижаларни амалий текшириш ва уларни баҳолаш.

Хизмат изқувар итининг хатти-ҳаракати ҳақидаги маълумотлар тергов версияларини тузиш учун асос сифатида етарли эмас. Версиялар асосан текширув учун яратилади. Версиянинг асоси ва тахмин қилинаётган ҳолат ўртасидаги боғланиш текшириш объекти бўлади. Агар ит тегишли маълумотлар версия учун ўз-ўзидан асос бўлиши мумкин бўлган объектларга олиб бормаса, терговчи нега шундай бўлганини аниқлаши лозим бўлади. Итнинг бирон-бир хатти-ҳаракати (йўл кўрсатувчининг буйруғига номувофиқ ҳаракат қилиши, тасодифий йўловчи изига тушиши, қор остида юрган дала сичқони кетидан қувиши ва ҳ.к.) сабабларини аниқлашга берилиб кетиш беҳуда ишдир.

Шунингдек, версиялар қилиш учун тарқатувчиси номаълум хабарлар ва миш-мишлардан ҳам фойдаланмаслик керак. Бу уларнинг келиб чиқиш манбаи, тергов қилинаётган ҳодиса билан алоқалари ва муносабатлари номаълумлиги ҳамда шу туфайли текшириш имкониятлари чекланганлиги билан боғлиқдир.

Версияларни тузиб чиқиш – бу мураккаб фикрлаш жараёнидир. У узуқ-юлуқ эҳтимол тутилган маълумотлардан тўла-тўкис ва ишончли маълумотлар сари ўтиб боришдаги муҳим босқичдир. Бунда мантиқий фикрлаш (тафаккур) усуллари – анализ ва синтез, индукция, дедукция ва аналогия катта аҳамиятга эга.

Анализ ва синтез мантиқий фикрлашнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро боғлиқ усуллари ҳисобланади. Бу қоида тергов қилиш жараёнида тўла рўёбга чиқарилади. Унинг дастлабки даврида одатда тергов қилинаётган ҳодисани тавсифловчи тарқоқ далилларгина бўлади. Терговчи ана шу далилларнинг турли жиҳатлари ва аломатларини

таҳлил этар экан, уларни синтез ёрдамида умумлаштиради ва шу асосда текширилаётган ҳодисага оид турли-туман изоҳлар топади.

Индукция – бу хусусийдан умумий сари, далиллардан умумлаштиришлар сари фикр юритиш усулидир. Тергов қилишнинг дастлабки босқичидаёқ бу усулдан фойдаланиш, турли далилларни, уларнинг айрим жиҳатларини умумлаштириш иш бўйича версия тариқасида иштирок этувчи тахминий хулосаларга келиш имконини беради.

Дедукция – умумийдан хусусий сари фикр юритиш усули, яъни умумий қоидалардан хусусий хулосаларга ўтишдир. Бу усул ёрдамида версиялар тузиб чиқиш учун илмий ва тажрибага асосланган қоидалардан фойдаланилади, улар текширилаётган ҳодиса, воқеа, далил билан таққосланади. Масалан, агар тўппонча стволи каналида чирк бўлмаса, ўқ отилгандан кейин ствол каналидаги мой албатта йўқ бўлиб кетиши ва чирк ҳосил бўлиши ҳақидаги билимдан фойдаланиб, ана шу тўппончадан ўқ узилмагани тўғрисида хусусий хулоса чиқариш мумкин. Индукция ва дедукция версияларни бир-биридан ажратмаган ҳолда олға суришда қўлланилади ва ўзаро узвий боғлиқдир.

Аналогия услуби фактларни айрим белгиларига кўра фикран таққослашдан иборат. Айрим белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаб, бошқаларининг ўхшашлиги ҳақида тахминий хулоса чиқарилади. Масалан, тажрибадан маълумки, пул маблағларини талон-тарож қилишларнинг айрим турлари учун касса ҳужжатларини қириб ўчириб ўзгартиришлар хос бўлади. Қириб ўчирилган касса қайдномаси (ведомости)ни аниқлаб, кузатув натижаларини аввал тўпланган маълумотлар билан таққослаб мазкур ҳолда ҳам талон-тарож қилиш ҳодисаси бўлганлиги ҳақидаги версияни олға суриш мумкин.

Аналогия агар муҳим белгиларга кўра таққослаш натижаси бўлса, асослидир. Аксинча, унчалик аҳамиятли бўлмаган белгиларига кўра қилинган аналогия версияни эмас, балки асоссиз уйдирмаларни келтириб чиқаради. Аналогия ўзаро алоқадор белгиларнинг бутун мажмуини эмас, балки улардан дуч келган биттасини қамраб олса, версияни тузиб чиқишда хатоликлар юз бериши мумкин.

Тергов версияларини ички ҳис, сезги (интуиция) асосида тузиб чиқиш мумкинлиги ҳақидаги масала баҳсли ҳисобланади. Ички ҳиснинг, сезгининг табиати хусусида хилма-хил қарашлар бўлгани ҳолда, у шубҳасиз, терговчининг билиб олиш ва англаб етиш билан боғлиқ фаолиятида муайян ўрин тутади. Ички ҳис, сезги муаммосига

тажриба асосида, яхши ўйлаб, холисона ёндашиш жиноят ишлари бўйича исботлашда ундан фойдаланишнинг аҳамияти ва чегараларини белгилашдан иборат бўлади.

Тергов қилишда сезгидан фойдаланишга қарши чиқувчилар терговчининг ички ишончини ҳис, сезги билан алмаштиришга, яъни ҳис, сезги ўрнига ички ишончни қўйишга қатъият билан қарши чиққанда ҳақдирлар. Бироқ бошқа томонга оғиб кетмаслик ҳамда жиддий тергов ва суд хатоларига олиб келадиган олдиндан бичиб-тўқиб қўйишни ички ҳис, сезги деб атамаслик керак.

Ҳиссий гумонларнинг ғайришуурийлиги уларни версиялар деб эътироф этиш эҳтимолини истисно этади. Бироқ, ғайришуурийлик асоссизлик дегани эмас. Агар гумон муҳим далилларнинг ҳаётий кўринишларига таянса, хулоса ўзининг холисоналигидан маҳрум бўлмайди. Сезги ички ишончнинг ҳам, версияларнинг ҳам ўрнига ўтмайди. Лекин, агар мантиқий таҳлил натижасида унинг ҳақиқий, яъни холисона асослари аниқланса, гумон версияга айланади.

Баъзан ҳисни, сезгини – фикрнинг ишониб бўлмайдиган куртагидир, дейишади. Бироқ, бу тушунча унинг аҳамиятини камайтирмайди. “Куртак” улғайиб фикр ҳосил бўлади, гумон ривожлана бориб версияга айланади. Гумонга ортиқча суянмаслик, лекин уни инкор ҳам қилмаслик керак, чунки кўпинча ундан ҳақиқат сари йўл очилади.

Версияларни текшириш, сиртдан қараганда, – тергов ҳаракатларининг мажмуидир. Билиб олиш мавзуини (предметини) ташкил этувчи ҳодисалар, жараёнлар, ашёлар тугал, тўла-тўкис кўринишда бўлмайди. Шу боис уларни қидириш, қайд этиш, таҳлил этиш зарур. Терговчи ишга тааллуқли маълумотларни топгач, уларни яхшилаб кўриб чиқади, уларга ҳар жиҳатдан ёндашиб кўрикдан ўтказади, иш материаллари билан ва улар асосида тузиб чиқилган версиялар билан қиёслаб кўради. Натижада текширилаётган маълумотлар ё далиллар тизимига қўшилади, ё ишга дахлдор эмас деб топилади.

Терговчи қидириб талай далилларни ўрганиб чиқади, уларни, сўзнинг кўчма маъносида ҳам, том маъносида ҳам, кавлаштиради. Бу табиийдир. Чунки ашёдан далил сифатида фойдаланиш учун уни топиш, олиб қўйиш, олиб келиш, эҳтиётлаб сақлаш керак. Терговчининг бу ҳаракатлари версияларни текшириш воситасидир. Версиялар бу ҳаракатларни йўналтиради, уларнинг танланишига, мазмуни ва таркибига, амалга ошириш шарт-шароитларига таъсир кўрсатади. Шу

тариқа версияларни текшириш далилларни аниқ мақсадни кўзлаб ва мақсадга мувофиқ, яъни самарали тўплашдан иборат бўлади.

Бинобарин, тергов версияларини текшириш – терговчининг мантиқий фикр юритиши жараёнидир. У муайян қоидаларга бўйсунади. Булардан энг муҳими текширилаётган версиядан иш ҳолатлари бўйича барча зарурий ва эҳтимол тутилган, мумкин бўлган мантиқий хулосаларни чиқариб олиш кераклигидир.

Сўнгра, фикр юритиш натижаларини ҳақиқатда рўёбга чиқариш, яъни иш учун аҳамиятли далилий маълумотларни топиш, олиб қўйиш, мустаҳкамлаб қўйиш имкониятини берадиган тергов ҳаракатлари белгилаб олинади. Бунда қуйидагилар мақсадга мувофиқдир: 1) мантиқий хулосаларни текшириш ва далиллар олиш имкониятларини кенгайтирувчи барча мумкин бўлган тергов ҳаракатларини режалаштириш; 2) мавжудлиги баҳсли бўлмаган ва шубҳа туғдирмайдиган далилларни тасдиқлаш учун, зарурлиги яққол аён бўлмаган, бир хилдаги материалларни тўплашга берилмаслик; 3) бир-бирига зид маълумотлар мавжуд бўлгани тақдирда, терговчининг билиб олиш имкониятларини ҳамда далиллар манбалари рўйхатини имкони борича кенгайтирадиган тергов ҳаракатларини режалаштириш.

Версияларни текширишда қуйидаги жиҳатларга жиддий аҳамият бериш лозим:

версиядан барча тегишли натижалар чиқарилиши керак;

ҳосил бўлган натижалар ўртасида мантиқий алоқа бўлиши зарур;

версияни текшириш, тергов каби тезкор-қидирув тадбирлар ўтказишёрдамида амалга оширилиши мумкин;

турли версиялар бир вақтда текширилади. Текширувлар кетма-кетлиги терговнинг амалий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Шунингдек, версияларни текшириш учун биринчи навбатдаги вазифалар қаторида қуйидаги мақсадларни кўзда тутувчи ҳаракатлар амалга оширилади: 1) кечиктириш оқибатида йўқотилиши мумкин бўлган далилларни топиш (ҳодиса жойини кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, шахсларни суд-тиббий кўрикдан ўтказиш ва ҳ.к.); 2) терговга маълум бўлган, тергов ва суддан қочиб юрган хавфли жиноятчини фош этиш, қидириш ва яккалаб қўйиш; 3) ушланган ёки ҳибсга олинган гумон қилинувчига айб қўйиш учун асосларни аниқлаштириш; 4) иш бўйича барча ёки бир қанча версияларни текшириш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни олиш;

5) одатда талай вақт сарфлашни талаб қиладиган далилларни аниқлашга киришиш (тафтишлар, экспертизалар ва ҳ.к.); 6) терговга қарши ҳаракат қилишдан манфаатдор бўлган шахслар ўз мақсадида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар ошкор бўлиб қолиш хавфини бартараф этадиган янги далилларни топиш.

Тузилган версияни мантиқан ўрганиб чиқиш керак, яъни версиядан тахминий фикрлар тарзидаги барча мавжуд хулосаларни чиқариш зарур. Мантиқий йўл билан чиқариладиган хулосалар версияни тузишда ишлатилган фактлар, шунингдек, версиянинг ўзига ҳам таянади. Версиядан хулосалар чиқариш, уни конкретлаштиришдан иборат бўлиб, тергов қилинаётган ҳодисаларнинг конкрет ҳолатларига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Турли хилдаги ҳолатлар ёки фактларга оид тузилган версияларни иложи бўлса, бир вақтда, параллел равишда текшириш зарур. Шундай вазият юзага келиши мумкинки, ҳақиқатга энг яқин бўлиб туюлган версияни зудлик билан текшириш эҳтиёжи туғилади. Бундай ҳолатда, ушбу версияни тасдиқланмаганлиги ва инкор этилганлиги оқибатида бошқа версияларни текшириш имкониятини йўқотмаслик зарур.

Кўпинча иш бўйича тузиб чиқилган барча версиялар параллел равишда текширилади. Бу қоида муҳим амалий аҳамиятга эга: иш бўйича аниқланадиган ҳар қандай далил терговчи томонидан мавжуд версиялардан ҳар бири билан хаёлан таққослаб чиқилади. Ўзининг мазмуни ва аҳамиятига кўра у версиялардан бирини тасдиқловчи, бошқасига шубҳа туғдирувчи, шунингдек, рад этувчи ёки аҳамиятсиз ва хоказо тариқасида баҳоланади.

Версияларни текшириш натижаларини баҳолаш ўз моҳиятига кўра, далилларни дастлабки баҳолаш жараёнидир. У муайян қоидаларга бўйсунади, яъни: 1) эҳтимол тутилган барча версиялар тузиб чиқилган-чиқилмаганини яна бир бор текшириш зарур; 2) олға сурилган версияларнинг барчаси текширилганини аниқлаш; 3) текшириш натижасида тергов қилинаётган ҳодисанинг битта изоҳи сақланиб қолиши керак. Барча қолган версиялар асосли тарзда истисно этилиши шарт: барча бошқа версиялар асосли тарзда рад қилинган ва истисно этилган тақдирда битта версия фойдасига мақбул далилларнинг диалектик бирлиги таъминлаши лозим.

Версиялар процессуал шаклда ўтказилган ҳар томонлама текширилаётган ҳодисанинг барча муҳим тафсилотлари ва ҳолатларини

қамраб олади ва тўғри, ишончли билиш билан алмашганда исбот қилиш ўз ниҳоясига етади.

14-боб ТЕРГОВНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§ Терговни режалаштириш ҳамда ташкил этиш тушунчаси ва вазифалари

“Режа” сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кўра, бирор ишни тартиби билан ва ўз вақтида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал. Жиноят иши бўйича тергов қилиш режаси иш юзасидан чин ҳақиқатни аниқлашга қаратилган ҳаракатлар рўйхатини ўз ичига олган топшириқдир. Жиноятни тергов қилишни режалаштириш деганда жиноят-процессуал қонунчилигининг талаблари ва ҳодисанинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда тергов вазифаларини, уларни ечиш йўллари ва усулларини аниқлашга айтилади. Баъзан режа тузиш зарурлигини инкор этувчи терговчилар учраб туради, баъзи олимлар эса уни тузиш зарур эканига шубҳа билан қарайдилар. Дарҳақиқат, жиноятни қандай қилиб очиш кераклигига доир аниқ режани биз қонундан топмаймиз. Терговчи қўлланиши лозим бўлган чоралар ва усулларни илмий тадқиқот ишида ҳам кўрсатиш қийин. Аммо фан ва амалиётнинг тараққий этиши бундай қарашларни рад этади. Умуман олганда режалаштириш терговчининг аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятини таъминлайди, у нима қилиши кераклигини, қачон, қаерда ва қандай ҳаракат қилиши зарурлигини кўрсатади.

Жиноятларни тергов қилиш - билиш ва англаб етишга доир бошқа фаолиятда бўлгани сингари, шунчаки фактларни қайд этиш эмас, балки мураккаб ижодий жараёндир. Жиноятни тергов қилиш мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, терговчидан юқори савиядаги ташкилий ва ақлий қобилиятларни талаб қилади. Тергов қилишнинг мураккаблиги шундаки, далилларни фақатгина йиғиш эмас, балки ҳар томонлама текшириш, ўрганиб чиқиш ва уларни тўғри баҳолаш зарур, чунки жиноятчилар кўп ҳолларда турли хил айёрлик ишлатадилар: жиноят изларини яширадилар, жиноятга бахтсиз тасодиф, ўз жонига қасд қилиш ёки бошқа бир жиноят кўринишини беришга ҳаракат қиладилар ҳамда баъзи ҳолларда жабрланувчи, гувоҳ ва бошқаларга тазйиқ ўтказадилар.

Жиноят ишини тергов қилишда терговчи ҳодисанинг айрим фактлари ва ҳолатлари ўртасидаги мавжуд алоқаларни аниқлаш ҳамда билиб олиш сари, ҳозирги ҳолатни билишдан ўтмишни билиш сари боради. Бунда тергов версиялари терговчига йўналишни кўрсатувчи

бўлиб хизмат қилади. Улар режалаш асоси (ўзаги, ядроси) бўлиб, ҳаракатлар йўналишини, аниқлаштириш лозим бўлган саволлар доирасини белгилаган ҳолда тергов қилиш жараёнида муҳим ўрин тутади. Версиялар режалаштириш жараёнининг динамиклигини (жўшқинлигини) таъминлайди, чунки янги версиянинг пайдо бўлиши тергов қилишда юритилаётган режага тегишли тузатишлар киритишни талаб қилади. Бироқ, доимо эсда тутиш керакки, версия - бу тахминдир, у далил эмас, у нима бўлгани ҳақида мас, нима бўлиши эҳтимоллиги ҳақида дарак беради. Версия эҳтимол тутилгандан ҳақиқийга сари боришда ёрдам берадиган тафаккур шаклидир, холос.

Процессуал қонун жиноят иши бўйича қайси ҳолатлар исботланиши кераклиги хусусидаги тўғридан-тўғри кўрсатмани ўз ичига олади. Суриштирувни, дастлабки терговни ўтказишда ва судда ишни муҳокама этишда қуйидагилар исбот қилиниши керак бўлади: 1) жиноят ҳодисаси (жиноят содир этилган вақт, жой, уни содир этиш усули ва бошқа ҳолатлари); 2) жиноят содир этишда айбланувчининг айблилиги ва жиноят сабаблари; 3) айбланувчининг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар; 4) жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори. Шунингдек, жиноят содир этилишига кўмаклашган ҳолатлар ҳам аниқлаштирилмоғи лозим. Режани ишлаб чиқиш чоғида унда айтиб ўтилган ҳолатларни исботлаш учун амалга оширилиши мўлжалланган ҳаракатлар акс эттирилади. Бунда уларнинг рўйхати тугал эмаслигини, улар тергов қилинаётган ишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб кенгайиши мумкинлиги назарда тутилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тергов юқори савияда ташкиллаштирилганидагина аниқ бир мақсадга эришилади. Масалан: терговнинг мақсад ва вазифаларини, алоҳида ҳаракатларнинг ўтказилиш муддатлари ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш жуда муҳимдир. Терговчи ўз ҳатти-ҳаракатларини иложи борича аниқ ташкиллаштириши, ҳар бир тергов ҳаракатини батафсил ишлаб чиқиб, ўз ишининг истиқболларини кўра билиши зарур. Бу нарса тергов фаолиятини оптимал режалаштириш орқали амалга оширилади. Режа тергов фаолиятининг шакли ва мазмунини акс эттирган ҳолда терговчига муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли юридик адабиётларда режалаштиришни баъзан моделлаштириш (андозасини тайёрлаш) деб, режани эса – жиноятларни тергов қилиш бўйича терговчи фаолиятининг модели деб атайдилар.

Тергов қилишни режалаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) мазкур ҳол учун эҳтимол тутилган барча версияларни тузиб чиқишни; 2) уларни текширишнинг асосий йўллари ва усулларини белгилаб олишни; 3) далилларни ўз ичига олган манбаларни ва далилларни тўплашда ёрдам бериши мумкин бўлган воситаларни аниқлашни; 4) мўлжалланаётган тергов ҳаракатлари ва бошқа ҳаракатларни, уларни ўтказиш муддатлари, кетма-кетлиги ва тактик усулларини.

Режалаштириш терговчининг ёлғиз бир ўзи, терговчилар бригадаси ва тергов-тезкор гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин, лекин барча ҳолларда терговга раҳбарлик қилиш, иш тергов ҳаракатларини амалга ошириш терговчи зиммасида қолади.

Айтиш жоизки, ишларнинг аксарияти ёлғиз бир шахс томонидан тергов қилинади. Тергов қилишнинг бригада усули айбланувчилар кўп сонли бўлган мураккаб, кўп эпизодли (кўп воқеали) ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларда қўлланилади. Мазкур усул ҳар хил тергов ҳаракатларини (тинтувларни, гувоҳларни сўроқ қилиш ва бошқа шу сингариларни) бир вақтда ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Тергов-тезкор гуруҳлари “из босилмасдан” ўтказиладиган қидирув ишлари, жиноятчининг шахсини аниқлаш, тергов қилинаётган ҳодисанинг ҳолатлари ҳамда айрим эпизодлари ва бошқа шу сингарилар тўғрисидаги ахборот манбаларини топиш билан боғлиқ ўта мушкуллиги билан ажралиб турадиган жиноят ишларини тергов қилишга жалб этилади.

Ташкилий ишлар тергов қилишга экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўз ичига олади. Айрим жиноят таркиблари бўйича экспертларни жалб этиш процессуал қонун талаблари (ўлим сабабларини аниқлаш ва ҳ.к.) билан боғлиқ, қолган ҳолларда уларнинг иштирок этиши тўғрисидаги масала мажбурий бўлмаган хусусиятга эга, буни ҳал қилишни қонун терговчи ва суд ихтиёрида қолдиради.

Ташкилий-техник масалалар жумласига терговчининг самарали ишлаши учун зарур бўлган шароитларни яратиш: хизмат хоналарини жиҳозлаш, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлаш, техник хизмат кўрсатиш, илмий асосланган иш тартиботини (режимини) қўллаш, ҳисобга олиш ва ҳисобот беришни тўғри ташкил этиш, шунингдек, зарурий криминалистика техникаси, ёзув ва идора ашёлари ҳамда бошқа ёрдамчи материаллар билан таъминлаш киради. Ташкил

этиш ва режалаштириш масалаларини ҳал қилиш (ахборот айирбошлаш, тезкор-тергов кенгашларни ўтказиш ва бошқа тадбирлар) тергов қилиш жараёнида ҳам тугамайди.

2-§ Режалаштириш принциплари ва турлари

Режалаштириш тамойиллари – бу терговнинг негизини ташкил этадиган ва терговчи учун амал қилинадиган кўрсатмалар аҳамиятига эга бўлган қоидалардир. Уларга риоя этиш режалаштиришнинг илмийлиги ва самаралилигини таъминлайди. Тергов қилишни режалаштириш амалиёти унинг қуйидаги тамойилларини ажратиб кўрсатиш имкониятини беради:

1) режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги. Мазкур тамойил тергов қилинаётган жиноят ишларининг ўзига хос хусусиятлари (айбланувчининг шахси, жиноятни содир этиш усули ва ҳ.к.) билан боғлиқ. Ана шуларни ҳисобга олганда ҳар бир жиноят ишини тергов қилишни режалаштириш ўзига хос хусусиятга эга. Ана шу тамойилнинг бузилиши, режалаштиришда эски андозаларнинг қўлланиши салбий оқибатларга олиб келади. Терговчи тергов қилинаётган ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган барча тафсилотларни ҳисобга олиш имкониятидан маҳрум бўлади;

2) режалаштиришнинг ўз вақтидалиги. Бу тамойил режанинг белгиланган мақсадидан келиб чиқади. Агар тергов қилиш режаси барвақт ёки кечикиб тузилса, у ўз вазифасини бажаролмайди. Барвақт тузилса – терговчи тергов қилишнинг тўғри йўналишини танлашда янглишиб қолиши мумкин, кечикилса - тергов тартибсиз ўтказилади, кейинчалик тикланиши имконияти бўлмаган ҳолатлар терговчининг назари доирасидан четда қолиши мумкин;

3) режалаштиришнинг динамиклиги. Бу тамойилнинг аҳамияти режалаштиришнинг самаралилигини таъминлашдан иборат. Тергов қилишнинг дастлабки тузилган режаси ўзгаришсиз қолиши мумкин эмас. Тергов қилиш жараёнида у аниқлаштирилади, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилади. Ҳар бир тергов ҳаракатини ўтказиш режага тузатишлар киритиш зарурлигидан далолат берувчи материаллар бериши мумкин. Агар у ўз вақтида бажарилмаса, режа муқаррар равишда ўз самарадорлигини йўқотади;

4) режалаштиришни амалга ошириладиган бўлиши. Мазкур тамойил режанинг мақбул тарздаги барқарорлик шарти бўлиб хизмат

қилади. Бунга агар режада барча фактик маълумотлар ҳисобга олинса, ишни хатосиз тергов қилиш учун зарур бўлган масалалар унга киритилса, уларни ҳал этишга ёрдам бериши мўлжалланган ҳаракатлар эса ҳақиқатда амалга ошириш имконияти бўлсагина эришилади. Бундай шарт-шароитсиз терговчи режани рўёбга чиқаришда қийинчиликларга дуч келиб, тергов қилишнинг танланган йўли тўғрилигига ишончини йўқотиб қўйиши мумкин;

5) режалаштиришнинг муайянлиги. Бу тамойил билан режанинг терговчи қўлидаги қўлланма восита тариқасида тутган ўрни таъминланади. Терговчи режани тузар экан, жиноятни очиш бўйича ўз фаолияти дастурини белгилаб олади, мўлжалланаётган ҳаракатларнинг муддатларини белгилаб қўяди ва ҳ.к. Агар дастур ва уни амалга ошириш муддатлари тайин бўлмаса, режа ўзининг ташкил этувчилик аҳамиятини йўқотади.

Режалаштиришнинг кўрсатиб ўтилган барча тамойиллари ўзаро боғлиқ ва алоқадордир. Улардан биттасининг бузилиши муқаррар равишда бошқа тамойилларни ҳам бузилишига олиб келади.

Тергов қилиш режасини тузишда икки асосий элемент борки, уларнинг аҳамиятини инобатга олмай илож йўқ. Улар: а) далилий маълумотларни ўрганиб чиқиш ва бу терговнинг ишчи дастурини тузиш. а) далилий маълумотларни ўрганиш версияни тузишдагина асос бўлиб қолмай, балки тергов қилишни режалаштиришнинг ҳам асоси бўлиб хизмат қилиши.

Терговчи жиноят ишини, тўпланган маълумотларни, шу жумладан ашёвий далилларни жиноятни очиш истиқболи жиҳатидан ўрганишда қуйидагиларга аҳамият бериши зарур:

мавжуд далилий маълумотларнинг қайси бири аниқ ва текширувга муҳтож эмас ва қайсилари текширилиши ҳамда тузилган версияга биноан аниқланиши керак;

аниқ ва равшан бўлган ҳолатларни ҳамда мавҳум, шубҳали ҳолатларни аниқлаш;

тергов вазифалари ва уларни ечиш усулларини аниқлаш;

версияларни текшириш йўллари ва исботлашнинг чегараларини аниқлаш.

Тергов қилишнинг ишчи дастури жиноят хусусиятлари ва тергов босқичларига қараб ҳажм ва мазмун жиҳатидан турли хил бўлади. Масалан, бошланғич тергов босқичида у умумий ёки тахминий қидирув усули бўйича далилларни қидиришга қаратилган. Кейинги

босқичларда эса у кўпинча далилий маълумотларни баҳолашга йўналтирилган бўлади.

Ишчи дастурда тергов ҳаракатларининг таркиби ва мазмуни етакчи ўрин эгаллайди. Терговнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, қайси тергов ҳаракатларини биринчи навбатда ва қандай муддатларда бажарилиши, қандай ҳаракатларни кейинга қолдириш мумкинлиги, қандай ҳаракатлар жамоатчилик ёрдамига муҳтожлиги ҳамда тергов-тезкор тадбирлар ва тергов ҳаракатлари уйғунлигида ойдинлаштириш керак бўлган масалаларни аниқлаш зарур.

3-§ Режалаштириш ҳужжатлари

Ҳар бир иш бўйича тергов қилишнинг ягона режасини ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш режаларини тузиш одат тусини олган. Ишлар гуруҳи бўйича эса календарь режалар тузилади.

Режалар фикрий ёки ёзма бўлиши мумкин. Лекин режанинг ёзма шакли шак-шубҳасиз афзалликларга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳатто яхши ўйланган фикрий режани тузиш қобилиятига эга бўлган тажрибали терговчи ҳам аксари ҳолларда унинг барча тафсилотларини эсда сақлаб қола олмайди. Албатта, ёзма режани тузиб чиқиш қўшимча вақт сарфлашни талаб қилади, лекин улар режалаштиришнинг ана шу шаклида тергов қилишда эришиладиган тартиблилик ва бир маромдалик туфайли ҳамиша ўзини оқлайди.

Иш бўйича тергов қилиш режаси дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилгандан кейин тузилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзиёқ, қоида тариқасида, версиялар қилиш ва режа тузиш учун зарур ахборотларни беради. Одатда ишларни, айтайлик, мансаб билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилишда режани жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар асосидаёқ тузиш мумкин. Бироқ, дастлабки режа, юқорида қайд этиб ўтилганидек, барқарор эмас. Тергов қилиш жараёнида у “кенгаяди”. Тергов амалиётида бундай кенгайтирилган режа кўпинча бир қанча саҳифали дафтардан иборат бўлган қоғоз лента кўринишига эга бўлади.

Ёзма режанинг мазмуни тергов қилинаётган ишнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бир хил ҳолларда, кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олувчи режа ишлаб чиқиш шарт, бошқа ҳолларда амалга ошириладиган муддатлари кўрсатилиб, мўлжалланган ҳаракатлар рўйхатини белгилаб олиш билан чекланилади. Амалиётда режа одат-

да қуйидаги шаклда тузилади:

Текширилиши лозим бўлган версия	Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар	Тергов ҳаракат-лари ва тезкор-қидирув тад-бирлари	Ижро муд-дати	Ижрочи	Изоҳлар

Ойдинлаштирилиши лозим бўлган масалалар (ҳолатлар) доираси ҳавойи белгиланмайди, балки у версияларга ва режани тузиш ёки унга ўзгартишлар киритиш пайтида терговчи эга бўлган тайин ахборотга боғлиқ бўлади. Унга ортиқча ҳеч нарсани қўшмаслик керак, лекин зарурини эса эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари ойдинлаштирилиши лозим бўлган масалалар асосида, режалаштирилаётган ҳаракат бериши мумкин бўлган, энг эҳтимол тутилган мақбул натижани ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Мураккаб, гуруҳли ва кўп эпизодли ишларда ёрдамчи ёзма ҳужжатлардан самарали фойдаланиш мумкин бўлиб, уларда режанинг айрим масалалари батафсил кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар жумласига “шахсий ҳисобварақлар”, айбланувчиларнинг жиноий алоқалари, корхоналар таркибий тузилишини, ҳужжатлар айланишини кўрсатувчи схемалар ва бошқа шу сингарилар киради. Масалан, ҳар бир айбланувчига тузиладиган “шахсий ҳисобварақларда” зарурий бошланғич ахборот, айблаш формуласи, кўрсатувлар моҳияти сингарилар, ойдинлаштирилмаган масалалар, уларни аниқлаш усуллари ва ҳоказо акс эттирилади. Кўп эпизодли ишларда алоҳида эпизодлар бўйича режалар тузиш зарур бўлиб қолиши мумкин, уларда ҳар бир алоҳида эпизодга тааллуқли ҳаракатлар ва масалалар акс эттирилади.

Тергов амалиётида шунингдек, турли режалаштириш –моделини тузиш услуби қўлланилиб, у бажариладиган ишлар рўйхатини, ишнинг тартиб рақами, номи, давом этиш муддати ва бевосита ундан кейинги ишларнинг тартиб рақамлари кўрсатилади. Терговчининг бир турдаги ҳаракатлари гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин. Тўрли жадвалдан фойдаланиш терговчининг бир маромда ишлашига ва ишнинг муддатларини қисқартиришга кўмаклашади, бироқ уни тузиб чиқиш алоҳида тайёргарликни, бир қанча ҳолларда, мутахассис ҳам иштирок этишини талаб қилади.

Иш бўйича тергов қилиш режасига айрим тергов ҳаракатларининг режалари қўшимча қилинади. Айрим тергов ҳаракатлари жараёнида терговчининг далилларни топиш, мустаҳкамлаб қўйиш, олиб қўйиш, текшириш ва тадқиқ этиш бўйича бевосита ишлар амалга оширилади.

Тергов ҳаракатининг режаси терговни режалаштиришни тўғри ташкил этиш учун иш бўйича аниқланиши керак бўлган ҳолатларни тўғри тасаввур қила олишга кўмаклашади. Уларни аниқлашда эса азалдан еттита анъанавий саволга жавоб излаш тавсия этилади: ким, нима, қаерда, қачон, кимнинг ёрдамида, нима учун, қандай қилиб.

Аммо бу саволларга жавоб топишни ўзи кифоя қилмайди, уларнинг орасида айбни аниқлаш ва унинг шакли, жиноят оқибатлари, уни содир этилишига кўмаклашган ҳолатлар инобатга олинмаган. Шунинг учун, терговни режалаштиришда жиноят элементларининг ҳар бири бўйича иш олиб боришни ташкиллаштириши мақсадга мувофиқдир. Асосан қуйидаги элементларни назарда тутиш керак: 1) режалаштирилаётган тергов ҳаракати орқали ҳал этиладиган вазифа; 2) уни амалга ошириш вақти, жойи ва иштирокчилари; 3) иштирокчилар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши; 4) тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш чоғида ўтказилиши зарур бўлган тадбирлар; 5) айрим тергов ҳаракатларини бажариш кетма-кетлиги, бунда қўлланилиши мўлжалланаётган тактик усуллар ва техник воситалар; 6) тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ташкил этиладиган тезкор-қидирув тадбирлари; 7) олинган натижаларни қайд этиш усуллари.

Тергов ҳаракатлари режаси одатда кўрсатиб ўтилган элементларни акс эттирувчи рўйхат шаклида тузилади. Мураккаб, кўп эпизодли ишлар бўйича тергов ҳаракатларининг режалари жадваллар шаклида ишлаб чиқилиши мумкин. Кўпинча бундай режа-жадваллар сўроқларни ўтказишда қўлланилади. Режанинг шакли тўғрисидаги масалани режалаштирилаётган ҳаракатни ўтказадиган терговчи ҳал қилади.

Терговчилар гуруҳи томонидан ўтказиладиган терговни режалаштириш тергов қилиш гуруҳи усулининг ўзига хос хусусиятларига эга. Бу ҳолда режани тузишда терговчилар гуруҳининг барча аъзолари, мазкур ишни тергов қилишга жалб этиладиган ички ишлар органларининг ходимлари ҳам имкон борича иштирок этадилар. Гуруҳ томонидан тергов қилишда бир-бирининг ишини такрорлаш эҳтимоли ҳар доим мавжуд бўлади, шу сабабли ижрочилар ўртасида вазифала-

рнинг аниқ тақсимланиши алоҳида аҳамиятга эга. Вазифалар жиноятнинг мураккаблиги ва хусусиятини, шунингдек, гуруҳ айрим иштирокчиларининг тажрибаси ва қобилиятини ҳисобга олиб тақсимланади. Версиялар, эпизодлар, айрим тергов ҳаракатлари, муайян ҳудудлар вазифаларнинг тақсимланишига асос бўлиши мумкин.

Ҳар бир терговчи индивидуал режани гуруҳда вазифалар қандай тақсимланганига қараб тузади: терговчи алоҳида бир версияни, ҳолатни ёки маълум бир айбланувчининг (гумон қилинганнинг) жиноий фаолиятини ўрганиши мумкин. Вазифалар тергов ҳаракатлари хусусиятига қараб ҳам тақсимланиши мумкин: бир терговчига кўздан кечириш ёки тинтув топширилса, бошқа бирига гувоҳларни сўроқ қилиш топширилиши мумкин. Режалаштириш тартиби жиноятнинг ўзига хос хусусиятлари, терговчилар тажрибаси, ишнинг кўзланган ҳажмига чамбарчас боғлиқдир.

Терговни гуруҳ томонидан ўтказилганда режалаштиришда тергов ҳаракатлари терговчилар томонидан қайтарилмасликлари учун гуруҳнинг ҳамма аъзоларининг ҳаракатлари синчиклаб ташкиллаштирилиши ҳамда ўзаро келишувчанликка катта эътибор қаратилиши зарур.

Муайян версияни текшириш юзасидан топшириқ олган терговчи бунинг учун зарур бўлган ҳаракатларни бажаради. Муайян эпизодни тергов қилиш чоғида ҳам иш шу тарзда ташкил этилади. Вазифалар чегараланишининг ҳудудий усули терговчи тергов ўтказилаётган туман (шаҳар) доирасидан ташқарига чиқиш зарурати бўлганда қўлланилади.

Вазифалар тақсимланишининг қайси усули қўлланил-масин, раҳбарлик қилиш ишни ўз иш юритувига қабул қилган терговчининг, яъни гуруҳ раҳбарининг зиммасида қолаверади. Гуруҳ иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинуви қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, терговнинг бориши ва натижаларини биргаликда муҳокама қилиш имконияти шу қадар кўпроқ бўлади, шунингдек, тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари ҳам ўзаро мувофиқлаштирилган бўлса, режалаштириш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, терговчининг иш юритишида ҳар доим бир нечта иш бор бўлиши сабабли календарь режалаштириш зарур бўлади. Календарь режа ана шу жиноят ишлари бўйича вазифаларни мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Унда мазкур ишлар юзасидан кунлар бўйича тақсимланган тергов ҳаракатлари акс эттирилади. Кўпинча бундай режа бир ҳафта учун тузилади. Ҳафта ичидаги у ёки

бу воқеалар билан боғлиқ ҳолатларга қараб, календарь режага тегишли ўзгартишлар киритилади.

Терговни режалаштириш жараёнида терговчи єуйидагиларни амалга оширади

Єонунийлик
Илмийлик
Индивидуаллик
Асослик
Saётийлик
Аниєлик
Шароитлилик
Saракатчанлик
Тежамкорлик
Тезкор-єидирув тадбирлари билан єўшиб олиб бориш

Жиноятга доир ахборотни тўплаш, таslил єилиш ва basолаш
Иш бўйича исботланиши лозим бўлган so-латларни аниєлаш
Иш юзасидан версияларни илгари суриш
Тергов версияларини текшириш тартибини аниєлаш

Режалаштириш турлари

Бир неча иш бўйича (таєвимли)

Муайян иш бўйича (жорий)

Айрим тергов saракати бўйича

15-боб ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

1-§ Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий қоидалари

Жиноятни очиш ва жиноятчиларни фош этишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ичида ҳодиса жойини кўздан кечириш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг аҳамияти бу тергов ҳаракатининг ўзига хос бўлган хусусиятлари билан боғлиқ. Терговчи воқеа содир этилган жойда ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги ҳолати ва унга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш бўйича тергов ҳаракатлари ўтказади.

Ҳодиса содир этилган жойда кўп ҳолларда моддий из ва бошқа ашёвий далил сифатида жиноятчининг излари қолади. Бу изларни ва бошқа ашёвий далилларни қидириб топиш ва уларни процессуал қонун асосида ишга қўшиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ашёвий далиллар тўплангандан кейин терговчи содир этилган жиноятни очиш учун керакли маълумотларга эга бўлади. Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда тўпланган ашёвий далиллар терговчига жиноятни очиш ва тергов ҳаракатларини олиб бориш имкониятини беради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг хусусиятларидан яна бири, тергов ҳаракатини ўтказишда криминалистик техника воситаларини кенг миқёсда қўллашдир. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда криминалистик техникавий воситалардан фойдаланиш жиноятни ўз вақтида очиш учун ёрдам беради. Криминалистик техника воситалари кўзга кўринмайдиган изларни қидириб топишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш, кўп жиноятларни тергашда дастлабки тергов ҳаракати ҳисобланиб, терговни тўғри ташкил этиш, версияларни тузиш ва уларни текшириш ҳамда лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга имкон беради.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳар бир тергалаётган жиноят иши бўйича ўзига хос хусусиятга эга. Терговчи ушбу хусусиятларга биноан ўтказилаётган тергов ҳаракатини содир этилган муайян ҳолатга қараб ҳал этади.

Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчидан бу соҳада маҳорат билан ўз вақтида тезкор-қидирув ҳаракатларини ўзаро ҳамкорликда амалга оширишликни талаб этади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий тактик қоидалари бор. Уларга кўра, кўздан кечириш объектив бўлиши керак. Терговчи жиноят иши билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ҳар тарафлама ўрганиб, тўпланган материалларга объектив баҳо бериши лозим. Терговчи иш билан боғлиқ бўлган айрим фактларни, ашёвий далилларни иккинчи даражали далил деб ҳисоблаши мумкин эмас.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни кечиктирмасдан, ўз вақтида амалга ошириш керак. Терговчи жиноий ҳодиса содир этилганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин дарҳол ҳодиса жойига етиб бориши лозим. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга чиқишни кечиктириш, жиноий ҳодиса содир этилган ҳолат ва вазиятнинг ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин. Баъзи жиноятлар бўйича ҳодиса жойидаги ҳолат узоқ муддатга сақланиб турмайди. Автотранспорт ҳодисаси, бахтсиз ҳодисалар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари ҳодиса жойига чиқишни кечиктириш жиноий ишдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан ашёвий далилларнинг йўқотилиши ёки воқеа ҳолатининг ўзгартирилиб юборилишига олиб келиши, об-ҳаво ёмғир, қор ва бошқалар таъсирида баъзи излар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Ноаниқ, тўлиқ бўлмаган фактик маълумотлар иш бўйича далил сифатида фойдаланилмайди. Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасида топилган ва аниқланган фактлар иш бўйича далил бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Терговчининг асосий вазифаси ушбу фактлардан жиноятни ўз вақтида очишда фойдаланишдан иборат. Кўздан кечиришнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши ҳодиса жойи ҳолатини тўлиқ текшириш ва бирорта ҳам ашёвий далилнинг назардан четда қолдирмасликни таъминлайди.

Терговчи ҳодиса жойига чиқишдан олдин, содир этилган жиноятнинг характерини ҳисобга олган ҳолда ўзи ва холислардан ташқари, яна кимларни кўздан кечиришга жалб этиш масаласини ҳал этади. Жиноят процессуал кодекси 138-моддасида “Суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда холислар ва суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечиради”, дейилган.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда мутахассисларни жалб этиш асосий эътиборни ўзига жалб этади. Терговчи кўздан кечиришни ўтказиш жараёнида жиноий ҳодиса турини ҳисобга олиб (ёнғин чиқиш билан боғлиқ бўлган, йўл-автотранспорт ҳодисалари ва ҳ.к.), тегишли мутахассисларни кўздан кечириш жойига таклиф этишни

ташкил этади. Қоидага мувофиқ мутахассис терговчига ҳодиса жойини кўздан кечиришда ёрдам бериш учун таклиф этилади. У кўздан кечириш иштирокчиси сифатида тегишли баённомани имзолайди.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи томонидан таклиф этиладиган мутахассислардан криминалист-эксперт ходимларга катта эътибор берилади, чунки бу мутахассислар жиноятни очишда катта ёрдам беради.

Эксперт терговчининг топшириғига мувофиқ махсус услубларни қўллаб ҳодиса жойидаги излар ва бошқа ашёвий далилларни қидиради, аниқлайди, қайд этади ва кўчириб олади, ашёвий далилларни олиш ва жойлаш (упаковка қилиш)да зарур бўлган масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бироқ унинг роли техника воситаларини қўллаш билан чегараланиб қолмай, ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчига амалий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Криминалистлар ҳодиса жойини кўздан кечиришдаги ҳаракатлари терговчи ва тезкор-қидирув ходимларининг ҳаракатлари билан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилади. Кўп ҳолларда уларнинг берган фикрлари жиноятни очишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, мутахассис излар йўлакчасининг элементларини таҳлил қилиб, терговчига жиноятчининг ҳаракати, қандай юрганлиги, югурганлиги, бир жойда турганлиги тўғрисида муҳим маълумот бериши мумкин.

Мутахассис берган барча таклиф ва тавсияларни терговчи мақсадга мувофиқ ва керакли деб ҳисоблаб, ундан фойдаланиши мумкин. ЖПКнинг 70-моддасига мувофиқ, мутахассис ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиши, ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиб чиқиши ва ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатга оид бўлган арз ва мулоҳазаларни маълум қилиши мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг бошланиш босқичидаёқ эксперт мутахассис сифатида иштирок этган бўлса, кейинчалик у ушбу жиноят иши бўйича эксперт сифатида иштирок этиши масаласи муҳим аҳамиятга эга. ЖПКнинг 78-моддасига мувофиқ, ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин. Терговчи лозим деб топса, ҳодиса жойини кўздан кечиришда айбланувчини, гумон қилинувчини ҳам таклиф этади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда жабрланувчи ва гувоҳ иштирок этишининг ўзига хос хусусияти бор. Улар ҳодиса содир бўлган

ҳолатни ўз кўзлари билан кўриб, идрок этиб, бўлган ҳодисани тўғри баён қилиб беришлари мумкин. Ҳатто улар ҳодиса жойини кўрсатиб, барча содир этилган ҳолатлар тўғрисида аниқроқ маълумот беради.

2-§ Ҳодиса жойини кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тактикаси

Ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳаракатининг натижали бўлиши учун терговчи пухта тайёргарлик кўриши лозим, бундай тайёргарлик кейинчалик ишни мувофаққиятли якунлаш имкониятини беради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш икки босқичда амалга оширилади. Биринчиси, терговчининг ҳодиса жойига чиқишига қадар ўтказадиган тайёргарлик ҳаракатлари, иккинчиси, терговчининг ҳодиса жойига боргандан кейин ўтказадиган тайёргарлик ишлари.



SОДИСА РЎЙ БЕРГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОСЄИЧИДА ТЕРГОВЧИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН SАРАКАТЛАР

Sодиса содир бўлган жойга боришдан олдин	Sодиса жойига келганда
Sодиса характери, кўздан кечириш ўтказиладиган жойдаги asвол ва шароит тў¦рисида маълумотлар олиш Sодиса рўй берган жойни єўриєлаш чораларини кўриш Кўздан кечиришда иштирок этувчи шахслар доирасини аниєлаш Техник-криминалистик восита-ларни тайёрлаш	Жабрланганларга тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш Жиноятчини «излар совимасдан» ушлаш чораларини кўриш Sодисадан биринчи бўлиб хабар топган шахсларни, гувоsларни ва рўй берган воєеа saєида маълумотга эга бўлган шахсларни сўраб-суриштириш Sодиса рўй берган жойдан бегона шахсларни четлаштириш Иштирокчиларга йўл-йўриє бериш ва уларнинг вазифаларини белгилаш

Биринчи босқичда терговчи қуйидагиларни амалга оширади:

1) Ҳодиса жойидаги жабрланувчиларга ёрдам бериш чорасини кўриши, ҳодиса жойида тартиб ўрнатиш масалаларини ҳал этиши керак. Босқинчилик, талончилик, ўт қўйиш ва ҳ.к. жиноятларнинг содир этилиши тўғрисидаги хабарни олган терговчи, дарҳол ҳодиса жойини кўздан кечиришга чиқиши ва тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказишнинг тадбирларини кўриши лозим.

2) Терговчининг ҳодиса содир этилган жойга етиб боришига жуда қисқа муддат талаб этилса, ҳодиса жойида иштирок этиш учун терговчи ички ишлар органларига ҳодиса жойига зудлик билан етиб бориш тўғрисида хабар беради.

Терговчининг ҳодиса содир бўлган жойга ўз вақтида етиб келишида масофанинг узоқлиги, транспорт воситаси бўлмаганлиги сабабли у милиция ходимларига тегишли кўрсатма бериши мумкин. Терговчи уларга қуйидаги топшириқларни беради:

а) Ҳодиса жойини қўриқлаш, ҳеч кимни ҳодиса жойига киритмаслик;

б) Ҳодиса жойидаги ашёвий далилларни қўриқлаш;

в) Ҳодиса жойидан топилган изларни қайд этишда аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш;

г) Ҳодиса содир этилган вақтда ҳозир бўлган шахсларни аниқлаш ва терговчи етиб келгунга қадар бўлиб ўтган ҳолатларни улар орқали аниқлаш;

д) Терговчи жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар олиши билан жиноятни содир этган шахс тўғрисида ҳам маълумот олса, дарҳол уни қидириб топиш тўғрисида милиция ходимларига топшириқ бериши лозим.

е) Тергов чемоданининг тўлиқлилигини текшириш. Терговчи ҳодиса жойига чиқишдан олдин тергов чемоданида барча асбоб-ускуналарнинг борлигини текшириб кўради. Кўп ҳолларда тергов чемоданида ҳодиса жойини кўздан кечириш учун зарур бўлган баъзи техникавий воситалар (зарядка қилинган фотокассета, дактилоплёнка ва порошоклар) бўлмаслиги мумкин. Шу боис тергов чемоданини етишмайдиган техника воситалари билан тўлдириш лозим. Зарур ҳолларда қўшимча қидирув техникавий воситаларни, масалан, металлдан ясалган предметларни қидириб топиш учун мўлжалланган техника воситаларини ҳозирлаши зарур.

Терговчиларнинг ихтиёридаги тергов чемодани қуйидаги бўлимлардан иборат:

Биринчи бўлим излар билан ишлаш учун мўлжалланган бўлиб, бармоқ излари, оёқ излари, транспорт ва бузиш қуролларидан қоладиган изларни қидириб топишда, қайд этиш ва олишда фойдаланиладиган воситаларни ўз ичига олади. Бу бўлимда турли порошоклар, силикон пастаси, К-18, дактилоплёнкалар, гипс, дактилоскопик чётка каби техника воситалари бўлади.

Иккинчи бўлимда баённома, турли схемалар, ҳодиса жойининг режасини тузиш учун зарур предметлар бўлади.

Учинчи бўлим, ҳодиса жойидан топилган ашёвий далилларни суратга олиш, ўлчаш учун мўлжалланган воситалардан иборат.

Тўртинчи бўлим, ашёвий далилларни қидириб топиш учун фойдаланадиган асбоб-ускуналар бўлими бўлиб, унда металл предметларни қидириш, кўмилган мурдаларни топиш учун мўлжалланган, токни ўлчаш индикатори ва шу каби воситалар бўлади. Тергов чемоданида мавжуд бўлган бу техника воситалари ҳодиса жойини кўздан кечиришда ашёвий далилларни қидириб топиш ва олишда кенг кўламда фойдаланилади.

3) Ҳодиса жойига чиққунга қадар терговчи мурдани ўликхонага олиб бориш, шунингдек, турли буюмлар, ашёвий далилларни олиб кетиш учун зарур бўлган транспорт воситасини ҳозирлаш чорасини кўриши, прокуратура, ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиши зарур.

Терговчи ҳодиса жойига чиқгунга қадар бошқа тайёргарлик ишларини ҳам амалга ошириши лозим. Ҳодиса жойига боргандан кейин терговчига ҳодиса жойини кўздан кечиришга киришишдан олдин баъзи тайёргарлик ишларини ўтказишга тўғри келади. Жумладан, ҳодиса жойидаги излар, предметлар ва бошқа ашёвий далилларни қўриқлаш тўғрисида милиция ходимларига берилган тегишли топшириқларнинг бажарилганлигини текшириб кўриши, мабодо бу топшириқ бажарилмаган бўлса, терговчи бу масалани зудлик билан ҳал этиши лозим. Баъзи вақтларда ҳодиса жойини кўздан кечиришга киришишдан олдин ҳодиса жойидан топилган турли моддий излар ва бошқа ашёвий далилларни қўриқлаш, агар ёмғир, қор ёғаётган бўлса, уларнинг устини ёпиш чораларини кўриш, ҳодиса жойини кўздан кечириш иштирокчиларини ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш, улар қаерда туриши ва қандай ҳаракатларни бажариши лозимлиги тўғрисида кўрсатма беради.

Шу билан биргаликда терговчи ҳодиса жойида тўсатдан айбланувчи ёки гумон қилинувчининг пайдо бўлиб қолиши ва уларга ҳужум қилиб қолиш хавфининг ҳам олдини олиш чорасини кўриб қўйиши лозим бўлади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришдан олдин тергов ҳаракати иштирокчиларига терговчининг рухсатисиз биронта ҳам ҳаракат қилмасликларини тушунтиради.

Агар ҳодиса очиқ жойда юз берган бўлса, терговчи ҳодиса жойини кўздан кечиришга унинг чегарасини белгилаб олгандан кейин киришади.

Кўздан кечириш статик ва динамик услубларда амалга оширилади. Ҳодиса жойини статик усулда кўздан кечириш деганда, ҳодиса жойи тўлиқ ва айрим топилган ашёвий далиллар кўздан кечириш вақтида қандай ҳолат ва қандай кўринишда бўлса, уларни шу ҳолатда, ўзгартирмасдан кўздан кечирилади. Кўздан кечириш иштирокчилари ҳам ҳодиса ҳолатини ёки ашёвий далилларни дастлабки ҳолатини ўзгартириши мумкин эмас. Бу услуб ҳодиса жойидаги ашёвий далиллар ва изларнинг ўрни ва жойлашиши, турли объектлар тавсифини (мур-

данинг умумий ҳолати, қон излари шакли ва ҳ.к.) қайд этиш имкониятини беради.

Ҳодиса жойини динамик услуб асосида кўздан кечиришда ҳодиса жойи батафсилроқ текширилади. Масалан, квартирада содир этилган қотиллик жинояти бўйича бундай қисмларга бир ёки бир неча хоналарда жиноятчи бузиб кирган эшик, бузиш қуроли, мурда ва қон излари, қимматли буюмлар сақланган мебелларнинг синдириб очилган жойи, сигарета қолдиқлари, пол ёки эшик ва ромларда қолдирилган оёқ ва қўл излари ҳисобланиши мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда ҳар бир предмет-объект такроран текширилмаслиги учун аввал статик, сўнг динамик усул билан текширилиши ва ишга аҳамиятли бўлган бошқа предметлар эса назардан четда қолиб кетмаслиги лозим. Бундай хатоликларга йўл қўймаслик учун марказдан четга ёки четдан марказга ҳаракат қилиб кўздан кечиришни ўтказиш лозим. Агар ҳодиса жойида жиноятчи очган сейф ва мурда мавжуд бўлса, кўздан кечиришни марказдан, яъни ўша объектлардан бошлаб кейин четга, атрофга қараб ҳаракат қилган маъқул ҳисобланади. Бундай вақтларда терговчи марказдан чеккага қараб ҳаракат қилганда, қандай излар иш учун аҳамиятли, қандай предметларни қидириб топиш зарурлигини билади.

Агар ҳодиса жойининг маркази, масалан, ўғирлик содир этилган бинолар бўлса, бундай вақтларда кўздан кечиришни жиноятчининг кириш-чиқиш жойидан, транспорт воситасининг излари ва бузиш қуролларидан қолган изларни кўздан кечиришдан бошлаш маъқул. Ундан кейин бино эшигини бузишдан қолган изларни кўздан кечириш ва жиноятчилар ўғирлик содир этган жойга ўтиш ва уни кўздан кечириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай вақтларда терговчи жиноятчиларнинг ҳодиса жойидаги ҳаракат қилиш навбатини аниқлаб олиш имконига эга бўлади. Терговчи бир издан кейингисига ўтиб, ҳодиса жойи марказига яқинлаша бориб, бўлган ашёвий далилларни йиғиб боради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни унга умумий тафсил беришдан бошлаш керак. Бунда жойдаги ҳолат: кириш-чиқиш йўллари очиқ-ёпиқлигига, бино ичидаги жиҳозлар қандай ҳолатда экани турганлигига аҳамият бериш лозим ва шу асосда жиноий ҳаракатни содир этилиши усуллари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Баъзи вақтларда ҳодиса жойлари очиқ жойлар, чўл, одам яшамайдиган иморат бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ҳодиса жойи бирин-кетин кўздан кечирилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш чўзилмаслиги лозим. Бу ҳаракатлар ҳодиса жойини батафсил кўздан кечиришда амалга оширилади. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи воқеа жойини кўздан кечириш иштирокчилари ўртасида бажариладиган вазифаларни тақсимлаб олиши керак.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда унда иштирок этаётган тезкор ходимларга кечиктириб бўлмайдиган ва зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлар ҳам бериши мумкин. Изқувар итдан фойдаланиш шулар жумласига киради. Унга ҳодиса жойидан қочиб кетаётган жиноятчини тутиб келтириш каби топшириқларни бериш мумкин.

Ҳодиса жойини чегараси белгилангандан сўнг терговчи жойнинг умумий ҳолатини фотосуратга туширади ва ундан кейин ҳодиса жойини бевосита кўздан кечиришга ўтади.

Ҳодиса жойини умумий кўздан кечириш билан бирга унинг айрим участкаларини ва ҳар бир объектни алоҳида-алоҳида кўздан кечириш керак. Ҳар бир ашёвий далилнинг қаерда турганлигини, топилган предметларни индивидуал хусусиятларини, ҳажмини, унинг ҳолатини шунга ўхшаш бўлган ўзига хос белгиларини аниқлаш лозим бўлади.

Ҳодиса жойида турли излар қолган бўлиши мумкин. Кўздан кечиришда топилган барча излар, оёқ излари, қўл излари, бузиш қуролларидан қоладиган излар ва бошқа изларни баённомада қайд этиш лозим. Агар ҳодиса жойида битта из қолдирувчи объектдан бирбирига ўхшаш бўлган бир қанча из қолдирилган бўлса (туфлидан, транспорт ғилдиракларидан ва ҳ.к.) ўзининг индивидуал белгилари билан аниқ кўриниб турган битта издан кўчирма нусха олинса етарли.

Жиноят процессуал қонунида излар ашёвий далил сифатида кенг маънода талқин қилинади, ҳодиса жойидан топилган ҳар қандай из ҳозирги замон илмий-техникавий воситалар ёрдамида қайд этилиб, жиноятни очишда катта ёрдам беради. Илгаридан амалиётда маълум бўлган айрим ашёвий далилларни текшириш, жумладан, ҳужжатларни криминалистик техника асосида кўзга кўринмайдиган (инфрақизил, ультрабинафша) нурлар ёрдамида текшириш катта далилий аҳамиятга эгадир.

Қон излари, одам организмидан чиқадиган турли моддалар, мурдадаги ҳар хил излар жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида фойдаланилади. Ҳозир бундай излар физик, кимёвий, биологик ва техникавий восита ва методлар асосида текширилиб, қотиллик жиноя-

тини ўз вақтида очишга, танадаги жароҳатларнинг даражасини аниқлашга катта ёрдам бермоқда.

Масалан, ҳодиса жойидан топилган папирос, сигарет қолиқларидаги сўлакларни текшириш натижасида ҳодиса жойида жиноятчиларнинг қанча вақт бўлганлиги ва уларнинг сони тўғрисида бирон бир фикр юритилган бўлса, ҳозир эса ушбу папирос қолдиқларида мавжуд бўлган сўлакларни текшириш орқали қон гуруҳини ва ҳатто одамнинг жинсини ҳам аниқлаш мумкин.

Ҳодиса жойида қолдирилган бармоқ изларини, айниқса кўзга кўринмайдиган изларни қидириб топиш усуллари ва техникавий воситалар, узлуксиз равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Ҳар қандай ноқулай шароитда ҳам бундай изларни қидириб топиш учун зарур воситалар тергов чемоданида мавжуддир.

Шуни назарда тутиш лозимки, кўзга кўринмайдиган бармоқ изларини маълум вақт ўтиб кетганлиги сабабли порошоклар ёки йод буғи ёрдамида қидириб топиш анча қийинчилик туғдириши мумкин. Бундай вақтларда бармоқ изларини қидириб топиш ва қайд этишда аудитографик усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усулнинг моҳияти шундаки, кўзга кўринмайдиган бармоқ изи бор деб тахмин этилган предмет радиактив суюқлик ёрдамида ишланади. Бу суюқлик бармоқ изи бор бўлган жойга, из йўқ жойга нисбатан мустаҳкам ёпишади, ундан кейин бармоқ изи йўқ бўлган жойлардаги радиоактив суюқликлар олиб ташланади ва топилган бармоқ изи рентген плёнкасига кўчириб олинади. Аудитографик усулдан фойдаланиш айрим материалларда қолдирилган кўзга кўринмайдиган бармоқ изларини қидириб топиш ва қайд этишда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда изларни қидириб топиш ва қайд этишда ҳар хил порошоклар, гипс, пластилин ва бошқа воситалардан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Лекин бу воситалар ботиқ изларнинг микрорельфини ўзида яхши акс эттириш ҳусусиятига эга эмас. Бундай изларни қайд этишда ҳозир “К-18” селикон пастаси кенг қўлланилмоқда. Унинг ёрдамида ҳар қандай ноқулай шароитда ҳам издан яхши нусха олса бўлади.

“К-18” пастаси изга қуйилади ва қотгандан кейин издан олинади. Агар вертикал ҳолатда турган (эшик, девор ва ҳ.к.) объектлардан нусха олиш лозим бўлиб қолса, паста қуюқроқ равишда тайёрланиши лозим, чунки у тик турган объектдаги изга ёпиштирилади.

“К” пастаси изларни қайд этишда қўлланиладиган энг қулай восита ҳисобланса-да, баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас. Унинг ёрдамида паст ҳароратли об-ҳаво шароитида излардан нусха олиб бўлмайди, чунки бундай шароитда у тез қотмайди. Шу сабабли қорда қолган излардан унинг ёрдамида нусха олиб бўлмайди. Криминалистик техникада паст температура шароитида ҳам нусха олиш учун мўлжалланган восита мавжуд. Бу техникавий мақсадларда ишлатиладиган селикон катализатор (СКТН) воситасидир. СКТН ҳам “К” пастасидек катализатор билан аралаштирилиб зарур қоришма тайёрланади. Агар қорда қолган издан нусха олиш зарур бўлса, қуюқроқ ҳолдаги қоришма тайёрланади, агар қумда қолган издан нусха олиш зарур бўлса суюқроқ қоришма тайёрланади ва изга қўйилади.

Қуруқ цементда, унда, тупроқда қолган излардан нусхалар олишда бир оз қийинчилик туғилади. Бундай из бўлган объект билан бирга олиш қийин, ундан нусха ҳам олиб бўлмайди. Бундай шароитларда перхлорвинил смоласи (елими)дан фойдаланиш тавсия этилган. Перхлорвинил смоласи оқ рангли порошок бўлиб, у ацетонда суюлтирилиб пулвиризатор ёрдамида изга сепилади, у қотгандан кейин кўчирилиб олинади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда транспорт воситаларидан қоладиган изларни диққат билан кўздан кечириш лозим. Ҳатто жуда майда ашёвий далиллар ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Жумладан, ҳодиса жойидан топилган автомобилдан тушиб қолган бир томчи мой эмиссон спектрал анализ усулида олиб борилган текширув натижаси, ушбу мойнниг транспорт воситасининг қайси қисмига тегишли эканлигини ва ҳатто транспорт воситасининг шу мой билан тахминан неча километр юрганлигини ҳам аниқлашга имкон беради.

Юқорида қайд этилган тавсиялар шуни кўрсатадики, ҳодиса жойидан изларни қидириб топиш ва олиш учун ҳозирги вақтда етарли даражада илмий-техникавий восита ва методлар мавжуд бўлиб, улардан самарали равишда фойдаланилмоқда. Табиийки, криминалистика техникасининг тез ривожланиб бориши, келажакда ҳодиса жойини кўздан кечиришда қўлланилаётган илмий-техникавий воситалардан фақат экспертиза текширувини ўтказишда фойдаланилади. Бу техникавий воситалар бевосита ҳодиса жойида кўздан кечиришни ўтказиш жараёнида тезкор мақсадларда текшириш ўтказиш имкониятини бермайди. Шу боисдан ҳам янги илмий-техникавий воситалардан ҳодиса жойини кўздан кечиришни ўтказишда фойдаланишни ҳар қандай терговчилар томонидан ўтказиладиган оддий текширишлар,

ўлчашлар билан биргаликда амалга оширилишини инобатга олиниши тақозо этилади. Изларни қайд этишда фойдаланиладиган янги техникавий воситалар ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи томонидан бажариладиган вазифаларни амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Ҳодиса жойидан топилган оёқ излари муҳим ҳолатларни аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Турар жойларда жиноятчиларнинг оёқларидан кўпинча юзаки излар ҳосил бўлади. Бундай излар жиноятчиларнинг ифлосланган пойабзалларидан қолади. Ҳодиса жойида жиноятчилардан кўп из қолдирилган бўлса, жиноят иштирокчиларининг сони тўғрисида фикр юритиш имкониятини беради. Ҳодиса жойида топилган битта оёқ изи ҳам жиноятни ўз вақтида очиш учун фойдаланилади. Терговчи ҳодиса жойини кўздан кечиришда ҳодиса содир этилган жойнинг ҳар бир бўлагини кўздан кечириши лозим. Баъзи вақтларда жиноятчилар оёқ изларини кутилмаган жойларда (пештоқ ортида, ун қоп устида ва ҳ.к.) қолдириши мумкин. Шуни эътиборга олиб, терговчи жиноятчининг воқеа жойидаги ҳаракат йўналишини аниқлаб олишга ҳаракат қилиб, унинг пойабзалидан қолган изларни қидириб топиши керак. Ҳодиса жойини диққат ва синчковлик билан кўздан кечирган терговчи жиноятчининг оёғидан қолдирилган изларни албатта топади.

Ҳодиса жойида бир хил тагчармли пойабзалдан бир неча из қолдирилган бўлса, уларнинг яхши кўриниб турганларининг биттасидан гипслик нусха олинса етарли бўлади, агар турли таг чармли пойабзаллардан кўп сонли из қолдирилган бўлса, уларнинг ҳар биридан нусха олиниши лозим.

Ҳодиса жойидан топилган оёқ изини ўлчаш асосида пойабзалнинг размерини, из қолдирган шахснинг жинсини, бўйини ва ҳаракат йўналишини аниқлаш мумкин.

Ҳодиса жойидан топилган оёқ излари ва излар йўлакчаси суратга олиниши ва баённомада унинг барча хусусиятлари қайд этилиши лозим. Излар йўлакчасини, айниқса қорда қолган изларни суратга олиш бир мунча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун излар йўлакчасини тўлиқ қайд этиб, уларнинг миллиметрлик қоғозда чизмаси илова этилгани маъқул.

Ҳодиса жойидан топилган изларни иложи бўлса из қабул қилиб олган предмет билан, қоғозда қолган кўзга аниқ кўриниб турган бармоқ изларини тўлиқ объект билан бирга олиниб ёки бузиш қуролидан из мавжуд бўлган арралаб кесиб олинган тахта бўлакчаси, автомобил

шинасининг протекторидан, кийимда қолган из ўша кийим билан бирга олиниб ишга тикиб қўйилади.

Бироқ ҳамма вақт ҳам из қабул қилиб олган объектни из билан бирга ҳодиса жойидан олиш имконияти бўлмайди. Масалан, темир шкафда, қумда, деворларда қолган изларни қабул қилган объект билан бирга олиб бўлмайди. Бундай вақтларда терговчи юқорида айтиб ўтилган усулларни қўллаб улардан нусхалар кўчириб олади.

Ҳамма вақт ҳам из ҳосил қилган объектнинг барча индивидуал белгиларини фотосуратда, нусхада, чизмада аниқ ифода эттириб бўлмайди. Шунинг учун из қабул қилган предметни из билан биргаликда олиб ишга қўшиб қўйиш маъқул ҳисобланади. Ҳодиса жойидан топилган ашёвий далиллар ва изларнинг далилий аҳамиятга эга эканлиги нуқтаи назаридан қаралганда, уларни ҳақиқатдан ҳам ҳодиса жойини кўздан кечиришда топилганлиги фактини исботловчи ҳужжат - ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ҳисобланади. Изларнинг ҳодиса жойидан олинганлик фактини исботловчи бошқа ҳолатларга излар ва ашёвий далилларни ҳодиса жойидан топилган кўчирма нусхаларга бирка қўйилиб, унинг процессуал жиҳатдан расмийлаштириш, яъни бирканинг терговчи ва холислар томонидан имзоланиши ва нусха олинган вақт кўрсатилиши киради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг муҳим вазифаларидан бири негатив ҳолатларни аниқлаш ва қайд этиш ҳисобланади. Ҳодиса жойидаги негатив ҳолат деганда, икки турдаги факт тушунилади. Биринчидан, ҳодиса жойида бўлиши лозим бўлган, лекин уларнинг йўқлигидан далолат берувчи факт.

Масалан, ҳодиса жойида осиб ўлдирилганлик белгилари мавжуд бўлган мурда топилди. Лекин мурда ёнида ип, арқон ёки осиб ўлдириш учун хизмат қилиши мумкин бўлган бирорта ҳам предмет йўқлиги, ўғирлик содир этилган дўкон эшиги ёнида қулф ётибди, қулфнинг ҳалқаси арра билан кесилган, лекин эшик олдида ҳеч қандай металл қириндиси йўқ ёки ҳодиса жойида кесиш қуролларидан ҳосил бўлган жароҳат мавжуд, ҳодиса жойида эса ҳеч қандай қон излари йўқ. Бундай ҳолат криминалистикада негатив ҳолат деб юритилади. Биринчи ҳолатда қотиллик жинояти бошқа жойда содир этилиб, мурдани у топилган жойга олиб келиб ташланган деган версия юритилиши мумкин, иккинчи ҳолатда эса ўғирлик жиноятининг содир этилиши бошқа жиноят белгилари ниқобланган, деган фикрга келиниши мумкин.

Негатив ҳолатларнинг иккинчи турига бир-бири билан қарама-қарши бўлган ҳолатларнинг мавжудлик факти киради. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда барча негатив ҳолатлар аниқланиши ва баённомада қайд этилиши лозим. Улар кейинчалик жиноятни очишда ва жиноятнинг ниқобланишидан далолат берувчи аломатлар аниқланишида муҳим далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Баъзи вақтларда ҳодиса жойини кўздан кечиришда қотиллик жиноятининг содир этилганлигини кўрсатувчи белгилар, турли предметлар топилиши мумкин (масалан, қонли болта, қон изи бор кийим ва ҳ.к.). Терговчининг асосий вазифаси техникавий воситалар ёрдамида мурдани қидириб топишдан иборат.

Ҳодиса жойидан мурданинг топилиши айрим хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга кўздан кечириш объектларини аниқлаш киради. Воқеа жойидан мурданинг топилишида кўздан кечириш объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) мурда, унинг ҳолати ва кийими;

2) мурданинг ётган жойи;

3) мурда билан боғлиқ бўлган из ва ашёвий далиллар;

4) жиноят қуроллари.

Мурданинг ташқи қиёфасини кўздан кечириш мутахассис иштирокида амалга оширилади. Мурдани кўздан кечиришни кечиктириш мумкин эмас, чунки мурданинг ўзида ҳам, воқеа жойида, изларда ҳам ўзгариш содир бўлиши мумкин.

Воқеа жойини қўриқлаш чораси кўрилиши лозим, акс ҳолда ишдан манфаатдор бўлган айрим шахслар терговчи воқеа жойига етиб келгунигача мурдани бошқа жойга кўчириши, кийимларини тўғрилаб қўйиши мумкин.

Мурдани ҳодиса жойида кўздан кечиришнинг тўлиқ ва ҳар тарафлама бўлишини таъминлаш мақсадида амалиётда ишлаб чиқилган кўздан кечириш босқичларининг кетма-кетлик принципига риоя этилиши керак.

1) Кўздан кечиришни мурдани ётган жойини аниқлашдан бошлаш лозим. Мурдани ётган жойи, унинг атрофида мавжуд бўлган предметларга нисбатан қайд этилади. Яъни у хонада ётган жойини девордан, дераза ва эшикдан қанча масофада эканлигини ўлчаш билан аниқланади ва қайд этилади. Агар мурда очиқ жойда ётган бўлса, унинг ётган жойи яқинроқ бўлган объектларга (кўприк, дарахт, девор ва ҳ.к.) нисбатан ўлчаш йўли билан аниқланади.

2) Мурдани кўздан кечиришнинг кейинги босқичи мурданинг ҳолатини ўрганиш ҳисобланади. Мурданинг ётган ҳолати жиноятни тергашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Мурданинг ҳолати деганда, унинг ётганлиги, осиғлиқ турганлиги, ўтирганлиги ҳамда айрим қисмларининг ҳолати, яъни оёқ қўллари, калласи ва танасининг қандай ҳолатда эканлиги тушунилади.

3) Мурдани кўздан кечиришда муҳим босқичлардан бири унинг кийимини кўздан кечириш ва қайд этиш ҳисобланади. Мурдани кўздан кечириш ўтказилгандан кейин у суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун юборилади. Экспертиза ўтказилгандан кейин кийимлар терговчига қайтарилади. Лекин мурданинг кийимлари воқеа жойининг ўзидаёқ батафсил кўздан кечирилади. Кийимлар кўздан кечирилаётганда кийимнинг барча предметлари (тугма, чўнтаклар ва ҳк.) ҳатто ички кийимлари ҳам диққат билан кўздан кечирилиши лозим.

Кийимлар кўздан кечирилаётганда жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ бўлган барча ўзгаришлари (қон, сперма излари, турли доғлар) баённомада тўлиқ қайд этилиши шарт. Агар мурдадаги кийимнинг айрим қисмлари юлиб олинган бўлса, жумладан, пиджагининг бир қўли йўқ бўлса, тугмаларидан айримлари бўлмаса, бу ҳолат баённомада қайд этилиши керак, чунки улар кейинчалик гумон қилинувчидан топилиб қолиши ҳам мумкин.

4. Мурдани ташқи кўздан кечириш, унинг умумий белгиларидан (жинси, ёши, бўйи, гавда тузилиши) ташқари жиноий ҳодиса билан боғлиқ бўлган махсус белгиларни (баданидаги кўкарган, кесилган, синган жароҳат белгилари, бузишдан қолган жароҳатлари ва бошқа аломатларни) ҳам ўз ичига олади.

Юқорида қайд этилганидек, мурда унинг ҳолати ва кийимини кўздан кечирилгандан кейин мурда ётган жой кўздан кечирилади. Мурда ётган жойнинг умумий ҳолати, воқеа жойининг тўлиқ характеристикаси (аҳоли пункти, дам олиш боғининг аниқ қисми, кўлнинг аниқ қирғоғи ва ҳ.к.) билан бирга мурда ётган жойнинг тўлиқ тасвири (йўлнинг айрим қисми, чуқурлик жой, темир йўлнинг аниқ қисми ва ҳ.к) ҳам баённомада батафсил ёритилиши лозим. Бу ҳолатларнинг аниқ ифода этилиши жиноятни ўз вақтида очишга катта ёрдам беради.

Баъзи вақтларда мурданинг ётган жойи иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга ёрдам бериши ҳам мумкин. Масалан, мурдани темир йўл рельсининг ёнидан топилиши мурда кетаётган поезддан ташлаб юборилган ёки одам вагондан йиқилиб тушиб ўлган

ёхуд қотиллик бошқа ерда содир этилиб, гўё жиноят юз бергандай кўрсатиш мақсадида темир йўл рельсига ташлаб кетилган деган версиялар юритишга сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам терговчи мурда топилган жойни қотиллик жиноятини содир этганлигини кўрсатувчи барча ҳолатларга ва жиноят мурда топилган жойда эмас, бошқа жойда содир этилиб, бу ерга олиб келиб ташланганлигини кўрсатувчи ҳолатларга (қоннинг йўқлиги ва ҳ.к.) алоҳида эътибор бериши лозим.

Мурда билан боғлиқ бўлган изларга қўл, оёқ, тиш ва тирноқ излари киради. Баъзи вақтларда жабрланувчи қаршилик кўрсатиш натижасида айбланувчининг баданида тиш ва тирноқ изларини қолдириши, аксинча қотил жабрланувчининг кийимида, танасида айрим излар (қон, сперма каби моддалар) қолдириши мумкин. Амалиётда мурданинг камар тугмасида қотилнинг бармоқ изи қолдирилганлиги, жабрланувчининг бармоқ изи айбланувчининг кўзойнагида қолдирганлик ҳолатлари бўлган.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий масалаларидан яна бири, қандай из ва ашёвий далилларни жиноятчи ҳодиса жойида қолдиради ва қандай из, предметлар, микрозаррачаларни ўзи билан олиб кетиши мумкин каби масалалар жиноятнинг содир этилиш хусусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мурдани кўздан кечиришда ҳал этилиши мумкин. Агар жабрланувчи совуқ қурол билан етказилган жароҳат натижасида ўлган бўлса, жиноятчининг кийимида, пойабзалида қон излари қолиши мумкин. Агар қотиллик жиноятини содир этиш учун жиноятчи деворни ёки эшик ва деразани бузиб кирган бўлса, жиноятчининг кийимида тупроқ ёки ойна синиқлари қолиши мумкин.

Ҳодиса жойида бўлиши мумкин бўлган кўпчилик излар ва ашёвий далилларни жиноятчининг ўзида топиш, аксинча ундан ҳодиса жойида ҳам из ва ашёвий далиллар қолиши мумкин. Масалан, оёқ, қўл излари, жиноятни содир этишда фойдаланилган қуролларни, шахсий буюмларни (дастрўмол, папирос қолдиғи, тароқ, гугурт синиқлари ва ҳ.к) қолдириб кетиши мумкин.

Мурдани кўздан кечиришда ҳодиса жойи ҳолатини диққат билан ўрганиш лозим бўлади. Воқеа жойи ҳолати деганда у ерда аниқланган барча ҳолатлар йиғиндиси тушунилади. Барча фактларни умумлаштирган ҳолда кўриб чиқиш терговчига иш бўйича янги фактларни аниқлашга ёрдам беради. Бу вазият ва ҳолатлар терговчининг профессионал маҳоратини намойиш этишида маълум бўлади.

Ўқотар қуролларни қўллаш туфайли қотиллик жинояти содир этилганлик белгилари аниқланган ҳолларда терговчи ҳодиса жойидан ўқ ва гилзаларни топиш чораларини кўриши лозим, заҳарланиб ўлганлик белгилари мавжуд бўлган ҳолатларда эса ҳодиса жойидан заҳарли моддаларнинг қолдиқлари, заҳарли модда олиб келинган идиш турли ўраш воситалари кабиларни топиш чораларини кўриш лозим.

Терговчиниг асосий вазифаларидан бири ҳодиса жойини кўздан кечиришни тўлиқ ўтказиш ва унинг натижаларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Лекин тергов амалиётларида бунга баъзан эришилмайди. Бунинг сабаби турлича: биринчидан, терговчининг етарли билимга ва тажрибага эга эмаслиги ва криминалистик техникавий воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлиги, иккинчидан, об-ҳаво шароитининг ноқулайлиги, учинчидан, ҳодиса жойидан топилган далилларга аҳамият бермаслик ҳисобланади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати ҳисобланади. Тергов кўпинча ушбу тергов ҳаракатидан бошланади. Баъзи вақтларда ҳодиса жойини кўздан кечириш ундан олдин ўтказилган оператив ҳаракатлар туфайли йиғилган маълумотлардан фойдаланиб бажарилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи томонидан тузиладиган версиялар алоҳида эътиборга моликдир. Терговчи ҳодиса жойида қатор версияларни юритиши мумкин, лекин бу версияларнинг қайси бири объектив ҳақиқатни аниқлашда аҳамиятга эга эканлиги улар текшириб кўрилгандан кейин маълум бўлади. Версиялар аҳамиятига кўра текшириб кўрилади, яъни тузилган версияларнинг қайси бирини дастлаб текширишни терговчининг ўзи ҳал этади. Бу масалаларни ҳал этишда терговчи ўзида мавжуд бўлган далилий ашёларга асосланиб, жиноятни очишга эришиши мумкин.

Терговчи қандай версия юритган бўлса, барчасини навбати билан текшириб кўриши лозим ва бironта ҳам версия текширилмасдан қолиши мумкин эмас. Версияларни текшириш бу воқеа жойини кўздан кечиришда терговчининг ушбу ҳодиса жойида ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этилганлиги ёки этилмаганлигини аниқлашдан иборат.

Қоидага биноан версиялар, терговчи томонидан ҳодиса жойини дастлаб кўздан кечиришни ўтказиш жараёнидаёқ тузилади. Бундай версиялар кейинчалик гувоҳларни сўроқ қилиш, суд-медицина экспертизасини тайинлаш каби тергов ҳаракатлари натижасида ҳам тузилади.

Версияларни текшириб кўришда терговчи турли қарама-қаршиликларга дуч келиши мумкин, чунки версия терговчининг тахмини бўйича исботланиши ёки аксинча исботланмай қолиши ҳам мумкин. Версияни юритиш учун ҳодиса жойидаги конкрет ҳолат ва вазиятни инобатга олиш керак. Айниқса ўзини ўзи ўлдирганлик тўғрисида, ўт қўйиш, қотиллик жиноятларини тергаш бўйича ушбу ҳолатларни инобатга олиш зарур бўлади.

Шу боисдан ҳам терговчи ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқ вазиятни ҳисобга олиб, ушбу воқеа жойи жиноят содир этилган вақтда қандай ҳолатда бўлганлигини кўз олдига келтириб тасаввур этиши лозим.

3-§ Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасини қайд этиш

Жиноят-процессуал кодексининг 90-92 моддаларида ҳодиса жойидан топилган далилларни баённомада қайд этиш тартиби кўрсатилган. Ушбу моддалар талаби асосида ёзилган баённомалар жиноят иши бўйича далил манбаи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Баённомаларга тергов ва суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги, тергов ҳаракатининг ўтказилиши жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий излар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари қайд этилиши лозим.

Қоидага биноан ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида ёки кўздан кечириш тугалланиши биланоқ тузилиши лозим. Баъзи вақтларда ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасини тузишда терговчи айрим хатоликларга ҳам йўл қўйиши эҳтимол. Шу сабабли терговчи ҳодиса жойини кўздан кечиришда барча кузатилган ҳолатларни ўзининг ён дафтарчасига хомаки ёзиб олса, баённомани тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фактлар қисқача баён этилиши мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси уч қисмдан иборат бўлиб: кириш, баёнот ва хулоса қисмларга бўлинади.

Кириш қисмида ҳодиса жойини кўздан кечириш жойи ва вақти, уни ўтказиш бошланган ва тамом бўлган вақт, кўздан кечиришда иштирок этган шахсларнинг исми, фамилияси, холислар ва уларнниг уй

манзиллари, кўздан кечиришда қандай ёруғликда ўтказилганлиги (табиий ва сунъий), об-ҳаво шароити ва ҳ.к. кўрсатилади.

Баённот қисмида ҳодиса жойини кўздан кечириш натижалари қайд этилади. Баённомада ҳодиса жойи қандай кетма-кетликда ўтказилган бўлса, шундай тарзда баённомада қайд этилиши лозим. Энг аввало кўздан кечириш ўтказилаётган жойга тўлиқ тавсиф берилади. Агар ҳодиса жойи турар жой ёки бино бўлса, уларнинг аниқ номи, (дам олиш хонаси, балкон, ётоқхона, омбор ва ҳ.к.), размери, жойлашган жойи (чердак, этаж, ертўла) эшик ва деразалар сони ва уларнинг қайси томонда жойлашганлиги, уларнинг умумий ҳолати кўрсатилади. Агар кўздан кечириш очиқ жой ва ҳудудларда ўтказилган бўлса, уларнинг ҳам характерли номлари (ўрмон, автотраспорт йўли ва ҳ.к.) ҳодиса жойининг мўлжал олиш хусусиятига эга бўлган объектга нисбатан жойлашган масофаси қайд этилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасида топилган барча объектларнинг қандай ҳолатда эканлиги, масалан, турар жойларда мебель, стол, стулларнинг умумий ҳолати, ишлаб чиқариш корхоналарида асбоб-ускуна ва техникавий воситаларнинг, йўлларнинг умумий ҳолати (тош йўл, тупроқ йўл) батафсил ёзилиши керак.

Ҳодиса жойидан топилган мурда, қон излари, шифт ва девордаги тешиклар, ўқ отиш қуроли, совуқ қуролларнинг тури, пичоқ ёки бошқа турдаги совуқ қуролларнинг узунлиги ўлчаниб баённомада аниқ қилиб ёзилиши шарт.

Баённомаларнинг хулоса қисмида кўздан кечириш вақтида топилган ва иш бўйича далил сифатида олинган барча объектлар кўрсатилиши лозим, шунингдек, кўздан кечиришда фойдаланилган техникавий воситалар, турли чизмалар, схемалар, суратга олиш усуллари ҳам батафсил қайд этилади ва баённомага илова этилади.

ЖПКнинг 91-моддасида далилларни қайд этишнинг ёрдамчи усуллари қайд этилган бўлиб, унда шундай дейилган: “Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин... Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирила-

ди”. Баённома кўздан кечиришнинг барча иштирокчилари томонидан имзоланади.

16-боб ТЕРГОВ ЭКСПЕРИМЕНТИНИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Эксперимент тушунчаси ва вазифаси

Тергов эксперименти – криминалистик тактика тизимида мустақил тергов ҳаракати бўлиб, жиноят ишини тергов қилиш жараёнида содир бўлган ҳодисанинг айрим ҳолатларини ва вазиятларини тажриба усулида текширишдан иборат.

Тергов экспериментининг моҳияти шундаки, муқаддам бўлиб ўтган ҳодисаларни, жиноят ишига алоқадор бўлган ҳолатларни воқеликда ҳақиқатдан бўлганлигини ёки бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида, улар айнан маълум шароитларда тикланиб текширилади.

ЖПКнинг 153-моддасида терговчи тергов жараёнида сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек, иш юзасидан қилинган версия, текширилаётган ҳодисага оид муайян шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир, дейилган.

Текширилаётган ҳолатлар, гувоҳлар, жабрланувчилар, жиноятда гумон қилинаётганлар ва айбланувчиларнинг кўрсатувларидаги бирон ҳодисани идрок қилиш, эшитиш, айрим ҳаракатларни бажариш имконияти бўлган-бўлмаганлигини аниқлашдан иборатдир.

Гувоҳнинг жиноят ҳодисасига оид маълум далилларни кўрганлиги, эшитганлиги ҳақидаги маълумотлари ўша вақтдаги шароитда (ёруғлик, масофа, шовқин каби) кўриш ва эшитиш имкони бўлганлигини текширишга зарурат туғилади. Шунингдек, гумон қилинаётган шахс ёки айбланувчининг айрим жиноий ҳаракатлари: бузиб кирган жойдан маълум буюм-ашёларни олиб чиқиб кетиш имкони, кўп миқдордаги товарларни битта юк машинасида олиб кетганлиги каби маълумотларни текширишда, эксперимент кўрсатилган вазиятлар-ҳолатлар сунъий тикланиб, тажриба қилиб ўтказишдан иборат бўлади.

Тергов эксперименти жиноят иши юзасидан мавжуд бўлган маълумотлар ва эҳтимолга қарши бўлмаган фикрларни текширишга қаратилган бўлиб, ушбу маълумотлар ва фикрлар маълум шароитларда воқеликда бўлганлигига ишонч ҳосил қилишга қаратилган бўлади.

Тергов эксперименти натижалари ижобий – тасдиқловчи бўлиб чиқса, текширилаётган далил ёки версия тўғри эканлиги аниқланади, акс ҳолда инкор этувчи натижа ҳосил бўлганда, текширилаётган

маълумотлар нотўғри эканлиги, кўрсатувдаги вазият-ҳолатларнинг асоссиз ёки ёлғон эканлиги исботланади.

Тергов экспериментини ўтказиш мақсад-вазифаси жиноят ишининг тергови жараёнида тўпланган, топилган далиллар (суроқда олинган маълумотлар), ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан ҳосил бўлган версия ва бошқа хабарларни тўғри ҳақиқат эканлигини текширишдан иборатдир. Шу билан бирга мазкур тергов ҳаракати вазифасига жиноятни очиш-исботлаш учун янги далилларни топиш, мустаҳкамлаш ва уларни тўғри баҳолаб, айблов фикрига асос қилиш масаласи ҳам киради.

Тергов эксперименти вазифаларига кўра, бошқа тергов ҳаракатларига ўхшаб кетади ва айрим қисмлари ўзаро боғлиқлиги билан намоён бўлади. Айниқса эксперимент "кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш" тергов ҳаракатига ўхшаш бўлиб, иккала процессуал ҳаракат сўроқ натижасида олинган кўрсатувларни текширишдан иборатдир. Шу билан бирга улар орасида муҳим фарқлар мавжуд бўлиб, улар шундан иборатки, экспериментда кўрсатувдаги айрим далилларни бўлиб ўтган воқеликда, шарт-шароитда, сунъий тиклаш билан тажриба қилиб текширилади. Ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш эса, сўроқ пайтида олинган маълумотлардаги айрим ҳолат-вазиятлар ҳақиқий ҳодиса жойидаги вазиятларга тўғри келиши аниқланади, баъзи маълумотлар тўлдирилади, текширилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳаракатининг ҳам эксперимент билан бирмунча боғлиқлик ва ўхшашлик хусусияти мавжуддир. Ҳодиса жойини кўздан кечириш мақсади, эксперимент каби далил қидириб топиш, уни текширишдан иборатдир, лекин кўздан кечиришда ҳодиса жойи, ҳолати ўзгартирилмайди, аввалги асл ҳолати, жиноят оқибати бўлган аломатлари ўзгаришсиз кузатилади.

Суд экспертизасининг турли текширувларини ўтказишда эксперт-мутахассис экспериментал услубиётни кенг қўллайди. Жумладан, отиш қуролларини идентификациялашда шубҳаланган қуролдан экспериментал отишлар ўтказиб, текшириш учун ўқ ва гильзаларнинг намуналарини тайёрлайди, ҳужжат ва бошқа объектларни текширишда эксперимент тажриба услубини турли шаклларда қўллайди. Бу экспериментал тадқиқот – текширувлар тергов экспериментига ўхшаш бўлса ҳам, мустақил тергов ҳаракати эмас, суд экспертизасининг текширув услуби сифатида унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Тергов эксперименти жиноят процессуал қонунида таърифланишича, жиноят иши юзасидан ўтказилган сўроқ кўрсатувларини, бошқа далилларни, иш юзасидан ҳосил бўлган версия, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларини тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишдир. Шунингдек, эксперимент фақатгина бор далиллар ва версияларни текшириш билан чекланмай, эксперимент тажрибалари ёрдамида янги далиллар ҳам аниқланади.

Тергов ишини юргизиш жараёнида ҳосил бўлган версияни албатта турли тергов ҳаракати ёрдамида, шу жумладан эксперимент ўтказиш билан ҳам текшириш лозим бўлади. Версиялар жиноят ҳодисасининг умумий ёки айрим ҳолатларига тааллуқли бўлиб, улар эксперимент, турли тажрибалар ва бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида текширилган ҳолдагина ҳақиқатга айланиб ишнинг айрим ҳолатларига тегишли бўлган далил сифатида хизмат қилаолади. Бу ҳолда тергов экспериментининг натижалари янги далилларни келтириб чиқариши ва борларини ҳақиқатга мос ёхуд мос эмаслигини тасдиқлайди.

Тергов амалиётида тергалаётган жиноят иши юзасидан турли ҳолат-вазиятларни эксперимент ёрдамида текширишга тўғри келади. Шуларга кўра экспериментнинг турли шакллари ўтказилади:

маълум ҳодиса, ҳолат, шахсларни муайян шароитда кўриш имконини аниқлаш учун;

ҳодисани (турли овозлар, портлаш, мотор овозлари ва ҳ.к.) маълум шароит воқелигида эшитиш имкони бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш учун;

жиноят ишига тааллуқли бўлган айрим ҳаракатларни бажариш (масалан, маълум масофани қадам юриш, югуриш ёки транспорт воситасида маълум муддат давомида ўтиш) имконини текшириш учун;

айрим ишларни бажариш имкониятини (тўсиқдаги тешик орқали оғир юк билан чиқиш ёки кириш, кўп миқдордаги товар молларни битта муайян машина ёрдамида олиб кетиш ва ҳ.к.) текшириш учун;

турли модда ва маҳсулотлар сифатини (ҳидини, таркибини) идрок қилиб, ажрата билиш қобилиятини ва бошқа ҳолатларни текшириш учун.

Жиноий вазиятнинг ёки унинг айрим жиҳатларини олдини олиш имконини текширишда тергов эксперименти билан бир қаторда бошқа чоралар ҳам кўрилади. Айниқса автотранспорт ҳалокатини текширишда, жабрланувчилар ва айбланувчилар кўрсатувларидаги

важлар, тушунчалар эксперимент, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш ва экспертизалар ёрдамида аниқланади.

Тергов амалиётида транспорт ҳодисалари, одамни босиб кетиш ёки бошқа турдаги тартиб қоидалари (транспортларда одам ташиш) натижасида бахтсизлик ҳодисалари юз бериши, ҳаттоки қурбонлар ҳам бўлиши мумкин. Терговда кўпчилик ҳолатларда айбланувчилар жавобгарликдан қутилиш мақсадида турли асоссиз важларни келтириб, ўзини айбсиз қилиб кўрсатиб, мазкур ҳодисанинг асосий сабабчисини жабрланувчи деб кўрсатишга уринадилар. Бундай ҳолатларда терговчи юз берган ҳодисанинг қанчалик тўғрилигини ва унинг олдини олиш мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида эксперимент ўтказади.

Бу ҳолда жиноий ҳаракатнинг характерини ва аниқланиши лозим бўлган ҳодиса вазиятини сунъий тиклаш билан тажрибада синаб кўриш учун эксперимент ўтказилади. Масалан, кўчани кесиб ўтаётган шахсни машина уриб кетган бўлса ва бу ҳолатда айб жабрланувчига юкланса, терговчи ҳодиса содир бўлган вазият ҳолатини тиклаш билан эксперимент ўтказиб, муайян вазиятда фалокатнинг олдини олиш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини ҳал қилади. Бунда ҳайдовчи тормоз бериш йўли билан машинанинг юришини секинлатиши мумкинмиди ёки бошқа ҳаракат билан кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олишга ҳаракат қилганми ёки бунинг иложи бўлмаганми, деган саволларга жавоб олади.

2-§ Тергов экспериментини ўтказишга тайёргарлик кўриш

Тергов экспериментини муваффақиятли ўтказиш учун унга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиб, сўнгра мавжуд бўлган далилларнинг қайси бирини эксперимент ўтказиш билан текширилиши зарурлиги ҳал қилинади.

Тергов ҳаракатини ўтказиш режасини белгилаб олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Режа қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

эксперимент ўтказишнинг мақсади, жойи, вақти, текширув ўтказиш шароитлари;

тергов ҳаракатининг мазмуни ва тажрибаларнинг олдинма-кетин ўтказиш тартиби;

қатнашувчиларнинг ҳар қайсиси бажарадиган ҳаракатларни аниқлаш;

зарур бўлган илмий-техник воситаларни тажриба ўтказишга тайёрлаш;

мураккаб ҳолат-вазиятларни текширишда жойнинг чизмасини тайёрлаш ва тергов ҳаракати натижаларини расмийлаштириш, мустаҳкамлаш чораларини кўриб чиқиш.

Эксперимент ўтказишнинг мақсадини аниқлаш, деганда текширилувчи ҳолатларнинг, бор далилларнинг қайсилари ёки қайси қисмлари текширилиши лозимлиги, қандай тажрибаларни уюштириш кераклиги, уни ўтказишда қандай шарт-шароитни яратиш лозимлиги кўриб чиқилади, зарур бўлса кўрсатувлари текширилаётган шахсларни қайта сўроқ қилиш лозим.

Эксперимент ўтказишдан олдин текшириш жараёни, иш вазиятларини маълум шароитда тиклаш билан боғлиқ бўлганлиги учун, уни ўтказиш ёки ўтказмаслик заруратини кўриб чиқиш керак.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунида бу ҳақда шундай дейилган: “Эксперимент ўтказиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкий зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартиботининг, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимол бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисида қарорига прокурор санкция бериши лозим” (ЖПКнинг 154-м).

Эксперимент қатнашувчиларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирса, жамоат тартиби ва ахлоқ нормаларига путур етказса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда эксперимент ўрнига бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш белгиланади (қайта сўроқ, юзлаштириш, экспертиза ва бошқалар).

Тергов экспериментини муваффақиятли ташкил қилиш ва ўтказиш учун унинг иштирокчиларини олдиндан белгилаб олиш лозим.

Икки кишидан кам бўлмаган холислардан ташқари, эксперимент ўтказишда текшириладиган ҳодиса, далил, вазият хусусиятига оид бўлган мутахассиснинг иштироки уни ижобий ўтказилишига ёрдам беради.

Тергов экспериментини ўтказиш жараёнида иш юзасидан сўроқ қилинган шахсларнинг иштироки тактика жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади, айниқса кўрсатувлари текширилаётган шахс (гувоҳ,

жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи)нинг қатнашуви, тергов ҳаракатининг ижобий натижалари учун омил бўлиб ҳисобланади. Жумладан жиноий ҳодисани кўзи билан кўрган, эшитган гувоҳлар, вазиятни тиклашда унинг ҳақиқий ҳодиса вақтидаги ҳолати, шароитларининг мос келишини кузатиб, тегишли қўшимча тушунчалар беришлари мумкин.

Гувоҳ юз берган ҳодиса вазиятини қайта тиклашга, шу билан бирга ҳодисанинг қандай давом этганлигига доир керакли маълумотларни беради. Тергов эксперименти гувоҳларнинг кўрсатувларини текшириш мақсадида ўтказилса, гувоҳларнинг ўзлари тегишли ҳаракатни шахсан намойиш қилишлари, текширилаётган ҳодисанинг ҳақиқатлигини аниқлашга ёрдам беради.

Эксперимент айбланувчининг кўрсатувини текшириш мақсадида ўтказиладиган бўлса, бу ҳолда айбланувчини эксперимент ўтказишга қатнашиш учун жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Айбланувчи жиноят содир бўлган вақтда бажарган ҳаракатларни тўла намойиш қилади. Иш бўйича тўғри маълумотларни аниқлашга имкон беради.

Эксперимент ўтказиладиган жойини, вақтини ҳам олдиндан белгилаб олиш лозим. Экспериментни жиноят содир бўлган жойнинг ўзида ўтказиш имкони ҳар доим ҳам бўлавермайди, шунинг учун жой ва вақт натижа учун аҳамияти бўлса, ҳақиқий жиноий ҳодисага ўхшаш бўлган жой ва тахминан ўша вақт (кечки, кундузги, қор, ёмғир каби) белгиланади. Ишнинг оқибати унчалик аҳамиятли бўлмаса, вақт омили терговчининг ихтиёри билан белгиланади. Ҳодисанинг текширилиши учун совуқ ёки иссиқнинг аҳамияти бўлса, иқлим шундай сунъий равишда ҳосил этилади, олдиндан бу масалага тайёргарлик кўрилади.

Терговчи тергов экспериментини ўтказишда давлат ва жамоат органлари вакилларидан ҳамда айрим фуқаролардан топширилган маълум ҳаракатнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқидан фойдалана олади.

Эксперимент ўтказиладиган жой бошқа туман территориясида бўлса, аниқ шахсларни жалб қилиш шарт бўлмаса, умумий тартибда ҳал қилинади.

Холислар, терговчи ва бошқа иштирокчилар томонидан бажарилган ҳаракатларни ўз ичига олган, тергов ҳаракатларининг мазмунан объективлигини гувоҳлантирадилар. Холислар фақатгина тергов ҳаракатининг гувоҳи бўлмасдан, экспериментнинг актив

қатнашчилари сифатида иштирок этишлари лозим. Тергов эксперименти вақтида унинг иштирокчиларига юклатилган вазифанинг жиддийлигини англашлари, вазифаларни бажаришда виждонан муносабатда бўлишлари, эксперимент вақтида маълум бўлиб қолган иш материалларини сир сақлаш лозимлигини билишлари шарт.

Эксперимент тезкор маълумотларга асосланиб ўтказиладиган бўлса, тезкор ходимнинг қатнашуви мақсадга мувофиқдир. Эксперимент ўтказиш давомида ўтказиладиган синовларнинг мазмунини ўзгартириш билан тезкор маълумотларни ҳам текшириш мумкин. Эксперимент ўтказишда мутахассиснинг иштирок этиши айниқса муҳимдир. Мутахассис эксперимент вазиятини қайта тиклаш ва ўтказиш олдидан қатнашувчиларни жой-жойига қўйишга, техник жиҳатдан тўғри ўтказилишига кўмаклашади, шунингдек, эксперимент натижаларига баҳо беришда терговчига зарур бўлган маслаҳатларни беради.

Тергов ҳаракатини ўтказишга барча ташкилий масалалар юзасидан тайёргарлик кўрилгандан сўнг киришиш мумкин.

3-§ Тергов экспериментини ўтказиш тартиби ва тактикаси

Ҳар қандай тергов ҳаракатлари каби эксперимент ўтказишнинг ҳам умумий қоидаси жиноят-процессуал қонунида тартибга солинган.

Эксперимент ўтказиладиган жойда ҳозир бўлган иштирокчилар билан, уларнинг ҳар бирларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ўтказилаётган текширув мақсади, ўтказиш жараёнида уларнинг бажарадиган ишлари ҳақида суҳбат ўтказилади.

Эксперимент ўтказиш жойи, вақти, уни ўтказиш шароитлари, жумладан, об-ҳаво, ёруғлик ва бошқалар кўриб чиқилади. Вазиятни тиклашда айрим шахсларнинг турар жойи, маълум ҳаракатларни муайян вақтда бажаришлари таъкидланади, зарур бўлган предметларни тегишли жойларга қўйилади, йўқ бўлган, зарарланган объектларнинг моделлари ҳозирланади.

Эксперимент ўтказиш жойини кўриқлаш уни ўтказишга халақит берувчиларни четлатиш каби чоралар, тезкор ходимларга топширилади. Эксперимент тажрибаларини ўтказишда айрим ҳаракат вазиятларини тиклаш чоралари, кўрсатуви текширилаётган шахсга топширилади, агар бундай қилишни турли сабабларга кўра иложи бўлмаса, бу топшириқларни таклиф қилинган бошқа шахслар амалга ошириши мумкин.

Синалаётган далиллар, версия, сўроқ қилинган шахсларнинг берган маълумотига қарама-қарши, салбий натижа берса, эксперимент жараёнини кузатиб турган, унда қатнашаётган шахслар (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи)нинг психологиясига таъсир этиб, уларнинг сўроққа берган кўрсатувларини тўғри-нотўғри эканлиги маълум бўлади. Бундай ҳолларда экспериментни ўтказиб бўлгандан сўнг такрорий сўроқ ўтказиш маъқулроқ бўлади.

Айбланувчи, гумон қилинувчиларнинг эксперимент ўтказишда қатнашуви ихтиёрий бўлиб, уларнинг иштироки зарур бўлгандагина, ишнинг оқибатидан манфаатдорлигини ва улар ўз аҳволларини анча енгиллаштириши мумкинлиги масаласи тушунтирилади.



Эксперимент тажрибаларини ташкил этиш ва ўтказишда қўлланадиган тактик услублар қонунчиликка риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Жиноий ҳодиса ҳолатларини тажриба қилиб текширишда, сунъий тикланган вазият асл ҳодиса ҳолатида бўлган шарт-шароитга мос келмоғи зарур. Текшириш жараёнида топшириқ олган шахс тажрибанинг айрим ҳаракатлар билан боғлиқ қисмларини (баландликдан сакраш, бирор тўсиқдан ўтиш каби) бажара олмаса, унинг ўрнига бўйи, гавдаси, ёши жиҳатидан ўхшаш бўлган бошқа шахсга бу ишни бажариш топширилади.

Текширилаётган ҳодиса, ҳолат, вазиятлар бир неча кўринишда такрорланиб синалиши лозим, шундагина текширув натижалари ҳақиқий ва холисона бўлади. Масалан, кўриш имкони 200 м масофада ифодаланган бўлса, текширувни 150, 200 ва 250 мда ўтказиш лозим бўлади, қайси ҳолатлар қайта такрорланганда ўзгаришсиз натижа берса, ана шу йўналиш ҳақиқатга тўғри келади, деб танланади.

Эксперимент ўтказилаётган шароит, тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкони борича бир неча маротаба такрорланиб ўтказилади, тажрибаларнинг шароитлари бир мунча ўзгартилиши мумкин (ЖПКнинг 155-моддаси). Мана шу қоидага асосланган ҳолда, экспериментни ўтказиш жараёнида, терговчи айрим ҳолатларни тиклаб намоён қилаётган шахсларнинг жойларини ўзгартириши, ҳаракат кўринишларини бир неча вариантда амалга оширишни таклиф қилиши ва ана шу кўринишлар орасидан кўпроқ такрорланган натижани танлаб олиши керак.

Текширилаётган ҳолатлар, версиялар, кўрсатувдаги айрим далилларни ҳар томонлама текшириб аниқлаш учун, гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчиларнинг ҳар бирларига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шоҳид бўлган ҳодиса ҳолатини тиклаш тавсия этилади ва терговчи тажриба ҳаракатларини ўтказади.

Тажрибалар кўп ва мураккаб бўлса, терговчи уни бир неча босқичга бўлиб, тегишли олдинма-кетинликда ўтказади. Эксперимент текширувларини ўтказиш жараёнида, унинг айрим қисмлари-босқичларини мустаҳкамлаш мақсадида фото, кино, видео тасвирга олиш лозим бўлади. Шу билан бирга, эксперимент ўтказилаётган жойнинг чизмаси, ишлатилган нусха, қолиплар ҳам юқорида кўрсатилган воситаларга қўшилади.

Эксперимент тажрибаларини ўтказиш жараёнида кўрсатувлари текширилаётган шахсларга ва айрим ҳаракатларни амалга ошираётган қатнашувчиларга саволлар берилиши мумкин. Саволлар терговчи, мутахассис, холислар томонидан берилиб, эксперимент ўтказишнинг шарт-шароитларига, унинг натижаларига, ишлатилаётган жиҳозларга тегишли бўлиши мумкин.

Эксперимент ҳаракатида иштирок этувчи шахслар, терговчининг рухсати билан кўрсатувлари текширилаётган гумон қилинувчи-айбланувчиларга савол беришга, терговчининг эътиборини иш ҳолатини аниқлашга кўмаклашадиган барча ҳолатларга қаратишга, текширув шароитига баъзи аниқликлар киритишга ҳақлидирлар. Шу билан бирга эксперимент қатнашувчилари тажриба ва айрим ҳаракатларни яна такрорлашни илтимос қилишлари мумкин. Қатнашувчиларнинг бундай фикр-мулоҳазалари эксперимент баённомасида акс эттирилмоғи лозим.

Эксперимент жараёнида амалга оширилган текширувлар натижаси воқеликка нисбатан тўғри келмасдан зид бўлса, яъни текширилаётган ҳаракатнинг натижаси кўрсатувдаги ҳолатларни тасдиқламаса, натижа салбий, инкор этувчи бўлиб, кўрсатувдаги маълумот нотўғри бўлиб чиқади.

Аксинча, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодиса, вазиятлар ўтказилган тажрибалар натижасига мос келса, у ҳолда текширилаётган ҳолат ҳодисалари ҳақиқатда воқеликда юз берган бўлиши мумкинлиги тасдиқланади.

Тергов эксперименти жиноят-процессуал қонуни нормалари асосида ўтказилиши билан бир қаторда, қўлланиладиган тактик услублар ҳам қонун нормасига зид бўлмаслиги лозим.

4-§ Тергов экспериментининг натижаларини расмийлаштириш

Тергов эксперименти ўтказилганлиги ҳақида процессуал қонуннинг тегишли моддаларида назарда тутилган тартибда процессуал ҳужжат бўлган баённомада акс эттирилмоғи лозим. Ҳар қандай тергов ҳаракатининг баённомаси каби эксперимент баённомаси ҳам кириш, баёнот ва якунловчи қисмлардан иборатдир.

Баённоманинг кириш қисмида эксперимент ўтказилиши учун асослар, ким томонидан ўказилганлиги, текширув зарурати, жойи, вақти ва қатнашувчиларнинг исми-шарифлари кўрсатилади. Шунингдек, гувоҳ ва жабрланувчилар кўрсатувлари текширилганда экспери-

мент ўтказишдан олдин улар қасддан ёлғон маълумот бериш ва бош тортиш оқибатлари, яъни жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирганлиги тўғрисида маълумот ва уни тасдиқловчи имзолари киритилади.

Баённоманинг иккинчи қисми бўлган баёнот ёки тавсифловчи бўлими энг масъулиятли бўлиб, ўтказилган тергов ҳаракатининг ташкилий босқичидан то унинг натижаси шаклланган вақтигача ўтказилган текширув ишлари тўла ўз ифодасини топмоғи лозим.

Текширилувчи ҳолат-вазиятнинг тавсифи, унга ўхшаш бўлган шарт-шароитнинг яратилиши, тажрибаларнинг моҳияти, қандай тур ва шаклларда намоён қилиб кўрсатилганлиги ҳақида мукаммал ёритилиши лозим.

Текширув ўтказилиши жараёнида қўлланилган криминалистик техника воситаларидан - овоз ёзиш, видео тасвирга олиш, кино ва фотосуратга тушириш ишлари баённоманинг мазкур қисмида акс эттирилади. Шу билан бирга эксперимент тажрибаларини уюштириш учун тайёрланган қолиплар (намуналар), мулаж ва моделлар ҳам нима учун ва қандай қўлланилганлиги баён этилади.

Эксперимент натижасида текширилган ҳолат, вазиятлар, версиялар ўз тасдиғини топган ёки топмаганлиги, улар неча йўналишли тажриба ёрдамида текширилганлиги ва бошқа чора-тадбирлар қандай олдинма-кетинликда ўтказилган бўлса, баённомада шундай ҳолда ёритилиши лозим.

Баённоманинг якунловчи қисми қуйидагиларни акс эттирган бўлиши шарт:

1) экспериментни ўтказишда иштирок этган шахслар келтирган ариза, шикоят, илтимоснома ва эътирозлари;

2) эксперимент текширувига тайёрланган буюмларнинг индивидуал ҳусусиятлари (шакли, ранги, ўлчови ва бошқа моддий белгилари);

3) эксперимент ўтказилган жойнинг чизмаси, ҳаракат ва ҳолатлар схемалари;

4) баённома барча иштирокчилар томонидан танишиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва бу маълумотлар улар томонидан тасдиқланганлиги.

Эксперимент жараёнида қўлланилган криминалистик техника воситаларининг маҳсулотлари (кино, овоз ёзиш, видео тасмалари, фото-суратлар, чизмалар) баённомага илова қилинганлиги ҳам кўрсатилиши лозим. Тергов ҳаракатининг натижаларини қайд этиб му-

стаҳкамлаган ҳужжат - баённома процессуал жиҳатдан далил манбаи бўлиб хизмат қилади ва айблов хулосасига, сўнг суднинг қарорига (ҳукмига) асос бўлади, шунинг учун баённома юқорида келтирилган талабларга риоя қилинмай бажарилган ҳолда, бу ҳужжат ҳақиқий кучга эга бўлмай қолади, эксперимент жараёни ва натижалари далилий хусусиятини йўқотади.

Тергов эксперименти натижаларини баҳолаш жиноят ишидаги материаллар бошқа далиллар билан солиштириб, уларни ўзаро боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириши асосида қабул қилинади. Далилларни баҳолашнинг тартиб-қоидалари хусусияти қонун асосида бўлиб, умумий принципларни қўллаш билан амалга оширилади.

Тергов экспериментининг натижалари тасдиқловчи ёки инкор этувчи (салбий) бўлишидан қатъи назар, ҳар иккала тури ҳам далил бўлиб хизмат қилади. Биринчи тури текширилаётган ҳодиса далилни тўғри бўлиши эҳтимол эканлигини, кўрсатувдаги далиллар ҳодиса ҳақиқат бўлиб ўтган деб ҳисоблашга ва терговнинг кейинги навбатдаги чора-тадбирларини тўғри белгилашга ва ўтказишга имкон беради.

Иккинчи турдаги натижа, яъни эксперимент текширувидаги ҳолат вазиятларни тасдиқламаса, инкор этса, бу ҳолда кўрсатувдаги ҳолат далиллари нотўғри ёритилганлиги, версия нотўғри эканлиги аниқланади.

Эксперимент натижалари, уларнинг қандай шаклда, турда бўлишидан қатъи назар, қонун талаби асосида баҳоланиши ва иш материалига қўшилиши зарур.

Суд муҳокамаси жараёнида ўтказилган экспериментнинг натижалари, суд мажлиси баённомасида акс эттирилади ва тегишли талаблар асосида баҳоланади.

17-боб КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тушунчаси ва вазифаси

Мазкур тергов ҳаракати мустақил бўлиб, тергов ва суд амалиётида узоқ вақтлардан буён қўлланилиб келаётган бўлсада, назарий жиҳатдан ўтган асрнинг 60-йилларидан буён мукаммал асослантирилди, Ўзбекистоннинг қонунчилигида дастлаб 1976 йилда тан олинди ва ҳозирги кунда амалда бўлган жиноят процессуал кодексида мустаҳкамланди, шу билан бирга мустақил тергов ҳаракати мақомига эга бўлди.

Мустақил тергов ҳаракати сифатида кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш мавзуси бўйича назарияда турли фикрлар бўлиб, баъзи муаллифлар мазкур тергов ҳаракатини ҳодиса жойини кўздан кечириш доирасида ўтказишни таклиф қилганлар.

Жиноят процессуал қонунида белгиланган тергов эксперименти ҳаракатининг баъзи хусусиятлари кўрсатувни ҳодиса жойида текширишга ўхшаш бўлганлиги сабабли бу тергов ҳаракати экспериментнинг бир кўриниши сифатида қаралган, шунингдек, баъзи муаллифлар кўрсатувни текширишни ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати доирасида тушунтирган. Бундай фикр кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш ҳаракатини ўтказиш йўли билан жиноий воқеанинг жойи ва ҳолати ҳақида айбланувчининг хабардор эканлигини аниқланиши, худди шунингдек, унинг холислар иштирокида кўрсатув бериши факти ушбу шахс тергов юритилаётган жиноятни содир қилган деган нотўғри хулоса чиқаришга олиб келиши мумкин.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш кўздан кечириш, тергов эксперименти, таниб олиш учун кўрсатиш каби тергов ҳаракатларининг баъзи аломатларини ўз ичига олган мураккаб тергов ҳаракати ҳисобланади. Мазкур тергов ҳаракатининг ўзига хос бўлган сифат ва моҳияти билан бошқа процессуал ҳаракатлардан фарқ қилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда содир бўлган жиноий фактнинг оқибати, жиноятчининг мақсади, унинг қолдирган излари, ашёвий далилларни, изларни қидириб топишдан иборатдир. Тергов экспериментини ўтказишдан мақсад ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан

мавжуд бўлган фактларни, шунингдек, ҳодиса жойидан олинган маълумотларни, сўроқда олинган кўрсатувлардаги баъзи ҳолатларни синов тажриба ёрдамида текширишдан иборат. Экспериментда тажриба қилиб айрим қисмларини тиклаб, ҳақиқий содир бўлган ҳодисага максимал яқинлаштирган ҳолда текширилади.

Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишда маълумотлар тахминан 4 манбадан олинади.

1) Сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувидан;

2) Ҳодиса жойидаги фактик ҳолатлардан;

3) Ҳодиса жойида кўздан кечириш жараёнида сўроқ қилиш билан олинадиган маълумотлардан;

4) Кўздан кечириш натижасида олинадиган ахборотлардан.

Мана шу манбалардан олинган маълумотларни текширишда қуйидаги бир қанча ишлар амалга оширилади. Дастлаб сўроқ қилинган айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ, жабрланувчилар, ҳақиқий жиноят содир бўлган жойдан тўла хабардор бўлмасликлари натижасида қисман нотўғри маълумотлар берадилар. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишда эса реал ҳодиса содир бўлган жойдаги шароитни-ҳолатни кўриб аввал берган кўрсатувларини тўлдиради, аниқроқ қилиб ойдинлаштирадилар. Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, ҳодиса жойига олиб борилган шахслар нотўғри ёки тўла бўлмаган кўрсатувлар билан жойдаги ҳолат-шароитни солиштирадилар. Бу эса уларнинг руҳиятига таъсир этади ва улар кўрсатувдаги нуқсон хатоларни тўғрилайдилар.

Сўроқ жараёнида тўғри кўрсатув маълумот берганлар баъзан берган маълумотларининг айрим деталларини беихтиёр унутиб қолдириб кетишлари ҳам мумкин бўлади. Ҳодиса жойига борганда эса унутилган, тушиб қолган факт-ҳолатлар тикланади ва кўрсатув тўлдирилади, унга аниқлик киритилади.

Сўроқ жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи кўп ҳолларда ёлғон кўрсатув берадилар. Ҳодиса жойига олиб борилганда маълумотлардаги ва иш юзасидан йиғилган далиллар билан унинг кўрсатуви орасидаги зиддиятларни кўриб тўғри тушунтириш беришга мажбур бўлади. Агар ҳодиса жойида кўрсатувни текшириш жараёнида янги ҳолатлар очилса, бундай вазиятда аввал шу жойни кўздан кечириш ўтказиб, сўнгра сўроқда олинган маълумотлар билан солиштириб текшириш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида келтирилган фактларни якунлаб қуйидагича хулосаларга келиш мумкин.

Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш бу мустақил тергов ҳаракати бўлиб, унинг мазмуни жиноят иши юзасидан сўроқ қилинган айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини жиноят содир бўлган жойда айрим ҳолатларни қайта тиклаш билан номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, ашёвий далиллар, излар қаерда бўлганлигини, ҳодиса жойи билан қиёслаш орқали кўрсатувлардаги айрим ҳолатларни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашдан иборат. Шу билан бирга мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда сўроққа олинган маълумотларнинг айрим ҳолатлари тўлдирилади. Уларга аниқлик киритилади, баъзан эса янги ҳолатлар ҳам очилиб қолади.

Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг вазифаси содир бўлган жиноятнинг тўғри ва тезда тегишли муддатларда очиш, иш юзасидан далилларни тўплаш, уларни баҳолаш ва жиноят иши терговини холисона объектив тугалланишини таъминлашдан иборатдир. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишдан мақсад олинган кўрсатувдаги айрим маълумотларни тўғри ва нотўғри эканлигини текширишдан ва янги маълумотларни олишдан иборат. Ҳодиса жойида кўрсатувларни текширишда текширилаётган маълумотлар албатта жиноят ишига ёки унинг алоҳида ҳолатларига алоқадор бўлиши лозим ва текшириш натижалари тегишли процессуал тартибда мустаҳкамланиб, бошқа тергов ҳаракатлари натижалари билан солиштириб баҳоланган тақдирдагина иш юзасидан далил бўлиб хизмат қилади ва айблов хулосасига асос бўлади.



Янги далилларни аниқлаш	Жиноятни келтириб чиқарган шарт-шароитларни аниқлаш

2-§ Кўрсатувни ҳодиса бўлган жойда текширишга тайёргарлик кўриш

Ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал унга тайёргарлик кўрилиши зарур бўлганидек, ушбу тергов ҳаракатига ҳам пухталик билан тайёргарлик кўриш ва ташкилий масалаларни ҳал этиш лозим. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш учун тайёргарлик кўришда текшириш предмети бўлган ва асосий текширилувчи манба сўроқ қилинган шахснинг кўрсатуви юзасидан унинг жойи, вақти ва ҳолатлари текширилиши лозимлиги белгилаб олинади.

Кўрсатувда айнан қайси ҳолатларни, жой, йўналиш ва ҳоказолар текширилиши мўлжалланмоқда, кўздан кечирилган жой бошқа ҳудудда бўлса қайта ва қўшимча сўроқ ўтказилиб, сўнг текширишни ташкил қилмоқ зарур бўлади. Бундай сўроқ жараёнида янги ҳолатлар очилиб қолса, жумладан, номаълум мурдани дафн этилган жойи, жиноят қуроллари беркитилган ва изларни ниқобланган жойлар маълум бўлиб қолса, шу кўрсатилган жойга сўроқ қилинган шахс (айбланувчи, гумон қилинувчи) билан, уларнинг иштирокида мазкур жойларни кўздан кечириш лозим ва баённомани ҳам кўздан кечириш ҳаракати сифатида расмийлаштирилиб, сўнгра зарурат бўлса, кўрсатувни текшириш ўтказилади.

Ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш ҳаракатини муваффақиятли ва натижали ўтказиш учун илгари бу ерда ўтказилган кўздан кечиришга оид материаллар ҳам бўлмоғи лозим. Бундай зарурият ҳодиса жойини кўздан кечириш билан мазкур тергов ҳаракати орасида бир мунча вақт ўтиб, атроф-муҳит ўзгариши билан дастлабки ҳолатнинг шароити ҳам ўзгариб кетиши ва ашёвий далил бўлган буюмлар, излар ўзгариб йўқолиб кетиши мумкинлигидан келиб чиқади.

Шу сабабдан кўрсатувларни текширишдан олдин уларни жиноят ишидаги материаллар билан қиёслаб таҳлил қилинмоғи ва кўздан кечириш баённомасидаги ҳолатларни кўрсатувдаги маълумотлар билан мос келиши, зид бўлиши ёки қандай боғлиқлиги текширилади.

Кўрсатуви текширилаётган шахсларнинг ҳодиса жойига олиб бориш чора-тадбирлари ҳам белгилаб олинади. Айниқса қамоқ чораси кўрилган айбланувчи ёки гумон қилинувчиларнинг иштироки зарур бўлган тақдирда, уларни ҳодиса жойига олиб боришда хавфсиз-

лик чоралари ҳам назарда тутилмоғи лозим. Айбланувчи ва гумон қилинувчиларнинг розилигини олиш ва тергов ҳаракатини ўтказишда мавжуд бўлган асослар билан таништириш ҳам тайёргарик чораларидан биридир. Айбланувчи ва гумон қилинувчилар ҳодиса жойига чиқишдан бош тортиши ёки ҳоҳиш билдириши мумкин. Иккала ҳолатнинг сабабини психологик ва тактик жиҳатдан таҳлил қилмоқ лозим. Жойга чиқиб кўрсатувни текширишга рози бўлган айбланувчи ёки гумон қилинувчи рост ва холисона кўрсатув берганлигини билдиради. Шу билан бирга улар бошқа мақсадни ҳам кўзлаши мумкин, шерикларининг қилмишини яшириш, жиноий жавобгарликдан ўзини қутқариш учун қочишни мўлжаллаш каби.

Келтирилган фикр-мулоҳазалар гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текширишда амалиётдан маълум бўлишича деярли қийинчилик туғдирмайди. Чунки улар сўроқ қилинган пайтда қасддан ёлғон кўрсатув бериш ва кўрсатув беришдан бош тортиш учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилган бўлади. Шунинг учун уларнинг кўрсатувларини текширишда ҳодиса жойига чиқиш масаласи юзасидан тортишувлар бўлмайди.

Мазкур тергов ҳаракатларини ўтказишга тайёргарлик кўришда унда иштирок этадиганларнинг шахслари белгиланиши лозим. Ҳар қандай тергов ҳаракатида иштирок этадиган икки холис зарурат бўлганда мутахассис ва хавфсизлик чораларини таъминлаш учун тегишли тезкор ходимлар ва, ниҳоят, кўрсатуви текшириладиган (айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ва жабрланувчи) шахсларнинг қатнашувини белгилаб қўйилиши лозим. Тергов ҳаракатини ўтказишда зарур бўлиб қоладиган илмий-техник воситаларни ҳам тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи навбатда ҳодиса рўй берган жойга олиб борувчи йўл, жойнинг ўзи, у ердаги излар, ашёвий далилларнинг яширилган, топилган жойларини мустаҳкамлаб тасвирга зарур бўладиган фото-кино аппаратлари, видео тасвир ёзиш жиҳозлари, зарурат бўладиган ҳолларда қидирув асбоблари, баъзиларида эса хизмат итларини таъминлаш зарур. Бу чораларни ҳодиса жойига чиқишдан олдин тайёргарлик кўриш босқичида белгиланиши зарур.

Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишга тайёргарлик кўриш

↓ ↓



Ҳодиса жойига чиқиш вақтини ҳам олдиндан белгилаб олмоқ лозимдир. Умум қоидага кўра тергов ҳаракатлари кундузги вақтда ўтказилиши каби кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш ҳам кундузи, нормал шароитда ўтказилмоғи ва транспорт воситалари билан таъминланмоғи лозим. Ҳодиса жойига бориш йўллари олдиндан аниқланиб олинмоғи, қаердан ва қайси томондан бориш маъқулроқ бўлиши белгиланади. Текшириладиган жойда қидирув (ерни қазиш, ариқ, зовур, чангалзорларнинг орасини текшириш каби) ишлари ўтказилиши мўлжалланса, уларни амалга оширишга зарур бўладиган қурол асбобларни ва бу ишларни бажаришга ишчиларни жалб этиш масаласи ҳам ҳал этилади.

Ҳодиса жойига етиб бориш учун кичик ихчам автобус бўлиши маъқул, бу йўналиш давомида суратга олишни осонлаштиради. Жойнинг ўзида эса алоқа воситаси ҳам таъминланмоғи лозим. Тергов ҳаракатини расмийлаштириш учун ёзиш-чизиш восита қуроллари ҳам назарда тутилмоғи лозим.

Ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш жараёнида янги ҳолатлар очилиб қолиши мумкин, масалан, мурда ёки унинг бўлаги, жиноят қуроли топилиб қолган ҳолларда, ана шу жойларни ва объектларни кўздан кечириб расмийлаштириш лозим бўлади. Шу жойнинг ўзида зарур бўлса айбланувчини, гумон қилинувчини қайта сўроқ қилиш ва сўнгра кўрсатувлардаги айрим ҳолатларни аниқлаб, текши-

риб, маълумотларни тўлдириш масалаларини назарда тутмоқ зарур бўлади.

3-§ Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг процессуал тартиби ва тактикаси

Кўрсатувни ҳодиса жойида текширишнинг процессуал қоидаси ЖПК 133-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга биноан мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш олдидан суриштирувчи ёки терговчи холислар иштирокида текширилаётган кўрсатувларни эълон қилади. Кўрсатув берган шахсдан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж бор ёки йўқлигини сўрайди, текширишнинг мақсади ва тартибини тушунтиради. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текширилаётган бўлса, улар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва атайин ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади.

Бир неча шахснинг кўрсатуви бир вақтнинг ўзида ва бир ҳодиса жойида текширилиши мумкин эмас. Бу ҳолда сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувлари навбат билан қайси бирларининг кўрсатуви жиноят иши юзасидан муҳимроқ аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, шу шахс кўрсатувидан бошламоқ тавсия этилади.

Процессуал қонунда кўрсатилишича мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш чоғида кўрсатув берган шахс ўзига маълум бўлган, текширилаётган ҳодисанинг айрим шароити, ҳолатини тиклайди, иш учун аҳамиятли бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар топилган жойларни кўрсатади, айрим ҳаракатларни намойиш қилади, ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади, ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда терговчи ҳозир бўлган иштирокчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ва бу тўғрисида тергов ҳаракатининг баённомасида қайд этади. Тергов ҳаракатининг иштирокчиларига текширув мақсади, вазифалари тушунтирилади, уларнинг иштирок этишдаги вазифаси белгиланади.

Ҳодиса жойига келишда терговчи кўрсатуви текширилаётган шахсга йўлнинг тўғрилиги, ҳодиса жойига йўналишни кўрсатишни таклиф этади ва бошқа қатнашувчиларга бу ҳаракатни диққат билан кузатишни ва айрим ишга аҳамиятли бўлган ҳолатларга эътибор беришни тавсия этади.

Ҳодиса жойида кўрсатуви текширилаётган шахс ҳеч қандай четдан таъсир, шаъма ёки ёрдамчи тушунча сўзлар киритилмасдан ўзи эркин равишда тушунча бериши лозим. Умумий сўроқ ўтказишда қўлланадиган тартиб-қоида бу ҳолатда ҳам тўлиқ татбиқ этилиши мумкин. Баъзи ҳолларда мазкур тергов ҳаракати ўтказилган ва ҳодиса рўй берган вақт орасида маълум муддат ўтган бўлади. Шу сабабли тушунча бериш жараёнида илгари сўроқ қилинган шахс айрим факт ва ҳолатларни ёдидан чиқариб қўйиши мумкин. Бундай шароитда терговчи сўроқ қилинган вақтдаги хабар-маълумотларни унинг кўрсатувидан ўқиб эълон қилади ва шу билан воқеанинг айрим ҳолатларини эслашга ёрдам беради.

Ҳодиса жойида олинган маълумотлар билан кўрсатувни текшириш жараёнидаги берилган маълумотлар бир бирига зид бўлса, кўрсатуви текширилаётган шахс сўроқ вақтида нима сабабдан нотўғри ёлғон кўрсатув берганлиги текширилади.

Шунингдек, ҳодиса жойида берилган хабарлар ҳам нотўғри бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда тергов жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш натижалари билан қиёслаб текширилаётган кўрсатувнинг қайси қисмлари тўғри, қайсилари эса нотўғри ёки ёддан чиқарилган эканлигини аниқлайди. Зарур бўлса ҳодиса жойида қайта қўшимча сўроқ ўтказиши ҳам мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар амалиётда асосан айбланувчи ва гумон қилинувчиларнинг кўрсатувлари текширилганда келиб чиқадиган вазиятлардир. Бундай вазиятлар жиноятни бир неча шахслар томонидан содир этилган ҳолларда иштирокчиларнинг ҳар бирини жиноий ҳаракатини амалга оширишдаги ролини аниқлаш учун зарур бўлади.

Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини текширишда ҳам шундай вазиятлар келиб чиқадики, гувоҳ сўроқ қилинган пайтида айтган маълумотлари ёдидан кўтарилади ва ҳодиса жойида текшириш вақтида тўлиқ аниқлик кирита олмайди. Мазкур ҳолатларда терговчи уларни ҳодиса жойни кўздан кечирганда ва шахсни сўроқ қилганда олинган маълумотлар билан таништириб ҳақиқий воқеа ҳолатларини эслашга ёрдам беради.

Кўрсатув берган шахс ҳодиса содир бўлган жойда текширилаётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини тиклайди, иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади, айрим ҳаракатларни намойиш қилади, текширилаётган

ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини тушунтиради.

Кўрсатувларни текшириш пайтида ҳодиса содир бўлган жой атроф-муҳит шароитининг ўзгарганлигига эътиборни қаратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки тушунча ва аниқлик киритиш учун кўрсатуви текширилаётган шахс ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради, айрим ҳолатларни, бир-бирига боғланишларни ойдинлаштириб беради. Мазкур ҳолатларда кўрсатуви текширилаётган шахснинг ҳаракатига, тушунтиришига аралашиш, гап қўшиш ёки ўргатиш ва ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди.

Терговчи кўрсатуви текширилаётган шахсга ҳодиса жойига бориш учун йўл маршрутини кўрсатишни таклиф қилади, шунда барча тергов ҳаракати иштирокчилари биргаликда кўрсатилган йўл бўйича ҳодиса жойи томон йўл олади. Ушбу вақтда терговни кўрсатуви текширилаётган шахснинг эркин, ҳеч қандай ташқи таъсирсиз, мустақил ва ўз ихтиёри билан йўлни кўрсатиб, жойга бориши ва у ерда қандай ҳаракат ёки ҳолатни бўлганлигини айтишини кузатиб туради.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса жойини умумий чегарасини белгилаб кўрсатади, терговчининг текширув, назорат қилувчи ёки қўшимча саволларига тушунча беради. Жавоб беришда сўроқ қилинган шахс жиноят содир қилинган жойнинг айрим ҳолатларини, текширилиши лозим бўлган фактларни даставвал сўроқ қилинганда қандай тартиб ва олдинма-кетинликда сўзлаган бўлса, шундай тарзда кўрсатиб, ҳодиса жойидаги ўзгаришларни, буюм ва ашёвий далил ва изларнинг топилган, яширилган жойларини кўрсатади, тушунтириб беради.

Ҳодиса жойида терговчи кўрсатуви текширилаётган шахсга жиноий ҳаракатнинг айрим вазиятларини такрор кўрсатиш, уни керак бўлса қиёслаб кўрсатишни таклиф қилиши, айрим ҳолатларни жиноий ҳодиса билан боғлиқлигини тушунтириб беришини талаб қилади. Текширилаётган кўрсатувдаги ҳолатлар ҳодиса жойидаги вазиятга тўғри келмаса, баъзида зиддиятли вазиятлар мавжуд бўлиб қолса, терговчи булар ҳақида савол-жавоб қилиб зиддиятли ҳолатларни бартараф қилмоғи лозим.

Кўрсатувлари текширилаётган шахсга у эркин сўзлаб, тегишли ҳаракатларни намойиш қилганидан сўнг, кўрсатувдаги айрим ҳолатларни ойдинлаштирувчи, шунингдек, унинг эслаш қобилиятини фаоллаштирувчи саволлар берилиши мумкин. Тергов ҳаракатида иш-

тирок этувчилар кўрсатуви текширилаётган шахсга терговчининг рухсати билан савол беришлари мумкин.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш натижасида аниқланадиган маълумотлар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- сўроқ вақтида хабар берилган жой ҳақиқатда ҳодиса рўй берган жойми ёки бошқами;

- ҳодиса содир бўлган жой сўроқ қилинганнинг кўрсатувидагига тўғри келадими;

- кўрсатувда баён қилинган ашёвий далил топилган жой, жиноят содир бўлган ёки излари топилган жойлар қанчалик аниқлангани;

- кўрсатувда қайд қилинган шахснинг ҳодиса жойидаги ҳаракати, қаерда ва қандай ҳаракатларни содир қилганлиги;

- сўроқ қилинганнинг кўрсатувида айтилмаган янги ҳолатларнинг маълум бўлиши.

Маълумки, шахс кўз ўнгида бўлиб ўтган ҳодисаларни айнан ҳодиса рўй берган жойда батафсилроқ сўзлаб беради.

Шу вақтда олинган кўрсатув илгари сўроқ давомида олинган маълумотларни тўлдиради ва аниқликлар киритади. Чунки у ҳодиса жойига келганда ҳақиқий шароит жойида бинолар, гулзорлар ва ҳоказоларнинг жойлашишига қараб баъзи деталларни ёдига туширади. Ўзининг олдинги кўрсатувларини тўлдирувчи, исботловчи далилларни келтиради.

Терговчининг мазкур жиноий ҳодисага тўлиқ баҳо беришида шу ҳодиса вазиятини қаерда, қандай содир бўлганлигини билиш учун тергов олиб борилаётган ҳодисани содир қилган айбланувчи билан биргаликда чиқиб ўша жойни кўради, унинг кўрсатуви қанчалик ишонарли эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Бу ҳаракатни ўтказишнинг асосий мақсади тўпланган далиллар юзасидан уларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигига баҳо бериш, аниқроғи айбланувчининг берган кўрсатувига баҳо беришдир.

Гувоҳ, жабрланувчи ёки айбланувчиларни тергов даврида берган кўрсатувларини иш бўйича тўпланган бошқа гувоҳ, айбланувчиларнинг кўрсатувлари ёки жиноят ҳодисаси жойини кўздан кечириш давридаги тўпланган материаллар билан таққослаш усулида ҳам қанчалик реал эканлигини билиш мумкин. Лекин кўрсатуви текширилаётган шахс ўзининг кўрсатувини ўзи тасдиқлаб бериши, аниқлик киритиши жиноят иши бўйича тўғри хулоса чиқаришга енгиллик беради.

Тергов жараёнида тўпланган далиллар ва кўрсатувларда мавжуд бўлган ҳолатлар таққосланиб кўрилиши, айниқса гувоҳ, жабрланувчилар ўз кўрсатувларини ўзлари ўша ҳодиса жойида аслидалигича бўлмаса-да, айнан шу жойда шундай жиноий ҳаракатлар содир бўлганлигини кўрдим деб, ҳодиса жойида ўша ҳолатни кўрсатиб бериши иш учун аҳамиятли далил бўлиб хизмат қилади.

Кўрсатуви текширилаётган шахсга дахлдор бўлган барча масалаларни изоҳлаш учун тўлиқ имконият, эркинлик берилмоғи лозим. Унинг воқеа билан боғлиқ бўлган ҳикоясини тўсатдан кесиб қўйиш туфайли, кўрсатуви текширилаётган шахс ҳаяжонланиб, гапирмай хотирадан чиқариб қўйиши ва натижада кўзланган мақсадга эришмай қолиш мумкин.

Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам терговчининг бошқарувчилик роли ва таъсири сезилиб туриши лозим. Унинг топшириқлари асосланган, мантиқан равон ва тўғри таърифланган бўлиши керак. Чунки қўпол ва асоссиз топшириқлар доимо салбий оқибатларга олиб келади.

Воқеа жойида кўрсатувни текшириш ҳаракати қандай вазиятда ўтказилмасин, жиноят қанчалик хавфли ва мураккаб бўлмасин, барча ҳолларда ҳам кўрсатуви текширилаётган шахснинг психологик ҳолатини, унинг ўзини тутиши ва ҳаракатларини кузатиб бориши лозимдир. Бу услуб сўроқ қилинаётган шахс ҳақиқатда жиноий ҳодисанинг иштирокчиси, гувоҳи бўлмай, балки бу тўғрисида бошқалардан эшитиб, мазкур жойдаги ҳолатнинг барча деталларини билмаслиги ва тўғри тушунчага эга эмаслиги аниқлашишига ёрдам беради.

Агар кўрсатуви текширилаётган шахс воқеа жойидаги вазият таъсири остида ўзининг илгариги кўрсатувини рад этиб, уни нотўғри деб эълон қилса, у ҳолда кўрсатувни текширишни дарҳол тўхтатиш ва такроран сўроқ ўтказишга тўғри келади. Бундай ҳолда ҳодиса жойида кўрсатувни текшириш ҳаракатининг баённомасида “сўроқ қилинган шахс текширилаётган воқеанинг жойини ва ҳолатини кўрсата олмади ва илгари берган кўрсатувини ўзгартирди”, деб баённомада қайд этилади.

Тергов амалиётида шундай ҳолатлар учрайдики, сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувини ҳодиса жойида текширишда мазкур шахс илгари сўроқ пайтида айтмаган янги ҳолатлар тўғрисида, яъни жиноятнинг айрим моддий излари тўғрисида, жиноят қуроли, ўғирланган буюм ёки яшириб қўйилган ашёвий далиллар жойини кўрсатиши му-

мкин. Бундай ҳолда кўрсатувни текшириш натижасида янги ҳолатлар очилиши, янги маълумотлар олиниши мумкин. Бу ҳолатлар баённомада аниқ ва равшан акс эттирилиши лозим. Шунингдек, мазкур ҳолатлар фотосурат ёки видеотасвир ёрдами билан мустаҳкамланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳодиса жойида кўрсатуви текширилаётган шахс ўзи сўзлаб ва ҳаракатларни намойиш қилиб бўлгач, унга саволлар берилиши мумкин. Тергов ҳаракатини ўтказишда қатнашаётган шахслар терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатларини аниқлаштиришга ёрдам берадиган барча нарсаларга қаратишга, баъзи ҳаракатларни такрорланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Баъзида шундай ҳолатлар ҳам келиб чиқадики, терговчи жиноий оқибати мавжуд бўлган ёки изларни, далилларни беркитилган жойларини кўрмаган ва билмаган бўлади. Бу ҳолат кўрсатувни жойида текшириш жараёнида маълум бўлади. Бундай ҳолларда терговчи кўрсатув текшириш чоғида шу жойни тўла текшириб, сўнгра уни процессуал расмийлаштириб, кейин алоҳида такрорий сўроқ ўтказиши лозим.

Ҳодиса жойида сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувини текшириш эса, ўз номи билан белгиланиб турганидек, кўрсатувдаги айрим ҳолатларни, фактларни, текширишдан иборат бўлиб, ундаги маълумотлар тўлдирилиши, аниқланиши, тасдиқланиши мумкин.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш жараёнида кўрсатуви текширилаётган шахснинг тушунтириши баёни кўрсатувдаги ҳолатларга тўғри келмаса, терговчи бундай вазиятнинг сабабини аниқлаб саволлар беради. Ҳодиса жойида берилаётган маълумот, кўрсатилаётган жой, излар ва ашёвий далиллар (қуроллар)ни топилган жойи сўроқда олинган кўрсатувнинг мазмунидаги маълумотларга тўғри келмаслиги, зиддиятли вазиятларнинг бартараф этилиши, савол-жавоб билан қайси манбадан олинган маълумот тўғри бўлиб, қайсилари нотўғри эканлигини аниқлаш лозим бўлади. Ҳодиса жойидаги маълумотлар тўғри бўлиб, ҳақиқий реал эканлиги аниқланса, сўроқда олинган маълумотлар нотўғри эканлиги, унинг сабаби, қасддан ёлғон кўрсатув берганми ёки ёдидан кўтарилиб бошқа сабабларга кўра англашмовчиликлар келиб чиққанми, мана шу ҳоллар бартараф қилинмоғи лозим.

4-§ Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш натижаларини расмийлаштириш

Мазкур тергов ҳаракатининг натижаларини расмийлаштириш ЖПКнинг 134-моддаси асосида амалга оширилади. Терговчи жиноят иши юзасидан қанчалик юқори савияда тергов ҳаракати ўтказмасин, унинг натижалари тегишли тартибда қаламга олинмаса, яъни процессуал жиҳатдан мустаҳкамланмаса, барча қилинган ишлар беҳуда бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар қандай тергов ҳаракатининг натижаларини мустаҳкамлаш, расмийлаштириш каби мазкур ҳаракат натижалари ҳам тегишли баённомада тўла ва батафсил ифодаланиши зарур. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси уч қисмдан иборат бўлиб, кириш қисмида тергов ҳаракатининг ўтказилиш жойи, вақти, ким ўтказаётганлиги (лавозими, мансаби, фамилияси) бошланган ва тугатилган вақти, тергов ҳаракатининг қатнашчилари, жиноят иши юзасидан сўроқ қилинган кўрсатувлари текширилаётган шахс ҳақида маълумотлар кўрсатилади. Кўрсатуви

текширилаётган шахсга сўроқ вақтида берган маълумотларини ҳодиса жойида такрорлаб, тасдиқлаб беришга тайёрми деган савол берилганлиги ва унинг тасдиқловчи жавоби олинганлиги ҳақида кўрсатилади.

Баённоманинг баённот-тавсиф қисми энг масъулиятли бўлиб, тергов ҳаракати бошидан охиригача қандай олдинма-кетинликда ўтказилган бўлса, шундай тартибда қайд этилмоғи зарур. Ҳодиса жойига қандай йўналишда борилганлиги, йўлни кўрсатиб тушунча бериши, айрим жойларнинг ўзига хос белги, мўлжалларини кўрсатиб олиб бораётган шахсларнинг кўрсатувидаги ҳолатларига мос келиши ҳақида маълумотлар мазкур қисмда ёзилади.

Кўрсатувнинг ҳодиса жойида текшириш жараёнида кўрсатуви текширилаётган шахснинг номидан унинг берган тушунчалари, кўрсатилган жойлари ҳақида терговчининг аниқлаштиришга қаратилган саволлари ва уларга берилган жавоблари батафсил ёзилиши керак. Тергов ҳаракатининг иштирокчилари, жумладан, холислар ҳам савол беришлари мумкин. Қатнашчилар аниқланган маълумотлар, топилган ашёларни кузатиб қайд қилинганлиги ҳақида баённомада акс эттирилади.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш баённомасида мазкур тергов ҳаракатини ўтказишнинг бутун жараёни ва унинг натижалари тўлиқ ёзилади. Бу кўрсатувни текшириш ҳаракати иштирокчиларининг воқеа жойида борган йўл маршрути, ҳодиса жойидаги шароит, предметлар ва бошқа ҳолатлар кўрсатилади. Сўроқ қилинган ва кўрсатуви текширилаётган шахснинг ҳаракатлари ва тушунтиришлари, унга берилган саволлар ва бу саволларга олинган жавоб-тушунтиришларнинг маъносини ўзгартирмасдан, қандай ифодаланган бўлса, шундай шаклда қайд қилмоқ лозим. Баённоманинг баённот қисмида маълумотлар, кўрсатуви текширилаётган шахснинг айтган хабарлари, тушунтиришлари сўзма-сўз унинг номидан ёзилади. Мазкур шахснинг тушунтиришлари саволга берган жавоблари биринчи шахс, ҳаракатлари эса учинчи шахс номидан баён қилинади. Тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида баённомада қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги тўғрисида, яъни фототасвирга ёки видеотасвирга туширилганлиги, қидирув асбобларининг қўлланилганлиги, фотосуратларнинг тартиб рақами, шунингдек, видеога олишнинг бошланган ва тугалланган вақти ҳамда бу ишларни амалга ошириши аппаратлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш баённомасининг якунловчи қисмида иштирокчилардан тушган таклифлар қўлланилган илмий-техник воситалар ҳамда тузилган режа, чизмалар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Баённоманинг якунловчи қисмида видеокассета, фотосурат, жойнинг чизмаси, турли маршрут йўналишларининг графиклари илова қилинганлиги кўрсатиб тасдиқланади. Тергов ҳаракати натижасида топилган, олинган излар, далилий ашёлар, моддалардан олинган намуналар рўйхати келтирилади. Тергов ҳаракатининг иштирокчилари томонидан қандай таклиф мулоҳазалар келтирилганлиги кўрсатилиб, баённоманинг мазмунида барча ҳаракат тўла ва аниқ қайд этилганлиги тасдиқланиб имзоланади.

Сўроқ баённомаси сингари кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш баённомасининг ҳар бир саҳифаси тергов ҳаракатининг барча қатнашчилари томонидан имзоланиб тасдиқланади.

Баённома ва унга илова қилинган чизмалар, овоз ва тасвир ёзилган тасмалар, тергов ҳаракатида иштирок этганлар, жумладан, холисларга, мутахассисга ва кўрсатуви текширилаётган шахсларга ўқиб берилади ва улар баённома билан таништирилганлиги ҳақида имзо қўядилар. Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш суд таркиби томонидан ўтказилган тақдирда бу ҳақида юқорида кўрсатилган тартиб ва галма-галликда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

18-боб ТИНТУВ ВА ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Тинтув тушунчаси ва унинг турлари

Тинтув кенг тарқалган тергов ҳаракатидир. Терговчи қандайдир жойда, бошқа ерда ёки бирор шахсда жиноят қуроли, предмети, жиноий йўл билан орттирилган бойликлар ёки ишга алоқадор бошқа предмет ва ҳужжатлар борлигига етарли асослари бўлса, уларни топиш ва олиш учун тинтув ўтказади. Тинтув шунингдек, қидирилаётган шахсни ёки мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Тинтув объектнинг хусусиятлари ва қидирув ишларининг ўзига хос турларига кўра бир неча турга бўлинади: турар жойларда ва бошқа иморат-иншоотларда; очиқ жойда; такрорий; кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда прокурорнинг санкциясисиз «шошилинч» тинтув; бир вақтли (уни яна «гуруҳли» деб ҳам аташади), яъни бирор бир жиноий иш доирасида ягона режа асосида ва бирданига бир неча тинтувларни ўтказиш, дипломатик ваколатхона бинолари ва ҳудудида шахсий тинтув.

Қидирув ҳаракатларининг мажбурий кўринишга эга эканлиги ва бу билан боғлиқ тинтув қилинаётган шахснинг, баъзан бошқа шахсларнинг ҳам, шахсий манфаатлари доирасига кирилиши тинтувни бошқа тергов ҳаракатларидан, жумладан, ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришдан тубдан фарқ қилади. Ҳодиса бўлган жойни кўздан кечиришда, масалан, сайҳон ёки ўрмонли жойда кўмилган мурда, жиноят қуроли ва бошқа ашёвий далилларнинг қидирув ишлари ўтказилиши мумкин. Аммо бундай вазиятда қидирув ишларининг фуқароларни шахсий манфаатларига дахли йўқ. У ёки бу шахснинг субъектив ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ҳолатларда эса (масалан, бедарак йўқолган шахснинг турар жойида жиноят изларини қидириш) улар мазмун жиҳатидан кўздан кечириш доирасидан ташқарига чиқади ва уларни амалга ошириш қонун томонидан тартибга солинган бўлиши зарур.

Жиноят-процессуал қонунда тинтувнинг қонунийлигини таъминловчи қоидалар бор. Бу нарса аввалambор тинтувнинг асослилигини назарда тутади. Қонунда кўрилаётган жиноий иш бўйича тинтув қилишнинг «етарли асослари» мазмуни очиб берилмаган. Гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон остидагилар ва айбланувчиларнинг буюмлари ишга алоқадор ҳужжат ёки предметлар бирор шахсда эканлиги

тўғрисида гувоҳлик берувчи бошқа манбалар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар тинтув учун етарли асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятининг материаллари ҳам шу каби маълумотлар манбалари бўла олади.

Тинтув қилиш тўғрисидаги фикрни терговчи уни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қарор шаклига туширади. Қарорда қаерда тинтув ўтказиладиган бўлса унинг шахси, қидирув ҳаракатлари чегараси (турар жой, томорқа, иш жойи, меҳмонхонадаги хонаси ва бошқалар); иложи борича топилиши ва олиб қўйилиши лозим бўлган буюм ва ҳужжатлар рўйхати тузилади ва умумий шаклда тинтув учун асос бўлиб хизмат қилган маълумотлар кўрсатиб ўтилади.

Тинтувга прокурор санкция берган бўлиши шарт. Фақат истисно ҳолларда, яъни далилларни яшириш ёки йўқ қилиш хавфи бўлса, шунингдек, жиноят ишини тергов қилишда жиддий чигалликларга олиб келиши мумкин бўлса, қонун прокурордан санкция олмай тинтув ўтказишга йўл қўяди, аммо ўтказилган тинтув ҳақида прокурорга бир сутка давомида ёзма шаклда маълумот берилиши лозим.

Юқоридаги асослар бўйича тинтув ўтказишга ҳаттоки тунги пайтда ҳам рухсат берилади.

Ўтказилаётган жиноий иш бўйича тинтув ўтказишнинг зарурлигини сезиб ва бу ҳақда қарор қилгандан сўнг, терговчи мазкур тергов ҳаракатининг режасини тузишга киришади.

Ҳар бир тинтув тактик жиҳатдан индивидуалдир. Уни тайёрлаш ва амалга оширишга ҳар бир жиноий ишнинг ўзига хос хусусиятлари, тинтув қилинаётган инсоннинг шахси, қидирилаётган буюмларнинг характери, тинтув қилинаётган объектнинг хусусиятлари ва яна бошқа бир қатор омиллар таъсир ўтказади. Шу билан бирга, тинтувни амалга оширишда терговчига самарали натижаларга эришиш учун ёрдам берадиган бир қатор тавсияларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шундай қилиб, терговчи тинтув қилишдан аввал тинтувни амалга ошириш жойи ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиши шарт. Тинтув жойи ҳақидаги маълумот қидирув ҳаракатларининг ҳажми ҳақидаги масалани ҳал этишга ёрдам бериб, тинтув еридаги ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилашда ҳамда керакли техник воситаларини тайёрлашда қўл келади.

Тинтув ери ҳақида маълумот олиш учун терговчи тегишли турар-жой органидан бинонинг қаватма-қават схемасини талаб қилиши, тинтув қилиниши ёки қидирув ишлари мўлжалланаётган жой билан

шахсан танишиши мумкин.

Жиноят иши материаллари ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш жараёнида тўпланган ахборотлар асосида терговчи тинтув қилинувчининг ва унинг оила аъзоларининг шахси, турмуш тарзи, фаолияти ва кун тартиби ҳақида тасаввур ҳосил қила олиши лозим. Бу нарса терговчига тинтувда тўғри қидирув тактикасини танлаш имкониятини беради.

Тинтувнинг асосий тактик қоидаси унинг қўққисдан ўтказилиши ва кутилмаганлигидадир. Тинтувни терговчи томонидан қўққисдан ва кутилмаганда амалга оширилиши жиноят содир этган шахсни беркиниши, манфаатдор шахслар томонидан ашёвий далилларни яшириш ёки йўқ қилишига йўл қўймайди. Шунинг учун, тинтувга тайёргарлик кўриш вақтида терговчи унинг тасарруфидаги маълумотларга асосланиб тинтув ўтказиладиган жойга қўққисдан, яширин боришнинг ва у ерга тез, тўсиқларсиз киришнинг йўлларини излаши керак. Агар тинтув қилинувчи шахс тўсқинлик қилиши ёки қуролли қаршилик кўрсатиши эҳтимол бўлса, у ҳолда бундай ҳолатларни огоҳлантириш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши керак.

Тинтув қилиниши керак бўлган жой ва тинтув қилинувчининг шахси ҳақида маълумот тўплашда ва бошқа тайёргарлик тадбирларини ўтказаётганда ушбу чоралар овоза бўлмаслиги учун жуда ҳам эҳтиёт бўлиш керак.

Тинтувнинг муваффақиятли ўтишида терговчи томонидан тергов гуруҳи таркиби ва миқдорини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга. Агар тергов бир неча жойда, катта ер майдонида ўтказилиши керак бўлса ёки қидирув ишлари катта ҳажмда олиб борилиши керак бўлса, тергов гуруҳи таркибига терговчидан ташқари маълум бир ҳудудларда қидирув ишлари олиб борувчи яна бошқа тергов ва тезкор ходимлар ҳам қўшилиши мумкин. Тинтув қилинувчилар тинтув вақтида уларга қаршилик кўрсатиб далилларни йўқ қилишга ҳаракат қилиш мақсадида маълум буюмларни ойнадан ташқарига улоқтиришлари, шерикларига баъзи бир йўллар билан огоҳлантириш белгилари беришлари мумкин бўлганлиги учун тергов ишига тинтув қилинаётган жойни кузатиш ва қўриқлашга жавобгар бўлган милиция тезкор ходимлари ҳам жалб этиш мумкин.

Олиб қўйилиши керак бўлган предметларнинг хусусиятларига асосланиб гуруҳ таркибига тегишли мутахассислар ҳам қўшилиши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳисоботи бўйича мутахассис терговчига кўп сонли ҳужжатларнинг орасидан тергов қилинаётган жиноят-

га тегишлисини танлаб олишга, санъатшунос ўғирланган санъат асарларини топишда ёрдам бериши мумкин.

Агар тинтув ерида катта ҳажмдаги техник ишларни ўтказиш кўзда тутилган бўлса (қазиш ишларини ўтказиш ва бошқалар), ундай вазиятда уларни бажариш учун ёрдамчи ходимлар таклиф қилинади.

Тайёргалик давомида терговчи тинтув ерида холисларнинг ҳозир бўлишини таъминлашга қаратилган чоралар кўради. Холислар тергов гуруҳи тинтув ерига чиқмасдан туриб тергов гуруҳининг таркибида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тергов ерига кириб бориш айбланувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан қаршилик кўрсатилиши билан боғлиқ ҳолатларда бу нарса айниқса муҳимдир.

Агар, тинтув ерида фақат шубҳаланилганни эмас, балки бошқа шахсларни ҳам тинтув қилиш кўзда тутилган бўлса тергов гуруҳи таркибига тезкор ходимлар ва эркак ҳамда аёл холислар киритилиши зарур.

Тинтувга тайёргарлик мобайнида терговчи унинг тасарруфидаги илмий-техник воситаларнинг тўлиқлиги ва бутунлигини текшириши лозим. Тинтув ерининг ўзига хос хусусиятлари ва қидирилаётган предметнинг характерини инобатга олган ҳолда, терговчи тергов чемоданидаги криминалистик воситалардан ташқари қидирув вақтида қўл келиши мумкин бўлган қидирув ва бошқа воситаларни тайёрлайди. Масалан, мурдани топиш мақсадида ўтказилган тинтувда терговчи техник воситалар таркибига щуп, трал, биологик емирилишга реакция берувчи, қон изларини топиш учун кимёвий реактив воситаларни қўшиши мумкин. Агар тинтув жиноятнинг металл қуролларини топиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда мина қидирувчи ёки металл қидирувчи тайёрланиб қўйилиши зарур.

Бирор-бир жиноий иш бўйича ягона режа асосида бир вақтнинг ўзида бир неча тинтув ўтказилса (масалан, давлат мулкини ўмаришда бирга иштирок этишган шахсларни), шериклар тинтув ҳақида бир-бирларини огоҳлантирмасликлари учун терговчи тинтувни бир вақтда бошлашни, тергов гуруҳлари ўртасида тезкор маълумотлар алмашиш восита ва усулларини тайёрлашни таъминлаши ҳамда ушбу гуруҳлар аъзоларига керакли кўрсатмалар бериши зарур.

2-§ Тинтув ўтказишнинг тактик усуллари

Тинтув ўтказиладиган жойга бориш шундай режалаштирилиши зарурки, у ерда тинтув қилинувчи ёки унинг балоғатга етган оила

аъзолари бўлсин. Аммо, шунинг билан бирга, тинтув қилинувчи шахс тинтув ерига тезкор ходимлар томонидан тинтув бошланиши вақтида олиб келиниши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Агарда тинтув ерида тинтув қилинувчи ёки унинг балоғатга етган оила аъзолари бўлмаса, тинтув фақат объектив сабабларга кўра уларнинг иштирокисиз амалга оширилади.



Терговчи тинтув ерига етиб келиб, тинтув қилинувчига тинтув мақсадларини эълон қилади ҳамда бу тўғридаги қарорни кўрсатади. Тинтув қилинувчига унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади ва бу нарса тинтув баённомасида тегишлича қайд қилинади. Бундан ташқари, тинтув қилинувчига ишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган буюм ва ҳужжатларни ўз хоҳишига кўра топширишни таклиф қилинади. Агар улар тинтув қилинувчининг ўз хоҳишига кўра топширилса, тинтув терговчида ҳамма ҳужжат ёки буюмлар топширилмаганлиги ҳақидаги асослар бўлган ҳолдагина ўтказилади.

Қидирув ҳаракатларини амалга оширишдан аввал терговчи тинтув жойи билан танишиши, қидирув ҳаракатлари ҳажмини аниқлаши, алоҳида эътиборга молик жойларни белгилаши, иш ҳудудини тергов гуруҳи ходимлари ўртасида тўғри тақсимлаши лозим.

Тинтувнинг нормал шароитларда ўтиши ва далилларни йўқ қилиш эҳтимоллигининг олдини олиш мақсадида тинтув қилинувчи ва у билан бирга ҳозир бўлган шахслар бир хонада жамланиши мумкин, улар телефонда гаплашишлари, тинтув тугагунча тинтув ерини тарк этишлари тақиқлаб қўйилиши мумкин. Болаларни, одатда, тинтув еридан чиқариб юборадилар.

Агар терговчи тинтув ерида ҳозир бўлган шахс ўзида бирор нарса яшираётганига асослари бўлса, у ҳолда ушбу шахсни шахсий тинтув қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин.

Тинтув ерида номаълум шахслар пайдо бўлса, улар терговчи томонидан тинтув охиригача вақтинчалик ушлаб турилишлари мумкин. Агар ушбу шахслар тинтув ерига ўз хизмат вазифаларини бажариш учун келган бўлсалар (врач, почтачи, сантехник ва бошқалар), уларнинг шахси, келиш мақсадлари аниқланиши зарур. Уларнинг келиш мақсадлари тинтув қилинувчининг жиноий фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, терговчи уларга жавоб бериб юбориши керак. Зарурий ҳолларда улар тинтув фактини сир сақлаш тўғрисида огоҳлантирилади-лар.

Тинтувни амалга ошириш мунтазамлик ва синчковликни талаб

қилади. Терговчи ёки бошқа тинтув иштирокчиси бирор-бир предметни тез кўздан кечириб, уни қизиқтирган бошқа объектга ўтишига йўл қўйиб бўлмайди. Албатта, қидириладиган объектлар жисмоний ва бошқа хусусиятларига кўра беркитилиши мумкин бўлмаган предметларни синчковлик билан текшириш эҳтиёжи йўқ. Тинтув еридаги ҳамма бошқа предметлар ҳар томонлама ўрганилиши лозим.

Предмет ва ҳужжатларни яширин жойларда сақлашдан ташқари жиноятчилар терговчининг аввалambор яширин жойларни қидириш инсон руҳиятига асосланиб қидирилаётган ҳужжат ва предметларни терговчи эътибор бермайди дея ҳамманинг кўз ўнгида қолдириши мумкин (масалан, далилий ҳужжатларни ёзув столида бошқа қоғозлар билан бирга қолдириш). Баъзан, тинтув қилинувчилар яширин жой сифатида бу мақсадлар учун мўлжалланмаган предметларни ишлатадилар (мурабболи банкалар, тилла ва қимматбаҳо нарсаларни, китоблар қурол-яроғларни сақлаш учун ва ҳоказо). Шунинг учун терговчи, тинтув еридаги мебель, кийим, оёқ кийим, уй-жиҳоз техникаси, китоблар, болалар ўйинчоқлари, идиш-товоқ, ошхона жиҳозлари, озиқ-овқатлар ва бошқаларни диққат билан ўрганиши зарур.

Иморатда, шунингдек, ҳовли иншоотларида, томорқа ва бошқа жойларда тинтув ўтказганда терговчи ҳар доим бир йўналиш бўйлаб ҳаракатланади, масалан, спираль бўйича, соат мили бўйича, нарсаларни бирин-кетин текшириб, сўнг – хона маркази, деворлар, пол, кейин эса бошқа хонага ёки иморатга ўтади.

Очиқ жойда қидирув ишларини ўтказишда тинтувнинг тўлиқлиги ва ҳар томонлама ўтказилишини таъминлаш мақсадида текшириладиган ҳудуд алоҳида қисмларга ажратилиб (секторлар, квадратлар), тергов гуруҳи аъзоларига бириктирилиб қўйилади. Ҳар бир ҳудуд маълум бир кетма-кетликда кўздан кечирилади, керак бўлганда эса техника воситалари ёрдамида ўрганиб чиқилади.

Қидирув вақтида терговчи бирор-бир жойда яширин жой борлигига асос бўлувчи турли хил салбий ҳолатларни, изларни эътибордан қочирмаслиги зарур. Масалан, ям-яшил ўтлар орасида сарғайган ўтли ҳудуд, томорқадаги янги қазилган жой, деворнинг янги гулқоғоз ёпиштирилган қисми, пол тахталарининг биридаги михларнинг янги ялтилловчи қалпоғи ва бошқалар терговчининг эътиборини ўзига жалб этиши ҳамда мазкур объект ёки ҳудуд қисмини синчковлик билан текшириш учун асос бўлиши зарур. Мурда кўмилган жойни уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг ўзларини бесаранжом тутишлари ҳам кўрсатиши мумкин.

Пайдо бўлган шубҳаларни текшириш учун терговчи щуп ёки бошқа ингичка предмет ёрдамида юмшоқ мебелни, ўрин-тўшакни, ерни ва бошқаларни текшириб кўриши мумкин. Бу нарса етарли бўлмаган ҳолатларда мураккаброқ асбоб-ускуналар қўлланилади: мурда ва мина қидирувчи, портатив рентген ускунаси ва бошқа қидирув воситалари. Зарурият туғилганда унинг ортида яширин жой борлиги тахмин қилинаётган тўсиқ бузиб ташланиши, уй-жиҳоз техникаси ва агрегатлар эса қисмларга бўлиб ташланиши мумкин.

Агар қидирув ҳаракатлари давомида жойнинг эгаси қандайдир сабабларга кўра ёпиқ жойни очишдан бош тортаётган бўлса, терговчига қонун томонидан қулф, эшик ва бошқа предметларни бузиш эҳтиёжининг олдини олиб, уни ўзи очишига ваколат берилган. Терговчи томонидан ёпиқ жойни очиш усули тинтув баённомасида қайд этилиши зарур.

Тинтув вақтида топилган бир қатор бир хил предметлар орасидан жиноий ишга алоқадорларини аниқлаш мақсадида содда аналитик намуналар олиш мумкин. Масалан, гиёҳванд моддаларни тинтув қилинувчида мавжуд бошқа дорилардан, қон излари ва бошқа биологик изларни ажратиш учун тинтув ерида тегишли мутахассис томонидан экспресс-усулларни қўллаб, дастлабки ўрганишларни ўтказиш мумкин.

Қидирувни амалга оширишда терговчи унинг тасарруфидаги тинтув қилинаётган шахс ҳақидаги маълумотларни эътиборга олиши шарт. Чунки бу каби маълумотларнинг ҳисоботи тинтув ўтказишнинг тўғри тактикасини танлаш ва мазкур тергов ҳаракатини самарали ўтказиш имконини беради.

Тергов амалиёти кўрсатишича, тинтув қилинувчининг фаолият тури, қизиқишлари, одатлари ва қидирилаётган предмет ва ҳужжатларни яшириш усуллари, яширин жойларни танлаш йўллари орасида маълум бир боғлиқлик бор. Кўпинча, шундай ҳолатлар ҳам бўладики, тинтув қилинувчилар бирор-бир предметни беркитишда ўз профессионал тажрибаларига суянган ҳолда, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда жой танлашади. Шунинг учун, тинтув вақтида терговчи шу каби объектларни ўрганишга катта аҳамият бериши лозим.

Баъзи бир вазиятларда тинтув қилинувчининг ёки унинг оила аъзосининг ўзини тутиши тинтув йўналиш кўрсатиши мумкин. Масалан, тинтув қилинувчининг терговчи маълум бир объектга яқинлашганда ҳаддан зиёд асабийлашиши ва маълум бир объектдан узоқлашганда таскин топиши, мазкур объект ўзининг хусусиятларига кўра

яширин жой бўлиб хизмат қила олмаслиги ҳақидаги тинтув қилинувчининг сўзлари ва бошқалар терговчини сергаклантириши зарур. Масалан, давлат маблағларини талон-тарож қилиш бўйича ишда айбланувчининг рафиқаси тинтув вақтида жазаваси тутганлигини кўрсатиб ошхонанинг бурчагига мурабболи банкаларни ота бошлади. Бу нарса терговчини сергаклантирди. Ошхона бурчагидаги пол очилганда пуллар беркитилган яширин жой фош қилинди.

Тинтув қилинувчи ва тинтув ерида ҳозир бўлган бошқа шахсларни кузатишни махсус тезкор ходимга топшириш мақсадга мувофиқдир.

Кўпинчалик тинтув қилинувчилар ашёвий далилларни кир кийимларда, болалар буюмларида, ўйинчоқларда ва бошқаларда сақлайдилар. Баъзан уларни айбловчи ҳужжатларни терговчининг бир хил ишни узоқ вақт бажаришидан ҳосил бўладиган чарчоқ ва эътиборини сусайишига мўлжаллаб, уй кутубхонасидаги китоблар орасига жойлайдилар. Бу каби вазиятларда терговчининг қатъийлик, кескинлик, саботлилик каби фазилатлари алоҳида аҳамият касб этади. Тинтув узоқ вақт давом этганда дам олиш учун қисқа танаффуслар қилиш тавсия қилинади.

Тинтув вақтида терговчи баъзан тинтув қилинувчининг шахсий ва ички ҳаёти билан тўқнаш келади. Масалан, қидирув вақтида у тинтув қилинувчининг шахсий ёзишмаларига, ички шахсий ҳаётига тааллуқли ва тергов қилинаётган ҳодисага алоқаси бўлмаган ҳужжат ва предметларига дуч келиши мумкин. Қонун, фуқаролар манфаатини кўзлаб, терговчи бу каби ҳолатлар овоза бўлмаслиги учун бор имкониятларини ишга солишини уқтиради. Шунинг учун қидирув ҳаракатлари давомида терговчи холислар ва тинтувнинг бошқа иштирокчилари эътиборини бу нарсаларга, агар уларнинг ишга алоқаси бўлмаса, катта урғу бериб қаратмаслиги лозим. Агар бу ҳолатлар тергов қилинаётган ишга алоқадор бўлиб, холислар ва тинтувнинг бошқа иштирокчилари улар билан танишишлари шарт бўлсалар, терговчи уларни бу ҳолатларни овоза қилмасликлари тўғрисида огоҳлантириб, улардан тилхат олиши зарур.

Шунингдек, тинтув вақтида ишга алоқадор ҳужжат ва предметлардан ташқари тинтув қилинувчи томонидан содир этилган бошқа жиноятга алоқадор предметлар, рўйхатга олинмаган қурол-яроғ ва фуқаролик муомаласидан чиқарилган бошқа предметлар ҳам олиб қўйилади.

Алоҳида ҳолларда баъзи бир фуқаролар қайтадан тинтув қили-

нишлари мумкин. Қайта тинтувга эҳтиёж, биринчи тинтув маълум сабабларга кўра юзаки ўтказилган бўлса ёки тергов давомида, тинтув қилинувчида унинг жиноий фаолиятининг аниқланган янги эпизодларига тааллуқли предметлар борлиги ҳақидаги янги маълумотлар пайдо бўлган бўлса юзага келади. Бундан ташқари, аввал тинтув қилинган шахс турар жойига терговчи энди эътибор бермайди деб ҳисоблаб, биринчи тинтувда топилиши ва аниқланиши лозим бўлган объектларни ўз турар жойига олиб келиши каби ҳоллар ҳам қайта тинтувга асос бўлиши мумкин.

Бирор шахснинг иш жойини, меҳмонхонани ёки ётоқхонани тинтув қилишда тинтув қилинувчининг ихтиёрида бўлган ва унинг шахсий мулки бўлган предметлар тинтув қилинади. Уларга тинтув қилинувчининг иш столи, асбоб-ускуналари, кийим сақлаш шкафлари, ётоқхонадаги ўрни, тинтув қилинувчи ишлатадиган тумбочка ва унинг шахсий буюмлари киради. Терговчи тинтув қилинувчи билан бирга ишловчи ёки яшовчи шахсларнинг мулкига нисбатан тинтув ўтказиши тақиқланади. Терговчи фақат ушбу шахсларга ўз буюмларини кўздан кечириб, уларнинг орасида уларга тегишли бўлмаган буюмлар йўқлиги тўғрисида маълумот беришларини таклиф қилиши мумкин.

Шахсий тинтув, тинтувнинг бошқа турлари каби прокурор санкцияси билан терговчининг асосланган қарорига биноан амалга оширилади. Шахсий тинтув фақат бир жинсдаги шахс томонидан ушбу жинсдаги холислар иштирокида ўтказилиши мумкин. Бунинг учун алоҳида хона ажратилади ва ундан бегоналар чиқариб юборилади. Иложи бўлса, тинтув қилинувчи тинтув вақтида қаршилик кўрсатмаслиги учун тинтув икки ходим томонидан амалга оширилиши маъқул. Тинтув қилинувчининг аввало чўнтаклари текширилади, қуроли олиб қўйилади, шунингдек, қаршилик кўрсатиши учун қўл келадиган ҳар қандай предметлар олиб қўйилади (тамаки ва бошқалар). Чўнтаклар, сумкалар ва тинтув қилинувчининг бошқа буюмлари эътибор билан текширилади. Агар шахсий тинтувни ўтказиш инсон танасини текшириш билан боғлиқ бўлса, тинтув ўтказиш учун врачни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.

3-§ Олиб қўйиш

Олиб қўйиш тинтувга жуда ҳам ўхшашдир. Худди тинтув сингари бу тергов ҳаракати ҳам фуқародан, шунингдек, турли хил корхо-

на, муассаса ва ташкилотлардан жиноий ишга аҳамияти бўлган ҳужжат ва предметларни олишга қаратилган. Аммо тинтувдан фарқли ўлароқ олиб қўйиш ҳар доим аниқ маълум бир буюм ва ҳужжатларга нисбатан, улар қаерда ва кимда эканлиги аниқ бўлганда қўлланилади.

Олиб қўйишда қидирув ишларига ҳожат йўқ, бинобарин, олиб қўйишни ўтказишда фуқароларнинг манфаатларига таъсир нисбатан камроқ бўлади. Олиб қўйишда терговчининг вазифаси бирор-бир шахсга ёки раҳбарга маълум бир ҳужжатни ёки предметни беришни таклиф қилишдир. Рад жавоби олинганда эса нарса ёки ҳужжатни мажбурий олиб қўйиш қўлланилади.

Давлат сирига эга бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш ҳолатларидан ташқари олиб қўйиш учун прокурорнинг санкцияси талаб қилинмайди. Олиб қўйиш дипломатик ваколатхоналар жойлашган ерларда ёки уларнинг оила аъзолари истиқомат қиладиган жойларда ўтказилса, уларнинг розилиги билан ва албатта прокурор ва Ташқи ишлар вазирлиги ходими ҳузурида ўтказилиши зарур.

Олиб қўйишда иштирокчилар доираси худди тинтувдаги сингаридир. Тинтувда қўлланиладиган асосий тавсиялар олиб қўйишга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Агар маълум бир жойда керакли ҳужжат ёки предметлар бўлмаса, уларни бошқа ердан қидириш мумкин эмас, чунки унда бу олиб қўйиш эмас, тинтув бўлади.

Олиб қўйиш тинтувнинг бир қисми эмас, балки мустақил тергов ҳаракатидир. Олиб қўйишда айнан иш учун аҳамиятли нарсани ёки ҳужжатни, копиясини эмас, унинг асл нусхасини олишни таъминлаш зарур. Ана шундай хавф-хатар мавжуд бўлганда, олиб қўйишга тинтувдаги сингари мутахассисни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйишда ревизор, аудитор ёки экспертни таклиф қилиш зарур.

Агар ўғирланган (тортиб олинган, тамагирлик йўли билан олинган) буюмларни олиб қўйиш кўзда тутилган бўлса, жабрланувчини таклиф қилиш мумкин.

Олиб қўйишни муваффақиятли ўтиши кўп ҳолларда терговчининг олиб қўйилаётган шахс билан, олиб қўйиш ўтказилаётган ташкилот вакили билан алоқасига боғлиқ. Бундай вазиятда шунингдек, кузатувчанлик ва керакли ҳамма нарса олинганлигига ишонч ҳам катта аҳамиятга эга. Агар терговчи объектларни яширилганлигини ҳис қилса, у ҳолда тинтув ҳақида қарор чиқаради ва тинтувга киришади.

Олиб қўйишнинг алоҳида турига почта-телеграф ёзишмаларини ҳибсга олиш ва уларни олиб қўйиш киради. Ёзишмаларни олиб

қўйиш одатда, яширинаётган шахсни, ўғирланган мулкни, беркитилган қимматбаҳо бойликларни ва бошқаларни топиш учун ишлатилади. Почта-телеграф ёзишмаларини олиб қўйиш фақат прокурорнинг санкцияси ёки суд қарори билан амалга оширилади. Ҳибсга олиш (олиб қўйиш) ҳақидаги қарорда кимнинг ёзишмалари ва нима муносабат билан ҳибсга олинганлигини кўрсатиш зарур. Қарор одатда, терговни қизиқтираётган ёзишмалар келиб тушиши лозим бўлган (ёки доимо келиб тушадиган) алоқа бўлими раҳбари томонидан ижро этилади. Амалда алоқа бўлими раҳбари қарорда кўрсатилган ёзишмани ушлаб туради ва терговчини бундан бохабар қилади. Терговчи ёзишмаларни олиб қўйишни холислар ҳузурида амалга оширади ва баённома билан қайд қилади.

4-§ Тинтув ва олиб қўйиш натижаларини қайд этиш

Тинтув ва олиб қўйишнинг тергов ҳаракатлари сифатидаги далилий аҳамияти уларнинг ўтказиш жараёни ва натижаларини тўла ва объектив қайд этишга узвий боғлиқдир. Тинтув ва олиб қўйиш баённомалари, уларнинг натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, улар ўтказилгандан сўнг тузилади. Баённома тинтув ва олиб қўйишни қайд этишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Баённомада тинтув ва олиб қўйиш қачон, ким томонидан, қаерда, қандай иш бўйича, кимнинг ҳузурида ўтказилганлиги ва унинг натижалари қандай бўлганлиги кўрсатилади. Баённомада топилган ва олиб қўйилган предметлар тўғрисида тўла маълумотлар кўрсатиб ўтилади. Объектларнинг умумий ва хусусий белгиларини иложи борича аниқроқ кўрсатишга ҳаракат қилинади: шакли, ҳажми, ранги, ундаги ҳар хил рақам ва ёзувларнинг мавжудлиги ва бошқалар. Объектларнинг сифат хусусиятларига алоҳида эътибор берилади: янги, эски, муомалада бўлган ва ҳоказо. Агар бир турдаги предметлар олиб қўйилса уларнинг миқдори ёзув билан кўрсатилади.

Қимматбаҳо қоғозлар, чек ва омонат дафтарчалар, аккредитив ва ҳоказоларни олишда уларнинг реквизитлари баённомада қайд этилади. Хорижий ва миллий валюта алоҳида кўрсатилади (масалан, Ўзбекистон Республикаси банкининг 500 қийматидаги билети – 1000 дона). Агар ўғирланган пулларнинг рақамлари маълум бўлса, баённомага ҳар бир купюра серия ва рақами киритилади.

Ҳужжатларни олишда уларнинг мақсади, реквизитлари, ҳолати:

қўл ёзмаларни олишда – ҳар бир бетнинг биринчи ва охирги иборалари кўрсатиб ўтилади.

Тинтув қилинувчи олиб қўйилаётган предметлар қимматбаҳо металлардан тайёрланганлигини таъкидласа, ҳар бир предмет батафсил таърифланиши, уларда проба бор ёки йўқлигини кўрсатиш зарур. Таърифлаётганда, агар буюмларда проба белгиларига ўхшаган аломат бўлса ҳам «тилла узук», «тилла занжир» каби шаклда таърифламаслик зарур. Баённомада «сариқ металлдан ишланган узук», «сариқ металлдан ишланган занжир» деб кўрсатиш зарур. Антиквар буюмларни таърифлашда улардаги фирма белгилари ва ҳоказоларни чизиб олиш мумкин.

Яширин жойлар, уларнинг ниқобларини таърифлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Баённомада қайси буюмлар ўз хоҳишига кўра берилганлиги қайд этилиши зарур.

Агар тинтув ёки олиб қўйиш давомида техник воситалардан фойдаланилган бўлса, у ҳолда баённомада ускуналарнинг номи ва тури, шунингдек, тинтув ва олиб қўйишда ҳозир бўлган шахсларни техник воситаларни қўллаш ҳақида огоҳлантирилганликларини қайд этиш керак.

Баённоманинг сўнгги қисмида қандай предметлар олинганлиги, қандай ўралганлиги, кимга ва нима сақлаш учун топширилганлиги кўрсатиб ўтилади. Тинтув ва олиб қўйиш баённомаси уч нусхада тузилади. Биринчи нусхаси ишга бириктириб қўйилади. Иккинчи нусхаси тинтув қилинувчи, олиб қўйилувчи ёки унинг вакилларида қолади ва улар биринчи нусхада иккинчи нусхани олганликлари тўғрисида имзо чекадилар. Учинчи нусха олинган объектлар билан бирга ашёвий далилларни сақлаш камерасига топширилади. Оригинал ва нусханинг барча бетлари терговчи, холис ва тинтув ёки олиб қўйишнинг бошқа иштирокчилари ҳамда тинтув қилинувчи ёки олиб қўйиш ўтказилган идора вакиллари томонидан имзоланади.

Баённома ёзиш билан бирга, далилларни қайд этишнинг бошқа усуллари ҳам ишлатилиши мумкин: режа тузиш, расмга олиш, видеотасмага тушириш ва ҳоказо. Режа ва схемаларда топилган яширин жойлар тасвирланади, асосийси – яширин жойнинг ўзи, объектлар қандай жойлашганлиги акс эттирилади.

Расм олиш ва видеотасмага тушириш ҳам шу асосда амалга оширилади: кузатиш имконини берадиган асосий ва батафсил кўриниш олинади. Асосий тасвирда топилган яширин жой ва ундаги объектлар, батафсилида яширин жойдан олинган объектлар қайд эти-

лади. Объектларни, уларнинг умумий, хусусий ва фарқловчи хусусиятларини аниқ кўринадиган қилиб тасвирга тушириш лозим.

Агар олинган катта ҳажмдаги объектларни ишга бириктиришнинг иложи бўлмаса, уларни қонунга биноан расмга тушириш зарур.

Сифатли фотосуратлар жиддий далилий базани ташкил қилади: яширин жойларнинг мавжудлиги, турлари ва хусусиятларидан далолат беради; предметларни алмаштириб қўйиш имконини йўққа чиқаради.

Олинган пуллар ва қимматбаҳо буюмлар эртаси куниёқ тегишли ички ишлар органининг молиявий бўлимларига топширилиши зарур. Қимматбаҳо буюмлар ва тошларнинг ҳақиқийлиги, пулларнинг ҳақиқийлиги ва уларда маълум бир шахснинг бармоқ излари мавжудлигини экспертиза йўли билан текшириш зарур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

19-боб СЎРОҚ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Сўроқ тушунчаси ва кўрсатувларнинг психологик асослари

Сўроқ терговчи билан жиноий воқеа ҳақида маълумот берувчи шахс ўртасидаги ўзаро мулоқотдир. Қонун талабига кўра, терговчи сўроқ қилинувчидан кўрсатув олиш орқали маълумот тўплайди. Маълумки, сўроқ вақтида олинган кўрсатувлар жиноят иши бўйича далил манбаининг бир кўриниши ҳисобланади, тўпланган ахборотлар эса жиноятнинг айрим ҳолатларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Тергов амалиётида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинган ва эксперт мутахассисларни сўроқ қилиш кўпроқ учрайди.

Сўроқ ўтказишнинг қонуний асослари Ўзбекистон Республикаси ЖПК 96-108-моддалари орқали тартибга солинади. Гумон қилинган шахсларни сўроқ қилиш тартиби ЖПК 109-113-моддаларида кўрсатилган. Гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш тартиби ва усуллари ушбу Кодекснинг 114-124-моддаларида қайд қилинган.

Криминалистик тактик услубларни қўллаш нуқтаи назаридан гувоҳ ва жабрланувчиларнинг процессуал ҳолати ва ҳуқуқлари деярли бир хил бўлиб, уларнинг ҳолатлари ўхшашлиги сабабли бир усулда сўроқ қилинади. Лекин ушбу процессуал шахсларнинг ҳолатларини баъзи томонлари эътиборга олиниб уларни сўроқ қилишда турли услубни қўллаш мумкин. Жумладан, гумон қилинувчига нисбатан жиноят иши юзасидан ҳали аниқ ва асосли исботлар бўлмаганлиги учун уни фақат гумон қилинган шахс сифатида сўроқ қилинади. Айбланувчи эса терговчининг унга нисбатан тўпланган далиллари асосида айбланувчи сифатида сўроқ қилинади ва тактик услублар мана шу ҳолатларга асосан қўлланилади.

Гувоҳ билан жабрланувчининг процессуал ҳолати деярли бир хил, ҳуқуқ ва бурчлари ҳам ўхшаш. Лекин айрим ҳолатлар мавжудки, гувоҳ билан жабрланувчи орасида баъзи бир фарқ ҳам бордир. Жумладан, жабрланувчи жиноят оқибатидан бевосита моддий, маънавий ва жисмоний зарар кўради, шунинг учун тергов натижасидан бир мунча манфаатдор.

Сўроқ жараёнида жабрланувчи кўрсатув беришда воқеани тўғри ва объектив ёритишига унинг шахсий адовати ва психологияси, яъни руҳий ҳолати таъсир этиши мумкин. Гувоҳда эса бу хусусиятлар бўлмаганлиги учун одатда холис кўрсатув беради.

Сўроқ қилинувчи шахслар кўрсатувларининг шаклланиши мураккаб жараёндир, чунки уни юзага келишида ҳис эта билиш ва мантиқли фикрлашнинг турли шакллари иштирок этади. Шу сабабли сўроқ қилишда шахснинг руҳий ҳолатини, хусусиятларини назарда тутган ҳолда тактик услубларни қўллаб, жиноят ишига тегишли маълумотларни олиш мумкин.

Кўрсатувни қандай ҳосил бўлишини, унинг психологик асосларини билиш терговчига тактик услубларни тўғри қўллашга ёрдам беради. Гумон қилинувчи ва айбдор, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг жиноят ишида тутган турли процессуал ҳолати ҳамда тергов қилинаётган шахснинг жиноятдаги ролига қараб уларни сўроқ қилишда фарқлар мавжуд. Аммо кўрсатувларнинг ташкил топишида ўзига хос умумий психологик қонуният ҳам бор, албатта. Тергов қилинаётган жиноят ҳолатларини қабул қилиш, хотирада сақлаб қолиш ва гапириб бериш жараёнига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив факторлар гувоҳ ва айбланувчига бир хилда таъсир этиши мумкин. Жиноятчи ўзини ва шу билан бирга иштирокчиларнинг воқеа содир бўлган жойда бўлган шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ ҳолда конкрет ҳолатларни умумий психологик қонуният асосида идрок қилади ва эсда сақлаб қолади.

Ҳодисанинг бир зумда бўлиб ўтиши, эшитиш ва кўришнинг ноқулайлиги ва камчилиги, хотиранинг ўзига хослиги ва шунга ўхшаш объектив ва субъектив омиллар, жиноят ҳолатини ким идрок қилишидан (гувоҳми ёки айбланувчими) қатъи назар, ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун гувоҳ ва жабрланувчигина эмас, балки гумон қилинган ва айбланувчини сўроқ қилишда ҳам кўрсатувнинг шаклланишидаги умумий психологик қонуниятни эътиборга олмоқ лозим. Инсонда ҳодиса ёки воқеани идрок қилиш вақтидан то судда шу тўғрида гувоҳлик бергунга қадар бўладиган руҳий ўзгаришларни уч босқичга бўлиш қабул қилинган. Руҳий процессларнинг барқарор бўлиши, вақт бўйича фарқ қилиши, мазмуни, кечиш жадаллиги бунга асос қилиб олинган. Булар кўрсатувнинг шаклланиш босқичлари дейилади.

Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

а) ҳодиса ва унинг айрим қисмларини идрок қилиш;

б) эшитган, кўрган маълумотни хотирада сақлаб қолиш;

в) тиклаш, яъни сўроқ қилиш вақтида сўзлаб бериш.

Ҳар қайси конкрет кўрсатувни ташкил топиши учун юқоридаги босқичларнинг бўлиши шарт эмас, қатор ҳолатларда уларнинг ай-

римлари тегишли объектив ва субъектив шароитларга кўра юзага келмаслиги мумкин. Кўрсатувнинг ташкил топиш жараёни қандай турга бўлинмасин юқорида умумий эътироф этилган уч босқичдан воз кечиши мумкин эмас.

А. Воқеа, ҳодиса ва предметларни идрок қилиш.

Кўрсатув сўроқ қилинувчининг берган далилларини идрок қилишдан бошланса, криминалистикада эса сўроқ қилинувчи ўзи идрок қилган воқеа ва ҳодиса жиноий ҳуқуқий характерга эга эканлигини тушуниб етгандан сўнг бошланади. Психологик кўрсатув ташкил топиш вақтига кўра, терговдаги кўрсатувдан олдин юзага келади, яъни гувоҳ дастлаб воқеани идрок қилади, сўнгра эса унинг навбатдаги тергов учун аҳамиятли эканлигини тушуниб етади.

Ташқи оламни идрок қилишнинг оддий шакли ҳис этишдан бошланади. Ҳис этиш бу реал оламдаги предмет ва ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таъсири натижасида юзага келган айрим сифат ва хусусиятларнинг оддий ифодасидир. Ҳис этиш объектив борлиқнинг сезги органларимизга таъсирининг натижаси бўлиб, у бошланғич психологик билиш процесси ҳисобланади.

Ташқи моддий олам предметларини ҳис этиш, кўриш, эшитиш, тери орқали сезиш, ушлаб кўриш сезги органларимизга таъсир этиш ёрдамида юз беради. Ҳис этиш орқали биз предметларнинг ранги, ҳиди, таъми, силлиқлиги, дағаллиги ва шу каби хусусиятларни билиб оламиз.

Сўроқ қилинувчиларнинг кўрсатувидаги маълумотлар уларнинг онгида қайта тикланганлиги сабабли уларнинг ҳажми ва сифати объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади.

Предмет ва ҳодисаларни етарлича тўла ва аниқ идрок қилишга зеҳннинг нормал шароити етарлича қулай бўлмаслиги каби объектив омиллар таъсир кўрсатади.

Идрок қилишга таъсир этувчи объектив омиллар қуйидагилар:

- кузатилаётган воқеанинг қисқа муддатлилиги, қисқа вақт ичида сезги органлари барча ҳодисани тасаввур қила олмайди, масалан, киши кўзи билан кўрганларни идрок қилади, лекин эшитиб идрок қилишга улгурмайди.
- кузатишдаги ноқулай об-ҳаво шароити;
- кузатиш вақтидаги ёруғликни етарли бўлмаслиги;
- идрок қилишнинг бир хил вазиятдалиги;
-кузатилаётган воқеа ва объектлар ҳаракатининг давомийлиги;

- кузатилувчи ёки таъсир этувчи омилнинг жуда кўплиги ёки жуда камлиги;

- кузатилаётган ҳодиса вақтида шовқиннинг кучлилиги.

Идрок қилишга таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар қуйидагилар:

- профессионал малака;

- сезги органларининг нормал ҳолати, чарчоқ ва ҳаяжоннинг йўқлиги;

- қабул қилишнинг танланиши;

- сезги органларининг хусусиятлари;

- ҳорғинлик ёки мастлик, кузатилган воқеа ва ҳодисаларни билмаслик, тушунмаслик;

- кучли ҳаяжонланиш, ғамгинлик;

- руҳий эзилганлик ҳолати;

- ҳодисага эътиборсизлик, воқеага лоқайдлик билан қараш;

- кузатилаётган ҳодисанинг мураккаблиги.

Б. Идрок қилинган предмет, воқеа ва ҳодисаларни хотирада эслаб қолиш. Ҳар қандай кўрсатув ҳам одатда кейин юзага келади. Идрок қилинган воқеа ҳодисани сўроқ вақтида хотирада тиклашгача баъзан маълум вақт ўтади. Идрок қилинган маълумотни лозим пайтда хотирада тиклаш учун уни ёдда сақлаб қолиш зарур. Киши идрок қилган барча маълумотлар ўзаро алоқада бўлиб, вақтинча мияда сақланади. Хотира-бу маълумотларни кейинги даврда узатиш, олдин нима идрок қилинган бўлса, ўшани хотирада мустаҳкамлаш, сақлаб қолиш ва уни тиклаш орқали ифодаланадиган ақлий фаолиятдир. Хотирада сақлаб қолишнинг тўлалиги, хотира типига, унинг машқлантирилганлигига, сақлаб қолиш усуллари ва ҳодиса юз бергандан то уни тиклашгача ўтган вақтга боғликдир.

Хотира ўз навбатида аниқ тасвирли, оғзаки, мантиқий туйғу, ҳаяжонли, ҳаракатдаги хотирага бўлинади. Ҳаракатдаги хотира ёрдамида жисмоний ҳаракат ҳолатлари билан боғлиқ барча ўзгаришлар, хотирада ҳаяжонли кўргазмали тасаввурлар, предметларнинг ташқи образлари; оғзаки айтилган ёки ўқиб берилган нутқ яхши сақланиб қолади.

В. Идрок қилинган маълумотларни кўрсатмада қайта тиклаш.

Кўрган воқеа ҳодисаларни эслаб қолиш уларни қайта тиклаш билан чамбарчас боғликдир. Қайта тиклаш - бу инсон хотирасида нима сақланган бўлса, ўшани оғзаки ёки ёзма баён қилишдир. Маълу-

мотларнинг софлиги фақат қабул қилиш ва эслаб қолишнинг сифатигагина эмас, балки шу билан бирга сўроқ қилинувчининг руҳий ҳолати, маълумоти, фаросати, характери, тасаввур этиш қобилияти, таъсирланиш даражаси, шарт-шароитларига ва тергов тактикасига боғлиқдир.

Сўроқ қилиш тактикаси учун олдин идрок қилинган маълумотларни қайта тиклашнинг психологик қонуниятлари катта роль ўйнади. Қайта тиклаш бевосита ва бавосита, ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин. У икки хил шаклда амалга ошади: биринчиси билиб олиш, яъни объектни қайтадан кўриш орқали тиклаш, иккинчиси эслаш орқали, яъни объектни хотирада қайта тиклаш.

Идрок қилишдан сўнг кўп ўтмай бевосита қайта тиклаш одатда кейинга қолдирилган тиклашга нисбатан анча тўлиқ ва аниқ бўлади. Шунинг учун у ёки бу воқеага нисбатан сўроқни кейинга қолдириш мақсадга мувофиқ эмас.

Қайта тиклаш босқичида кўрсатувнинг ташкил топишига қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади:

а) қайта тиклаш жараёнида сўроқ қилинувчининг эмоционал ҳолати (ҳаяжонланган ёки хотиржам, хафа ёки хурсандлиги кабилар);

б) гумон қилинувчи ва айбланувчиларда тез-тез учраб турадиган ”ўз фикрини ҳимоя қилиш“га уриниш ҳаракати;

в) сўроқ қилинувчининг мижози ва характери;

г) кишиларнинг таъсирланишга мойиллиги (масалан, иродасиз кишиларда, болаларда таъсирланиш кучли бўлади);

д) хаёлпарастликка мойиллик, хаёлпарастлик элементи, айрим ҳолларда сўроқ қилинувчи ўзи кўрган воқеа ва ҳодисаларни тўла идрок эта олмай уни худди кўргандек атрофлича ўз кўрсатувида баён қилишга интилади;

е) сўроқ қилинувчининг ўз фикрини тузиш қобилияти; агар сўроқ қилинувчи ўзидаги айрим камчилик ёки бошқа сабаблар туфайли ўз фикрини аниқ ифодалай олмаса, терговчи аниқловчи саволлар билан унга кўрсатувни тўғри ифодалашга ёрдам беради. Сўроқ қилинувчидан терговни қизиқтирувчи воқеа тўғрисида батафсил ва изчил гапириб бериш ёки фақат айрим ҳодисани эслаш илтимос қилинади.

Терговчи кўрсатувни қабул қилишда айрим хатоликка йўл қўйиши мумкин. Бу хато сўроқ қилувчининг тегишлича профессионал тайёргарлик кўрмагани натижасидадир. Шундай қилиб, кўрсатувнинг сифати сўроқ предметига, қабул қилишнинг ташқи шароитига, хоти-

рада сақлаб қолишга, қайта тиклашга ҳамда сўроқ қилинувчи ва сўроқ қилувчининг шахсий субъектив сифатларига боғликдир.

2-§ Сўроқ ўтказишга тайёргарлик кўриш

Жиноят билан боғлиқ ҳолатларни билиб олиш, аниқлаш маълум тайёргарлик кўришни, унинг ўзига хос хусусиятларини, айбланувчининг шахсини пухта ўрганишни талаб этади. Айбланувчининг шахсини ўрганишда унинг маънавий дунёси, турмушдаги ўрни, юриш-туришига доир томонлар батафсил ўрганилиши керак.

Сўроқ одатда терговчи хонаси ёки махсус ажратилган хонада олиб борилиши керак. Сўроқ қилиш хонасида сўроқ қилинувчи ўзини ниҳоятда эркин сезиши, унинг руҳиятига мосланган бўлиши, сўроқ қилинаётган хонада киши эътиборини чалғитадиган кераксиз нарсалар, жиҳозлар бўлмаслиги, ҳаттоки ташқи дунё билан алоқа узилган бўлиши зарур.

Айбланувчини сўроқ қилишдан олдин терговчининг бутун ҳаракати, эътибори фақат шу масалага қаратилиши, мазкур тайёргарликда терговчи сертакаллуф бўлиши билан ўзини давлат вакили сифатида кўрсата олиши лозим. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишдан аввал унга нисбатан қандай далиллар мавжуд, сўроқ жараёнида улар ёлғон кўрсатув берар бўлса, уни фош этиш учун қўлланадиган далиллар, ҳужжатлар пухта текширилган бўлиши лозим.

Сўроқ жараёнида сўроқ қилинувчи шахсга уни кўрсатмасини текшириш, айрим қисмларини тўлдириш ва аниқлаш учун қўйиладиган саволлар олдиндан, тахминан бўлса-да, тайёрланиб қўйилиши лозим.

Сўроқ қилинувчиларнинг қайсилари биринчи, қайси бирлари кейинги навбатда сўроқ қилиниши лозимлигини ҳам терговчи жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиққандан кейин белгилаб олиши зарур.

Жиноий ҳаракатнинг қайси бир ҳолатлари ким томонидан тўлароқ ёритилишига қараб сўроқ қилинувчилар тартиби белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Сўроқ ўтказиш вақти ва жойи ҳам терговчининг ўз тажрибаси ва ишининг алоҳида ҳолатларига қараб белгиланиши мумкин.

Сўроққа тайёргарлик кўриш қуйидагилардан иборат:

а) жиноят ишини ўқиб ўрганиб чиқиш;

б) гувоҳнинг айбланувчига, жабрланувчига ва иш бўйича айрим далилларга нисбатан бўлган муносабатини аниқлаш;

в) сўроқ вақтида бериладиган саволларни белгилаб қўйиш;

г) сўроқ вақтида керак бўлиб қоладиган материалларни, ашёвий далил бўлган ҳужжатларни тайёрлаш;

д) сўроқ қилиш вақтини ва жойини белгилаш.

Жиноят иши билан танишиш жараёнида қайси гувоҳдан қандай фактларни аниқлаш, улар қай даражада воқеани ёритиб бера олиши ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Иш бўйича гувоҳларнинг сони кўп бўлса, уларнинг ҳар бирининг шахси аниқланиб, ишнинг эпизодларига асосан ким биринчи навбатда, ким кейинги навбатда сўроқ қилиниши белгиланади. Шу билан бирга уларнинг айбланувчига нисбатан бўлган муносабати ҳам аниқланиши лозим.

Гувоҳларнинг ўзаро муносабати ва жабрланувчига нисбатан алоқаси ҳам сўроқ учун аҳамиятга эгадир. Шунинг учун уларнинг шахси, турмуши, хизматини аниқлаш билан бир қаторда мазкур иш бўйича ўзаро муносабатини аниқлаш даркор.

Кўрсатув олиш вақтида ҳар бир гувоҳ ўзига хос бўлган руҳий ҳолатларни намоён қила бошлайди; уларга турлича усулларни қўллашга тўғри келади. Баъзиларга савол бериш билан бўлса, баъзиларга оддий суҳбат билан воқеани эслашга ёрдам бериш мумкин. Демак, гувоҳ ва жабрланувчининг ишга ва айбланувчига нисбатан бўлган муносабати асосида қатор саволларни олдиндан мўлжаллаб қўйиш лозим бўлади.

Сўроқ вақтида бериладиган саволларни кўрсатув олиш жараёнида ўзгартириш ва борларини тўлдириш, янги саволларни киритиш мумкин.

Агар гувоҳнинг кўрсатувидаги айрим фактлар тўғрилигига шубҳа туғдирса, унга текширувчи ёки ёлғонни очиб ташлашга ёрдам берувчи саволларни бериш мумкин. Шундай саволлар ҳам олдиндан мўлжалланиб қўйилиши керак.

Сўроқ вақтида қўлланилиши мумкин бўлган ҳужжатлар, айрим фактлар, жиноят ишининг турли бетларида жойлашган бўлади, уларни сўроқ вақтида излаб ўтирмаслик учун олдиндан мўлжаллаб, ишнинг шу бетларига белгилар жойлаштириб қўйиш лозим.

Сўроқ ўтказиш вақти билан жойни белгилаш, сўроқ натижаларига турлича таъсир бўлишига сабаб бўлади. Жабрланувчиларни, гувоҳларни алоҳида хонада сўроқ қилиш, тинч ва хотиржамлик шароит

туғдириши лозим. Сўроқ вақти ҳам аввалдан белгиланиши, гувоҳларни олдинма-кетинлиги, навбати белгиланиши сўроқ натижасига ижобий таъсир этади. Агар айбланувчи иш бўйича айрим фактларни тасдиқловчи гувоҳни чақиришни илтимос қилса, гувоҳни кўп кечиктирмай чақириш лозим. Чунки айбланувчининг яқин кишилари ёки ўзи гувоҳ билан алоқа боғлаши мумкин, керак ҳолатларни айтишни уқтириб, унга таъсир этиб қўйиши мумкин.

Сўроққа чақирилган гувоҳлар алоҳида хонада бўлиши, кўрсатув олиш учун битта-битта чақирилиши ва унинг кўрсатувини бошқа гувоҳлар эшитмаслиги лозим. Бунинг учун сўроқ ўтказишдан аввал керакли шароитни яратиш ва ўйлаб чиқиш даркор.

3-§ Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш тактикаси

Сўроқ ўтказишнинг умумий тартиби ва ундан келиб чиқадиган тактик усуллар Ўзбекистон Республикаси ЖПК кўрсатилган бўлиб, унинг талабларини тўлиқ бажариш барча тергов органлари ходимлари учун мажбурийдир.

Сўроқ ўтказишнинг умумий процессуал тартиби уч босқичдан иборатдир:

а) сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш;

б) сўроқ қилинувчининг кўрсатувини эшитиш;

в) савол-жавоб ўтказиш.

Сўроқ бошлашдан аввал терговчи гувоҳнинг паспорти ёки бошқа шахсий ҳужжатини текшириши, сўнгра сўроқ баённомаси бланкасида кўрсатилган биографик маълумотларни сўраб билиши ва айбланувчи билан қандай муносабатда эканлигини аниқлаши лозим.

Айбланувчи ва жабрланувчига нисбатан бўлган алоқасидан гувоҳнинг иш оқибатидан моддий ёки маънавий манфаатдорлигини билиб олиш мумкин. Шунинг учун бу масалага жиддий ёндашмоқ даркор.

Сўроқнинг биринчи қисмида гувоҳ ва жабрланувчилар қасддан ёлғон кўрсатув берса ёки кўрсатув беришдан бош тортса, уларни

Ўзбекистон Республикаси ЖК тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришнинг ўзи кифоя бўлмай, балки гувоҳнинг тўғри ва тўла кўрсатуви иш учун қанча аҳамиятга эга бўлишини тушунтириш ва унинг бу масалага тушуниб етганлиги ҳақида сўроқ баённомасига имзосини қўйдириш лозим.

Такрорий сўроқ ўтказишда ҳам гувоҳ нотўғри жавоби учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади ва буни ўз имзоси билан тасдиқлайди. Сўроқнинг иккинчи қисми гувоҳга мазкур жиноят иши бўйича нималар маълум, қандай ҳодисани кўрган-эшитганлиги гапириб беришни таклиф қилишдан бошланади.

Гувоҳнинг сўзини бўлмай, уни сабр-тоқат билан эшитиш лозим, чунки у терговчи кутмаган янги далилларни ёки иш бўйича аҳамиятли бўлган ҳолатларни очиб бериши мумкин.

Гувоҳнинг сўзи ҳаддан ташқари чўзилиб ишга керакли бўлганлардан “узоқлашиб” кетса, уни воқеа тафсилотларига “яқинроқ“ келишига ва асосий ишга тегишли бўлган нарсаларни сўзлаб беришга жалб этиш мумкин. Гувоҳ сўзини тугатгандан сўнг, у қолдириб кетган далиллар юзасидан тўлдирувчи саволлар берилади. Айрим далиллар юзасидан текширувчи саволлар ҳам берилиши мумкин. Гувоҳ ва жабрланувчига бериладиган саволлар аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Шу билан бирга саволлар қисқа бўлиб, тўла жавоб олишга имкон туғдириши керак, баъзида саволнинг ўзида жавоб маъноси мавжуд бўлиб, ишорали бўлади, сўроқ қилинувчи фақат “ҳа” ёки “йўқ“ деган жавобни беради. Бу ҳол сўроқ усулига хилоф бўлиб тўла ва объектив кўрсатув олишга тўсқинлик қилади.

Баъзи хотираси заиф гувоҳларга эслатувчи саволлар қўйилиши мумкин. Жиноят ҳодисасига яқин бўлган, аммо ишга алоқаси бўлмаган ҳолатларни эслатиш ёрдамида унутилган воқеани тиклашга ёрдам беради. Савол қўйиш вақтида гувоҳга ишда бор бўлган ҳужжатларни, воқеа жойи, схемаси ёки далилий ашёни кўрсатиш мумкин. Бу билан иккита масала ҳал қилинади: биринчидан гувоҳни унутган воқеаларни эслашга ёрдам берса, иккинчидан қасддан терговни чалғитиш учун нотўғри кўрсатув берувчи жабрланувчи ва гувоҳларни сирини фош этишга қурол бўлади. Шу тариқа гувоҳни воқеа содир бўлган жойда сўроқ қилиш баъзида мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳодиса жойида кўрсатув олиш гувоҳга айрим фактларни, далилий ашёларни, изларни ва бошқа жойни аниқлашга, жойни чизмасини тузишга, илгари чи-

зилган чизмалар бўлса, уларни тўлдиришга ва аниқлик киритишга ёрдам беради.

Сўроқ вақтида гувоҳни руҳий ҳолатини кузатиб бориш лозим. Унинг қўйилган саволларига нисбатан авзоини ўзгариши, иш учун далил бўла олмаса-да, терговчига тўғри тактик усул танлашга ёрдам беради.

Гувоҳнинг бераётган кўрсатувини диққат билан эшитиб бориш лозим, шу билан бирга унинг баъзи маълумотларини маъқуллаш ёки уларни ҳақиқатдан "йироқ", ёлғон эканлигини англатувчи сўз қўшиб туриш кўпинча ўзини оқламайди.

Сўроқ мақсадга мувофиқ ўтиши учун терговчи фақат гувоҳ ҳикоя қилиб берган воқеани қоғозга тушириш билан кифояланмай, балки сўроқ жараёнида фаол бўлмоғи зарур. Гувоҳнинг кўрсатуви қайси қисми тўла ва объектив, қайси қисми чала ва юзаки ифодаланганини сезиб бориши ва улар юзасидан тўлдирувчи ва аниқловчи саволларни бериб бориши лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби ва тактик усуллари юқорида кўрсатилган гувоҳларга нисбатан қўлланадиган қоидалар ва усулларга ўхшашдир. Шу билан бирга жиноий иш бўйича жабрланувчининг процессуал ҳолатидан келиб чиқадиган руҳий омиллар ҳам унутилмаслиги керак. Улар кўрсатув олиш вақтида маълум аҳамиятга эга бўлиб ҳар гал назарда тутилиши лозим. Жумладан, жиноий воқеа жабрланувчига нисбатан кўпинча моддий ва маънавий ёки бошқа зарар етказади. Шунинг учун у иш бўйича оз бўлса ҳам манфаатдор бўлиб, баъзи тафсилотни бўрттириб ифодалашга ҳаракат қилади. Шунингдек, жиноий ҳаракати жабрланувчининг ҳаётига, соғлиғига қарши қаратилган бўлганлиги туфайли унга шикаст етади, қўрқув ва эмоционал ҳолати таъсир этиши, сўроқ вақтида воқеани тўғри ёрита олмаслигига сабаб бўлади, баъзида эса у қаттиқ қўрқиши, ҳаяжонланиши ёки таъсирланиши натижасида воқеани тўғри қабул қилмайди ва сўроқ вақтида воқеа маълумотларини беихтиёр бўрттириб, кескинлаштириб ёритади.

Баъзи жиноят ишининг турлари бўйича жабрланувчилар асосан хотин-қизлардир. Савол-жавоб қилишда уларнинг шаънига қаттиқ тегмайдиган, очиқ сўзлашга имкон берадиган шароит туғдирилиши лозим. Агар жабрланувчи хотин-қизлар бўлиб, улар уялиш орқасида баъзи воқеаларни гапириб беришдан бош тортса, у ҳолда сўроқни ўтказиш аёл кишига топширилиши лозим.

Жабрланувчи кўпгина жиноят ишлари бўйича беихтиёр “иштирокчи” шахс бўлиб қолади. У жиноят ҳаракатини ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитиб қолади. Шунинг учун жабрланувчи гувоҳга нисбатан кўпроқ нарсани билади ва тўлароқ маълумот беради.

Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари далил манбаи бўлиш учун уларни умумий қоида асосида ҳар вақт ишнинг бошқа ҳолатлари билан солиштириб текширилиши ва баҳоланиши лозим.

4-§ Гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш

Гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишдан олдин унинг шахси ва шахсига тегишли маълумотлар, қайси тилда кўрсатув бера олиши аниқланади, сўнг сўроқ қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Айбланувчи жиноят ишини тергов қилиш жараёнида асосий процессуал шахс ҳисобланади ва уни сўроқ қилишдан мақсад иш учун ҳаққоний ва тўла маълумот олишдир.

Айбланувчи ва гумон қилинувчи шахсларни сўроқ қилишда уларни кўрсатув беришга мажбурлаш, қўрқитиш, зўрлик ишлатиш, алдаш ва шу каби қонунга хилоф бўлган ҳаракатларни қўллаш таъқиқланади.

Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал ҳолатлари ҳар хил бўлса-да, бирга уларни сўроқ қилишда қўлланадиган тактик усуллар деярли бир хилдир. Фарқ шундаки, гумон қилинувчига нисбатан терговчида сўроқ даврида ҳали етарли даражада далил бўлмагани учун уни фақат жиноятда гумонлайди, айбланувчига нисбатан эса етарли далил тўпланганлиги учун унга айбини эълон қилиб, сўнг айблашга асос бўлган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинади.

Айбланувчиларнинг кўрсатуви асосан икки муҳим вазифани бажаради:

1) Иш бўйича айбланувчининг кўрсатуви далилий манба бўлиб, ундаги маълумотлар ишнинг айрим ҳолатларини тўла очишга ёрдам беради.

Жиноят воқеасини жабрланувчига ва гувоҳга нисбатан айбланувчи яхшироқ билади ва кўп вақтга эслаб қолади. Айрим факт ва ҳолатлар эса фақат айбланувчига маълум бўлади.

Шунинг учун айбланувчидан мумкин қадар тўла ва тўғри кўрсатув олишга ҳаракат қилиниши лозим.

2) Айбланувчининг кўрсатуви дастлабки терговда унинг ҳимоя восита бўлиб ҳисобланади. Терговчи айбланувчига тўла, ҳар томонлама тўғри кўрсатув беришга, ўзини ҳимоя қилишга ҳамма далилларни, фактларни келтиришга имкон туғдиради. Шу билан бирга терговчи ишга керак бўлган муҳим фактларни, ҳолатларни аниқлайди ва айбланувчининг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилади.

Айбланувчилар сўроқ вақтида бўйинларига қўйилган айбларга нисбатан турлича муносабатда бўладилар:

1) Айбланувчи эълон қилган айбларга тўла ёки қисман иқрор бўлади, тўғри ва тўла кўрсатув беради;

2) Айбланувчи айбига иқрор бўлмайди ва тўғри кўрсатув беради, чунки у ҳақиқатда ҳам жиноятни содир қилмаган;

3) Айбланувчи айбига иқрор бўлади “тўла ёки қисман” ва ёлғон “нотўғри” кўрсатув беради. Бунинг сабаби турлича бўлиши мумкин; сўроқ қилинувчи шеригининг айбини бўйнига олиб, унинг ишини осонлаштириш ёки терговга маълум бўлмаган хавфлироқ ҳолатларни яшириш ёхуд ўзини мақташ, қаҳрамон қилиб кўрсатиш мақсадини кўзлайди;

4) Айбланувчи айбига иқрор бўлмайди ва жиноий жавобгарликдан қутилиш мақсадида ёлғон кўрсатув беради.

Терговчи сўроқ ўтказиш вақтида юқорида кўрсатилган тўрт ҳолатнинг қайси бири билан тўқнаш келганини била олмайди. Шунинг учун айбланувчиларни сўроқ қилиш пайтида икки муҳим қоидани назарда тутиши лозим: биринчидан, айбланувчининг айбига иқрор бўлиш ёки бўлмасликдан қатъи назар, унинг кўрсатувини текшириш зарур ва иккинчидан, терговда айбини бўйнига олмаган айбланувчиларнинг кўрсатуви ”албатта ёлғон бўлади” деган хулоса ҳосил бўлмаслиги лозим.

Жиноятчиларга кўпинча айбини қисман бўйнига олиш ёки мутлақо иқрор бўлмасдан жиноий жавобгарликдан қутилишга ҳаракат қилиш хосдир. Терговчининг вазифаси ҳар бир айбланувчининг руҳий хусусиятига мос ҳолда тактик усулларни қўллаб, тўғри ва тўла кўрсатув олишдир.

Айбланувчини сўроқ қилишдан аввал жиноят ишини яна бир бор кўриб чиқиб, керакли жойларидан - ҳужжатларидан алоҳида ёзма изоҳлар олиш лозим чунки, сўроқ вақтида улар зарур бўлиб қолиши мумкин.

Айбланувчига қўйиладиган саволларни тузишда эса айбланувчининг жавобини ва унинг турли хилларини тахминан бўлса ҳам назарда тутган ҳолда тайёргарлик кўрилади.

Сўроқ ўтказиш айбланувчига айб эълон қилиш тўғрисидаги қарор билан танишгандан сўнг ўтказилади. Жиноят ишининг хусусиятига ва аломатларига қараб айбини эълон қилиш тўғрисидаги қарорида айблаш учун умумий юридик асосларни келтириш кифоядир, баъзида эса далил манбаини ҳам кўрсатиш мумкин, лекин, айрим фактларни, ашёвий-далилларни маълум қилишга шошилмаслик керак, чунки улар сўроқнинг кейинги босқичларида зарур бўлиб қолади.

Сўроқ яхши натижалар бериши, уни муваффақиятли ўтиши учун тайёргарлик кўриш вақтида терговчи айбланувчининг шахсини ўрганиши ва аниқлаши лозим.

Айбланувчининг шахсини белгиловчи хусусиятлар: унинг хизмат соҳаси, турмуши, атрофидаги таниш-билишлари билан алоқаси ва бошқа терговга керак бўлган маълумотлардир. Уларни тезкор ҳаракатлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бу маълумотлар сўроқ вақтида айбланувчининг ёлғон кўрсатувини очиб ташлашга ёрдам беради. Сўроқ такрорий ўтказилганда ҳам тайёргарлик кўришга тўғри келади чунки, биринчи сўроқдан олинган кўрсатувни кўриб чиқиб, қандай камчиликларга йўл қўйилган, қандай факт ва ҳолатлар аниқланмай қолган, қандай янги саволлар қўйилиши мумкин ва бошқа масалалар белгилаб олинади.

Жиноятни эҳтиётсизлик билан содир қилган айбланувчиларни сўроқ қилиш, уларнинг кўрсатувларини асослаш худди гувоҳларни сўроқ қилиш усулига ўхшашдир. Бундай айбланувчилар сўроқ вақтида баъзи ҳолатларни хотирасидан кўтарилганлигини айтса ёки бошқа сабабларига кўра воқеани тўла сўзлаб бера олмаса, гувоҳларга қўлланадиган тактик усулларни ишлатиш мумкин бўлади.

Лекин жиноятни қасддан содир қилган айбланувчилар, одатда, воқеани тўла-тўкис қабул қиладилар ва яхши эслаб қоладилар. Улар жиноят ҳодисасидан қанчалик манфаатдор бўлсалар, унинг очилмаслигига шунчалик ҳаракат қиладилар. Шунинг учун бу хилдаги айбланувчиларга қўлланадиган тактик усуллар бир мунча бошқачадир.

Қонунга биноан айбланувчининг кўрсатув бериши ихтиёрийдир. У кўрсатув беришдан бош тортгани ва ёлғон сўзлагани учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Айбланувчини қўрқитиш, алдаш, зўр-

лик ишлатиш, ёлғон ваъдалар бериш йўли билан кўрсатув олиш ғайриқонунийдир.

Айбланувчиларни сўроқ қилиш гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби сингари уч қисмдан иборат:

Сўроқнинг биринчи қисмида айбланувчининг шахсини аниқлаш, тергов жараёнида унга нисбатан қўлланадиган эҳтиёт чораларини танлашга ва турли ҳодиса-ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Агар айбланувчи очиқда бўлса, унинг ҳужжатлари текширилиб шахсига тегишли маълумотлари юзасидан сўроқ қилиниб, ҳужжатлардаги маълумотларга солиштириш зарур. Қамоқда бўлган айбланувчи унинг шахсий ҳужжатлари жиноят ишида бўлади ва терговчи уларни олдиндан текшириб чиқишга имкони бор.

Анкета маълумотлари аниқлангандан сўнг терговчи айбланувчини айбини эълон қилиш қарори билан таништиради ва зарур бўлса, айбининг моҳияти тушунтирилади. Шунингдек, процессуал қонунга биноан айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари ҳам тушунтирилади.

Сўроқнинг иккинчи қисми айбланувчининг тушунтиришини эшитишдир. Бу қисмда қуйидаги тактик қоидалар назарда тутилиши даркор.

1) айбланувчининг қандай бўлмасин содир қилинган жиноятга иқрор бўлишига мажбур қилмаслик лозим, акс ҳолда у судда айтган сўзидан бош тортади ва дастлабки терговда уни мажбур қилганликларини айтади, натижада жиноятни исботлаш қийинлашади ва иш қайта терговга юборилади.

2) айбланувчининг сўзини саволлар билан ёки луқма ташлаш билан бўлмасдан, унинг кўрсатувини охиригача тинглаш зарур. Гарчи айбланувчи ёлғон кўрсатув бераётганлиги сезилса ҳам, унга сўзини охиригача етказишга имкон берилмоғи лозим.

Аммо айбланувчи атайлаб жиноят ишига алоқаси бўлмаган нарсалар юзасидан маълумот берса, терговчи уни ишга тегишли бўлган фактлар юзасидан сўзлашга чорлаши зарур.

3) жиноят иши мураккаб, бир неча эпизоддан иборат бўлса, сўроқ ҳар бир эпизод юзасидан алоҳида олиб борилиши лозим. Бир эпизод ёритилгандан сўнг айбланувчига савол бериб жавобини эшитиб, сўнгра иккинчи эпизод юзасидан сўроққа ўтиш лозим.

Сўроқнинг учинчи қисми айбланувчига савол бериб, унинг жавобини олиш. Бу энг мураккаб ва масъулиятли масаладир. Сўроқнинг

бу босқичи терговчидан унинг мутахассислик моҳиятини, илғор тажрибасини ва бошқа ижобий хусусиятларини амалга оширишини талаб қилади. Айбланувчиларга бериладиган саволлар уч турда бўлиши мумкин: тўлдирувчи, аниқловчи ва текширувчи. Улар қуйидаги масалаларни ҳал қилишга имкон беради:

а) жиноят ишига алоқаси бўлган фактлар юзасидан тўла ва ҳар томонлама маълумот олиш. Айбланувчи ўзини ҳимоя қилиш учун қандай асослар келтирган ва уларни тўғрилигини тек ширш;

б) тергов даврида маълум бўлмаган янги маълумотлар олиш.

в) айбланувчи берган кўрсатувининг айрим ноаниқ бўлган жойларини ёритиш;

г) айбланувчи кўрсатувини текширишга зарур бўлган айрим ҳолатларни аниқлаш;

д) айбланувчининг берган кўрсатуви ишнинг асосий ҳолатларига қарама-қарши бўлса, уни ёлғон гапирганлигини фош этиш.

Сўроқ вақтида ишлатиладиган далиллар текширилган, аниқланган ва ишончли бўлиши лозим. Терговчи ўз ихтиёрида бор далилларни ҳаммасини айбланувчига кўрсатиши ёки билдириши зарур эмас, ёлғон сўзлаётган айбланувчининг кўрсатувини қанчалик ҳақиқатдан узоқ эканлигини исботловчи фактлар, далилларнинг ҳар бирини ўз ўрнида келтириб, айбланувчини “қуролсизлантириб”, тўғри кўрсатув беришга мажбур қилиши лозим.

Баъзи айбланувчилар аввалдан сўроқ вақтида гапирадиган мавзуларини ўйлаб тайёрлаб қўяди. Терговчи савол-жавоб қилиш босқичида унга кутилмаган саволни бериб, иш бўйича аниқланган маълум воқеани қандай тушунтиришини сўраганда, айбланувчи дарҳол жавоб беришга қийналиб қолади ва ҳақиқатни сўзлашдан бошқа илож йўқлигини англайди. Баъзида, жиноят ишининг характерига қараб айбланувчининг руҳий хусусиятини назарда тутиб жиноят ҳодисаси қандай рўй берган, нималар топилган, жиноятнинг асосий ҳолатлари қай йўсинда юз берганлигини айбланувчига айтиб бериш мумкин, бу ҳолда сўроқ қилинувчи терговга ҳамма ҳолат-вазиятлар маълум эканлигига иқрор бўлиб, тўғри маълумот беришдан бошқа илож йўқлигига ишонч ҳосил қилади.

Жиноятда гумон қилинган шахсни сўроқ қилиш тартиби, айбланувчини сўроқ қилиш тартиби сингари олиб борилади. Шубҳаланувчи шахс ҳам, айбланувчи сингари ёлғон кўрсатув берганлиги учун ёки кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Гумон қилинувчи ва айбланувчига сўроқ вақтида бериладиган саволлар маълум кетма-кетлик тартибида умумий ҳолатдан алоҳида масалаларга тегишли бўлган ҳолатларга оид бўлган маълумотни олишга қаратилган бўлиши лозим.

Саволлар олдиндан белгиланиб, жиноятнинг айрим ҳолатларини ёритишга ёрдам бериши, уларни тахминан бўлса ҳам режалаштириб қўйилиши, сўроқ жараёнида ўз вақтида ва ўз жойида ишлатилишига ёрдам беради.

Савол икки усулда қўйилиши мумкин: биринчи усулда тергов учун муҳим бўлган ҳолатларни ёритувчи савол, иккинчиси-хусусий масалаларга тегишли бўлиб, уларни сўроқ қилинувчига тақдим этиш вақти-соати, олдинма-кетинлиги тергов ишининг бориши ва ҳолатига қараб белгиланади.

Айбланувчининг ёлғон кўрсатувини фош этиш учун ишлатиладиган далилларнинг миқдори ва қайси ҳолатларга тегишли эканлигини терговчи сир сақлаб, савол бериш вақтида айбланувчига тақдим этиб, “бу ҳолатни қандай тушунтирасиз” каби мурожаат билан аниқлайди. Саволга жавоб бериш учун тайёр бўлмаган айбланувчи, терговчининг ихтиёрида яна қандай далиллар борлигини билмаган ҳолда, тўғри кўрсатув беришга мажбур бўлади.

Айбланувчи ва гумон қилинувчи шахсларни сўроқ қилиш усуллари терговчидан катта маҳорат ва санъат талаб қилади. Жумладан, терговчи сўроқ қилинувчиларнинг руҳий ҳолатини инобатга олган ҳолда, олдинги саволларни қайтадан бошқачароқ шаклда тақдим этиши, гувоҳ ва жабрланувчилардан олинган маълумотни билдириш ва шу каби тактик, психологик услублар кўллаши мумкин.

Сўроқ қилишда қўлланадиган тактик услублар процессуал қонун чегарасидан чиқмаслиги лозим, шу билан бирга ҳаққоний ва объектив маълумот олиш учун терговчи айбланувчининг шахси ва руҳиятига таъсир этиши, тўғри кўрсатув бериб айбига иқрор бўлса, унга нисбатан бирмунча енгил жазо чоралари қўлланишини ваъда қилиши мумкин.

Айбланувчи ва ишда гумон қилинган шахсларни сўроқ қилишда терговчи томонидан уларни қонуний ҳуқуқларини билмаслигидан фойдаланиш, айёрлик билан ёлғон ваъдалар бериб маълумот олиш ёки иш юзасидан ҳали текширилмаган далилларни қўллаб, кўрсатув олиш процессуал қонунни қўпол равишда бузиш бўлмаса-да, барибир, бундай ҳолатларда терговчи ўзининг шахси ва обърысига путур етказади.

Айбланувчи (гумон қилинувчи) ўзини тўла айбдор деб тан олган ҳолларда ҳам терговчи бу иқрорликни текшириб, бошқа далиллар билан солиштириб қанчалик ҳақиқий эканлигини аниқлаши лозим. Тергов амалиётида сўроқ қилинувчилар ёлғондан айбини бўйнига олиб, бошқа хавфлироқ жиноятини, "шеригини" яшириш мақсадида айбини яшириш ва бошқа сабабларни кўзда тутади. Шунинг учун, сўроқ вақтида олинган бу маълумотлар тергов ишининг тугалланиши бўлмасдан, аксинча текширувни бошланиши демакдир. Олинган маълумотнинг тўғрилигини иш юзасидан тўпланган далиллар билан солиштириб, уни ҳақиқатга жавоб беришини текшириб баҳоланиши лозим. Шу мақсадда олинган кўрсатувни воқеа содир бўлган жойга чиқиб текшириш, тергов экспериментини ўтказиш, экспертиза тайинлаш ва такрор сўроқ қилиш мумкин.

Сўроқ қилиш жараёнида айбланувчилар, гумон қилинувчилар, гувоҳлар жабрланувчилардан олинган кўрсатувлардаги айрим ҳолатлар бир-бирига зид бўлса, бу қарама-қаршиликларни икки шахсни юзлаштириш усули билан ҳал қилиш мумкин. Жиноятнинг умумий ҳолатига нисбатан жиддий қарама-қаршиликлар келиб чиқса, бошқа тергов ҳаракатлари ўтказиш лозим, жумладан янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, янги версиялар тузиб, уларни текшириш каби чоралар кўрилиши мумкин.

5-§ Юзлаштириб сўроқ қилиш тартиби

Тергов амалиётида юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахсни бир-бирига юзлаштириб сўроқ қилишдир. Юзлаштириш икки гувоҳ, икки айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва айбланувчилар билан ўтказилади.

Юзлаштиришнинг асосий вазифаси жабрланувчи, гувоҳларнинг, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг кўрсатувларидаги жиддий қарама-қаршиликларни ва бошқа келишмовчилик вазиятларни бартараф қилишдир. Кўрсатилган ҳолатлар юзлаштириш билан ҳал этиш имкони бўлмаса, экспертиза, таниб олишга тақдим этиш ва бошқа тергов ҳаракатлари орқали ҳал этилади ва юзлаштиришнинг ҳожати бўлмайди. Баъзи маълумотларнинг вақти, куни, соати каби ахборотни муассаса ёки тегишли хизматчилардан билиб олиш мумкин. Шунинг учун юзлаштиришни зарурият туғилсагина, ўтказиш мумкин. Бу тергов ҳаракатининг ютуғи шундан иборатки, юзлаштиришда иштирок этган шахслар сўроқ даврида берган нотўғри кўрсатувларини

ўзгартириб, тўғри сўзлашлари мумкин. Шу билан бирга улар ёдидан кўтарилган айрим фактларни эслашлари, ишга тегишли бўлган янги маълумотларни беришлари мумкин.

Баъзида юзлаштириш пайтида сўроқ қилинувчилардан бири илгари берган кўрсатувидан бош тортиб уни ўзгартиради, янги воқеани, фактларни ўйлаб чиқади, шу билан сирини фош этади, яъни ёлғон кўрсатув берганлигини билдириб қўяди. Бундай гувоҳ ёки айбланувчи юзлаштиришдан сўнг қайта такроран сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқ.

Юзлаштириш тартиби қуйидагича: юзлаштириб сўроқ қилинувчилар гувоҳлар бўлса, улар ёлғон жавоб бериш ва жавоб беришдан бош тортиши учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириладилар ва бу ҳақда баённомага имзо чекадилар. Шундан сўнг бир-бирларини таниши, қандай муносабатда эканлиги ҳақидаги жавоблари баённомага ёзилади.

Савол-жавоб ҳар қайсиси билан алоҳида ўтказилади. Юзлаштирувчилардан бирига савол қўйилади ва унинг жавоби тингланади, сўнг иккинчисига ҳам шу савол берилиб, унинг жавоби олинади. Юзлаштириш баённомасининг чап томонига сўроқ қилинувчининг бирига қўйилган савол ва жавоб ёзилади. Ўнг томонида иккинчисининг савол-жавоби ёзилади. Терговчининг саволи тугагач, улар бир-бирларига савол беришлари мумкин, аммо бу ҳол уларнинг ўзаро тортишувига, жанжалига айланмаслиги лозим. Сўроқни тўғри бошқариш учун савол берилиб унга жавоб олиш, кейин навбатни кимга бериш терговчининг ихтиёрида бўлиши, юзлаштирилувчиларни ўз ихтиёрига қўймаслик лозим.

Юзлаштиришни тўғри ўтказиш учун обдон тайёргарлик кўриш керак. Терговчи сўроқ қилинган шахсни кўрсатувларини яна бир бор ўқиб-ўрганиб таҳлил қилиб чиқиши лозим. Юзлаштириш вақтида қандай савол бериш, кимдан бошлаш, қандай далилларни аниқлаш ва шу каби масалалар олдиндан белгиланиб қўйилмоғи лозим.

Юзлаштириб сўроқ қилинувчи шахслар илгари иш юзасидан мустақил равишда алоҳида сўроқ қилинганлиги учун, юзлаштириш жараёни бевосита савол-жавобдан бошланади.

Юзлаштирилувчи шахсларни кўрсатувларида турли қарама-қаршиликлар бўлади. Масалан, маълум фактни бири тасдиқлайди, иккинчи эса инкор қилади. Савол жавобни ана шу тасдиқловчи шахсдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ёки иш бўйича гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи бошқа сўроқ қилинган шахс билан юзлаштириш

ўтказишни талаб қилади. Биринчи саволни ўша талаб қилган шахсдан бошлаш тўғрироқ бўлади.

Баъзи айбланувчилар гувоҳларнинг кўрсатувидаги айрим фактларни инкор қилиб, уни ёлғон гапирганлигини айтадилар. Юзлаштириш пайтида бундай айбланувчилар иккинчи навбатда сўроқ қилиниши маъқул. Бундан ташқари, ҳар бир юзлаштиришда терговчи қайси қатнашувчининг кўрсатувига кўпроқ ишонч ҳосил қилса шу шахсдан биринчи навбатда савол жавобни бошлайди, сўнгра иккинчисига ўтади.

Юзлаштирилаётган шахсларга, сўроқ қилинганда олинган кўрсатувларини бир-бирларига билдириш ёки таништириш мутлоқо мумкин эмас, акс ҳолда улар илгари берган кўрсатувларни маъқуллаб, бир-бирларини жавобини тасдиқлаш билан кифояланиб қоладилар. Бу ҳол эса юзлаштириш натижасини ва аҳамиятини пасайтиради.

Юзлаштирилувчи шахслар баённомасининг ҳар бирига ажратилган қисмларига савол ва жавоблари ёзилади ва ана шу жойларига ҳар иккаласи томонидан имзоланади.

6-§ Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш

Вояга етмаган шахсларни қайси ёшдан бошлаб гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкинлиги қонунда кўрсатилмаган. Тергов амалиётида кичик, боғча ёшидаги болаларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш, яхши натижалар бергани учраб туради.

Ёш боланинг кўрсатув бера олиш қобилияти унинг умумий ва руҳий тайёргарлигига боғлиқдир. Кўрсатувнинг ташкил топиши уни сўроқ вақтида қандай қайта тиклаб бериши болаларнинг турли ёшларида турлича амалга ошади, шунинг учун вояга етмаган гувоҳларни руҳий ҳолатини назарда тутиб сўроқ қилиш лозим. Уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. 1) Мактабгача ёшдаги бўлган болалар, 2) бошланғич синфдаги ўқувчи болалар, 3) ўрта ва юқори синф ўқувчилари, ўспиринлар. Учинчи гуруҳдаги ўспирин ёшларни сўроқ қилиш тартиби вояга етган гувоҳларни сўроқ қилишдан деярли фарқ қилмайди.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда терговчи унинг ёши, умумий ривожланиши, билими, қобилият даражаси, характери ва хулқ-атвори ҳақида етарли маълумот тўплаши зарур. Бу маълумотларни терговчи мактабдан, ўқитувчилардан ёки боланинг яқин одамларидан олиши мумкин. Ёш болалар баъзан жиноятчиларни

улардан қасд олишидан қўрқиб, билган нарсаларни айтиб беришдан бош тортадилар. Терговчининг вазифаси вояга етмаган гувоҳларни хавфсизлигини таъминлаш жиноят ишилардан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсиридан қутқариш ва гувоҳга ҳеч қандай зарар ва хавф йўқлигини тушунтиришдан иборатдир.

Ёш болаларни уларга қулай бўлган шароитда ва ўзига таниш бўлган жойда сўроқ қилиш маъқулроқдир. Қонунга биноан вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилишда уларнинг яқин одамлари, ота-оналари, ака ёки опалари, ўқитувчилари иштирокида бўлиши керак. Бу шахслар иш оқибатидан манфаатдор бўлмасликлари лозим.

Баъзи вақт кичик ёшдаги гувоҳлар яқинларидан, иштирок этувчи ўқитувчи ёки синф раҳбарларидан уялиб очиқ кўрсатув бера олмайдилар. Бу ҳолда педагогни бошқа мактабдан чақириш мумкин.

Ёш болаларни сўроқ қилишда уларга қизиқарли бўлган суҳбатдан бошлаб ишончини қозониш керак, шундай кейин иш юзасидан савол беришга ўтиш мумкин. Сўроқ вақтида чарчатиб қўймаслик учун уларга танаффус қилиб дам бериш лозим.

16 ёшдан юқори бўлган гувоҳлар, жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортиш ёки қасддан ёлғон кўрсатув бериш учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириладилар, 16 ёшдан кичик бўлган жабрланувчи ва гувоҳларга эса, уларнинг тўғри кўрсатувлари қанчалик аҳамиятга эга эканлигини ва жиноят иши учун зарурлигини тушунтириш лозим.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда ёш болалар ва ўсмирлар психологияси ўзига хос хусусиятга эга эканлигини эътиборга олиш зарур. Шу сабабли ҳам вояга етмаганларни сўроқ қилиш унинг объектив бўлишини таъминлайдиган, махсус қўшимча процессуал кафолатларга эгадир. Сўроқ қилиш жараёни эса шу туфайли криминалистика фани ишлаб чиққан алоҳида тактик усуллардан кенг фойдаланишни кўзда тутади.

11 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жиноятда қатнашган катталар билан мулоқотда бўлгани боис, уларда бурч ва мажбурият тушунчаси шаклланади ва катталарга тақлид қила бошлайдилар. Лекин, улар ўз хусусиятига кўра, катта ёшдагиларнинг ҳамма хатти-ҳаракатларини тўғри қабул қила олмайдилар. Мана шундай шароитда болалар баъзан ўртоқлик ва дўстликни нотўғри тушуниб, улар учун жиноий йўлга киришдан ёки бошқанинг жиноятини ўз бўйнига олишдан ҳам тоймайдилар.

Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишнинг ўзига хос услублари бўлганлиги туфайли тайёргарлик кўриш ҳам алоҳида бўлмоғи лозим. Сўроқни қаерда, қачон, кимлар иштирокида ўтказиш, қандай тартибда олиб бориш, қандай саволлар қўйиш каби масалаларни олдиндан белгилаб олиш тергов ҳаракатини муваффақиятли ўтказишига ёрдам беради. Ёш болаларни сўроқ қилишда процессуал қонун нормаларига зид бўлмаган умумий процессуал тартибни ўзгартириб, бошқача тактик услубларни қўллаш мумкин. Кичик ёшдаги сўроқ қилинувчиларнинг шахсини аниқлагандан сўнг, бевосита савол жавобга ўтиш мумкин, ”эркин сўзлаб бериш” босқичини савол қўйиш йўли билан алмаштириш мумкин. Саволлар аниқ ва тушунарли шаклда тузилмоғи лозим.

Вояга етмаган айбланувчи ва гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш аҳамияти, уни ўтказиш жойи, процессуал тартиби, нима учун уни айбланувчи (гумон қилинувчи) сифатида сўроқ қилинаётганлигини, тушуниб олишига боғлиқ. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш текширилаётган жиноят иши бўйича тутган ўрнини, у билан тергов ҳаракати ўтказилаётганини ва у ўзини масъулиятини англаб содир қилган жиноий ҳаракатини қандай оқибатга олиб келганини тушунишига қаратилган бўлмоғи лозим.

Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш жараёнида терговчи улар билан руҳий контакт ўрнатиши, улардан ҳаққоний ва тўла маълумот олиши, сўроқ уларнинг тақдирини тўғри ҳал қилишга ҳам қаратилганлигини тушунтириши лозим.

Сўроқ қилинувчига мулойим, хайрихоҳ ва мақсадли тарзда муомала қилинмаса, унинг онгига, қалбига йўл топиш мураккаб бўлади ва тўғри кўрсатув олиш қийин кечади.

Сўроқ шахснинг ёши, умумий савияси ва психологик хусусиятига мос равишда суҳбат тариқасида ўтказилиши ҳам мумкин. Вояга етмаган шахснинг жиноят ишида иштирокчи бўлиши катта ёшдаги айбланувчилар томонидан унинг ҳаётига хавф туғдириши мумкин. Терговчи бундай ҳолатда тегишли чора кўриб болага унинг хавфсизлигини таъминлашини айтади. Шундагина вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчилар сўроқда тўғри ва объектив маълумот беришга мойил бўладилар.

7-§ Сўроқ натижаларини процессуал расмийлаштириш

Жиноят ишини текшириш жараёнида тўпланган маълумотлар, ашёвий далиллар ўтказилган тергов ҳаракатларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси процессуал қонуни асосида расмийлаштирилиши лозим.

Сўроқ баённомаси умумий тергов ҳаракатларининг баённомаси каби кириш, асосий ва якунловчи қисмлардан иборатдир. Сўроқ ўтказилган жойи, вақти, қандай иш юзасидан кимни сўроқ қилганлиги ва бошқа маълумотлар баённоманинг кириш қисмида акс эттирилади.

Сўроқ қилинувчи шахслардан олинган маълумот баённомага биринчи шахс номидан ёзилиши ва имкони борича сўзма-сўз саводли, тушунарли ва ўчирувларсиз бўлиши, саволлар ва уларга олинган жавоблар қандай шаклда бўлса шундайлигича акс эттирилиши лозим. Сўроқ баённомаси тушунарли ва кўрсатув берувчининг тилига яқинроқ бўлиши зарур. Баённомада гувоҳга ёки айбланувчига ноъмалум бўлган атама ва жумлалар ишлатилмаслиги лозим.

Вояга етмаган шахсларнинг кўрсатувларини расмийлаштиришда уларнинг ёши ва мактаб тарбиясига тегишли маълумотларини ҳам келтириб ўтиш лозим. Баённоманинг иккинчи қисми сўроқ қилинувчи билан суҳбатлашиб бўлгандан кейин, жиноят ишига алоқадор фактларни маълум тизимда галма-галига ёзиб бориш лозим.

Агар, сўроқ вақтида кўрсатув берувчига бирор далил, далилий ашё кўрсатилган бўлса, бу ҳол ва унга олинган тушунча баённомада кўрсатилиши лозим.

Қонун сўроқ қилинувчиларга кўрсатувларни ўз қўллари билан ёзиб бериш ҳуқуқини беради. Бунинг яхши томони шундан иборатки, кўрсатув берувчи воқеа-ҳодисаларни, айрим маълумотларни аниқроқ ёзиб бериш имконияти яратилади. Шунингдек, сўроқ қилинган шахс кўрсатув бергандан сўнг ўз қўли билан ёзган фактлардан бош тортиши ёки уларни ўзгартириши қийинроқдир.

Гувоҳ ёки айбланувчи кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб беришга розилик берса, аввал кўрсатувини тинглаб, кейин тўлдириладиган ва мавҳум жойларини савол бериш орқали аниқлаб, сўнгра ёзиб беришга шароит туғдирилади. Кўрсатув ёзиб бўлгандан кейин баённомани кўрсатув берувчи ўқиб чиқиши ва ҳар бир саҳифасини алоҳида имзоси билан тасдиқлаши даркор.

Сўроқда қатнашган процессуал шахслар: прокурор, мутахассис, таржимон ва бошқалар кириш қисмида кўрсатилган бўлиб, улар ҳам

баённомага имзо чекадилар. Баённома сўроқ қилинган шахсга ўқиб берилади ёки ўзи танишиб чиқишига имкон яратилади.

Қўшимча ҳолатлар, тузатишлар ҳосил бўлиб қолса, баённоманинг охирги қисмига киритилиб, сўроқ иштирокчиларининг имзолари билан тасдиқланади.

Гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилишда илмий-техник воситалари, жумладан, овоз ва тасвир ёзиш аппаратларидан фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда амалиётда сўроқ натижасини магнит тасмасига қайд қилиш кенг қўлланилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, магнитофон тергов ҳаракатларини тўғри ташкил қилишга, уни қонуний ва объектив ўтказишга, кўрсатувни сифатли расмийлаштиришга ва терговчи меҳнатини енгиллаштиришга имкон яратади. Техник воситалардан фойдаланиш ҳақида ЖПК 91-моддасида кўрсатилган бўлиб, умумий процессуал тартиб асосида расмийлаштирилади.

Сўроқ натижаларини расмийлаштиришда фонограммалар сўроқ баённомасини тўлдирувчи восита бўлиб ҳисобланади. Магнит тасмасини далил манбаи сифатида ишлатиш учун, баённома тузиб расмийлаштирилади. Тасмада қаерда, ким томонидан, қай вақт, қандай иш бўйича ва ким сўроқ қилинганлиги кўрсатилади.

Сўроқ натижаларини расмийлаштиришда овоз ва тасвир ёзиш услубини қўллаш сўроқ баённомасини тўлдирувчи восита бўлиб ҳисобланади.

Сўроқ жараёнида овоз ёзиб олишни қуйидаги тартибда олиб бориш мақсадга мувофиқ:

1. Терговчи овоз ёзиб олиниши тўғрисида сўроқ қилинувчиларга сўроқни бошлашдан олдин маълум қилади ва уни баённомада қайд қилади. Овознинг ёзиб олинишига сўроқ қилинувчининг розилиги талаб қилинмайди. Терговчи сўроқ қилинувчига овоз ёзишнинг нима учун кераклиги, унинг аҳамияти ва тартиби тўғрисида батафсил тушунтириб бермоғи лозим.

2. Фонограммада сўроқ қилиш муддати ва жойи кўрсатилади, шунингдек, сўроқ бошланган ва тамом бўлган вақт, сўроқ иштирокчиларининг исми, отасининг исми ва фамилияси ёзилади.

3. Фонограмма сўроқнинг айрим қисмларини эмас, балки бутун процессини акс эттириши керак.

4. Сўроқ тугагач, овоз ёзиш тасмаси бошдан қайта қўйилади. Сўроқ қилинувчи эшитиб бўлгач, ҳақиқатдан ҳам тўғри эканлиги ҳақидаги баёнотига қўл қўяди.

5. Агарда фонограммада тергов ҳаракати жараёнида тўғри кўрсатувлар олиш мақсадида бошқа тактик усуллардан фойдаланилган бўлса, терговчи бу ҳақда тегишли ҳужжатда қайд қилиб қўяди.

Процесс иштирокчилари иш материаллари билан танишиб чиққанларидан сўнг фонограмма муҳрланиб, ишда сақланади.

Овоз ёзиш магнитофони қўлланилганда аввал фонограммани қайд қилиб, сўнгра баённомага ёзиб қўйиш керак. Чунки бир вақтнинг ўзида плёнкага ҳам, баённомага ҳам ёзиш анча қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари, кўрсатувларни ўқиб кейин фонограммани эшитиб бўлгач терговчи албатта уларнинг мазмунини яхши эслаб қолади ва уларнинг бири иккинчисини тўлдирганлигига ишонч ҳосил қилади. Овоз ёзиш билан бир қаторда тасвир ёзиш воситаси кўрсатув мазмунини бир мунча кенгайтиради ва қулайлик туғдиради.

Қонунга асосан қўлланилган аппаратларни ва видеофонограммаларни процессуал мустаҳкамлаш мақсадида уларни баённома қандай магнитофон, қандай тасвир ёзиш камерасида ёзилган, қачон ва қаерда қўлланилган, кимнинг овози ёзиб олинганлиги ҳақида қайд қилинмоғи лозим. Баённома терговчи ва сўроқ қилинган шахс томонидан имзоланиши лозим.

20-боб ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Таниб олиш учун кўрсатиш тушунчаси ва унинг объектлари

Турли хил жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида тез-тез одамларни, буюмларни, мурда ва бошқа объектларни айнанлигини белгилаш мақсадида таниб олиш учун кўрсатиш деб ном олган ҳаракатни ўтказишга тўғри келади (ЖПКнинг 125-131 моддалари).

Мазкур тергов ҳаракати Танин олиш учун кўрсатилаётган объектнинг тергов қилинаётган фактга боғлиқ эканлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Масалан, жабрланувчига кўрсатилаётган шахс айнан талончилик мақсадида унга ҳужум қилган шахс эканлиги аниқланади. Мазкур ҳаракатнинг мазмуни таниб олувчи томонидан унинг хотирасидаги образ билан у ёки бу объектни бир-бирига солиштиришдан иборатдир.

Объектларни таниб олиш учун кўрсатиш жиноят ишлари бўйича кенг қўлланиладиган тергов ҳаракати – далил тўплаш воситаларидан биридир.

Таниб олиш учун кўрсатиладиган объектлар одамнинг сезги органлари қабул қилиши мумкин бўлган моддий борлиқлардир. Кўрсатилаётган шахс ва предметларнинг хусусиятлари уларни ўхшатиш, фарқ қилиш, таниб олиш учун хизмат қилади.

Хавфли жиноятлар билан курашда айниқса одам ўлдириш, бандитизм, талончилик, босқинчилик, ўғирлик, ўт қўйиш, порахўрлик, безорилик каби жиноятларни тергов қилишда одам, нарса, ҳайвон ва турли предметларни таниб олиш учун кўрсатиш кўп қўлланади.

Таниб олиш учун кўрсатиш деярлик ҳамма турдаги жиноятларни тергов қилишда қўлланиши мумкин. Баъзи жиноят ишларининг терговида таниб олиш учун кўрсатиш асосий роль ўйнайди ва жиноятни очиш, жиноятчини аниқлашда яхши натижалар беради.

Дастлаб баъзи ҳуқуқшунослар таниб олиш учун кўрсатиш фақат гумон остига олинганлар орасидан жиноятчини топиш ёки шубҳали нарсалар орасидан ўғирланган буюмларни аниқлаш учун қўлланади, деб ҳисоблар эди. Ваҳоланки, тергов амалиётида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш кўп ҳолларда учрайди, чунончи:

гувоҳ жиноят ҳодисаси муносабати билан кўрган (ёки овозини эшитган) шахс илгаридан таниш эмас эди, деб кўрсатув берса; гувоҳ жиноят ҳодисаси муносабати билан кўрган (ёки овозини эшитган)

шахс илгаридан таниш эди десаю, лекин шахснинг ўзи бундай танишликни инкор қилса; гувоҳ жиноят ҳодисаси муносабати билан кўрган (ёки овозини эшитган) шахс илгаридан таниш эди десаю, лекин унинг исм фамилиясини хато айтса;

айбланувчи жиноятга алоқадорлигини инкор қилиб, ўзининг жиноятга алоқаси йўқлигини тасдиқловчи шахсларнинг номларини бил маса-да, уларни кўрсатилган тақдирда танишини билдирса;

айбланувчи жиноятни тан олиб, шериги борлигини билдирса, лекин шериги алоқаси йўқлиги ва уни танимаслигини айтса ва, ниҳоят, айбланувчи бу жиноятнинг гувоҳларини (жабрланувчини) танишини билдирса.

Баъзан жабрланувчи жиноий воқеани кўрган ёки эшитган гувоҳларнинг номларини билмаса-да, таний олиши мумкин. Айбланувчи терговни нотўғри йўлга солиш ёки чалғитиш мақсадида ишга алоқаси бор шахсни таниши ҳақида тушунтириш бериши, аммо бу шахсни терговда кўрсатилганда танимаслиги мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики, шахсларни таниб олиш учун кўрсатиш жиноят иши юзасидан тергов бошланганидаёқ шунингдек, таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракати ёки терговнинг охирги даврларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатиш зарур бўлган ҳолатлар ҳар бир конкрет жиноят ишидаги материалларга қараб ҳал қилинади. Бу тўғрисида аввалдан умумий қоида белгилаб бўлмайди, лекин шу нарса шубҳасизки, агар 1) гувоҳ, жабрланувчи ёки айбланувчи бирор объект билан таниш эканлигини билдирса ва бунга терговчи шубҳа қилмаса; 2) улар бирор объектни танимасликларини ёки таний олмасликларини билдирсалар; 3) таниладиган объектнинг ҳеч қандай ўзига хос аломатлари бўлмаса; 4) танилиши лозим объектнинг номери ёки махсус ёзувлари бўлса, бу ҳолатларда таниш учун кўрсатишга зарурият қолмайди. Аксинча,вафот этган шахсни аниқлаш мақсадида мурда ҳамма вақт танувчиларга кўрсатилади. Нарсаларнинг кимга тегишлилигини аниқлаш мақсадида объектларни таниб олиш учун кўрсатиш ҳам барча ҳолатларда зарурдир.

Суд ва тергов тажрибаси асосида жиноят процесси ва криминалистика фанларида таниб олиш учун кўрсатишнинг тўғри ўтказилишини таъминлайдиган зарурий қоидалар ишлаб чиқилган. Бу қоидаларга тўла риоя қилиш зарурлиги бир қатор конкрет ишлар бўйича юқори судлар чиқарган қарорларда таъкидланиб ўтилган.

Баъзи тергов ходимлари бу қоидаларни билмаслиги ёки уларга аҳамият бермаслиги натижасида қўпол хатоларга йўл қўядилар. Оқибатда таниб олиш учун кўрсатиш натижаларининг далилий аҳамияти пасаяди, ҳатто далилий кучини тамомила йўқотади. Гувоҳни сўроқ қилишда бирор савол берилмаган ёки нотўғри берилган тақдирда, бу хатони баъзан гувоҳни қайта сўроқ қилиш йўли билан тузатиш имконияти бор. Суд экспертизаси нотўғри тайинланган ва экспертлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган фикр берган ҳолда, қайта экспертиза тайинлаш мумкин. Аммо таниб олиш кўрсатиш нотўғри ўтказилган бўлса, уни қайтадан ўтказиш орқали хатони тузатиш имконияти деярли қолмайди.

Жабрланувчи ўз кўрсатувида унга ҳужум қилган нотаниш талончини маълум даражада тасвирлаб бериши мумкин. Лекин унинг бу кўрсатуви жиноятчини аниқлашга баъзан етарли имкон бермайди. Агар жабрланувчига бу жиноятни қилишда шубҳа остига олинган шахсни таниб олиш учун кўрсатилса ва жабрланувчи уни жиноятчи сифатида таниганлигини ёки танимаганлигини билдирса, бу билдириш илгари у берган кўрсатувига нисбатан маълум даражада юқори аҳамиятга эга бўлиши ва жиноятчи шахсни аниқлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Таниб олиш учун бирор объектни кўрсатишдан мақсад далил тўплашдир. Бу далил танувчининг у томонидан илгари кузатилган объект унга кўрсатилаётган объектнинг ўзи эканлиги ёки ўзи эмаслиги, улар ўртасида ўхшашлик бор ёки йўқлиги ҳақидаги фикридан иборат.

Таниб олиш учун кўрсатиш воситаси орқали эришилган далил гумон остига олинган шахсга қарши бўлиши ҳам, қарши бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунончи, айбланувчи эълон қилинган айбга иқрор бўлмасдан, ўзини айбсиз эканлигини тасдиқловчи гувоҳларнинг номларини билмаса-да, уларни маълум жойда ишлаши ёки яшаши ва агар кўрсатилса танишлигини билдиради. Бу ҳолда таниб олиш учун кўрсатиш усули билан аниқланган гувоҳлар айбланувчининг жиноятга алоқасиз эканлигини тасдиқлашлари, демак уларнинг кўрсатувлари айбланувчига қарши мазмунда бўлмаслиги мумкин.

Баъзи бир жиноят ишларида танувчи илгари кўрган шахс ёки нарса тергов вақтида унга таниб олиш учун кўрсатилган шахс ёки нарса эмаслиги, улар ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқлиги ҳақда берган билдиришлари катта роль ўйнайди. Талончилик қилишда шубҳа остига олинган шахсни таниб олиш учун кўрсатилганда жабр-

ланувчи уни танимаса, яъни шубҳа остига олинган шахс унга нисбатан талончилик қилган шахс эмас даб қатъий билдирса, бу шубҳа остига олинган шахснниг жиноятчи эмаслигини исботловчи далил ҳисобланиши мумкин. Агар жабрланувчи таниш учун унга кўрсатилган шахснинг талончи эканлигини қатъий тасдиқламаса, яъни гумонсираса ва унинг баъзи бир ўхшашлик ёки ўхшамаслик белгиларини билдирса, танувчининг бу билдириши шубҳа остига олинган шахснинг жиноятчи эканлиги ёки жиноятчи эмаслигини ҳал қиладиган далил бўла олмайди, албатта. Лекин танувчининг бу хилдаги билдиришини иш бўйича тамомила назарга олмай қолдириш ярамайди.

Танувчи ўзига кўрсатилган объект ва у илгари кузатган объект ўртасида ўхшашлик бор ёки йўқ эканлигини билдирган ҳолда, қидирилаётган объектни аниқлаш учун қулайлик туғилади. Танувчининг бу билдиришидан фойдаланиб, терговчи асосан фақат бир гуруҳ объектларга, яъни таниб олиш учун кўрсатилган объектга ўхшаш объектларга эътибор беради. Демак, ўхшаш ёки ўхшаш бўлмаган объектларнинг аниқланиши, танувчи жиноятга алоқадор ҳолларда кузатган объектнинг ўзини аниқлаб олиш учун биринчи босқич сифатида хизмат қилади.

Таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини далил деб ҳисоблар эканмиз, бу далилдан фақат дастлабки терговда эмас, балки суриштирув органларинниг фаолиятида, жиноят ишлари бўйича суд терговида ва фуқаровий суд ишларини ҳал қилишда ҳам фойдаланиш мумкинлигини унутмаслик керак.

Гувоҳни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш ва далилларни тўплашга қаратилган бошқа турдаги ҳаракатлар жиноят процессида ҳам, фуқаролик процессида ҳам қўланишини назарда тутиб, бу ҳаракатларни қайси орган – суд ёки тергов органлари бажаришига қараб турлича номлаш мумкин. Сўз бу ҳаракатларни, шу жумладан таниш учун кўрсатишни жиноят процессида қўлланиши ҳақида борар экан, уни тергов ҳаракати деб аташ лозим.

Амалиётда шахслар ёхуд буюмлар акс эттирилган видеотасмани гувоҳ ва жабрланувчига намойиш қилиб, уларни таниб олиш таклиф этилади. Бу албатта зарур ва самарали тадбир, лекин уни процессуал жиҳатдан таниб олиш учун кўрсатиш тарзида эмас, тезкор-қидирув услуби сифатида қаралиши керак. Чунки бу ҳолда бир-бирларига ўхшаш бир қанча объектлар кўрсатилмайди, холислар иштирок этмайди, ҳатто уни терговчи ёки суриштирувчи бўлмаган ходимлар ўтказиши мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатилиши мумкин бўлган объектлар асосан қуйидагилардан иборат: а)одам; б)турли буюмлар; в)мурда.

Одам, жисмоний ва руҳий аломатлари, вояга етганлиги, иш мазмунидан манфаатдорлиги, процессда тутган ўрни ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятларидан қатъи назар, таниш учун кўрсатилиши мумкин. Овоз, нутқ, юриши ва шу каби хусусиятлар бўйича таниб олиш учун кўрсатилганда танилишига тегишли объект одамнинг ўзи бўлади. Одамни кийими бўйича таниб олиш ҳам амалиётда учраб туради. Лекин бундай ҳолларда одам танилганига тўла ишонч ҳосил қилиш қийин. Шу сабабли одам танилган объект ҳисобланмай, унинг кийими ва безакларини танилган деб билиш хатога йўл қўйишнинг олдини олади.

Таниб олиш учун кўрсатиладиган далилий ашёлар жиноятнинг объекти, предмети, жиноят қилиш қуроли, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳга қарашли нарса ёки ҳужжат кабилардан иборат бўлади. Агар бу нарсалар ёки ҳужжатлар алоҳида номерли ёки ёзувли бўлса, масалан: велосипед ёки соатдаги завод қўйган номер, чорва моллари-нинг бирка номери, бирор қимматбаҳо буюмдаги “Дўстим Абдуллаев Исматга 70 ёшга тўлиши муносабати билан” каби ёзувларнинг ўзи масалани ойдинлаштирса, уларни таниб олиш учун кўрсатиш талаб қилинмайди. Пул ва қимматли қоғозлар фақат уларда алоҳида белги-лар, ёзувлар йиртилганлик ва шу кабилар бўлган тақдирдагина таниб олиш учун кўрсатилиши мумкин.

Ҳужжатлар қўлёзма, чизмачилик, ёзув дастгоҳи, ёзувни кўпайтириш аппаратлари, босмахона, картография каби усуллар би-лан тайёрланган бўлиши мумкин. Бу ҳужжатларнинг ўзи таниладиган объект бўлиши билан бир қаторда, улардаги ёзув ҳам объект бўлиши мумкин. Ҳайвонлар ва паррандалар ҳам ўзларидаги алоҳида белги-лар: тури, ёши, ранги, катта-кичиклиги, тамғалари асосида таниб олиш учун кўрсатилишлари мумкин.

Жиноят ишларида мурдани таниб олиш учун кўрсатиш ўлган шахсни аниқлаш учун ўтказилади. Мурда ташқи қиёфаси: алоҳида белгилари (табиий анатомик камчиликлари, холи, доғи, татиуровка-лари, тиббий жарроҳлик излари ва ҳ.к.), асосида танилиши, баъзи ҳо-латларда ҳатто ички органларидаги ўзгаришлар, теккан ўқ қолдиқла-ри, касалликлар асосида ҳам таниб олиниши мумкин. Уни фақат кийими бўйича танилса, кийими ўзгартирилган бўлиши мумкинлиги-ни назарда тутилиши лозим.

Таниб олиш учун кўрсатиладиган объектнинг ўзи тергов вақтида ёки тергов ўтказилаётган жойда мавжуд бўлмаса, унинг фотосурати, бадиий расми, излари, бу излардан олинган нусхалар ва мурданинг бош суягидан фойдаланиб М.М.Герасимов усули билан ишланган сурати ёки ҳайкали бўйича таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракати ўтказилиши мумкин.

Фотосуратлар объектларнинг белгиларини яққол сезишга имкон берадиган аниқ ва камида уч нафар бўлиб, жадвал тарзида қоғозга (картонга) елимланган ва номерланган ҳолда кўрсатилади.

Объектлар таниб олиш учун кўрсатилишга тайёр ҳолда ва уларни таниб олинаётган вақтда суратга олиниши ёҳуд видеотасмада акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Таниб олувчига объектларни синчиклаб кўздан кечириш, овозини эшитиш, ҳаракатини кузатиш, баъзан нарсаларнинг ҳиди, таъми, майинлиги каби хусусиятларини текшириш учун имкон бериши лозим.

Таниб олувчига одатда навбати билан қуйидаги саволлар берилади:

Сизга кўрсатилаётган шахслар (буюмлар)дан қайси бирини танийсиз?

Агар танисангиз, уларни илгари қандай шароитларда кўрган, эшитган эдингиз?

Шу объектни қандай белгилари ёки хусусиятлари бўйича танидингиз?

Сизга кўрсатилган бошқа шахслар (буюмлар)ни илгари учратган эмасмисиз?

Таниб олиш учун кўрсатиш жараёни ва натижаси фотосуратга туширилиши, видеотасвири ёзиб олиниши мақсадга мувофиқ. Бу ҳақда ҳам баённомада акс эттирилади.

Юқорида номланган объектлар танувчига якка ҳолда кўрсатилмай, балки уларга ўхшаш бир қанча объектлар орасида кўрсатилади. Акс ҳолда таниш учун кўрсатиш натижалари етарли даражада ишонарли бўлмайди. Лекин баъзи муаллифлар объектларни якка ҳолда кўрсатилишини маъқуллайдилар. В.Громовнинг фикрича, объектни унга ўхшаш объектлар орасида кўрсатиш фақат танувчи сўроқда “уни мингтани орасида ҳам танийман” деб кўрсатув берган ҳолдагина мумкин, одатдагича ҳолларда эса, объект якка ҳолда кўрсатилиши керак.

Ҳозирги замон психологияси аниқлаши бўйича одам бир йўла 3 дан 6 гача ҳар хил объектни таққослаб кузата олади. Бинобарин таниш учун кўрсатиладиган объектлар сони шу миқдордан ошмаслиги лозим.

Танилиши керак бўлган бир қанча алоҳида-алоҳида объектларни уларга ўхшаш объектлар орасида бир йўла кўрсатиш мумкин. Масалан, жабрланувчига унинг уйидан ўғирланган буюмлар бирданига кўрсатилиши мумкин, лекин уларни орасида бошқа буюмлар ҳам бўлиши лозим.

Таниб олиш учун бир йўла кўрсатилган гумон остидаги шахслар ўзаро тил бириктиришлари эҳтимолдан холи эмас. Танувчи унга бир йўла кўрсатилаётган гумон остидаги шахслар ичидан бир жиноятчини таниб, иккинчи жиноятчини бирор сабабдан таний олмаган ҳолларни кўз олдимизга келтирайлик. Бундай ҳолларда танилмай қолган жиноятчи ўз шеригини “қутқариш” мақсадида, таниб олиш учун кўрсатиш натижаларига қарши сохта далиллар тўплаши ва терговни чалғитишга уриниши мумкин. Шу сабабдан гумон остидаги бир қанча шахсни кўрсатиш лозим бўлиб қолган ҳолларда, ҳар бир гумон остидаги шахс алоҳида-алоҳида, унга ўхшаш шахслар орасида кўрсатилиши шарт.

2-§ Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўриш

Таниб олиш учун кўрсатишга яхши тайёргарлик кўриш кўп жиҳатдан унинг муваффақиятини белгилайди. Айни пайтда бу тергов ҳаракатига тайёргарлик кўришдан олдин уни ўтказишга зарурат борйўқлигини қатъий англаб олиш керак. Бу саволга жиноят ишини ва оператив характердаги материалларни ўрганиш натижасида жавоб олиш мумкин.

Бу тергов ҳаракатини ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

а) дастлаб танилаётган шахсни сўроқ қилиш;

б) таниб олиш учун кўрсатиладиган объект билан бир хилдаги ўхшаш объектларни танлаб олиш;

в) мазкур тергов ҳаракатини ўтказишнинг вақти ва шароитини белгилаш;

г) холисларни белгилаш.

Таниш учун айбдор қамоқда ушлаб турилган шахс бўлса, кўрсатилаётганда оператив ходимни олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим. У жиноятчини муҳофаза этиш ва унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туришни таъминлайди.

Фотоаппарат ва видеокамера кўрсатилаётган объектларни тасвирга олиш учун тайёрлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Фотосуратлар бўйича таниб олиш учун кўрсатиладиган ҳолларда олдиндан танилувчи кузатилган даврга яқин бўлган фотосуратларни тайёрлаб қўйиш даркор.

Тайёргарлик кўриш жараёнида таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Танувчи шахс жиноят процессида ўзининг тутган ўрнига қараб, гувоҳ, жабрланувчи, гумон остидаги шахс, айбланувчи (судланувчи) бўлади ва тегишлича бу субъектлар процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Танувчи, гувоҳ ва жабрланувчи атайлаб ёлғон кўрсатув бергани ва кўрсатув беришдан бош тортгани учун қонунга кўра жиноий жавобгардир. Агар танувчи вояга етмаган бўлса, таниб олиш учун кўрсатиш унинг ота-онаси (агар бу ишга халал бермаса) ёки педагог иштирокида ўтказилади.

Улар таниладиган объектларнинг бирор хусусиятларини бошқа нарсалардаги хусусиятларга ўхшашлигини билдиришлари, масалан, “катта-кичиклиги, шакли ёки ранги худди шундай эди” деб айтишлари мумкин. Ҳар ҳолда ўз кўрсатувларини равшанроқ баён этилишига қаратилган танувчининг талаблари қаноатлантирилиши керак.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, танувчи фақат шахсан ўзининг хотираси бўйича объектни таниши керак эканлиги ва бошқаларнинг кўрсатувига қараб иш тутиши мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.

Таниб олиш учун кўрсатиладиган шахс ҳам жиноят процессида тутган ўрнига қараб гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчи (судланувчи) бўлиши мумкин ва шу процессуал субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган шахслар гувоҳ ва жабрланувчи бўлган тақдирда ҳам улар таниб олиш учун кўрсатиш вақтида атайин ёлғон кўрсатув бериши ва кўрсатув беришдан бош тортиши учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади.

Таниб олиш учун кўрсатилаётган гумон остига олинган шахс ва айбланувчи ўзи билан бирга кўрсатилаётган шахслар қаторида жойини ўзи танлашга ҳақли.

Танувчи динамик ҳолда (юриб кетаётганда, гапираётганда ёки бошқа бирор ҳаракатни бажараётганда) кўрсатилиши керак бўлган ҳолларда, танилувчи бундай ҳаракатларни бажариши ҳақида терговчининг талабларига бўйсунади. Бундай ҳаракатларни танилувчи қасддан нотўғри бажариши ёки одатдаги юриши ва овозини ўзгартириши ҳолларининг олдини олиш зарур.

Динамик ҳолда кўрсатилаётганда бирор ҳаракатни бажариш ҳақида терговчининг талабалари таниш учун кўрсатилаётган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, обрўсига, унинг мулкий ва бошқа қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги шарт. Айбланувчи ёки гумон остига олинган шахс билан бир қаторда кўрсатилувчилар кўпчилик ҳолларда холислар каби роль ўйнайдилар. Улар ҳам худди холислардек ишдан бирор манфаатдор бўлмасликлари шарт.

Бундай шахслар ва холисларга, улар таниб олиш учун кўрсатишга қатнашиш учун чақирилганлари ҳамон, қандай мақсадда чақирилганликлари, қандай ҳаракат ўтказилиши ҳамда улар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликлари ҳақида тушунтирилиши керак. Уларга келгусида суд мажлисида сўралишлари мумкинлиги эълон қилиниб, таниб олиш учун ўтказиш жараёнини диққат билан кузатишлари зарурлиги эслатилади.

Танувчи, танилувчи ва у билан бирга кўрсатилган шахслар, шунингдек, холислар таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракатларини нотўғри ўтганлиги ҳақида арз қилишга ва бу арзларини баённомага киритишни талаб қилишга ҳақли.

Таниш учун кўрсатишда қатнашган гувоҳ, жабрланувчи, мутахассис ва холислар, шу жумладан гумон остига олинган шахс ва у билан бирга кўрсатилган шахслар ўзларининг терговда ва судда қатнашиш учун қилган сарфларини қоплатилишини талаб қила олади. Прокурор бу тергов ҳаракатини тўғри ўтказилиши устидан назорат олиб боради ва шу мақсадларда уни ўзи ўтказиши ёки қатнашиши мумкин.

Вояга етмаган ёки жисмоний ва руҳий камчиликлари сабабли ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган шахсларнинг ишлари бўйича айбланувчининг ёки гумон остидаги шахснинг ҳимоячиси бу тергов ҳаракати бажарилиши вақтида иштирок этишга ҳақли. Айбланувчи ва гумон остидаги шахс каби ҳимоячи ҳам

таниш учун кўрсатишга иштирок этувчиларга савол бериш ҳуқуқига эга. Лекин зарур бўлган ҳолларда унинг бу саволини терговчи тақиқлашга ҳақли.

Терговчи таниб олиш учун кўрсатишда иштирок этувчиларнинг кўрсатилиб ўтилган ҳуқуқларини уларга тушунтириш билан чегараланмай, бу ҳуқуқлардан фойдаланишларини амалда таъминлашга мажбур.

3-§ Таниб олиш учун кўрсатиш тартиби ва тактик усуллари

Барча тергов ҳаракатлари каби таниб олиш учун кўрсатишда ҳам тайёргарлик талаб қилинади. Дастлаб таниб олувчидан танилиши лозим бўлган объект ва унинг белгилари тўғрисида маълумотларни билиб, таҳлил этиш, зарур бўлса уни қайта сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ. Сўроқда имкон борича объектнинг белгилари батафсил аниқланиши керак. Таниб олиш учун шахс кўрсатиладиган бўлса, унинг белгиларини криминалистикада одамнинг ташқи қиёфасини сўз билан ифодалаш қоидаларига риоя қилиб, изчиллик билан бирин-кетин сўраб билиш, махсус суратлар ёрдамида шакли, жойлашиши кабиларни аниқ тасвирлаш мақсадга мувофиқ.

а) Тирик шахсларни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби ЖПК 125 ва 127-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, объект қайси белгиларига мувофиқ танилиши мумкинлигига боғлиқ ҳолда белгиланади. Таниб олувчи кўрсатиш лаҳзасигача танилувчини ҳам, улар орасида кўрсатиладиган шахсларни ҳам кўрмаган бўлиши керак. Шунинг учун терговчи кабинетдан таниб олиш учун кўрсатиладиган бошқа жойда тўпланган холисларни, танилувчи ва бошқа фуқароларни бирин-кетин ўз хонасига таклиф этади, агарда у гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, қасддан кўрсатув беришдан бўйин товлаганлиги ва ёлғон кўрсатув берганлиги учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради.

б) мурдани таниб олиш учун кўрсатиш.

Мурданинг шахсини аниқлаш юзасидан энг самарали тергов ҳаракатларидан бири уни таниб олиш учун кўрсатишдир. Қоидага кўра мурдани таниб олувчининг эътиборини четга жалб қилмаслик учун ва салбий таъсир кўрсатмаслиги учун бошқа мурдалар йўқ жойда кўрсатиш лозим. Таниб олувчи сифатида илгари фуқаронинг

йўқолганлиги тўғрисида хабар берган шахсларга кўрсатилади. Улар йўқолган кишининг белгилари ҳақида дастлаб сўроқ килинади.

Мурдани таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи уни қайси белгиларига мувофиқ таниганлигини батафсил кўрсатуви ва унинг сўзлари таниб олиш учун кўрсатиш баённомасида қайд этилиши лозим. Мурдани таниб олиш учун кўрсатиш у топилган жойда ёки ўликхоналарда амалга оширилиши лозим. Топилган мурда юзи ифлосланган бўлса, таниб олиш учун кўрсатишдан олдин уни ювиб, ҳаётий ҳолига бирмунча яқинлаштириш лозим. Ўликхона биносида терговчи ёки оператив ходим ўликхона маъмуриятига мурдани ва унинг кийимларини суд медицина тадқиқотидан сўнг сақлаб туриш тўғрисида кўрсатма беради. Бундай ҳолларда, яъни мурданинг юзи ва қиёфаси жароҳатланиши натижасида ўзгариб кетган бўлса, медицина мутахассисига уни ўз қиёфасига келтириш, ҳаётлик чоғидаги кўринишига яқинлаштириш юзасидан топшириқ берилади.

Зарур ҳолларда мурданинг ҳолати ўзгартирилиши, унинг қўлларини тўғрилаш, бошини ростлаш мумкин. Танилмаган мурдани фуқароларга кўрсатиб, марҳумни ким танишини аниқлаш лозим бўлади. Унда терговчи ёки оператив ходим ва холисларнинг иштироки ҳам мажбурийдир.

Мурдани фотосуратларига кўра таниб олиш мақсадида кўрсатиш учун белгиларини тасвирловчи сурат, шунингдек, алоҳида белгилари жойлашган гавда қисмларининг фотосуратлари олиниши керак. Ишнинг алоҳида ҳолатларига боғлиқ ҳолда мурданинг фотосуратлари бошқа суратлар қаторида ёки якка тартибда кўрсатилиши мумкин.

Бўлакларга ажратилган мурданинг айрим қисмлари умумий қоидаларига кўра кўрсатилади. Мурдани таниб олиш бошқа ҳар қандай таниб олиш сингари бошқа далиллар билан ҳам тасдиқланиши даркор.

в) нарса-буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш

Нарса-буюмларни таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартиби ЖПК 128-моддасида кўзда тутилган. Таниб олиш объектлари бўлган предметлар ниҳоятда хилма-хилдир. Уларга турли буюмлар, жумладан, ўғирланган қурол, порага берилган буюмлар ва бошқалар киради. Мазкур нарса-буюмлар кўздан кечирилиши пайтида аниқланиб суриштирув ва тергов органлари ихтиёрига берилган бўлиши мумкин. Танилаётган нарса-буюм бошқа шу турдаги нарса-буюмлар орасига қўйилиб, холислар иштирокида таниб олувчига кўрсатилади.

Танилган ҳолларда ундан нарса-буюмни қайси умумий ва хусусий белгиларига кўра танилганлигини аниқлаш лозим.

г) ҳайвонларни таниб олиш учун кўрсатиш.

Ҳайвонларни таниб олиш учун кўрсатишдан олдин танувчидан сўроқ пайтида масалан, уй ҳайвонининг тури, жинси, ёши, лақабини айтиш ва рангини тасвирлаб бериш сўралади. Бунда шу таърифларни яхши тушунадиган кишилар ҳам иштирок этишади. Ҳайвонлар ўзларига ўхшаш турдаги ҳайвонлар орасида кўрсатилади. Шахсга пода орасида жойлашган қорамолни таниш учун кўрсатиш ҳам мумкин. Лекин, масалан, сигир, от, ит кабиларни икки-уч унга ўхшаш жониворлар орасида кўрсатиш қулайдир. Таниб олувчига ҳайвоннинг танаси, жуни, шохи, туёғини кўздан кечиришга имконият бериш лозим. Бунда ҳайвоннинг эгасига муносабатини диққат билан кузатиш тавсия этилади. Танилгандан сўнг ветеринария экспертизаси ўтказилиши мумкин. Бунда ҳайвоннинг насли, ёши ва бошқа баъзи белгилари янада аниқроқ белгиланади.

4-§ Таниб олиш учун кўрсатишни расмийлаштириш

Тўғри тузилган баённома далил сифатида суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида, ишни биринчи инстанция судида кўришда, ҳатто иккинчи инстанция судида, ишдаги ҳолатларни синчиклаб текширишда хизмат қилади. Баённомани тузишда хатога йўл қўйиш кейинчалик турли чалкашликларга, англашилмовчиликларга сабаб бўлади.

Таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси сўроқ баённомасига қисман ўхшайди. Танувчининг сўзи ҳам худди сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари каби ёзилади. Таниб олиш учун кўрсатиш вақтида таржимон ёки кар ва соқовларнинг ишораларига тушунувчи шахс таклиф этилса, улар тўғрисида баённомага тегишли ёзув киритилиши ва уларни қасддан нотўғри таржима қилганликлари ҳолда жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилгани қайд қилиниши зарур.

Баъзилар таниб олиш учун кўрсатиш баённомасининг ўзига хос томонларини ҳисобга олмай, уни сўроқ баённомаси билан расмийлаштиради. Ваҳоланки, бу ҳолда тергов ҳаракатининг қандай вазиятда ўтганлиги, унинг натижасида қандай далилларга эришилганлиги тасвирланмай қолади.

Таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси бир қанча талабларга жавоб бериши керак. Баённома одатда уч қисмдан иборат, унинг ки-

риш қисмида ким, қачон, қандай шароитда ушбу тергов ҳаракатини ўтказгани, кимлар иштирок этгани, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, кимга, қандай объектлар таниб олиш учун кўрсатилгани, объектларнинг ташқи кўриниши, белгилари, агар шахслар кўрсатилган бўлса, уларнинг ёши, миллати, кўзга ташланадиган белгилари, қадду-қомат, орик-семизлиги, сочи, кийимлари батафсил ифодаланади.

Баённоманинг асосий қисмида таниб олувчига берилган саволлар ва унинг жавоблари имкон борича сўзма-сўз акс эттирилади. Одатда таниб олувчига берилган саволлар ва жавоблар аниқ ёзилганидан ташқари танувчи ва танилган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, бир-бирлари билан муносабатлари ҳам баённомада акс эттирилади.

Агар объектлар фотосурат ёрдамида таниш учун кўрсатилган бўлса, суратлар жадвал тарзида қоғозга ёпиштирилиб, чети муҳрланади. Суратлар рақамланган ва бошқа ҳеч қандай белгилар қўйилмаган ҳолда бўлиши шарт. Умуман таниб олиш учун кўрсатиш баённомасига шу тергов ҳаракатини ўтказишда фойдаланилган буюмлар ёки уларнинг суратлари илова қилинмоғи лозим.

21-боб ТЕЛЕФОН ВА БОШҚА ҚУРИЛМАЛАР ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИБ ТУРИШ ТАРТИБИ ВА ТАКТИКАСИ

1-§ Сўзлашувларни эшитиб туришнинг умумий тартиби

Жиноятни тергов қилиш жараёнида далил тўплаш учун ўтказиладиган тергов ҳаракатлари қаторида жиноят-процессуал қонунда жиноят ишининг айрим ҳолатларини текшириш, исботлаш учун телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувни эшитиш назарда тутилган.

Бу тергов ҳаракатидан олинадиган маълумотлар, айниқса, уюшган жиноий гуруҳ томонидан содир қилинадиган ўта хавфли жиноятларни тергов қилишда, гуруҳ иштирокчиларининг ўзаро мулоқотидаги ишга оид сўзлашув мазмуни жиноятни очишда муҳим далил бўлиб хизмат қилади.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган ахборотларни эшитиб бориш иш юзасидан исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш, жиноятни содир этган ва унга алоқаси бўлган шахсларни аниқлаш, уларни қаердан излаш ва ушлаб олиш, жиноят қуроллари ва бошқа объектларни яширилган жойини аниқлаш, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳам ўтказилади.

Мазкур ҳаракатнинг ўтказилиши ЖПК 169–171-моддаларида тартибга солинган. Жиноятни тергов қилиш жараёнида иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли даражада асос бўла олса, суриштирувчи, терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор чиқаришга ҳақлидир.

Қонуннинг бу талаби мазкур тергов ҳаракатини аввалambор қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан ўтказилиши лозим, иккинчидан, телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш учун ишда етарли асос бўлмоғи зарур, шундагина терговчи, суриштирувчи бу ҳақда қарор чиқаради ва прокурорнинг рухсатини олади.

Сўзлашув қурилмалари деганда телефон ва бошқа алоқа воситалари бўлган радиотелефон, радиореле, юқори даражали радио тўлқинлар, космик алоқа, селектор ўтказувчи ва бошқа техник уску-

налар, телетайп ва телефакс тушунилади. Булардан олинадиган маълумотлар шаҳар, шаҳарлараро ва халқаро миқёсдаги сўзлашув бўлганлиги учун ҳам прокурорнинг рухсати зарурдир, акс ҳолда фуқароларнинг Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш терговчининг чиқарган қарори ёки суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

Процесс қатнашчилари бўлган жабрланувчи, гувоҳ ва уларнинг қариндошларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик, бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилиш хавфи мавжуд бўлса, сўзлашувни эшитиш учун бу шахсларнинг аризалари ёки ёзма розилиги бўлиши лозим.

Мазкур ҳолатларда ҳам телефон эшитувларини ўтказиш учун прокурорнинг рухсати бўлмоғи керак.

Баъзи ҳолларда телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан олиб бориладиган сўзлашувни эшитиш ва иш учун зарур бўлган маълумотлар олишни кечиктириб бўлмайдиган вазиятлари туғилиб қолади. Бундай ҳолатларда терговчи мазкур тергов ҳаракатини ЖПКнинг 170-моддасига биноан тезкорлик билан ўтказади, акс ҳолда, қулай фурсат ўтиб кетади ва муҳим далиллар олинмай қолади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ўтказилган тергов ҳаракати ҳақида қарорни терговчи миллий хавфсизлик хизмати органларига юборишга ҳақлидир ва бир сутка давомида прокурорни хабардор қилиб, унинг санкциясини расмийлаштирмоғи лозим.

Шунингдек, қонун телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш муддатини ҳам белгилаган. Тергов қилиш жараёни ва ишни суд муҳокамаси даври қанча бўлишидан қатъи назар, сўзлашувларни эшитиб туриш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан эшитиб туриш натижасида олинган маълумотларни фақат жиноят ишига алоқаси бўлганларини далил сифатида иш материалидаги бошқа далиллар билан солиштириб таҳлил қилинади ва баҳоланади. Тергов тактикаси нуқтаи назаридан эшитувдан олинган маълумотларни ошкора қилинмаслиги керак, лекин гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида унинг ёлғон кўрсатувини фош этиш ва тўғри ахборот

олиш мақсадида унга сўзлашув ёзилган магнит тасмасини эшиттириши ва бу ҳақда сўроқ қилинувчининг огоҳлантириши лозим.

2 § Телефон ва бошқа сўзлашувни эшитиб туриш тактикаси

Тергов қилиш жараёнида жиноятда гумон қилинган шахсларни аниқлаш мақсадида қатор тезкор-қидирув чоралари ўтказилади, маълум шахслар кузатиб борилади, уларнинг турмуш, меҳнат ва бошқа фаолият хусусиятлари текширилади, қаерда, кимлар билан мулоқотда бўлишлари ва шу каби жиноятга алоқаси бўлган маълумотларни тўплашда уларни жиноий гуруҳ иштирокчилари билан олиб борган телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали сўзлашувларини эшитиб ва қайд қилиб туриш жиноятни ўз вақтида ва тўла исботлашни кафолатлайди.

Мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш жиноятнинг айрим ҳолатларини аниқлаш жараёнида текширилаётган вазиятларга аниқлик киритиш, уларни исботлаш мақсадида олиб борилади. Бундай ҳолларда терговчи телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан олиб бориладиган мулоқотни эшитиб, уни магнит тасмасига ёзиб олиш ҳақида қарор тузади ва унда кимнинг телефон сўзлашувини эшитиш зарурлиги кўрсатилади. Қарорда кўрсатилган тергов ҳаракатини ўтказиш учун етарли асослар бўлганидагина прокурор санкцияси берилади. Тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажримда ахборотлар хусусияти, ҳажми ва натижаларини қайд қилиш шакли белгиланиб, ижро этишга юборилади.

Телефон орқали сўзлашувларни эшитишдан олинган маълумотларни қайд этиш бошқа тергов ҳаракатларининг натижаларини қайд этишдан ва мустаҳкамлашдан бирмунча фарқ қилади. Маълумки, эшитиб туришдан олинган ахборотни тўлалигича сўзма-сўз баённомада қайд этиш жуда қийин, чунки телефон ва бошқа қурилмалар орқали сўзлашув мулоқот икки шахс орасида юз беради, сўзлашув мазмуни эса савол-жавоб, фикр алмашув, маълумот ёки топшириқ бериш ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Бундай ахборотни эшитиб, сўнгра тўлалигича баённомада акс эттириш имкони бўлмайди. Шунинг учун жиноят процессуал қонунида сўзлашувларни эшитиб туриш чоғида овоз ёзиш мослама, воситаларини қўлланиши белгиланган.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги қарорда кимнинг (кимларнинг) сўзлашувларини эшитиш зарурлиги, турар-жой манзиллари, абонент рақамлари кўрсатилиши лозим. Эшитиб туриш жараёнида сўзлашув мазмунини магнит тасмасига ёзиб олиш, уни сўнгра далил сифатида ишнинг алоҳида ҳолатларини исботлаш учун ишлатиш имконини яратади. Сўзлашувларни эшитиб, овоз ёзиш воситаларида қайд этишни амалга оширувчи ходимлар жиноят ишининг тавсифи ҳақида хабардор бўлмоқлари мақсадга мувофиқ. Чунки қачон, қаердан ва кимларнинг сўзлашувларини эшитиш ва унинг қайси бир маълумотлари жиноят ишига тегишли эканлигини назорат қилиб боришларига ва қанча муддат давомида эшитиб магнит тасмасига ёзиб боришларига ёрдам беради. Буни тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш, амалга ошириш ва қайд қилиш жараёнини бажараётган ходимлар тактик нуқтаи назаридан ошкора қилмасликлари лозим, акс ҳолда, манфаатдор (гумон қилинган, текширилувчи) шахслар тегишли эҳтиёт чораларини кўриб, тергов ҳаракатини ўтказишга тўсқинлик қилишлари ва натижага, ҳақиқатни аниқлашга салбий таъсир кўрсатишлари мумкин.

Телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан эшитиб ёзилган сўзлашув фонограммаси акс эттирилган магнит тасмаси жойлаштирилган кассетани терговчи холислар ва зарур бўлганда мутахассис иштирокида кўздан кечириб, магнитофон ёрдамида қайта эшиттиради. Ёзиб олинган сўзлашувни қайта эшитиш ва далил сифатида унга баҳо бериш вақтида терговчи лозим топса, бу тергов ҳаракатини амалга оширган ходимларни ҳам таклиф қилиши мумкин. Улар сўзлашув ёзилган вақти, шароити ва бошқа аҳамияти бўлган ҳолатлар ҳақида маълумотлар беришлари мумкин. Сўзлашув фонограммаларини кўздан кечириш ва қайта эшитиш жараёнида ҳосил бўладиган баъзи бир ноқулайлик ва қийинчиликларни, жумладан, сўзлашув ёзилган фонограммада сўзлашув мазмунидан ташқари бошқа овоз ва шовқинлар акс этиши каби вазиятларни бартараф қилишда таклиф қилинган мутахассис ва сўзлашувни эшитиб, ёзиб олган ходимлар тушунча бериб ёрдам кўрсатишлари мумкин. Овоз ёзилган магнит тасмаси жойлаштирилган кассетани кўздан кечирар экан, терговчи умумий ҳолатига, техник кўрсаткичига, қандай маркали овоз ёзиш воситасига қайд этилганлигига, тасманинг айланиш тезлигига ва бошқа хусусиятларига эътибор беради.

Асосий диққат фонограммадаги ёзилган сўзлашув мазмунига қаратилиши лозим. Ундаги маълумотларнинг жиноий ҳолатлар билан

мантиқий боғланиши, жиноят ишидаги бошқа далиллар билан бир қаторда бир-бирини тўлдириши ва жиноятнингисботлаш даражаси терговчининг умумназарий принциплари асосида ўтказилади.

Магнит тасмасига ёзилган сўзлашув мазмунини қайта эшитиш ва баҳолаш пайтида терговчи сўзлашувининг бошланиш ва охирлаш қисмига, сўзлашув давомида қандай нуқсонлар мавжудлигига, тўхташ ёки матннинг узилиб қолиши ҳолатлари каби аломатларига эътибор бермоғи лозим. Бундай ҳолатлар тергов ҳаракати натижасини далил сифатида тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Видеокассетани кўздан кечириш ва қайта эшитиб таҳлил қилиш натижаларини терговчи кўздан кечириш баённомасида акс эттириши лозим. Ҳар қандай тергов ҳаракатини қайд этувчи процессуал ҳужжат каби мазкур баённомада ҳам ким томонидан, кимлар иштирокида тузилганлиги, аниқланган маълумотлар хусусияти, овоз ёзишни амалга оширган ходимлар ва бошқа шу каби ишга оид ахборотлар қўрсатилади.

Кўздан кечириш ва магнит тасмасига ёзилган сўзлашувни қайта эшитиш баённомаси, уни ўтказишда қатнашган холислар, мутахассис ва бошқа иштирокчилар томонидан тасдиқланиб. иш материалига қўшиб қўйилади.

Фонограмма сифати ва унда ёзилган, қайд этилган овозларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлашга зарурат туғилса, тегишли текширувлар ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Бундай текширувлар сўроқ ўтказиш, овоздан таниб олиш, эксперимент ўтказиш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан эшитиб ва магнит тасмасига ёзиб олинган сўзлашув овозининг ким ёки кимлар томонидан ифодаланганлигини аниқлаш баъзан фоноскопик экспертиза ёрдамида ҳал этилади. Бундай зарурат овозни (нутқни) ифода этган шахс «менинг овозим эмас» деб инкор этган ёки бошқа бирор сабабни асос қилган тақдирда юз беради ва тегишли мутахассис томонидан овозни индивидуал хусусиятлари асосида текширув ўтказишга тўғри келади.

Ушбу текширув суд фоноскопия соҳасидаги мутахассислар томонидан амалга оширилади. Текширув объектлари сифатида телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан магнит тасмасига ёзиб олинган овоз, сўзлашув, нутқ, видео тасвирдаги овоз, сўзлашувлар бўлиши мумкин. Тергов жараёнида жиноятда гумон қилинган шахс ҳодиса содир бўлган вақтда у ерда бўлмасдан бошқа жойда бўлганлиги ва бу

ҳолатни видео тасмадаги тасвир тасдиқлаш мумкинлиги ҳақидаги важини текшириш учун видео тасвир тадқиқот қилиниб, у қачон суратга туширилганлиги, кадрлардаги сана ўзгартирилган-ўзгартирилмаганлиги, унда монтаж қалбакиллаштириш аломатлари бор-йўқлиги, видеотасма илгари ишлатилган-ишлатилмаганлиги аниқланади.

Суд фоноскопия экспертизаси ҳал қиладиган масалалар қуйидагилардир:

- экспертизага тақдим қилинган суҳбатларнинг мазмуни стенограммалар матнига тўғри келадими;
- тақдим қилинган магнит тасмада механик ёки электроакустик монтаж белгилари мавжудми;
- суҳбатда нечта шахс иштирок этган;
- тадқиқ қилинган суҳбатдаги овози ва нутқи «А»га тегишлими;
- текширилаётган суҳбат экспертизага тақдим қилинган диктофон ёрдамида ёзиб олинганми;
- тақдим қилинаётган магнит тасмадаги фонограмма аслими ёки нусхасими;
- ушбу магнит тасма тадқиқ қилинаётган фонограмма ёзилишидан олдин фойдаланилганми.

Ёзув сифати паст бўлганлиги сабабли стенограмма тузишнинг имкони бўлмаса, терговчи эксперт олдига қуйидаги саволларни қўйиши мумкин:

- экспертизага тақдим қилинаётган “SONY” MC-60 русумли микро аудио кассетадаги суҳбатнинг сўзма-сўз баёни қандай;
- тақдим қилинган фонограммадаги сўзлар ўқилганми ёки эркин нутқми;
- ушбу магнит ёзув кўрсатилган сигналлар аниқ манбага тегишлими (гудок, сирена, двигатель шовқини ва бошқалар.);
- фонограммада нутқи муҳрланган шахснинг жинси, жисмоний ва руҳий ҳолати кандай?

Видеофонографик тадқиқотлар икки тоифага бўлинади:

видео ва овоз ёзиш ускунасини видеофонографик тадқиқоти ҳамда фонограммага муҳрланган товуш ахборотининг фоноскопик тадқиқоти.

Терговчи фоноскопия экспертизаси тайинлангач, фонограммаанинг нусхасини эмас, аслини экспертизага тақдим қилиши лозим. Бу фоноскопия экспертизасини ўтказиш услуби билан боғлиқ бўлиб, тадқиқотнинг биринчи босқичида тақдим этилган фонограммада мон-

таж белгилари мавжуд эмаслиги ва ёзиш шароитининг асли эканлиги аниқланади.

Шахсни овози ва нутқига кўра аниқлаш учун ўтказиладиган эксперт тадқиқотлар кўпчилигида, товуш хусусиятлари таҳлили ва унинг семантик мазмуни билан узлуксиз боғлиқдир. Сўзлашув маъноси ва мазмунини монтаж ёрдамида ўзгартириш мумкинлиги ҳисобга олинса, тадқиқотнинг бошланғич босқичидаёқ, барча ҳолатларда овоз ёзувида қаллоблик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш зарур. Бу овоз ёзувида электроакустик монтаж аломатлари акустик мосламалар ва ЭҲМ ёрдамида аниқланади.

Электроакустик аоситалар таъсирида магнит тасмага ёзилган сызлашувнинг бирламчи маъносини ўзгартириш-электроакустик монтаж, дейилади. Эксперт тадқиқотининг услужи асосида электроакустик монтаж аломатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий услуб ётади.

Тақдим қилинган ёзувдаги монтаж аломатлари мавжудлиги текширилгандан сўнг намоён бўлган белгиларга овоз ёзиш ускунасининг таъсири аниқланади.

Бунинг учун тадқиқ қилинаётган фонограмма ёзиб олинган магнитофонни кўздан кечириш, эксперт тажрибаларини ўтказиш орқали унинг конструктив ва функционал хусусиятлари баҳоланади. ЭҲМ ёрдамида магнитофонларни идентификация қилиш услубидан фойдаланиб фонограмма тадқиқ қилинаётган магнитофонда ёзилган ёки ёзилмаганлиги аниқланади.

3-§ Телефон ва бошқа сўзлашув воситалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш баённомаси

Телефон ва бошқа мосламалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб турган, овозни ёзган ходимлар жиноят ишига алоқадор бўлган сўзлашувлар мазмунини акс эттирувчи фонограмма ҳақида қисқача баённома тузадилар (ЖПК 171-моддаси).

Баённомада қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

- мазкур тергов ҳаракати ким ва қайси орган қарори (ажрим) асосида бажарилганлиги;

-жиноят иши ёки унинг алоҳида ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар;

-иш юзасидан кимларнинг сўзлашувлари эшитилиши лозимлиги, уларнинг телефон рақамлари;

-эшитиб туриш ва овоз ёзиш вақти, жойи;

-фойдаланилган овоз ёзиш техника воситалари ва уларнинг тури, модели каби белгилари;

-тергов ҳаракатини амалга оширган ходимлар шахсига оид маълумотлар;

-жиноят ишини текширишда аҳамиятли ҳисобланган бошқа маълумотлар.

Телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришни қайд этилганидан сўнг сўзлашув фонограммасини акс эттирувчи магнит тасмаси жойлаштирилган кассета муҳрланади ва баённомага илова қилинади.

Фонограммадаги жиноят ишига алоқаси бўлмаган қисмлар суд муҳокамаси тамомланиб, чиқарилган ҳукм, қарор, ажрим қонуний кучга киргандан кейин йўқ қилинади.

Экспертиза тадқиқоти ўтказилган фонограммалар, видеотасвир тасмалари ва бошқа объектлар экспертиза тайинлаган органга қайтарилади. Текширув натижалари эса экспертнинг хулосасида акс эттирилади ва умумий принциплар асосида далил сифатида баҳоланади.

Ишга алоқаси бўлмаган сўзлашув матнлари сўзлашган шахсларнинг турмушига ва бошқа оила аъзоларининг шаънига тегишли сир ва ошкора қилиб бўлмайдиган хабарлар ошкора қилинмаслиги, яъни уларнинг конституциявий ҳуқуқи ва қадр-қиммати ҳимоя қилинмоғи зарур.

22-боб ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

1-§ Махсус билимдан фойдаланиш тушунчаси

Содир бўлган жиноятни тергов қилиш жараёнида, шунингдек, суд муҳокамасида текширув вақтида иш учун аҳамиятли бўлган қатор ҳолатлар юзасидан махсус билим, яъни фан-техника, санъат ёки ўз касбини қўллаб текширув ўтказиш ва шу асосда тегишли маълумотларни олиш зарур. Бундай текширувлар махсус билимга эга бўлган шахслар томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 172 – моддасида, “Иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади”, дейилган. Масалан, жиноят содир бўлган жойда топилган қўл-бармоқ изи ким томонидан қолдирилганлиги, отилган ўқ ёки гильза қандай ўқ отиш қуролидан отилганлиги, ашёвий далил бўлган ҳужжатнинг қўлёзма матни, имзолари, ким томонидан ёзилганлиги каби масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.

Суд экспертизаси - процессуал қонун асосида суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан тайинланиб, махсус билимларга эга шахс томонидан ўтказиладиган текширув бўлиб, унинг натижаси алоҳида процессуал ҳужжат - эксперт хулосаси шаклида расмийлаштирилади. Бу хулоса жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари юзасидан далил бўлиб, бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Махсус билимга эга бўлган мутахассислар, касб-ҳунар эгалари, саноат, қишлоқ хўжалигида, қурилишларда турли мажмуаларни текшириб тегишли хулосаларни берадилар. Улар, жумладан, ишлаб чиқилган лойиҳа шу куннинг илм-техника талабига қанчалик жавоб бериши, муҳандислик, техникавий ҳисобларнинг тўғрилигини, иш қобилиятини йўқотган ишчи ва хизматчиларнинг ногиронлик даражасини аниқлаш ва шу каби бошқа кенг доирадаги масалаларни ҳал қилишга жалб этилади.

Суд ва тергов органи ходимларининг ўзи экспертиза текшируви учун зарур бўлган махсус билимга эга бўлган тақдирда ҳам экспертиза тайинлаш заруратидан озод қилинмайди, чунки уларнинг процессуал ҳолати бўйича ишни текширишда ўзига хос ваколати бўлиб, экспертиза ўтказадиган мутахассисларнинг ваколатлари ҳам процессуал

ҳолатидан келиб чиқади. Бу тартиб экспертиза хулосаси холисона бўлишининг кафолатларидан биридир.

Эксперт - маълум соҳада илм, фан, техника, санъат ёки ҳунарда билими бўлган ва процессуал ҳуқуқий ваколатга эга шахс ҳисобланади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПК 68-моддасида белгилангандир.

Эксперт ходимларининг фаолияти давлат экспертиза муассасаларида ёки бошқа ташкилотларда намоён бўлиши мумкин.

Улар қаерда ишлашларидан қатъи назар, иш юзасидан эксперт сифатида тайинлаш процессуал қонунда кўрсатилган тартиб асосида амалга оширилади, улар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир. Экспертиза текширувини ўтказиш жараёнида эксперт мустақил процессуал шахс сифатида экспертизага оид бўлган қўшимча объектлар, ахборотлар, жиноят иши ва экспертиза материалларини талаб қилишлари мумкин.

Эксперт олдига қўйиладиган саволлар унинг махсус билимлари доирасида бўлиши лозим. Бу талаб бузилиб, эксперт олдига унинг ваколат доирасидан четга чиқадиган вазифалар қўйилса, у хулоса беришдан бош тортиши мумкин. Текширув натижасида бериладиган хулосалар эса экспертнинг билим доираси билан чегараланади ва унинг ваколатидан ташқари чиқмаслиги керак.

Эксперт узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортса ёки қасддан ёлғон хулоса берса қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади, бу ҳақда огоҳлантирилганлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Махсус билимга эга шахслар жиноятни тергов қилиш ва суд жараёни даврида мутахассис сифатида ҳам жалб этилиши мумкин.

Мутахассис мақоми ЖПК 69-моддасида тўлиқ ифодаланган, шунингдек, 70-моддасида эса ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унинг процессда иштироки дастлабки тергов ва суд жараёнининг ҳар томонлама, тўлалигича таъминлашга қаратилган.

Суд экспертизаси материалини тайёрлаш, эксперт ҳал қиладиган саволларни тўғри белгилаш, солиштириб текшириш учун намуналар олиш ва бошқа шу каби масалаларни амалга ошириш учун терговчи ёки суд криминалистик техникаси соҳасидаги мутахассис маслаҳатини олиши мумкин. Экспертиза тайинлаш даврида текширув объектларини кўчириб олиш, мустаҳкамлаш, текширув вазифасини аниқ белгилаб, саволларни экспертиза предметига оид равишда турли

тадбирларини амалга оширишда криминалист мутахассиснинг ёрдами жуда муҳим.

Криминалистика фани соҳасидаги мутахассис далилларни топиш, олиш ва мустаҳкамлашда, криминалистик илмий-техника воситаларни қўллашда, айрим ҳолатлар юзасидан тегишли маслаҳатларни бериб кўмаклашади. Масалан, қотиллик жинояти содир бўлган жойни кўздан кечиришда жабрланувчининг мурдасини текшириб, ўлим вақти ва сабабини тахмин қилишда, жароҳатлар қандай қурол билан етказилганлигини аниқлашда, ўқ-отиш қуроли қўлланилганлиги, у қандай масофадан ва қаердан туриб етказилганлигини белгилашда криминалист мутахассиснинг иштироки муҳим ўрин тутади.

Мутахассис сифатида шифокор, педагог, психолог, шунингдек, зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар ҳам чақирилиши мумкин, дейилади процессуал қонунда. Бу кўрсатма криминалист мутахассисларга ҳам тегишлидир.

Терговда ва суд муҳокамасида иштирок этувчи мутахассислар экспертиза муассасаларида ишловчи эксперт, илмий ходим, раҳбар мансабларида фаолият кўрсатувчи шахслар бўлиши мумкин. Шунинг учун улар тергов ҳаракатларида мутахассис сифатида иштирок этган бўлсалар, кейинчалик яна (айрим ҳолатлардан ташқари) жалб этилиши мумкин. Бу масала ЖПКнинг 78-моддасида кўрсатилган бўлиб, криминалистика соҳасидаги мутахассисларга тўлиқ татбиқ этилиши мумкин.

Эксперт ва мутахассиснинг жиноят ва судлов процессидаги иштирокини белгиловчи ҳолатлар бир қанча ўхшашликларга эга бўлса-да, ҳар бирларининг процессуал ҳолатлари ва функциялари мустақил характерга эга.

Процессуал иштирокчи сифатида жалб этиладиган барча эксперт ходимлар ўз ихтиёрига топширилган экспертиза материаллари юзасидан текширув-тадқиқот ўтказиб, тегишли хулосаларни беради ва бунинг учун шахсан масъул ҳисобланадилар. Мутахассислар эса тергов ва судда иштирокчи сифатида қатнашиб, тергов ҳаракатини ўтказишда (кўздан кечириш, эксперимент) маслаҳатчи, ёрдамчи сифатидаги вазифаларни амалга оширадилар.

Мутахассиснинг иштироки тергов ҳаракатининг ва суд муҳокамасининг баённомаларида қайд этилади.

2-§ Тергов жараёнида ва экспертиза ўтказишда махсус билимнинг қўлланиш шакллари

Жиноятни тергов қилиш жараёнида терговчи бевосита тергов ҳаракатларини ўтказишда махсус билимлардан фойдаланиш учун мутахассисни таклиф этади, унинг иштирокида ўз фаолиятини амалга оширади ёки экспертиза тайинлайди. Махсус билимнинг бундай шаклларда қўлланилиши ЖПК тегишли моддаларида тартибга солинган.

Тергов ҳаракатларини ташкил қилиш ва ўтказишда терговчи махсус билимга эга бўлган мутахассисни таклиф этиб, унинг ёрдами, маслаҳати асосида маълум тадбирларни амалга оширади: кўздан кечириш, тинтув ўтказишда махсус қидирув асбобларини қўллаш, изларни қидириш, топиш, кўчириб олиш ва қайд этиш ва бошқа масалалар шулар жумласига киради.

Экспертиза тайинлаш ва ўтказишда эса махсус билим эксперт ходимлари томонидан қўлланилиб, алоҳида тергов ҳаракати сифатида тадқиқот ўтказилади.

Текширув-тадқиқот натижалари экспертнинг хулосасида акс эттирилиб, жиноий иш юзасидан далил манбаи сифатида хизмат қилади.

Суд экспертиза фани назарияси ва амалиётида суд экспертизалар турлари масаласига катта эътибор билан қаралади. Экспертиза объектларининг сони мунтазам кенгайиб бориши ўз ўрнида криминалистик масалаларни ечишда қўлланиладиган махсус билимларнинг турларини кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса экспертизанинг тубдан янги турларини яратилишида ва мавжуд криминалистик экспертиза услубларини такомиллаштиришда ўз ифодасини топмоқда.

Суд экспертизасини таснифлаш турли асосларга мувофиқ амалга оширилади. Улар ичида экспертизаларни билим соҳасига қараб ажратиш биринчи ўринни эгаллайди. Бу принцип бўйича экспертизалар турлари бир вақтнинг ўзида учта белги бўйича ажратилади: экспертиза объекти, предмети ва қўлланиладиган услублар (ёки билим соҳаси). Алоҳида ҳар бир белги бўйича экспертиза турини белгилаш англашилмовчиликка олиб келади. Масалан, воқеа жойидан топилган ўқ ҳам баллистика (ўқ-снарядларнинг ҳаракат қонунлари), ҳам металлар экспертизаси объекти бўлиши мумкин ёки тилшуносликка оид билимлар дастхатшунослик, муаллифшунослик, суд фоноскопия экспертизаларида кенг қўлланади.

Айтиб ўтилган уч белгига асосан криминалистик, суд-тиббий, суд-биологик, суд-муҳандислик, суд-иқтисодий, суд қишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги экспертизалар ажратилади.

Ўз ўринда бу экспертизалар турларга бўлинади.

Хусусан, криминалистик экспертизалар қаторига асосан хатшунослик, изшунослик ва суд баллистик экспертизалар киради. Анъанавий криминалистик экспертизалар деб аталган суд экспертизаларининг бу турлари жиноятларни очишда қўлланадиган махсус билимларнинг тарихан биринчи шаклларини ташкил этган.

Криминалистик экспертизаларнинг ривожланиши моддалар, ашёлар ва буюмларни криминалистик экспертиза назариясини яратишга олиб келди. Экспертиза текширувига юбориладиган объектларнинг турига, уларга қўлланадиган махсус билим ва услубнинг хусусиятига кўра, суд-экспертиза амалиётида қуйидаги криминалистик экспертизалар ўтказилади.

- **Дастхатшунослик текшируви:** турли ҳужжатларнинг қўлёзма матнлари, имзолар, рақамлар, белгилар бу хилдаги экспертиза объекти ҳисобланади. Бунда экспертизанинг вазифаси улар ким томонидан,. қандай шароитда ва ҳолатда ёзилганлигини аниқлашдан иборат.

Криминалистика - техника-экспертизаси турли усулда ясалган ҳужжатнинг қалбакилигини, дастлабки ҳолатини, кейинчалик қандай ўзгартиришлар киритилганлигини (тузатилган, қўшимча киритилган, ўчирилган ва ҳ.к.) муҳр ва штампларини асл ёки қалбакилигини, уларнинг ясаш усулини, ёзув воситаларини, ҳужжатлар материалини аниқлаш учун тайинланади.

- **Суд трасология экспертизаси:** ашёвий далил ҳисобланган турли изларнинг ҳосил бўлиши механизмини, қайси предметдан қолдирилганлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текширув. Одамларнинг қўл бармоқлари изларини ким томонидан қолдирилганлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текширувни “дактилоскопик экспертиза” деб атайдилар.

- **Суд баллистик экспертизаси** - жиноятни содир этишда қўлланилган турли отиш қуроллари ва уларнинг қисмлари (патрон ва портловчи моддалар), отиш натижасида ҳосил бўладиган (одам танасидан ташқари бўлган) жароҳат аломатлари, отилган ўқ- ва гилъзалар, ўқ-дори ва уларнинг қолдиқ қисмлари мазкур экспертиза объектлари ҳисобланади. Совуқ қуроллар ҳам мазкур экспертиза объектига киради.

- **Одамларнинг ташқи қиёфа белгилари** асосида ўтказиладиган идентификациявий текширув. Бу хилдаги экспертиза одамнинг фотосурати, оғзаки тасвирлаш асосида тузилган портретлари асосида ўтказилиб, якка шахс ҳақида хулоса берилади. Тергов ва суд амалиё-

тида кўп ҳолларда ўлган одамнинг суяк қолдиқлари (скелети) бўйича шахсини аниқлаш учун криминалистик ва антропологик текширув ҳам ўтказиш мумкин.

Суд экпертизасининг процессуал турлари бир биридан уларни ўтказишнинг ташкил этилиши ва услуби билан фарқ қилади.

Суд экспертиза соҳасидаги ихтисослашув уни ўтказиш шарт бўлган ҳолатларнинг кенгайишига, экспертиза муассасаларида бажариладиган экспертиза турларини кўпайишига (ЖПКнинг 174-моддаси) асос бўлди.

Агар экспертиза хулосасида камчиликларни тўлдириш зарурати туғилса қўшимча экспертиза тайинланади. (ЖПКнинг 176-моддаси 1-қисми).

Бирламчи экспертиза хулосаси тергов (суд)нинг асосланган фикри бўйича нотўғри бўлса, қайта (ёки такрорий) экспертиза тайинлаши мумкин (ЖПКнинг 176-моддаси 2-қисми).

Қўшимча экспертиза асосий экспертизани ўтказган мутахассисга ёки бошқа экспертга топширилиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳам қўшимча, ҳам қайта экспертизага юборилган материал, текширув объектлари ҳамда намуналар ва ечиладиган масалалар ўзгаришсиз қолади. Акс ҳолда, яъни экспертизага янги объектлар юборилса ёки бошқа саволлар қўйилса, экспертиза ўзининг табиатини ўзгартиради ва бошқа янги експертиза ўтказиш масаласи туғилади. Лекин, экспертиза тайинлангандан сўнг экспертнинг талабига кўра қайта экспертиза материали қўшимча намуналар билан тўлдирилиши мумкин.

Такрорий экспертиза бошқа бир эксперт ёки экспертлар комиссияси, яъни икки ва ундан кўпроқ бўлган экспертлар томонидан ўтказилади. Биринчи экспертиза текширувини ўтказган мутахассис ўзи берган хулосаси ва ўтказган тадқиқотлари юзасидан тушунтиришлар бериши мумкин. Лекин у қайта текширувларни ўтказишда, уларнинг натижаларини муҳокама қилишда ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

Биринчи экспертиза натижаси билан қайта экспертиза хулосаси бир-бирига қарама-қарши бўлган тадқиқотларда унинг натижалари комиссия иштирокида тажрибали мутахассис ходимлар билан ҳамкорликда муҳокама қилинади ва биринчи экспертиза хулосаси тасдиқланмаслик сабаблари баҳоланади. Ушбу сабаблар қайта экспертиза хулосасида баён этилади.

Қайта экспертиза учинчи, тўртинчи ва ундан кўп марта ҳам тайинланиши мумкин. Экспертиза амалиётида шундай ҳоллар учраб турадики, экспертиза фикри билан иккинчи қайта эксперт хулосаси бир-бирига қарама-қарши чиқади. Бунда ҳар қайси экспертиза ҳам ўзича асосланган ва қатор сифат белгиларига таянган бўлади.

Бу ҳолда терговчи (суд) ҳар бир хулосани алоҳида, бошқа далиллар билан биргаликда баҳолаши зарур. Агар шундай баҳолаш натижасида хулосаларда иш юзасидан ишончли фактларга қарама-қаршиликлар ёхуд процессуал қонун бузилишлари аниқланса, учинчи марта такрорий экспертиза тайинлаш мумкин.

Такрорий экспертиза материалини ўша олдинги муассасага юбориш, лозим бўлса бошқа экспертиза лабораторияси ёки институтига юбориш мумкин. Масалан, биринчи экспертиза ИИВнинг экспертиза бўлимида ўтказилган бўлса, иккинчиси, Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги илмий тадқиқот криминалистика марказига юборилади. Учинчи такрорий текширув эса шу марказнинг ўзида ёки бошқа экспертиза муассасасида ўтказилган тақдирда уни ўша жойда албатта бошқа эксперт ёки экспертлар комиссия таркибида ўтказилмоғи лозим. Ана шундай бўлгандагина экспертиза хулосалари объектив бўлиб, иш учун далил манбаи сифатида қўлланилмоғи лозим.

Экспертлар комиссиясини тайинлаш ва танлаш терговчига суд ёки экспертиза муассасаси раҳбарига боғлиқдир. Қайта экспертизани ўтказиш мутахассисларнинг тажриба ва билим даражасига, иш ҳажмига қараб белгиланади. Қайта экспертизанинг предмети ва текширилувчи объектлари доираси ўзгаришсиз қолади.

Шундай қилиб, қўшимча ва такрорий экспертизалар аниқ ишнинг ҳолатига қараб тергов ва суднинг қарор ва ажримига кўра ўтказилади. Такрорий ва қўшимча экспертизадан ташқари комиссия таркибида ўтказиладиган ва комплекс экспертизалар ҳам бўлиши мумкин. Комиссия таркибида ўтказиладиган экспертиза деб бир соҳага мансуб бир неча мутахассис томонидан ўтказиладиган тадқиқотларга айтилади. Текширилувчи объектлар сони кўп бўлиб, текшириш усуллари мураккаб бўлса экспертиза материали бир мутахассисга эмас, балки бир неча экспертга топширилади. Масалан, кўп объектли дастхатшунослик экспертизалар бўйича текширув ўтказиш одатда узоқ вақт талаб қилади, шундай ҳолларда экспертиза материали бир неча мутахассисга, яъни экспертлар комиссиясига топширилади.

Бундай экспертизалар, одатда, молиявий ҳужжатлар бўйича ўтказиладиган текширувларда, яъни турли ёзувлар ва имзоларни ба-

жарган шахсларни идентификация қилишда тайинланади. Ҳужжатлар сони ва қўлёзмани ёзишда шубҳаланган шахслар сони кўп бўлганлиги туфайли экспертиза текширувини тезлаштириш ва хулосани объектив ва асосланган бўлиши учун бундай экспертизаларни комиссия иштирокида ўтказиш лозим.

Комиссия аъзолари иштирокидаги экспертиза натижалари биргаликда муҳокама этилиб, агар улар бир фикрга келса, умумий битта хулоса тузилади. Агар экспертлар ўртасида ҳал этиладиган масала юзасидан келишмовчилик рўй берса, ҳар бир эксперт келишмовчилик келиб чиққан масала бўйича алоҳида хулоса беради (ЖПК 177-моддаси).

Айрим ҳолларда иш учун аҳамиятга молик бирор ҳолатни аниқлашга бир соҳадан билимлар етарли бўлмай, балки бошқа соҳадаги билимларни жалб этиш зарурияти туғилади. Бу вазиятда комплекс экспертиза тайинланади (ЖПК 178-моддаси)

Комплекс экспертизалар ёрдамида турли масалалар ҳал этилади. Масалан, велосипедчи ва уни уриб юборган автомобиль ўзаро қандай йўналишда ҳаракат қилганлигини аниқлаш мураккаб масала бўлиб, алоҳида ўтказиладиган суд тиббий, транспорт ва изшунослик экспертизалари ёрдамида ҳал этилиши мумкин. Аммо бу текширувлар комплекс равишда ўтказилса, уларнинг самарадорлиги кескин ошади. Ҳар бир мутахассис ўзининг билим доирасида аниқлаган ҳолатларини бошқа соҳа мутахассиси топган белгилар билан таққослаб, биргаликда ягона хулоса чиқарадилар. Бунда ҳар бир мутахассис ўзининг ўтказган текшируви учун шахсан жавобгар бўлади.

Бир объект бўйича алоҳида кетма-кет ўтказиладиган мустақил тадқиқотларни комплекс экспертиза қаторига қўшиш нотўғридир. Масалан, ҳужжатни ясаш усулини аниқлашга қаратилган техник-криминалистик экспертиза ундаги ёзувларни бажарган шахсни аниқловчи хатшунослик экспертизалар алоҳида бўлиб, комплекс экспертизани ташкил этмайди. Аммо йиртиб ташланган ҳужжатни тиклашга қаратилган биргаликда ўтказиладиган изшунослик, техник криминалистик ва хатшунослик тадқиқотлар асосли равишда комплекс экспертизаси, деб аталиши мумкин.

3-§ Экспертиза тайинлашга тайёргарлик кўриш ва намуналар олиш тартиби

Экспертиза тайинлаш эҳтиёжи жиноят ишини тергов қилиш жараёнида ишнинг айрим мунозарали ҳолатлари юзасидан махсус билим талаб қилинганда ҳосил бўлади.

ЖПК 173-моддасида экспертиза ўтказилиши шарт бўлган қатор ҳолатлар қайд этилган. Қонуннинг кўрсатмаси, ушбу ҳолатлар ҳақида иш материалида бошқа маълумотлар (гувоҳ, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари) бўлишидан қатъи назар, экспертиза хулосасини олиш мажбурийгини таъкидлайди.

Иш учун аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашда, жумладан, криминалистик экспертизанинг айрим турларини тайинлаш, ҳал қилинадиган масалалар, криминалистик техника соҳасидаги махсус билим талаб қилган тақдирда зарур бўлади. Экспертиза ўтказиш зарур деб топилса, уни тайинлаш ҳақида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради (ЖПК 180-моддаси)

Криминалистик экспертизанинг объектларидан олинган намуналар, далилий аҳамиятга эга бўлган бошқа моддий нарсалар, турли ҳужжатлар солиштириб кўриш учун ашёвий далиллар бўлиши мумкин.

Мазкур объектларда экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда ёки ажримда уларнинг номлари, белги сифатлари алоҳида кўрсатилади. Қарор (ажрим)да экспертиза тайинлаш учун асослар ва эксперт ҳал қилиши лозим бўлган саволлар қайд этилади. Саволлар аниқ, равон ва экспертнинг махсус билими доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

Криминалистик экспертиза материалини қарор, ажрим, текширув объектлари тергов ва суд давлат экспертиза муассасасига юборади. Муассаса раҳбари экспертиза ўтказишни тегишли мутахассис ходимга топширади. Шу билан бирга процессуал қонунда белгиланганидек, эксперт сифатида экспертиза муассасасидан ташқари жойларда хизмат қилувчи мутахассислар ёки алоҳида шахсларни ҳам жалб этиб, экспертиза материалини уларга бевосита топшириш мумкин.

Экспертизада текширилувчи объектлар - ашёвий далил, унинг айрим қисмлари, моддий қолдиқлари билан бир қаторда солиштириб текшириш учун зарур бўлган намуналар - нусхалар ҳам юборилиши лозим.

Намуналарнинг ҳажми, сифати эксперт текширувини тўла ва объектив бўлишини таъминлайди. Экспертиза текшируви учун олинадиган намуналарнинг турлари ва уларни олиш тартиби ЖПК 188-моддасида кўрсатилган. Криминалистик экспертизани ўтказиш учун олинадиган намуналарнинг турлари асосан қуйидагилардир: қўлёзма,

хат, имзо, рақам ёзувлари, кўпайтирадиган воситалардан олинадиган намуналари, изларни ҳосил қиладиган қолип, нусхалар, отиш қуролларининг турли қисмларидан ҳосил бўладиган намуналар ва бошқалар.

Криминалистик тадқиқот ўтказиш учун зарур бўладиган намуналар, эркин ва экспериментал бўлиши мумкин. Бундан ташқари, дастхатшунослик экспертизасида шартли - эркин намуналар ҳам ажратилади. Эркин намуналар жиноят иши қўзғалишидан аввал мавжуд бўлган объектлардир. Масалан, дастхатшунослик текшируви ўтказиш ва гумон қилинувчининг ўзи ёзган хати имзолари уйида, хизмат хоналаридан олинган ҳужжатларда бўлади. Экспериментал намуналар эса экспертиза тайинланган ходим томонидан унинг махсус топшириғи билан олинади. Текшириладиган ҳужжатдаги ёзувга, имзоларга, рақамларга ўхшаш матнларни бир неча алоҳида қоғоз ҳужжатга ёзиш буюрилади ва текширилувчи томонидан - имзоларга мансуб бўлган ҳарф ва шакллар бажарилиши кузатиб турилади.

Экспериментал намуналар, одатда, кишилар ҳаракати натижасида вужудга келтирилиб олинади, масалан, дастхат, қўл-оёқ изларининг намуналари ёки инсон организмининг яшаш фаолиятидаги моддалардан (қон, соч, сўлак ва бошқа намуналар) шулар жумласидандир.

Нусхаларнинг ҳар икки тури ЖПКга асосланган ҳолда экспертизани тайинловчи суд ёки терговчи томонидан олинади ва улар қарор (ажрим)да кўрсатилади.

Кўпинча экспериментал намуналар экспертиза текширишлари вақтида экспертлар томонидан ҳам олинади. Шунинг учун қайси вақтда эксперт, экспериментал нусха намуналарни олинишини яхши фарқлай олиш керак. Экспериментал намуналар зарур бўлган ҳолларда мажбурий равишда ҳам олиниши мумкин. Бу ҳаракат терговчига юклатилган.

Қонунга асосан эксперт мажбурий равишда намуна олиш ҳуқуқига эга эмас. Терговчи экспериментал нусхалар олишда айбланувчи ёки гумон қилинувчи, жабрланувчи ёки гувоҳлардан ташқари яна ҳажм жиҳатидан ёки баъзи ҳолатлар сабабли эксперт ихтиёрига топшириш имкониятлари бўлмаган объектлардан ҳам экспериментал намуналар олиши мумкин.

Терговчи бу ишларга махсус мутахассисларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Улар ўзларининг маслаҳатлари, шахсий иштироки ва ҳаракатлари билан сифатли намуналарни олишга ёрдам берадилар.

Терговчи томонидан олинадиган эркин ва экспериментал намуналар сони ва сифати жиҳатидан эксперт текширишлари учун етарли бўлиши керак. Олинган намуналар объектнинг ҳақиқий ўзидан келиб чиққанлиги шубҳасиз бўлиши учун процессуал расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Текширув учун зарур бўлган намуналарни олиш учун терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Нусхалар олинганлиги ҳақида баённома тузилиб, унда олинган намуналарнинг сони, намуна олишдаги шарт-шароитлар, тергов усуллари батафсил ёзилиши, тузилган баённома терговчи ва холислар имзолари билан тасдиқланиши лозим. Айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчидан қоғоз устига ёздириб олинган намуналар терговчи ҳамда намунани бажарувчи томонидан тасдиқланиб имзоланади. Олинган намуналар бошқа объектлар каби тегишли тартиб ва усулда жойлаштирилади ва муҳрланади.

Экспертиза текширувини ўтказиш жараёнида, экспертнинг ўзи ҳам экспериментал намуналар тайёрлаши мумкин. Процессуал қонунда қайд қилинишича, баъзи криминалистик текширувлари учун эксперт тажриба-эксперимент ўтказиб ҳам намуна олади. Баллистик экспертиза ўтказишда ўқ отиш қуролини идентификация қилишда эксперт ҳодиса жойидан топилган ўқ ва гильзаларни солиштириб текшириш учун ашёвий далил бўлган қуролдан бир неча марта ўқ отиб экспериментал ўқ ва гильза намуналарини тайёрлайди. Шунингдек, трасологик текшируви учун эксперт ашёвий далил бўлган пойабзал, бузиш қуроли, чопиш ва кесиш асбобларидан уларнинг из ҳосил қилувчи ташқи қисмидан экспериментал излар намуналарини олиши мумкин.

Экспертиза учун олинган намуналар жиноят процессуал қонунига биноан баённома билан расмийлаштирилади. Эксперт ўзи ташкил қилиб олган намуналари ва эксперимент текширувларини ўзининг хулосасини баёнот, яъни тадқиқот қисмида тўла ва аниқ акс эттиради.

Текширув учун олинган намуналар экспертизанинг бошқа объектлари қаторида тегишли усулда ўраб-жойлаб, уларнинг тури ва сони қарор (ажрим)да кўрсатилади.

4-§ Эксперт хулосаси ва унинг натижаларини баҳолаш

Криминалистик идентификация услуби криминалистик экспертизанинг барча турларини ўтказишда мантиқ илмига, идентификация назарияси ва криминалистик услуб асосларига таянади.

Ашёвий далил бўлган объектларни, улардан қоладиган турли изларни текширишда ҳар қандай илмий тадқиқот фаолиятида қўлланиладиган кузатув, тажриба, таҳлил (анализ ва синтез), тахмин (гипотеза) индуктив ва дедуктив фикр юритиш каби усуллар қўлланилади.

Криминалистик экспертизаларни ўтказишда, шунингдек, эксперт мутахассислар криминалистиканинг илмий техник воситалари бўлган турли асбоб-ускуналар: оптика, компьютер, турли кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган нурларни ишлатадиган мосламаларни, ёритқичлар ва бошқаларни кенг қўллайдилар.

Экспертиза объектларини текшириш қуйидаги тўрт босқичларда амалга оширилади.

1. Дастлабки текширув идентификациявий тадқиқотнинг биринчи босқичи бўлиб, экспертизага юборилган қарор (ажрим) билан танишиш экспертиза олдига қўйилган масалага ойдинлик киритади. Текшириладиган объектлар ва намуналар ҳар бири алоҳида кўздан кечирилади. Объектларни кўздан кечиришнинг мақсади уларнинг ашёвий далиллигини сифатлайдиган аломатларини аниқлаш, индивидуаллик хусусиятларини ифодалайдиган белгиларни тахмин қилиш ва идентификация жараёнида уларни қўллаш мумкинлигини аниқлашдан иборатдир.

Бу босқичда эксперт объектларни тадқиқот учун яроқли-яроқли эмаслигини, намуналар сони ва сифати нуқтаи-назаридан етарлилиги ёхуд қўшимча маълумотлар ва намуналар зарурлигини аниқлайди. Босқичнинг муҳим вазифаларидан бири тадқиқот услубини танлаш, ўтказиладиган текширувларни белгилаш, уларни олдинма-кетинлигини аниқлаш, экспериментларни режалаштиришдан иборатдир. Маълум вазиятларда идентификациявий текширув шу босқичда тугатилади. Масалан, эксперт олдига қўйилган вазифа унинг ваколатига кирмаса ёки намуналар етарлича тақдим этилмаса, эксперт текширувини амалга ошириш иложи йўқлиги тўғрисида ҳужжат тузади. Объектларни алоҳида-алоҳида .кўздан кечириш мақсади уларнинг ашёвий далил бўладиган аломатларини, индивидуаллик хусусиятларини ифодалайдиган белгиларини аниқлаш ва идентификация жараёнида уларни қўллашдан иборатдир.

2. Текширилувчи ва намуна нусха бўлган объектларни алоҳида-алоҳида кўздан кечириш, таҳлил қилиш бу текширув босқичининг ва-

зифаси ашёвий далил бўлган ва экспертизага юборилган бошқа объектларни ҳар бирини алоҳида таҳлил этиб, уларни индивидуаллик хусусиятини, яъни ўзига хос бўлган сифат белгиларини аниқлашдан иборатдир.

Текширилувчи объект моддий буюм, нарса ёки унинг бирор қисмидан қолган излари, бўлаклари, нусхаси ва бошқаси бўлиши мумкин.

Отиш қуроли, отиш натижасида ҳосил бўлган излар, отилган ўқ ва гильзалар, портлатишдан қолган из қолдиқлари, жиноят қуроли сифатида ишлатилган турли буюмлар ва улардан қоладиган излар, инсоннинг қўли ва яланг оёқ тавоннинг тери тузилиши хусусиятини ташкил қиладиган излар, дастхат, одамнинг ташқи қиёфа тузилишини акс эттирувчи фото, видео ва суратлар, марҳумнинг суяк қолдиқлари (скелети) ва бошқалар криминалистик экспертиза текширадиган объектлар доирасига киради.

Солиштириб текширишга олинган, тайёрланган намуна - нусхаларни ҳам эксперт алоҳида кузатиб таҳлил қилиб юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал қилади. Намуна нусхаларни таҳлил қилишда уларни қаердан, қачон ва кимлардан олинганлиги, қайси гуруҳга мансублиги ва индивиуал белгилари, идентификация қилишга яроқлилиги аниқланади.

Текширувнинг бу босқичида намуна ва нусхаларнинг сон-сифати, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор, (ажримда) кўрсатилган маълумотларга мос олинганлиги ва идентификация ўтказишга етарли ва яроқли эканлиги аниқланади.

3. Текширувнинг бу босқичида экспертиза объектлари ва уларнинг сифат-белгилари ўзаро солиштирилади. Экспертиза амалиётида қўлланадиган умумий услуб идентификация назарияси бўлиб, барча объектлар икки гуруҳни ташкил қилади. Идентивлиги (айнанлиги) аниқланадиган объектлар – текширилувчи, яъни ашёвий далиллар бўлиб, иккинчи гуруҳни солиштириб текширишга восита бўлган намуна ва нусхалардир.

Солиштириб текшириш босқичида эксперт текширилувчи объектларнинг айнанлиги ёки гуруҳ мансублигини аниқлаш учун улардаги сифат аломатларини намуналардаги сифат белгиларига солиштириб таққослайди. Ҳар бир умумий белгидан сўнг хусусий белгилар алоҳида-алоҳида таққосланади, биринчисидаги индивидуаллик хусусияти иккинчи гуруҳдаги объектларда такрорланган ҳолдагина уларнинг ушбу белги бўйича айнанлиги белгиланади.

Солиштириб текшириш жараёнида ўхшашлик ҳоллари билан бир қаторда айрим белгилар бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат текширилувчи (ашёвий далил) объектнинг ҳосил бўлиш шароитига, унга дахлдор бўлмаган ёки манфаатдор шахсларнинг ҳаракати, ихтиёри таъсирида пайдо бўлиши мумкин. Текширув жараёнида эксперт жиноят ишининг экспертизага алоқадор бўлган айрим ҳолатлари билан танишишни талаб қилиши мумкин. Бу масала текширувнинг дастлабки босқичида ва зарур бўлганда кейинроқ ҳам амалга оширилади.

Текширувнинг барча босқичлари ўзаро чамбарчас боғликдир, улар орасида қатъий бирор чегара ўтказиш мумкин эмас, алоҳида таҳлил қилишни, солиштириш чоғида ҳам давом эттириш мумкин. Зарур бўлган ҳолларда таҳлилий босқичга қайтиб айрим объектларни бошқатдан кузатишга тўғри келади, бундай текширувда бошқа услублар қўлланиб қўшимча материал (намуналар) талаб қилинади. Бу масала эксперт билан экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи, судья орасида амалга ошириладиган мулоқотда ҳал қилинади.

Солиштириб текшириш жараёнида эксперт махсус услубни қўллаш билан бирга криминалистик техника воситаларидан ҳам кенг фойдаланади, айниқса микро ва макро суратга тушириш, турли тажриба-экспериментлар ўтказиш каби усулларни қўллайди.

4. Текширув натижаларини баҳолаш ва якун ясаш босқичида идентификация жараёнининг натижалари маълум бўлиб, улар тегишли талаб ва қоидалар асосида баҳоланиб экспертнинг хулосалари шаклланади. Таққосланиб текширилган объектларнинг бир гуруҳга кириши ва айнанлиги тасдиқланади ёки айнанлиги инкор қилиниб ҳар қайси текширилган ашёвий далил ва у билан таққосланган намуна бошқа турга тегишли эканлиги аниқланади.

Текширилаётган ҳолат, яъни объектнинг айнанлигини исботи ёки инкор қилиниши, алоҳида белги сифатларнинг ўхшашлиги ёки фарқ қилиши асосида бўлмасдан, белгиларнинг барча йиғиндиси асосида шаклланмоғи лозим. Шундагина хулоса илмий асосланган, объектив бўлади ва жиноят иши юзасидан далил манбаи бўлиб хизмат қилади.

Экспертнинг тадқиқоти, текширув жараёни ва натижалари махсус процессуал ҳужжат бўлган эксперт хулосасида баён этилади. Эксперт хулоаси процессуал қонуни асосида расмийлаштирилади (ЖПК 184-моддаси), хулоса берган эксперт унинг учун шахсан жавобгардир.

Эксперт хулосаси бошқа процессуал ҳужжатлар каби кириш, баёнот ва якунловчи қисмлардан иборатдир. Експертиза хулосасининг кириш қисмида тайинлашга асос бўлган ҳолатлар, ким томонидан тайинланган, қандай объектлар тақдим этилган, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ва бошқа маълумотлар ифода этилади.

Хулосанинг баёнот қисми эксперт фаолиятини ифода этувчи асосий қисм бўлганлиги учун "тадқиқот" босқичи деб номланиб, унинг моҳияти тўлароқ баён этилади.

Хулосанинг бу қисмида эксперт ўтказган барча текширувлари: объектларни алоҳида кузатуви, сифат белгиларининг индивидуаллик, мустаҳкамлик даражалари, таққослаб солиштириш натижалари, хулоса шаклланиши қандай омилларга асосланганлиги, қўлланилган махсус криминалистик техника воситалари, турли услублар, ўтказилган экспериментал текширув тажрибалари ва бошқа ўтказилган чоралар тегишли галма-галликда ифода эттирилади ва улардан келиб чиққан хулоса кўрсатилади.

Эксперт текширувининг якунловчи қисми унинг хулосаларидир. Бу қисмда экспертизага қўйилган саволларга аниқ, равон ва қисқа шаклда жавоблар ўз ифодасини топади. Хулосалар эксперт текширувига қўйилган масалаларга нисбатан тасдиқловчи ёки инкор қилувчи шаклда берилади.

Эксперт амалиётида баъзи ҳолларда қатъиян хулоса бериш иложи бўлмайди, тахминий хулоса берилади. Бундай хулосанинг сабаби тўла ва асосланган тарзда эксперт ҳужжатининг тадқиқот қисмида ифодаланган бўлиши керак.

Айрим ҳолларда эксперт хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида ҳужжат тузади (ЖПКнинг 185-моддаси). Бундай ҳужжатда эксперт олдига қўйилган саволлар унинг ваколати доирасига кирмаслиги, саволлар ҳуқуқий маънога эга бўлганлиги, текшириладиган объект тадқиқот ўтказишга яроқсизлиги ва бошқа сабабларга кўра масалани ечилишининг иложи йўқлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Эксперт хулосаси процессуал ҳужжат бўлиб, жиноят иши юзасидан далил манбаи сифатида хизмат қилади ва ишдаги бошқа далиллар билан бир қаторда қонунда белгиланган умумий принциплар асосида баҳоланади.

М У Н Д А Р И Ж А

1 бўлим. КРИМИНАЛИСТИКА ФАНИГА КИРИШ

1-боб. КРИМИНАЛИСТИКА ФАНИ, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ТИЗИМИ, ЮРИДИК ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚОЛАРИ

1-§. Криминалистика фани ва унинг вазифалари 3
2-§.Криминалистика тизими 11
3-§.Криминалистиканинг юридик ва бошқа фанлар билан алоқалари.....11

2-боб. КРИМИНАЛИСТИКА МЕТОДЛАРИ

1-§. Криминалистикада қўлланиладиган методлар таснифи 16
2-§.Умум илмий криминалистик методлар 17
3-§. Махсус криминалистик методлар 20

3-боб. КРИМИНАЛИСТИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ

1-§. Криминалистик идентификация тушунчаси, вазифалари, принциплари ва шакллари.....24
2-§. Криминалистик идентификация объектлари.....28
3-§. Идентификация объектларининг таснифи 30
4-§. Идентификациявий тадқиқот жараёни.....31
5-§. Криминалистик диагностика.....39

II-бўлим. КРИМИНАЛИСТИКА ТЕХНИКАСИ

4-боб. КРИМИНАЛИСТИКА ТЕХНИКАСИНИНГ УМУММИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. Криминалистик техника тушунчаси ва унинг вазифалари.....45
2-§. Криминалистик техника текширув воситалари ва услублари 48
3-§. Криминалистик техниканинг тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қўлланиши.....61

5-боб. СУД ФОТОГРАФИЯСИ ВА ВИДЕО-ТАСВИР ЁЗУВИ

1-§. Криминалистик фотография тушунчаси, унинг қўлланиш шакллари.....67
2-§. Криминалистик фотография методлари 70

3-§. Суратга ва видео-тасвирга тушуриш натижаларини процессуал расмийлаштириш.....86

6-боб. КРИМИНАЛИСТИК ТРАСОЛОГИЯ

1-§. Трасология тушунчаси, изларнинг таснифлари.....89
2-§. Қўл бармоқ излари.....92
3-§. Оёқ ва пойабзал излари.....95
4-§. Бузиш қуролларидан қолган излар.....100
5-§. Транспорт воситаларининг излари.....103
6-§. Изларни кўздан кечириш ва процессуал расмийлаштириш.....105
7-§. Трасологик экспертиза ҳал қиладиган масалалар.....108

7-боб. КРИМИНАЛИСТИК БАЛЛИСТИКА

1-§. Баллистика тушунчаси ва текширув объектлари.....113
2-§. Ўқ-отиш қуролларининг турлари ва қисмлари.....115
3-§.Отилган ўқ ва гильзалар асосида отиш қуролини идентификациялаш.....120
4-§.Отишдан қоладиган жароҳатларни, отиш масофасини, ўқнинг йўналиш томонини аниқлаш.....123
5-§. Портловчи моддаларнинг текшириви.....126
6-§. Совуқ қуролларнинг текшируви.....128

8-боб. ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА МАНТЛАРИНИ КРИМИНАЛИСТИК УСУЛДА ТЕКШИРИШ

1-§. Ҳужжатлар – ашёвий далил сифатида криминалистик текширув объекти.....132
2-§. Криминалистик хатшунослик тушунчаси.....133
3-§. Дастхатнинг идентификациявий белгилари.....136
4-§. Хатшунослик текширувининг услубиёти.....143
5-§. Криминалистик муаллифшунослик текшируви.....146
6-§. Хатшунослик ва муаллифшунослик текширувини ўтказиш учун материал тайёрлаш.....150

9-боб. ҲУЖЖАТЛАРНИ КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКА УСУЛИДА ТЕКШИРИШ

1-§. *Криминалистик техника текшируви тушунчаси, вазифаси ва турлари.....152*
2-§. Ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари.....154

3-§. Қалбакилаштирилган ҳужжатларни криминалистика техникавий усулда тек ширии 158
4-§. Криминалистик техника теширувида қўлланадиган замонавий асбоблар 161
5-§. Ҳужжатларнинг техник экспертизаси ўтказишда ҳал қилинадиган масалалар 163

10-боб. ОДАМЛАРНИНГ ТАШҚИ ҚИЁФА БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЎТКАЗИШ

1-§. *Одамнинг ташқи қиёфаси - идентификация объекти: тушунчаси ва илмий асослари 166*
2-§. Одамнинг ташқи қиёфа белгилари тизими.....171
3-§. Портретлар бўйича идентификация қилиш турлари 174
4-§. Одамларнинг портретлари асосида ўтказиладиган идентификациявий текширув 177

11-боб. КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ

1-§.Криминалистик рўйхатга олиш тушунчаси ва унинг аҳамияти.....181
2-§. Криминалистик рўйхатга олиш тизими.....183
3-§. Криминалистик рўйхат турлари 184

III- бўлим. КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИ.

12-боб. КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. Криминалистика тактикаси тушунчаси ва унинг вазифаси 199
2-§. Криминалистика тактикаси тизими 201
3-§. Тактик усуллар, тергов вазиятлари ва криминалистика тактикасининг асосий қоидалари.....206

13-боб. ТЕРГОВ ВЕРСИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТАЪЛИМОТ

1-§. Тергов версияси тушунчаси ва таснифи 216
2-§. Тергов версияларини тузиш, текшириш ва натижаларини баҳолаш 218

14-боб. ТЕРГОВНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. Терговни режалаштириш ҳамда ташкил этиш тушунчаси ва вазифалари 227
2-§. Режалаштириш принциплари ва тур лари 230
3-§. Режалаштириш ҳужжатлари 232

15-боб. ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

1-§. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий қоидалари 237
2-§. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тактикаси 240
3-§. Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасини қайд этиш 255

16- боб. ТЕРГОВ ЭКСПЕРИМЕНТИНИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Эксперимент тушунчаси ва вазифаси 257
2-§. Тергов экспериментини ўтказишга тайёргарлик кўриш 261
3-§. Тергов экспериментини ўтказиш тартиби ва тактикаси 264
4-§.Тергов экспериментининг натижаларини расмийлаштириш 267

17-боб. КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тушунчаси ва вазифаси 270
2-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишга тайёргарлик кўриш 273
3-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг процессуал тартиби ва тактикаси 276
4-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш натижаларини расмийлаштириш 283

18-боб. ТИНТУВ ВА ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАКТИКАСИ.

1-§. Тинтув тушунчаси ва унинг турлари 286
2-§. Тинтув ўтказишнинг тактик усуллари 290
3-§. Олиб қўйиш тартиби 296
4-§. Тинтув ва олиб қўйиш натижаларини қайд этиш 297

19-боб. СЎРОҚ ҚИЛИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Сўроқ тушунчаси ва кўрсатувларнинг психологик асослари *300*
2-§. Сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш *305*
3-§. Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш тактикаси *307*
4-§. Гумон қилинган шахс ва айбланувчиларни сўроқ қилиш тактикаси *310*
5-§. Юзлаштириб сўроқ қилиш тартиби *317*
6-§. Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш *319*
7-§. Сўроқ натижаларини процессуал расмийлаштириш *321*

20-боб. ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Таниб олиш учун кўрсатиш тушунчаси ва унинг объектлари *325*
2-§. Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўриш *332*
3-§. Таниб олиш учун кўрсатиш тартиби ва тактик усуллари *334*
4-§. Таниб олиш учун кўрсатишни расмийлаштириш *337*

21-боб. ТЕЛЕФОН ВА БОШҚА ҚУРИЛМАЛАР ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИБ ТУРИШ ТАРТИБИ ВА ТАКТИКАСИ

1-§. Сўзлашувларни эшитиб туришнинг имкониятлари *339*
2-§. Телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тартиби ва тактикаси *341*
3-§. Телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш баённомаси *345*

22-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

1-§. Махсус билимлардан фойдаланиш тушунчаси *347*
2-§. Тергов жараёнида ва экспертиза ўтказишда махсус билимларнинг қўлланиш шакллари *349*
3-§. Экспертиза тайинлашга тайёргарлик кўриш ва текширув учун намуналар олиш тартиби *354*
4-§. Эксперт хулосаси ва уни баҳолаш *357*

КРИМИНАЛИСТИКА

ДАРСЛИК

II жилд

Муҳаррир: Л.Қўчқорова.
Техник муҳаррир: М.Мирзалиев.
Компьютерда саҳифаловчи: Б.Юлдашев.

Босишга рухсат этилди: Ҳажми: б.т. Адади: Буюртма: №
ТДЮИ Босмахонасида босилди.

© Ташкент Давлат юридик институти, 2003 й.
Ташкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.

IY бўлим. АЙРИМ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ

23-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ КРИМИНАЛИСТИК УСЛУБИЁТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услубиёти тушунчаси

Жиноятларни тергов қилиш услубиёти криминалистика фанининг якунловчи бўлими ҳисобланади. У қонунийлик талабларига мувофиқ ҳолда, тергов ва суриштирувни самарали ўтказиш бўйича илмий тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида жиноятларни очиш, тергов қилиш ҳамда уларнинг олдини олишни ташкил қилиш ва амалга ошириш қонуниятларини ўрганади. Бу қонуниятлар жиноят аломатлари бўлган ҳодисалар ҳақидаги дастлабки ахборотни текшириб, жиноятларни тергов қилиш чоғида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлайди. Шунингдек, жиноят ишларининг ҳар хил турлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун тергов ҳаракатларини ва жиноят-процессуал қонунида назарда тутилган бошқа чора-тадбирларнинг дастурларини ишлаб чиқиш, жиноятларни тергов қилиш учун қўлланиладиган тергов ҳаракатларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш ва шу кабиларнинг энг муҳим хусусиятларини ҳам акс эттиради. Уларни билишга жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш билан боғлиқ объектларни криминалистик нуқтаи назаридан ўрганиш, тергов фаолиятининг асосий ривожланиш йўналишларини умумлаштириш ва аниқлаш, шунингдек тергов ва суриштирувни ташкил этиш ҳамда уларни ўтказишдаги типик алоқалар ва ўзаро боғлиқликнинг барқарор жиҳатларини текшириш ҳамда аниқлаш йўли билан эришилади.

Криминалистик услубиётни ўрганадиган қонуниятлар ўз хусусияти-

га кўра икки қисмдан: умумий қоидалар ва жиноятларни тергов қилишнинг хусусий (турга оид) услубиётлар тизимидан иборат.

Умумий қоидалар криминалистик услубиётнинг назарий асослари бўлиб, у криминалистиканинг мазкур қисмининг мавзуи (предмети)ни, илмий билимларнинг бошқа соҳалари билан алоқаларини, хусусий криминалистик услубиётларни тузиш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга оид энг муҳим масалаларни ҳамда жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш муаммоларини тадқиқ этишни ўз ичига олади. Пировард натижада самарали хусусий криминалистик услубиётларнинг яратилиши ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда муваффақиятли қўлланилиши ана шу масалаларнинг қанчалик пухта ишлаб чиқилганлигига боғлиқ бўлади.

Хусусий услубиётлар - криминалистика фанининг пировард «маҳсулоти» бўлиб, амалий хусусиятга эга бўлган ҳамда терговчилар ва суриштирувчиларга жиноятларнинг ҳар хил турларини очиш, тергов қилиш ва бартараф этишда уларнинг ишларини мақбуллаштириш учун мўлжалланган назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар мажмуидан иборатдир. Криминалистик услубиётнинг умумий қоидаларидан фарқли ўлароқ хусусий услубиётлар – бу жиноятларнинг айрим турларини очиш, тергов қилиш ва жиноятчиликни бартараф этишни ташкил қилиш бўйича услубий тоифалаштирилган тизимдир.

Криминалистик услубий тавсиялар – жиноятларнинг муайян турларини очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий ишлаб чиқилган ва амалда текширилган маслаҳатлар (таклифлар)дир. Ҳар бир хусусий услубиёт амалда турли шароитларда ишлаш учун ўзаро бир-бирига боғлиқ маслаҳатлар тизимини (мажмуини) ҳосил қилувчи бир неча тавсияни ўз ичига олади.

Тергов қилиш услубиёти – жиноят ишини юритишга доир қонун

талабларидан, вужудга келган тергов вазияти хусусиятларидан, жиноятларнинг мазкур турини очиш ва тергов қилиш назарияси ва амалиётига доир билимлардан келиб чиқиб терговчи танлаган ҳақиқатни аниқлаш усулидир.

Шу тариқа, сиртдан ўхшаш бўлган «криминалистик услубиёт», «хусусий криминалистик услубиёт», «криминалистик услубий тавсия» ва «тергов қилиш услубиёти» атамалари ўз мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, биринчи ҳолда криминалистика фанининг мустақил якунловчи қисмини, иккинчисида – муайян турдаги жиноятни очиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар тизимини (мажмуини), учинчисида – тегишли жиноят ишлари бўйича ишлаш учун алоҳида илмий асосланган ва амалда текширилган маслаҳатни (таклифни), тўртинчи ҳолатда эса – жиноятни тергов қилишнинг терговчи томонидан танланган усулини англаш мумкин.

Тарихий нуқтаи назардан криминалистик услубиёт тизимидаги асосий элементларнинг шаклланиш жараёни бир текис кечмаган. Дастлаб криминалистик услубиётдаги умумий қоидаларнинг ишлаб чиқилганлик даражаси жиноятларнинг айрим турларини тергов қилиш услубиётлари ривожланишидан жуда орқада қолган. Хусусий услубиётларни тайёрлаш чоғида пайдо бўлган кўпгина масалалар узоқ вақт мобайнида илмий асосига эга бўлмай, муаллифлар томонидан турлича ҳал қилинган, аммо ягона назарияни ташкил этмаган. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги криминалистикага оид асарларда жиноятларни тергов қилиш услубиётига бағишланган назарий бўлимларнинг мавжуд эмаслиги буни яққол тасдиқлайди.

Криминалистик услубиёт икки ҳадли тизимнинг дастлабки илмий асосчиларидан бири И.Н.Якимов томонидан берилган ҳамда мамлакати-

миз ва чет эл криминалистларининг асарларида ривожлантирилган. Уларнинг ишларида криминалистика фани мазкур бўлимининг кўпгина муаммолари, шу жумладан криминалистик услубиётнинг тизими тўғрисидаги масала ҳал этилган.

Услубиётнинг таркибий қисмлари бир-бирини тўлдириб, ҳар хил турдаги жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этишга доир мустақил илмий қоидаларнинг яхлит ва бўлинмас мажмуини ҳосил қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, криминалистик услубиётдан ташқари илмий билимларнинг ҳеч бир соҳаси бу масалаларни тадқиқ этиш билан шуғулланмайди ва турли тоифадаги жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговни самарали ўтказиш учун амалиётга бундай назарий жиҳатдан асосланган тавсияларни бермайди. Шу билан бирга, криминалистик услубиётнинг мустақиллиги нисбий хусусиятга эга. Негаки у криминалистиканинг бошқа қисмлари билан узвий боғланган. Бу эса унинг фақат бир бўлими ҳисобланади ва шундай бўлиб қолмоқда. Услубиётнинг мустақиллиги криминалистиканинг предмети ва бутун тизими доираси билан чекланган.

Фанда мазкур тармоқнинг пайдо бўлиши жиноятларни тергов қилишнинг ташкил этилишини фақат назарий тадқиқ этиш йўли билангина эришилиши мумкин бўлган ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлари мавжудлигини акс эттиради. Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган янги илмий йўналишни юзага келишининг объектив шарт-шароити айнан ана шундан иборатдир. Криминалистик услубиётда ижтимоий муҳим вазифаларнинг мавжуд бўлиши, унинг ривожланишидаги кейинги даврларидан то ҳозирги пайтга қадар сақланиб қолди. Инсон ижодий фаолиятининг мақсадларини ҳам атроф-муҳитдаги объектив ҳодисалар келтириб чиқаради. Шунга кўра жиноятчиликка қарши фаол кураш олиб боришга кўмаклашиш ҳамда муайян жиноят ишлари

бўйича ҳақиқатни аниқлашда суриштирув, тергов органларига ва судга ёрдам кўрсатиш криминалистик услубиёт умумий мақсадлари ҳисобланади. Ана шу мақсадларга эришиш учун криминалистик услубиёт жиноятларнинг ҳар хил турларини тергов йўли билан очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишдаги илғор тажрибани ўрганади ва умумийлаштиради; жиноятларнинг айрим турларини очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий асосланган услубий тавсияларни ишлаб чиқади.

Қонун, жиноятчиликка қарши кураш амалиёти ва турли фан ютуқлари криминалистик услубиётнинг манбалари ҳисобланади. Уларнинг қоидалари криминалистикадаги мазкур бўлимнинг ривожланишига асос бўлган ва унинг ҳозирги тараққиётини таъмин этмоқда.

Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари услубиётнинг биринчи манбаидир. Улар жиноят - судлов ишларини юритишнинг умумий шарт-шароитларини белгилайди ва шу сабабли криминалистик услубиётнинг ҳамда ҳар бир хусусий криминалистик услубиётнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир вақтда криминалистик услубий тавсиялар қонунга асосланиб ва амалдаги ҳуқуқий нормаларга зид ёки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир маслаҳат ва йўл-йўриқларни истисно этган ҳолда, жиноят ва жиноят-процессуал нормаларини шарҳлаш билан чегараланмай, жиноятларнинг хилма-хил турларини очиш, тергов қилиш ва олдини олишнинг мақбул тартибини белгилайди.

Жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш амалиёти криминалистик услубиётнинг иккинчи муҳим манбаи ҳисобланади. Амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш жиноятларнинг айрим турларини тергов қилиш бўйича самарали тавсияларни ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Шу билан бир қаторда, амалиёт криминалистик услубиёт назариясининг тўғрилигини белгиловчи мезон ҳамдир. Шахснинг жиноятни содир этишдаги айбдорлиги фақат суд томонидан эътироф этилиши сабабли, судларнинг ҳукмларида амалда мазкур жиноятни тергов қилишнинг тўғрилиги, яъни криминалистик услубий тавсияларни қўлланишнинг асослилигини белгилайди.

Ниҳоят, илмий билимлар, аввало, криминалистиканинг барча қайд этилган бўлимларининг ҳамда жиноятчиликка қарши кураш муаммоларининг, хусусан жиноятларни тергов қилишни ўз нуқтаи назаридан тадқиқ этувчи бошқа фанларнинг қонун-қоидалари криминалистик услубиётнинг учинчи манбаи бўлиб хизмат қилади. Криминалистик услубиётнинг криминалистик умумий назария, техника ва тактика билан алоқалари анча мураккаб. Бир томондан, криминалистик услубиётда криминалистика фанининг якунловчи бўлими сифатида унинг бошқа бўлимларининг хулосалари ва қоидаларидан кенг фойдаланилади, иккинчи томондан, криминалистик услубиёт криминалистиканинг умумий назарияси, техникаси ва тактикаси ривожланишига фаол таъсир кўрсатади. Тутган ўрни ва ҳал этадиган вазифаларининг ўзига хослигига кўра криминалистик услубиёт криминалистиканинг бошқа бўлимларига доимо таянади ҳамда ишлаб чиқилаётган назариялар ва тавсияларнинг пировард «олувчиси» вазифасини бажарган ҳолда уларнинг илмий ишланмаларини қўллайди. Криминалистиканинг олдинги бўлимларига оид қоидалар ва хулосалар криминалистик услубиётдаги назарияларни умумийлик асосида жамлаш, яъни уларни оддий жамлаш йўли билан эмас, балки диалектик мушоҳада қилиш ҳамда ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилишни самарали ташкил этиш учун тегишли хулосалар ишлаб чиқиш жараёнида қўлланилади.

Илм фанларнинг бир-бирига яқин, ўзаро боғлиқ тармоқлари орасида

жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, бошқарув, психология, мантиқ фанлари ва бир қатор махсус фанлар криминалистик услубиётнинг манбалари сифатида катта аҳамиятга эга. Ана шу фанларнинг бир қанча қоидалари криминалистиканинг мазкур бўлимидаги назарий асосларни ривожлантириш ва жиноятларнинг айрим турларини тергов қилишнинг самарали услубиётларини ишлаб чиқиш учун унумли қўлланилади.

2-§. Жиноятларни тергов қилишнинг хусусий криминалистик услубиётларини тузиш ва таснифлаш тамойиллари

Тергов амалиётида ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишни ташкил этиш ҳамда амалда бажариш самарадорлигини оширадиган анча такомиллашган хусусий криминалистик услубиётларни жорий этиш жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Терговчиларнинг ишни ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсияларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиб, жиноятларни тергов қилишнинг кўплаб ҳамда шакл ва мазмун жиҳатидан хилма-хил хусусий услубиётларни вужудга келтирмоқда.

Янги хусусий криминалистик услубиётларни ишлаб чиқиш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади.

Хусусий криминалистик услубиётларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги. Криминалистик услубий тавсиялар тизими илмий иш маҳсулидир ва шу туфайли ҳамиша назарий жиҳатдан муайян даражада асосланган бўлади. Бироқ хусусий услубиётлар жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш амалиёти шундай назарий асосланганлик даражасига эга бўлишини талаб қиладики, токи уларнинг тавсияларини қўллаш терговнинг самарали ташкил этилишини таъминласин. Бундай да-

ражага, агар хусусий услубиётлар фақат тажриба йўли билан ишлаб чиқилган қоидалар ва амалиёт учун самарали тавсияларни ўз ичига олган тақдирда, эришилади. Криминалистик услубий тавсияларнинг тизими оқилона, тежамли, мақбул бўлиши керак.

Криминалистик услубий тавсияларнинг муайянлиги. Жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш – якка тартибдаги жараёндир. Унинг мазмунига жиноий қилмишнинг хусусиятлари, жиноятнинг оқибатлари, жиноятчининг шахсий хусусиятлари, терговчининг меҳнат шароити ва бошқа шу сингарилар таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бир турдаги (бир хилдаги) жиноятларни тергов қилишда кўпгина умумий хусусиятлар ҳам мавжуддир, булар – типик тергов версияларининг мавжудлиги, исботлаш предметининг умумий эканлиги, тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш хусусиятларининг ўхшашлиги ва бошқалар. Шу сабабли криминалистик услубий тавсиялар имкони борича тайин, лекин бирон-бир ягона хусусий ҳол учун эмас, балки мазкур турдаги жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиши керак. Криминалистик услубий тавсияларнинг умумийлиги ва аниқлиги, меъёри уларнинг амалиёт эҳтиёжлари ҳамда назарий имкониятлари билан боғлиқ илмий қоидаларни тавсифлаш даражасида намоён бўлади.

Жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг босқичма-босқичлиги. Ташкил этилиши нуқтаи назаридан жиноятларни тергов қилиш жараёнини учта алоҳида босқичга бўлиш лозим. Ҳар бир босқич – бу тергов қилишнинг шундай босқичики, унинг давомида умумий вазифалар билан бир қаторда унинг ўзига хос вазифалари ҳам ҳал этилади.

Биринчи босқич – бу дастлабки тергов ҳаракатларини бажариш давридир. Мазкур ҳаракатлар ҳам умумий, ҳам ўзига хос вазифаларни (жиноят аломатларига эга бўлган ҳодисани аниқлаш, айбдорни «из бо-

силмасдан» таъқиб қилиш ҳамда ушлаш ва ҳоказо) ҳал этишга қаратилган. Қоида тариқасида, улар дарҳол ўтказилади. Дастлабки кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари нисбатан чекланган муддатда ўтказилади, лекин унинг қанча давом этишини жиноятларни тергов қилишнинг барча ҳоллари учун олдиндан белгилаб қўйиш мумкин эмас. Умуман олганда, шуни қайд этиш зарурки, тергов қилишнинг дастлабки босқичи кечиктириб бўлмайдиган, шошилинч тергов ҳаракатларини ўтказиш билан тугайди. Жиноятларни тергов қилиш дастлабки босқичининг муддати чекланганлиги терговчининг фаолияти имкони борича жадаллаштирилишни талаб қилади.

Иккинчи босқич – бу иш бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган барча қолган тергов ҳаракатларини бажариш давридир. Мазкур босқичнинг асосий вазифалари: айбдорни содир этилган жиноятда фош этиш, айб эълон қилиш, дастлабки босқичда аниқланмай қолган ҳолатларни аниқлаштиришдан иборат.

Учинчи босқич – бу тергов қилишнинг якунловчи босқичи. Мазкур босқич терговчи томонидан тергов қилишни тамомлаш, яъни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган тергов ҳаракатларини юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бошланади ва ишни прокурорга юбориш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш билан тугалланади. Ўз мазмунига кўра у иш бўйича тўпланган далиллар баҳоланишини, қўшимча ва такрорий ҳаракатлар амалга оширилишини ҳамда терговни ниҳоясига етказиш тартибини белгилашни ўз ичига олади.

Хусусий криминалистик услубиётларда тавсиялар ана шу босқичларга мувофиқ тизимлаштирилади.

Жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг вазиятга боғлиқлиги ва кўплиги. Тергов амалиёти жиноятларнинг ҳар бир тури

учун типик бўлган тергов вазиятларининг мазмунини ҳисобга оладиган ҳамда унга боғлиқ ҳолда терговни ташкил қилишнинг у ёки бу усулини тавсия этадиган хусусий криминалистик услубиётлар яратишни талаб қилади. Жиноят иши бўйича тергов вазияти жиноятни тергов қилишнинг муайян давридаги вазиятни тавсифловчи ҳолатлар (шароитлар, омиллар) мажмуидан иборат бўлади.

Типик тергов вазиятлари жиноятларни тергов қилишнинг барча босқичларига хосдир, лекин криминалистик услубиётларда кўпинча дастлабки типик тергов вазиятлари таҳлил қилинади. Уларнинг хилма-хиллиги кўп турли тавсияларни ва уларнинг тизимларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Типик тергов вазиятлари ҳисобга олинган ҳолда жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг яратилиши тавсияларнинг мазмунини аниқлаштиради ҳамда уларнинг амалий қимматини оширади.

Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик услубиётларининг умумийлиги. Жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш чоғида криминалистик услубий тавсиялардан фойдаланиш қулай бўлиши учун хусусий услубиётларнинг конструктив бирлиги тамойилига, яъни ички мустақиллиги ва кўп турлилигига амал қилган ҳолда уларнинг мақбул тузилишига риоя этиш зарур.

Мазкур тамойилларга кўра ишлаб чиқилган хусусий криминалистик услубиётлар шунингдек, терговчининг ички ишлар органлари тезкор ва бошқа хизмат ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги хусусиятларини; жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга доир йўл-йўриқларни; терговчи томонидан айрим турдаги жиноятларни тергов қилиш чоғида унинг олдини олишга доир фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсияларни ҳам ўз ичига олган бўлиши керак.

Криминалистиканинг якунловчи бўлимини билиш ва ундан фойдаланишда хусусий криминалистик услубиётларни таснифлаш муҳим

аҳамиятга эга. Криминалистик услубиёт назариясига бағишланган замонавий ишларда хусусий услубиётларни таснифлашни бир қанча асослар бўйича ўтказиш қабул қилинган.

Жиноят қонунига муносабати нуқтаи назаридан хусусий услубиётлар *типик (*турга оид) ва *махсус* услубиётларга бўлинади. Типик услубиётлар жумласига амалдаги жиноят қонунида белгиланган жиноят турлари (масалан, одам ўлдириш, ўғирлик, фирибгарликни тергов қилиш услубиётлари ва ҳоказо) бўйича тузилган услубиётлар киради.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янгиланиши муносабати билан тегишлича янги хусусий услубиётларни ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. У ёки бу қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг бекор қилиниши ёки уларнинг жиноийлик тоифасидан чиқарилиши (декриминализация қилиниши) тергов қилишнинг айрим услубиётларига бўлган эҳтиёжни истисно этади. Типик хусусий услубиётлар сони жиноятларнинг мавжуд турларига мувофиқ бўлиши керак. Услубиётларнинг ана шу сони энг юқори (максимал) ҳисобланади. Шу сабабли, криминалистика олдида барча зарур бўлган, лекин ҳозирча мавжуд бўлмаган хусусий услубиётларни ишлаб чиқиш вазифаси туради.

Махсус услубиётлар жумласига қонунда белгиланган жиноятларнинг турлари бўйича эмас, балки бошқа асослар бўйича тузилган *хусусий* услубиётларни киритиш керак бўлади. Жумладан, ана шу мақсад учун асослар сифатида жиноят содир этилган жой, жиноятчининг, жабрланувчининг шахси, жиноят содир этилган пайтдан бошлаб ўтган вақт ва бошқа шу сингарилар танланиши мумкин. Криминалистика адабиётларида темир йўл, сув ва ҳаво транспортидаги жиноятларни; вояга етмаганлар ва рецидивистлар содир этган жиноятларни; ўтган йилларнинг очилмай қолган жиноятларини тергов қилиш услубиётлари маълум.

Аниқлаштирилиш даражасига кўра, жиноятларни тергов қилиш

услубиётлари бир босқичли, икки босқичли ва (тафсилотлаштирилиши) кўп босқичли бўлиши мумкин. Масалан, ўғирликларни тергов қилиш услубиёти уларни тергов қилиш бўйича умумий тавсияларнигина эмас, балки хонадон ва автомашина ўғирликларини, майда ўғирликларни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ўғирликларни; почта ўғирликларини ва бошқа шу сингариларни тергов қилиш услубиётларини ҳам ўз ичига олади.

Жиноятларни тергов қилишнинг хусусий услубиётлари ҳажмига кўра тўлиқ ва қисқартирилган турларга бўлинади. Аксарият ҳолларда, у ёки бу турдаги жиноятни тергов қилишнинг бутун жараёнини ўтказиш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилади. Баъзан эса тадқиқотлар тергов қилишнинг бирон-бир босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш билан чекланади. Чунончи, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича криминалистик услубий тавсиялар анча кенг тарқалган.

Жиноятларнинг қамраб олинадиган турлари бўйича хусусий услубиётлар комплекс ва аниқ турларга бўлинади. Икки ёки ундан ортиқ ўзаро боғлиқ турдаги жиноятларни тергов қилиш услубиётлари, масалан, талончилик ва босқинчиликларни тергов қилиш услубиёти, ўт қўйишлар ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига жинояткорона риоя этмасликларни тергов қилиш услубиёти сингарилар комплекс услубиётлар ҳисобланади.

Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услубиётлар ўз шаклига кўра кўпинча монографиялар, диссертация тадқиқотлари, дарсликлар, ўқув, услубий ва амалий қўлланмалар, услубий хатлар тариқасида ишлаб чиқилади ва ҳоказо.

Хусусий криминалистик услубиётлар таснифи схемада келтирилган.

3-§. Жиноятларни тергов қилишдаги хусусий криминалистик услубиётларнинг таркибий тузилиши

Жиноятларни тергов қилиш хусусий криминалистик услубиётларнинг аксарияти қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади:

ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТЛАРИ ТАСНИФИ





жиноятларнинг криминалистик тавсифи;

жиноятларни тергов қилиш дастурлари;

энг характерли тергов ҳаракатларини ва қонунда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш тактикаси ўзига хос хусусиятларининг таърифи;

мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш чоғида терговчиларнинг олдини олишга доир фаолиятини тайёрлаш ва ўтказиш ўзига хос хусусиятларининг таърифи.

Жиноятларнинг криминалистик тавсифи. Жиноят ишлари бўйича муваффақиятли иш олиб бориш учун терговчилар ва суриштирувчиларга аввало тергов қилинаётган турдаги жиноятларнинг батафсил криминалистик тавсифи талаб қилинади.

Жиноятларнинг криминалистик тавсифи жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган ижтимоий жиҳатдан хавфли ғайриҳуқуқий қилмишларнинг кўриб чиқилаётган турларининг энг муҳим томонлари тўғрисидаги умумлаштирилган далилий маълумотлардан ҳамда уларга асосланган илмий хулосалар ва тавсиялар тизимидан иборат бўлади. Криминалистик тавсифларни билиш жиноят ишларини тез, ҳар томонлама ва холисона тергов қилишни ташкил этиш учун зарурдир.

Жиноятларнинг криминалистик тавсифи комплекс (яъни уйғун бирликдаги) мазмунга эга. Уларнинг асосий қисми жиноий хулқ механизмини, жиноят тўғрисидаги ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш таркибини криминалистик тадқиқ этиш, жиноятчининг ва жабрланувчиларнинг шахсини аниқлаш ва ҳоказо жараёнида аниқланади. Шу билан бирга, уларда яқин турувчи юридик фанларнинг айрим қоидалари бўлади. Бироқ бошқа фанлардан бундай фойдаланиш одатдаги илмий уйғунлашув (интеграция) доираси билан чекланган бўлади ва тавсифларнинг криминалистик моҳиятига таъсир этмайди. Криминалистик тавсифлар жиноятларнинг муайян турларига ҳам, ўхшаш (бир-бирига яқин) гуруҳларига ҳам берилиши мумкин бўлиб, бу уларнинг жуда хилма-хил бўлишига олиб келади.

Жиноятлар криминалистик тавсифларининг мазмуни тавсифланаётган жиноий қилмишнинг моҳиятига, тергов қилиш хусусий услубиётининг тури ва ишланганлик даражасига, илмий тадқиқотнинг вазифалари ва усулларига ҳамда бир қатор бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, жиноятларнинг криминалистик тавсифлари таркибий тузилиши шаклига кўра бир-биридан фарқ қилади. Криминалистик тавсиф бор-йўғи бир неча кириш қоидаларини ўз ичига олган ишлар ҳам учрайди. Айни пайтда жиноятларни тергов қилишнинг шундай хусусий услубиётлари ҳам борки, уларда ана шу тавсиф уларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бироқ, кўрсатиб ўтилган фарқларга қарамай, жиноятлар замонавий криминалистик тавсифларининг аксариятида бир қанча барқарор такрорланувчи элементлар мавжуд бўлиб, ана шуларнинг мажмуи уларнинг типик тузилмасини ҳосил қилади.

Қоида тариқасида, криминалистик тавсифлар кўриб чиқилаётган жиноятлар турининг тушунчасини аниқлашдан ва уни тергов қилишнинг умумий шарт-шароитларини (тергов қилишнинг изчиллиги, муддатлари ҳамда шакли ва ҳоказо) тавсифлашдан бошланади. Бундай ахборот маъ-

лумотнома вазифасини бажарган ҳолда имкон борича қисқа баён қилинади ва тегишли криминалистик тавсифни таърифлаш учун таянч бўлиб хизмат қилади. Криминалистик тавсифда кўриб чиқилаётган жиноят тури тушунчасини аниқлаш билан биргаликда ижтимоий муносабатларнинг замонавий ривожланиш босқичида унга қарши курашнинг ҳолати ва аҳамияти тавсифи бўлади. Жиноятларнинг кўриб чиқилаётган турига қарши курашнинг долзарблигини белгилаш жиноятларни тергов қилиш хусусий криминалистик услубиётларининг тўғри ижтимоий-сиёсий йўналишда бўлиши ва терговчилар фаолияти самарадорлигини ошириш учун зарурдир.

Жиноятлар тўғрисидаги энг типик бошланғич ахборотнинг таърифи жиноятлар криминалистик тавсифининг муҳим элементлари жумласига киради. Ана шу ахборотнинг мазмуни ва шаклига қараб текширишга оид ишлар тартиби ҳамда уларни очиш, тергов қилиш ва уларни олдини олишнинг дастлабки босқичлари дастурлари белгиланади. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи таркибига, шунингдек, жиноятларни содир этиш ва яшириш усуллари ҳақидаги маълумотлар тизими ҳам киради. Жиноятларни содир этиш усули деганда жиноий қилмишни тайёрлаш, содир этиш ва яширишга, шу жумладан тегишли қуроллар ва воситаларни қўлланишга, жой ва вақтни танлашга, тегишли ҳолатлардан фойдаланишга қаратилган ўзаро алоқадор ҳамда ўзаро боғлиқ ҳаракатлар тизими тушунилади.

Жиноятлар криминалистик тавсифларининг мажбурий элементлари жумласига эҳтимол тутилган жиноятчининг ва унинг эҳтимолдаги жабрланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар киради. Криминалистик услубиёт соҳасидаги тадқиқотлар шундан далолат берадики, жиноий тажовуз жабрланувчи, жиноятни содир этиш усули, унинг хусусиятлари, оқибатлари ва жиноятчининг шахси ўртасида муайян алоқадорлик бўлади.

Бундай алоқадорлик ҳақидаги криминалистик маълумотлардан фойдаланиб, терговчилар ва суриштирувчилар айрим жиноятлар юзасидан эҳтимол тутилган жиноятчининг шахси тўғрисида асосли версияларни олға суришлари ҳамда тергов қилишнинг энг мақсадга мувофиқ дастурини белгилаб олишлари мумкин.

Ниҳоят, жиноятларнинг мазкур турини тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси жиноятлар криминалистик тавсифларининг яна бир элементи ҳисобланади.

Азалдан, ҳар қандай жиноятни тергов қилишда ҳақиқатни аниқлаш етти ҳадли формула билан, яъни нима, қаерда, қачон, қай тарзда, ким, кимнинг ёрдамида, нима учун деган еттита саволга жавоб олиш билан боғланган. Лекин бу формулани универсал деб бўлмайди, чунки у жуда қисқа бўлиб, у ҳар хил турдаги жиноятларни тергов қилиш хусусиятларини ҳисобга олиш имконини бермайди. Жиноят ишларини тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган саволлар доирасини ўн иккитагача кўпайтириш тўғрисидаги таклиф ҳам бу камчиликларни бартараф этгани йўқ.

Шуни ҳисобга олиб, жиноятлар замонавий криминалистик тавсифларнинг аксариятида уларни тергов қилиш пайтида аниқланиши лозим бўлган, жиноятлар таркибининг асосий элементлари бўйича муайян тизимга солинган ҳолатлар рўйхати келтирилади. Булар:

а) тажовуз қилиш объекти (тажовуз нимага қаратилган, нимага зарар етказилган, зарарнинг миқдори ва ҳоказо);

б) тажовузнинг объектив томони (қаерда, қачон, қай тарзда, бир шахснинг ёки бир кишининг ҳаракатлари биланми, улардан ҳар бирининг тутган ўрни (роли), қандай ҳолатларда, оқибатлари қанақа, етказилган зарар, қилмиш ва оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятга кўмаклашган ҳолатлар ва ҳоказо);

в) тажовуз субъекти (тажовузни ким содир этди, унинг шахсини тавсифловчи маълумотлар, агар шахслар гуруҳи иштирок этган бўлса, улар кимлар);

г) тажовузнинг субъектив томони (айб, унинг шакли, қасддан қилинган айб бўлса унинг сабаби ва мақсади).

Баён қилишнинг бундай усули ҳар хил турдаги жиноятларни тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар бутун доирасининг ўзига хослигини ифодалайди ва бир вақтнинг ўзида илмий маълумотлардан амалиётда нисбатан осонлик билан фойдаланилишини таъминлайди.

Шу билан бирга жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини ортиқча аниқлаштириш юбориш жоиз эмаслигини ҳисобга олиш керак. Негаки у жиноят таркибининг жиноят-ҳуқуқий таҳлилига айланиб қолиши мумкин бўлиб, бу услубий тавсиялардаги криминалистик хусусиятларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

Жиноятлар криминалистик тавсифи тушунчасини қисқача баён қилиш ниҳоясида шуни қайд этиш зарурки, у янги криминалистик илмий категория ҳисобланади, шу сабабли такомиллашиш ва ривожланишда давом этмоқда. Унинг таркибий тузилиши аниқлашмоқда, жиноятлар муайян турларининг назарий жиҳатдан асосланган криминалистик тавсифларини фаоллик билан ишлаб чиқиш жараёни бормоқда ва уларнинг қоидаларидан жиноят ишлари бўйича терговчилар фаолиятини такомиллаштириш учун фойдаланиш йўллари таклиф этилмоқда.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш дастурлари. Услубиётнинг бу бўлимида тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув ва қонунда назарда тутилган бошқа чораларнинг мақбул кетма-кетлигини танлаш бўйича тавсиялар баён қилинади. Тергов қилиш дастурлари услубиётларнинг энг муҳим қисмларидан бўлиб, типик тергов вазиятлари ва версияларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич асосда (айниқса жиноят

пайқаб қолингани тўғрисидаги дастлабки ахборот олинган пайтдан эътиборан тергов қилишнинг дастлабки босқичи учун батафсил) тузилади.

Жиноятчи аниқланмаган; жиноятчи жиноят устида қўлга туширилган; жиноят иши тезкор-қидирув фаолияти жараёнида аниқланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда қўзғатилган; жиноятчи айбини тан олиб келган ва бошқа шу сингари тергов вазиятлари учун тергов қилиш дастурлари криминалистика адабиётларида айниқса кўп келтирилади.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш учун айниқса хос бўлган дастлабки ва ундан кейинги тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш тактикаси ўзига хос хусусиятларининг тавсифи. Умумий тактик қонун ривожлантирила бориб, бу ерда мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш учун айниқса хос бўлган тергов ҳаракатларини ва қонунда назарда тутилган бошқа чораларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш тактикаси ўзига хос хусусиятларининг тавсифи берилади.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишда терговчилар ва суриштирувчиларнинг жиноятларни олдини олишга доир фаолиятига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш ўзига хос хусусиятларининг тавсифи. Жиноят судлов ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири бўлгани ҳолда, жиноятларнинг олдини олиш жиноий ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш чоғида ҳам амалга оширилади. Жиноятларни очиш ва тергов қилишни амалга оширувчи терговчилар ва суриштирувчиларнинг иш юритувидаги жиноят ишларида қидирувни ташкил этишни профилактикадан (олдини олиш тадбирларидан) фарқлаш, давомли жиноятнинг пайини қирқишни айбдорнинг қилмишини фош этувчи далилларни тўплашдан ажратиш нафақат қийин, балки баъзан имконсиз ҳамдир.

Шу сабабли мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишда жиноятларни олдини олишга доир тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш хусусиятларининг тавсифи криминалистик услубий тавсияларнинг якунловчи қисми ҳисобланади.

Шу тариқа, хусусий криминалистик услубиётлар ҳар хил турдаги жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича назарий қоидалар ҳамда амалий тавсиялар мажмуидан иборатдир. Бироқ улар муайян жиноятни тергов қилиш учун маслаҳатлар бермайди ва бера олмайди, яъни улар ҳаётдаги барча ҳолатлар учун андоза эмас. Уларда жиноятларнинг бирон-бир турини (кўринишини) очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишда терговчи фаолиятининг хусусиятларини акс эттирувчи умумий тавсияларгина мавжуд бўлади.

Хусусий криминалистик услубиётлар жиноятларнинг имкони борича самаралироқ тергов қилинишига кўмаклашиши учун терговчилар терговнинг мумкин қадар тўлиқ, тезкор ва холисона бўлишига эришган ҳолда ишлаб чиқилган тавсиялардан ижодий фойдалана олишлари керак.

24-боб. ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Ҳамкорликнинг умумий жиҳатлари

Тергов қилиш, жиноятни очиш ва унинг олдини олишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан терговчининг ушбу жараённинг бошқа иштирокчилари – тезкор-қидирув ходимлари, мутахассислар ва экспертлар, шунингдек назорат-тафтиш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигига боғлиқдир. Бундай ҳамкорлик жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган бўлади.

Терговчининг тергов жараёни иштирокчилари билан ҳамкорлиги нисбатан шартли ҳисобланади, чунки процессуал нуқтаи назардан бундай ҳолатда тенгликнинг бўлиши мумкин эмас. Терговчининг мақоми юқори бўлиб, терговдаги асосий вазифа, унинг натижалари ва қабул қилинаётган қарорлар учун шахсий жавобгарликни аниқлаб беришдан иборат. Тергов иштирокчиларининг фаолияти терговчининг олдига қўйилган вазифаларга бўйсундирилган ва улар билан боғлиқ.

Ҳамкорликнинг мазмуни унинг мақсадлари билан белгиланади. Ҳамкорликнинг асосий мақсади эса – жиноятни фош этишдир. Баъзи бир ҳолатларда бу мақсад маълум бир тергов ҳаракатининг муваффақиятли ўтказиш бўлса, бошқа ҳолатларда – тезкор йўл билан керакли маълумотларни олиш, яширинган шубҳаланилган шахсни ёки айбланувчини, ашёвий далилларни, ҳужжатларни ва бошқаларни қидириш ва фош қилиш ҳисобланади. Ҳамкорлик бир марталик, қисқа вақтга мўлжалланган ёки муайян бир иш бўйича узоқ вақт давом этиши мумкин.

Ҳамкорликка ҳар доим ҳам эҳтиёж сезилавермайди. Агар дастлабки терговга эҳтиёж бўлмаса ва иш бутунлай бошланғич тергов органи томонидан олиб борилса, ҳамкорликка эҳтиёж қолмайди. Бу дастлабки тергов

органи ходими ҳеч ким билан алоқада бўлмайди, дегани эмас. Худди терговчи каби у ҳам мутахассисларга, экспертларга мурожаат қилиши, ички ишлар хизмати бошқа органларининг ходимлари билан маслаҳатлашиши мумкин.

Ҳамкорлик тамойиллари қуйидагилар:

1. Қонунийликка риоя қилиш. Иштирокчилар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, тергов органлари раҳбарларининг назорати ва прокурор назорати орқали таъминланади. Асосий талаб – иштирокчилар тергов ва тезкор-қидирув фаолияти учун белгиланган ваколатлар доирасида бўлиши керак.

Ҳамкорликнинг тергов қоидаларига риоя қилиши қонунийлик принципини таъминлайди. Маълумки, қонун дастлабки терговни икки шаклини кўзда тутади: бошланғич тергов органларининг вазифаси жиноят изларини топиш ва аниқлаш, айбдорларни аниқлаш ва қўлга тушириш билан чегараланади.

Бошланғич ҳаракатлар тергов органи томонидан амалга оширилганда улар у ёки бу жиноятнинг мавжудлигини тасдиқлаб бериши талаб этилади. Бу маълумотнинг ишончлилиги тергов масалаларини тўғри ҳал этишга имкон яратади.

Терговчининг процессуал мақоми, раҳбарлик ва ташкилотчилик роли, терговнинг аниқ вазифаларини ечиш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, ҳамкорликнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги ва ҳамкорлик фаолиятининг мувофиқлиги унинг қандай режалаштирилганлиги билан таъминланади. Тергов давомида ҳамкорликнинг вазифалари ва мазмуни аниқлаштирилади ва тўлдирилади. Аммо ҳамкорлик қилаётган субъектлар доираси ўзгариши, янги куч ва воситаларни жалб қилиши мумкин.

Тергов ва бошланғич терговни назорат қилувчи прокурор бундай вазиятда ташкилотчилик вазифасини бажаради. Ўз ваколатлари доирасида тезкор ходимларга топшириқлар бериши, терговчи билан ҳамкорликнинг бошқа шаклларини белгилаши мумкин. Шу билан бирга, у бошланғич тергов органларининг тезкор-қидирув тадбирларига аралашмаслиги, топшириқларни амалга оширишнинг йўли ва воситаларини белгиламаслиги зарур.

Мазкур жараёнда тергов бўлими ходими ва прокурорнинг ҳамкорлик шакллари ва мазмуни тўғрисидаги кўрсатмалари терговчи учун мажбурийдир. Ушбу кўрсатмалар тезкор-қидирув гуруҳи ташкилотига, унинг таркибига алоқадор бўлиши ҳам мумкин.

2-§. Ҳамкорликнинг тактик-услубий қоидалари

Тергов ўтказиш жиноятни очишда ҳамкорликнинг биринчиси – терговчи томонидан иш материалларини таҳлил қилишдан иборат. Бунда дастлаб терговчи томонидан ҳамкорлик субъектлари аниқланади. Қўшма фаолиятга энг кўп жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш хизмати, ички ишлар органларининг криминалистик хизматлари, Давлат автомобиль назорати, турли хил идора ва маъмурий инспекциялар ходимлари жалб этилади.

Яна бир муҳим вазифа вазиятга оид маълумотларни ҳамкорлар ўртасида алмашинувидир. Маълумот алмашинувида тергов ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари режасининг қай даражада мослиги аниқланади, чунки тергов ҳаракатлари, унинг муваффақияти тезкор-қидирув иштирокчиларининг тадбирни белгиланган муддатда ва кетма-кетликда ижро этишларига боғлиқ. Ўз вақтида, етарли алоқа алмашинуви тезкор-тергов гуруҳи (ТТГ) аъзолари учун алоҳида аҳамият касб этади. Унинг шакллари турли-

ча: ТТГ таркибининг йиғилиши, унинг алоҳида иштирокчиларининг ўзаро алоқаси ва ҳоказо. Шу билан бирга тергов сирларини сақлаш, тезкор маълумотни четга чиқишига йўл қўймаслик жуда муҳим.

Ҳамкорлик иштирокчилари тергов вазияти ўзгариши билан режага ва мақсадларга тузатиш киритиши керак.

Ҳамкорлик режаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1) тергов ва қидирув версияларининг ифодаси;

2) ушбу версиялардан келиб чиқувчи ҳолатларнинг рўйхати;

3) ушбу ҳолатлар ва ҳаракатлар тартибини аниқлаш ва ўрганиш рўйхати;

4) терговчи томонидан амалга ошириладиган қидирув тадбирлари рўйхати;

5) тезкор йўл билан аниқланиши керак бўлган вазиятларнинг ифодаси;

6) бажариш муддатлари, маълумот алмашинуви, режага тузатиш киритиш;

7) режанинг ҳар бир банди бўйича ижрочилар рўйхати.

Тезкор-қидирув режалари алоҳида тезкор ходим томонидан режалаштирилади. Белгиланган тадбирлар ва тергов ҳаракатларининг вақти, жойи, муддатига алоҳида эътибор бериш зарур. Тузилган режа тергов бўлинмаси ва тегишли тезкор хизмати раҳбарлиги томонидан кўриб чиқилади.

Айниқса терговнинг дастлабки босқичи жуда муҳимдир. Бу нарса жиноятни излар босилмай туриб очилиши, айбдорни аниқлаш ва топиш, ўғирланган мулкни қидирув билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳамкорлик турли хил вазиятларда пайдо бўлади. Улардан уч тури энг кўп учрайди:

1. Жиноятчи аниқ бўлмаган жиноят (жиноят содир этилганлиги аниқ, аммо ким томонидан содир этилганлиги номаълум). Одатда бундай ҳолатларда ҳамкорлик ташаббуси ички ишлар органининг навбатчи қисмидан чиқади. Жиноят содир этилган жойга тезкор тергов гуруҳи чиқади. Гуруҳнинг таркибига терговчи, тегишли мутахассис (криминалист, суд-тиббиёт мутахассиси), тезкор-қидирув ходими хизмат ити билан киради. Уларнинг вазифалари ҳодиса юз берган жойни синчиклаб кўздан кечириб олинган маълумотлар асосида жиноятни фош этиш, айбдорни қидириш ва қўлга олиш учун ишлатишдан иборат. Айнан шу босқичда қўзғатилган жиноят ишини терговга тегишлилиги, бошланғич тергов органлари ишининг йўналиши ва давом эттириши масалалари ҳал этилади. Бундай ҳолатларда бошланғич тергов органи мавжуд маълумотларни текшириш, қўшимча маълумотлар тўплаш, шунингдек материал объектларни ўрганиш йўли билан иштирок этиши мумкин.

2. Терговчи томонидан бошланғич тергов материаллари (тезкор материаллар) асосида жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш. Шунингдек айбдорни ва уларнинг жиноий кирдикорларининг ҳамма ҳаракатларини аниқлашга қаратиш ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш; жиноятчи томонидан келтирилган моддий зиённи тўлалигича аниқлаш; жиноий йўл билан орттирилган бойликларни далиллар асосида исбот қилиш.

3. Мураккаб жиноят ишларини тергов қилиш. Бу кўп эпизодли, уюшган жиноятчилик томонидан амалга оширилмаган, шунингдек аввалги йиллар очилмаган жиноятлардир.

3-§. Ўзаро ҳамкорликнинг турлари

Ҳамкорликнинг процессуал ва нопроцессуал турлари мавжуд. Ҳамкорликнинг нопроцессуал тури баъзан ташкилий-тактик деб ҳам номланади.

Ҳамкорликнинг процессуал турлари қуйидагилар: тергов ҳаракатларини амалга оширишда бошланғич тергов ходимлари томонидан амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирлари; тўхтатиб қўйилган ишлар бўйича терговчининг топшириғи билан шахс ва объектларни қидириш; тегишли шахслар билан ишлаш; тезкор-қидирув гуруҳларини ташкил этиш.

Терговчи қидирув ва тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш ҳақида топшириқ берар экан, у бошланғич тергов органлари олдига фақат вазифа қўяди, аммо уни ечиш йўли ва воситаларини белгиламайди, чунки бу бошланғич тергов органлари ваколатига киради. Қонун уни бажариш муддатини белгиламайди – бу нарса терговчи ва бошланғич тергов органи раҳбари билан келишилади. Терговчи талабига кўра қонунда белгиланган процессуал мажбурлаш чораларини амалга оширади: қуролланган жиноятчини қўлга туширишда ва таъқиб қилишда (пистирма, қувлаш, қуршов, турли хил тўсиқ тадбирлар) бошланғич орган вакилларининг иштироки, терговчининг олдига келишдан бош тортаётган шахсни олиб келиш, ҳодиса ва тинтув жойини ўраб олиш, терговчига қаршилик кўрсатиш ҳолларини олдини олиш ва бошқалар.

Бошланғич тергов ходимлари терговчига мураккаб ва катта ҳажмдаги тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга оширишда ёрдам берадилар, ушбу ҳаракатлар давомида у ёки бу вазифаларни бажарадилар.

Терговчининг мутахассислар билан ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

а) мутахассисларни тергов ҳаракатларига жалб этиш;

б) суд экспертизаларини ўтказиш;

в) тафтиш белгилаш ва ўтказиш.

Терговчи билан бошқа иштирокчилар процессуал ҳамкорлигининг энг самарали шакли бўлиб, унинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

- умумий мақсад сари бўйсундирилган ТТГ томонидан амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-тергов тадбирлари;

- ТТГ аъзоларининг барча ҳаракатлари ўзаро келишилади, хусусан, умумий режани ишлаб чиқиш жараёнида;

- ТТГ иштирокчиларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиб, функционал мустақилликни сақлаб қолади;

- ТТГ таркибида ишлаш терговчига тезкор йўл билан олинган маълумотдан, тезкор ходимларга эса – тергов ҳаракати вақтида олинган маълумотдан дарҳол фойдаланиш имконини беради.

Умумий қоидага кўра, ТТГ аъзоларининг барча ҳаракатлари аввалдан келишилган режага бўйсундирилган бўлсада (режалаштириладиган ҳамкорлик), баъзи бир сабабларга кўра режалаштирилмаган ҳаракатларни амалга ошириши ҳам мумкин. Масалан, жиноятчиларни жиноят устида қўлга олиш, тинтув ва кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга ошириш. Бу - уйғунлашган ҳамкорликдир.

ТТГ терговчи раҳбарлигида ишлайди. У ишни тергов қилишга, ҳамкорлик субъектлари олдига ўз вақтида вазифалар қўйишга, тақдим этилган маълумотлардан тўлалигича фойдаланишга жавобгардир.

Амалиётда ТТГнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) ҳодиса ерини кўздан кечириш. Бундай гуруҳлар вақтинча бўлиб, ички ишлар органлари навбатчи қисмларида бўлади ва ўрнатилган жадвалга мувофиқ алмашади. Гуруҳ таркиби ҳар доим янгиланиб туради; унинг таркибига терговчи, жиноят қидирув ходими, мутахассислар – криминалист ва суд-тиббиёт мутахассиси, кинолог киради. Гуруҳ мажбуриятлари – ҳодиса жойини малакали кўздан кечириш ва шу билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтка-

зишдан иборатдир. Ички ишлар органи хизмат кўрсатадиган аҳолининг сони ва ҳудуднинг катта-кичиклигига қараб бир вақтнинг ўзида бир неча ТТГ навбатчилик қилиши мумкин.

2) излай босилмай туриб ишлаш. Бу ҳодиса ерига чиққан гуруҳнинг айнан ўзи агар унинг вазифалари кўздан кечириш билан чекланмаган бўлса ёки махсус ташкил қилинган гуруҳ;

3) хавфли жиноятларнинг маълум бир турларини очиш: ўғирлик, босқинчилик, жинсий жиноятлар ва ҳоказо. Бундай ТТГ доимий бўлиб, хизмат кўрсатиш ҳудудида содир этилган жиноят турини очишга ихтисослашган;

4) уюшган жиноятчилик томонидан содир этилган ҳар қандай жиноятни тергов қилиш ва очиш. Бу ҳолатда ТТГ таркибига ички ишлар уюшган жиноятчиликка қарши курашиш махсус бўлинмаларининг тезкор ходимлари киради.

5) мураккаб, кўп эпизодли ишларни тергов қилиш бўйича ТТГ таркиби ўзгарувчан бўлади; тергов давомида унинг таркибига турли ихтисосликлар бўйича тезкор ходимлар ва қўшимча жалб этилган терговчилар қўшилади.

6) аввалги йилларда очилмаган жиноятларни тергов қилиш бўйича. Гуруҳ доимий асосда ишлайди ва маълум бир турдаги жиноят бўйича ихтисослашган бўлиши мумкин.

Ички ишлар органи тергов бўлинмаси бошлиғи ёки прокурор томонидан тузиладиган терговчилар бригадаси, бригада усулидан тезкор тергов гуруҳини фарқлаш зарур. Терговчилар бригадаси фақат бир ёки турли идоралар терговчиларидан ташкил топган. Уларга тезкор ходимлар ҳам қўшиб берилиши мумкин, аммо улар бригада таркибига кирмайди ва ҳамкорлик бир марталик кўринишга эга.

Тезкор-қидирув гуруҳи ва терговчилар бригадасининг таркиби турли

хил бўлиши мумкин: иккита-учтадан бир неча юзгача. Ҳар бир ТТГ учун ўзининг тактик ҳамкорлик усули хосдир. Улар иштирокчилар доираси, вазифалари билан белгиланади.

Ҳамкорликнинг нопроцессуал шакллари хилма-хил бўлиб, иштирокчилар доираси ҳам анча кенгдир. Уларнинг энг асосийлари:

1) мутахассисларнинг терговчига у ёки бу тергов ҳаракатларини тайёрлашда ва натижаларини баҳолашда кўмаклашиши айбланувчини сўроқ қилаётган вақтда суд экспертизаси имкониятлари, қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқаришда технологик талаблари; терговчининг техник топшириқларини бажариш; техник-криминалистик воситаларни тайёрлаш, ҳужжатларни кўпайтириш ва ҳоказо.

2) тезкор маълумотларнинг ижроси бўйича терговчи ҳаракатларини бирга режалаштириш; тезкор маълумот ёрдамида сўроқ қилинаётган шахс билан саволларни, жабрланувчи иштирокидаги тезкор гуруҳ тактикасини, тезкор-тактик режасини муҳокама қилиш.

Ушбу маълумотлар тури ва улардан фойдаланиш имкониятлари қуйидагилар:

1. Жиноятни тергов қилишга алоқадор шахсларнинг ҳаракатлари ҳақида терговчининг йўналтирувчи-тезкор маълумотлари:

- шубҳаланувчи ва айбланувчининг жиноий фаолияти ҳақида маълумот;

- жиноятни яширган шахсларнинг ҳаракатлари ҳақида маълумот;

- терговнинг боришига қаршилик қиладиган ҳаракатларни амалга оширилиши ҳақида маълумот;

- кўрсатилган маълумотлар ва ашёвий далиллар эгалари ҳақида маълумот.

Бу маълумотдан бевосита ва билвосита йўл билан фойдаланиш мумкин.

Тезкор маълумотдан бевосита фойдаланишга қуйидагилар киради:

- тергов йўналиши ва жиноятчининг шахсини аниқлаш;

- унинг асосида тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги ва хусусиятларини белгилаш;

- тергов ҳаракатларини асослаш – жиноят устида қўлга олиш, тинтув ва бошқалар;

- рефлексия даражасида устунликка эга бўлиш; бундай вазиятда тезкор маълумот «тескари алоқа» ролини ўйнаб, учинчи шахсларга айтганлари бўйича терговчи ўзининг ҳаракатларини «бировнинг кўзи» билан кўра олади;

- тергов вазиятини баҳолаш ва тактик қарор қабул қилишда тезкор маълумотларни ҳисобга олиш.

Тезкор маълумотлардан билвосита фойдаланиш унинг манбаларига процессуал тус бериш, сўнг эса ушбу манбалардан мазкур маълумотни қайтадан, лекин энди далил сифатида олиш йўлларини излаш шаклида намоён бўлади.

2. Терговчининг ишга алоқадор объектларининг жойлашишига йўналтирувчи тезкор маълумот. Ушбу маълумотдан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, мулкни ҳибсга олишга қарор қилиш;

- мазкур объектларни уларга процессуал тус бериш мақсадида суд ишлаб чиқариши доирасига киритиш учун амалга ошириладиган ҳаракатларни амалга ошириш.

3. Тезкор ходим томонидан ёки мутахассис ёрдамида олинган тезкор маълумот.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга кўра, маълумотлар тезкор ходим томонидан предмет ва ҳужжатларни ўрганиш, бино ва иншоотларни, жой ва транспорт воситаларини кўздан кечириш орқали ҳамда

алоқанинг техник каналларидан олиши мумкин. Одатда иш бўйича ашёвий далил бўлиб хизмат қиладиган материал объектларни дастлабки ўрганиш натижаларидан исботлашда фойдаланиш анча мураккабдир. Муаммо шундаки, қонун бўйича фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича экспертиза ўтказиш мумкин, материал объектларни дастлабки ўрганиш эса айнан жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатмаслик учун ўтказилади. Амалиётда бундай ўрганишларнинг натижалари тегишли экспертиза томонидан қайта қайд этилади. Аммо ҳар доим ҳам бунинг иложи йўқ. Шунинг учун тезкор ходим ушбу натижаларни бошқа йўл билан қонунлаштиришга мажбур, масалан, терговчига уларни манбалари ҳақида ҳисобот берганда.

3) шахс ва предметларни қидирувини ташкил этишда, турли объектларни таниб олишда, қидирув иштирокчиларини кенгайтиришда; профилактик чораларни кўришда оммавий ахборот воситалари;

4) муассаса ва корхона маъмуриятлари билан жиноятни содир этилишига кўмаклашган шароитлар ҳақида криминалистик муҳим маълумотни олиш; жиноятни олдини олиш бўйича чоралар кўриш; корхона ва муассасаларда ҳужжат ва товар айрбошлаш тартибини ўрганиш ва бошқалар;

5) аҳоли ва жамоат ташкилотлари билан қидирув тадбирларини ўтказишда кўмаклашиш, ашёвий ва йўналтирувчи маълумотларни аниқлаш, у ёки бу шахс учун тавсифнома олиш ва бошқалар.

Нопроцессуал шаклдаги ҳамкорлик процессуал шаклдаги ҳамкорлик билан бир мақсадни кўзлайди. Бу жиноятни муваффақият билан аниқлаш, очиш, тергов қилиш ва самарали олдини олишдир.

25-боб. ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Қотиллик жиноятларининг криминалистик тавсифи

Қотиллик, яъни қасддан инсонни ҳаётдан маҳрум этиш жиноятлари

оғир ва тергов услуби анча мураккаб кечадиган ҳодисалардан ҳисобланади.

Криминалистик тергов услубини қўллашлик қотиллик жиноятини текширишда жабрланувчининг ўлими сабабини аниқлашга: у ўз-ҳаётига қасд қилдими, ўлими табиий ҳолатдан юз бердими, бахтсиз ҳодиса натижасида ёки қотилнинг тажовузидан содир бўлдими, деган ҳолатларни аниқлашга қаратилади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатларда топилган одамнинг мурдаси ёки маълум инсоннинг шубҳали вазиятда бедарак йўқолиш ҳодисаси криминалистик тергов услуби қоидаларига асосланган ҳолда текширилиши лозим.

Қотиллик жиноятларини содир этишда жиноятчилар турли усул ва қуролларни қўллайдилар. Кўп ҳолларда улар ўқ отиш ва совуқ қуроллар, турли уй-рўзғор буюмлари (пичоқ, теша, болта), бирор қаттиқ предмет (темир, тош каби)лар билан жароҳат етказиб содир этадилар.

Қотиллик жиноятлари бўғиш, жабрланувчининг нафас олиш йўлларини бекитиш, заҳарлаш, сувда чўктириш, портлатиш ва бошқа усуллари билан ҳам содир этилади.

Жиноятни содир қилиш усуллари, жиноий ҳаракат мотивлари, жойи, вақти, ҳодисанинг оқибати, излар, қуроллар буларнинг барчаси криминалистик тавсифини ташкил қилади. Унинг айрим элементлари эса бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, бири-иккинчисидан келиб чиқади ва тўлдиради. Айниқса жиноятнинг субъекти, жабрланувчи, ишлатган қурол ва жиноят жойи каби элементлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар қайси элементдан қолган излар (оқибатлар) бошқа элементларда акс этади, бирини кузатиш ва текшириш билан, иккинчиси унга боғлиқ бўлган ҳолатнинг хусусиятини келтириб чиқаради.

Жиноятнинг криминалистик тавсифини белгилашда юқорида келтирилган ҳолатларни олдинма-кетинлиги, ҳодиса жойидаги вазиятларни ке-

либ чиқиши, бирининг оқибати иккинчисида маълум изларнинг қолдириши кабиларини аниқлаш тергов дастлабки босқичининг муваффақиятли бўлишига асос ҳисобланади.

Тергов амалиёти тажрибасига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, энг кўп тарқалган қотиллик жиноятлари уй-жой биноларида, жамоа жойларида, кўчаларда содир этилади, бунда жиноятнинг оқибати, қуроллар, излар яширилмайди, қотилнинг ўзи ҳам баъзида қочмайди, бекинмайди. Бундай жиноятлар кўпинча ғаразлик, ўч олиш, рашк, безорилик, икки жиноий гуруҳларнинг қарама-қаршилик тўқнашувлари натижасида содир бўлади. Бу ҳолатларда содир этилган қотиллик жиноятларининг очилиши ва тергов жараёни унчалик қийинчиликни туғдирмайди. Тергов услуби тавсия этган тактик ва методик воситаларни қўллаш ва ҳодиса жойидаги қуроллар, излар, жабрланувчи шахси ва ўлим сабаби ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида версия-версияларини ишлаб чиқиш ва терговни тўғри ташкил этиш, яъни ишни тегишли муддатларда очиш-исботлаш мумкин бўлади.

Айрим ҳолларда қотиллик жинояти яширин вазиятда, гувоҳларсиз, кечанинг қоронғулиги, одамнинг йўқлигидан фойдаланиб содир этилади.

Жиноятчи қасдига тайёргарлик кўради, ҳодиса жойидаги изларни йўқотишга, қуролни ўзи билан олиб кетишга, баъзида жабрланувчи марҳумнинг танасини бекитиш-йўқотишга ҳам ҳаракат қилади. Бундай жиноятлар тергов олиб бориш, исботлаш нуқтаи-назаридан мураккаб бўлиб, бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Қотилликнинг бу турини тергов қилишда терговчи мутахассислик маҳоратини ижодий қўллай билишлиги, дастлабки суриштирув маълумотларидан тўғри фойдалана олиши, кечиктириб бўлмайдиган тезкор ва тергов ҳаракатларини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиши талаб этилади.

Жиноят содир этилган, жабрланувчининг мурдаси топилган жойлар-

да уни амалга ошириш усули, мотивлари, қўлланилган қуроллар, содир этган шахс ҳақидаги дастлабки маълумотларни олиш мумкин бўлади. Жабрланувчининг шахси маълум бўлган ҳолларда жиноятчи ҳақида, марҳум билан улар орасидаги муносабат, жиноят ҳодисасини содир этиш усуллари ҳақида тегишли версия-версиялар тузмоқ мумкин бўлади. Жиноят ҳодисаси билан жабрланувчининг танаси топилган жойлар бир бўлганда қотилликнинг асосий ҳолатлари ҳақида маълумот олиш ва дастлабки тезкор тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали жиноятда шубҳаланган шахсни топиш ва қўлга олиш имкони бўлади. Қотиллик жинояти очиқ жойларда, йўл-кўча юзасида, ташландиқ, одамлар кам юрадиган жойларда содир этилганда жабрланувчининг мурдасида бир мунча ўзгаришлар (мурда аломатлари, атроф-муҳит, об-ҳаво таъсири) юз бериши натижасида унинг шахсини аниқлаш мураккаб бўлади. Бундай ҳолларда тезкор ходимларнинг маълумотлари, қидирилаётган, бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги ахборотлар катта ёрдам беради.

Шаҳар шароитларида содир қилинадиган қотилликлар кўп ҳолларда жиноят изларини йўқотишга, мурдани бўлаклаб яширишга қаратилган бўлади. Кўп ҳолларда мурда бўлаклари ахлат-чиқиндилар ташланадиган жойларда, жамоа гавжум жойлардаги махсус юк сақланадиган биноларда, бирор материалга ўралган ҳолда ёки сумка-чемоданларда қолдирадилар.

Жиноят содир этилган ва мурда бўлаги топилган жойлар ҳар хил ҳудудларда бўлган тақдирда бу жойларни бир-бирлари билан боғлиқ ва мослик ҳолатлари аниқланмоғи лозим.

Қотиллик жиноятларининг тавсифларидан яна бири унинг содир қилиниш усулидир. Қотиллик содир қилиш усули ўз ичига ишлатилган қурол, восита, ҳаракат, жиноятга аввалдан тайёргарлик кўриш ва жиноят изларини йўқотишга уриниш каби ҳолатлар киради.

Уй-рўзғор жанжаллари, рашк, безорилик, спиртли ичимлик ва нар-

котик моддалар таъсири остида содир қилинадиган қотилликлар деярли олдиндан тайёргарлик кўрилмасдан содир қилинади.

Қотил қўлига дуч келган предмет қурол (пичоқ, теша, болта) ёки бошқа восита билан жароҳат етказиб, мақсадига етади.

Қотиллик ғаразли мақсадда ёки жабрланувчининг лавозими, хизмат вазифасига қарши қаратилган бўлса, жиноятчи олдиндан тайёргарлик кўради, жойини, вақтини ва қуролни белгилаб қўяди, бундай ҳолларда ўқ отиш қуроли, портловчи моддаларни мўлжаллаб қўяди. Қасдини амалга оширгандан сўнг қотил қуролни, отилган ўқ ва гильзаларни ҳам олиб кетишга, оёқ ва қўл изларини қолдирмасликка ҳаракат қилади. Бу ҳолатлар қотилнинг шахси ҳақидаги маълумотларни олишга ва уни кимлар орасидан қидириш лозимлигини белгилайди.

Қотиллик жиноятининг изларини ва жабрланувчининг мурдасини йўқотишга қаратилган ҳаракатлар баъзида қотилликка бошқа ҳодиса тусини бериш учун ниқоблаш усулларини ҳам қўллашлик ҳоллари учраб туради. Қотил қурбонини хушсизлантириб ёки оғир жароҳат етказиб, хонанинг эшик-деразаларини беркитиб ўт қўйиб кетади, тепалик – баландликдан итариб юборади, “ўзига ўзи қасд қилган” – ниқоби тусини яратади ва ҳоказо.

Жабрланувчининг шахсини аниқлаш ҳам терговнинг дастлабки босқичида тўғри версиялар тузишга ва гумон қилинувчини топишга ёрдам беради.

Жабрланувчилар аёл кишилар бўлса, кўп ҳолларда улар зўрлик, ғаразлик ёки рашк қурбонлари бўладилар. Қотил билан жабрланувчининг ўзаро алоқалари, муносабатлари бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, жиноий оқибатга олиб келишлиги сабабидан ва қасднинг мазмунидан дарак беради.

Жиноятда гумон қилинган қотилларнинг шахси, тергов амалиётига

асосланган ҳолда қуйидагича тавсифланиши мумкин. Спиртли ичимлик ёки наркотик моддаларни истеъмол қилувчи 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркак кишилар, кўп ҳолларда қўпол муомала қилувчилар, аҳлоқсиз, жамоага ва аёлларга нисбатан беҳурмат ва раҳмсиз, илгари судланган каби сифатларга эга бўладилар.

Қотилнинг баъзи ҳаракатлари – жабрланувчига нисбатан ўта раҳмсизлик билан кўп жароҳат етказиши, ўзининг яқин қариндоши, оила-аъзолари, ёш болаларни ўлдириши, уларнинг мурдаларини майда бўлакларга бўлиб, ҳар жойларга ташлаши, унинг ақли норасологидан хабар беради, бундай ҳолларни типик вазиятларга киритиш мумкин.

Тергов амалиётида нотипик ҳоллар ҳам учраб туради. Қотил қурол билан муомала қилишни яхши билади, ҳарбий хизматда ёки алоҳида машқ асосида отиш ёки совуқ қуролларини қўллашликни эгаллаган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўришни ва содир қилгандан сўнг унинг изларини йўқотишни аввалдан белгилаб қўяди. Бундай вазиятлар терговни дастлабки босқичида бир мунча мураккабликни келтириб чиқаради.

Лекин криминалистик фаолиятнинг қонуниятига биноан ҳеч бир жиноят ўз оқибатини, изларини қолдирмай иложи йўқ, шунинг учун ҳар қандай жиноят шу жумладан қотиллик жиноятлари ҳам муваффақиятли текширилиб, фош этилади.

2-§. Жиноят ишини қўзғатиш ва терговнинг типик вазиятлари

Қотиллик жиноятлари одатда оғзаки (телефон орқали) ёки ёзма равишда аризалар асосида қўзғатилади. Хабарлар даволаш муассасаларидан, ўликхоналардан, кўча-куйда зўрлик (жароҳатлар) аломатлари мавжуд бўлган мурдалар топилиши ёки айрим ҳолларда жиноят содир қилган шахснинг ўзи хабар қилади ёки ҳуқуқ муҳофаза органига айбини тан олиб

келади.

Зўрлик аломатлари мавжуд бўлган мурданинг ёки унинг бўлаги топилган ҳолларда жиноят иши ҳеч қандай текширув ўтказилмасдан тезкорлик билан иш қўзғатилади ва дастлабки тергов ва тезкор ҳаракатлар ўтказилади.

Шахснинг бедарак йўқолган фактлари бўйича тушган аризалар, жиноят иши қўзғатилмасдан аввал унинг эҳтимол кетган (яширинган) жойлари текширилади, тириклиги ва бошқа жойда бўлиш эҳтимол ҳақида версия юритилади. Бедарак йўқолганлик ҳақидаги аризада жиноят аломатлари ҳақида хабарлар бўлса, қаерда ва қачон содир бўлганлиги ва қотилликнинг сабаб-мотивлари кўрсатилган бўлса, бедарак йўқолган шахс «қотиллик қурбони" деган версия асосида жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ва тезкор қидирув чоралари кўрилади.

Мазкур текширув натижаларида бедарак йўқолган шахс: бахтсиз ҳодиса қурбони эмаслиги, бирор жиноят ҳаракати учун ушланган эмаслиги, даволаниш жойларида, ўликхоналарда бўлмаслиги, ўз ихтиёри билан яшаш жойини ўзгартирмаслиги, шахсий ҳужжатлари ва буюмлари уйда қолганлиги, ғаразлик ёки ўч олиш мақсадида унга қасд қиладиган маълум шахсларнинг йўқлиги аниқланса, у "қотиллик қурбони бўлган" ва қотил унинг танасини яширган, беркитган ёки йўқотишга ҳаракат қилган, деган версия мавжуд бўлади ва жиноят иши қўзғатилиб, мана шу версия – версия текширилади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида унга асос бўлган белги аломатлари, жиноят оқибати, содир қилинган усули бўйича қатор тергов вазиятлари ҳосил бўлади.

1. Қотилликнинг очиқ содир этилиши, қотил билан жабрланувчи ўзаро безорилик қилиб жароҳатланганлиги натижасида ўлим юз берганлиги. Уй-рўзғорда оила аъзолари жанжаллашиши, рашк ва бошқа сабаблар

натижасида, шунингдек зарурий мудофаа асосида содир этиладиган жиноятлар. Бундай вазиятларда гумон қилинувчи ва жабрланувчининг шахслари маълум бўлади, ҳодиса жойида ва у ерда бўлган, эшитган-кўрган гувоҳлардан олинадиган оғзаки тезкор маълумотлар етарли бўлиб, жиноят ҳодисаси ва унинг айрим ҳолатларига тегишли версия-версиялар тузилади.

Бундай ҳолларда терговнинг дастлабки босқичида ҳодиса жойини ва мурда топилган жойни кўздан кечириш ва кечиктириб бўлмайдиган тезкор қидирув чораларини ўтказиш, гумон қилинувчини ушлаш, суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш каби чоралар кўрилади.

2. Қотиллик яширинча (хуфёна) содир этилади, лекин жабрланувчининг танаси беркитилмайди, ниқоблаш ва қотилликка бошқа жиноят тусини бермайдилар. Бундай вазиятлар босқинчилик, талончилик, аёл-қизларнинг номусига зўрлик ишлатиб тажовуз қилиш ва бошқа моддий ғаразлик мақсадида содир этиладиган қотилликларда мавжуд бўлади. Шунингдек юқорида келтирилган вазиятлар, икки жиноий гуруҳ орасида келиб чиқадиган низолар ва буюртма-(қотилни ёллаш билан содир этиладиган) жиноятларда ҳам мавжуд бўлади.

Кўрсатилган вазиятларни бартараф қилишлик учун биринчи навбатда ҳодиса жойи кўздан кечирилади, кўрган-эшитган гувоҳлардан маълумот олиш, жиноятда гумон қилинувчиларни аниқлаш ва қўлга олиш чоралари кўрилади.

Жабрланувчининг мурдаси кўздан кечирилиб, сўнгра тиббиёт экспертизасини ўтказиш билан ўлим сабаби, вақти, жиноят қуроллари ва бошқа масалалар ҳал этилади.

Терговнинг бошланғич даврида жиноятнинг айрим ҳолатлари, субъект (субъектлари), ишлатилган қуроллар ва булар ҳақида тўғри версия-версиялар тузиб тергов ишини режалаштириш, кечиктириб бўлмайдиган

тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш, тергов натижасини муваффақиятли бўлишига асос бўлади.

3. Қотиллик яширинча (хуфёна) содир этилади, жабрланувчининг мурдаси мавжуд, шахси маълум бўлиб, жиноят содир этилиш механизми номаълум бўлади. Кўзга ташланган зўрлик аломатлари бўлмайди, ўлим сабаби дастлаб аниқланишича бахтсиз ходиса, ўз жонига қасд қилиш, ўлим тасодифий касаллик натижасида ёки қотилликка бошқа жиноят тусини бериш мақсадида ниқобланган деган вазиятлар мавжуд бўлади. Келтирилган вазиятларнинг ҳар бири юзасидан версия-версиялар тузишда уларга етарли асослар белги -аломатлар бўлиши ва улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлмоғи лозим.

4. Қотиллик яширин, гувоҳларсиз содир этилганда, мархумнинг танаси, ташқи кўриниши бир мунча ўзгарган (вақт ўтиши, қурол, ўта раҳмсизлик билан қилиниши ва ҳоказо) бўлиб, таниб олиш ҳам анча қийинчилик туғдиради. Мурда танасидаги жароҳатларнинг хусусиятлари қотиллик жинояти содир бўлганлигидан дарак беради. Мазкур вазиятни ҳал этишликда биринчи навбатда суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис ёрдамида мурданинг юз тузилиши, жароҳатларга бироз тиббий-жарроҳлик чоралари қўлланилиб, иложи борича тириклик ҳолати сунъий тикланади, кийимлари тартибга келтирилади, юзидаги ортиқча ифлосликлар, қон ва бошқа моддалардан тозаланиб сўнг таниб олишга кўрсатилади. Марҳумнинг шахси аниқлангач, версия юритиш билан гумон қилинувчи изига ҳам тушиш мумкин бўлади. Гумон қилинувчилар илгари судланганлар, спиртли ва наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар орасидан қидирилади.

5. Қотиллик содир этилгандан сўнг, кўп вақт ўтиб, мурда аломатлари (чириши) натижасида мархумнинг фақат суяк қолдиқлари (скелети) топилади. Баъзида марҳум кийимининг айрим бўлаклари сақланиб қолади,

суяк тўқималарида жиноят қуролининг излари, кесилиш, янчилиш аломатлари сақланади.

Терговнинг дастлабки босқичида мурданинг шахси номаълум бўлади, лекин марҳумнинг суяк қолдиқлари топилган жой, атроф-муҳит, суяк тўқималаридаги жароҳат излари ва бошқа аломатлар қотиллик жинояти содир бўлганидан дарак беради. Бундай вазиятда мурданинг суяк қолдиқлари топилган жой кўздан кечирилади, атроф-шароитлари ҳам текширилади, суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис иштирокида тахминан жиноят содир бўлган вақти, ўлим юз бергандан бўён қанча вақт ўтганлиги, ўлимга сабаб бўлган жароҳатлар ва қандай қурол билан етказилганлиги аниқланади.

ИИВ ахборот маркази бўлимларидан бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотларни мазкур шахси номаълум скелет – мурдадаги ташқи тузилиш (антропологик) аломатлари билан қиёслаш лозим бўлади. Дастлабки тергов ва тезкор ҳаракатларидан олинган натижалар асосида жабрланувчи, жиноятда гумон қилинувчи ҳақида тегишли версия-версиялар тузилиб, тергов олиб борилади.

6. Қотиллик жинояти содир этилганидан сўнг, жабрланувчининг танасини яшириш, жиноят изларини йўқотиш мақсадида бўлакланади ва ҳар ҳил жойларга ташланади (беркитилади). Мурданинг айрим бўлаги топилиши натижасида қўзғатилган жиноят иши бўйича мазкур вазиятни қуйидагича ҳал этиш тавсия қилинади:

- топилган мурда бўлаги қандай ҳолатда, бирор материал, қоғоз ёки целлофан пакетга солинганми;
- ўраш (упаковка қилиш), ип, канаф, бинт ва бошқалар билан боғланганлик усуллари;
- қотиллик ва бўлаклаш қачон содир қилинган, жиноят қуроли, бўлаклаш усули;

- тананинг бошқа қисмлари топилганда улар бир шахсга тегишли эканлиги ва бошқа ҳолатлар ҳам аниқланади.

7. Вазият-бедарак йўқолган шахсларнинг «жиноят қурбони» деган тахмин асосида қўзғатилган ишларда мавжуд бўлади. Бедарак йўқолган шахснинг мурдаси топилмаган бўлиб, у ҳақиқатда қотиллик жинояти қурбонини ёки ўз ихтиёри билан кимлардандир яшириндими (жиноий-жавобгарликдан, бирор душманидан, ҳаёти хавф остида бўлганидан ва ҳ.к), бошқа ҳудудларда ёки касалхоналарда исми-шарифини ўзгартириб яшаб, даволаниб юрибдими.

Бундай вазиятни ҳал этишда юқорида келтирилган барча ҳолатлар юзасидан версиялар тузилиб, текширилади. Мурда топилмаган ҳолларда, жиноят излари, бедарак йўқолган шахсга тегишли буюмлар топилиши ва қотиллик ҳақида етарли маълумотларнинг тўпланиши "қотиллик жинояти содир этилган" – деган версияга асосланади. Умуман тергов ва тезкор чоралари ана шу асосли версияни текширишга қаратилиши лозим.

8. Янги туғилган чақалоқ боланинг мурдаси топилиши асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари. Бундай вазиятда болани онанинг ўзи ёки бошқа унга яқин бўлган шахслар томонидан ўлдирилган, деган версиялар ҳосил бўлади. Дастлаб боланинг ўлдирилиш механизми, ўлим сабаби, туғилганда тирик эдими ёки ўлик ҳолда туғилдими, деган масалалар ҳал этилади.

Терговнинг дастлабки босқичида ва сўнгги босқичларида ҳам боланинг онаси қидирилмоғи лозим, чунки терговда ҳал қилинадиган барча масалалар ва ҳолатлар унга боғлиқ бўлиб, ишнинг очилиш калити ҳам боланинг онаси ҳисобланади.

3-§. Терговнинг дастлабки босқичи

Терговнинг мазкур босқичида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этмоқ зарурдир. Содир бўлган жиноятнинг барча элементлари: қотилнинг шахси, жабрланувчининг шахси, қотилликнинг мақсади ва қасднинг мотиви, жиноий ҳаракат жабрланувчининг шахсига қарашлими ёки унинг жамиятдаги мавқеи-лавозимига қарши қаратилганми, жиноятни бир шахс ёки гуруҳ томонидан содир қилинганми, қотил топилмаган бўлса уни тезкор қидирув чораларини қўллаб яширинган жойини аниқлаш ва қўлга олиш, жиноят қуролини топиш, ғаразли мақсадида содир қилинган қотиллик ишлари бўйича ўғирланган, олиб кетилган қимматликларни топиш каби чоралари кўрилади.

Терговни тўғри ташкил қилиш ва ҳаракатларни тегишли олдинма-кетинликда олиб бориш учун, аниқланиши лозим бўладиган барча ҳолатлар юзасидан версия – версиялар тузиш, терговни режалаштириш, тезкор-қидирув ходимлари билан яқиндан ҳамкорликда бўлиш, қотилликнинг мураккаб вазиятларини тергов қилишда тезкор-тергов гуруҳини ташкил қилиш билан олиб бориш зарур бўлади.

Терговнинг дастлабки босқичида кечиктириб бўлмайдиган тергов ва тезкор ҳаракатларини ўтказмоқ лозим бўлади. Булардан биринчи навбатда қотиллик ҳодисаси юз берган ва жабрланувчининг мурдаси топилган жойлар кўздан кечирилади.

Кўздан кечириш ҳаракатининг умумий тартиб қоидалари мазкур дарсликнинг тактика қисмида тўла ёритилган бўлиб, қотиллик жиноятларини тергов қилишда содир бўлган ҳодисанинг ўзига хослик хусусиятларини назарда тутган ҳолда, кўздан кечиришнинг тактика қоидаларини қўллаш билан юқорида келтирилган вазифаларни ҳал қилмоқ мумкин бўлади.

Жиноят содир бўлган жой билан жабрланувчининг танаси топилган жой бир бўлса, кўздан кечириш, мурдадан, яъни марказдан бошланмоғи

маъқул бўлади, сўнгра атроф-муҳит, жиноятчининг кириш-чиқиш йўллари, излар, жиноят қуроли ва бошқалар кўздан кечирилади.

Қотиллик жиноятлари бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос вазифалари мавжуддир. Биринчи навбатда жиноят содир бўлган ва мурда топилган жойлар бир ердами, агар ҳар хил жойда бўлган бўлса қон изларининг хусусиятлари, суркалиш, томчи каби шакллари мурданинг бир жойдан иккинчи жойга олиб келишда ҳосил бўлади, қўшимча равишда ерда судралиш излари ҳам мавжуд бўлади. Қотиллик содир бўлган жойда топилган мурда ёнида қон излари сачраш, оқиш ва кўп миқдорда кўлмак шаклда ҳосил бўлади. Бу белгиларнинг йўқлиги мурда бошқа жойдан келтирилган транспорт воситасида олиб келинган, деган версия-тахминга асос бўлади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда икки гуруҳ изларга эътибор бермоқ лозим. Биринчи гуруҳ излар қотил билан жабрланувчининг ўзаро ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган излар, қотилнинг жароҳат етказиш услуби, қуроли, жабрланувчининг қаршилик кўрсатиши, ҳимояланиш каби ҳолатларидан ҳосил бўладиган аломатлар. Иккинчи гуруҳ излар жиноий ҳодисага алоқаси бўлмаган шахслардан қоладиган излардир. Бу икки хил изларни мазкур жойда ҳозир бўлганлар, гувоҳлардан олинадиган оғзаки маълумот асосида олиш мумкин. Шунингдек, тезкорлик суриштируви орқали ҳодиса жойининг аввалги ҳолати ва унга қандай ўзгаришлар киритилганлиги ҳам аниқлаб олинади.

Жабрланувчининг мурдасини кўздан кечиришда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар қуйидагилардир:

- шахси, ҳужжатлари ёки бошқа буюмлари, кийимлари, ташқи қиёфаси, алоҳида белгилари;

- қотил билан, уйи ва оила аъзолари, қариндошлари ҳамкасабалари

ва бошқа танишлари билан алоқаси;

- ўлимнинг юз берган вақти, сабаби, етказилган жароҳатларнинг қайси бири ўлимга сабаб бўлганлиги;

- жиноий ҳаракатнинг механизмини, жароҳатлар қандай қурол билан етказилганлиги;

- қотиллик жинояти содир қилинаётганда кимлар бўлгани, эшитгани;

- жиноятнинг субъектив томонини, қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир бўлганлиги.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг баъзиларини аниқланиши жиноятчини қаердан ва кимлар орасидан излашга имкон беради.

Ўлим вақти мурда аломатлари асосида (совуш, қотиш доғларнинг ҳосил бўлиши, чириши ва бошқалар аниқланади, ўлим сабаби жароҳатларнинг оғир-енгиллиги, олдинма-кетинлиги ва қандай қуролдан етказилганлиги, жароҳатнинг қайси-бири ўлимга сабаб бўлганлиги, мурдани кўздан кечиришда тиббиёт соҳасидаги мутахассис иштирокида белгиланади.

Жиноятни содир қилишда ишлатилган қурол сифати, жароҳат етказиш усули, ўта раҳмсизлик билан кўп жароҳат етказиш, ўлим юз бергандан сўнг ҳам қуролни ишлатиш жиноятчи шахсидан хабар беради. Жабрланувчи шахси номаълум бўлиб, терговнинг бошланғич даврида аниқланмаган бўлса, уни жиноий рўйхат қоидасига биноан шахси номаълум мурда картаси тузилади, қўл ва ўн бармоқ излари бўйича дактилокарта тузилади, асосий ва қўшимча формула чиқарилиб, рўйхатга олинади.

Дактилокартада ташқи қиёфа белгилари, айрим кўзга ташланадиган белги-аломатлар кўрсатилади. Терговнинг сўнгги босқичларида ана шу карталар асосида жабрланувчининг шахси таниб олишга кўрсатилиб,

аниқланади. Информация маркази маълумотлари асосида бедарак йўқолганларнинг шахслари қиёсланади.

Мурда бўлаги топилиши асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича бўлак топилган жойда кўздан кечирилади, унинг ўралган, ўралмаган ҳолатига, жароҳатларнинг хусусияти, тахминан қандай қуролдан етказилганлигига эътибор берилади. Бўлак ўралган материал сифати (қоғоз, мато, целлофан) гуруҳ мансублиги белгиланади.

Мурда бўлаги бўйича жабрланувчининг жинси, ёши, миллат гуруҳи, иложи борича индивидуал белги-аломатлари хатга олинади.

Жиноятнинг содир этилган ва жароҳат етказилган вақти, ўлим содир бўлиш вақти ва сабаби, мурданинг қотилликдан сўнг қанча вақт ўтгандан сўнг бўлакланганлиги, қандай қурол ва усулда бўлакланганлиги, касб-ҳунар хусусияти ҳам кўздан кечириш натижасида белгиланади. Кўздан кечириш ўтказилиб, барча маълумотлар баённомада акс эттирилгандан сўнг суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб, юқорида келтирилган тахмин-версиялар дастлабки маълумотлар ўз тасдиғини топмоғи лозим бўлади.

Ҳодиса жойини, мурдани (бўлагини) кўздан кечириш билан бир қаторда тезкор-қидирув ҳаракатлари ҳам ўтказилади. Биринчи навбатда ҳодиса жойида ҳозир бўлган кўрган билганлардан оғзаки маълумотлар олинади, қачон, ким томонидан эътибор берилиб, жиноят излари аниқланганлиги, жиноятчи ҳақидаги маълумотлар, ўзгариб-босилиб кетмаган, “иссиқ” из-аломатларни аниқлаш юзасидан махсус итлар ишга солинади, маълум шахслар орқасидан кузатувлар ўтказилади, ахборот-маълумот марказидан бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотлар, ташқи қиёфа белгилари ва шу каби бошқа маълумотлар йиғилиб, улар сўнгги тергов ҳаракатларини ташкил қилиш ва ўтказишга, янги тахмин-версияларни тузишга ёрдам беради.

Кўздан кечириш ва тезкор қидирув чоралари ёрдамида топилган

бошқа мурда бўлаклари ўзаро қиёсланиб, бир шахснинг танасига тегишли эканлиги аниқланади.

Ҳодиса жойини, мурда ва унинг бўлагини топилган жойида кўздан кечирилгандан сўнг суд-тиббиёт экспертизаси тайинланади. Экспертиза ҳал қиладиган масалалар қуйидагилардир:

- жабрланувчининг танасидаги жароҳатларнинг тавсифи;
- жароҳатлар қандай қуролдан етказилган;
- жароҳатларнинг қандай олдинма-кетинликда етказилиши;
- ўлим вақти ва сабаби, қайси жароҳат ўлимга сабаб бўлган;
- жароҳатларнинг сони кўп бўлган тақдирда, қайсилари ҳаётий даврида, қайсилари ўлим юз бергандан сўнг етказилганлиги;
- жароҳатлар жабрланувчининг ўзи томонидан етказилиши мумкинми ва бошқалар.

Мурда бўлаги ва бир неча бўлаклари юзасидан экспертиза текширувида ҳал қилинадиган масалалар:

- мурда бўлаклари бир шахс танасига тегишлими;
- мурда бўлаги (бўлаклари) бўйича жабрланувчининг шахсига тегишли маълумотлар жинси, миллати, тахминан ёши, касб-ҳунари ва бошқалар;
- жароҳатлар мавжуд бўлса, қандай қуролдан етказилган, тирик вақтида ёки ўлим юз бергандан сўнг етказилганми;
- мурдани бўлаклаш қандай қурол-асбоб ва усул билан содир этилган, касб-ҳунари ва бошқалар;
- қотиллик содир қилинган ва мурда бўлакланган вақти;
- жароҳатлар мавжуд бўлса қандай қуролдан етказилган, тирик вақтида ёки ўлим юз бергандан сўнг етказилганми;
- мурдани бўлаклаш қандай қурол-асбоб ва усул билан содир этилган, касб-ҳунар хусусиятлари;

- мурда бўлаги таркибида бегона моддалар (заҳарловчи, алкогол, наркотик) қолдиқлари мавжудми ва шу каби жиноятга оид бўлган бошқа масалалар.

Бедарак йўқолган шахсларни «жиноят қурбони” деган версия асосида қўзғатилган ишлар юзасидан (7-вазият) тегишли текширувлар, тезкор-қидирув чоралари ўтказилиб, бўлгандан сўнг йўқолган шахс жиноят, бахтсиз ҳодиса ёки бошқа бирор ҳодиса қурбони, деган версияни текшириш лозим бўлади, унинг мурдаси қидирилади, топилган ҳолларда шахси аниқланиб, бедарак йўқолган билан қиёсланади.

Бундай вазиятни мурда мавжуд бўлган ҳолатлар каби дастлабки кўздан кечирув ва суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилиб, тергов давом эттирилади.

Бедарак йўқолган шахснинг мурдаси топилмаган ҳолларда тергов-нинг дастлабки босқичида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим бўлади:

- йўқолган шахснинг ташқи қиёфа белгилари, яшаш тарзи, қариндошлари, оила аъзолари билан мулоқоти, кимлар билан зиддиятли муомалада бўлганлиги ҳақидаги ва бошқа маълумотларни аниқлаш;

- бедарак йўқолган шахснинг ҳаёти давридаги фотосуратини топиш ва ишга қўшиш;

- қўл-бармоқ излари алфавит дактилокартаси информация маркази-да текширилиши;

- дастхати, ўз қўли билан ёзилган ҳужжатларни ишга қўшилиши;

- бедарак йўқолганлик ҳақида ариза берган шахсни сўроқ қилиш билан у қачон, қаерда охирги марта кўрганлиги, суҳбат, хабар қандай мавзуда бўлганлигини аниқлаши лозим;

- йўқолган шахс қандай кийимда бўлган, руҳий, эмоционал ҳолати, қандайлиги, бирор қиммат нарса сотиб олиш ёки сотиш ҳақида гап бўлганми каби маълумотларни тўла ва аниқ равшанлантириш.

Бедарак йўқолган шахснинг «жиноят қурбони» деган версияни текшириш учун, унинг мурдасини, жиноят қуроли ва изларини, қон изларини, ариза берган шахснинг яшаш жойида, йўқолган шахснинг охирги бўлган манзили-жойида ва бошқа жиноятда гумон қилинганларнинг турар жойларида излаш лозим. Топилган излар, ашёлар бўйича тегишли текширувлар ўтказилади.

Янги туғилган чақалоқни онаси томонидан ўлдирилиши ёки ташлаб кетиши натижасида ўлим юз бериши ҳодисаларини тергов қилишда биринчи навбатда боланинг мурдасини топилган жойида кўздан кечирилади, унинг ўралганлиги, материалининг ўзига хос хусусиятлари, яланғоч, ярим яланғоч ҳолати янги туғилганлик белгилари, ўлим юз берган вақтдан топилгангача бўлган муддат, танасида қандай жароҳатлар мавжуд, ўлимнинг сабаби, жиноятнинг механизми аниқланади. Кўздан кечириш жараёнида ва сўнгра экспертиза текшируви ўтказилиб, бола тирик туғилганми ёки ўлик ҳолдами, тирик туғилган бўлса, туғилгандан сўнг неча вақт яшаган, туғилиш шароити ва жойлари (касалхонада, уйда ёки бошқа жойда) аниқланади.

Боланинг онасини топиш дастлабки тергов вазифаларидан бири. Аҳоли гавжум яшайдиган шаҳар шароитларида бу масалани ҳал этмоқ анча қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Касалхоналар (туғруқхоналар)га мурожаат қилган оналарнинг шахси аниқланади, уларнинг қандай масала бўйича мурожаат қилганликлари: туғиш, она бўлиш ёки хомилани тушириш, туғишни олдини олиш масаласи бўйича текширилиб, улар ичида қайсиларининг хомиладан бўшалиши номаълум шароитда юз берганлиги ва касалхонага мурожаат этмаганлиги ҳоллари бўйича текширилади, ўлган боланинг онаси шулар орасидан қидирилади.

Шубҳаланувчи аёл биринчи навбатда тиббиёт ҳужжатлари асосида,

сўнгра гувоҳлантириш ва экспертиза текшируви ўтказиш билан қачон туққан, саломатлик ҳолати, туғиш жараёни нормал кечганми, туғиш оқибатида нохуш ҳоллар юз берганми аниқланади. Кўрсатилган вазиятлар ҳал этилгандан сўнг, муайян аёлдан гумон қилиш учун етарли асослар яратилади ва уни сўроқ қилиш ҳам мумкин бўлади. Сўроқ ўтказишдан олдин терговчининг қўлида гувоҳлантириш, кўздан кечириш баённомалари, суд-тиббиёт экспертизаси хулосаларининг бўлиши улар далил сифатида ишлатилиб, ёлғон кўрсатув беришининг олдини олишга ва фош этишга ёрдам беради.

4-§. Терговнинг кейинги босқичида ўтказиладиган ҳаракатлар

Тергов жараёнининг кейинги босқичи дастлабки тергов ва тезкор-қидирув чоралари натижасига боғлиқ. Сўроқни жиноят ҳодисасини кўрган, эшитган ва муҳим маълумотларни бериши мумкин бўлган гувоҳлардан бошлаш керак. Тезкор-қидирув чоралари ёрдамида аниқланган гумон қилинувчилар ушланиб, тегишли муддатларда сўроқ қилиниши ва уларнинг кўрсатмалари текширилиши лозим.

Кўздан кечириш натижасида топилган ашёвий далиллар, жиноят қуроллари, турли излар юзасидан криминалистик экспертизасининг алоҳида турлари ўтказилади. Жумладан, транспорт воситаси ёрдамида содир қилинган жиноятлар бўйича излари трасологик, йўл ҳаракат қоидасини қасддан бузиш ва йўловчини босиб кетиш ҳолатлари автотехник экспертиза, айрим синган ва алоҳида бўлаклар бўйича бутун бир предмет – қуролни аниқлашда трасологик, жиноий ҳодисасига тегишли бўлган турли ҳужжат матнлари бўйича хатшунослик тек-

ширувлари ўтказилади.

Отиш қуроли воситасида содир қилинган қотиллик ишларида қурол ва унинг ҳарбий қисмлари юзасидан баллистик идентификациявий текширув ва совуқ қуролларнинг баллистик экспертизаси ўтказилади.

Жиноят содир бўлган жойда, жабрланувчининг ва ишда гумон қилинувчининг танаси-кийимида турли модда ва микроматериаллар топилиши мумкин, хусусан жиноятчи пойабзалининг тагчармида ҳодиса жойидаги тупроқ ва турли биологик заррачалар, жабрланувчи кийимининг устки қисмида жиноятчининг эгнидан микрозаррачалар ўтиш ҳоллари амалиётда кўп учраб туради.

Бу микрозаррачаларни текшириш натижасида материал, модда ва маҳсулотларнинг қайси гуруҳга мансублиги, баъзида эса айнанлиги аниқланади

Келтирилган маълумотлар гумон қилинувчининг жиноят содир бўлган вақтда «мен бошқа жойда эдим, умуман ҳодиса жойида бўлмаганман» - деган важининг ёлғонлигини фош этиб, аксинча ҳолатни тасдиқлашга имкон беради.

Тергов жараёнида олинган хабарлар, турли экспертиза хулосалари, тергов эксперименти натижаларида янги ҳолатлар маълум бўлиши мумкин. Бу вазиятлар ва ҳолатларни ҳал қилиш учун баъзида дафн этилган жабрланувчининг майитини, бедарак йўқолган шахси номаълум мурдани кўмилган жойидан қайта очиб олиш «эксгумация» қилиш ва турли экспертиза текширувидан қайта ўтказиш ҳаракатлари ҳам амалга оширилади. «Эксгумация» ўтказиш учун зарурат суд-тиббиёт экспертизасини қайта-такрорий ўтказиш ва номаълум матннинг шахсини аниқлаш учун ҳам туғилади. Мазкур тергов ҳаракати махсус қарор ва прокурор рухсати асосида, дафн этилган-

нинг яқин қариндош-уруғларининг рози-норозилигидан қатъи назар ўтказилади.

Терговнинг бу босқичида айбланувчини сўроқ қилиш зарур бўлади. Сўроқ ўтказиш учун иш юзасидан йиғилган далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертиза хулосалари ва бошқа маълумотлар яна бир бор таҳлил этилиб, улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқми, орасида зиддиятлик вазиятлар йўқми текширилиб, айбланувчини сўроқ қилиш давомида уни ёлғон кўрсатма беришига қарши қўлланилиши мумкин.

Айбланувчини ёлғон кўрсатмасини текшириш ва ҳақиқатни исботлаш учун уни таниб олишга кўрсатиш, айрим берган маълумотлари асосида тергов эксперименти ўтказиш, юзлаштириш билан амалга оширилади. Шунингдек, айбланувчининг кўрсатмаларини ҳодиса ва жиноят жойида қайта текшириш билан ҳам тўғри-нотўғри эканлигини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Қотиллик жиноятини содир қилишда қўлланилган усуллар, алоҳида ўта раҳмсизлик ҳаракатлари, қурол хусусияти, жиноят қурбони бўлган шахс мурдасини бўлаклаш ҳолатлари юзасидан айбланган шахснинг ақли расолигини аниқлаш учун албатта суд-психиатрия текширувидан ўтказилиши лозим.

Жиноятда айбланганнинг ушланган жойида, яшаш манзилида зарур бўлганда тинтув ўтказмоқ мумкин. Тинтувнинг мақсади жиноят қуролини, изларини, ўғирланган қимматбаҳо буюм, пул маблағларини топишдан иборатдир.

Таниб олишга кўрсатиш, тергов эксперименти, юзлаштириб сўроқ қилиш ҳаракатларини ўтказишда криминалистик тактиканинг умумий қоида тартибига риоя қилган ҳолда амалга оширмоқ лозим. Айрим вазиятларни ҳал этишда ишнинг ўзига хослик томонларини назарда тутган ҳолда у ёки бу тактик қоидаларни қўллаш лозим.

Терговнинг сўнгги босқичида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг олдинма-кетинлиги, баъзида такрор ўтказилиши, аниқланаётган ҳолатнинг хусусиятига боғлиқ бўлиб, ҳар хил вазиятни ҳал этиш терговчининг мутахассис сифатидаги савиясига ва ишдаги тажрибаси ва ижодий ёндошувига боғлиқ бўлади.

26-боб. НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Номусга тегиш жиноятини криминалистик тавсифи

Номусга тегиш жинояти - шахсга қарши қаратилган оғир жиноятлардан биридир. Криминалистик тавсиф шу билан белгиланадики, бунда терговчи номусга тегиш ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш билан бир қаторда, жабрланувчи ушбу жиноятни содир этган деб кўрсатаётган шахсга туҳмат қилмаётганлигини аниқлаши лозим бўлади.

Ушбу жиноят асосан гувоҳларсиз содир этилади, шунингдек ҳар бир шахснинг шахсий ва жинсий ҳиссиётларига дахлдордир. Бу ҳолатлар жабрланувчи томонидан кўрсатма берилганда ўз ифодасини топади.

Бу каби жиноятларни тергов қилиш амалиёти жабрланувчига ўтказиладиган таъсир кучлилигидан далолат беради. Манфаатдор шахслар жабрланувчини алдаб ўзига оғдириб олиши, уйланишни ваъда қилиши ёки турли хил таҳдидлар, қўрқитишларни амалга ошириши ва бошқа йўллар билан руҳий таъсир ўтказиши мумкин. Кўп ҳолларда жабрланувчи ўз кўрсатмаларини ўзгартиради, яъни ҳодиса содир бўлмаган ёки умуман бошқа номаълум шахс томонидан содир бўлган ёҳуд жинсий алоқа ихтиёрий бўлган, деб ўз аризаларини қайтариб оладилар.

Бу тоифадаги жиноятларда жабрланувчининг кўрсатмалари далилларни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун жабрланувчининг кўрсатмаларини ҳар томонлама ва синчковлик билан холисона текшириш лозим. Чунки айрим ҳолатларда жабрланувчи турли мотив-мақсадларда айбланувчига туҳмат қилиши ҳам мумкин.

Номусга тегиш жиноятларининг содир этилиш усулини иккига бўлиш мумкин. Биринчи усулда жабрланувчига тўсатдан ҳужум қилиш орқали содир этилади, тажовуз очиқ жойда ёки биноларда бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ҳақорат сўзлар ва жисмоний куч ишлатиб ёки бирон-бир восита орқали таҳдид қилиниши мумкин. Ёрдамга чақириш, қаршилик кўрсатишни бартараф қилиш мақсадида жабрланувчини оғзи ёпилади, қўллари боғланади, наркоз ҳам ишлатилиши мумкин. Кўп ҳолларда жабрланувчининг кийимлари йиртиб ташланади.

Иккинчи усулда жиноятчи жабрланувчи билан таниш бўлган ёки биринчи танишиш пайтида қўлланилади. Бундай ҳолатда ҳам ҳужум тўсатдан бўлиши мумкин. Лекин, бундан ташқари бошқа усуллар ҳам қўлланилади. Жабрланувчи дастлаб маст ҳолатга келтирилади, унинг

диққатини турли суҳбатлар, турли предметлар, пейзажлар, парнографик суратлар томоша қилиш билан чалғитадилар. Жабрланувчининг иссиқ хонада ўзининг устки кийимини ечишдан фойдаланадилар. Баъзан жинсий мулоқотга оид гаплар ва ҳатти-ҳаракатлар қўлланилади. Бу охирги усуллар одатда вояга етмаганлар ва ақли заифларга нисбатан қўлланилади.

Юқоридаги усуллар шуни кўрсатадики, бундай жиноят ишларида жабрланувчи ва айбланувчининг ҳулқини далиллар йиғиндиси асосида номусга тажовуз қилинганми ёки йўқлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай тоифадаги ишларда излар ва ашёвий далиллар, жабрланувчи, айбланувчининг танасидан, кийимларидан ва ҳодиса содир бўлган жойдан олинади (тан жароҳатлари, биологик излар, микрозаррачалар, ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини ўзгариши).

Номусга тегиш жиноятидан қолган айрим излар тезда йўқолиш характерига эга (қон, сперма, жинсий аъзоларидаги айрим излар). Шунинг учун терговчи бу изларни тезда топиши ва қайд қилиши, уларни синчиклаб текшириши лозим. Бу далиллар кейинчалик жабрланувчи ва айбланувчи, гувоҳларни кўрсатмаларини текшириш имкониятини беради.

Номусга тегиш жинояти бўйича қуйидаги версиялар юритилади.

Айблов версияси: айбланувчи, жабрланувчининг эркига қарши унинг номусига теккан; айбланувчи ҳодиса жойида бўлган деган версия илгари сурилади.

Ҳимоя версияси: айбланувчи ҳодиса содир бўлган жойда бўлмаган, жинсий алоқага киришмаган ёки аризачининг хоҳиши билан жинсий алоқага киришган, жабрланувчи айбдор шахсни таърифлашда янглишган ёки атайлаб қасддан ушбу шахсни кўрсатмоқда, аризачига ҳеч ким тажовуз қилмаган деган фикр илгари сурилади.

Номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда қуйидаги ҳолатлар

исботланиши лозим:

- зўрлаш аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

- агар зўрлаш аломати мавжуд бўлса, қачон, қаерда ва қандай ҳолатда содир этилган;

- зўрлаш жисмонан ёки руҳий кўринишга эга эканлиги;

- жабрланувчи оғир аҳволга тушганми, у нимада ифодаланади;

- жабрланувчининг аҳволи қандай, унинг ёши, соғлиғи, эркак (аёл) кишиларга бўлган умумий муносабати қандай;

- айбланувчининг тавсифи, ёши, жабрланувчига бўлган муносабати, руҳий ҳолати, судланганлик ҳолати;

- номусга тегиш гуруҳ томонидан содир этилганда ҳар бирининг роли;

- номусга тегиш қандай оқибатларни келтириб чиқарган;

- тан жароҳатларининг сабаби;

- ҳомиладорлик ҳолати;

- таносил касаллиги билан зарарланмаганми;

- моддий ва маънавий зарар;

- жиноятнинг сабаби ва шароити.

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари

Бундай жиноят ишларига икки ҳолат хосдир: айбланувчи, жабрланувчи билан таниш ёки нотаниш. Бу ҳолатларни бир-биридан фарқи шундаки, айрим ҳолатларда нотаниш киши жабрланувчига бирдан тажовуз қилмайди, балки танишиш учун ҳаракат қилади. Таниш шахслар кутилмаганда қарши томондан тажовуз қиладилар, жабрланувчи бундай ҳолатни кутмайди, чунки эркак кишини танийди ёки уни тажовуз пайтида кўрмай қолиши ҳам мумкин.

Юқоридаги икки ҳолатни текширишда қуйидаги масалалар ҳал қилинади; жинсий алоқада бўлганлик факти мавжудми, жисмоний ёки руҳий зўрлик излари мавжудми ва қандай даражада.

Жинсий алоқада бўлганлик изларини, зўрлик аломатларини ва жиноятини аниқлашда жабрланувчи сўроқ қилинади, тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилади, ҳодиса содир бўлган жой текширилади, жабрланувчи, гумон қилинувчига нисбатан суд тиббиёт экспертизаси тайинланади, тинтув ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Жабрланувчини сўроқ қилиш. Жабрланувчини сўроқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Терговнинг йўналиши унинг натижасига боғлиқ. Шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, жабрланувчи руҳий тушкунлик ҳолатида янглишиши мумкин. Шунинг учун сўроқ қилиш режа асосида, натижаси эса ҳар томонлама текширилиб кўрилиши лозим.

Сўроқда жиноят содир қилинган вақт, тажовуз жойи, тажовуз тўсатдан қилинганми ёки жабрланувчи қандай усулда қаршилик кўрсатган, бақирганми, ёрдамга чақирганми, қандай овозда, тажовузчини тишлаганми ёки тирнаганми, жинсий алоқа охирига етказилганми, агар охирига етказилмаган бўлса нима сабабдан, тажовуз натижасида жабрланувчининг танасида қандай жароҳатлар мавжуд.

Жабрланувчи тажовузга қадар жинсий алоқада бўлганми, бўлган бўлса қачон (аниқ вақти) ҳомила ёки ҳайз (ой кўриш) ҳолати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади. Шунингдек, тажовуз пайтида жабрланувчининг устида бўлган кийимлари сақланиб қолганми ёки қолмаганлиги ҳақида батафсил маълумот олинади.

Сўроқ жараёнида руҳий зўрлик ишлатилганлигини аниқлаш мақсадида қуйидагилар аниқланади: тажовузчи қандай таҳдид ишлатган, қандай зарар етказишни кўзлаган, қандай ҳуқуқлар бузилган, тажовузчи қачон таҳдидни амалга оширишни кўзлаган, таҳдид қандай кўринишга эга

бўлган (сўз билан, ҳаракати орқали, ишора орқали) айбланувчида таҳдидни амалга ошириш учун имкониятлар мавжудмиди ёки шу усулда таъсир ўтказмоқчи бўлганми, жабрланувчи таҳдидни қандай қабул қилган ҳолатни реал ҳолат ёки оддий қўрқитиш сифатида.

Жабрланувчи ожизлик аҳволда бўлганми ёки йўқлигини аниқлаш учун ундан содир бўлган ҳодисани фаҳмлаганми, қаршилик кўрсатиш имконияти бўлганми, спиртлик ичимликни истеъмол қилганми (ҳодиса содир бўлишидан олдин) агарда истеъмол қилган бўлса, қанча ва қандай ичимлик эканлиги аниқланади.

Жиноятчи номаълум бўлган ҳолатда батафсил унинг ташқи кўриниши белгилари, идрок этиш шароити аниқланади. Жиноятчини ташқи белгиларини аниқлашда, унинг алоҳида белгиларини назардан четда қолдирмаслик керак. Юриши, гапириш усули, товуши, ўзига хос ҳаракатлари, кийимидаги ва юзидаги алоҳида белгилари аниқланиши лозим. Булардан ташқари, жиноятчи қайси томондан келгани ва қайси томонга кетгани, иш жойи ёки ўртоқларидан бирортасини исмини тилга олган ёки олмаганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Терговчи жабрланувчининг кўриш, эшитиш, идрок этиш қобилиятига ҳам эътибор бериши лозим. Жабрланувчидан жиноятчини кўрса таниб олиши мумкинлиги сўралади. Жабрланувчидан жиноятчи уни кузатганми, қачон ва у буни қаерда сезиб қолган, жиноятчи билан руҳий алоқага киришганми, қайси йўл билан ҳодиса содир бўлган жойга келганлиги, тажовуздан кейин жиноятчи уни кузатиб қўйганми, деган саволлар бўлиши лозим.

Агар жиноятчи жабрланувчи билан таниш бўлса қуйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим; содир этилган ҳодисага қадар у айбланувчи билан қандай муносабатда бўлганлиги, учрашганми, қачон, қаерда неча марта; учрашув қандай кечган, айбланувчи жабрланувчини жинсий алоқа

қилишга иштиёқ уйғотишга ҳаракат қилганми, уларни муносабатларини бузилишига олиб келган далиллар мавжуд бўлганми (хиёнат, ҳақорат, никоҳдан ўтишни рад қилиш), жабрланувчи айбланувчидан хизмат юзасидан ёки моддий жиҳатдан қарам бўлганми, тажовуздан кейин айбланувчи томонидан жабрланувчига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаслик тўғрисида бирор таҳдид қилинмаганми?

Жабрланувчини сўроқ қилиш тактикасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Агар номусга тегиш содир этилган пайтдан бошлаб тергов ҳаракатлари олиб борилса, аёлга биринчи навбатда имконият яратиши, кийимларини тартибга солишга вақт ажратиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жабрланувчини аҳволини тўғри баҳолай олиш керак. Бундай ҳолатда терговчидан хушмуомалалик, зийраклик, ғамхўрликни талаб қилади.

Агар жабрланувчи тажовуз тўғрисида гапиришга уялса, унга бу ҳақда ҳеч ким билмаслигини ва айбланувчини жавобгарликка тортиш учун асос бўлишини тушунтириш лозим. Жабрланувчи ўз кўрсатмаларида тиббий атамалардан қўллаши ва ёзма тариқасида тақдим этиши мумкинлигини таклиф этиш керак. Сўроқ натижалари ижобий бўлиши учун жабрланувчини катта ёшдаги терговчилар сўроқ қилгани мақсадга мувофиқдир. Жабрланувчини ҳодиса ҳақида сўроқ қилишнинг охирида жабрланувчидан ушбу шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги аризани ихтиёрий равишда бераётганлиги сўралади.

Агар жабрланувчи ҳодиса содир бўлгандан кейин ўша заҳоти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берса (жиноятчи номаълум бўлса), тезда уни қидирув ҳаракатлари ташкил этилади. Терговчи жабрланувчини қидирув ходимлар (билан ўргатилган итларни) олган ҳолда ҳодиса жойига етиб борадилар ва гумон қилинувчи қайси томонга кетган бўлса шу томон йўналиши текширилади. Жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмалари асосида қидирув ҳаракатлари ташкил этилади.

Топшириққа нафақат гумон қилинувчининг анатомик белгилари, балки функционал белгилари ҳам баён этилади. Айрим ҳолатларда жиноятчи бўлиши мумкин жойларда қўриқчи, патруллар ташкил этилади.

Агар терговчи гумон қилинувчи шахс тўғрисида бирон-бир маълумот бўлса, суриштирувчига бу маълумотларни етказиб гумон қилинувчининг терговдан яшириниши мумкинлиги ва уни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида топшириқ бериш лозим. Бундай ҳолатларда гумон қилинувчини прокуратура ёки ички ишлар органларига олиб келиш буюрилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жабрланувчини сўроқ қилгандан кейин, иложи бўлса, унинг ҳамкорлигида амалга оширилади. Кўздан кечириш натижасида қуйидагилар қайд этилиши мумкин: биологик ҳарактердаги излар (сперма, қон, сўлак, ҳид, тер) олишувдан қолган қўл, бармоқ излари, жабрланувчи ва жиноятчини ҳодиса жойига қайси томондан келганлиги ва ундан қолган оёқ пойабзал излари, қолдирган ёки тушиб қолган бошқа предметлар. Жабрланувчининг кўрсатмаларини ҳодиса жойида кўздан кечириш, топилган изларни, предметларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ҳодиса жойини кўрсатиш вақтида жабрланувчи сўроқ пайтида ёдидан чиқарган ҳолатларни қайта эслаши ва бу ҳақда терговчига тушунча бериши мумкин.

Жабрланувчининг ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирокини кўп ҳолларда айбсиз шахсларга туҳмат қилмаётганлигини аниқлаш мақсадида ҳам ташкил этилади. Бундай ҳолларда уни кўрсатмалари батафсил текширилади. Акс ҳолда у тажовуз тўғрисида ёлғон (ўйдирма) кўрсатма бериши ҳам мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам жабрланувчини ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнига жалб қилиш ижобий натижалар бериши мумкин. Жабр-

ланувчини иштироки ва ҳар бир берган кўрсатмаси баённомага қайд этилиб борилади. Жиноятчи ҳодиса жойидан ўзи билан тупроқ, чанг ва бошқа моддаларни олиб кетганлигини кўздан кечириш чоғида эътиборга олиш керак. Шунинг учун бу нарсалардан нусхалар олиш лозим.

Суд-тиббиёт экспертизаси. Жабрланувчини суд тиббиёт экспертизасидан ўтказиш, олинган кўрсатмаларини текшириш ва ушбу масалани ҳал қилиш йўлларини белгилаб беради. Экспертиза имкон қадар зудлик билан ўтказилиши лозим, акс ҳолда тажовуз ва жинсий алоқа излар йўқолиши мумкин.

Суд тиббиёт экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этади: жабрланувчининг жинсий аъзолари ва танасида жароҳатлар мавжудми, унинг ҳарактери, муддати, пайдо бўлиш сабаби, даражаси, нима орқали зарар етказилганлиги, номусга тегиш орқали етказилган бўлиши мумкинми, жабрланувчи маст ёки потологик ҳолатда бўлган ёки бўлмаганлиги аниқланади. Бундан ташқари, жабрланувчи ҳодисадан олдин ҳам жинсий алоқада бўлганми, таносил касаллигига чалинмаганми, ҳомиладорлиги, жинсий йўлакларида ва танасининг бошқа қисмларида сперма, қон, изларини мавжудлиги, уларнинг гуруҳи аниқланади.

Суд-тиббиёт экспертизасига далилий ашёларни жўнатиш муҳим аҳамият касб этади. Яъни жабрланувчининг кийимлари, унда кўпгина биологик ҳарактердаги излар қолиши мумкин. Булардан ташқари, экспертизага ҳодиса жойидан топилган предметлар ҳам юборилади.

Айрим ҳолларда жабрланувчининг кийимлари экспертизадан ўтказишда, унинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин. Чунки бу тажовуз изларни тезда топишга ёрдам беради.

Суд тиббий хулосасини баҳолашда жабрланувчининг жинсий аъзоларга етказилган зарарни мавжуд эмаслиги, аъзоларни эластик ҳолатини ҳам назарга олиш лозим.

Суд-тиббиёт экспертизаси ашёвий далилларни текшираётганда қуйидаги ўзига хос саволларга жавоб беради: текширилаётган объектда қон, сперма, сўлак, соч излари мавжудми, улар инсонга тегишлими, қон гуруҳи қанақа, бу биологик излар аниқ шахсга хослиги аниқланади. Бундан ташқари, суд-тиббиёт экспертизаси доғ, қон, соч, изларни айнан тана қисмини қайси жойидан ажралиб чиққанлигини аниқлаб беради.

Сочга нисбатан қуйидаги ҳолатлар аниқланади: узилганми, қирқилганми, агар қирқилган бўлса, қачон, унда ифлосланиш, зарарланиш ёки аниқ предмет излари мавжудлиги аниқланади.

Гумон қилинувчини суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш қуйидаги ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради: жабрланувчи билан жинсий алоқада бўлганми, гумон қилинувчининг танасида жабрланган шахс томонидан қаршилик кўрсатиш пайтида етказилган жароҳат мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади. Гумон қилинувчининг кийимидан топилган биологик излар кечиктирилмай олиниши ва суд-тиббиёт экспертизасига юборилиши лозим.

Бундан ташқари, суд-тиббиёт экспертиза ходими томонидан гумон қилинувчининг танасида жабрланувчи кўриши мумкин бўлган татуировка ва ўзига хос бошқа алоҳида белгилари қайд этилиши лозим. Айрим ҳолатлар эксперт олдига гумон қилинувчи таносил касаллиги билан касалланганми ёки йўқми, агар касалланган бўлса унинг муддатини аниқлаш тўғрисида саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Криминалистик экспертиза. Жабрланувчи ва гумон қилинувчининг кийимларидан йиртилган парчаларни, пойабзалда ёки кийимларда ҳодиса жойидан олиб кетилган моддаларни ва бошқа изларни аниқлаш мақсадида криминалистик экспертизаси тайинланади. Бу экспертиза ёрдамида жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ҳодиса жойида бўлганлигини, қолдирилган микроизларни аниқлаш мумкин.

Тинтув. Гумон қилинувчидан нарсаларни олиш ва текшириш зарурияти тинтув ўтказишни тақозо этади. Тинтувда ҳодиса жойидан олиб кетилган жабрланувчига ёки яқин қариндошларга тегишли нарсалар, шунингдек жабрланувчига таҳдид солинган вақтида гумон қилинувчининг устида бўлган кийимлар изланиши мумкин. Ушбу нарсаларни излашда уйнинг омборхоналарида мавжуд ҳар бир нарса синчковлик билан текширилиши лозим.

Топилган ва олинган нарсалар ўша жойда баённомада қайд этилади (қаердан, қай ҳолатда олинганлиги) ва далилий ашё сифатида махсус идишларга солиниб муҳрлаб қўйилади.

Номаълум жиноятчини топиш. Номаълум жиноятчини аниқлашда жабрланувчининг кўрсатмаларидан ташқари терговчи аниқ мослама асосида жиноятчини топишни режалаштиради. Гумон қилинувчининг шахсини аниқлашда унинг ташқи кўриниши, белгилари асосида версия тузилади. Жиноятчини ташқи кўриниш белгилари ўзига хос анатомик ва функционал белгилари, алоҳида белгилари, жиноят содир этилиш жараёнида шикастланганлиги, кийими, папкаси ва жиноятчи фойдаланган бошқа нарсалар ҳам аниқланади. Юқорида санаб ўтилган маълумотларни жабрланувчи-гувоҳдан, шунингдек ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижасида ҳамда тезкор- қидирув ҳаракатлари орқали олиши мумкин.

Номусга тегиш жинояти бўйича жиноятчининг субъектив хусусиятлари ўзига хос аҳамиятга эгадир. Масалан, жабрланувчи билан дастлабки танишишдаги одати қандай бўлганлиги, унинг машғулоти тўғрисидаги маълумотлар жиноятчини аниқлашга ёрдам беради. Субъектив хусусиятлар шахслар билан муносабатда намоён бўлади. Буларга жабрланувчини танлаш (бу ерда ёши, руҳий ҳолати, таниш ёки нотаниш шахслиги) назарда тутилади. Тажовуз қилиш вақтини ва жойини танлаши (яшаш жойидан узоқ ва яқин жойда), жиноятни содир этиш усули (шафқатсизларча, маъ-

лум воситаларни қўллаб). Жабрланувчи билан бўлган жойда қолган излардан фақат жиноятчининг бўйи, вазни эмас, балки ўзига хос ҳаракатланиши, одати, индивидуал белгилари ҳам аниқланиши мумкин. Ўғирлаб олиб кетилган (олиб кетилган) предметлар унинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳақида гувоҳлик бериши мумкин.

Шубҳаланган шахсни номусга тегиш жиноятини содир этгандан кейинги ҳулқи (яқин кишиларига бу ҳақида баён қилиши ёки сукут сақлаши) ҳам жиноятчи шахси тўғрисида версия юритишга асос бўлади.

Жиноятчи шахси тўғрисида тўла маълумот олиш манбаи - гувоҳнинг кўрсатувидир. Шунинг учун терговчи терговни боришини режалаштириш жараёнида гувоҳларни топиш масаласига эътибор бериши лозим. Бу масалани ҳал қилиш учун жиноятчи жиноят содир этгунга қадар ва ундан кейин қаерларда бўлганлигини аниқлашдан бошланади. Қайси ҳудуддан излаш кераклиги жабрланувчининг кўрсатмалари орқали билиш мумкин.

Терговчи бундай ҳудудни аниқлаб, қайси гуруҳдаги шахслар ичидан гувоҳлар бўлиши мумкинлиги юзасидан иш олиб боради. Бу мақсадда терговчи ички ишлар ходимларига ҳодиса содир бўлган жойда ҳодисани кўрган шахсларни сўроқ қилиш вазифасини топширади. Ундан ташқари, тергов органи иш юзасидан қидирув ҳаракатлари бўйича радио, телевидениеда, газета журналларда ҳалққа мурожаат қилади. Гувоҳ сифатида сўроқ қилинаётган шахсдан терговчи жиноятчининг анатомик ва функционал белгилари, унинг ва жабрланувчини ҳулқи тўғрисида, жиноятни тавсифловчи бошқа ҳолатлар тўғрисида маълумот олинади. Терговчи гумон қилинувчининг жиноят содир этган жойда бўлганлигини, жабрланувчининг қаршилигига қарамай зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилганлигини аниқлайди. Гумон қилинувчини ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлигини гувоҳнинг кўрсатмаларидан, (кўрган ва таниган), ҳодиса содир бўлган жойда қолган излардан: қўл, оёқ ва пойабзал, тиш, қон, сперма, сўлак,

кийим парчалари ва бошқа (майда зарралар, парчалар) предметлар аниқланади. Қолдирилган нарсалар айнан гумон қилинаётган шахсга тегишли эканлигини у билан бирга ишловчи ходимларга, қўшниларга кўрсатиб аниқлаш мумкин. Бундай предметларга футляр, кийим, пойабзал, тақинчоқ ва бошқалар киради. Ҳодиса жойидан топилган нарсалардан, қолган излардан экспертиза ёрдамида гумон қилинувчига ёки бошқа шахсга тегишли эканлиги аниқланади. Агарда жабрланувчи тажовуз қилган шахсни тавсифини сўзлай туриб, қандай предметлардан фойдаланганини аниқ айтиб берса, терговчи гумон қилинувчидан ушбу предметларни топишга ҳаракат қилмоғи лозим. Гумон қилинувчини ёнидан ёки уйидан ушбу предметлар топилмаса қидирувни тўхтатмасдан бошқа жойлардан, яъни гумон қилинувчининг сақлаш камерасига қўйганлигини ёки сотиб юборганлигини аниқлаш керак. Бундан ташқари, гумон қилинувчи бу нарсаларни ўртоғидан вақтинчага олган бўлиши мумкин. Буни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Синчковлик ва махсус сўроқ қилиш бундай ҳолатларда ижобий натижалар беради.

Гумон қилинувчи жабрланувчининг номусига текканлигини аниқлаш учун суд-тиббиёт экспертизаси (гумон қилинувчи ва унинг кийимлари) ўтказилади ҳамда гувоҳлар сўроқ қилинади. Гумон қилинувчи ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар хил версияларни келтириши табиий ҳол, албатта. Яъни танасида топилган тирналган жойлар бошқа аёл билан бўлган жинсий алоқа натижасида пайдо бўлган деб важлар келтириши мумкин. Бу версияни аниқлаш учун гумон қилинувчи сўроқ қилиниб, унинг олдига қуйидаги саволлар қўйилади: бошқа аёл билан жинсий алоқада бўлганми, бўлган бўлса охирги пайтда қачон, бундай ҳолатларда суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб, гумон қилинувчи таърифлаган аёл ҳамда жабрланувчи аёлнинг жинсий аъзолари текширилади. Бу ҳолат сочларга ва топилган кийим парчаларига ҳам тааллуқлидир.

Жинсий алоқани аёлнинг эркига қарши амалга оширилганлигини исботлаш мақсадида терговчи суд-тиббиёт ходими иштирокида олишув изларини, тирналган, гумон қилинувчи танасидаги тишланган жойларни, кийимлардаги шикастланган қисмини аниқлайди. Икки томон ҳам сўроқ қилинади жиноятчи мен фақат унинг табиий уялишини енгиб ҳаракат қилдим, аёл бунга қаршилик кўрсатмади ва менинг томонимдан тажовуз бўлгани йўқ, деган фикрни билдириши мумкин. Бу ҳолатни аниқлаш мақсадида гумон қилинувчига қуйидаги саволлар берилиши мумкин: айнан аёл томонидан жинсий алоқа қилиш хоҳиши борлиги маълумотларини тасдиқловчи қандай асос бор, у танасидаги тирналган, тишланган ҳолатни жабрланувчига етказилган тан жароҳатларни қандай изоҳлайди. Юқоридаги ҳолатларни аниқлашда нафақат ҳодиса содир бўлган жойдан изларни анализ қилиш орқали, балки қаршилик кўрсатишнинг давомийлиги, чақириқ, ёрдамга чорлаш каби ҳолатлар ҳам эътиборга олинади. Агар қаршилик аҳамиятсиз ёки умуман бўлмаган бўлса, бу гумон қилинувчининг жисмоний устунлиги билан боғлиқ эмасми (ҳодиса содир бўлган жой шароити қаршилик кўрсатиш бефойдалигидан далолат бермаганмикин). Бундан ташқари, жабрланувчи қўрқиш ёки жисмоний, руҳий ҳолати, касаллиги туфайли қаршилик кўрсата олмаганлиги ҳам текширилиб кўрилади. Суд психиологик ва суд-психиатрия экспертизалари терговчига бундай масалани ҳал қилишда ёрдам беради.

Терговчи тажовуз жараёнида жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлигини аниқласа, бу ҳолатга гумон қилинувчи олиб келдими ёки у бундан фойдаланганлик факти (гумон қилинувчи бу ҳолатни билган ёки ақли етмаган) аниқланади. Жабрланувчи руҳий касалликка чалинган ёки руҳий ҳолатига таъсир қилувчи бошқа воситалар (спиртли ичимлик, руҳиятга таъсир қилувчи моддалар)дан истеъмол қилган бўлса, тажовузчининг ҳаракатларини англай олмайди ва қаршилик кўрсатишга ожизлик қилади.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича жабрланувчидан гумон қилинувчи ва кўрган (бевосита ва билвосита) гувоҳлардан сўроқ орқали аниқлаштирилади.

Гувоҳлар сўроқ қилинганда жабрланувчининг ҳолатини таърифловчи саволлар: юриши, гапириши сабабсиз бақириши, кулиши ёки йиғлаши каби далиллар аниқланади. Терговни объектив олиб бориш мақсадида қуйидаги ҳолат аниқланади: айбланувчининг ҳаракатини жабрланувчи иғво йўли билан тажовуз деб кўрсатмоқчи эмасми, у билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилмаганми.

Шахсга туҳмат қилаётган бўлиши мумкин, деган версияни алоҳида текшириб кўриш лозим. Бундай версия юритишга асос қилиб аризани кечиктириб берилиши, бундай қилишга яқин қариндошларининг таъсири бўлганлиги, тажовуз вақтини ва жойини тахминий тасвирлаши, жабрланувчининг кўрсатмаси ва иш юзасидан йиғилган маълумотлар ўртаси, жиддий зиддиятлар мавжудлиги, айрим кўрсатмаларнинг нотўғри эканлиги, бўлиб ўтган воқеа тўғрисида эркин, бепарволик билан сўзлаш ҳолатлари олинади. Бундан ташқари ушбу версияни текшириб кўриш учун қуйидаги масалалар: жабрланувчининг номусига тегилганлиги унинг яқин қариндошларга қандай маълум бўлди, аризани ўзининг хоҳиши билан ёки бошқа шахслар таъсирида берганлиги, тажовуз излари мавжудми, унинг кўрсатмалари ўртасида қарама-қаршилик мавжудми, жабрланувчи ва гумон қилинувчилар ҳодисага қадар ўзаро муносабати, улар қандай танишишган, туҳмат (иғво) мотиви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланади. Бу саволларга жавоб топиш учун нафақат гумон қилинувчи ва жабрланувчи сўроқ қилинади, балки гумон қилинувчи ва жабрланувчини танувчи гувоҳлар, улар аҳволидан хабардор (ҳодисага қадар ёки ҳодисадан сўнг ўз кечирмалари билан ҳам суҳбат бўлган) шахсларни топиб сўроқ қилиш лозим.

Гумон қилинувчи (айбланувчи)ларни сўроқ қилиш тактикаси.

Терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилиш режасини тузганда гумон қилинувчи ўзини ҳимоя қилиш учун келтириши мумкин бўлган важларни (алибиси, яъни айбланувчининг жиноят содир этилган вақтда бошқа жойда бўлиши, айбсизликни билдирувчи ҳолат, ихтиёрий жинсий алоқада бўлганлиги ёки жинсий алоқада бўлган ҳолатини инкор этиши) таҳмин қилиб версиялар тузади. Гумон қилинувчининг алибисини текшириш учун номусга тегиш жинояти содир этилган вақтда қаерда ва қандай машғулот билан шуғулланганлиги тўғрисида гумон қилинувчининг важини тасдиқловчи шахслар сўроқ қилинади.

Гумон қилинувчи жинсий алоқани ихтиёрий бўлган деб жабрланувчи билан жинсий муносабати мавжудлигини асос қилиб кўрсатиши мумкин. Бу версияни текшириш учун у сўроқ қилинади. (Бу алоқалари қачондан бери давом этмоқда, бу муносабатлардан ўзининг ва жабрланувчини яқин қариндошлари хабардорми ва бунга уларнинг муносабати, улар ўртасида жанжал бўлганми).

Гумон қилинувчи, жабрланувчи билан учрашганлигини инкор этмаслиги мумкин. Лекин улар ўртасида ҳеч қандай жинсий алоқа бўлмаганлиги тўғрисидаги кўрсатмаси танасида тажовуздан қолиши мумкин бўлган излар бор ёки йўқлиги орқали аниқланади. Гумон қилинувчини сўроқ қилишда қуйидаги саволлар берилиши мумкин: охирги пайтда ким билан жинсий алоқага киришган ва қачон, учрашув қандай характерда бўлган, яъни ушбу учрашувдан унинг танасида; кийимида ҳеч қандай излар қолмаганлиги тўғрисида сўралиши мумкин. Гумон қилинувчи билан жабрланувчининг учрашув характерини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар аниқланади: қаерда ва нима сабаб билан учрашганлар, улар қанча вақт бирга бўлишган, нима қилишган, нима ҳақида гаплашишган, уларни бирон киши кўрганми ёки кўрмаганми, қандай ажрашишганлиги, учрашувдан қайтишда кимларни учратган ва бу учрашув

ҳақида кимлар хабардор эканлиги масалаларига аниқлик киритилади. Жабрланувчининг кўрсатмасидан фойдаланиб саволлар ҳажмини кенгайтириш ҳамда иккала томон кўрсатмаларини текшириш лозим.

Айбланувчи тергов давомида ўз кўрсатмаси ва жабрланувчи билан учрашганлик ҳолатини инкор этиши мумкинлигини назарда тутиб, ҳодиса содир бўлган жойни унинг иштирокида олиб борилиши ва ҳар бир ҳаракат баённомада, фотосуратга, видеоёзув орқали қайд этилиши лозим.

Айбланувчининг ёлғон кўрсатмаларини фош қилиш ҳамда ҳақиқий маълумотларни олиш мақсадида унга қуйидаги далилларни кўрсатиш лозим, яъни сўроқ баённомаси, эксперт хулосаси, тинтув ва ҳодиса содир бўлган жойдан топилган ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари баён қилинади.

Кўп ҳолларда сўроқ қилишдан ташқари, юзлаштириш тергов ҳаракати ҳам режалаштирилади. Номусга тегиш жинояти бўйича юзлаштириш ўтказиш олдиндан режалаштирилган ва асослантирилган ҳолда ўтказилиши лозим. Чунки бу тергов ҳаракати жабрланувчининг айниқса вояга етмаган ёш болаларни руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Юзлаштириш зарурият туғилганда, яъни қарама-қаршиликни бошқа тергов ҳаракатлари билан аниқлаш иложи бўлмаганда ҳамда бу тергов ҳаракати орқали кутилган натижага эришиш мумкинлигига етарли асос бўлгандагина ўтказилади. Юқоридаги ҳолати таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатига ҳам тегишлидир. Жабрланувчи сўроқда айбдорнинг анатомик ва функциявий белгилари ҳақидаги кўрсатмасини текшириш гумон қилинувчини гувоҳлантириш, суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш орқали аниқлаш мумкин.

3-§. Вояга етмаганлар номусига тегиш жиноятини тергов қилиш

Ушбу ишларни тергов қилишнинг мураккаблиги жабрланувчининг ёши билан боғлиқ хусусиятидир. Бу ҳолат кўпинча ёш болалар (6-10 ёш)га тааллуқлидир. Улар содир бўлган ҳодиса ҳақида маълумот бера олишмайди ёки гапирганда ҳам ҳаёлий (фантазия) ва бола тилида сўзлайди. Жабрланувчининг бундай маълумотлари жабрланувчининг тавсифи ва хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қайта текширилади. Жиноятчини ташқи кўриниш белгилари тўғрисидаги маълумотга ҳам ижтимоий кўз билан қараб гувоҳларни топишга ҳаракат қилиши лозим.

Бундай ҳолатда жиноятчини вояга етмаган шахслар номусига тегиб судланганлар орасидан қидирмоқ лозим. Ушбу ишлар бўйича таниб олиш ва юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказиш (жабрланувчи ва гумон қилинувчи ўртасида) тавсия этилмаса-да жабрланувчининг руҳий ҳолати бунга жавоб берса, жиддий зарурият туғилса, бундай тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Бундай тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин жабрланувчи ота-онаси билан суҳбатлашиши лозим. Бундан мақсад тергов жараёнида жабрланувчини тасодифий руҳий ҳолати бузилишининг олдини олишдир. Вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилишда педагог ёки ота-онаси, психолог иштирокида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Жабрланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан номусга тажовуз қилинганлик тўғрисидаги маълумотлари ҳар томонлама текшириб кўрилади. Чунки ўзаро жанжаллашиш натижасида қасд олишни мақсад қилиб, иғво уюштириш ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин.

Айрим ҳолатларда ушбу жиноят содир этилганлигини яширишади. Яқин қариндошларининг гап-сўзларидан қўрқиши жиноятни яширишга сабаб бўлади. Вояга етмаган 14-16 ёшдаги шахсларга нисбатан содир этилган номусга тегиш жиноятини тергов қилишда уларга нисбатан суд психиологик экспертизаси тайинланади.

Агар тажовуз 16-17 ёшли бўлган жисмонан яхши ривожланган қизга

нисбатан содир этилган бўлса, айбланувчи уни вояга етмаганлигини билган ёки билиши мумкин бўлган ҳолатни исботлаш лозим. Вояга етмаган шахсларнинг руҳий (психологияси) ҳолатини ўзига хослиги барча ҳолатларни синчиклаб кўриб чиқишни талаб қилади.

Гуруҳ томонидан содир этилган номусга тегиш жиноятини тергов қилиш. Бундай туркумдаги жиноятлар кўпинча вояга етмаган шахслар томонидан гуруҳ бўлиб содир этилади.

Тажовуз ҳам вояга етмаган шахсларга қаратилади. Айбланувчиларнинг кўрсатмалари бир-бирига қарама-қарши бўлади, яъни ўз айбини енгиллаштиришга ҳаракат қилиш, воқеа қоронғуда, маст ҳолатда содир этилганлиги туфайли ўзини бошқара олмаганлик важлари асос қилиб кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатда терговчи нафақат айбланувчилар ва жабрланувчини (гувоҳни) батафсил сўроқ қилади, балки айбланувчиларнинг ҳар бирини жиноят содир этишдаги иштирокини аниқлаш мақсадида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириб, тергов ҳаракатини ўтказади. Бундан ташқари, суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб, экспертга аниқланиши лозим бўлган ҳолат юзасидан саволлар ва ашёвий далиллар жўнатилади.

27-боб. ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ МУЛКИНИ МАНСАБДОР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ Талон-тарож қилиш жиноятларининг криминалистик тавсифи

Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятини таҳлил қилишда айбланувчининг ҳатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш ва бу ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш муҳим ўрин тутади. Жиноятнинг таркибини аниқлашда давлат ва жамоат мулкини мансабдор шахслар томонидан талон-тарож қилинишига криминалистик тавсиф бериш керак. Талон-тарож қилиш жиноятларини криминалистик тавсифига қуйидаги элементлар киради;

1) Жиноий тажовуз предмети;

2) Жиноятни содир этиш усули, ҳолати ва аниқ вазияти;

3) Жиноятчининг шахсий хусусиятлари;

4) Жиноятнинг оқибати.

Жиноий тажовузнинг предметига кўра, талон-тарожни қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) пулларни талон-тарож қилиш;

б) моддий қимматликларни талон-тарож қилиш;

Бу маълум даражада шартли, чунки кўп ҳолларда жиноятчилар моддий қимматликларни пулга айлантиришга ҳаракат қиладилар. Озиқ-овқат, енгил саноат тармоқлари моддий қимматликларни пулга айлантириш талон-тарож қилинганда кўпроқ учрайди. Масалан, гўшт комбинатида гўшт маҳсулотларини талон-тарож мақсадида қалбаки ҳужжатлар тўлдирилиб, улар мол етказиб берадиган тайёрлов ташкилотларига юборилади. Тайёр-

ловчилар бу маҳсулотлар сотиб олинганлиги тўғрисида қалбаки квитанциялар ёзадилар ва натижада нақд пул ўзлаштирилади.

Баъзи ҳолларда раҳбарнинг хизмат мавқеи моддий қимматликларни ва пул воситаларини олишга кенг имконият беради. Бундай шахсларнинг талон-тарож қилиш усули бошқаларникидан фарқ қилади. Омбор мудири, балки шофёрнинг содир қилган талон-тарож жиноятларида гарчи жиноят объекти битта бўлса ҳам уни содир қилиш усули бир-биридан кескин фарқ қилади.

Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини тергов қилиш ва очишда жиноятни яшириш усулларини аниқлаб берадиган излар йиғиндиси қолади. Жиноятчи олдиндан кўра билмаган бу излар жиноятни очишда муҳим роль ўйнайди. Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятининг криминалистик тавсифини кўрсатувчи изларнинг пайдо бўлишида жиноятни содир қилиш усули асосий рол ўйнайди.

Агар талон-тарож жинояти мансабдор шахслар томонидан содир этилган бўлса, уни содир этиш усули икки турга бўлинади:

1. Оддий талон-тарож, яъни ҳеч қандай ниқобсиз мулкни қонунсиз эгаллаб олиш.

2. Ниқоблаб содир этилган жиноят, бу жиноят қуйидаги усуллар билан содир этилади:

а) ҳисоб-китоб ҳужжатларини, ҳисоб-китоб реестридаги киримчиқим ёзувларини қалбакилаштириш;

б) савдо базаларида ва омборларда ҳисобга олинмаган ортиқча маҳсулотларни вужудга келтириш;

в) ишлаб чиқариш жараёнида ҳисобга олинмаган ортиқча маҳсулотларни вужудга келтириш;

г) ғаразли мақсадларда пулни бошқа шахсларга бериш;

д) пул воситаларини ноқонуний равишда, алдов йўли билан олиш.

Мансабдор шахслар томонидан талон-тарож жиноятлари ўзлаштириш, растрата, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, сохтакорлик, ваколат доирасидан четга чиқиш орқали ҳам содир этилади.

Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини ўрганишда жиноятчининг шахсий хусусиятларини ҳам эътиборга олиш лозим. Агар талон-тарож мансабдор шахслар томонидан содир этилган бўлса, уларнинг шахсий хусусиятлари, бир гуруҳ шахслар томонидан ташкилий равишда содир этилган бўлса, жиноят иштирокчиларининг ҳар бирининг роли, ташкилотчилари аниқланиши лозим. Кўпинча бундай жиноятлар фирибгарлар, юлғучлар томонидан содир этилади, улар молия-хўжалик ишлари, ишлаб чиқариш жараёнида ҳисоб-китобни яхши биладиган одамлар ҳисобланадилар.

Талон-тарож жинояти айрим шахслар томонидан содир этилган бўлса, бундай жиноятчилар таркибини асосан ўғрилар, талончилар, босқинчилар, олдин судланган шахслар, аксарият қисмини текинхўр элементлар ташкил этади.

Талон-тарож жиноятининг криминалистик тавсифига яна талон-тарож қилиш мотиви, айбланувчининг айбдорлик даражаси, келтирилган зарар миқдори, жиноят содир этилган вақт, жой ва шарт-шароитлар ҳам киради.

Жиноят процессуал қонуни ва жиноят процесси назарияси дастлабки терговни ўтказиш ва ишни судда кўришда исботлаш предмети ҳақида умумий ва бошланғич ҳолатларни аниқлаб беради. Исботлаш предмети кўрилаётганда жиноят таркибига ҳамда улар ўртасидаги объектив боғланишга аҳамият бериш лозим.

Талон-тарож ишларини муҳим ҳолатларини аниқлаш учун жиноий гуруҳ фаолиятининг ҳамда бир жиноятчи фаолиятининг бошланиши ва тамом бўлиши пайтини аниқ исботлаш жуда катта аҳамиятга эга.

Талон-тарож қилинган вақт тўла ва батамом аниқланса, жиноий гуруҳ иштирокчилари сонига ҳам аниқлик киритиш мумкин: Энг аввало, жиноятни қаерда, яъни қайси ташкилот ёки муассасада содир бўлганлигини аниқлаш лозим.

Жуда кўп ҳолларда талон-тарож жиноятлари кўзга ташланмаса-да, лекин дастлаб қайси ташкилотда талон-тарож содир бўлган, ҳодисанинг асосий воқеалари қаерда ривожланганлиги маълум бўлади. Бизга маълумки, талон-тарож жиноятлари турли хил йўллар билан амалга оширилади ва жуда кўп ҳодисалардан иборат бўлади.

Қуйида мансабдор шахслар томонидан талон-тарож жиноятларини очиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисалардан бир нечтасини кўриб ўтамиз:

1) мулкни талон-тарож қилиш факти;

2) талон-тарож жиноятчиларининг мансаблари - бу жиноят ҳодисасининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади, шунинг учун уларни аниқлаш жиноятни тўла-тўкис очишга ёрдам беради. Бунда икки ҳолатни кўришимиз мумкин;

- сохта ҳужжатлар билан талон-тарож қилинган мулк;

-умуман ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан ўғирланган мулк.

3) талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори, бу ҳолат исботланиши лозим бўлган ҳолатларга киради, бунда жиноят ҳодисаси етказилган зарарнинг миқдори ва ҳарактери аниқланади. Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдорига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- кўп миқдордаги талон-тарож;

- йирик миқдорда талон-тарож;

- жуда йирик миқдорда талон-тарож.

4) Жиноий гуруҳ таркиби ва шу гуруҳ иштирокчиларининг тавсифи ва уларнинг роли.

5) Ишга тегишли бўлган бошқа муҳим ҳолатлар:

а) айбланувчининг турмуш тарзи. Айбланувчининг турмуш тарзини ўрганишда фактларни иккига бўлиб кўриш мумкин;

- харажатлар миқдорини аниқлаш - бу ерда кунлик харажатлардан ташқари қуйидаги ҳолатлар, яъни ҳовли жой сотиб олиш ёки қимматбаҳо нарсалар ва бошқалар сотиб олиш ҳолатлари;

- даромад манбаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар;

- талон-тарож қилувчи мансабдор шахс томонидан жиноий йўл билан эгалланган мулк, қимматбаҳо нарсалар. Бу ҳодисаларни аниқлаш фақат айбланувчининг айбдорлик даражасини кўрсатиб қолмасдан, балки талон-тарож натижасида етказилган зарарни қоплашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам ҳисобланиши мумкин.

Қонунда суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари талон-тарож юзасидан тушган материалларни таҳлил қилиб, талон-тарож жиноятининг ҳар қандай белгиси топилгач, жиноят ишини қўзғатиши мумкин, дейилган. Бу белгиларни аниқлаш ҳам муҳим криминалистик аҳамиятга эгадир.

Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятининг белгилари жиноят ишини қўзғатишга асос бўлади, криминалистик маънода эса, талон-тарож қилувчининг ҳаракати билан вужудга келган шу турдаги жиноятнинг содир қилинганлигини кўрсатувчи маълум ўзгаришлардир.

Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятларининг аниқ белгилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- товар-материал қимматликларининг ортиқ ёки оз чиқиш факти;

- ҳужжатларни расмийлаштирмасдан мулкни олиб чиқиш ёки олиб кириш;

- ҳужжатда кўрсатилганидан кўп миқдордаги мулкни сотиш;

- моддий қимматликка эга бўлган айрим ҳаракатларда товарнинг

белгиланганидан кўплиги;

- тайёр маҳсулотларни, ярим фабрикатларни, хомашёни яширин реализация қилиш факти;

- товарларни савдо корхоналарининг ёрдамчи биноларидан сотиб юбориш;

- мулкни сарф қилгандан кўп деб кўрсатиш;

- маълум қимматга эга бўлган материалларни қийматини йўқотган, деб олиб кетиш;

- пул воситасини ва қимматбаҳо материалларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш;

- моддий қимматликлар ишониб топшириб қўйилган мансабдор шахснинг маошига тўғри келмайдиган турмуш тарзи;

-моддий жавобгар шахслар мулкнинг сақланишини ҳисоб-китоб ва назорат қиладиган маъмурият вакиллари ва хизматчилари билан мунтазам ичкиликбозлик қилиши.

Кўп ҳолларда талон-тарож ҳақидаги маълумотлар улар содир этилганлигини кўрсатиб туради. Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари ҳақидаги хабарларни текширишда маълумот йиғишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш лозим:

- товарларни ва қимматбаҳо буюмларнинг сонини текшириш учун кутилмаган инвентаризация ташкил этиш;

- муассаса, корхона ва уларнинг бўлимларини молия хўжалик фаолиятини ревизия этиш;

- товар ва қимматбаҳо нарсаларни юклаётган ва туширилаётган пайтда кимлигини кўрсатадиган қалбаки ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

- текширилаётган операцияга алоқадор мансабдор, моддий жавобгар ва уларнинг устидан назорат қиладиган шахслардан тушунтириш хатлари олиш;

- предметларни хусусияти, ўзаро боғлиқ бўлган процесслар ҳақида мутахассисларнинг фикрини олиш:

- тезкор-қидирув органларига қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида топшириқлар бериш;

- шу ташкилот, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш;

- муассаса, корхонанинг давлат ва жамоат мулкини сақлаш шароитлари, технологик процессларининг хусусиятларини ўрганиш.

2-§ Дастлабки материалларни таҳлил этиш, жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатлари

Жиноят ишини қўзғатиш учун кўп ҳолларда қуйидаги ҳолатлар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

1) ўтказилган тафтиш, инвентаризация ва бошқа текширув материаллари, агар бу материалларда корхона муассаса ва ташкилотларда текширув натижасида растрата ёки моддий қимматликлар мавжудлиги аниқланган бўлса;

2) тезкор-қидирув йўли билан тўпланган материаллар асосида ЖПКнинг 322-моддасида жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари берилган, уларга қуйидагилар киради:

1) шахсларнинг аризалари;

2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган маълумотлар;

3) оммавий ахборот воситалари берган маълумотлар;

4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;

5) айбни тан олиш ҳақидаги арз.

Булардан ташқари жиноят белгилари ҳам талон-тарож жиноятини тергаш бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади. Ушбу белгиларни кўпинча инвентаризация ва актларида кўриш мумкин.

Терговнинг қанчалик тез ва самарали бўлишлиги тергов органларига талон-тарож жиноятларининг белгилари мавжудлиги тўғрисидаги фактларни аниқлаш тафтиш материалларининг қанчалик тез ва ўз вақтида берилишига боғлиқ.

Тафтиш молия-хўжалик органлари томонидан белгиланган режа асосида ёки тўсатдан ўтказилади ва бу тўғрида акт тузилади. Актда қандай корхонада талон-тарож фактлари топилганлиги, ким томонидан ва қаерда аниқланганлиги тўлиқ кўрсатилган бўлишлиги лозим. Акт 5 кундан кечиктирилмасдан прокуратура ёки ички ишлар органларига берилиши керак.

Тафтиш материалларини таҳлил қила туриб терговчи қуйидаги ҳолатларга ўз эътиборини қаратмоғи лозим:

а) текширув ваколатли шахслар томонидан тегишли мутахассисларни (ҳисобчи, муҳандис ва ҳ.к.) жалб этиш ўтказилганлиги;

б) текшириш ушбу хўжалик тармоғида ўрнатилган тартибда ўтказилганлиги;

в) тафтиш актида у ёки бу хатоликлар аниқ далиллар асосида ифодаланганлиги ва уларнинг ҳар тарафлама текширилганлиги;

г) текширув материаллари тегишли ташкилот раҳбарлари томонидан кўриб чиқилганлиги ва уларнинг бу тўғридаги хулосалари;

д) тўпланган материалларнинг тўлиқлилиги;

е) аниқланган далиллар бўйича жавобгар бўлган шахсларнинг қандай тушунтириш берганлиги ва бу тушунтириш бўйича тафтишчи қандай хулоса берганлиги.

Агар жиноят иши тафтиш материаллари асосида қўзғатилган бўлса, қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатлари амалга оширилади:

а) тафтиш асосида аниқланган ва асосланмаган деб ҳисобланган ҳужжатларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш;

б) тафтиш томонидан аниқланган қалбакилаштирилган ҳужжатларни тайёрлаган шахсларни сўроқ қилиш;

в) далилий ашё бўладиган ҳужжат ва предметларни қидириб топиш мақсадида айбланувчиларнинг турар жойларида, иш жойида тинтув ўтказиш, моддий зарарни қоплашни таъминлаш учун мулкларни аниқлаш ва рўйхатга олиш;

г) тафтиш материалларида кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш.

Тезкор-қидирув органлари томонидан тўпланган маълумотлар асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича қуйидаги дастлабки тергов ва ташкилий тадбирлар ўтказилиши мумкин:

а) жиноят устида ушлаш;

б) ушланган шахснинг уйида ва иш жойида тинтув ўтказиш, жиноятчининг мулкига банд солиш;

в) ҳужжатларни кўздан кечириш, зарур ҳолларда олиб қўйиш;

г) далилий ашё бўладиган предметларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш;

д) ишлаб чиқариш бинолари ва омборхоналарни кўздан кечириш;

е) гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш;

ж) инвентаризация ва тафтиш ўтказишни ташкил этиш.

Агар жиноят иши фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг берган шикоят ва аризаларини текширилиши асосида қўзғатилган бўлса, дастлабки тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирлар ушбу материалларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида аниқланади. Кўп ҳолларда бундай

вақтларда тергов ишини бошлашдан олдин инвентаризация ва тафтиш ўтказиш ташкил этилади.

Терговчи жиноят иши бўйича зарур барча ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳужжатлар терговчига дастлабки материаллар ва тафтиш материаллари билан келиб тушиши мумкин. Бундай материалларни тегишли ташкилотлардан, турли шахслардан - фуқаровий даъвогари, шикоятчилардан, гумон қилинувчи ва айбланувчилардан, гувоҳлардан талаб қилиб олиш ҳам мумкин.

ЖПКнинг 161-моддасига мувофиқ терговчи зарур бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Терговчи жиноят ишини тергашда қандай ҳужжат зарурлигини ва олиб қўйилиши лозим бўлганларини белгилаб қўйиши зарур. Бундай вақтларда терговчига мутахассис - ҳисобчи, иқтисодчи, криминалистлар катта ёрдам кўрсатишлари мумкин. Ҳисобчи ёки иқтисодчилар терговчига ҳужжатларни таҳлил қилишнинг қандай усулларидан фойдаланиши, терговчини қизиқтираётган операция қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши тўғрисида, криминалист эса кўздан кечирилаётган ҳужжатда қандай ўзгартиришлар, қалбакиликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар беришлари лозим.

Ҳужжатларни кўпроқ йиғиш учун ўтказилаётган дастлабки тергов ҳаракатлари тезкорлик билан ўтказилиши лозим. Кўздан кечиришга улгуролмаса ҳужжатлар сақланаётган жой муҳрлаб қўйилади. Кейинчалик бу ҳужжатлар тўлиқ ўрганилиб, кераклилари жиноят ишига қўшиб қўйилиши мумкин, қолганлари эса қайтариб берилади.

Инвентаризация терговчининг талабига мувофиқ махсус тайинланган комиссия томонидан корхоналарда, ташкилотларда маълум вақт оралиғида товарларнинг, пул воситаларининг мавжудлигини текшириб кўриш учун ўтказилади. Терговчи инвентаризация комиссия таркибига кирмаса-да, бу тадбир ўтказилаётган вақтда иштирок этиши мумкин.

Инвентаризация товар ва моддий қимматликларнинг ҳақиқий ҳолатини, мавжудлигини кўрсатиш учун қуйидаги шартларни бажариши керак:

а) инвентаризацияни ўтказишдан олдин: ёрдамчи хоналар, бинолар, ертўла ва бошқа кириш, чиқиш, моддий қимматликлар сақланаётган жойлар пломбаланиши ёки муҳрланиши лозим; кассадаги кундалик пул воситаларини ҳисоблаб чиқиш, барча тарози ва бошқа оғирлиқ ўлчагич асбобларининг тўғри ишлашини текшириб кўриш, моддий жавобгар шахсдан барча кирим ва чиқим ҳужжатлари ҳисоботга киритилганлиги тўғрисида тилхат олиниши лозим.

б) барча товар ва моддий қимматликлар қайтадан санаб чиқилиши, ўлчаниши, тортиб кўрилиши лозим;

в) инвентаризацияни ўтказишда моддий жавобгар шахс иштирок этиши шарт. Агар моддий жавобгар шахс қамоқда бўлса, олиб келиниши таъминланиши лозим, у оғир касал ёки атайлаб келмаса, инвентаризация унинг иштирокисиз ҳам ўтказилиши мумкин;

г) инвентаризация жиноят иши билан боғлиқ бўлган барча объектларда бир вақтнинг ўзида ўтказилиши шарт;

д) инвентаризация моддий жавобгар шахсга аввалдан билдирилмай, тўсатдан ўтказилиши лозим;

е) инвентаризация натижалари инвентаризация рўйхатларида қайд этилиб, инвентаризация комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланиши керак;

ж) инвентаризация мумкин қадар қисқа вақт ичида ўтказилиши лозим. Агар инвентаризацияни ўтказишга кўпроқ вақт талаб этилса, унда иш куни тамом бўлгандан кейин инвентаризация комиссия аъзолари милиция ходимлари билан биргаликда омбор ва моддий қимматликлар сақланётган бино эшикларини муҳрлаб кетиши лозим.

з) инвентаризация рўйхатига киритилган натурал қолдиқ маҳсулотлар, моддий қимматликлар ҳисобга олиниб, маълумотлар билан солиштириб кўрилиб, алоҳида тузилган ҳужжатда қайд этилади.

Тафтиш ўтказадиган мутахассис, тафтишчи томонидан корхона, ташкилот, муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия маълумотлари асосида текшириб кўриш учун ўтказилади. Тафтиш асосан жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказилади. Мободо, у жиноят иши қўзғатилишидан олдин ўтказилмаган бўлса, терговчи иш қўзғатилгандан-ноқ дарҳол ўтказиш чорасини кўриши лозим. Бу тўғрида у қарор чиқариб, унда қисман ёки тўлиқ тафтиш ўтказиш зарурлиги ёки зарур эмаслиги, аниқ объект ёки мансабдор шахснинг қайси давр ичидаги фаолияти тафтиш қилиниши лозимлиги ва тафтиш далолатномасини қачон тақдим этиш зарурлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Тафтиш тайинлаш тўғрисида чиқарилган қарор назорат-тафтиш органларига юборилади. Тафтиш олдига қўйиладиган вазифалар аниқ бўлиши лозим. Қоидага биноан муассаса ва ташкилотларнинг катта давр ичидаги фаолиятини тафтиш қилиш тавсия этилмайди, чунки у кўп вақтни талаб этиб, тафтиш ишларини чуқур ва тўлиқ амалга оширилишига ҳалақит беради. Агар тафтиш корхона ва ташкилотларнинг катта давр ичидаги фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлса, унда терговчи тафтишни бир гуруҳ тафтишчилар томонидан ўтказиш масаласини ҳал этиши лозим.

Тафтиш тўсатдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бир вақтнинг ўзида тафтиш қилинадиган объектдан ташқари у билан ўзаро алоқада бўлган бошқа объектларда ҳам тафтиш ўтказилиши шарт. Тафтишни тайинлаш билан бирга терговчи тафтишчиларга олдиндан талон-тарож қилиш, жиноятни яшириш усулларини, ҳатто тахмин этилаётган жиноятчиларнинг фамилияларини ҳам айтиш мумкин.

Терговчи тафтишчи билан доимий алоқада бўлиши лозим. Тафтишчи терговчига суиистеъмол қилиниш фактлари тўғрисида ахборотлар бериб турса, терговчи эса тафтишчига жиноят иши бўйича тўпланган янги материаллар тўғрисида маълумот бериб туради. Тафтишчи суиистеъмол қилиниш фактларини аниқлагандан кейин бу тўғрида хусусий далолатнома тузади ва уни дарҳол терговчига тақдим этади. Бу далолатноманинг мазмуни билан манфаатдор шахсларни таништириш шарт эмас, чунки улар кейинчалик тузилган умумий далолатнома мазмуни билан тушунтирилади.

Тафтиш ўтказишдан мақсад фақат камчиликлар ва ортиқча маҳсулотларни аниқлаш эмас, шу билан бирга ўтказилган у ёки бу операцияларнинг қонунийлигини текшириш, журналларда қайд этилган ҳужжат ва ёзувларнинг сифатли ва ҳақиқий эканлигини баҳолаш, натижалар математик жиҳатдан тўғрилигини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, тафтишлар ҳужжатларда қайд этилган операциялар ҳақиқатан ҳам амалга оширилганлигини ва уларнинг қонуний ҳарактерда эканликларини ҳам текширишлари зарур.

Мансабни суиистеъмол қилиш орқали давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жинояти ўзининг мураккаблиги ва кўп ҳодисалардан иборат бўлганлиги учун терговчидан катта ташкилий тадбир чораларини талаб этади. Терговчи тафтиш ва инвентаризация материаллари асосида ва тезкор-қидирув органлари, фуқаро ва мансабдор шахслардан тушган шикоятлар бўйича қўзғатилган жиноят ишлари бўйича баъзи предмет ва ашёвий далилларни қидириб топиши муҳим аҳамиятга эга.

Терговчи терговнинг бошланғич босқичида қуйидагиларни қидириб топиши жуда зарур деб ҳисобланади:

1) талон-тарож қилинган мулк;

2) жиноий йўл билан топилган пуллар; қимматликлар, омонат касса дафтарчаси, жиноий йўл билан топилган мулклар;

3) талон-тарож қилиш учун тайёрланган, ҳисобда бўлмаган хомашё, яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар;

4) жиноий битим билан алоқадор бўлган турли ёзувлар;

5) тергов учун керакли бўлган талон-тарож жинояти иштирокчиларининг уй манзиллари, телефон рақамлари ва бошқа маълумотлар;

6) турли ҳужжатлар ва ёрлиқларнинг тоза бланкалари;

7) терговчини қизиқтираётган ташкилот ва корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини ифода этадиган бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқалар.

Қайд этилган ҳолатларни аниқлаш ва далиллар тўплаш учун терговчи қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатларини ва ташкилий тадбирларни кўриши зарур:

1) жиноят устида ушлаш (хом ашёни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиш, қабул қилиш);

2) ушланганларни шахсий тинтув қилиш;

3) хизмат хона (бино)ларида тинтув ўтказиш ва уларни кўздан кечириш;

4) тинтув ўтказиш ва кўздан кечиришда тайёрланаётган ҳужжатлар, предметлар, тайёр маҳсулотларни муҳрлаш зарурати бўлса, айримларини олиб қўйиш;

5) пул ва мулкни банд қилиш, уларни олиб қўйиш ва қўриқлашга топшириш;

6) талон-тарож қилишда гумон қилинган шахсни сўроқ қилиш;

7) талон-тарож фактларини кўрган гувоҳларни сўроқ қилиш;

8) омборларда, савдо-муассасаларида ва ташкилотларда, кассадаги пул воситаларини инвентаризация қилиш ёки моддий қимматликларнинг қолдиқларини ҳисобга олиш;

9) харидорларни алдаш ҳолатларини аниқлаш мақсадида назорат тарзда харид қилиш ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини назорат учун топширишни ўтказиш;

Қайд этилган дастлабки тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирларни бажаришда топилган объектларнинг ҳолати, қўриқланиши, ҳужжатларнинг сақланиши аниқ ва батафсил қайд этилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Тафтиш ва инвентаризация материаллари асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилади:

1) тафтишчи ва инвентаризация ўтказган шахсни сўроқ қилиш;

2) далолатномада кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш;

3) камчилик борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш, тафтиш далолатномаси билан бирга, берилган ҳужжатларни олиб қўйиш ёки уларнинг йўқолмаслик чорасини кўриш;

4) камчилик учун жавобгар шахсни сўроқ қилиш; уларни тинтув қилиш;

5) уларнинг пул ва мулкини банд қилиш.

Жиноят устида ушлаш. Терговчи ички ишлар органи ходимлари билан биргаликда жиноятчини жиноят устида ушлаб, ундан тегишли ҳужжат ва предметларни олади, ушлаган жойи ва вақтини белгилаб қўяди. Талон-тарожчи кўп ҳолларда талон-тарож қилинган товар маҳсулотларини сотишда, уларни олиб кетишда ортиқча хомашёдан маҳсулот тайёрлашда хомашёни яширинча олиб кетишда ушланади. Жиноятчини жиноят устида ушлашга пухта тайёргарлик кўрилмоғи лозим: ушлаш бўйича тузиладиган тезкор гуруҳ таркибини аниқлаш, вазифаларини белгилаб олиш, ушлаш

вақти ва жойини аниқлаш, тўсатдан ушлашни таъминлаш, жиноий гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир вақтда ушлаш масаласини ҳал этиш имконияти борича ушлаш тезкор гуруҳни зарурий транспорт воситаси билан таъминлаш лозим.

Ушлаш вақтида талон-тарожчида бўлган барча ўғирланган мулклар, хомашё, яримфабрикатлар, тайёр маҳсулотлар, пуллар, ҳужжатлар олиб қўйилиши зарур.

Талон-тарожчини жиноят устида ушлаш фактининг ўзи унга маълум даражада психологик таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг натижасида у ўзи содир этган жиноят ва унинг иштирокчилари тўғрисида ноилож тўғри кўрсатув бериши мумкин.

Ушланганларни шахсий тинтув қилиш, уларнинг турар жойи ва иш жойларида тинтув ўтказиш.

Шахсий тинтув талон-тарожчи ушлангандан кейин дарҳол ўтказилади. Шахсий тинтувни ўтказишдан мақсад ушлангандан иш бўйича далил бўла оладиган предметлар ва ҳужжатларни олиш ҳисобланади. Баъзи вақтларда ушланган шахс ўзини фош қиладиган предметлар ёки ҳужжатларни отиб юбориши ёки йўқ қилишга ҳаракат қилиши мумкин. Шунинг учун, ушланган шахсни диққат билан кузатиш лозим бўлади, бундай ҳаракатлар қилиш сезилса, дарҳол унинг олдини олиш чорасини кўриш зарур.

Талон-тарожчи шахс ушлангандан кейин унинг уйида ва иш жойида тинтув ўтказилиши зарур. Тинтув вақтида топилган ва олинган мулклар ҳамда жиноий йўл билан йиғилган мулк ва қимматликлар иш бўйича муҳим далил бўлиб ҳисобланиши ва келтирилган моддий зарарни таъминлаш учун зарур ҳам бўлиши мумкин.

Хизмат биноларида, хоналарда тинтув ўтказишда талон-тарожчининг пули, қимматликлари, хизмат билан боғлиқ бўлган турли

ҳужжатларни, уларнинг жиноий операциялари тўғрисидаги ёзувларини қидириб топишга ҳаракат қилиш керак. Бундай вақтларда хуфя жойларни қидириб топишга ҳам ҳаракат қилиш лозим.

Тинтув ўтказишга тайёргарик кўришда умумий масалалардан ташқари мутахассис сифатида товаршуносларни, ҳисобчиларни, криминалистни жалб этиш масаласини ҳам ҳал этиш зарур бўлади.

3-§. Давлат мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини тергашни режалаштириш

Давлат мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари бўйича тушган материалларни терговчи ўз юритувига қабул қилар экан, бевосита шу ишда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиб тергов ҳаракатларининг бошланғич тайёрлаш ҳамда ташкилий чораларини ўтказиш режасини тузади.

Тайёрлов босқичи режаси терговчи томонидан ишни кўргунга қадар тузилади ва қуйидагиларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилади.

а) талон-тарож содир бўлган жойни, яъни муассаса, ташкилот ёки корхонанинг ишлаш шароити билан танишади, шу билан биргаликда, ўша муассаса, ташкилот, корхона маҳсулот билан таъминлаб турадиган ёки шу корхоналарни тайёр маҳсулотлари қайси ташкилот орқали реализация қилинганлиги ҳисобга олиниб, бу корхоналарнинг ишлаш шароити билан ҳам танишади;

б) ўша ташкилот ёки корхонанинг ҳисоб-китоб ҳамда ҳужжат оборо-ти тизимини ўрганади, шу билан биргаликда баъзи бир звено, цех ўртасидаги биргалашиб қилинадиган ҳаракатни аниқлайди;

в) гумон қилинаётган мансабдор шахслар тўғрисида маълумотлар тўплайди, бу маълумотлар ўз ичига ўша гумон қилинаётган шахсларнинг яқин алоқалари, таниш-билишлари, яшаш жойлари, мулкий аҳволи (авто-

машинаси, қимматбаҳо буюмлари, дачаси бор ёки йўқлиги) каби факторларни ўз ичига олади;

г) жиноий йўл билан талон-тарож қилинган мулк яширилиши мумкин бўлган жой аниқланади.

Ташкилий чораларни кўриш босқичи тергов ҳаракатларини бошланғич даврини тўғри ташкил қилишни таъминлайди, бу давр эса ўз мобайнида иш учун зарур бўлган далилларни тўплашда ва улардан унумли фойдаланишда хизмат қилади.

Терговнинг бошланғич босқичида бир қатор ташкилий чора-тадбирлар ўтказиш зарурияти туғилади, булар инвентаризация, тафтиш ва шунга ўхшаш текширишлар ҳисобланади.

Инвентаризация ва тафтиш материалларига кўра дастлабки тергов ҳаракатини бошланғич босқичини ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади;

- текшириш давомида камомад ёки ортиқча маҳсулот чиққанлиги сабаблари ҳақида мансабдор шахс сўроқ қилинади;

- инвентаризацияда иштирок этган тафтишчилар ва ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланадиган шахслар сўроқ қилинади;

- жиноят иши учун керакли ҳужжатлар олинади ва кўриб чиқилади.

Шунинг учун ҳам давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жинояти юзасидан муваффақиятли тергов олиб боришнинг шартларидан бири терговни режалаштириш бўлиб ҳисобланади. Терговни режалаштириш тергов жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилишга катта ёрдам беради, воқеа ҳолатини объектив, тез, тўла ва ҳар томонлама ўрнатиш, шунингдек жиноятчини қидириш ва уни фош қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Бу маълумотлар процессуал ҳамда тезкор-қидирув йўли билан тўпланган бўлиши мумкин. Тезкор-қидирув йўли билан тўпланган мате-

риаллар, иш бўйича далил кучига эга эмас. Лекин улардан терговчи режалаштириш ва тактик масалаларни ҳал қилишда фойдаланиши мумкин.

Фактик маълумотлар мажмуасининг тўлалиги ва мазмунига қараб, терговчи тергов вазифаларини аниқлайди, версиялар тузади, уларнинг текшириш йўллари ва усулларини белгилайди.

Терговнинг дастлабки вақтида жиноят изини ўзида сақлаган маълумотлар сони кам бўлади. Бу эса ишни режалаштиришни қийинлаштиради, чунки терговчи ҳар бир янги очилган ҳолатдан кейин режани кўриб чиқиши ва уни тўлдириб туриши лозим. Шунинг учун ҳам режалаштириш узлуксиз давом этадиган жараёндир, у фақат тергов тугаши билан тугайди. Режалаштиришда икки асосий қисмни ажратиш мумкин:

а) Ҳар бир босқич учун терговчининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.

б) Бу вазифаларни ҳал қилишнинг кўпроқ самарали усулларини ва тергов олиб боришнинг тўғри йўналишини танлаш.

Тергов йўналишини аниқлашда қуйидаги асосий ҳолатлар ҳисобга олиниши керак:

1. Аввало дастлабки тергов ҳаракатлари режалаштирилади, бу ҳаракатларнинг бажарилиши жиноят излари ва бошқа далилларни тез топиш, жиноятчини аниқлаш ва ўзлаштирилган мулкни яширилган жойни аниқлашга ёрдам беради. Бундай тергов ҳаракатларига асосан ҳодиса жойини, ҳужжатларни кўздан кечириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, тинтув, жиноятчини қидириш каби ҳаракатлар киради. Терговнинг кейинги босқичида ўтказиладиган ҳаракатларга - таниб олиш учун кўрсатиш - тергов эксперименти, юзлаштириш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш каби ҳаракатлар киради.

2. Режалаштириш тергов ҳаракатларининг содир қилинган жиноят ҳарактери, гумон қилинувчининг шахси, унинг кўрсатувлари, далиллари-

нинг мазмуни, илмий-техник ва бошқа воситаларни қўллашда мутахассисларни ишга жалб қилиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3. Тергов олиб боришнинг усул ва йўналишини белгилашда, суриштирув органлари ходимларига қандай топшириқлар бериш кераклигини илгаридан кўзда тутмоқ зарур. Бундан асосий мақсад, далиллар манбаини топиш, тезкор-қидирув тадбир-чораларини мувофиқлаштириш кўзда тутилади.

Терговни режалаштиришнинг асосий тамойилларига қуйидагилар киради:

а) индивидуаллик;

б) ҳаракатчанлик (динамиклик);

в) алоҳидалик.

Индивидуаллиги шундаки, режанинг бир типлиги, яъни бир нечта худди шундай жиноятлар бўйича ҳам режаларнинг бир хил бўлмаслигидир.

Ҳаракатчанлиги шундаки, режалаштириш тергов олиб бориш процессининг ҳамма босқичи давомида бирдай олиб борилади. Шунингдек, ҳаракатчанлиги деганда режанинг ўзгарувчанлиги тушунилади.

Йиғилган далилларга кўра, режа ўзгариши, унга қўшимчалар киритилиши, баъзи вақтларда эса умуман қайта тузилиши мумкин. Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш босқичида жуда кенг ва турли-туман ҳаракатлар олиб бориладики, улар ўз навбатида бир-бири билан боғлиқ, мувофиқлашган ва қисқа муддат ичида ижро этилиши керак бўлган ҳаракатлардир. Бу ҳаракатларни яхши ишлаб чиқиб, режа асосида амалга ошириш керак.

Режада ишлаб чиқилган версиялар кўрсатилмаслиги ҳам мумкин, чунки бу дастлабки тергов ҳаракатлари босқичининг асосий вазифаси

бўлиб, иложи борича кўпроқ далил тўплаш, уларни кейинчалик аниқлаш, яъни уларни тасдиқлаш чораларини таъмин этиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, далилий ашёларни йўқотиш, ўзлаштирилган мулк ҳамда пул-сармояларини яшириш фактларининг олдини олиш, мансабдор шахсларнинг тил бириктириши, гувоҳларни ёлғон кўрсатув беришга кўндиришнинг олдини олиш чораларини кўриш зарур.

Режада барча тахминлар, ҳар бир тахминни текшириш учун белгиланган барча тергов ҳаракатлари ва бошқа чоралар кўрсатилади. Давлат ва жамоат мулкларини мансабдор шахслар томонидан талон-тарож қилиш жиноятларини тергов қилишда бригада методи қўлланилади.

Бригада терговчиларининг иш режаси ҳар хил тузилиши мумкин.

1. Умумий режа бригада раҳбари томонидан ишлаб чиқилади ва бригада аъзолари ўртасида муҳокама қилинади.

2. Индивидуал режа ҳар бир терговчига топширилган вазифа юзасидан тузилади.

3. Ҳар бир ҳодисага оид режа. Жиноят ишидаги алоҳида ҳодисалар юзасидан бажариладиган ишлар юзасидан тузилади.

Режалаштирилган тергов олиб бориш натижасида тахмин кўринишдаги гипотеза муҳим аҳамиятга эга. Тахмин бу терговчи қўл остида бўлган материллардан келиб чиқувчи ҳамда етарли даражада асосланти-рилган, жиноий воқеа ёки уни содир қилган шахслар тўғрисидаги эҳтимоллардир. Содир қилинган жиноят бўйича, терговнинг дастлабки даврида, терговчига маълум бўлган далиллар етарли даражада бўлмаганлиги учун ҳам бир қанча тахминлар орқали уларни аниқлашга киришади. Тахминлар тўла ва аниқ бўлмаган маълумот беради. Лекин бу маълумот албатта текширилиши керак. Натижада илгари сурилган тахмин тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон бўлади.

Тергов жараёнида аниқ маълумотларни таҳлил қилиш билан асослантирилган тахмин юритиш моменти пайдо бўлганга қадар терговни режалаштиришда тахмин асосий роль ўйнайди.

Режалаштиришда тергов тахминларининг роли, терговнинг йўналишини аниқлаш билан чегараланиб қолмайди. Тахминлар алоҳида тергов ҳаракатларининг мазмуни ва тактикасини аниқланиши билан ўзгартилиши керак. Лекин камомадни аниқлашнинг ўзи моддий жавобгар шахсларнинг давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятида айбдор деб топиш учун ҳамма вақт асос бўла олмайди, чунки бу камомад бошқа сабаб натижасида бўлиши ҳам мумкин.

Мулкда камомаднинг аниқланиши муносабати билан қуйидагича тахмин юритиш мумкин:

а) давлат ва жамоат мулки моддий жавобгар мансабдор шахс томонидан уюштирилган ёки растарата қилинган;

б) мулкни бошқа шахслар томонидан талон-тарож қилинган;

в) камомад моддий жавобгар шахснинг ўз хизмат вазифасига совуқонлик билан қараши натижасида вужудга келган.

Моддий жавобгар шахснинг тушунтиришларидан келиб чиқадиган барча тахминлар албатта илгари сурилиши ва текширилиши зарур. Кўп ҳолларда талон-тарож жинояти у ёки бу усуллар билан яширилган бўлади, бу эса жиноятнинг ўз вақтида очилишга маълум даражада ҳалақит беради. Ҳужжатларни сохталаштириш - жиноятни яширишда кўп қўлланилади. Сохталаштирилган ҳужжатнинг топилиши, давлат ёки жамоат мулкининг талон-тарож қилинганлик фактини исботлашдан озод қилмайли, чунки ҳужжатни сохталаштириш турли сабаблар билан ҳам тушунтирилиши мумкин. Масалан, мулкни қабул қилиб олишда қўйилган хато оқибатида келиб чиққан камомадни қоплаш мақсадида ҳужжат сохталаштирилган.

Ҳужжатларни сохталаштириш натижасида мулкнинг маълум қисми асл ёки пул формасида ҳисобга олинмай қолади ва ҳисобга олинмаган мулк талон-тарож қилинади.

Сохталаштирилган ҳужжатларга нисбатан қуйидагича тахмин юритиш мумкин:

а) қўл остидаги ҳисобга олинмаган мулк бўлган моддий жавобгар шахс, шу мулкни ўзлаштириш мақсадида ҳужжатни сохталаштирган;

б) юқоридаги иштироксиз сохта ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин ёки уларнинг иштироки бундай ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштирувчи бошқа шахслар томонидан ҳужжатлар сохталаштирилган;

в) ҳужжат бошқа камчиликларни ёпиш мақсадида қалбакилаштирилган.

Ортиқча мулк турли сабаблар билан пайдо бўлиши мумкин. Кейинчалик ўзлаштирилган ортиқча мулкни қасддан ҳосил қилинганлик тўғрисида, бу мулкларнинг узоқ вақт ҳисобга олмаганлиги ортиқча мулкнинг мунтазам равишда пайдо бўлиб туришлиги каби фактлар гувоҳлик бериши мумкин.

4-§. Ҳужжатларни кўздан кечириш

Ҳужжатлар талон-тарож жиноятларини тергашда муҳим далиллардан бири ҳисобланади. Талон-тарож жиноятларини тергашда терговчи ҳужжатларни тўплаш, кўздан кечириш ва текшириш ишларини амалга оширади. Терговчи мутахассис-бухгалтер ёрдамида муҳрланган ҳужжатларни тўплайди, зарур ҳолларда меъёрий ҳужжатларни тегишли корхоналардан талаб қилиб олади. Терговчи тўплаган барча ҳужжатларни диққат билан таҳлил қилади, уларни текшириб чиқади. Ҳужжатларни текшириш усуллари уч турга бўлинади:

1) Айрим хисоб-китоб ҳужжатларини текшириш усули;

2) Бир-бири билан ўзаро боғлиқ операцияларни ифода этувчи бир неча ҳужжатларни текшириш усули;

3) Бир турдаги бошлиқларнинг ҳаракатини ифода этувчи ҳужжатларни текшириш усули.

Айрим хисоб-китоб бухгалтерия ҳужжатлари ўрнатилган тартиб бўйича текширилади, яъни ҳужжатларда барча зарурий реквизитларнинг борлиги ва уларда шубҳали реквизитларнинг бор ёки йўқлиги аниқланади.

Ҳужжатлар форма бўйича текшириб кўрилгандан кейин арифметик ва норматив текширувдан ўтказилади. Арифметик текширувда ҳужжатлардаги горизантал ва вертикал графаларда чизилган ёзувлар (рақамлар) солиштириб текширилади. Норматив текширувда эса ҳужжат мазмунининг ҳаракатдаги норматив актларга - инструкциялар, низомлар, қоидалар, харажат, чиқим нормаларига мос келишлиги текширилади.

Бир-бири билан боғлиқ ўзаро операцияларни ифода этувчи бир неча ҳужжатларни текширишда муқобил текширув ва ўзаро назорат усуллардан фойдаланилади.

Муқобил текширув усулида бир турдаги ҳужжатларнинг турли нусхаларини бир-бири билан ўзаро солиштириб текширишдир. Бу нусхалар бир ташкилотнинг турли бўлимларидан ёки бир неча ташкилотлардан олиниши мумкин.

Ўзаро назорат усулида бир турдаги операциянинг турли ҳужжатларда ифода этилиши солиштириб текширилади. Ўзаро назорат усули ҳар бир хўжалик операциясининг турли бухгалтерия ҳужжатларида ифода этилишига асосланган. Бухгалтерия ҳужжатлари бошқа турли-туман бошқа ҳужжатлар билан солиштириб кўрилиши мумкин. Масалан, кортатека ва омборлардаги журнал ёзувлари билан транспорт ҳужжатлари, меҳнат дафтарчалари, моддий жавобгар шахснинг ёзувлари ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳужжатларини текширишнинг хусусий усуллари ҳам мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1) Товар-моддий қимматликлар ва пул воситалари ҳаракатини бевосита ифода этувчи кирим-чиқим ҳужжатларидаги маълумотларни ушбу операцияни бошқа тарзда ифода этувчи ҳужжатлар-маълумотлар билан солиштириб кўриш;

2) Моддий-товар бойликларни олиш ва бериш операциясини ифода этувчи ҳужжатлардаги маълумотларни биринчи операция билан ўзаро боғлиқ бўлган бошқа операцияларни ифода этувчи ҳужжат маълумотлари билан солиштириб кўриш;

3) Моддий-товар бойликларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни улар ташиб ўтказилган таралар тўғрисидаги маълумотлар билан солиштириб кўриш;

4) Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисидаги маълумотларини тезкор учёт маълумотлари билан солиштириб кўриш;

5) Назорат касса тасмасидаги маълумотларни касса чеклар маълумотлари билан солиштириб кўриш;

6) Пул воситалари ва моддий товар бойликларни бериш тўғрисидаги пул воситалари ва моддий товар бойликларни ёзиш ва бериш учун асос бўлган ҳужжатлардаги маълумотлар билан солиштириб кўриш.

Бир турдаги қийматларнинг ҳаракатини ифода этувчи ҳужжатларни текшириш усули моддий қийматлар ҳаракатининг одатдаги тартибдан нотўғри четга чиқиб кетганлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Бу усул ёрдамида ҳужжатлардаги дастлабки ёзувлар тикланиб, талон-тарож жинояти содир этилганлик факти аниқланади. Ушбу усул қуйидаги ҳолатларни аниқлашда қўлланилади:

1) Бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилган, чалкаштирилган бўлса;

2) Бухгалтерия ҳисоби реестрлари тасодифан ёки қасддан йўқ қилинган бўлса;

3) Дастлабки ҳужжатлар тўлиқ хажмда мавжуд бўлса-да тахлилий ҳисобдаги ишларни қисқартиришни тақозо этмаган бўлса;

4) Тахлилий ҳисоб етарли даражада деталлаштирилмаган бўлса, мавжуд суиистеъмолликни аниқлаш учун тахлилий ҳисоб ўрнига миқдорига оид ва сортли ҳисобни тиклаш зарур бўлса.

Ҳисоб-китоб тиклангандан кейин моддий қийматларнинг одатдаги айланишдан четга чиқиб кетганлиги аниқланади. Ҳисоб ёзувларини тиклаш ёппасига, танлаб ўтказиладиган, тўлиқ ва натура турларга бўлинади. Ёппасига тиклашда маълум бир давр оралиғи ичида бажарилган маълум моддий қийматларнинг бирча номлари бўйича тикланади. Танлаб ўтказиладиган тиклашда эса айрим ҳисоб ёзувлари ёки айрим қийматларнинг номлари тикланади.

Ҳисоб ёзувларини тўлиқ ва нотўлиқ ҳисобга олишнинг хусусий усуллари тўғрисида юқорида баён этилди. Ҳисоб ёзувларини нотўла равишда тиклаш ҳам мавжуд бўлиб, унга қолдиқларни контроль солиштириб кўриш киради.

Қолдиқларни назорат тарзида солиштириб текшириш усулининг моҳияти шундан иборатки, бу усул орқали текширилаётган маълум давр, вақт оралиғида инвентаризациявий ведомостга бир хил турдаги товарлардан қолган қолдиқлар билан товарларнинг ҳаракатдаги бўлган миқдори текширилиб кўрилади.

5-§. Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни сўроқ қилиш

Сўроққа тайёргарлик кўриш. Дастлабки терговдаги сўроққа мувофиқ равишда, криминалистика тактикаси тавсия этган усуллар асоси-

да талон-тарож жинояти бўйича сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Талан-тарож жиноятлари бўйича сўроқ қилиш қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- жиноят содир бўлган ташкилот ёки корхоналарнинг асосий хусусиятларини ўрганиш;

- сўроқ қилинаётганнинг шахсини аниқлаш;

- сўроқни режалаштириш;

- сўроққа чақиришни ташкил этиш;

- сўроқ давомида фойдаланиши лозим бўлган далилларни тайёрлаш.

Сўроққа тайёрлаш жараёнида терговни режалаштириш лозим. Олдиндан ўйлаб тузилган режа асосида сўроқни олиб бориш уни тўғри ташкил этишга ва терговчи томонидан бошқа ҳолатларни аниқлашга имкон беради. Терговни олиб бориш жараёнида тегишли равишда гувохларни ажратиб олиш зарур;

1. Талон-тарож жинояти содир бўлган ташкилот раҳбарлари, бухгалтерлари ҳам давлат мулки ўзлаштирилганига маълум даражада айбдордирлар, баъзан эса мансабдор шахс билан алоқадор бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам терговчи бундай гувоҳларни сўроқ қилишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак, чунки улар терговни чалкаштириши ёки йўналишни бошқа тарафга ўзгартириб юборишлари мумкин.

2. Талон-тарож қилинган мулк билан бевосита алоқадор бўлган ишчилар. Бу омбор ходимлари, мулкни юклаш-туширишда иштирок этган ҳамда ортиқча мулк ҳосил қилинишини билган ишчилар бўлиши мумкин. Бундай гувоҳларнинг кўрсатувлари ўзлаштириш фактларини, ўзлаштирилган мулкнинг миқдори, жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир

қилинган бўлса, иштирокчиларнинг кимлигини, иштирокчилардан ҳар бирининг жиноятдаги ролини аниқлашга маълум даражада ёрдам беради. Бундай гувоҳларни сўроқ қилиш кўпинча ижобий натижа беради.

3. Талон-тарож қилинган мулкни ташишда ёрдам берган шахслар. Булар автомашина шофёрлари, юкни олиб боришда иштирок этган шахслар, яъни ишчилар бўлиши мумкин. Кўпинча маълум жойга юк олиб борган, лекин маршрут йўл варақасида акс эттирилмаган бўлса шофёрлар гувоҳ тариқасида қатнашадилар.

4. Юқори турувчи ташкилот ходимлари, тафтишчи ва назоратчилар.

Гувоҳларни кўрсатув бериш мазмунига қараб яна уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳдаги гувоҳлар ўз хизмат мансабидан фойдаланиб талон-тарож ишлари юзасидан бўлган фактларни бурттириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Булар корхона, муассасаларнинг бухгалтерлари, тафтишчилари ва раҳбарлари бўлиши мумкин. Уларни сўроқ қилишда кўрсатмаларини аниқлаштириб, ҳужжатларга асосланган ҳолда исботлашлари ва атрофлича тушунтириб беришлари талаб қилинади.

Иккинчи гуруҳ гувоҳлар аниқланган камомад, ортиқча маҳсулотларни бекитиб қолишга уринадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг кўрсатмаларини диққат билан тинглаш, ҳодисани тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Учунчи гуруҳ гувоҳларга жиноятни фош этиш зарур фактлар маълум бўлса ҳам бу ҳақида ҳеч нарса билмасликларини пеш қиладилар. Аслида улар талон-тарож қилган шахслар билан алоқада бўладилар. Булар шофёрлар, юк ташувчилар, қоровуллар, оддий сотувчилар ва бошқалардан иборат муҳим гувоҳлар ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган шахсларни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатларни аниқлаш керак:

а) гувоҳнинг айбланувчига нисбатан бўлган муносабати;

б) гувоҳда ўз кўрсатмасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ёзувларни бор ёки йўқлигини аниқлаш;

в) сўроқ мобайнида бошқа шахслардан олинган кўрсатмаларни тўғрилигини аниқлаш;

г) талон-тарож қилиш билан боғлиқ бошқа фактларни унга қанчалик маълумлиги ёки маълум эмаслигини сўраб билиш.

Гувоҳни сўроқ қилишда терговчининг тарбиявий функцияси аҳамиятини унутмаслик керак.

Гувоҳни сўроқ қилишда фақат унинг шахсини ўрганиб қолмай, балки шу билан биргаликда унинг тўғри кўрсатма беришига ҳалақит берадиган ҳолатларни аниқлаш терговчининг ўзига хос санъати ҳисобланади, чунки давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятида мансабдор шахслар одатда гувоҳларни йўқ қилишга, алдашга, сотиб олишга ҳаракат қилади.

Айбланувчи ва гумон қилингандан тўла ва ҳақиқий кўрсатма олиш учун терговчи сўроқ қилиш жараёнида бир қанча тактик усулларни қўллаши керак бўлади. Гумон остидаги шахс терговчи қўлида ўзини айблаш усун материал тўла эмаслигини яхши тушунади, акс ҳолда унга айб эълон қилинган бўлар эди.

Шунинг учун ҳам содир бўлган жиноятда ўз айби борлигини инкор этишга ҳаракат қилади. Талон-тарож жиноятида гумон остидаги шахс камомад келиб чиқишга ўзининг бевосита алоқаси йўқлигини, кўпинча улар ҳужжатларидаги хатолик ёки объектив омиллар асосида келиб чиққанлигини асос қилиб кўрсатадилар. Талон-тарож жиноятларини тергаш бўйича гумон остидагиларни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш катта аҳамиятга эга:

а) гумон остидаги шахсни сўроқ қилишда унинг асосий вазифаси, иш

бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун тўла ва ҳаққоний кўрсатув бериши;

б) унинг ўз айбига иқрор бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаса-да бу бошқа далиллар каби муҳимлиги;

в) ўз айбини бўйнига олиш айбдор эканлигини исботловчи фактор эмас, чунки унинг айбдорлиги бошқа далиллар билан ҳам тасдиқланиши зарурлиги;

г) шахснинг айбига иқрор бўлиши билан чегараланиб бўлмайди, бошқа жиноят иштирокчиларини ҳам «ҳиссаси»ни аниқлаш лозимлиги.

Иштирокчиларни аниқлаш ўзлаштирилган давлат ёки жамоат мулкининг миқдорини аниқлаш имконини беради.

Агар иш бўйича бир неча гумон остидаги шахсларни сўроқ қилишга тўғри келса, терговчи аввало сўроқни кимдан бошлаш масаласини тўғри ҳал қилиш, иш учун катта аҳамият касб этади.

Сўроқни аввало жиноятнинг иккинчи даражали иштирокчиларидан бошлаш зарур, бундай иштирокчилар кўпинча жиноятга тасодифан қўшилиб қолган шахслар бўлади ва объектив кўрсатма беришга ҳаракат қиладилар.

6-§. Талон-тарож жиноятини тергаш бўйича экспертизалар тайинлаш

Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини тергашда турли-туман масалаларни у ёки бу турдаги экспертизаларни тайинлаш орқали ҳал қилинади. Қуйида талон-тарож жиноятларини тергашда тайинланадиган айрим турдаги экспертизалар устида тўхталиб ўтамиз:

1. Бухгалтерия экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

а) моддий товар қимматликлар, пул воситаларининг кам ёки ортиқча чиқиш ҳажмини текшириш ва аниқлаш;

б) хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни сарфлашнинг асосли эканлигини текшириш;

в) молия интизомининг бузилганлик ҳолатларини аниқлаш;

г) мазкур объектда ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилганлигини текшириш;

д) талон-тарож жиноятининг содир этилишига сабаб бўлган шароитларни аниқлаш.

Экспертизани тайинлашдан олдин терговчи эксперт бухгалтер билан маслаҳатлашиб экспертиза предмети ва вазифалари, текшириш учун олинадиган ҳужжатларнинг сони ва турларини, эксперт томонидан ҳал этиладиган саволларнинг мазмунини аниқлайди.

2. Криминалистика экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

а) дастхатни бажарган шахсни идентификация қилиш;

б) бир неча ҳужжатларни бажарган, тайёрлаган шахсларни аниқлаш;

в) ҳужжатлар мазмунидаги ўзгариш фактларни ва уларни бажариш усулларини аниқлаш;

г) ҳужжатлардаги дастлабки ёзув мазмунини аниқлаш;

д) ёзув машинкаларини идентификация қилиш;

е) муҳр ва штампларни идентификация қилиш ва ҳ.к.

Талон-тарож жиноятларини тергашда кўпинча дастхат ва текстларни экспертиза қилиш, ҳужжатларни криминалистик асосда текшириш учун трасологик экспертизалари тайинланади.

3. Технологик экспертиза қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади:

а) технологик режимдан четга чиқиш ҳолларини, уларнинг нималарда ифода этганлигини, ишлаб чиқилган маҳсулот сифатига қандай таъсир қилганлигини айниқлаш учун;

б) ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот учун қанча хомашё ярим-фабрикатлар сарф этилганлигини аниқлаш;

в) тайёр маҳсулотларнинг давлат стандарти шартларига мос келишлиги;

г) маълум материаллар ёки маҳсулотларни тайёрлашда ёки ишлаб чиқаришда сарф этилган хомашё техник шартлар (талаб)ларга мос келишлиги ва ҳ.к.

Экспертиза ўтказиш учун етарли материалларни ўз вақтида етказиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Терговчи талон-тарож содир этилган давр ичида тайёрланган барча маҳсулотларни топишга ҳаракат қилиши лозим.

4. Товаршунослик экспертизаси асосан саноат ва савдо соҳасида содир этилган жиноий ишларни тергашда тайинланади. Экспертизанинг объекти бўлиб, тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Товаршунослик экспертизаси орқали тайёр маҳсулотларнинг сифати тўғрисидаги тайёр маҳсулотларнинг техник шартлар ва давлат стандарти талабларига мос келишлиги, номи, сорти ва баҳосининг тўғрилиги каби масалалар ҳал этилади.

5. Қурилиши техника экспертизаси асосан қурилиш ишларини олиб бориш жараёнида содир этилган талон-тарож жиноятларини тергашда тайинланади ва қурилиш объектининг смета баҳоси, қурилиш ишлари материаллар нархи сметага мувофиқ аниқланганлиги қурилиш баҳоси қанча суммага ошириб кўрсатилганлиги каби масалалар ҳал этилади.

Булардан ташқари яна химия, агротехник, ветеринария ва зоотехника экспертизалари ҳам тайинланиши мумкин. Бу турдаги экспертизалар давлат ва жамоа хўжаликларида, тайёрлов ташкилотларида содир этилган талон-тарож жиноятларини тергашда тайинланади.

7-§. Талон-тарож жиноятларининг олдини олиш тадбирлари

Талон-тарож жиноятларининг олдини олиш бўйича олиб борилади-ган чораларга қуйидагилар киради:

1) талон-тарож жиноятларининг содир эилишига сабаб бўлган ҳолатлар ва шарт-шароитларни аниқлаш;

2) уларнинг олдини олиш тадбир тадбирларини ишлаб чиқиш.

Талон-тарож жиноятларининг содир этилишига олиб келган ҳолатлар ва шарт-шароитлар 2 гуруҳга бўлинади: жиноятнинг содир эти-лишидаги вазият билан боғлиқ бўлган ҳолатлар; жиноятчининг шахси би-лан боғлиқ бўлган ҳолатлар;

Жиноятнинг содир этилишидаги вазият билан боғлиқ бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради:

- мансабдор шахслар томонидаги давлат ва жамоат мулкининг қўриқланишига хўжасизларча ва совуққонлик билан муносабатда бўлиш;
- моддий қийматлар ва пул воситаларини ҳисобга олиш қоидаларининг бузилишлиги;

- назорат қоидаларининг бузилишлиги;

- қабул қилинган ва берилаётган мулкларнинг сон ва сифати бўйича қайд этиш қоидаларининг бузилиши;

- юкларни транспортда ташиш қоидаларининг бузилиши;

- моддий қийматлар, мулкнинг етарли даражада қўриқланмаганлиги;

- кадрларни танлаш принципларининг бузилганлиги;

- мулкнинг ҳаракатда бўлишини ифода этувчи ҳужжатларни тузиш қоидаларининг бузилишлиги.

Бу кўрсатилган ҳолатлар умумий гуруҳлар категориясига киради. Ҳар бир ҳолатда улар деталлаштирилиши ва аниқликлар киритилиши мумкин.

Талон-тарож жиноятларини содир этилишига олиб келадиган ҳо-латлар содир этиш усуллари билан боғлиқ бўлади. Жиноятчилар жиноят

содир этиш усулини танлашда корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулини танлашда корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги кирим-чиқим ҳужжатларини расмийлаштиришда ҳисоб-китобнинг яхши йўлга қўйилганлиги, ички тартиб қоидаларининг бажарилиши устидан олиб бориладиган назоратнинг бўшлиғи, ўлчов асбобларининг носозлиги, тафтиш ва инвентаризация текширишларининг юзаки ўтказилиши ва кадрлар танлашда йўл қўйиладиган камчиликларни ўрганиб, уларда ўзларининг жиноий ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланилади.

Талон-тарож жиноятларининг содир этилишга олиб келган, ёрдам берган ҳолатларни аниқлаш ва унинг олдини олиш тадбир чоралари жиноий ишни қўзғатишдан бошлаб, дастлабки терговни тугатишгача бўлган давр ичида терговчи ички ишлар органи ходимлари ва жамоатчилик вакилларининг ёрдами асосида ушбу жиноятларнинг олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқади ва уларнинг берган маълумотлар асосида тайёрланаётган янги жиноятларни бартараф этиш чораларини киради.

Талон-тарож жиноятларининг олдини олишдаги терговчининг профилактик йўналишдаги фаолияти муҳим ўрин тутади. Уларга қуйидагилар киради: тақдимнома киритиш, корхона, муассаса ва ташкилотлар жамоаларининг йиғилишларида маъруза қилиш, умумий ахборот воситалари, радио, телевидение орқали чиқишлар қилиш ва ҳ.к.

Терговчининг талон-тарож жиноятининг олдини олишдаги асосий иш формаси жиноят содир этилган корхона ва ташкилотларга тақдимнома киритиш ҳисобланади. Тақдимномада жиноятни тергаш жараёнида ушбу корхонада талон-тарож содир бўлиш сабаблари, уни содир этишда яратилган шароитлар ва кимнинг айби билан содир этилганлиги кўрсатилади. Шунингдек, тақдимномада талон-тарож жиноятининг олдини олиш йўллари ва воситалари ҳам кўрсатилади. Тақдимноманинг самарадорлиги

кўрсатилган талаблар риоя қилинганлигига, адресатнинг тўғри танланганлигига ва унинг бажарилиши устидан тегишли назорат қилинишига боғлиқ.

28-боб. ЎҒИРЛИК, ТАЛОНЧИЛИК ВА БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг криминалистик тавсифи

Давлат, жамоат ва шахсларнинг мулкини ўғирлаш энг кўп тарқалган жиноятлардан ҳисобланиб, мазкур турларнинг бевосита объектлари давлат, жамоат ёки фуқароларнинг шахсий мулкларидир.

Ўғирлик - давлат, жамоат ва шахсий мулкларнинг яширин равишда ўзлаштиришга бўлган ҳаракатидир.

Талончилик жинояти деганда жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб ёки ишлатмасдан мулкни очиқчасига талаш тушунилади. Бу ҳаракат ўзгалар мулкини очиқдан очиқ зўрлик ишлатиб қўрқитиш йўли билан талон-тарож қилишдан иборатдир.

Босқинчилик - жинояти эса жабрланувчининг шахсий мулкини унинг соғлиғи ёки ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиб эгаллаш тушунилади.

Мазкур жиноятларни содир этишдан олдин унга пухта тайёргарлик

кўрилади. Жиноятчилар олдиндан жиноят содир этиладиган жойни (омбор, дўкон, хонадон) ёки ҳужум уюштирилиши лозим бўлган шахсни (инкассатор, ғазначи, сотувчи, қоровул) белгилаб олишади, зарур бўлганда олдиндан қуролларни тайёрлашадилар, транспорт воситаларини ҳозирлаб қўядилар, бажариладиган вазифаларни ўзаро бўлиб олишади.

Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятлари аксарият ҳолларда уюшган гуруҳ томонидан содир этилади. Кўпинча шундай гуруҳлар жуда турғун бўлиб, доимий равишда қатор жиноятларни содир этишлари ҳам мумкин.

Жиноятчилар жамғарма ва давлат банкларига, дўконларга, инкассаторларга ҳужум қилиш учун махсус тайёгарлик ишларини амалга оширадилар, корхона ва муассасаларнинг иш режимларини ўрганадилар. Инкассатор ва савдо ходимларининг йўналишларини кузатадилар. Етарлича маълумот тўплаганларидан кейин ҳужум қилиш вақтини ва жойини, гуруҳ таркибини аниқлайдилар, қурол ва транспорт воситаси ҳозирлайдилар. Орқага қайтиш йўлларини ва талон-тарож қилинган мулкни яшириш жойларини белгилаб олишади.

Жиноятчилар баъзи вақтларда мазкур жиноятни ҳеч қандай олдиндан тайёргарлик кўрмасдан амалга оширишлари мумкин. Бундай жиноятлар агар жиноий тажовуз объекти олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлса амалга оширилади. Масалан: жиноятчилар бир қатор хонадонларни айланиб, эшикларни тақиллатадилар агар ҳеч ким чиқмаса, эшикни бузиб ўзларини қабиҳ ниятларини амалга оширадилар. Бундай жиноятлар кўпинча кундуз, дам олиш ва байрам кунлари содир этилади, чунки бундай кунларда уй эгалари ишда ёки кўчага дам олгани чиқиб кетган бўлишади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини содир этишда жиноятчилар кўпинча тўсатдан ҳужум қилишга (агар кўчада бўлса) ҳаракат қили-

шади, хонадонларга киришнинг эса турли йўлларини излайдилар, почта, газ, электр энергияси хизмати ходими сифатида келганлигини билдириб, уйга ҳеч қандай қаршиликсиз киришга ҳаракат қилишадилар.

Агар жиноят очиқ жойларда содир этилса, жабрланувчига тўсатдан пана жойдан, дарахт орқасидан туриб ҳужум қилинади ёки унга яқинлашиш учун турли йўлларни қидиради. Масалан: чекиш учун гугурт сўраш, бирон-бир кўча ёки адресни сўраш орқали жабрланувчига яқин келишга, кейин эса унга ҳужум уюштиришга ҳаракат қилади. Талончилик ва босқинчилик жиноятларининг объекти бўлиб аксарият ҳолларда аёл кишилар ва маст ҳолатда юрган эркаклар бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Ўғирлик жиноят ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради:

1) ўғирлик жинояти ҳақиқатан ҳам содир этилганлиги;

2) ўғирлик жинояти содир этилган жойи (корхона, муассаса, ташкилотларнинг аниқ номи ва жойлашган жойи, жабрланувчининг манзили), вақти ва қўлланган усули;

3) ўғирланган мулк кимга тегишли эканлиги (корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаролар);

4) аниқ нима ўғирланганлиги, ўғирланган мулкнинг белгилари, унинг сони ва нархи;

5) ўғирлик жиноятини содир этишда қандай техника воситаларидан фойдаланганлиги;

6) ўғирлик кимлар томонидан содир этилганлиги, иштирокчилар ва уларнинг вазифалари;

7) ўғирланган мулк кимга берилган ёки сотилганлиги;

8) келтирилган зарар миқдори;

9) ўғирлик жиноятининг содир этилишига олиб келган сабаб ва ҳолатлар;

10) келтирилган моддий зарарни қоплаш учун қандай чора-тадбирлар кўриш талаб этилади.

Ўғирлик жинояти содир этилган жой ва унинг манзили жабрланувчи, мансабдор шахслар, қоровул, гувоҳ, суриштирув органлари вакиллари берган маълумотларда аниқ кўрсатилган бўлади. Ўғирлик жиноятининг содир этилиши вақти, усули ва қандай техникавий воситалардан фойдаланганлиги воқеа жойини кўздан кечиришда аниқланади, шунингдек ўғирлик жиноятини тергашда аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш даврида аниқланади.

Ўғирлик жиноятини тергашда ўғирлик саҳналаштириб кўрилиши, яъни ўғирлик жинояти содир этилмаган бўлса-да, хонадонларда, дўкон ва давлат мулки сақланадиган омборларда мазкур жиноят содир этилиши билан боғлиқ ҳолат, вазият яратилади. Воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечирганда бундай муғомбирликни фош этадиган асосларни топиш мумкин. Масалан: эшик ичига ўрнатилган қулфни кўздан кечирганда бузишдан қолган излар ташқаридан эмас ичкаридан топилганда, дўкон деворида ҳосил бўлган тешик ўйилиши ташқаридан эмас, ичкаридан ўйилганлигини кўрсатувчи белгилар мавжуд бўлса ёки жабрланувчи ўғирланган буюмларнинг (пальто, магнитафон, соат) ранги, размери, маркаси номи, тузилиши қандайлиги сўралганда аниқ жавоб бера олмаса ўғирлик жиноят саҳналаштирганликдан далолат беради. Терговчи жабрланувчини сўроқ қилаётганда бундай ҳолатларга ҳам жиддий эътибор қаратмоғи лозим.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергашда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) талончилик ёки босқинчилик жиноятлари қачон, қаерда ва қандай шароитда ва кимга нисбатан содир этилганлиги;

2) жиноятнинг содир этилишида нечта шахс иштирок этганлиги, уларнинг умумий ва хусусий белгилари;

3) жиноятчилар қуролланган бўлса, нималар билан қуролланганлиги;

4) жиноятни содир этишда зўрлаш ишлатилган бўлса, у қандай ҳажмда эканлиги;

5) етказилган тана жароҳатининг тавсифи ва оғирлик даражаси;

6) жабрланувчига етказилган тана жароҳатлари тўғрисидаги кўрсатувларининг гувоҳ берган маълумотлар билан таққослаб кўриш ва унинг тасдиқланиши;

7) босқинчилик натижасида жиноятчилар қандай мулк ёки предметларни олганлиги;

8) жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлган шароитлар;

9) жабрланувчида катта пул суммаси борлигини билган шахсларни аниқлаш.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини содир этишда жиноятчилар пухта тайёргарлик кўрадилар, жиноятни содир этиш усулларини, иштирокчиларни ва вақтни танлайдилар. Исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири жиноятни содир этиш усулини аниқлаш ҳисобланади. Жиноятчиларни жиноятни содир этишда қўллайдиган усулларидан бири ҳужум қилинадиган шахсни, хонадонни, қимматбаҳо давлат мулклари сақланадиган жойларни, инкассаторнинг ғазначидан қачон пулни олиши ва унинг қаерга бориш йўналишларини зимдан кузатадилар ва ундан кейин ҳужум уюштириш усулларини танлайдилар. Кўп ҳолларда, жиноятчилар ўзларини расмий вакил сифатида электромонтёр, ЖЭК ходими деб таништириб хонадонларга киришга ҳаракат қиладилар, якка шахсларга нисбатан эса у билан танишиш мақсадида яқин борадилар ва дарҳол ҳужум қиладилар.

Жиноятчиларнинг қўллайдиган асосий усули бу объектга тўғридан-тўғри ҳужум қилиб мулкни эгаллаш ҳисобланади. Агар жиноятни содир этишда кўп одам иштирок этган бўлса, терговчи ҳар бир иштирокчининг

бажарган вазифасини ва ролини аниқлаши лозим. Жиноятни содир этиш усулларини жиноятчилар шахси, яширинган жойлари аниқлангандан кейин уларни қидириб топиш ва ушлаш амалга оширилади.

2-§. Ўғирлик жиноятларини тергов қилиш

Ўғирлик жинояти ўзининг объектлари бўйича икки турга бўлинади:

1) давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш;

2) фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлаш.

Бу турдаги жиноятларни тергашда ўғирлик жиноятининг содир этилиши усулларини албатта инобатга олиш зарур. Давлат, жамоат ва шахсий мулкларни ўғирлаш жиноятларини содир этиш усуллари қуйидагилар ҳисобланади:

1) Ўғирлик жиноятини содир этишга тайёргарлик кўришдаги ҳаракатлар;

2) Ўғирликни бевосита содир этишдаги ҳаракатлар;

3) Ўғирлик жинояти изларини яширишдаги ҳаракатлар.

Ўғирлик жиноятини тергаш услуби нуқтаи назаридан жиноятчиларнинг жиноий тажовуз объектига киришда қўллаган усулларини аниқлаш айниқса диққатга сазовордир. Моддий қийматлар, пул воситалари сақланаётган бинога, турар жойга киришнинг энг кўп тарқалган усуллари қуйидагилардир:

- қулф ва сим тусиқларини бузиш;
- қулфларни калит ёки махсус тайёрланган мослама ёрдамида очиш;
- ром ёки унинг ойнасини чиқазиб қўйиш;
- витрина ойнасини туртиб чиқазиш;
- пол тагидан ковлаб кириш;
- девор ёки шифтни тешиб кириш;

- тўсиқларни электр (газ) пайвандлаш аппаратлари ёрдамида бузиш.

Ўғирлик жинояти бўйича жиноят иши қуйидаги асосларга биноан қўзғатилади.

1) корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, мансабдор шахсларнинг берган хабарлари асосида;

2) фуқароларнинг (жабрланувчиларнинг) берган хабарлари асосида;

3) моддий жавобгар шахслар ва қоровуллар берган хабарлари асосида;

4) ўғирлик содир этилганини кўрган ва эшитган гувоҳлар берган маълумотлар асосида;

5) суриштирув ва тергов органлари томонидан ўғирлик жинояти изларини топган ҳолларда;

6) ўғирлик жиноятини содир этилишида гумон қилинувчи сифатида ушланган шахслардан унга тегишли бўлмаган буюмларнинг мавжудлиги (масалан: ушлангандан кўп қўл соати, моддий қийматлар олинган бўлса).

Ўғирлик жиноят ишлари бўйича қуйидаги тергов ҳаракатлари ўтказилади:

1) воқеа жойини кўздан кечириш;

2) инвентаризация ва тафтиш ўтказиш;

3) гувоҳларни сўроқ қилиш;

4) жабрланувчини сўроқ қилиш.

Шахсий мулкларни ўғирлаш жиноят ишларини тергаш бўйича қуйидаги дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилади:

1) жабрланувчини сўроқ қилиш;

2) воқеа жойини кўздан кечириш.

Дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш тезкор-қидирув ҳаракатлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади. Терговнинг мазкур шаклда ташкил этилиши ўғирлик жиноятини содир этган шахс (жи-

ноятчи) тўғрисида мумкин қадар тезроқ маълумотлар тўплаш ва дастлабки тергов босқичидаёқ уни аниқлаш ва ушлаш имконини беради. Терговчи дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда ички ишлар органлари ходимларига дастлабки тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида топшириқ беради:

1) жиноятчини изидан қувиш;

2) из қидирув итидан фойдаланиш;

3) жиноятчининг қочиши мумкин бўлган йўлларга кузатувчилар қўйиш;

4) ДАН ходимларига, транспорт милицияси ва территориал ички ишлар органлари ходимларини жиноятчининг ва ўғирланган мулк белгилари тўғрисида хабар бериш;

5) жиноятчининг бориб яшириниши тахмин этилган худуддаги манзил тўғрисида тегишли органларга хабар бериш ва кузатувни ташкил этиш;

6) жиноий рўйхат маълумотлари асосида қидирувни ташкил этиш;

Ўғирлик жиноятини тергаш воқеа жойини кўздан кечиришдан бошланади. Ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин терговчи тезкор-қидирув ходимлари билан биргаликда зудлик билан воқеа жойига етиб бориши зарур.

Воқеа жойига етиб келиши биланоқ терговчи воқеа жойидан бегона шахсларни четлатиши ва ўғирлик жиноятининг содир этилишини ўз кўзи билан кўрган гувоҳларни сўроқ қилиб жиноятчи тўғрисида айрим маълумотларни билиб олишга ҳаракат қилиши керак. Кўздан кечиришни бошлашдан олдин терговчи моддий жавобгар шахс, корхона маъмуриятидан моддий қийматлар, пул воситалари қаерда ва қандай сақланганлиги тўғрисида маълумот олади. Кўздан кечиришни бошлашдан олдин терговчи ўғирлик содир этилган бино (квартира)нинг ташқи кўриниши, унинг

атрофидаги биноларга нисбатан қандай жойлашганлиги, келиш кетиш йўлакчалари, қўриқланиш тартиби ўрганилади, ундан кейин ўғирлик содир этилган жой кўздан кечирилади.

Воқеа жойи тўғрисида тўлиқ маълумот олгач, кўздан кечиришнинг кетма-кетлиги ва чегараси белгиланади, сўнгра терговчи қуйидаги ҳолатларни аниқлайди:

- ўғирлик содир этилган жойга жиноятчи қандай кирганлиги, қандай усул ишлатганлиги, қайси томонга қараб кетганлиги;

- қандай техника воситаларидан фойдаланганлиги;

- жиноятчи воқеа жойида қандай излар қолдирганлиги, қандай буюмларни ўзи билан олиб кетиши мумкинлиги;

- жиноятчининг касбини кўрсатувчи белгилар бор ёки йўқлиги;

- жиноятни содир этишда қанча шахс иштирок этганлиги;

- саҳналаштириш белгилари бор ёки йўқлиги.

Воқеа жойини кўздан кечиришда бинога (омбор, дўкон) ёки хонадонга кириш жойлари диққат билан ўрганилиши лозим, чунки у ерларда жиноятчи бузиш қуроллари, пойабзаллардан, кийимларидан қолдирилган излар бўлиши мумкин. Жиноятчилар жиноят содир эта туриб ўзларининг эҳтиётсизлиги натижасида қўлини шикастлантириб қўйиши мумкин ва ўзи билмаган ҳолда воқеа жойида қон томчиларини қолдириб кетиши мумкин, булар эса жиноятчининг қон гуруҳини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўғирлик жиноятини содир этишда жиноятчилар шошилганидан воқеа жойида баъзи буюм ва предметларини ҳам қолдириб кетиши мумкин. Масалан: даструмолини, бош кийимини, чекиб ташланган папирос қолдиғи ва ҳоказо. Уларни далилий ашё сифатида олиб махсус мосламаларга солиниши, жойлаштирилиши лозим.

Воқеа жойини кўздан кечиришда, айниқса давлат ва жамоат мулкини

ўғирлаш жиноятлари бўйича воқеа жойида буюм ва предметларнинг тартибсиз ётганлигига (товарларнинг ҳар томонга сочиб ташланганлиги, полда пул ва бошқа қийматларнинг тартибсиз ётиши ва ҳ.к.) конфет, шакар ва бошқа озиқ-овқат махсулотларининг ерда сочилиб ётиши каби ҳолатларга асосий эътиборни қаратмоқ зарур. Бундан ташқари, воқеа жойини кўздан кечиришда ўғирлик жиноятини саҳналаштириш белгиларини кўрсатувчи салбий ҳолатларга ҳам эътибор бериш лозим.

Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш жиноятини саҳналаштириш белгилари қўйидагилар:

1) полда ётган ҳалқаси кесилган қулфда арраланганлик аломатларини кўрсатувчи белгилар (қириндилар)нинг йўқлиги;

2) деворда ўйилган тешик ҳажми билан ўғирланган деб кўрсатилган буюмнинг ҳажми ҳақиқатга тўғри келиш ва келмаслиги: масалан, дўкон деворидан ўйилган тешикдан баъзи одам кириб чиқиши мумкин бўлсада, музлатгич ёки мазкур тешикка сиғмайдиган катта габаритли буюм ўғирланганлиги тўғрисида шикоят қилинган бўлса;

3) девордаги тешикни ичкаридан ўйилганлигини кўрсатувчи белгилар мавжуд бўлса-да, эшик қулфини бузилганлиги тўғрисида ҳеч қандай из бўлмаса;

4) ерда ётган ҳалқаси арраланган қулфда ва ерда ҳеч қандай қипиқ бўлмаса;

5) фақат ўта қимматбаҳо предметларнинг йўқлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлсада, уларнинг қаерда сақланиши фақат моддий жавобгар шахсга маълум бўлса.

Воқеа жойини кўздан кечириш тамом бўлгандан кейин дарҳол инвентаризация ўтказиш тайинланади, ўғирлик саҳналаштирилган деган тахмин туғилганда эса корхона ва ташкилотда тафтиш ўтказиш тайинланади.

Гувоҳларни сўроқ қилиш давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатларидан бири моддий жавобгар шахсларни, раҳбар, қоровул ва ўғирлик содир этилаётганда жиноятчиларни бевосита ўз кўзи билан кўрган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳисобланади. Шахсий мулкларни ўғирлаш жиноят ишлари бўйича гувоҳ сифатида ўғирлик содир этилган хонадон аъзолари, қўшнилари сўроқ қилинади. Мазкур гувоҳларни сўроқ қилиш ва сўроқни олиб бориш бир қатор ҳолатлар ҳамда ўғирлик содир этилган объектга нисбатан ушбу гувоҳнинг қандай муносабатда эканлиги аниқланмоғи лозим.

Юқорида кўрсатилган шахсларни сўроқ қилишда терговчи қуйидаги масалаларни ҳал этишга эътибор бериши керак:

1) терговчи етиб келгунча воқеа жойи ҳолатига қандай ўзгартиришлар ким ва қандай мақсадда киритилганлиги;

2) ўғирлик қачон ва қандай ҳолатларда топилганлиги;

3) мулк сақланаётган жойдан нималар ўғирланганлиги (ўғирланган мулкнинг номи, тахминий сони, нархи ва ҳ.к.)

4) ўғирланган мулк қаерда турганлиги;

5) мулк сақланадиган жойни қўриқлаш қандай ташкил этилганлиги (қоровул, сигнализация орқали);

6) мулк сақланаётган жой (омборхона, база ва ҳ.к.) қандай қулфланганлиги, калит кимда ёки қаерда сақланганлиги;

7) объектнинг ҳолати, унда қандай моддий қийматлар сақланаётганлиги тўғрисида кимлар қизиқиб сўраганлиги;

8) ўғирлик содир этилиши даврида объектнинг яқинроғида кимни кўрганлиги;

9) сўроқ қилинувчи мазкур жиноятнинг содир этилишида кимни гумон қилишлиги.

Бу кўрсатилган ҳолатлар албатта йўналиш олиш хусусиятга эга

бўлиб, аниқ воқеа шароитига ва ким сўроқ қилинишига қараб ўзгариши ҳам мумкин. Масалан: жабрланувчини ва моддий жавобгар шахсни сўроқ қилишда ўғирланган товар ва моддий қийматликлар ўғирланганлик, уларнинг ҳажми тўғрисида маълумот олиши керак. Бундан ташқари моддий жавобгар шахс ўзини-ўзи ҳисоб-китоб, кирим-чиқим ишлари бўйича текшириб кўрилганлигини аниқлаш лозим. Бу текширув ўғирланган мулкнинг тури, нархи ва қийматини аниқлашга катта ёрдам беради. Бу ҳолатларни аниқлаш жиноятини ўз вақтида очишга катта ёрдам беради.

Жабрланувчиларни ва моддий жавобгар шахсларни сўроқ қилиш. Жабрланувчилар ва моддий жавобгар шахсларни сўроқ қилиш ўғирлик жиноятларини тергашда ўтказиладиган дастлабки тергов ҳаракатларидан ҳисобланиб, у орқали нафақат жиноятчини аниқлаш, ҳатто ушбу ишлар бўйича муҳим бўлган дастлабки маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Кўрсатилган шахсларни сўроқ қилиш ўғирлик жинояти қандай ҳолатларда содир этилганлигини аниқлашдан бошланади. Сўроқ қилинувчидан ўғирланган мулкни ёки моддий қийматликларни қачон кўрганлиги ва қачон йўқолганлигини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жабрланувчини сўроқ қилишда ўғирлик қачон ва қаердан содир этилганлигини, нима ўғирланганлигини, уларнинг номи, қиймати аниқланиши лозим. Ўғирланган мулкнинг баҳосини (суммасини) баъзи вақтларда жабрланувчи ёки моддий жавобгар шахслар ўз нархидан ошириб айтишлари ҳам мумкин, ҳатто ўғирланган мулкнинг ўзига хос белгиларини айтолмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бошқа оила аъзоларини ҳам сўроқ қилишга тўғри келади. Агар хонадондан соат, радиоприёмник, магнитафон, фотоаппарат каби буюмлар ўғирланган бўлса, уйда уларнинг техникпаспортлари бор ёки йўқлиги ҳам аниқланиши лозим.

Сўроқ вақтида жабрланувчидан ўғирликда кимни гумон

қилишлигини сўраб билиш керак. Турар-жойлардан ўғирлик содир этилганда жабрланувчидан у билан қўшни бўлиб шубҳали шахслар яшаш ёки яшамаслиги, уйида қимматбаҳо буюм ёки предметларнинг борлигини кимлар билиши мумкинлигини, уйида охирги марта ким бўлганлиги, уйдаги қийматликлар билан кимлар қизиққанлиги каби масалаларни аниқланиши лозим. Агар жабрланувчи ўғирликни кимлар содир этиши мумкинлиги, ҳатто аниқ шахснинг исми шарифини айтса, унда гумон қилиш асослари аниқланиши лозим.

Моддий жавобгар шахсни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим: ўғирлик содир этилганлик вақти ва ким хабар берганлиги; ташкилотнинг иш тартиби қандайлиги; мулк сақланадиган жойга кимлар кириш ҳуқуқига эга эканлиги; объектнинг қўриқланиш тартиби; ушбу ташкилотда шубҳали шахслардан ишлаши ёки яқинда кимлар ишдан бўшатилганлиги; терговчи келгунча умумий ҳолат ўзгармаганлиги; нима ўғирланганлиги ва қаерда турганлиги; агар пул ўғирланган бўлса, улар қанча эканлиги ва қаерда сақланганлиги.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш ўғирлик жинояти содир этилган пайтда унинг қаерда эканлигини аниқлашдан бошланади. Жиноятни содир этиш вақтида ушланган жиноятчилар асосан тўғри кўрсатув беришади. Гумон қилинувчи сифатида ушланган шахслар эса жиноят содир этилган вақтда бошқа ерда эканлигини айтиб жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тўғрисида кўрсатув беришлари ҳам мумкин. Бундай ҳолларда унинг берган кўрсатувлари деталлаштирилиб, текширилиб кўрилади. Бунинг учун воқеа жойидан топилган излар, тинтув вақтида олинган ашёвий далиллар, ўғирлик жинояти содир этилаётганини ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар кўрсатувлари жиноятчиларнинг ёлғон кўрсатувларини фош этиш мақсадида фойдаланилади. Агар гумон қилинувчи ўз айбига иқрор бўлиб, жиноят содир этилганини тан олса, жиноятни содир этиш билан боғлиқ

бўлган барча ҳолатлар, унга тайёргарлик кўриш, қандай қуроллардан фойдаланганлиги, иштирокчилар аниқланади.

Гумон қилинувчи (айбланувчи) ларни сўроқ қилишда қатор масалалар ҳал этилиши лозим. Уларга қуйидагилар киради: гумон қилинувчи (айбланувчи) нинг шахси тўғрисидаги маълумотлар, ўғирликнинг қаердан содир этилганлиги, уни содир этиш вақти ва усули, ўғирланган буюмлар ва уларнинг ўғирлангандан кейин қаерда сақланаётганлиги каби масалалар аниқланиши лозим.

Агар иш бўйича бир неча гумон қилинувчи иштирок этаётган бўлса, унда терговчи қайси бирини биринчи тергов қилиши масаласини аниқлаши керак. Бунинг учун ушланган шахснинг шахсий хусусиятлари ўрганилиши лозим.

Айбини тан олган жиноятчиларни сўроқ қилишдаги асосий шарт-шароитлардан бири уларнинг берган кўрсатувларини деталлаштириш ҳисобланади. Ўғирлик содир этилган жой аниқлангандан кейин сўроқ қилинаётган шахсдан ўғирлик содир этилган объект қаерда жойлашганлиги, унинг ташқи кўриниши, унга бориш йўллари ва ўғирлик содир этилган хона, дўкон, омбор ва бошқаларнинг ички ҳолати қандайлиги ҳам аниқланиши лозим. Ўғирлик жиноятини содир этиш усулини аниқлаш пайтида терговчи нима учун айнан ушбу усул танланганлиги, тўсиқдан қандай ўтганлиги, тўсиқдан ўтишда, уни бузишда қандай қурол ва предметлардан фойдаланганлиги, уларни қаердан олганлиги ва ўғирлик содир этилгандан кейин буюмларни қаерга қўйганлиги аниқланиши лозим. Сўроқ жараёнида қандай буюм ва моддий қийматлар ўғирланганлиги, улар хонанинг, дўконнинг қаерида турганлиги, ўғирланган буюмнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиши лозим. Кўрсатувнинг бундай деталлаштирилиши, уни тергов ва тезкор қидирув ҳаракатларини амалга ошириш даврида тўпланган маълумотлар билан солиштириб кўриш назарда

тутилади.

Тинтув ўтказиш гумон қилинувчи ушлангандан кейин дарҳол шахсий тинтув қилинади ва унинг турар жойида тинтув ўтказилади. Агар гумон қилинувчи сифатида бир неча шахс ушланган бўлса уларнинг турар жойларида бир вақтнинг ўзида тинтув ўтказилади. Шахсий тинтувни ўтказишда асосий эътибор ўғирлик содир этилишида фойдаланилган қуроллар ёки мосламаларни, турли ҳужжатларни, ўғирланган буюмлар, предметларни қидириб топишга қаратилмоғи лозим. Тинтув ўтказилаётган шахсларнинг чўнтагидан унинг шахсини билдирувчи ҳужжатлар, тўсиқни бузишда (эшик, ром, девор ва ҳ.к.) кийимларида, баданида турли чанг, металл қириндилари қолиши мумкин. Бу масалаларга асосий эътиборни қаратмоқ лозим бўлади.

Гумон қилинувчилар ва ўғирланган мулклар яширилиши мумкин деб гумон қилинган шахсларнинг турар жойларида ҳам тинтув ўтказилади. Кўпинча жиноятчилар ўғирланган буюмларни ертўла, чердак, молхона ва шунга ўхшаш жойларда сақлашлари мумкин. Шунинг учун бундай жойлар диққат билан текширилиши лозим. Бундан ташқари ҳовли жойларда дарахт таглари, томорқа жойлари ҳам албатта тинтув қилиниши шарт.

Тинтув жиноятчини қидириб топиш мақсадида ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай вақтларда жиноятчининг яшириниб турган жойини у билан алоқа қилиб турган шахсларни кўрсатувчи турли ҳужжат (турли ёзишмалар, почта квитанциялари ва ҳ.к) ларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Гумон қилинувчи баданида жиноят изларини, белгиларини аниқлаш мақсадида гувоҳлантириш ҳам ўтказилади. Кўпинча жиноятчилар ўғирликни содир этишда шошилиб бирон аъзосини жароҳатлантириши, қўлида турли доғлар, чанг, тирноқ тагида ёғ, ун, шакар ва ҳоказо

маҳсулотларнинг қолдиқлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Гувоҳ ва гумон қилинувчиларнинг кўрсатувларини текшириб кўриш учун тергов эксперименти ҳам ўтказилади. Ўғирлик жиноятини тергашда у ёки бу ҳаракатни бажариш қобилиятини текшириб кўриш мақсадида тергов эксперименти ўтказилади. Масалан: тинтув вақтида гумон қилинувчидан олинган калит билан ўғирлик содир этилган уй ёки бино эшигидаги қулфни ечиш мумкин ёки мумкин эмаслик ҳолатини текшириб кўриш.

Ўғирлик жиноятини тергашда турли суд экспертизалари ҳам тайинланиши мумкин. Ушбу жиноятни тергашда криминалистик, суд-тиббиёт, суд-химия, товаршунослик экспертизалари тайинланади.

Криминалистик экспертизаси энг кўп тарқалган экспертиза турларидан ҳисобланиб, ўғирлик жиноятларини тергашда трасологик хатшунослик (дастхатлик) экспертизалари тайинланади. Воқеа жойидан кўпинча бармоқ излари, пойабзаллардан, бузиш қуролларидан қолган излар топилади. Терговчи излардан нусхалар (намуналар) олиб дактилоскопик ёки бузиш қуроллари, оёқ излари бўйича трасологик экспертиза тайинлайди. Суд-тиббиёт экспертизаси ўғирлик содир этилган жойдан қонга ўхшаш доғлар бузиш қуроллари, буюмлар, ойна синиқлари ҳамда чекиб ташланган папирос қолдиқлари, соч толалари топилганда тайинланади. Экспертиза ёрдамида воқеа жойидан қон доғлари мавжуд бўлган предметлар, бузиш қуролларидаги қон гуруҳи гумон қилинувчи сифатида ушланган шахснинг қон гуруҳига тўғри келишлиги ёки келмаслиги масалалари ҳал этилади. Бу маълумотлар гумон қилинувчининг ўғирлик жиноятини содир этишда алоқадор эканлигини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд-химия экспертизаси гумон қилинувчидан ёки бузиш қуролларидан топилган турли моддалар (клей, буёқ, чанг, турли кимёвий модда

доғлари) таркиби воқеа жойидан олинган моддалар таркибига мос келишлик масаласини ҳал этиш мақсадида тайинланади.

Товаршунослик экспертизаси асосан ўғирланган предметларнинг гумон қилинувчидан топилган предметлар билан бир таркибли ёки фарқ қилишлик масаласини ҳал этиш мақсадида тайинланади.

3-§. Талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергаш

Талончилик ва босқинчилик жиноятлари хавфли ва оғир жиноятлар туркумига кириб, давлат ва жамоат ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкини эгаллашга қаратилган бўлади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятлари бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун асос қилиб қуйидагилар олинади:

1) жабрланувчиларнинг берган аризалари;

2) мансабдор шахсларнинг давлат мулки сақланаётган жойга ёки уни қўриқлаётган қоровулга ҳужум қилиб мулкни ўғирлаганлиги тўғрисидаги аризаси;

3) талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида шикаст етказилган шахсга тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббий муассасалардан берган аризалар;

4) ички ишлар органлари томонидан талончилик ва босқинчиликнинг содир этилиши аниқланганлиги.

Талончилик ёки босқинчилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар олингандан кейин ўтган вақтни инобатга олган ҳолда ички ишлар органи тезкор ходимлари ёрдамида зудлик билан жиноятчини ушлашга қаратилган тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш лозим. Ундан кейин жабрланувчидан ҳодиса қандай ҳолатда содир этилганлиги тўғрисида сўраб олинади. Сўраш қисқа бўлишлиги, бу вақт ичида жабрланувчидан

терговчи ёки суриштирувчи жиноят белгилари борлиги тўғрисида бир хулосага келишлари лозим. Шу ҳолатнинг ўзи жиноят ишини қўзғатишга асос бўлади.

Ўтказиладиган дастлабки тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги жиноятчининг жиноят содир этиш вақтида ушлангани ёки жиноятнинг содир этиш ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилганлигига боғлиқ. Агар жиноят иши жиноятнинг содир этиш ҳолати бўйича қўзғатилган бўлса, тергов жабрланувчини сўроқ қилиш воқеа жойини кўздан кечириш, жабрланувчининг кийимларини кўздан кечириш ва гувоҳлантириш, жабрланувчини суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш, гувоҳларни сўроқ қилишдан бошланади. Бу жиноят иши қўзғатилгандан кейин дарҳол ўтказиладиган дастлабки тергов ҳаракатлари ҳисобланади.

Жабрланувчини сўроқ қилиш талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергашда жабрланувчилар иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни беришлари мумкин. Сўроқ жараёнида жабрланувчининг руҳий ҳолати албатта инобатга олиниши зарур. Жабрланувчи унга ҳужум уюштирилганда қўрққанидан ҳушидан кетиб қолиши ҳам мумкин ёки содир этилган ҳодисани барча деталларигача эслаб қололмаслиги мумкин. Ушбу турдаги жиноятлар кўпинча қоронғулик пайтида содир этилади. Жабрланувчи жиноятчиларнинг ташқи кўриниш белгиларини яхши эслаб қололмаслиги, қоронғуликда уларнинг қўлидаги қурол турларини яхши ажрата олмай қолишликлари мумкин. Баъзи вақтларда жиноятчилар ҳақиқий тўппонча ўрнига ёғочдан ясалган ёки ўйинчоқ тўппончалардан фойдаланишликлари ҳам мумкин. Жабрланувчи қўрқув ёки яхши эътибор бермаганлиги натижасида жиноятчилар қуролланган эдилар деган кўрсатув берадилар.

Жабрланувчи ўзига нисбатан ҳужум уюштирилгандан кейин тўлалигича ўзига келмаган ёки бўлиб ўтган ҳодисани батафсил эслай ол-

майдиган ҳолатда бўлади. Шунинг учун терговчи уни тинчлантириши зарур, хавф ўтиб кетганлиги, ўзини қўлга олишлиги ва бўлиб ўтган воқеани яхши эслашликни тушунтириши керак. Жабрланувчи ўзига келгандан кейин сўроқ қилиниб, қуйидагилар аниқланади:

- талончилик ва босқинчилик қачон ва қаерда (шаҳар, кўча, парк ва ҳ.к.) содир этилганлиги;

- ҳужум уюштирилганда жабрланувчи бир ўзи ёки у билан бошқа шахслар ҳам борлиги, агар бўлган тақдирда ким бўлганлиги ва уларни қандай топиш мумкинлиги;

- ҳужум қилинган жойга нима мақсадда борганлиги;

- талончилик ва босқинчилик содир этилаётган вақтда жиноятчиларнинг ҳаракатлари нималарда ифода этилганлиги: жиноятчилар пул талаб қилганлиги ёки қўлидан сўмкачасини тортиб олганлиги, жиноятчилар бир неча шахс бўлса улар ўзаро нималар тўғрисида гаплашганлиги, бир-бирига исми шарифи ёки лақаб билан мурожаат этганлиги;

- жабрланувчи талончилик ёки босқинчилик натижасида қандай зарар кўрганлиги: қанча сўм пулини олганлиги, қандай тана жароҳати бўлса уларнинг номи, қиймати, ўзига хос белгилари ва рақамлари ҳамда нархи;

- жабрланувчининг қаршилик кўрсатган ёки кўрсатмаганлиги;

- воқеани кимлар кўрганлиги ёки унга ҳужум қилинганлигини кимлар тасдиқлаши мумкинлиги;

- жиноятчилар транспорт воситасидан фойдаланган бўлсалар, унинг маркаси, ранги ва қайси томонга кетганлиги.

Сўроқ вақтида жабрланувчининг кўрсатуви мумкин қадар аниқлаштирилиши ва деталлаштирилиши лозим. Айниқса, баённомада жиноятчиларнинг ташқи кўриниш белгилари (жинси, ёши, бўйи басти, тана тузилиши, бош ва оёқ кийими, тури ранги) тўлиқ батафсил ёритилиши лозим. Агар жиноятчилар жабрланувчиларнинг устки кийимини ечиб

олган бўлса, уларнинг чўнтагида нималар бўлганлиги аниқланади, агар давлат ва жамоат мулки босқинчилик ёки талончилик билан талон-тарож қилинган бўлса, жабрланувчи сифатида ушбу корхонанинг ходими сўроқ қилиниб ўғирланган мулк қаерда, қандай сақланганлиги, уларни ким тасарруф этиш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланади.

Жабрланувчи ҳужум натижасида қўрққани туфайли жиноятчиларнинг сони, ташқи кўриниш белгилари, жиноятнинг содир этилиш ҳолати тўғрисида нотўғри кўрсатув бериши ҳам мумкин. Бундай вақтларда жабрланувчининг берган маълумотлари танқидий нуқтаи назардан баҳоланиб, улар иш бўйича тўпланган, аниқланган маълумотлар билан солиштириб кўрилиши шарт. Жабрланувчининг дастлабки сўроқ вақтида берган кўрсатувларини деталлаштириш, аниқлаштириш мақсадида сўроқни жиноят содир этган жойга чиқиб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида кўрсатманинг тўғрилигини, саҳналаштирилмаётганлигини исботлашга ёрдам беради.

Талончилик ва босқинчилик билан боғлиқ бўлган ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш жабрланувчи сўроқ қилингандан кейин дарҳол ўтказилади. Ҳодиса жойи кўчалар, қурилиш майдонлари, шаҳар дам олиш боғлари, шаҳар транспорт воситалари (автобус, троллейбус, трамвай ва ҳ.к) салонлари, турар жойлар бўлиши мумкин. Кўздан кечиришни ўтказишда жабрланувчи ва ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг иштироки кўздан кечириш чегарасини аниқлаб олишда ва жиноят изларини қидириб топишда ёрдам беради.

Воқеа жойини кўздан кечиришда мутахассис криминалистнинг иштирок этиши ҳам жуда зарур, чунки у топилган бармоқ изларидан пойабзал, транспорт воситалари ва бузиш қуролларидан кўчирма нусхалар олишда терговчига ёрдам беради. Шу боисдан воқеа жойига чиқадиган гуруҳ

таркибига мутахассис-криминалистни ҳам киритиш зарур.

Талончилик ва босқинчилик жиноятлари бўйича воқеа жойини кўздан кечиришда инспектор-кинолог ҳам иштирок этиши мумкин.

Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчи қуйидаги вазифаларни бажаришга ҳаракат қилиши лозим:

1. Жиноятчилар томонидан воқеа жойида ва унга туташ бўлган ҳудуд (майдон)ларда қолдирган турли изларни (пойабзал, транспорт воситаси, бузиш қуролларидан қолдирилган излар, қон доғлари) қидириб топиш;

2. Жиноятчилар томонидан эсидан чиқиб қолдириб кетган ёки ташлаб юборилган турли предметларни ёки ўзлари билан жабрланувчи ўртасида ҳужум вақтида олишув бўлганда қолдириб кетган предметларни (қурол, папирос қолдиғи, бош кийими ва ҳ.к.) қидириб топиш;

3. Жиноятчига тааллуқли бўлган предметлардан ҳужум қилинган вақтда жабрланувчига ёки воқеа жойида қолдирилган айрим қисмлари ёки бўлакларини (ўқ отиш қуролининг айрим қисмлари, кийимидан узилиб тушган тугма ёки бирон қисми) қидириб топиш;

4. Жиноятчининг воқеа жойида бўлганлигидан далолат берувчи излар ва предметларни, жиноятчиларнинг кийимларида, фойдаланган транспорт воситасида қолдирилиши мумкинлигини аниқлаш (Масалан: лой, тупроқ, чанг, бўёқ, қон излари ва ҳ.к.);

5. Воқеа жойи ҳолатини ва изларни криминалистик-техникавий воситалар ёрдамида қайд этилишини таъминлаш чорасини кўриш лозим. (Масалан: фотосуратга олиш, видеотасвирга тушириш, нусхалар олиш).

Кўздан кечиришни ҳужум уюштирилган жойдан бошламоқ лозим. Бу жойлардан жиноятчининг оёқ излари, ташлаб юборилган ёки тушириб қолдирилган жиноят қуроллари (пичоқ, устара, кастет ва ҳ.к.) отилган гильза ва ўқлар, жиноятчиларнинг тиш излари қолган предметлар, папирос

қутичаси ва қолдиғи, дастрўмол, гугурт, олишув вақтида юлиниб қолинган тугма, кийим парчалари, бош кийим ва бошқа буюмлар топилиши мумкин. Бу топилган из ва буюмларда жиноятчилар тўғрисида муҳим маълумотлар бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, улар диққат билан кўздан кечирилиши лозим. Масалан: воқеа жойидан топилган пойабзал излари жиноятчилар кийиб юрган пойабзал тури, размери, жиноятчиларнинг қаёқдан келиб, қайси томонга кетганлигини, транспорт воситаси протекторидан қолган излар бўйича жиноятчилар қандай транспортдан фойдаланганлигини, бош кийимидан топилган сочи бўйича, сочнинг ранги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Ҳужум қилинган жой кўздан кечирилгандан кейин, унга туташ бўлган жойлар кўздан кечирилади. Воқеа жойидан жиноятчилар кетган из бўйича кузатиб борилса йўлма-йўл унча аҳамиятли бўлмаган, арзимайдиган предмет ёки буюмларни ташлаб кетган ёки тушириб қолдирганлиги аниқланиши, топилиши мумкин.

Масалан, жиноятчилар сўмкача ёки ҳамённи тортиб олгандан кейин ичидаги пул ва бошқа қимматликларни олиб, ўша ернинг ўзидаёқ ёки воқеа жойидан бир оз узоқлашгандан кейин отиб юборишлари мумкин. Жиноятчилар ташлаб кетган предметлар, ўғирланган буюмлар топилганда улар диққат билан кўздан кечирилади, чунки уларда жиноятчилар ўзларининг бармоқ изларини қолдирган бўлишлари мумкин.

Агар талончилик ёки босқинчилик турар жойларда содир этилган бўлса, юқорида қайд этилган из ва предметлардан ташқари хонадонларга кириш жойларида, эшикда ва ичида бузиш аломатлари мавжуд бўлганда бузиш қуролларининг турини аниқлаш мақсадида улар диққат билан кўздан кечирилади, бузиш қуролини қидириб топиш чоралари кўрилади.

Жабрланувчини сўроқ қилгандан ва воқеа жойида кўздан кечиришни ўтказгандан кейин, кечиктириб бўлмайдиган баъзи тергов ҳаракатларини

ўтказиш лозим бўлади. Уларга гувоҳларни сўроқ қилиш, суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш, жабрланувчининг кийимини кўздан кечириш ва гувоҳлантириш каби тергов ҳаракатлари киради.

Гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби жабрланувчини сўроқ қилишга ўхшаш бўлганлиги учун фақат сўроқ қилишнинг айрим хусусиятларига тўхталиб ўтилади. Гувоҳларни сўроқ қилишда уларнинг кузатувига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларига ҳам эътибор бериш лозим. Масалан, жиноят содир этилган жойнинг ёритилганлиги, масофа, ҳодисанинг тез бўлиб ўтишлиги, кўриш ва шунга ўхшаш ҳолатлар. Шунинг учун ҳам уларни сўроқ қилишда биринчи навбатда ҳодиса қачон содир этилганлигини, об-ҳаво қанақалиги, ёритилиш қандай эканлиги, ҳодиса содир этилаётганда қаерда турганлиги, кўриш қобилияти қандайлиги, нима учун ҳодиса содир этилган жойга ўз эътиборини қаратганлиги аниқланади. Кузатиш жараёнида у нималарни кўрганлиги, яъни жабрланувчини кўрган бўлса, у қандай кийимдалиги ва ҳужум вақтида нима қилганлиги, агар жиноятчиларни кўрган бўлса кўриниши қандай эканлиги, қайси томондан келганлиги ва ҳар бирининг ҳаракати нималарда ифода этилганлиги ва қайси томонга қараб кетганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Суд-тиббиёт экспертизасида жабрланувчига етказилган тан жароҳати, унинг даражаси, танага етказилган шикаст (жароҳат) вақти, қўлланилган қурол, натижада жабрланувчининг меҳнат қобилиятини йўқотганлиги аниқланади. Баъзан жабрланувчи баданида жароҳатни ўзи етказиши мумкинми, шикаст етказилишида жабрланувчи билан жиноятчи (ҳужум қилган шахс)нинг ўзаро жойлашиши қандай бўлганлиги каби ҳолатлар аниқланиши лозим.

Агар суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш зарурати бўлмаса жабрланувчининг баданида шикастланиш белгилари бор- йўқлигини аниқлаш

мақсадида гувоҳлантириш ўтказилади. Гувоҳлантириш Жиноят процессуал кодексининг 142-147-моддаларида кўрсатилган талаблар асосида ўтказилади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини содир этиш вақтида, агар жабрланувчи қаршилик кўрсатган бўлса, улар олишув пайтида ҳар иккаласининг ҳам ташқи кийимида уларнинг толалари қолиши мумкин. Уларнинг кийимлари олиниб, ЖПКнинг 135, 140-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда кўздан кечириш ўтказилади. Кийимларни кўздан кечириш яхши ёритилган хонада катталаштирилиб кўрсатиладиган лупалар ёки микроскоплардан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Кўздан кечиришда ҳосил бўлган шикастлар асосида жиноятчилар қандай қуроллардан фойдаланганлиги ҳамда жабрланувчининг кийимида қолган қон доғлари ва микрозаррачалар аниқланади.

Дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш билан бирга ички ишлар органлари ходимларига жиноятчилар ва ўғирланган мулкни қидириб топиш учун тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш тўғрисида кўрсатмалар берилади. Жиноят содир этилишидаги аниқ ҳолатни, ўтказилган дастлабки тергов жараёнида тўпланган маълумотларни инобатга олган ҳолда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жиноятчилар қочиб улгурган бўлса унинг изидан қувиш гуруҳи таркибига жабрланувчи ёки гувоҳни киритиш зарур;

2) милиция ходимлари ва жамоатчилик ёрдамида яширинган жиноятчини қидириб топиш мақсадида атрофдаги ҳудудларни қараб чиқиш;

3) изтопар итдан фойдаланиш;

4) жиноятчилар қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида милиция ходимлари ва жамоатчилик вакиллари ёрдамида йўлларда, станцияларда, пристанларда тўсиқ ўрнатиб уларнинг йўлини тўсиш ишларини ташкил

этиш;

5) жиноячилар келиши мумкин бўлган жойларда кузатишни ташкил этиш;

6) жиноятчиларни кўрган шахсларни аниқлаш;

7) жиноятчилар ўтиши мумкин бўлган аҳоли пунктлари, милиция органларини, темир йўл станцияларини ва қўшни туман ва вилоят ички ишлар органларини жиноятчиларнинг белгилари ва ўғирланган мулк турлари маркаси ва бошқалар тўғрисида хабардор қилиш;

8) бозорларда, ломбардларда, дўконларда қўл юкини сақлаш камераларида, вокзал ва аэропортларда ўғирланган мулкни сотаётган ёки сақлашга топшираётган шахсларни ушлаш мақсадида кузатувни ташкил этиш.

Ушбу тезкор-қидирув тадбирларининг қанчалик тез ва моҳирона ўтказилиши жиноятчилар ва ўғирланган мулкларни ўз вақтида ушлаш ва қидириб топишда катта аҳамиятга эга.

Терговнинг вазифасига мазкур жиноятларнинг олдини олиш масаласи ҳам киради.

Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг содир этилишига олиб келган ҳолатлар ва сабабларни аниқлашни терговчи жиноят иши қўзғатиш босқичидан бошлайди ва дастлабки тергов тамом бўлгунга қадар давом эттиради.

Маълумки, бу жиноятларнинг содир этилишининг асосий сабаблари айрим шахсларнинг онгида жамият манфаатларига зид бўлган қарашлар ҳисобланади. Терговчининг вазифалари, биринчидан, бундай қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омилларни, иккинчидан, бу омилларнинг амалга оширилишига имкон яратувчи ҳолатларни аниқлашдан иборат.

Талончилик ёки босқинчилик жиноятларининг содир этилишига са-

баб бўлган ҳолатлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга кирувчи типик ҳолатларга қуйидагиларни киритса бўлади: ёш ўспиринларнинг назоратсиз қолдирилиши, айрим нохўш оилаларда уларга нисбатан салбий таъсир кўрсатилиши (оилада сурункасига спиртли ичимликларнинг истеъмол қилиниши, оилада эгоизм, қўполлик, атроф-муҳитга нисбатан менсимаслик, баландимоғлик билан қарашлик) каби ҳолатлар. Бу ҳолатларга мактабларда, ўқув муассасаларида ҳамда ишлаб чиқариш жамоаларида тарбиявий ишларнинг сустлиги, яшаш жойидаги жамоат ташкилотларининг фаолиятсизлигини қўшиш мумкин.

Бирон-бир маънавий негизга эга бўлмаган, ўзининг бўш вақтларини қандай ўтказишни билмайдиган ёш қатлам ичкиликбозликка, карта ўйинларига берилиб кетади, натижада улар аввало кичикроқ, кам аҳамиятли бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этадилар, кейинроқ уларнинг онгида жазосиз қолиб кетишлик аломатларининг пайдо бўлиши натижасида оғирроқ, яъни талончилик ёки босқинчилик жиноятларининг содир этишгача олиб келади.

Иккинчи гуруҳ ҳолатларига қуйидагилар киради: 1) маъмурий органлар фаолиятида йўл қўйиладиган камчиликлар: текинхўрларча турмуш кечираётган шахслар жиноятчилар муҳитига тушиб (шахслар) қолиши, жиноий гуруҳлар билан ишлашнинг суст олиб борилиши; талончилик ва босқинчилик жиноятларининг тўла очилмай қолишликлари; ўқ-отиш ва совуқ қуролларни тортиб олишдаги бепарволиклар; жамоат тартибини қўриқлаш органларининг фаолиятсизлиги; турар жой атрофларининг яхши ёритилмаганлиги;

2) жабрланувчиларнинг маънавий ва аҳлоқий ҳулқининг бузуқлиги;

3) моддий қимматликлар билан муомала қилиш қоидаларининг бузилиши. Масалан: ғазначи ёки инкассаторларнинг пул воситаларини қўриқчисиз транспортда олиб юриши.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини келтириб чиқарган сабаблар, ҳолатлар аниқлангандан кейин терговчи тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларга уларнинг олдини олиш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимномада жиноятнинг содир этилишига имконият яратиб берганликлари кўрсатилиши билан бирга ушбу ҳолат ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини ҳам кўрсатади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларининг олдини олиш чора-тадбирларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ички ишлар органлари, пост-патруль хизматини яхши ташкил этиш;

2) кўча ва жамоат жойларидан маст ҳолатда юрган шахсларни четлатиш;

3) милиция органлари ва жамоатчилик оммасини ёшларнинг ўқ отиш ёки совуқ қуролларини тақиб юриши билан боғлиқ ҳолатларга қарши кураш олиб бориш;

4) жабрланувчининг ноаҳлоқий ҳулқини иш жойи йиғилишида муҳокама этиш.

Тақдимномада, шунингдек, корхона раҳбарияти номига ёшларни ишга жойлаштириш, меҳнат шароитлари ва дам олиш вақтларини яхши ўтказишни таъминлаш масалаларига эътиборсизлик билан қараганликлари қайд этиб борилади.

29-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГАШ УСЛУБИ

1-§. Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи

Фирибгарлик деганда ўзгалар мулкини (давлат, жамоат ёки фуқароларнинг шахсий мулклари) алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга тушириш тушунилади. Мазкур жиноятни тергаш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Биринчидан, фирибгарлик жиноятининг содир этилиши бошқа жиноятлар содир этилиши фарқ қилади. Жабрланувчилар фирибгарлар билан бир қанча вақт, баъзи вақтларда узоқ муддат давомида ўзаро муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам жабрланувчилар жиноят содир этилгандан кейин фирибгарнинг ташқи кўриниши белгилари тўғрисида тўлароқ маълумот беришлари мумкин.

Иккинчидан, фирибгар маълум даражада бошқа жиноятчилардан (ўғри, талончи, безори) фарқ қилади. Кўп ҳолларда фирибгарлик вояга етган, ёши катта шахслар томонидан содир этилади. Улар жиноятни содир этишда ўзларининг айёрлик ва чапдастлик қобилиятларини ишлатиб одамларни ўзига жалб этадилар, уларда ўзларига нисбатан ишонч ва қизиқиш уйғотадилар.

Учинчидан, фирибгарлик баъзи вақтларда фуқароларнинг ўзларини ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчилар фирибгарга нисбатан ўта ишонч ва очиқ кўнгиллик билдирадилар ва шу билан ўзларини алданиб қолганларини билмайдилар.

Фирибгарларни шартли равишда беш гуруҳга бўлса бўлади:

биринчи гуруҳга қўнимсиз, доимий равишда кезиб юрадиган фирибгарлар- учарларни (гастролер) киритса бўлади. Улар жиноятни содир этиш биланоқ қочиб қолади.

Иккинчи гуруҳга доимий яшаш ва иш жойи бўлмаган, фирибгарлик билан бир неча бор судланган шахсларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳга майда фирибгарлик содир этадиган шахслар киради.

Тўртинчи гуруҳ фирибгарларга эса ўзларининг енгилтаклиги туфайли ёки бошқа шахслар ёки ҳолатлар таъсирида биринчи маротаба фирибгарликни содир этган шахслар,

-бешинчи гуруҳга олдин судланмаган, узоқ чўзилган фирибгарликни содир этган, масалан: ноқонуний равишда нафақа (пенсия) олиб турган шахслар, киради.

Фирибгарлик жиноятини тергашда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга жиноятни содир этиш усули, жиноят содир этилишида жабрланувчининг роли, фирибгарлик жиноятининг содир этилишига имконият яратган шароитлар киради.

2-§. Дастлабки тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари.

Маълумки, фирибгарликни содир этилиш усулларини билиш терговни муваффақиятли олиб боришга имкон беради, чунки шу асосда у ёки бу тергов ҳаракатларини ўтказиш режалаштирилади, уларни ўтказишнинг кетма-кетлиги ва тактикаси аниқланади ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари белгиланади. Фирибгарликни кўп тарқалган усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ижтимоий таъминот органларидан давлат нафақалари ва бошқа тўловларни (сохта) ҳужжатлар ёрдамида ноқонуний йўл билан пул олиш, бундай (сохта) ҳужжатлар корхона, муассаса ва ташкилотлар мансабдор шахсларидан пора бериш орқали сотиб олинади;

2) у ёки бу товарларни кредитга олиш йўли билан давлат мулкини эгаллаш ва қолган суммани тўлашдан бош тортиш;

3) давлат ва жамоат мулкини фиктив ёки ўзгаларнинг ҳужжатини кўрсатиш йўли билан эгаллаш;

4) давлат ва жамоат мулкини кўп миқдордаги пулларни майдалаб олишда кассирларни ҳисобда алдаш йўли билан эгаллаш.

Фуқароларнинг шахсий мулкини фирибгарлик йўли билан эгаллаш усулларидан бири:

1) харидорлар сотиб олаётган нарса ўрнига унга бўлган бошқа нарсани бериш тез-тез учрайди. Бу ҳолларда тергов режаси тузишда ва тегишли версиялар (тахминлар) юритилади. Юритиладиган типик тахминларга шартли равишда қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Фирибгарлик ҳақиқатан ҳам тўпланган материаллар асосида қўзғатилганми?

2) фирибгарлик содир этилмаган, лекин аризачи виждонан адашган?

3) фирибгарлик содир этилмаган, лекин аризачи ёлғон хабар берган (фирибгариликни саҳналаштириш).

Фирибгарлик жиноятини тергашда хусусий тахминлар ҳам юритилиши мумкин, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) фирибгарларни шахси тўғрисида;

2) содир этилган жиноят натижасида олинган мулкларни сақлаш ва сотиш жойлари тўғрисида;

3) фирибгарлик содир этилиш ҳолатлари тўғрисида;

4) фирибгарлик натижасида келтирилган зарар миқдори тўғрисида.

Агар терговнинг бошланишида фирибгарнинг шахси аниқ бўлмаса, дастлабки тергов ҳаракатларида қуйидагилар амалга оширилади: жабрланувчини сўроқ қилиш, кўздан кечириш, фотосуратлар орқали таниб олиш учун кўрсатиш, гумон қилинувчини ушлаш, тинтув қилиш, сўроқ қилиш.

Жабрланувчи ёки моддий жавобгар шахсни сўроқ қилишда жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар аниқланиши керак. Шуни назарда ту-

тиш керакки, баъзи вақтларда жабрланувчилар содир этилган жиноят тўғрисида истар-истамас кўрсатма берадилар. Терговчи бу ҳолатларни эътиборга олиб у билан психологик алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиши керак ёки шундай ҳолат яратиш керакки, жабрланувчи сўроқ вақтида ўзини эркин ҳис этиши лозим.

Фирибгарлик жиноятини тергашда фирибгарларнинг алоҳида ва кўзга ташланиб турадиган белгиларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ҳолларда сўроқ қилинувчига шахсларнинг ташқи кўринишини характерловчи суратларни кўрсатиш мумкин. Агар жабрланувчи фирибгарнинг ташқи кўриниши белгиларини эслаб қолган бўлса, унда унинг юз тузилиши белгиларини (анатомик белгилари) чизиб кўрсатиш таклиф этилади.

Жабрланувчини сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатлар мумкин қадар мукаммал аниқланиши керак:

1) фирибгарлик қачон, қаерда содир этилганлиги;

2) жабрланувчи қандай ҳолатларга кўра, жиноят содир этилган жойда ҳозир бўлиб қолганлиги;

3) фирибгарлар неча киши бўлганлиги, улар ўзларини қандай тутганлиги, бир-бирлари билан қандай муомала қилганликлари;

4) жиноятчилар фирибгарликнинг қандай усулларидан фойдаланганлиги;

5) фирибгарлар, жабрланувчига қандай предмет ёки ҳужжатлар берганлиги;

6) қандай буюмларни олганлиги;

7) содир этилган жиноят тўғрисида жабрланувчи кимга хабар берганлиги.

Аниқ жиноят ишини тергашда қайд этилганлардан ташқари жабрланувчига бошқа саволлар ҳам берилиши мумкин.

Предметлар, ҳужжатлар ва воқеа жойини кўздан кечириш.

Жиноий изларни ва бошқа ашёвий далилларни қидириб топиш, қайд этиш ва олиш мақсадида кўздан кечириш ўтказилади. Жабрланувчиларнинг фирибгарлардан олган ҳужжатлар, предметлар қалбаки пуллар, турли ёзувлар, квитанциялар, паспорт, гувоҳнома, ишончнома топилиши биланоқ дарҳол кўздан кечирилиши лозим, бу ўз навбатида жиноятчининг шахси тўғрисида маълумотлар тўплаш имкониятини беради.

Жабрланувчилар томонидан терговчига берилган предмет ва ҳужжатларни терговчи бу ҳужжат ва предметлардан фирибгарларнинг бармоқ изларини қидириб топиш мақсадида уларни диққат билан кўздан кечириши керак.

Фирибгарлик жинояти содир этилгандан кейин ўтган вақтни инобатга олган ҳолда воқеа жойида кўздан кечириш ўтказилади. Ушбу жиноят иши бўйича воқеа жойи тушунчаси кенгроқ маънога эга. Фирибгар жабрланувчи билан бир жойда танишиб олиши мумкин, бошқа жойда уни алдаши ва учинчи жойда эса ундан пул ёки қимматбаҳо нарсаларни олиб яшириниши мумкин. Аниқ вазиятга қараб қаерни ва қандай ҳолатларни кўздан кечиришни терговчи ўзи ҳал қилади. Ҳар эҳтимолга кўра, фирибгар ва жабрланувчининг охирги учрашган жойи кўздан кечирилгани маъқул.

Воқеа жойини кўздан кечиришда терговчи унинг умумий ҳолатини бевосита ўрганади, фирибгарликнинг қаерда содир этилганлигини, жиноятчи бу жойни олдиндан билиши ёки билмаслигини, кириш ва чиқиш йўлларини билишлиги каби ҳолатларни аниқлайди.

Фирибгарлар томонидан қолдирилган қўл изларини қидириб топишда, жабрланувчиларнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади, чунки қандай предметларга қўл ўрганлигини айтишлари мумкин.

Дастлабки терговни амалга ошириш билан бир вақтда фирибгар ва ўғирланган мулкни қидириб топиш мақсадида тезкор-қидирув тадбирла-

ри ҳам олиб борилади.

Фирибгарлик жиноятини очиш ва фирибгарларни қидириб топишда кенг жамоатчилик оммаси катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Уларнинг фирибгарларни қидириб топишдаги иштирок этиш формалари турлича бўлиши мумкин: милиция ходимлари ишчи-хизматчилар йиғилишларида, маҳаллий радио орқали, телевидение ва матбуот воситалари орқали чиқишларидан кейин уларнинг ёрдамлари тегиши мумкин.

Энг аввало, фирибгарларни иссиғида қидириб топиш тадбирлари амалга оширилади. Бу тадбирларни махсус тузилган тезкор-қидирув гуруҳи амалга оширадилар. Улар дўконлар, бозорлар, вокзал ва метроларда патруллик қилиб фирибгарларни кузатадилар. Фирибгарларни қидириб топишда жиноий рўйхатдан ҳам кенг фойдаланилади.

Фирибгар аниқлангандан кейин ушланади. Фирибгарлар ушланиш вақтида турли ҳийла-найранг ишлатишлари мумкин. Бундай вақтларда ушланганларнинг хатти-ҳаракати зимдан кузатилмоғи керак, уларни қочиб қолишининг олдини олиш, жиноят қуроллари, жабрланувчидан олган пул ва буюмларни отиб юбормаслик чораларини кўриб қўйиш керак. Фирибгарликда гумон қилинган шахслар ушланганда дарҳол шахсий тинтувдан ўтказилишлари даркор ва ундан фирибгарлик билан топилган барча пул, қимматбаҳо нарсалар олиб қўйилади.

2-§. Кейинги ўтказиладиган тергов ҳаракатлари.

Тахминлар юритиш ва уларни текшириб кўриш. Дастлабки тергов ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилгандан кейин тўпланган маълумотлар асосида терговчи турли тахминлар юритади. Буларга қуйидаги умумий тахминларни киритиш мумкин:

1) дастлабки материаллардан келиб чиққан ҳолатларга кўра фириб-

гарлик ҳақиқатан ҳам содир этилган;

2) фирибгарлик содир этилмаган, лекин шикоятчи виждонан янглишган;

3) фирибгарлик содир этилмаган, лекин шикоятчи ёлғон хабар берган.

Юритиладиган хусусий тахминларга қуйидагилар киради:

1) фирибгарнинг шахси тўғрисида;

2) жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларнинг сақланиш ёки сотилиш жойлари тўғрисида;

3) фирибгарлик содир этилган ҳолатлар тўғрисида;

4) фирибгарлик натижасида келтирилган зарар миқдори тўғрисида.

Юритилган ушбу умумий ва хусусий тахминларни текшириб кўриш учун терговчи қатор тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказади. Бундай тергов ҳаракатларига гувоҳларни, гумон қилинувчини сўроқ қилиш, гумон қилинувчи ва буюмларни таниб олиши учун кўрсатиш, суд экспертизаларини тайинлашлари киради.

Гувоҳларни сўроқ қилиш.

Фирибгарлар жиноятни одатдагидек, жабрланувчини бошқа шахсларнинг иштирокисиз амалга оширишга ҳаракат қиладилар, шундай бўлса ҳам фирибгарликнинг содир этилиши тўғрисида ниманидир гапириб бериши мумкин бўлган гувоҳларни аниқлаш мумкин. Бундай гувоҳлар жабрланувчининг фирибгарга пул ёки бошқа қимматликларни берганлигини ўз кўзи билан кўрган, суҳбатини эшитган, фирибгарнинг жиноятни содир этишидан олдинги ва кейинги ҳаракатларини кузатган бўлишликлари мумкин. Баъзи вақтларда лекин жуда кам ҳолларда жабрланувчига таниш бўлган одамлардан баъзилари жабрланувчи билан фирибгар ўртасида битим тузилаётганда иштирок этишлари ҳам мумкин.

Бундай гувоҳлар кўпинча жабрланувчини сўроқ қилиш жараёнида, жамоатчилик ёрдамида, воқеа жойини кўздан кечиришда ва ички ишлар органларининг тезкор-қидирув имкониятлари асосида аниқланади. Гувоҳларни сўроқ қилишда жиноятни содир этилишида уларга маълум бўлган барча ҳолатлар аниқланади, айниқса фирибгарнинг ташқи кўриниш белгиларини аниқлашга асосий эътибор қаратилмоғи лозим. Баъзи вақтларда айбланувчи ва жабрланувчининг шахси тўғрисида ҳамда улар билан ўзининг ўзаро муносабатлари тўғрисида маълумот берувчи гувоҳларни сўроқ қилишга ҳам тўғри келади. Шунинг учун сўроқ вақтида уларнинг айбланувчига нисбатан қандай муносабати аниқланиши керак.

Гувоҳларни сўроқ қилишда қуйидаги масалалар ҳал этилмоғи лозим: айбланувчининг турмуш тарзи, жиноятни содир этишдан олдин ишлаган-ишламаганлиги, айбланувчининг бошқа шахслар билан ўзаро муносабати, бўш вақтларини ким билан ва қандай ўтказишлиги, унинг дўстлари орасида муқаддам судланганлар бор-йўқлиги, айбланувчининг жиноий фаолияти тўғрисида гувоҳга нималар маълумлиги.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш.

Гумон қилинувчи ушланган ва тинтув ўтказилгандан кейин дарҳол сўроқ қилинади. Сўроққа тайёргарлик кўришда терговчи иш бўйича тўпланган барча материалларни диққат билан яна бир бор таҳлил қилиб чиқиши тавсия этилади.

Жиноятнинг устида ушланган фирибгарлар, кўпинча турли ҳийла-найранг ишлатиб айбдор эканликларини дарҳол тан олмайдилар. Кўпинча улар ҳеч қандай жиноят содир этмаганлиги тўғрисида гапириб, унинг ушланиши ноқонуний эканлигини билдирадилар. Агар фирибгар ўзининг иштирокчилари билан бирга ушланса, уларни биринчи марта кўраётганлигини гапириши мумкин, иштирокчи эканликлари исботланган ҳолларда эса, улар билан учрашув тасодифий бўлганлигини тушунтириш-

га ўтиб оладилар.

Гумон қилинувчини сўроқ қилишда ундан фирибгарликни содир этиш усули аниқлаб олинади, зарурати бўлса, уни қайта кўрсатиш таклиф этилади. Фирибгарликда ушланган шахснинг кўрсатмасини қайта текшириш усули фирибгарга қўйилган айбни инкор этса, унга ушлаш тўғрисидаги баённома, ушлаш вақтида иштирок этган милиция ходимининг кўрсатувлари, шахсий тинтув баённомаси кўрсатилади ва жабрланувчи билан юзлаштириш ўтказилади.

Жиноят содир этилгандан кейин бир мунча вақт ўтгандан кейин ушланган фирибгарлар жиноят содир этилганда бошқа жойда эканлигини важ қилиб жиноят содир этмаганликлари тўғрисида кўрсатма берадилар, бундай вақтда терговчи тўпланган материаллар асосида уни фош этиши зарур.

Фирибгарлик жиноятини тергашда кўпроқ ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан бири шахс ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш ҳисобланади. Фирибгарлик ишлари бўйича шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси ўзига хос бўлган баъзи хусусиятларга эга. Жумладан, фирибгарларни таниб олиш учун кўрсатишда улар ишлатадиган турли найрангларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Кўпинча улар жиноятни содир этишдан олдин ўзларининг ташқи кўринишларини ўзгартиришлари мумкин: кийимини ўзгартириши, сочини ясама соч билан алмаштириши, соқол-мўйловини ўстириб юбориши, кўзойнак тақиб олиши ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам шахсни таниб олиш учун кўрсатишда жабрланувчини шошилтирмаслик керак, у таниб олинаётганнинг атрофидан айланиб кўриши, ташқи кўриниш белгиларини синчиклаб ўрганиши учун тўлиқ имконият яратилиб берилиши керак.

Жабрланувчи ёки гувоҳларга турли буюмлар ҳам таниб олиш учун кўрсатилиши мумкин. Буюмлар олдин жабрланувчига тегишли бўлиб,

ундан фирибгарлар алдов йўли билан олган бўлиб тинтув вақтида фирибгардан топилган бўлса таниб олиш учун кўрсатилади.

Экспертиза тайинлаш. Фирибгарлик жиноятини тергашда кўпинча дастхатнинг экспертизаси, ҳужжатларни техникавий-криминалистик асосда текшириш экспертизаси ва трасологик экспертизалари тайинланади.

Криминалистик экспертизаси ёрдамида шахсларни дастхатлари бўйича идентификация қилиш, ҳужжатларни ёки уларнинг айрим реквизитларини (қисмларини) тайёрлаш усулларини аниқлаш, ҳужжатлардаги дастлабки ёзувларни қайта тиклаш каби масалалар ҳал этилади. Баъзи вақтларда бўлаклардан бир бутунликни аниқлаш учун трасологик экспертизаси ҳам тайинланади.

Фирибгарлик жиноятини тергашда суд-химия, техникавий экспертизалар ҳам тайинланади. Улар ёрдамида суюқликларнинг химиявий таркибини, қалбаки пулларини тайёрлаш усуллари аниқланади.

г) Фирибгарлик жиноятини олдини олиш чоралари.

Фирибгарлик билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ишни тергашда мазкур жиноятни келтириб чиқазган сабаб ва шароитларни аниқлаш зарур бўлади. Кейинчалик шу асосда бундай жиноятнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Фирибгарликнинг содир этилишидаги асосий сабаблар бўлиб айбланувчиларнинг онгига сингиб қолган жамият манфаатларига зид бўлган индивидуалистик (шахсиятпарастлик) тенденциялар ҳисобланади. Бу тенденциялар ўтган давр эскилик сарқитлари бўлмиш текинхўрлик, худбинлик, манфаатпараслик (эгоизм) кўринишларида ифодаланиши мумкин. Кўп ҳолларда бундай тенденцияларнинг юзага келишига ижтимоий фойдали меҳнатдан қочишлик, фирибгар ишлаётган жамоада тарбиявий ишларнинг сустлиги, атрофдаги одамларнинг салбий таъсири сабаб бўлади.

Фирибгарликнинг содир этилишига маълум даражада айрим шахсларнинг, хусусан жабрланувчиларнинг нотўғри ҳаракатлари, ички ишлар органлари ва жамоатчиликнинг бу турдаги жиноятнинг очилиш ва унинг олдини олишдаги ишларнинг етарлича ташкил этилмаганлиги, айрим раҳбарларнинг кўнгилчанлиги (беғамлиги), бепарволиги, шунингдек, турли хил ҳужжат бланкаларининг ўғирланиши сабаб бўлади. Баъзан айрим ташкилотларда назорат қилишнинг пастлиги ушбу ташкилотда ишлаётган шахслар томонидан қалбаки ҳужжатлараро орқали пул маблағларини олишга имконият тўғдиради.

Жиноятни тергаш жараёнида фирибгарликнинг содир этилишига олиб келган барча сабаб ва шарт-шароитлар аниқлангандан кейин уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Жумладан, тегишли корхона, муассаса, ташкилотлар ва жамоат ташкилотларига аниқланган ҳолат ва шарт-шароитларни йўқотиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида тақдимнома юборилади. Тергов давомида фирибгарликни жабрланувчининг ўзи содир этган бўлса, бунга жабрланувчининг диққатини жалб этиш зарур. Бундай жиноятнинг олдини олишда телевидение, радио ва оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланиш лозим.

30-боб. ПОРАХЎРЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ

1-§. Порахўрликнинг криминалистик тавсифи

Порахўрлик ҳар доим мансабдор шахснинг хизмат вазифаларини ўз ғаразли мақсадлари йўлида суиистеъмол қилиши билан боғлиқ ва кўпгина ҳолларда яширинча, гувоҳларсиз юз беради. Порахўрликда жиноят субъектларининг одатий алоқа схемаси қуйидагича: пора берувчи – пора олувчи, баъзан эса, пора берувчи – воситачи – пора олувчидан иборат. Масалан, савдо соҳасидаги порахўрликда пора олувчининг бир неча воситачи билан алоқаси одатийдир. Бунда воситачилар мустақил, баъзан эса ўзаро

хизмат билан боғлиқ бўладилар. Воситачи ўзининг улушини олган ҳолда жиноятни сир тутишга ҳаракат қилади ва одатда порахўрлик ташаббускорининг ишончли одами бўлади. Бу алоқа бажарилиши жараёни ниҳоятда сир сақланади. Порахўрлар пора берувчи жиноят устида қўлга тушганда қандай баҳона тўқишини аввалдан тайёрлаб қўяди. Жиноятни беркитишнинг турли усуллари бор: «совға қилиш», «қарз бериш», корхонанинг штатига ишчи, ходим сифатида қабул қилиш ва маош тўлаш ёки моддий рағбатлантириш ва ҳоказо.

Порахўрликнинг натижаси ҳар доим ҳам моддий қайд қилинмайди. Аммо бир қатор вазиятларда жиноятга алоқадор шахсларнинг бармоқ излари пора предметида, ўрамда қолади, баъзан эса порахўрликнинг бошқа излари ҳам сақланиб қолади (товар чеклари, этикеткалар, пул, қимматбаҳо нарсалар, жиноятчиларнинг шахсий ёзувлари ва бошқалар).

Порахўрлик кўпгина ҳолларда давлат ёки жамоат мулкини талон-тарож қилиш, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ва бошқа жиноятлар билан боғлиқ.

Порахўрликнинг криминал тавсифи жиноят содир этишнинг қуйидаги типик ҳолатлари билан боғлиқ: а)пора берувчининг манфаатларини кўзловчи ноқонуний ҳаракатлар билан боғлиқ порахўрлик; б) пора берувчининг манфаатларини кўзловчи қонуний ҳаракатлар билан боғлиқ порахўрлик, масалан: уй-жой ёки бирор маблағ олишни тезлаштириш мақсадида; в) воситачиларсиз пора бериш ва олиш; г) воситачилар ёрдамида пора бериш ва олиш; д) тамагирлик йўли билан пора олиш; е) тамагирликсиз пора олиш.

2-§. Типик тергов вазиятлари, версиялари ва терговни режалаштириш

Порахўрлик ҳақидаги жиноят иши жамоатчилик, мансабдор шахслар

вакилларининг маълумотларига кўра, фуқароларнинг аризалари, матбуотдаги хабарлар ва милиция органларининг тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга оширилади. Терговчи, жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қиларкан, юз берган тергов вазияти ва бошланғич маълумотларни баҳолайди ва уларга асосан версиялар ишлаб чиқади ва тергов режасини тузади.

Порахўрликни тергов қилишнинг типик вазиятларига қуйидагилар киради:

Маълум бир мансабдор шахс томонидан пора олинганлиги ҳақида аниқ далил мавжуд. Бундай ҳолларда, одатда, жиноят иши қўзғатилади ва тергов режаси тузилади. Бошланғич тергов жараёнида амалга оширилади: гувоҳларни сўроқ қилиш, мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзловчи ҳаракатлар қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш; пора берувчини ушлаш ва сўроқ қилиш; шерикларни тинтув қилиш, пора предметини кўздан кечириш; юзлаштириш, криминалистик экспертиза тайинлаш – керак бўлса ҳужжатларни суд-дастхат ёки криминалистик техник ўрганиш, товаршунослик экспертизаси тайинлаш, тинтув пайтида шубҳаланувчидан олиб қўйилган нарсаларнинг тури ва сифатини аниқлаш, суд-бухгалтерия экспертизаси тайинлаб, маблағ тўловлари тўғрилигини ҳисобга олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим. Тергов ҳаракатлари билан айни вақтда порахўрликнинг шерикларини ва ҳар бир шахснинг жиноятдаги ролини аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Маълум бир мансабдор шахсга пора ваъда қилинганлиги ёки берилиш ҳақида маълумотлар бор бўлса, бундай ҳолатда жиноят иши қўзғатишга асосни бошланғич текширувдан ўтказиш, мансабдор шахснинг алоқаларини текшириш, унинг пора берувчи манфаатини кўзлаган ҳолда хизмат доираси имкониятлари ва ҳаракатларини аниқлаш, пора берувчи ва

пора олувчини жиноят устида қўлга тушириш бўйича тегишли тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарур. Бундай вазиятда бошланғич тергов ҳаракатлари қуйидагича тус олади: даъво қилувчини сўроқ қилиш, жиноят устида қўлга тушириш, пора олувчининг уй-жойи ва иш хонасида тинтув ўтказиш, пора предметларини кўздан кечириш, гувоҳ ва шубҳа остидагиларни сўроқ қилиш, экспертизалар тайинлаш.

Порани тамагирлик йўли билан олинганлиги ҳақида далиллар мавжуд бўлса, олинган маълумотни дастлабки текширувдан ўтказиш зарур. Ҳақиқатдан ҳам пора олувчи ўзига тобе шахсни унинг ноқонуний талабларини қондиришга мажбур қилувчи шароит яратганлигини аниқлаш зарур. Мансабдор шахсга нисбатан провокация бор-йўқлигини аниқлаб, жиноят иши қўзғатиш ва тергов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш зарур. Дастлабки тергов вақтида криминал ҳисоботлар, архив материалларидан фойдаланилади, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади. Терговчи мансабдор шахснинг ваколати билан танишади, даъво қилувчи ва бошқа шахслардан тушунтиришлар олади, зарур ҳолларда мансабдор шахснинг маълум бир муддатдаги меҳнат фаолиятини текшириш мақсадида ревизия ёки инвентаризация ташкил қилади. Кўрсатиб ўтилган вазиятда қуйидаги бошланғич тергов ҳаракатлари амалга оширилади: даъво қилувчи ва бошқа гувоҳларни сўроқ қилиш, порахўрни жиноят устида қўлга олиш, уни тинтув қилиш ва сўроққа тутиш, пора предметларини кўздан кечириш, ҳужжатларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш, шубҳа остидагиларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, экспертизалар тайинлаш. Масалан, бухгалтерия ҳужжатларини тўғри ва қонуний ҳужжатлаштиришни текшириш учун суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш лозим.

Порахўрликни тергов қилиш жараёнида қуйидаги версиялар юзага келади ва текширилади:

- порахўрлик ҳақиқатдан ҳам жиноят иши қўзғатишга асос бўлувчи

материалларда кўрсатилган шароитларда содир бўлган;

- порахўрлик содир этилган, аммо сохта мансабдор-фирибгар шахсга берилган;

- пул мансабдор шахсга қонуний равишда берилган (қарзни қайтариш), пора ҳақида ариза – виждонан янглишган;

- мансабдор шахсга пора берилмаган, чунончи, ноқонуний талабни бажаришдан бош тортгани учун унга туҳмат қилинган;

- мансабдор шахс бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб маълум бир хизмат ҳаракатларини амалга оширган ва пора олмаган.

Кўпинча порахўрлик мансабдор шахсни қалбакилаштириш ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун порахўрликни тергов қилишда порахўрликни бошқа жиноятлар билан алоқа версияларини ҳам текшириш зарур. Версиялардан келиб чиққан ҳолда, тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги, ўтказиш вақтлари ва ижрочилари режалаштирилади. Порахўрлик ҳақидаги иш одатда кўп эпизодли бўлади. Режалаштиришда ташкилий ва тайёрлов тадбирларига, тергов ҳаракатларини ўтказишда криминалистик техник воситалар ёрдамида ва мутахассисларни иштирокига етарли эътибор бериш зарур. Шунингдек, порахўрликка имкон берган шарт-шароитларни аниқловчи тадбирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилади. Мураккаб, кўп эпизодли тергов иши терговчилар гуруҳига топширилади.

3-§. Дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари

Жиноят устида қўлга тушириш – порахўрларни фош этишнинг самарали усулидир. Одатда, у даъво қилувчи шахснинг ҳар томонлама текширилган пора таъмагирлиги бўйича, аризаси бўйича амалга оширилади. Порахўрларни фош этиш учун суд-тезкор фотографияси, кинотасвир ва тезкор-қидирув воситалари қўлланилиши мумкин.

Жиноят устида қўлга олиш ишнинг маълум ҳолатлари билан аниқланади ва порани бериш-олиш пайтида ёки берган заҳоти амалга оширилади. Қўлга олиш вақтида пора олувчи ашёвий далиллардан – пора предметидан қутула олмаслиги муҳимдир. Шерикларни аниқлаш учун қўлга олишни пора предметини учинчи шахсга бериш ёки пуллаш вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Жиноят устида қўлга олишни синчков тарзда режалаштириш зарур. Жиноят устида қўлга олингандан сўнг пора олувчини ўша заҳоти, пора предмети унга қай йўсинда келиб тушганлиги ҳақида баҳона топмасидан туриб сўроқ қилиш керак. Бундай ҳолатларда кўпинча пора олувчи ўз айбини тан олади ва ҳаққоний кўрсатмалар бера бошлайди.

Тинтув. Шахсий тинтув ва порахўрлик шерикларининг уй-жойларини ҳамда мансабдор шахснинг-пора олувчининг иш жойини тинтув қилиш мазкур жиноятни тайёрлаш тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ва пора предметларини, жиноий йўл билан топилган моддий бойликларни топиш ва олиб қўйиш мақсадида амалга оширилади. Одатда шахсий тинтув ва хона тинтуви бир вақтда амалга оширилади. Алоҳида эътибор порахўрлик шерикларининг алоқасини тасдиқловчи хатларга, почта квитанциялари, турли хил ёзувлар, телефон номерларига қаратилиши лозим. Тинтув пайтида шунингдек, шифрланган ёзувлар, шубҳа остидаги шахс ўз алоқасини инкор этувчи шахс тушган фотосуратларга эътибор бериш керак.

Ҳужжатларни кўздан кечириш жуда муҳим тергов ҳаракатларидан биридир. Баъзи бир ҳолатларда у пора олиш-бериш ҳолатларига алоқадорларни аниқлашга имкон яратса, бошқа бир ҳолатларда порахўрликка йўл очиб берувчи ҳисоботни йўлга қўйилмаганлигини аниқлайди, учинчидан мансабдор шахсни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб маълум бир ҳаракатларни амалга оширганлиги ёки оширмаганлигини тасдиқлайди.

Ҳужжатларни кўздан кечириш жиноятчи киритган ўзгаришлар, қалбакилаштириш, ҳужжатларни расмийлаштиришнинг ноодатийлиги, тегишли реквизитларнинг мавжудлиги, мансабдор шахснинг иш бажарилганлиги тўғрисидаги виза ва белгиларини аниқлашга ёрдам беради. Порахўрлар ўз жиноий кирдикорлари изларини йўқ қила олмасликлари учун ҳужжатларни кўздан кечиришни кечиктириб бўлмайди.

Гувоҳларни сўроқ қилиш. Порахўрлик бўйича гувоҳлик бериши мумкин бўлган шахслар гуруҳи жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган материалларга боғлиқ. Қуйидагилар одатда гувоҳ сифатида сўроқ қилинадилар: уларга нисбатан пора тамагирлик қилинган шахслар, порани бериш-олишни кўрганлар; порахўрни жиноят устида қўлга олишда иштирок этганлар; порахўрликда гумон қилинаётган мансабдор шахснинг хизмат фаолияти билан таниш бўлганлар ёки унинг кўрсатмаларини бажарганлар; порахўрнинг шахси ва ахлоқини таърифлаб бера олувчилар (ҳамкасабалар, қўшнилар, қариндошлар). Бу гувоҳлар гуруҳи порахўрлик шерикларининг алоқалари ва пора беришнинг шарт-шароитлари ҳақида фойдали маълумот бера оладилар. Гувоҳлик олингандан сўнг гувоҳ-холиснинг пора берилган (олинган) жойда кўрсатувларини текшириш мумкин.

Порахўрликни тергов қилишнинг баъзи ҳолларида пора бериш-олиш, шунингдек бошқа ҳаракатларни амалга оширишда кузатишни текшириш учун тергов экспериментлари ўтказилади.

Порахўрликни фош этишда суд экспертизалари катта роль ўйнайди. Кўп ҳолларда, пора предметида ёки унинг ўрамида қўл бармоқлари ва кафтнинг изи, кундалик, дафтар, ён китобчаларда – пора бериш билан боғлиқ ёзувлар, блокнотларнинг тоза варақларида текстнинг босилган изларини аниқлаш мумкин. Уларни ўрганиш учун ҳужжатларни криминалистик-техник экспертизаси, микрозаррачалар, материал ва моддаларни ўрганиш учун трасологик экспертиза, баъзан эса комплекс экспертизалар

ўтказилади.

31-боб. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ ТАРЗДА БУЗИЛИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ушбу турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи

Меҳнат хавфсизлиги қоидаларининг жинояткорона бузилишлари катта ижтимоий хавф туғдиради. Улар одамлар ўлимига сабаб бўлади, уларнинг соғлиғига зарар етказади, ишлаб чиқаришга моддий зиён келтиради. Мазкур жиноятнинг барча ҳолатларини ўз вақтида, тўлиқ ва холисона аниқлаш айбдорларни жавобгарликка тортиш учунгина эмас, балки шу турдаги жиноятлар содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш учун ҳам муҳимдир.

Меҳнат шароитларининг хавфсизлигини техникадан фойдаланиш, саноат санитариясига оид умумий ва тармоқ қоидалари таъминлайди. Бундай қоидалар ҳукумат томонидан касаба уюшмалари ва вазирликлар (идоралар) билан биргаликда ишлаб чиқилади. Уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш касаба уюшмалари қўмиталари, шунингдек махсус назорат органлари (“Саноаттехназорат”, “Энергоназорат”) зиммасига юклатилган. Санитария назоратини давлат санитария инспекцияси органлари, ёнғиндан сақлаш назоратини – ёнғиндан муҳофаза қилиш органлари амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг одамлар билан бахтсиз ҳодисалар юз беришига ёки бошқа оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бузилишлари жиноят деб топилади. Йўл қўйилган бузилишлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш ўз вазифалари доирасига кирувчи мансабдор шахслар жавобгар бўладилар.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари жиноий тарзда бузилишларининг иккита турини назарда тутади: 1) соғлиққа зарар етказилишига сабаб бўлган бузилишлар; 2) одам ўлимига сабаб бўлган бузилишлар.

Кон ишлари хавфсизлиги қоидалари бузилишлари, қурилиш ишларини бажариш қоидалари бузилишлари, портлаш хавфи бўлган корхона-

ларда ёки цехларда хавфсизлик қоидалари бузилишлари алоҳида турларини ташкил этади. Тергов қилиш услубиёти йўл қўйилган бузилиш турини ва у содир этган муайян шароитларни ҳисобга олиб белгиланади.

Бузилиш сабабларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: техникавий, ташкилий, санитариявий. Биринчи гуруҳга агрегатлар, машиналар, жиҳозлар, асбоб-ускуналарнинг конструктив хусусиятлари ва нуқсонлари; иккинчисига - ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишдаги камчиликлар; учинчисига – санитария-гигиена тусидаги камчиликлар (бинолар ичининг ахлат босганлиги, етарлича ёритилмаганлиги ва ҳ.к.) киради.

Кўрсатиб ўтилган сабаблар камдан-кам ҳолларда алоҳида-алоҳида учрайди. Одатда улар ўзаро алоқадор, бир-бири билан боғлиқдир. Чунончи, бузилишларнинг санитарияга хос сабаблари юзага келишига кўпинча ташкилий камчиликлар сабаб бўлади. Жароҳатланиш ҳоллари жабрланувчининг ўз бепарволиги ва бошқа қоидабузарликлари оқибати бўлиши мумкин.

Меҳнат хавфсизлиги қоидаларининг жиноий тарзда бузилишларини тергов қилишда жиноят процессуал қонунида кўрсатилган барча ҳолатлар исботланиши керак бўлади. Қуйидагиларни мумкин қадар тўлиқ аниқлаш муҳим: 1) ҳодиса содир бўлган жой (корхона, цех, участка, уларнинг аниқ жойлашуви); 2) ҳодиса содир бўлган вақт (сана, соат, минут, иш ёки дам олиш вақти ва ҳ.к.); 3) ҳодиса келиб чиқиш механизми (ҳодиса манбаи, унинг ҳолати, ривожланиш жараёни бошланишидан то энг юқори нуқтасигача ва натижа, жароҳатланиш механизми ва ҳ.к.); 4) юзага келган (ёки юз бериши мумкин бўлган) оқибатларнинг (одамлар соғлиғига зиён, моддий зарар, ишлаб чиқариш манфаатларига зарар) хусусияти; 5) лаб чиқариш ишлар хусусияти, технологияси, уларнинг белгиланган нормаларига мувофиқлиги; 6) жабрланувчининг шахси (ихтисоси-малакаси, иш стажи, ҳодиса вақтида қандай аҳволдалиги, меҳнат интизомига, техника

хавфсизлиги қоидаларига муносабати); 7) меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муайян қоидалари бузилишларининг аниқ далиллари; 8) бахтсиз ҳодисанинг сабаблари; 9) бузилиш ва юзага келган натижа ўртасидаги сабабий боғланиш (ҳодисанинг аниқ сабаблари, улар учун жавобгар шахслар, уларнинг жиноий оқибатларга олиб келган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг аниқ далиллари, жабрланувчи айбининг даражаси, жабрланган ходим ва бехатар меҳнат шарт-шароитларини яратишга масъул мансабдор шахснинг ҳар иккисини айби борлиги; 10) текширилаётган объектда ва умуман корхонада меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи ҳамда унинг хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши; 11) тегишли мансабдор шахслар жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир кўрсатадиган, шу жумладан айбини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар.

Барча ҳолларда терговчи жиноий тарзда бузилишлар содир этилишига кўмаклашган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Мазкур тоифадаги ишларни тергов қилиш анча мураккаб. Ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертизалар тайинлаш, ҳужжатлар билан ишлаш ўта қийинчилик туғдиради. Жиноят ишларини қўзғатишни асоссиз рад этиш ва уларни асоссиз равишда тугатиш ҳоллари терговни қийинлаштиради. Ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатлар билан танишиш ўта қийинчилик туғдиради, тергов қилиш муддатларининг чўзилиб кетиши, унинг режасизлиги, пойма-пойлиги, ҳодиса жойини камдан-кам ва кечикиб кўздан кечириш, ҳодиса механизмининг техник масалаларини инкор қилиш, суд-техника экспертизалари имкониятларидан ва мутахассислар ёрдамидан етарлича фойдаланмаслиги терговнинг одатий хатоликлари ҳисобланади.

2- § Жиноят ишини қўзғатиш. Тергов қилишнинг дастлабки босқичи

Кўпинча жиноят ишини қўзғатишга касаба уюшмалари ташкилотлари, махсус назорат органлари, бахтсиз ҳодиса содир бўлган корхона маъмуриятининг хабарлари сабаб бўлади.

Мавжуд норматив ҳужжатларга мувофиқ гуруҳли, ўлим билан тугаган ва бошқа оғир оқибатларга келган ҳодисалар дарҳол касаба уюшмасининг техник инспектори томонидан, «Саноатконтехназорат» назорати остидаги объектларда эса – шу органларнинг инспектори томонидан текширилмоғи лозим. Текширишда маъмуриятнинг, касаба уюшмаси ва юқори хўжалик органининг вакиллари иштирок этишлари керак.

Алоҳида ҳолларда, техник инспектор дарҳол етиб келишининг имконияти бўлмаганда, текшириш комиссияси, касаба уюшмаси қўмитаси ва корхона маъмурияти томонидан амалга оширилади.

Бундан қатъи назар, корхона раҳбари ҳодиса ҳақида прокуратура органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Текшириш материаллари (бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома, техник инспекторнинг хулосаси, кўздан кечиришларнинг баённомалари, гувоҳлардан, жабрланувчидан сўраб фикр тўплаш баённомалари ва ҳ.к.) ҳодиса содир бўлган пайтдан эътиборан 7 кундан кечиктирмай тергов органларига юборилади.

Жиноят ишини қўзғатиш ва уни процессуал тергов қилиш юқорида кўрсатиб ўтилган текшириш билан боғлиқ эмас. Процессуал тергов, илгариги текширишдан қатъи назар, техник инспекторнинг ва бошқа назорат органлари вакилларининг ҳаракатлари билан бир вақтда ўтказилиши лозим.

Ҳужжатларни текшириб чиқиш, сўроқлар ўтказиш, зарурий эксперт текширувларини амалга ошириш кўриб чиқилаётган турдаги жиноятларни

тергов қилишнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Бу ҳаракатларнинг барчаси ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин ва кўздан кечириш жараёнида терговчи ҳаракатларининг йўналиши, хусусияти ва мақсади ишни қўзғатишда иккита эҳтимол тутилган вазият мавжудлигига боғлиқ бўлади: 1) ҳодиса тўғрисидаги хабар бахтсиз ҳодисадан сўнг дарҳол келган бўлади; 2) хабар қанчадир вақт ўтгандан кейин келган бўлади. Биринчи ҳолда терговчи ҳодиса содир бўлган жойни дарҳол кўздан кечириши керак, иккинчисида – олдинги текшириш натижалари билан танишишдан бошлаш лозим. Бироқ иккала ҳолда ҳам ҳодиса жойини кўздан кечириш – бажарилиши шарт бўлган ҳаракатдир.

Афсуски, амалиётчи ходимлар кўпинча мазкур қоидани инкор этиб, бахтсиз ҳодиса моддий из қолдирмайди, қанчадир вақтдан сўнг кўздан кечириш беҳуда, техник инспектор ўтказган кўздан кечириш, тергов кўздан кечиришнинг ўрнига ўтиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Албатта, ҳодиса содир бўлган вазиятни узоқ вақт ўзгаришсиз сақлаб туриш қийин, ишлаб чиқариш шароитида эса, баъзан иложи ҳам йўқ. Бой берилган вақт эса, шубҳасиз, салбий омилдир. Бироқ, шундай ҳолларда ҳам кўздан кечириш зарур. Моддий изларнинг ҳаммаси ҳамиша ҳам йўқолиб кетавермайди. Кўздан кечириш натижалари жабрланувчининг, айбланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувларини тўғри баҳолаш учун зарурдир. Кўздан кечириш пайтида ҳодисанинг ҳақиқий ҳолатлари яширишга уринишларни пайқаб қолиниши мумкин. Масалан, электр токини улаш ва узиб қўйиш мосламасида унинг дастаси алмаштирилиши, ҳаракатланувчи механизмларда янги тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. Салбий ҳолатлар иш учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин улар одатда – кўздан кечириш натижасида аниқланади.

Ниҳоят, назорат қилувчи органнинг техник инспектори амалга оши-

рган кўздан кечириш қуйидаги сабабларга кўра терговчи кўздан кечиришининг ўрнини боса олмайди: 1) биринчи ҳолдаги кўздан кечиришда унинг холисоналигини кафолотловчи процессуал талабларга риоя этилмаган бўлади; 2) бу кўздан кечиришнинг субъектлари кўздан кечиришнинг техник воситалари ва тактик усулларидан, унинг натижаларини қайд этиб қўйиш усулларидан фойдаланиш борасида етарлича малакага эга бўлмайдилар; 3) назорат органининг вакили бахтсиз ҳодиса содир бўлган корхона устидан назорат қилиш вазифасини бажариши боис нохолис бўлиши мумкин. Корхона маъмуриятининг вакилларида янада кўпроқ манфаатдорлик ва нохолислик намоён бўлиши мумкин.

Кўздан кечиришни кечиктириб бўлмаслиги боис, унга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш шарт. Кўздан кечириш бошлангунга қадар гувоҳларни топиш, уларнинг ёрдамида ҳодисанинг асосий жиҳатларини аниқлаштириш, шунингдек ҳодиса жойида қандай ўзгартиришлар қилинганини, уларни ким, қачон ва қандай мақсадда амалга оширганини албатта аниқлаш зарур.

Кўздан кечиришдан олдин унинг чегаралари, кетма-кетлиги, тугунлари (қисмлари, узеллари) белгилаб олинади. Бунда услубий тавсиялардан, тергов тажрибасидан фойдаланилади. Охиргиси, масалан, қайси агрегат ёки дастгоҳда ишлаш пайтида бахтсизлик содир бўлган бўлса, фақат ўша агрегат ёки дастгоҳни эмас, балки ишлаб чиқаришда у билан боғлиқ бўлган участкаларни ҳам кўздан кечириш кераклигидан далолат беради. Бу участкаларга бутун устахонани, цехни ва бошқа шу сингариларни қўшиб кўздан кечириш чегараларини янада кенгайтириш зарур бўлиши мумкин. Масалан, электр токи уриши бир жойда юз бериши мумкин, бахтсиз ҳодиса сабабини эса электр энергияси тақсимланадиган энергия узелини ёки электр узатиш тизимини кўздан кечиргандагина аниқлашга эришилади.

Кўздан кечириш иштирокчилари тўғрисидаги масала ҳам унинг бошланишидан олдин ҳал қилиниши керак. Унда мутахассислар иштирок этишини таъминлаш айниқса муҳимдир. Ҳодисанинг моддий изларини топиш, қайд этиб қўйиш ва олишга уларнинг кўмаклашиши кўздан кечиришнинг самарали бўлишини кучайтиради. Бироқ ҳар доим мутахассисларнинг етарлича билимга эгалиги ва холислигига, уларнинг ишнинг натижасидан манфаатдорлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Кўздан кечиришда иштирок этишга жабрланувчилар, гувоҳлар ва техника хавфсизлиги қоидаларини бузган мансабдор шахслар жалб этилиши мумкин. Кўздан кечириш иштирокчиларининг сони тўғрисидаги масалани ҳал этишда шуни эсда тутиш керакки, ортиқча одамлар ёрдам бермайди, аксинча, одатда, кўздан кечиришга ҳалал беради.

Кўздан кечириш усули кўздан кечириш чегарасига боғлиқ бўлади. Ҳодиса содир бўлган жой катта бўлганда у айрим участкаларга – тугунларга (узелларга) бўлинади.

Кўздан кечиришни марказий тугундан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳодиса содир бўлган жойда мурда ётган бўлса, кўздан кечириш ундан бошланади.

Кўздан кечириш жараёнида қуйидагилар текшириб чиқилади: 1) қайси агрегат ёки дастгоҳда ишлаш пайтида бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, ўша агрегат ёки дастгоҳ; 2) мазкур агрегат ёки дастгоҳ билан техник жиҳатдан боғлиқ кабеллар, трансмиссиялар, транспортёрлар, ўлчов ва қайд этувчи асбоблар ҳамда объектлар; 3) ишловдан ўтказилаётган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар; 4) жабрланувчи ва у билан биргаликда ишлаган шахслар фойдаланган асбоблар ва ҳимоя воситалари (кўзойнаклар, қўлқоплар ва ҳ.к); 5) ҳодиса жойида қолдирган моддий излар (механизмлар деталларининг синиқлари, кийим-кечак парчалари ва ҳ.к.); 6) мурда, агар у ҳодиса жойида ётган бўлса.

Кўздан кечириш жараёнида ва унинг натижаларини таҳлил қилишда терговчи қуйидаги, яъни: 1) текширилаётган ҳодисанинг сабаблари нима (қозоннинг портлаши, краннинг қулаб тушиши ва ҳ.к.) 2) меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилганми? 3) ана шу бузилишлар нималардан иборат бўлган, уларга ким йўл қўйган; 4) тергов қилинаётган ҳодисанинг оқибатлари қандай, қилмиш ва жиноий натижа (ўлим, майиб бўлиш ва ҳ.к.) ўртасида сабабий боғланиш борми деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиш керак. Агар кўздан кечириш ўз вақтида, тўлиқ ва холисона ўтказилса, мазкур саволларнинг барчасига ёки бир қисмига жавоб олинади.

Ҳужжатларни кўздан кечиришда, ҳодиса юзасидан қуйидагилар синчиклаб ўрганиб чиқилиши керак: 1) бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома; 2) назорат қилувчи орган вакили (техник инспектор, “Саноатконтехназорат” вакили ва ҳ.к.) нинг хулосаси; 3) бахтсиз ҳодиса юз берган корхонада амалда бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари; 4) мазкур участка, цех, устахона ва ҳ.к. меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахслар тўғрисидаги буйруқдан кўчирма; 5) даволаш муассасасининг жабрланувчига етказилган шикастлар хусусияти ва даражаси тўғрисидаги маълумотномаси; 6)техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахснинг тушунтириши.

Бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома алоҳида криминалистик аҳамиятга эга. Унда ҳодиса содир бўлган жой ва вақт, жабрланувчининг шахси, бахтсиз ҳодисанинг ҳолатлари ва сабаблари, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида тергов учун жуда муҳим маълумотлар мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ далолатноманинг мазмунини тўғри деб қабул қилмаслик керак, уни ҳар доим синчиклаб текшириш керак бўлади.

Кўпинча тергов қилишнинг бошланғич ҳужжати бўлувчи техник инспекторнинг хулосаси ҳам танқидий назар билан текширишни талаб қилади. Тўғри, у экспертнинг хулосаси ўрнини босмайди, лекин ҳодисанинг техник ҳолатларини ўрганиб чиқишда, шу ҳолатлар тўғрисида айбланувчини, жабрланувчини, гувоҳларни сўроқ қилишда ҳамда суд-техника экспертизасини тайинлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Тергов қилиш жараёнида бошқа материаллар: ходимларга техника хавфсизлиги бўйича берилган йўл-йўриқлар қайд этилган журналлар, мазкур агрегат, қурилма, механизмда ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, синовларга доир журналлар, техник паспортлар, технология хариталари сингарилар ҳам текширилиши мумкин.

Жабрланувчини ва гувоҳларни сўроқ қилиш мазкур тоифадаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Бу бир қатор ҳолатлар билан боғлиқ. Жабрланувчи ва гувоҳларга одатда, содир бўлган ҳодисанинг барча тафсилотлари маълум бўлади. Уларнинг ҳодиса рўй бергандан сўнг дарҳол берган кўрсатувлари кўпинча ишончлироқ бўлади – уларда кейинги таассуротлар, манфаатдор шахсларнинг эҳтимол тутилган тазъйиқи ва кўрсатувларнинг тўғри бўлишига таъсир этадиган бошқа омиллар акс этмаган бўлади. Бундан ташқари, терговчи бундай шахсларнинг кўрсатувларига эга бўлмаса, улар биладиган ҳолатларни бошқа манбалар ёрдамида аниқлай олмайди.

Жабрланувчини сўроқ қилиш, шубҳасиз, унинг соғлиғини ҳисобга олиб, зарар етказадиган тарзда олиб борилиши мумкин эмас. Жабрланувчининг аҳволига қараб уни сўроқ қилиш ҳодиса жойида, уйида, терговчининг хонасида ёки даволаш муассасасида ўтказилади. Охирги ҳолда фақат даволовчи врачнинг рухсати билан сўроқ қилиш мумкин. Ана шу сўроқда ҳодисанинг барча ҳолатлари, унинг сабабларини жабрланувчи қандай баҳолаши батафсил аниқлаштирилиши керак. Шунингдек, жабрланувчи-

нинг малакаси. Унинг касбий тайёргарлиги, техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилган-таништирилмагани, ўқитилгани, йўриқномалардан хабардорлиги, у ишлаган ускунанинг созлиги, муҳофаза мосламалари мавжудлиги, улардан фойдаланилган-фойдаланилмагани, бахтсиз ҳодиса олдидан улар қанчалик яроқли бўлгани тўғрисидаги маълумотлар аниқлаштирилади. Жабрланувчи ишлаб чиқариш операциялари бажарилган вазиятни тўғри идрок этишига ҳалал берадиган касалликларга (эшитиш, кўриш қобилиятининг сустлиги ва ҳ.к.) чалинган-чалинмаганини аниқлаш муҳимдир.

Бахтсиз ҳодисанинг гувоҳларини сўроқ қилишда энг муҳими, улардан тергов қилинаётган ҳодисанинг ўзларига маълум криминалистик аҳамиятга эга бўлган ҳолатлари тўғрисида имкони борича кўпроқ маълумотлар олишдан иборат. Мазкур шахслар ҳодиса пайтида қайси жойда турганлиги, бахтсиз ҳодиса сабаблари, корхонада меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи, ишлаб чиқариш операцияларининг ўзига хослиги, жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари, у билан меҳнат жараёнидаги ўзаро алоқалари, жабрланувчининг малакаси, у бажарган иш тўғрисида; ишлаш пайтида бахтсиз ҳодиса содир бўлган дастгоҳ, агрегат, бошқа механизмнинг ҳолати тўғрисида; асбобларнинг, муҳофаза воситаларининг ҳолати, техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқ бериш ўтказилган вақт ва уни ўтказиш тартиби, илгари юз берган техника хавфсизлиги бузилиш ҳоллари тўғрисида сўроқ қилинади.

Терговчи кўпинча ўз ихтиёридаги дастлабки материаллар асосида тергов қилишни режалаштиришга киришади. Хусусан, техник инспектор ёки корхона маъмуриятининг текшириш материалларида одатда ҳодиса сабаблари ва унинг айбдорлари ҳақида дастлабки маълумотлар бўлади. Бироқ бу хулосалар терговчининг мустақиллигини чеклаб қўймаслиги керак. Терговчи уларга танқид кўзи билан қараб, ҳодиса хусусида ўз верси-

яларини олға суришга ҳақли. Агарда терговчи бундай материалларга эга бўлмаса, тергов қилиш режаси шошилинч тергов ҳаракатлари ўтказилиб, бунда олинган натижалар пухта таҳлил қилингандан кейингина тузилиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг жиноий тарзда бузилишларини тергов қилишда асосий версиялар жиноятнинг объектив томонини аниқлаш билан боғлиқ, яъни: 1) бузилишнинг сабаблари ва унинг натижаларини; 2) бузилишлар юзага келишига бевосита сабаблар ва шарт-шароитларни ойдинлаштириш билан боғлиқ бўлади. Жиноят субъекти, яъни бахтсиз ҳодисага олиб келган бузилишларда айбдор шахс тўғрисидаги версияларнинг аҳамияти ҳам кам эмас. Версиялар ҳодиса ҳолатларини тўлиқ, ҳар тарафлама ва холисона текшириш учун зарур бўлган тафсилотлар билан боғликдир.

Режалаштириш асосини, шубҳасиз, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилишлари ва бунда айбдор шахслар хусусидаги версиялар ташкил этади. Бу хилдаги асосий версиялар тахминан қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: 1)етарлича малакага эга бўлмаган ҳамда техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқ берилмаган шахсни ишга қўйишдан иборат; содир бўлган бахтсиз ҳодиса йўл қўйилган бузилиш билан сабабий боғланишга эга; 2) ҳодиса йўл қўйилган бузилишлар билан боғлиқ бўлмаган; фойдаланилган ускуналарнинг техник нуқсонлари бахтсиз ҳодисага бевосита сабаб бўлган; 3) техника хавфсизлиги қоидалари бузилмаган; бахтсиз ҳодиса жабрланувчининг ўз эҳтиётсизлиги туфайли содир бўлган. Бироқ баъзан ҳодиса аёндек туюлганда пайдо бўладиган битта версияга кўр-кўрона эргашмаслик керак. Кўпинча бир қатор ўзаро боғлиқ сабаблар мавжуд бўлиб, уларни тўла очиш ва тергов қилинаётган ҳодисанинг асосий сабабини аниқлаш зарур бўлади.

3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг ташкилий ва тактик хусусиятлари

Жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилишдан ташқари терговнинг иккинчи босқичида терговга далил бўлувчи аҳамиятга молик маълумотларни бериши мумкин бўлган бошқа шахслар сўроқ қилинади.

Шу шахслар қаторида биринчи навбатда жабрланувчининг у билан битта участкада ишлаган, лекин бахтсиз ҳодиса гувоҳи бўлмаган ҳамкасблари сўроқ қилинади. Улар бажарилган ишларнинг хусусияти ҳақида, технологияга, техника хавфсизлиги қоидалари ва йўриқномаларга риоя этилган-этилмагани, мавжуд қоидаларга риоя этилиши устидан назоратнинг аҳволи хусусида, шунингдек, жабрланувчининг шахси, унинг малакаси ва тажрибаси бажарилган ишлар хусусиятига мувофиқлиги ҳақида сўроқ қилинадилар.

Бахтсиз ҳодиса содир бўлган участка, смена, цех, ишлаб чиқариш раҳбарлари сўроқ қилинишлари керак. Улардан меҳнат жараёни қандай ташкил этилгани, жабрланувчига ишни ким томонидан буюрилгани, бахтсиз ҳодиса юз берган пайтда улар қаерда тургани, уларни қачон, ким ва қай тарзда ходимларга таништиргани, мазкур қоидаларга қандай риоя этилгани, уларнинг бажарилиши учун ким масъул эканлиги, хавфсизлик қоидаларига амалда риоя этиб келинганми, агар улар бузилган бўлса, нима туфайли бузилгани аниқлаштирилади.

Техника хавфсизлиги қоидалари жиноий тарзда бузилгани тўғрисидаги ишларни тергов қилишда фаолияти бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарлари (бош электрик, бош технолог ва ҳ.к.)ни сўроқдан четда қолдириб бўлмайди. Умуман корхона бўйича ва унинг айрим бўлинмаларида техника хавфсизлиги учун масъул шахслар ҳам сўроқ қилинади. Улардан бахтсиз ҳодисанинг сабаблари ҳақидаги, бахтсиз ҳодиса муносабати билан ва меҳнатни муҳофаза

қилишни кучайтириш учун кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар аниқланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни бевосита амалга оширувчи шахслар ва корхонанинг бошқа ходимлари ҳам кўриб чиқилаётган тоифадаги ишлар бўйича гувоҳлар қаторида бўлишлари мумкин. Биринчи гуруҳга техника хавфсизлиги хизмати ходимлари, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари, касаба уюшмалари вилоят қўмиталарининг техник инспекторлари, давлат назорат органлари («Энергоназорат», “Саноатконтехназорат” ва ҳ.к)нинг ходимлари киради. Кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар муайян бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳолатларни тушунтириб беришларигина эмас, балки мазкур корхонадаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи ва илгари йўл қўйилган бузилишлар, шу муносабат билан кўрилган чоралар, уларнинг натижалари ҳақида ҳам маълумот беришлари мумкин. Мазкур ходимлардан шу корхонада амалда бўлган қоидалар, идоравий текшириш материалларидаги ноаниқликлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятлари ва бошқа шу сингарилар ҳақида тушунтиришлар олиниши мумкин.

Бухгалтерия ходимларидан мазкур корхонада меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағлар ҳақида, уларнинг сарфланиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги режасини амалга оширишнинг молиявий-моддий имкониятлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Бундан ташқари, гувоҳлар тариқасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган шахслар (жабрланувчининг қариндошлари, танишлари) ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Меҳнат шароитидаги ноқулайликлар, техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилишлари, етарлича тайёргарликсиз, малакасиз, йўл-йўриқлар берилмасдан ишни бажаришни топшириш ҳоллари ҳақида уларга жабрланувчи сўзлаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг жиноий тарзда бузилишлари тўғрисидаги жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи кўпинча мутахассислар ёрдамига таянишига, суд-техника, суд-тиббиёт ва тиббий-меҳнат экспертизалари тайинлашига тўғри келади.

Суд-техника экспертизалари махсус билимлар талаб қилинадиган мураккаб техник масалаларини ҳал қилиш зарур бўлганда ўтказилади. Идоравий текшириш материалларида ва техник инспектор хулосасида етарлича ҳамда холисона маълумотлар бор бўлса, суд-техника экспертизаси тайинланмаслиги мумкин. Бироқ юқорида кўрсатиб ўтилган хулосалар бўлса ҳам, айниқса айбланувчи уларга рози бўлмаганда ёки бу хулосалар бир-бирига зид бўлганда ҳам суд-техника экспертизаси ўтказилади.

Суд-техника экспертизаси ваколатлари жумласига барча ишлаб чиқариш масалаларини ва бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ техник масалаларни текшириш ва ҳал қилиш киради. Бу масалаларнинг аниқ рўйхатини бериш қийин. Уларнинг таркиби бахтсиз ҳодиса юз берган корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларига, тергов қилинаётган ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларига, бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Амалиётда суд-техника экспертизаси олдига, қоида тариқасида, қуйидаги саволлар қўйилади: 1) мазкур ҳодисанинг сабаблари қандай (техникавий ва ташкилий); 2) тегишли дастгоҳ, агрегат, механизм ва бошқаларнинг техник ҳолати қандай; 3) мазкур ҳолда техника хавфсизлиги, саноат санитарияси қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа саноат санитарияси қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари бузилганми; 4) агар бузилиш мавжуд бўлса, у аниқ нимадан иборат бўлган, унинг ҳодиса билан сабабий боғланиши борми; 5) йўл қўйилган бузилишлар юзага келишига нима ёрдам берган; 6) қандай чора-тадбирлар мазкур ҳодисанинг олдини олиши мумкин эди?

Техник экспертлар ўнлаб махсус масалаларни ҳал қиладиган ишлар учрайди. Бироқ текширилаётган ҳодисанинг бевосита сабаби тўғрисидаги масала ҳар доим улардан энг муҳими ҳисобланади.

Ҳал қилиниши бир қанча билим соҳаларининг мутахассисларини жалб этишни талаб қиладиган масалалар пайдо бўлганда комплекс экспертиза тайинланади.

Экспертлар тариқасида ихтисослашуви бўйича турдош корхоналарнинг мутахассислари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари таклиф қилинишлари мумкин. Эксперт эга бўлиши шарт асосий фазилат – бу унинг техника соҳасида махсус билимларга ва ишлаб чиқариш фаолияти тажрибасига эга бўлишидир. Давлат ва касаба уюшмалари назорат қилувчи органларининг мутахассислари ҳам эксперт сифатида жалб қилиниши мумкин. Лекин улар мазкур корхонани назорат қилмаган ёки унга хизмат кўрсатмаган, шунингдек идоравий текширишда иштирок этмаган – холис бўлишлари керак.

Экспертга жиноят ишининг барча материаллари, идоравий норматив ҳужжатлар, олинган намуналар ва бошқа сингарилар берилиши керак. Текшириш учун зарур бўлган материаллар ҳажмини эксперт билан олдиндан келишиб олиш фойдалидир. Табиийки, экспертга тақдим этиладиган маълумотлар тўла ва аниқ бўлиши керак. Акс ҳолда, янглиш хулоса чиқирилиши мумкин. Экспертизанинг муҳим, лекин иш бўйича ягона далил бўлмаган натижаси ишнинг бошқа материаллари билан биргаликда текширилади ва баҳоланади.

Суд-тиббиёт экспертизаси мазкур тоифадаги ишлар бўйича асосан ўлимнинг сабабларини, баданга етказилган шикастларнинг даражасини, жабрланувчининг бахтсиз ҳодиса пайтидаги аҳволини, жабрланувчининг кийим-кечаги ва баданидаги изларни ҳамда жароҳатловчи омилларни аниқлаш учун тайинланади. Суд-тиббиёт экспертизаси

тирик шахслар, мурда, кийим-кечак ёки бошқа нарсаларга тааллуқли масалаларни ҳал қилиши мумкин. Терговчи экспертга ҳодиса жойини кўздан кечириш маълумотларни, тиббий ҳужжатларни, идоравий текшириш материалларини, ишнинг бошқа материалларини тақдим этиши керак. Ишлаб чиқариш санитарияси ва касб касалликлари бўйича тиббиёт мутахассисларини жалб этган ҳолда комплекс суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиши мумкин.

Ниҳоят, тўпланган далиллар асосида айбланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари тергов қилинаётган ҳодиса содир бўлган соҳадаги ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади. Сўроқ қилиш чоғида аниқланадиган масалалар технология жараёнининг хусусиятлари билан, махсус техник тушунчалар ва атамалар, айбланувчи лавозимига кўра қандай мавқега эгалиги ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ бўлади. Айбланувчини сўроқ қилишда, қоида тариқасида, қуйидагиларни аниқлаш керак: 1) мазкур мутахассислик бўйича махсус маълумоти (рухсатнома) ва иш стажи қандай; 2) мазкур участкада техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қандай муайян чоралар кўрилган; 3) айбланувчи техника хавфсизлиги бўйича қоидалар ва йўриқномаларни билганми ҳамда уларга риоя этишда унга нима ҳалақит берган; 4) мазкур участкада илгари ҳам бахтсиз ҳодисалар юз берганми ва шу муносабат билан қандай чоралар кўрилган; 5) айбланувчи содир бўлган ҳодиса сабабини нимада деб ҳисоблайди ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилишида ўз айбини тан оладими.

Сўроқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унга махсус техник адабиётлар, техника хавфсизлиги бўйича қоидалар ва йўриқномалар, корхона раҳбари ва юқори органларнинг бўйруқларини ўрганиб чиқишдан иборат бўладиган тайёргарлик кўришга боғлиқ бўлади. Меҳнат психо-

логияси (руҳшунослиги), меҳнатни илмий ташкил этиш ва ҳоказолар бўйича қоидалар ва тавсиялар билан танишиш фойдалидир. Баъзан тегишли мутахассислардан маслаҳат олиш мақсадга мувофиқ. Кўрсатиб ўтилган тергов ҳаракатларидан ташқари тинтув, олиб қўйиш, тергов эксперименти ва бошқа шу сингариларни ўтказиш эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда бу хил жиноятларнинг тергови аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар исботланишини талаб қилади.

32-боб. ЎТ ҚЎЙИШ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ўт қўйиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг криминалистик тавсифи

Ўт қўйиш ва ёнғиндан сақлаш қоидасини бузиш хавфли жиноятлар

турига киради. Бундай жиноятлар инсон ҳаётига, айниқса саломатлигига ва уларнинг давлат ва шахсий мулкига жиддий зиён беради.

Одатда ёнғин тўғрисида жиноят иши қўзғатишга ёнғин тўғрисида хабарнинг ўзи, шунингдек қасддан ўт қўйиб юбориш ёки ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини жиноятқорона бузиш, шу жумладан оловга нисбатан эҳтиётсизлик сабаб бўлади.

Бевосита ёнғин чиқишига сабаблар хилма-хил бўлиб, уларни асосан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1) очиқ жойдаги ўтнинг таъсири (аланга, қизиган жисм, учқун, чақмоқ);

2) ўз-ўзидан ўт олиш, яъни ташқи иссиқлик таъсирида буюмнинг ёниб кетиши;

3) қизиб ўз-ўзидан ёниш, яъни кимёвий реакция таъсирида ёнғин чиқиши ва физик ҳодисалар;

4) атрофдаги предметларнинг ўз-ўзидан ёниши ва ёнғин содир этилишига олиб келадиган портлаш.

Бинода ёнувчан материалнинг мавжудлиги, бинонинг ҳаддан ташқари ивирсиб ётганлиги, ўт ўчиришга мўлжалланган дастлабки воситалар, ёнғинга қарши сигнализация бўлмаслиги ёки уларнинг яроқсизлиги, ёнғинга қарши хавфсизлик тартиб қоидаларига риоя қилинмаслиги, ёнғин чиқиши, портлаш юз бериши, деформацияга учраши ва қулаши, ўт ўчириш идораларига ўз вақтида хабар бермаслик, объект ходимларининг ёнғинни ўчиришга тайёр эмаслиги ва бошқалар ўтнинг авж олиб тез тарқалишига олиб келувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Мазкур жиноятларни содир этиш усуллари ҳам хилма-хил, аммо баъзи бир умумий аломатлари мавжуд.

Кўпинча қасддан ўт қўйишлар маълум тайёргарлик босқичлари билан характерлидир. Бунда жиноятчи тажовуз қилиш йўллари тўғрисида

ахборот тўплайди, ўз ниятларини олдиндан режалаштириб олади, ўт қўйиш учун зарур бўлган техник воситалар ва қуроллар танлайди, уларни яшириш чораларини кўради.

Ўт қўйиш усулларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) тез аланга оладиган ва тез ёнадиган материаллар ёрдамида ўт қўйиш;

2) махсус тайёрланган ёнувчи материаллар ёрдамида ўт қўйиш;

3) ташқи олов манбаидан тез ўт олишга ёки белгиланган вақтда алангаланишга мўлжалланган махсус тайёрланган техник мослама ёки махсус яратилган шароитдан фойдаланиб ўт қўйиш;

4) ўз-ўзидан ёниб кетадиган бирор буюм ёки материал учун қулай шароит яратиш йўли билан ўт қўйиш.

Ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятнинг мазкур турлари учун тайёргарлик кўриш босқичи мавжуд эмаслиги характерлидир, айни вақтда у кейинги фаолиятини ниқоблашга хизмат қилади. Содир этиш усулларига кўра, мазкур ҳуқуқбузарлик бир неча гуруҳларга бўлинади:

1) ёритгич, иситгич, газ ва кимёвий қурилмалардан фойдаланишда ва сақлашда ёнғинга қарши қоидаларга риоя қилмаслик;

2) турли ёнғин, аланга оладиган ва портлаш хавфи бўлган материалларни сақлаш, ташиш, фойдаланиш ва тайёрлашга оид техник қоидаларга риоя қилмаслик;

3) электр ўтказгичларни монтаж қилиш ва ёритгич асбобларини сақлашда ёнғинга қарши тартиб қоидаларга риоя қилмаслик;

4) ёнғинга қарши ишончли ҳимоя асбоблар, қурилмалар, машиналарни бошқа мақсадларда, хусусан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ва ҳоказо.

Ушбу жиноятларни содир этадиган шахсларнинг ўзига хосликлари

ҳам хилма-хилдир. Ёнғин содир этганлар турар жойида ва иш жойида салбий тавсифланади, уларнинг орасида илгари судланганлар кўпроқ учрайди.

Ёнғинга қарши хавфсизлик тартиб-қоидаларини бузиб, жиноят содир этган шахс билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига риоя этиш қоидаларини бузган шахсни бир гуруҳга киритиш мумкин.

Ўт қўйиш ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини жиддий бузиш тарзидаги жиноятларни тергов қилишда қуйидаги ҳолатларга аниқлик киритиш керак:

1) ёнғин қачон юз бергани;

2) ёнғин қаердан бошланди, унинг манбаларининг сони ва тарқалиши;

3) ёнғин, унинг чиқиши ва тарқалишини ким кўрган, кузатгани;

4) ёнғин чиқишига қайси воқеалар сабаб бўлгани;

5) агар ёнғин хавфсизлик тартиб-қоидаларининг бузилиши натижасида чиққан бўлса, унга риоя қилиш учун жавобгарликни кимнинг зиммасига юклангани; тартиб-қоидаларнинг бузилиши нималардан иборат ва бунга ким томонидан йўл қўйилгани;

6) агар ёнғин техник сабабларга кўра чиққан бўлса, аниқроғи улар нималардан иборат, техник носозликлар қачон пайдо бўлгани, уларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш имкони бўлганми;

7) агар қасддан ўт қўйилган бўлса, унинг сабаблари, ижро усуллари қандай, ким томонидан ва қандай воситалардан фойдаланган ҳолда содир этилгани;

8) агар ёнғинда одамлар қурбон бўлган бўлса, у қандай вазиятда юз берди, агар тан жароҳати олган бўлса, унинг ҳарактери ва жиддийлик даражаси қандай;

9) ёнғин чиқишига ким айбдор, ўз ҳаракатлари (ёҳуд ҳаракатсизли-

ги) билан ёнғин чиқишга сабаб бўлган шахснинг айбдорлик даражаси, айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи вазият қандай;

10) ёнғин етказган зарар ҳарактери ва миқдори;

11) ёнғин чиқишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитлар.

Юқорида санаб ўтилган вазиятлар билан бирга бошқа жиноятлар (қотиллик, ўғрилик ва ҳ.к)ни яшириш ниятида қасддан амалга оширилган ишни тергов қилишда ёнғин билан ниқоблашга мўлжалланган жиноятни далиллар билан исботлаш керак.

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказиш

Ёнғин тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари рўй берган вазиятга тўғри йўналиш бериш имкониятларини таъминлаш, ёнғинни биринчилар қаторида сезган, кўрган ва кузатган шахс дастлабки босқичларни топиш ва сўроқ қилиш, қолдирган изларни кўриб чиқиш ва белгилаб олиш, ашёвий далилларни қидириб топиш ва сақлаб қўйиш керак.

Ёнғин тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари қуйидагиларни ўз ичига олади;

1) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

2) экспертиза тайинлаш ва ўтказиш (техник ёнғинга оид, криминалистик, тиббий);

3) ёнғин чиқишида гумон қилинаётган шахсни тинтув қилиш;

4) ўз кўзи билан кўрган шахсларни сўроқ қилиш;

5) гумон қилинган шахсни текширишдан ўтказиш.

Санаб ўтилган тергов ҳаракатларини кечиктирмасдан, шу билан бир-

га жиноят содир этган шахсни топишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўз муддатида амалга ошириш керак.

Милициянинг тезкор-қидирув ходимлари ёнғин чиққан атрофни текшириб кўриши, жиноят изларини қидириб топиши, махсус итнинг қидирув хизматларидан фойдаланиб, алоҳида шахсларни кузатиб бориши, жиноятчини "иссиғида" таъқиб қилиш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, куннинг қайси вақти бўлишига қарамай, текширувни тезроқ бошлаш керак. Агар ҳодиса тунда содир бўлган бўлса, кундузи қўшимча текширув ўтказиш тавсия этилади.

Терговчи ҳодиса содир бўлган жойга боришда илмий-техника воситаларидан ташқари ёнғин тушган жойни кўздан кечириш учун мўлжалланган махсус асбобларга ҳам эга бўлиши керак. Бундан ташқари, текшириш ишларига ёнғин техникаси ва ёнғин ишлари соҳасидаги манфаатдор бўлмаган мутахассисларни, қурбонлар бўлса суд-тиббий экспертларини жалб этиши зарур. Баъзи ҳолларда текширишга муҳандис электрик, кимёгар, қурувчи ва бошқа мутахассислар ҳам жалб этилади. Зарур ҳолатларда текширишнинг самарали техник воситаларини ишлатиш имкониятини берадиган махсус қатнайдиган лаборатория автомашинасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Терговчи текшириш олдидан ёнғин чиқишига гувоҳ бўлганлар билан қисқа сўровлар ўтказиши, шунингдек ёнғин чиққан жойга биринчи етиб келган, яъни воқеани ўз кўзи билан кўрганлар билан ҳам савол-жавоб қилиши лозим:

1) ёнғин қаердан бошлаб тарқала бошлади;

2) улар бошқача ҳидни сезмадиларми (резина, латта, керосин ёнганда чиқадиган ҳидлар);

3) тутун ва аланганинг ранги қандай эди;

4) шамолнинг кучи ва йўналиши қандай;

5) ёнғин чиққанини кўрганлар уни ўчириш учун қандай чоралар кўрди ва ишларни ким томонидан амалга оширилди;

6) ёнғин чиққан вақтда атрофда бегона киши борлиги ёки у қаерда юргани, қаерга кетгани, унинг қандай белгилари мавжуд.

Ёнғин чиққан жойни кўздан кечириш жараёнида қуйидагиларга ойдинлик киритиш зарур:

1) ёнғин содир бўлган жой вазияти;

2) ёнғин чиққан жойнинг кўриниши ва ёнғиннинг тарқалиш йўллари;

3) ёнғин чиққан жой (ёнғин манбаи) бинонинг ичида ёки ташқарисида бўлганлиги, электр асбобларининг ишлатилган ҳолда қолдирилганлиги;

4) ёнғин натижасида нималар ёниб кетди ёки зарарланди.

Ҳодиса содир бўлган жойни текшириш қуйидаги изчилликда амалга оширилади;

1) ёнғин чиққан жойни ва унга ёндош худудларни умумий кўздан кечириш;

2) дастлаб ёнғин чиққан манбани текшириш;

3) ёнғин чиққан жойни унинг тарқалиш йўналиши бўйича кўздан кечириш;

4) воқеа содир бўлган жойга олиб борган, ундан қайтган киши ва транспорт излари топилган участкаларни синчиклаб текшириш.

Кўздан кечиришнинг муҳим вазифаларидан бири ёнғин чиққан манбани синчиклаб текшириш ҳисобланади. Энг кўп куйган пол, девор, шифт, ўта қурум босган, шакли ўзгарган, сирти эриган ва тўпон билан қопланган метал қисмлари, тош ва бетон объектларда ҳосил бўлган ёриқлар ёнғин чиққан манбалар учун характерли белгилардир.

Ёнғин чиққан манбани кўздан кечирганда асосий эътибор ёнғин чиқишга сабаб бўлган объект, предмет ва буюмларга қаратилади. Шунингдек иситиш, ёритиш, маиший электр буюмлари, электр ўтказгичлари, тез аланга олиб ёнадиган ёки кимёвий моддалар қолдирган қолдиқлар, излар синчиклаб текширилади; ёнғин қолдиқлари (кул, қурум, ва бошқа буюмлар) ўрганилади; ёнғинга сабаб бўлган воситалар аниқланади (ясама пилик, ёнадиган буюмлар ва ҳ.к.)

Белгиланган ёки таҳлил қилинган ёнғин манбаини кўздан кечиргандан кейин ёнғин тарқалган йўналиш бўйича ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Шуни унутмаслик керакки, марказдан (ёнғин манбаидан) четга чиқиб, бу ерда қасддан ёнғин чиқарган ёки жиноят излари бўлган предметга дуч келиш мумкин.

Ёнғин зонасида барча узелларни текшириб бўлгач, ёнғин қолдиқларини текшириб кўриш, баъзан текшириш участкасига кириш имкониятини бермаётган ҳолатларни бартараф этишга тўғри келади. Ёнғин қолдиқларини, айниқса ёнғин манбаини алоҳида синчковлик билан текшириш воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади. Ёнғин қолдиқларида ёнилғи суюқлиги, техник мослама қолдиқлари ва бошқаларни учратиш мумкин. Зарур ҳолатларда ўт тушган жойдан олов чиқиш сабабларини аниқлашга ёрдам берадиган кул, ёнмай қолган объектлар намуналарини ажратиб олиш зарур. Текшириш жараёнида далилий ашёларни олиб, ўраб жойлаш ва кейинги экспертиза учун сақлаб қўйиш лозим. Куйган ҳидли буюмларни ҳиди йўқолмаслиги учун герметик жойлаб қўйиш зарур.

Куйиб кетган ҳужжатларни фотосуратга тушириш ва иложи борича ажратиб олиб, жойлаш мақсадга мувофиқ. Бу ишларни бажаришда жуда эҳтиёт бўлиш лозим, акс ҳолда эса ашёвий далиллардан айрилиб қолиш мумкин. Куйиб кетган ва кулга айланган қоғозларни йиғиш ва ажратиб

олишда криминалист мутахассислар жалб этилади.

Куйиб кетган жойни кўздан кечиришга борганда ҳар бир предмет ва топилган изларни синчиклаб ўрганиш керак. Ёнғин жараёнида ҳосил бўлган изларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ёнғиндан қолган материаллар буюмларнинг асл ҳолатини аниқлаш жараёнларини тиклаш имкониятини беради. Агар ёнғин содир бўлган жойда одам жасади топилса, уни кўздан кечириш жараёнида қуйидагиларни олиш керак:

1) ёнғин манбаидаги бино конструкцияси қулаб тушган жойга нисбатан жасад топилган ўринни аниқлаш;

2) жасад қандай ҳолатда ётган эди, ундан ўлим олдидаги ҳаракатини билиш мумкинми;

3) ўлган одам ёнғиндан ҳимояланиш чорасини кўрганми;

4) жасадда юқори ҳарорат ва олов излари борми;

5) жасадда механик тарзда етказилган жароҳат мавжудми (қуролдан ўт очиб ярадор қилинган, шикаст етказилган, бино конструкцияси қулаши натижасида жароҳат олган, буғиб ўлдириш, ўткир пичоқ ёки чопқи излари борми ва ҳоказо).

Жасадни кўздан кечиришда шуни эътиборга олиш керакки, юқори ҳарорат таъсирида жасаднинг мушаклари кескин қисқаради, қўл-оёқ бўғимлари тортилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, юзаси бир-бирига зич тегиб турган қисми олов таъсиридан нисбатан яхши сақланади. Жасаднинг худди шундай жойларидан ҳаётлик давридаги жароҳатини қидириш керак, бу ўлдириб, кейин ўт қўйган қотиллик тўғрисидаги ишлар бўйича муҳимдир. Оловда куйиб ўлганлар жасадида доғлар ўрни бўлмайди, агар жасадда бундай доғлар топилса, демак жабрланган ёнғинга қадар ўлдирилган деб ҳисобланади.

Гувоҳлар ва жабрланганларни сўроқ қилиш. Ёнғин содир бўлган

жойни кўздан кечириб бўлгандан кейин терговчи гувоҳларни ва жабрланганларни батафсил сўроқ қилиши керак.

Биринчи навбатда ёнғин гувоҳлари сўроқ қилинади, сўнгра уни бартараф этишда иштирок этганларга навбат келади. Энг аввало, ёнғин чиққан ёки хабар топилган вақтда ёнғиннинг тарқалиши, уни ўчириш жараёнида вазиятнинг ўзига хос томони каби масалаларга аниқлик киритиб олиш лозим.

Жабрланганлар сўроқ қилинганда ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ва вазиятлари тўғрисида муҳим маълумотлар олиши мумкин. Аммо жабрланувчи ҳам адашиб ёнғин билан боғлиқ ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Бу айниқса руҳий изтироб, қўрқув, шунингдек одамлар, мол-мулкни қутқариш, ёнғинни ўчириш воқеалари билан боғлиқ равишда юз беради.

Гувоҳларни ва жабрланувчиларни сўроқ қилишда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилиши керак:

1) ёнғин чиққан вазият, унинг тарқалиши ва ўчирилиши;

2) объектдаги ёнғинга қарши хавфсизлик ҳолати;

3) ўт қўйишда гумон қилинган аниқ шахсга тегишли ахборотни олиш.

Масалан, ёнғин гувоҳлари ва ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган шахс сўроқ қилинганда уларнинг ҳар бири қайси вақтда етиб келди ва қандай вазият устидан чиққанлиги аниқланади: ёнғинни ким биринчи бўлиб кўрди ва бу ҳақда ким хабар берди; ёнғин қачон, қайси жойда ва қандай сабаблар билан чиқди, у бир вақтнинг ўзида бир неча жойда пайдо бўлмадими, улар ўт қўйишнинг бошқа аломатларини кўрмадиларми; оловнинг тарқалиши ва унинг авж олиш вазияти қандай, оловнинг кучайиши ва шамолнинг йўналиши; тутуннинг ранги ва қуюқлиги қандай, аланга характери, ҳиди, ёнғин кучайиши ва ўчи-

риш даврида турли таъм сезиш ҳолатлари бўлдими?

Гувоҳлар ва жабрланувчилардан ҳодиса содир бўлган жойда вазият ўзгардими, ёнғинни ўчириш қандай ўтди – шу каби сўроқларга жавоб олишлари керак; қандай далилий ашёлар, айнан қайси жойда топилди; жабрланганлар қаердан ва қайси шароитда қутқариб олинди; ўтда қайси мол-мулк куйиб кетди; объектдаги дастлабки ёнғин ўчирадиган восита қандай ҳолатда эди, ёнғин чиққан жойда четдан шубҳали шахс пайдо бўлмадими, ёнғин келиб чиқиш сабаблари ва айбдорлари тўғрисида қандай таклифлар айтилмоқда, улар нималарга асосланган ва ҳоказо.

Ёнғин чиққан объектда хавфсизлик ҳолатини аниқлаш учун ёнғинга қарши тартиб қоидалар бузилишга ким ва қандай тарзда йўл қўйди, иситиш тизими, ёритгич, вентиляция, газ ва сув таъминотининг ҳолати, ёнғинга қарши воситалар ҳолати қандай эди, объектда портловчи, ёнувчи ва ўз-ўзидан аланга оладиган моддалар бор эдими, ёнғиндан олдин портлаш юз бермадими, ёнғин чиқишига сабаб бўладиган бошқа сабаб ва шароитлар йўқмиди?

Гумон қилинган одамни текширувдан ўтказиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида суриштирув органи ходимлари дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишда ёнғин чиқишига шубҳа қилинган шахсни қўлга олишлари керак. Терговчи уни қўлга олиш асосли эканлигини текшириши ва уни айбли ёки айбсизлигини исботловчи далиллар йиғишга киришиши зарур.

Тажрибадан маълумки, қасддан ўт қўйганлар кийимида ва танасида ёнувчи моддалар изи, ҳиди, куйдирган жойининг ўрни, доғи қолади; кийим чўнтагида олов тутатгич воситалари, унинг қисмлари бўлади. Булар мазкур иш бўйича ашёвий далиллар бўлиши мумкин.

Гумон қилинган одамнинг кийими, пойабзали, баданини кўздан кечира бориб, қаерда, қандай доғ қолганлигини аниқ қайд этиш, уларнинг

шакли, ҳажми, ранги, ҳидини белгилаш, қуйдириб олган кийими, сочи,боши, юзи ва қўлини синчиклаб текшириш зарур.

Гумон қилинган одам пойабзалига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки унда тупроқ зарралари, ўт, кул, барг, шунингдек ёнувчи модда изи қолиши мумкин. Бундай пойабзал экспертиза учун юборилиши шарт.

Ўт қўйишда гумон қилинган шахсни дарҳол тинтув қилиш керак. Бу ўт қўйиш учун фойдаланилган ўт олдириш воситаси, уларнинг қолдиқларини топиш имкониятини беради. Шунингдек, ўт қўювчининг оёқ кийимини ҳам текшириш лозим.

Кўп ҳолларда тинтув ўтказилганда ёнғин вақтида ўғирланган предметлар ва ҳужжатларни қўлга тушириш мумкин. Улар мазмун-моҳиятига кўра содир этилган ёнғинга алоқадор бўлиши ва жиноят сабабларини очишга хизмат қилиши мумкин.

Баъзан айрим ҳужжатларни дарҳол олиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Ёнғинга қарши хавфсизлик ҳолати текширувчига оид ҳужжатлар биринчи даражали аҳамиятга эга: буларга портловчи моддаларни сақлаш ва транспортда жўнатиш, ортиш, тушириш ҳолати, объектдаги ёнувчи ва ўзўзидан ёниб кетадиган моддалар ҳолатини характерлаб берувчи ҳужжатлар; ёнғиндан муҳофаза қилиш вакиллари томонидан тузилган ёнғин тўғрисидаги ҳужжат; техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигининг маҳаллий инструкцияси; куйган объект мол-мулкининг инвентаризация рўйхати киритилади.

3-§. Тергов ўтказиш режалаштириш ва кейинги тергов ҳаракатлари

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ дастлабки тергов ҳаракатларининг ўз вақтида олинган натижалари, қоидага кўра, ёнғин сабаблари, айрим ҳолларда унинг айбдорлари тўғрисидаги асосланган тахминни олға суриш

имкониятларини беради.

Терговнинг биринчи босқичида олинган маълумотлар асосида терговчи ҳодиса характери тўғрисида қуйидаги асосий тахминни олға суриши мумкин:

1) ўт қўйилган;

2) очиқдаги оловга эҳтиётсизлик билан қилинган муносабат натижасида ёнғин чиққан;

3) ёнғиндан хавфли қурилма, асбоблар, электр ўтказгичлар ва бошқалар техник носозликлари оқибатида ёнғин чиққан;

4) ўз-ўзидан ёниб кетадиган маҳсулотлар нотўғри сақланган;

5) чақмоқ уриши ва бошқалар.

Ёнғин чиқишига сабаб бўлган асосий тахмин асосида турли масалаларга оид жузъий тахминларни олға суради, бунда ишнинг аниқ вазияти ва йиғилган материаллар ҳисобга олинади. Масалан, ўт қўйиш тўғрисидаги асосий тахмин олға сурилганда қасддан қилинган ўт қўйиш сабабларига оид масала муҳокама этилади. Ўт қўйиш қуйидаги сабаблар билан содир этилган: 1) бошқа жиноятни ёпиш учун; 2) ўч олиш мақсадида; 3) суғурта ва бошқа моддий қулайликларни олиш мақсадида қилинган.

Ёнғинда одам жасади топилса, ўлим қандай содир бўлганлиги тўғрисида тахмин олға сурилади, жумладан: 1) жабрланган одам юқори ҳарорат таъсирида ҳалок бўлган, газ ҳидидан заҳарланган; 2) жабр кўрган, ўлдирилган ва кейин қотилликни яшириш мақсадида ўт қўйилган; 3) ёнғин жойида топилган жасад ёнғин чиққанга қадар ўз ажали билан ўлган.

Кейин вазият тўғрисида тахмин олға сурилиши мумкин. Бунда жабрланган очиқ олов ва юқори ҳарорат остида ўлган (жабрланган, касал бўлган, маст ҳолатда эди, чиқадиган йўл олов билан тўсилган) қотиллик сабаблари тўғрисида, уни ижро этган шахс тўғрисида маълумотлар олинади.

Олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлган ёки қурилма ва асбоблар техник носозлигидан келиб чиқадиган ёнғин тўғрисида олға сурилган асосий тахминда мазкур объектда олов билан боғлиқ муносабатлар мавжуд эмаслиги, ёнғинга қарши асбоблар носоз ҳолати тўғрисида тахмин олға сурилади.

Тергов ўтказишни режалаштириш. Қилинган тахмин режалаштиришнинг асоси ҳисобланади. Ёнғин тўғрисидаги ишлар бўйича тергов ўтказишни режалаштириш олға сурилган тахмин мазмуни ва терговнинг аниқ бир босқичда ҳал этиладиган вазифалар билан асосланган ўзига хос жиҳатларига эгадир.

Агар ёнғин чиқишига асосий сабаб олов билан эҳтиётсизлик оқибати эканлиги тахмин қилинса, тергов ўтказишни режалаштиришда ёнғин рўй берган вақтда бинонинг ичида бўлган шахснинг аҳлоқини ўрганиш назарда тутилади.

Агар ёнғин чиқишига техник носозлик сабаб, деб тахмин қилинса, уни топиш имкониятини берадиган тегишли эксперт тадқиқоти режалаштирилади. Сўнгра ёнғинга қарши хавфсизлик тартиб-қоидаларига риоя қилишга жавобгар ва мавжуд асбоблар, машиналар, механизмлар ҳолатини назорат қилишга масъул шахсларни сўроқ қилиш назарда тутилади.

Айни вақтда ёнғин чиққан бинода ишлаётган ходимларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш режалаштирилади. Шунингдек, режада тегишли техникага оид ҳужжатларни ажратиб олиш кўзда тутилади.

Агар қасддан ўт қўйиш тўғрисидаги тахмин асос қилиб олинса, жиноят содир этиш сабабларини очиб беришга йўналтирилган тергов ҳаракатларини ўтказиш режалаштирилади. Бунда тергов режаси жиноятнинг барча таркибини ўз ичига олган воқеанинг ҳақиқий характери тўғрисидаги бир неча тахминни бир вақтнинг ўзида текширишни назарда тутиши керак. Масалан, дўкон, омбор ва бошқаларга ўт қўйишдан мақсад у ердаги

ўғирликни ниқоблаш, турар жой биносига ўт қўйишда эса қотилликни ниқоблаш назарда тутилган бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда ёнғин билан боғлиқ шароитни тадқиқ этишда ўғирлик, қотиллик тўғрисидаги тахмин режалаштирилади ва текширув ўтказилади.

Бундай ҳолларда тадбирларни суриштирув органлари, жамоатчилик билан алоқада олдини олиш чораларини кўриш тергов ўтказиш режасида белгилаб қўйилади.

Экспертизалар. Ёнғин билан боғлиқ ишлар экспертизасининг асосий турлари техник-ёнғин, кимёвий-суд, криминалистик ва техник экспертизаларни ўз ичига олади. Одам қурбон бўлган бўлса суд-тиббиёт экспертизаси, агар ҳайвон ўлган бўлса ветеренария экспертизаси ўтказилади.

Ёнғин чиққан жойни текшириб, гувоҳлар сўроқ қилиниб, бошқа тергов ҳаракатларидан кейин дарҳол юқоридаги экспертизалар бошланиши керак. Техник-ёнғин экспертиза ишлари ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида бошланса, унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Техник-ёнғин экспертизасини ўтказишда, қоидага кўра, қуйидагиларни аниқлаб олиш масаласи қўйилади:

1) ёнғин манбаи ва ёнғин чиқишининг сабаблари:

2) ёнғинга қарши хавфсизлик тартиб-қоидаларини бузиш ва ўт қўйиш билан боғлиқ далиллар;

3) ёнғин чиққан вақтда шарт-шароит ва унинг ривожланишининг ўзига хос томонлари (баъзи материаллар ва буюмлар ёнувчанлик даражаси, оловнинг тарқалиш кетма-кетлиги, айрим ҳолатларнинг ёнғин авж олишига таъсири ва ҳ.к.);

4) вужудга келган оқибатлар ва ўт қўйиш ёки ёнғин хавфсизлиги тартиб-қоидалари техник талабларига риоя қилмаслик сабаблари ўртасидаги алоқалар;

5) мазкур объектда ёнғинга қарши воситалар ҳолати ва олдини

олиш чораларига оид тавсиялар.

Кимёвий суд экспертизаси. Ушбу экспертиза қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган: 1) у ёки бу куйган предметлар қандай буюмлар таркибига киради; 2) ёнғин манбаи ичида нималар бор эди, ёнувчан моддалар излари йўқми; 3) ёнғин чиқишига сабаб бўлган ўз-ўзидан ёнувчи моддаларнинг кимёвий таркиби қандай эди ва бошқалар.

Криминалистик экспертиза. Криминалистик экспертизада кўрилаётган ишлар қуйидаги масалаларга жавоб топишга ёрдам беради: 1) мазкур пойабзалнинг ёнғин чиққан жойда излари қолганми; 2) бармоқ излари мазкур шахсга тегишлими; 3) ёнғин чиққан жойда топилган предметларда йўл изи қолганми; (чироқ, дазмол ва ҳ.к); 4) ёнғин чиққан жойдан топилган ва гумон қилинган шахс тинтув қилинганда олиб қўйилган предметнинг қисмлари қўшилиб, яхлит нарсага тегишлими ва бошқалар.

Товаршунослик экспертизаси. Газлама ва шунга ўхшаш маълум гуруҳга тегишли предметлар қасддан ўт қўювчи томонидан жиноят қуроли сифатида фойдалангани, оловда куйиб кетган товарларнинг тахминий қиймати аниқланади.

Суд-тиббиёт экспертизаси қуйидаги масалаларга жавоб топишга ёрдам беради: 1) куйиш ва бошқа сабаблар натижасида ўлим юз берганми; 2) тирик одам ёки жасад олов таъсири остида қолганми; 3) нима таъсирида куйган (аланга, ёнувчи эритма, ёниб турган газ ва бошқалар таъсирида); 4) жасадда олов таъсиридан ташқари яна қандай жароҳат ўринлари бор; 5) уларга қандай қуроллар ёрдамида зарба етказилган; 6) жасадда аниқланган жароҳат оловнинг юқори ҳароратими ёки механик сабаблар туфайлими; 7) жабрланган одам қандай даражада куйган; 8) жабрланган ўлим олдидан алкогол ичимликлар ва бошқалар қабул қилганми ва ҳоказо.

Техник экспертиза ёрдамида қуйидаги масалаларга аниқлик киритилади: 1) ўз-ўзидан ёниб кетадиган материал ёнғин чиқишига сабаб

бўлганми; 2) мазкур турдаги материал қандай шароитда ўз-ўзидан ёниб кетади; 3) маълум шароитда сақланаётган мазкур предметлар ўз-ўзидан ёниб кетиши учун қанча вақт талаб этилади; 4) мазкур материални сақлаш шароити тегишли қоида талабларига жавоб бера оладими; 5) ўз-ўзидан ёниб кетишнинг олдини олиш қоидалари бузилишига йўл қўйилган эмасми; 6) қурилишнинг қайси қоидаларидан чекиниш ёнғин чиқишига сабаб бўлган: 7) электр ўтказгичлар, иситиш, газ ва вентиляция тизимининг техник ҳолати қандай, мавжуд нуқсонлар ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкинми; 8) мазкур материал (эритма) нималардан иборат, у ёнғинга сабаб бўладими ва ҳоказо.

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш. Ёнғин тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи ва айбланувчини дастлабки сўроқ қилишда уларнинг ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини жиноят-корона бузишда ва ўт қўйишда билвосита иштирокини тасдиқловчи вазиятни аниқлашга қаратиш мақсадга мувофиқ. Агар ёнғин жойида топилган предмет, айнан гумон қилинган шахсдан ҳам чиқса, (масалан, ўт ёқиш воситалари) сўроқни ўшани аниқлаб олишдан бошлаш керак. Гумон қилинувчи топилган бу предметни олган ва ундан фойдаланган шароит тўғрисида тўла маълумот бериши лозим.

Агар тинтувда ёки гумон қилинувчини текширганда унинг кийимида, пойабзалида ёки баданида ёнувчи материаллар, кул ва куйган излари топилса, ёҳуд ҳодиса рўй берган жойдаги тупроқ зарралари чиқса, сўроқни шу далиллар қаердан келиб қолганлигини аниқлаштиришдан бошлаш керак.

Гумон қилинувчи сўроқ қилинганда ёнғин чиққанга қадар бу ерда бўлганлиги ёки ўт ўчириш вақтида ҳозир бўлиш сабаблари тўғрисида ёнғинни ўчиришда иштирок этган гувоҳлар кўрсатувидан ҳам, жойни кўздан кечириш натижасидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бунда, ёнғин юз

берган жойга қачон келди, қайси йўналиш бўйича юрди, ҳодиса содир бўлган жойда ўзини қандай тутди, унинг кўрсатмалари ўша жойда топилган изларга мос келадими ва бошқалар билиб олинади.

Айбланувчи ўз айбига иқрор бўлмаса, экспертизага келтирилган маълумотлардан фойдаланиши керак. Экспертиза хулосалари айбланувчи берган жавобига зид келганда бу усул анча самарали бўлади.

Табиийки айбланувчи ёнғинга қарши хавфсизлик тартиб-қоидаларини билмаслигини айтади, хавфли оқибатларни олдиндан кўра олмаганлигини билдиради. Бундай тушунтиришни айбланувчининг бошқа кўрсатмалари каби синчковлик билан текшириш керак. Бундай ҳолда, сўроқ қилишда, объектда ёнғинга қарши хавфсизлик ҳолати ва уни таъминлашда мансабдор шахснинг масъулияти аниқ кўрсатилган буйруқ, низом, инструкция ва бошқа ҳужжатлардан унумли фойдаланиш зарур.

Ёнғиннинг олдини олиш чоралари – жиноят ишини тергаш жараёнида ёнғиннинг келиб чиқишига қандай сабаб ва ҳолатлар ёрдам берган ёки енгиллаштирган, ёнғин хавфсизлигига оид чоралар ташкил қилинганми, йўқми, шу объектда ёнғин хавфсизлиги ишларининг умумий аҳволи қандайлиги каби масалалар ҳам аниқланиши лозим.

Тегишли мутахассис иштирокида объектда ёнғинга қарши кураш қуроллари, транспорт воситалари, сув ва сигнализация каби шароитлар мавжудми ва уларнинг ҳолати аниқланади. Кўрсатилган шароитлар йўқ бўлса ёки етарли даражада бўлмаса, бунинг учун мансабдор шахслардан ким жавобгарлиги аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Кадрлар билан ишлаш, уларнинг ёнғинга қарши кураш соҳасидаги малакасини ошириш, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳақида суҳбатлар ўтказиш ва бошқа тарбиявий ишлар ҳам ёнғиннинг олдини олишга ёрдам беради. Терговчи ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби ва у юз берган шароитларни инобатга олган ҳолда бу ҳақда маълумотномалар

ёзиши ва тегишли идораларга юбориши керак. Қонунни тарғиб қилиш, матбуотда, радио ва телевидениеларда чиқиш ва йирик объектларда (корхоналарда, завод ва фабрикаларда, омборларда, пахта пунктларида, мактабларда) суҳбатлар ўтказиш юқоридаги каби ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам беради.

33-боб. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЖИНОИЙ ТАРЗДА БУЗГАНЛИК ҲОЛЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ.

1-§. Йўл-транспорт ҳодисаларининг криминалистик тавсифи

Йўл ҳаракати хавфсизлиги (ЙҲХ) қоидаларини жиноий тарзда буз-

ганлик эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларнинг энг кўп тарқалган турларидан ҳисобланади. Бундай қоидабузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги нафақат уларнинг кенг тарқалганлиги, балки келиб чиқадиган оқибатларнинг оғирлиги, яъни жароҳатларнинг кўплигига, қурбонлар бўлишига, мулкий зиён жиддийлигига боғликдир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик ҳолларини тергов қилишнинг мураккаблиги асосан йўлдаги ҳолат бамисоли яшин тезликда ўзгарадиган бир шароитда ҳодиса сабабларини аниқлаш заруратидан келиб чиқади. Муҳими вазиятни аниқлаштириб олиш, ҳодиса механизмини тиклаш-терговчи учун доимо мураккаб техник ва юридик вазифа ҳисобланган. ЙТҲларининг умумий криминалистик тавсифларини билиш терговчи олдидаги муаммони ҳал этишга муайян даражада кўмаклашади. Бундай тавсифлар негизида транспорт воситаларининг ҳавфсиз ҳаракат қилишининг шарт-шароитларини, бу шарт-шароитларга риоя этиши шарт бўлган шахсларнинг хулқ-атворидаги қоидадан четга чиқишларни, содир этилган қоидабузарликлар натижасида келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасидаги алоқани акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими ётади.

Агарда транспорт воситаларининг ҳаракатини бошқаришга нисбатан муайян тизим сифатида қараладиган бўлса, ҳайдовчи, транспорт воситаси ва йўлдаги ҳолат ушбу тизимнинг шарт бўлган ва ўзаро боғлиқ элементларини ташкил этади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ана шу учала элементнинг тўғри ишлаши ва бир-бирига боғлиқ ҳолда амал қилиши орқали таъминланади. Улардан исталган бирининг бошқаларига нисбатан номувофиқ келиши туфайли хавфли вазият, яъни ҳайдовчининг фавқулотда чоралар кўриши орқали ЙТҲни четлаб ўтиш учун ҳали имкониятлар мавжуд бўлган муҳит юзага келади. Бироқ, бундай вазият ҳайдовчи, у бошқараётган транспорт воситаси ва

йўлдаги ҳолат ўртасида алоқадорлик бузилиши натижасида авария ҳодисасига айланиши мумкин.

ЙТҲлари механизмидаги сабабий боғланишни қуйидаги тарзда тасаввуф этиш мумкин: Ҳайдовчи-транспорт воситаси-йўлдаги ҳолат тизимидаги номувофиқлик хавфли ҳолат юзага келишига сабаб бўлади. Агар лозим чоралар кўрилмаса, бу ҳол авария вазиятига айланиб кетиши мумкин, бу эса муқаррар равишда зиён кўрилишига олиб келади.

Шунингдек, Ҳайдовчи-транспорт воситаси-йўлдаги ҳолат тизимидаги номувофиқлик ҳайдовчилар, пиёдалар ёки йўловчиларнинг, транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолати. Йўл ҳаракатини ташкил этиш учун маъсул бўлган шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиқиши мумкин.

Ҳайдовчи бўғинида қоидалардан четга чиқиш сабаблари объектив ёки субъектив тусга эга бўлади. Одамлар ва бошқа нарсаларни уриб кетиш, транспорт воситаси билан тўқнашиш ва бошқа хавфли оқибатларга йўл қўймаслик мақсадида ҳайдовчини бошқаришнинг одатдаги усулларини ўзгартиришга ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузишга мажбур этадиган ҳар қандай ташқи шароитлар объектив сабаблар жумласига киради. Белгиланган тартиб-қоидаларни баён этилгани тарзда бузиш ҳоллари, одатда, агар ҳайдовчи шундай чоралар кўрмаса йўл ҳолатида юқорида таъкидланганига ўхшаш ёмон оқибатлар келиб чиқиши мумкин, деган хулосага келса, рўй беради. Ҳайдовчининг кўпинча ўринли бўлиб чиқадиган ҳаракатлари ана шундайдир. Афсуски, баъзан у йўл қўймасликка ёки олдини олишга ҳаракат қилган оқибатлардан ҳам оғирроқ вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, йўлда ҳайдовчи учун кутилмаган тўсиқнинг тўсатдан пайдо бўлганлиги туфайли ҳаракат йўналишини кескин ўзгартириб бошқа транспорт воситалари билан тўқнашиб кетишга,

пиёдаларни туртиб кетиш ва шу каби бошқа ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

“Ҳайдовчи” бўғинида тартиб-қоидалардан четга чиқишнинг *субъектив сабабларига* қуйидагиларни киритиш мумкин: а) зарурат тақозо этмаган бир пайтда йўл ҳаракати қоидаларини қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида бузганлик: тезликни йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ошириш., чорраҳалардан ўтиш қоидаларини бузиш, йўл белгиларига риоя этмаслик ва шу кабилар; б) касбий жиҳатдан етарли даражада тайёргарликка эга эмаслик, йўлдаги ҳолатни нотўғри баҳолаш ёки тажрибанинг етишмаслиги оқибатида транспортни бошқаришнинг нотўғри усулларидан фойдаланганлик; в) ҳайдовчи ҳолатидаги унинг иш қобилияти ва ташқи вазиятни сезиш ҳиссини пасайтирувчи психофизиологик ўзгаришлар (транспорт воситасини узоқ вақт бошқариш оқибатида ҳаддан зиёд толиқиш, алкоголдан маст бўлиш, тан носоғлиги ва шу кабилар).

Ҳайдовчи тартиб-қоидаларни бузиш оқибатида юзага келадиган вазиятлар хавфлиги шундаки, у бошқараётган транспорт воситаси муайян йўналишда ёки вақтда ҳаракат ман этилган ҳудудга кириб қолиб, йўл ҳаракати қатнашчилари учун таҳдид солади. Бундай ҳудудлар: қарама-қарши ҳаракат йўлдаги, пиёдалар йўли, светофорнинг тақиқловчи сигнали билан юриш ман этилган чорраҳа ва шу кабилардан иборат бўлиши мумкин. Хавфли вазият ҳамиша ҳам ўз-ўзидан аварияларга олиб келавермайди. Қарама-қарши ҳаракат ўтиб кетиш, масалан, рўпарадан транспорт воситаси келаётган бўлса, катта хавф туғдиради. Бундай вазиятларда ҳайдовчи ўз вақтида зарур чораларни кўрса (ҳаракат йўналишини ўзгартирса, транспортни кескин тўхтатса ва бошқа усуллар қўлласа), ЙТҲлари содир бўлишининг олди олинади.

Қай пайтда хавфли ҳолатга айланиши мумкин? Белгиланган хавфсизлик қоидаларини бузган, транспорт воситаси яқинида йўл ҳаракатининг

бошқа қатнашчилари ёки тўсиқ мавжуд бўлса ва қоидабузарнинг ҳар қандай ҳаракати ҳам одамлар (бошқа тўсиқлар)ни уриб кетиши, транспорт воситалари тўқнашиб кетиши ва бошқа оғир оқибатларнинг олдини олишга қодир бўлмай қолсагина, бу каби кўнгилсиз воқеа юз бериши мумкин. ЙТҲларини тергов қилиш вақтида ҳайдовчи авариянинг олдини олиш имкониятига эга бўлган ёки бўлмаганлик масаласини айниқса синчиклаб ўрганиш лозим.

“Транспорт воситаси” бўғинида четга чиқишлар транспорт воситаларининг техник жиҳатидан носозлиги ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлиб, айни ана шу салбий кўринишлар ЙТҲлари юз беришига сабаб бўлади. Рулни бошқариш ва тормоз тизимидаги носозликлар йўл ҳаракати хавфсизлиги учун таҳдид соладиган энг жиддий сабаблар ҳисобланади. Бундай носозликларнинг йўл ҳаракати қатнашчилари учун хавфлилик даражасининг юқорилиги шу билан изоҳланадики, бу каби носозликлар ҳаракат давом этаётган бир пайтда тўсатдан, ҳайдовчи учун кутилмаганда пайдо бўлиб, транспорт воситасини бошқаролмай қолади. Шунинг учун хавфли вазиятни авария ҳолатига айланиб кетишини тўхтатиб бўлмайди. Транспорт воситасининг двигатели, ҳаракатланувчи қисми, бошқа узеллар ва агрегатларидаги носозликлар ЙТҲларига нисбатан камроқ сабаб бўлади.

“Йўлдаги ҳолат” транспорт воситаси ҳаракатини бошқариш тизимининг элементи сифатида:

ҳаракат амалга оширилаётган ҳудуддаги йўлнинг техник ҳолатига (йўлнинг профили, уланиш қисми, қопламаси, нуқсонлари, тўсиқлар ва шу кабиларга);

йўлнинг хавф тўғрисида огоҳлантирувчи, тўсиқни айланиб ўтишни кўрсатувчи ва шу каби бошқа зарур йўл белгилари ва ишоралари билан қай даражада таъминланганлигига;

йўлнинг ҳаракат амалга оширилаётган қисмида пиёдалар ва бошқа транспорт воситаларининг бор-йўқлигига, уларнинг ҳаракат йўналишлари ва тезлигига доир масалаларни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган шароитларнинг барчаси трассада мунтазам равишда ўзгариб боради ва ҳайдовчидан ўз ҳаракатларини мавжуд шароитларга мослаб боришни талаб қилади. Ушбу босқичда йўлларнинг ҳолати ва йўл ҳаракатини ташкил қилиш учун жавобгар бўлган йўл хизматининг, бошқа транспорт воситалари ҳайдовчилари ва пиёдаларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли ҳам авария вазиятига олиб келадиган тарздаги тартиб-қоидалардан четга чиқиш ҳоллари ҳам кузатилиши мумкин. Чунончи, йўллар ҳолатининг қониқарсизлиги ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг бузилиб қолишига сабаб бўлади, бу эса ҳайдовчини ҳам, бузилган транспорт воситасининг бевосита яқинида бўлган йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини ҳам хавфли вазиятга солади. Йўллардаги ўнқир-чўнқирлар, чуқурликлар, очиқ қолган канализация люклари ва бошқа тўсиқлар ўраб қўйилган бўлиб, тегишли йўл белгилари (йўлда таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлигидан огоҳлантирувчи, тўсиқни айланиб ўтишни англатувчи ва бошқа шу каби белгилар) билан кўрсатилган бўлиши керак. Бундай белгилар бўлмаса, айниқса йўлнинг кўриниши ёмон шароитларда авариялар юз бериши мумкин. Йўл ҳаракатининг белгиланган қоидалари: йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмидан ўтиш тартибига ёки светофорнинг тақиқловчи сигналига риоя қилмайдиган, жамоат транспорти ҳаракатланиб турган пайтда унга чиқишга уринадиган ва шунга ўхшаш нотўғри ҳаракат қиладиган пиёдалар кўпинча ЙТҲлари содир этилишида айбдор бўлиб қолади.

“Ҳайдовчи-транспорт воситаси-йўлдаги ҳолат” тизимига тааллуқли юқорида кўриб чиқилган барча қоидабузарликларнинг ва улар туфайли

юзага келадиган авария вазиятларининг оқибатлари: 1) пиёдалар, велосипедчилар, мотоциклчилар ва бошқа ҳаракатланувчи объектларни уриб юбориш; 2) ҳаракат қилмайдиган объектларни (ёритгич, телеграф устунлари ва бошқа устунларни, йўл бўйидаги иншоотларни тўхтаб транспорт воситалари ва бошқа шу кабиларни) уриб юбориш ёки улар билан тўқнашиш; 3) ҳаракатдаги транспорт воситалари билан тўқнашиш; 4) кескин тўхтатилиши ёки йўлдаги тўсиқларга урилиши туфайли ёхуд бошқа сабабларга кўра турғунликни йўқотиши натижасида транспорт воситасининг ағдарилиши; 5) ҳаракатдаги транспорт воситасидан йўловчиларнинг ағанаб тушуши; 6) транспорт воситасининг ағдарилиши (масалан, кўприкдан); ҳамда 7)транспортда (электр симларида транспорт воситаларининг тўқнашиши натижасида ёқилғи узатиш тизимида юзага келадиган носозликлар, ёқилғининг портлаши ва бошқа сабабларга кўра) келиб чиқадиган ёнғиндан иборат бўлиши мумкин.

Санаб ўтилган авария турларининг ҳар бири ўзига хос қонуниятларга, ўз динамикасига эга бўлиб, бу хусусиятлар ўз навбатида из ҳосил бўлишининг спецификаси ва қонуниятларини белгилаб беради.

ЙТҲ юз берган жойдаги излар кўпинча воқеа содир бўлганлигидан далолат берувчи ягона манбадир. Уларни ўрганиш эса, терговнинг дастлабки босқичида ҳодиса механизмини билиш ва баҳо беришнинг ягона усули бўлиб қолади.

2-§. Тергов йўналишларини аниқлаш

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликни тергов қилишнинг йўналишларини белгилаш- терговчининг дастлабки вазифларини аниқлаши ва уларни ҳал этишнинг йўлларини танлаб олишини

англатади. Бундай вазифа негизида терговчи олиб бораётган тергов ишларининг дастлабки босқичида юзага келаётган вазиятларнинг таҳлили ётади. Ушбу босқичда тергов вазиятларининг ўзига хос хусусиятлари, асосан, авария юз бериши биланоқ йўл хавфсизлиги қоидаларини бузган шахслар ва ҳодиса бошқа иштирокчиларининг хулқ-атвори қандай бўлганлигига, ҳодисанинг шоҳидлари бор-йўқлигига, моддий ҳолатнинг қай аҳволдалигига, терговчи ҳодиса юз берган жойга етиб келганида излар сақланган-сақланмаганлигига ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади. Санаб ўтилган вакторлар объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ бўлган турли ривожланишига сабаб бўлади. Вазиятнинг қулай ёки ноқулай деб эътироф этилиши иш олиб борилаётган пайтда тергов қилинаётган воқеанинг ҳолатлари тўғрисида ахборот олиш имкониятига боғлиқ.

Айбдорларнинг жиноят изларини яширган ҳолда воқеа содир бўлган жойдан яшириниши, шоҳидларнинг йўқлиги ёки уларнинг яшаш жойлари номаълум, ҳодиса юз берганлиги ҳақидаги маълумот ЙҲХХ ходимига ёки терговчига жуда кеч хабар қилинган бўлиб, вазият жиддий ўзгариб кетган бўлса, энг мураккаб, бинобарин, энг ноқулай вазият ҳисобланади. Бундай ҳолларда терговнинг асосий йўналиши ахборот манбаларини қидириш: яширинган ҳайдовчиларни қидириш, воқеанинг гувоҳи бўлиши эҳтимол тутилган шахсларни аниқлаш, воқеа ҳолатларига аниқлик киритиш мумкин бўлган жиноятнинг сақланиб қолган моддий изларини топиш ва шу кабилардан иборат бўлиши керак. Бундай вазият учун ноаниқлик даражасининг юқорилиги хос хусусият бўлиб, исботловчи ахборотларнинг эҳтимол тутилган манбалари аниқланмагунча бошқа бирор-бир масаланинг ҳал этилиши мумкин эмас.

Тергов учун қулай вазият юзага келаётганида, масалан, ҳодиса қатнашчилари ва гувоҳлар терговчи етиб келгунига қадар ўз жойларида қолса, изларни сақлаб қолиш учун ўз вақтида чоралар кўрилса ва ҳодиса

содир бўлган жойдаги ҳолатнинг ўзгаришсиз қолиши таъминланса, тергов йўналишини белгиловчи вазифа характерини, яъни қатнашчиларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби белгилари бор-йўқлигини аниқлашдан иборат бўлади. Бунинг учун, энг аввало, ҳодиса юз берган жойда ҳозир бўлган барчанинг (ЙТҲ қатнашчилари, шоҳидлар, жабрланувчилар) кўрсатмалари ва тушунтиришларини процессуал воситалар ёрдамида мустаҳкамлаш ва бу далилларни ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш жараёнида ўрганилган моддий ҳолат билан таққослаш зарур. Агар терговчи тергов йўналишини белгилаб ва кейинчалик исбот қилиниши лозим бўлган аниқ вазиятларда барча ҳолатларни аниқлаб олса, у жараён давомида катта кийинчиликларга дуч келмайди.

Дастлабки босқичда ЙТҲни тергов қилишнинг йўналишларини белгилаб олиш-текширилаётган воқеага доир маълумотлар ўта тақчил бўлган бир шароитда терговчи ишини аниқ мақсадга қаратилишига ёрдам берадиган энг умумий тарздаги ҳаракат режасинигина ишлаб чиқишни англатади, холос. ЙТҲ юз берган жойни кўздан кечиришдан олдиноқ, ҳодиса иштирокчилари, шоҳидлари ва ҳодиса юз берган жойни қўриқлаётган ЙҲХХ ходимларидан олинган тушунтиришлар дастлабки маълумотлар ҳисобланиб, тергов таҳминларининг асосини ташкил этиши мумкин

Тўғри, терговнинг дастлабки босқичида бундай маълумот ҳодисанинг характери, авариява олиб келган сабаблар, ҳодиса айбдорлари ва бошқа шу кабилар тўғрисида умумий таҳминлар қилиш учунгина етарли бўлади, холос. *Воқеанинг характери тўғрисидаги одатдаги таҳминлар қуйидагича бўлиши мумкин*: 1) ЙТҲ йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик натижасида рўй берган; 2) ЙТҲ жиноят таркиби аломатларининг доирасига кирмайдиган ҳаракатлар туфайли келиб чиққан; 3) ЙТҲ бошқа жиноятни яшириш учун ниқоб сифа-

тида ташкил этилган; 4) ЙТҲ транспорт воситасидан жиноят қуроли сифатида қасддан фойдаланилганлиги оқибатида юз берган.

Воқеанинг характери тўғрисидаги таҳминларни тақсимлаш ёки рад этиш ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг дастлабки натижалари ва воқеа қатнашчиларининг дастлабки тушунтиришлари олинганидан кейинроқ мумкин бўлади. Ҳудди мана шу маълумотлар ЙТҲнинг сабаблари, йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида йўл қўйилган қоидабузарликлар, уни содир этган шахслар, яшаш жойлари ва бошқа шу кабилар тўғрисида хусусий таҳминлар қилиш учун дастлабки маълумот сифатида хизмат қилади. Терговнинг асосий йўналишларини белгиловчи вазифаларга, шунингдек, илгари сурилган тергов таҳминларини тасдиқлаш ёки рад этиш учун зарур жавоблар топиш мақсадида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ масалаларга асосланган ҳолда терговнинг энг умумий режаси тузилади. Дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув чора-тадбирлари ёрдамида ҳали аниқланмаган, аммо исбот қилиниши лозим бўлган таҳминларни илгари суришга, терговни давом эттиришнинг кенг режасини ишлаб чиқишга киришиш имконини берадиган маълумотлар базасини яратади.

3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чора-тадбирлари

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув чора-тадбирлари ёрдамида қандай воқеа юз берганлиги, авария келиб чиқишининг сабаби, айибдор ким эканлиги ва қандай моддий зарар етказилганлиги аниқланади. Терговнинг дастлабки босқичида энг муҳим тергов ҳаракатлари жумласига: ЙТҲ жойини кўздан кечириш; мурдани ва ҳодисада иштирок этган транспорт воситаларини кўздан кечириш;

ҳайдовчини гувоҳлантириш, жабрланувчилар, шоҳидлар ва гумон қилинаётганларни сўроқ қилиш киради. Терговни бошлаш пайтига келиб юзага келган тергов вазиятига ва унинг янги маълумотлар олиш натижасида ўзгариши тамойилига қараб бошқа шакллардаги дастлабки тергов ҳаракатларини: жабрланувчиларни суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш, автотехника экспертизаси ўтказиш, гувоҳларни сўроқ қилиш (масалан, ҳодисада иштирок этган транспорт воситасини тасарруф этувчи аниқ автокорхона транспортининг техник ҳолати учун жавобгар бўлган ходимларидан бирини) ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Далил-исбот материалларининг асосий қисмини олиш ва текширилаётган воқеа тўғрисида ҳолис тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган ЙТҲ жойини кўздан кечириш техник ва тактик жиҳатдан энг мураккаб иш ҳисобланади.

Терговнинг дастлабки босқичида амалга ошириладиган тезкор қидирув чора-тадбирларидан кўзланган асосий мақсад-яширинган ҳайдовчиларни, ЙТҲда иштирок этган транспорт воситаларини, ҳодисанинг гувоҳлари ва шоҳидларини қидириб топишдан иборат. Шу мақсадда йўлларни тўсиш чора-тадбирлари амалга оширилади, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларида, автокорхоналарда текширувлар ўтказилади, давлат автомобиль назорати органларидан транспорт эгалари тўғрисида маълумотлар олинади., ҳодисанинг аниқланган шоҳидлари ва гувоҳлари, шунингдек бошқа шахслар сўроқ қилинади.

Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни кўздан кечиришнинг хос хусусиятлари. ЙТҲ юз берган жойдаги моддий ҳолатни ўрганиш кўздан кечиришнинг асосий вазифасидир. Олинган натижалар текширилаётган воқеани тиклаш, ҳодиса механизми тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва унинг сабабларини аниқлаш имконини беради. Кўриб чиқилаётган тоифадаги ишлар бўйича ҳодиса юз берган жойини кўздан

кечиришнинг специфик хусусиятлари ушбу тергов ҳаракатлари амалга оширилаётган шароитлар билан белгиланади. Ушбу шароитлар йўл ҳаракатининг ўта зичлиги туфайли ҳолатнинг ўзгариши ва изларнинг йўқ бўлиб кетиши хавфининг катталиги билан ажралиб туради. Ҳаракатни тўхтатиш эса автомагистралларида бошқа хавфли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бу каби тез-тез бўлиб турадиган мажбурий ўзгаришлар терговчи учун доимо ортиқча қийинчилик туғдиради. Мана шундан келиб чиққан ҳолда ЙТҲлари тўғрисидаги ҳар бир хабарга дарҳол муносабат билдириш ва авария юз берган худудда йўл ҳаракатини тез ва тўғри ташкил этиш: хавфли ҳудудни айланиб ўтилишини таъминлаш, огоҳлантирувчи белгилар ўрнатиш ва шу кабилар зарурлиги талаб этилади.

ЙТҲ юз берган жойга, қоида тариқасида, маълумот олинганидан кейин биринчи бўлиб ЙҲХХ ходимлари етиб келишади. Уларнинг зиммасидаги вазифа – терговчи етиб келгунига қадар ЙТҲни қўриқлаш ва йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. Бироқ, кўздан кечириш бошлангунига қадар ҳодиса юз берган жойни ўзгаришсиз сақлашга ҳамиша ҳам муваффақ бўлинавермайди. Бундай ўзгаришларга кўпинча авария натижасида жабр кўрган транспорт воситасидаги йўловчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати сабаб бўлади, негаки, бу ишни бажариш учун автомашина ойналарини синдиришга, эшикларини суғуриб олишга тўғри келади. Аварияда иштирок этган автомашиналарни йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмидан бошқа жойга олиш эҳтиёжи уларнинг бу ерда туришидан йўлдаги ҳолатнинг мураккаблашиши, айниқса, йўлда транспортнинг нормал ҳаракатланишига хавф солиши ва шу каби бошқа сабаблар келиб чиқади.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳодиса содир бўлган жойга етиб келган ЙҲХХ ходимларининг биринчи галдаги вазифасидир. Башарти,

жабрланувчи даволаш муассасасига жўнатилгунига қадар йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмида ётган бўлса, у ётган жой ва гавдасининг ҳолати тегишли тарзда қайд этилади (чизилади, масалан, бўрда асфальтга чизилади ва шу кабилар).

ЙҲХХ ходимлари терговчи етиб келгунига қадар ЙТҲда иштирок этган транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини ушлаш, уларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини ва бошқа ҳужжатларини, масалан, юк ташиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини, транспорт воситаларининг техник паспортлари ва бошқа шу кабиларини олиб қўйиш чора-тадбирларини ҳам кўришлари керак. Изларнинг сақлаб қолинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Негаки, улар ушбу вазиятда об-ҳаво шароитлари, йўлда юзага келаётган ҳолат ва бошқа шу кабиларнинг таъсири натижасида йўқолиб кетиши турган гап.

Кўздан кечириш бошлангунига қадар терговчи шоҳидлардан сўраш орқали воқеа қандай юз берганини, моддий ҳолатга қандай ўзгаришлар киритилганлигини умумий тарзда аниқлайди. Башарти, ҳайдовчи авария айбдори бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган бўлса, аварияда иштирок этган транспорт воситасининг тури, русуми ва рангини, қоидабузар қочиб кетган йўналишни аниқлаш жуда муҳим. Бу қидирувни «иссиғида» ташкил этишга ёрдам беради. Қидирув ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда олиб борилади. Ҳодисада иштирок этган ҳайдовчилар маст деган шубҳа пайдо бўлса, уларни ЙҲХХ ходимларининг ҳамроҳлигида қондаги алкогол таркибини аниқлаш мақсадида тиббий текширувга юбориш лозим.

Терговчи ЙТҲнинг *умумий манзараси* билан танишиб, кўздан кечиришнинг чегараларини белгилайди ва шу чегаралар доирасида қўриқлаш таъминланади. Кўздан кечириш бошлангунига қадар ҳодиса юз берган жойдан шатак ёрдамида тортилган транспорт воситаларининг қаерда тур-

ганлигини, улар дастлаб йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг қаерида турганлигини кўрсатувчи белгилар бор-йўқлигини, касалхонага жўнатилган жабрланувчининг турган жойи ва гавда кўриниши ҳамда бошқа шу кабилар белгиланган-белгиланмаганини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЙТҲ юз берган жойнинг моддий ҳолатини ташкил этувчи ва синчиклаб ўрганилиши лозим бўлган асосий объектлар қуйидагилар: 1) йўлнинг авария рўй берган қисми; 2) ҳодиса рўй берган жойдаги воқеа механизмини тиклаш имконини берадиган транспорт воситаларининг излари ва бошқа излар; 3) мурдалар (агар авария одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган бўлса); 4)ҳодисада иштирок этган транспорт воситалари.

ЙТҲ юз берган жойнинг ҳолатини ўрганиш тергов учун муҳим аҳамиятга молик қатор вазиятларни ойдинлаштириш имконини берадики, улар ёрдамида:

хавфли вазият юзага келган жой ва юзага келиш сабабларини;

йўлнинг бевосита авария рўй берган қисмининг аҳволини ва ундаги йўл ҳолатини;

ҳодиса қатнашчиларидан ҳар бирининг хавфли вазият юзага келишидаги ролини ва авариянинг олдини олиш юзасидан қилган хатти-ҳаракатларини;

хавфли вазият юзага келган пайтдан бошлаб, то зарарли оқибатлар келиб чиққунига қадар давр ичидаги ҳодиса механизмини аниқлаш имконини беради.

Кўздан кечиришни йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган ва йўл ҳаракатини тезда тиклаш талаб қилинадиган қисмидан бошлаш керак. Бунда ҳаракатларнинг кетма-кетлиги юзага келадиган вазиятга боғлиқ бўлади. Энг аввало, изларга путур етиши ёки улар йўқ бўлиб кетиши хав-

фи мавжуд ва автомагистрал бўйлаб транспорт зич ҳаракат қиладиган жойлар кўздан кечирилиши керак. Кўздан кечириш баҳонасида транспорт воситаларининг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш йўл ҳаракатини тартибга солишда қийинчиликлар туғдириб, автомобилларнинг ғуч бўлиб қолишига, хавфли вазиятлар юзага келишига сабаб бўлади. Агар йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчи ҳодиса юз берган жойдан машинада ғойиб бўлган бўлса, кўздан кечиришни ҳайдовчининг йўналишини кўрсатувчи излар орқали топилиши мумкин бўлган жойдан бошлаб, шу йўналиш бўйича қидирувни ташкил этган маъқул.

Йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмини кўздан кечириш жараёнида унинг профилини (баландликлари, пастликлари, бурилиш жойлари ва шу кабиларини), йўл ишоралари ва белгиларининг борйўқлигини, йўл ёқасини, тўсиқларни, транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг кенглиги ва шу кабиларни албатта қайд этиш шарт. Ушбу маълумотларни ҳисобга олган ҳолда кейинчалик ҳодисанинг ҳар бир қатнашчиси йўлнинг мазкур қисмини кўз билан қамраш ва ЙТҲнинг олдини олиш учун қай даражада имкониятга эга бўлганлигига баҳо берилади.

Хавфли вазият юзага келган жой ва вақтни аниқлаш маълум даражада қийинчилик туғдиради.

Хавфли вазиятнинг пайдо бўлиши ҳам, авария ҳам айни бир жойнинг ўзида бир вақтда юз берган бўлиши мумкин. Бироқ, кўпинча макон ўлчови ҳам, вақт ўлчови ҳам турлича бўлади. Йўлдаги хавфли вазият билан авария вазиятини бир-биридан муайян муҳлат ажратиб туради. Ана шу муҳлат ичида ҳайдовчилар, пиёдалар аварияга йўл қўймасликка уриниб кўрадилар. Хусусан, шу муҳлатда транспорт воситаси ва пиёдалар ўз ҳаракат тезликларига мос келадиган масофани босиб ўтадилар. Ҳодиса барча қатнашчиларининг хатти-

ҳаракатларига имкон қадар тўлиқроқ баҳо бериш учун хавфли вазият юзага келган жойни аниқлаш фавқулодда муҳимдир. Жойда амалга ошириладиган ушбу иш транспорт воситаларининг (ҳаракат йўналишини, тормоз ва бошқа шу кабилар) изларини, йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмида пиёдаларнинг изларини қидириш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш зарурати билан боғлиқ бўлиб, аксарият ҳолларда ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг доираси кенгайтирилишини тақозо этади. Тормоз излари алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бундай изларнинг бошланиш қисми, одатда, хавфли вазият юзага келган жойга мос келади ва унга қараб, транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Изларда акс этган тормоз йўлининг узунлиги айниқса синчиклаб ўлчанади. Йўл қопламасининг (асфальт, тупроқ йўл, қуруқ ёки ҳўл асфальт ва бошқа шу кабилар) ҳолати албатта қайд этилади. Шунинг ёрдамида муайян даражада тормоз йўли аниқланади.

ғилдирак қопламасининг шакли акс этадиган ва кўпинча ЙТҲ юз берган жойда топиладиган изларга қараб, ушбу изларни қолдирган автомашинанинг русуми, модели аниқланади. Мана шу маълумотлар яширинган ҳайдовчилар ва транспорт воситаларини қидиришга ёрдам беради.

ЙТҲ ҳар бир қатнашчисининг ролини аниқлаш ва унинг механизмини тиклаш учун бошқа излар: нур тарқатадиган фаралар ойналари, олд ойнанинг синиқ парчалари, уларнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўл қисмидаги жойлашуви; худди мана шу жойлардан ва уларга туташ ҳудудлардан топиладиган транспорт воситаларининг тўқнашиши натижасида бузилган ёки узеллар ва агрегатларнинг техник жиҳатдан носозлиги туфайли ишдан чиққан деталлар; тормоз суюқлигининг излари, асфальтдаги мой доғлари, пиёдаларнинг излари, киряланиш излари, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ўзларида мав-

жуд бўлган нуқсонларнинг излари муҳим роль ўйнайди. Буларнинг ҳаммаси тегишли шакллари, миқдорлари, характери ва ўзаро жойлашувининг хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳодиса механизмини тиклаш учун фавқулодда муҳим аҳамият касб этади ва улар криминалистик воситалар: фотосуратга олиш, киносуратга тушириш, турли тарх ва схемалар тузиш орқали, ҳозирги замон нусха кўчириш воситалари ва бошқа шу кабилар ёрдамида синчковлик билан қайд этилиши лозим.

Транспорт воситаларини кўздан кечиришнинг хос хусусиятлари. Аварияда қатнашган транспорт воситаларини кўздан кечириш ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг бир қисми ёки мустақил тергов ҳаракати бўлиши мумкин. Транспорт воситаларини кўздан кечиришнинг асосий вазифалари, биринчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик натижасида аварияда қатнашган транспорт воситаларида пайдо бўлган излар ва путур етган жойларни, иккинчидан, уларнинг техник ҳолатини аниқлашдан иборат. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун, одатда, махсус билимлар талаб қилинади, шунинг учун кўздан кечиришга автотехника мутахассисини, баъзида эса: криминалистни таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳодиса юз берган жойни кўздан кечиришнинг муайян қисми ҳисобланган транспорт воситасини кўздан кечиришни бошлашдан олдин унинг турган жойи ва бошқа мўлжалларга (бошқа транспорт воситалари, мурда, йўл ёқаси ва бошқа шу кабиларга) нисбатан жойлашувини қайд этиш зарур.

Транспорт воситасини кўздан кечиришни авария натижасида путур етган жойларидан бошлаш лозим. Бунда транспорт воситаларида мавжуд бўлган бошқа излар: қон излари, бўёқ заррачалари, трасологик излар ва бошқа шу кабиларга зиён етказмаслик ёки уларни йўқ қилиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик талаб қилинади.

Путур етган жой қаерда жойлашганлиги, шакли, ўлчами кўрсатилган ҳолда баённомада батафсил тавсифланиши лозим. Агар транспорт воситасида қирилган жойлар пайдо бўлган бўлса, уларнинг горизонтал бўйлаб йўналишини кўрсатиш керак. Путур етган жойлар автомашинанинг қаерида эканлигини кўрсатишдан ташқари ўлчаш йўли билан ҳам қайд этилади. Ўлчов воситасининг бир учи доимо ер сатҳида бўлиши керак. Шу орқали путур етган жой қандай баландликда аниқлангани маълум бўлади. Кўздан кечирилаётган автомобиль қандай ҳолатда эканлигини ва ундаги путур етган жойлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун умумий ва мукаммал суратга тушириш қоидалари бўйича *фотосуратга олиш* лозим. Умумий фотосуратларда транспорт воситасининг ҳар бир томондан умумий кўриниши қайд этилади. Кейин масштабли чизғич билан ҳар бир путур етган жой алоҳида суратга олинади.

Кўздан кечириш пайтидаёқ бошланиши лозим бўлган транспорт воситасидаги путур етган жойларни ўрганиш, уларни бошқа объектлардаги (мурда танаси, тўсиқлар, ҳодисада иштирок этган бошқа транспорт воситалари) путур етган жойлар билан таққослаш авария механизмини танлаш, тўқнашиш, уриб кетиш вақтида транспорт воситаларининг, пиёдаларнинг, йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмидаги тўсиқларнинг ўзаро қай тарзда жойлашганлигини, ўзаро тўқнашилганда механик кучларнинг ҳаракат йўналиши ва бошқа шу кабиларни аниқлаш имконини беради.

Транспорт воситасидаги барча путур етган жойлар ва излар аниқланиб, қайд этилганидан кейин кўздан кечирилаётган транспорт воситасининг техник ҳолатини аниқлашга киришиш мумкин. Техник ҳолат автотехник мутахассиснинг иштирокида текширилади. Бу иш, агар терговчи ЙТҲга транспорт воситасининг техник жиҳатдан носозлиги сабаб бўлган, деган асосли фикр билдирса, айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Транспорт воситасини кўздан кечириш жараёнида ёруғлик сигнализацияси, тормоз тизими, ҳаракатланувчи қисми, унинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан бошқа муҳим узеллари ва агрегатларининг ҳолати текширилади. Башарти, автомашинанинг техник ҳолатини аниқлаш учун мураккаб диагностика ва бошқа приборлардан фойдаланиш талаб қилинса, нафақат носозликлар бор-йўқлигини, балки кўздан кечириш пайтида топилган носозликларнинг сабабларини ҳам аниқлаш вазифаси кўндаланг бўлса, автотехника экспертизаси тайинланади.

Ҳодиса юз берган жойда бир неча автотранспортни кўздан кечириш чоғида нафақат улардаги излар ва путур етган жойларни аниқлаш, балки бир-бирига таққослаш ҳам ижобий натижа беради.

Мурдани кўздан кечиришнинг хос хусусиятлари. ЙТҲ юз берган жойда мурда умумий қоидаларга биноан текширилади. Айниқса мурдадаги излар ва шикастларга алоҳида эътибор қаратиш, одам уриб кетган ҳайдовчи яширинган, гувоҳлар йўқ бўлган ноқулай тергов вазияти юзага келган пайтда ҳал этувчи муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун кийим-кечак ҳам, пойабзал ҳам алоҳида синчковлик билан текширилади, негаки, уларда кўп ҳолларда кейинчалик транспорт воситасини идентификация қилиш имконини берадиган ғилдирак қопламаси излари ва бошқа излар қолган бўлади.

Ҳодиса юз берган жойда мурдани кўздан кечириш натижаларини қайд этиш вақтида йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг қаерида, аварияда иштирок этган транспорт воситасига, мавжуд изларга (мурдани судраш, тормоз излари ва шу кабилар) нисбатан қаерда эканлигини аниқ кўрсатиш муҳимдир. Бу ҳодиса механизмини тиклаш имконини беради. Мурданинг гавдаси, кийим-кечагининг ҳолати, улардаги излар ва путур етган жойлар ҳам қайд этилади. Кўздан кечириш жараёнида барча манзара фотосуратга олинади, ўлчанади. Натижалар ба-

ённомага батафсил ёзилади. Мурдадаги путур етган жойлар, уларнинг локаллашгани, оғирлик даражаси ва мурданинг кийим-кечакларидаги изларга қараб, путур автотранспортнинг қайси қисми билан етказилганлиги, зарбнинг кучи, йўналиши ва бошқа шу кабилар тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Йўл-транспорт ҳодисасида қатнашган ҳайдовчиларни сўроқ қилиш. Сўроқ қилишдан олдин ҳайдовчининг шахсини аниқлаш ва ҳужжатлари: ҳайдовчилик гувоҳномаси, автомашинанинг техник паспорти, юк ташишга тааллуқли ҳужжатлар, йўл варақалари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларини текшириш зарур.

Ҳайдовчини сўроқ қилиш вақтида қуйидаги ҳолатларни аниқлаш лозим:

1) сўроқ қилинаётган шахс бошқарувидаги транспорт воситасининг ҳолати ҳодисага қадар қандай бўлган. Агарда транспорт воситаси носоз бўлса, бундай носозлик қандай намоён бўлган, носозлик қачон маълум бўлган ва унга барҳам бериш учун қандай чоралар кўрилган;

2) хавфли вазият юзага келган пайтда ҳайдовчи қандай ҳолатда бўлган ва нормал ҳолатни йўқотишнинг сабаблари нимада (транспортни узоқ бошқариш натижасидаги толиқиш, алкоголдан маст бўлиш ва бошқа шу кабилар);

3) ҳайдовчи рулни узлуксиз қанча вақт бошқарган ва бундай узоқ юришга қандай зарурат бўлган;

4) хавфли вазият пайдо бўлишида бевосита олдин йўлдаги ҳолат қандай бўлган: ҳайдовчи қандай тезликда ҳаракат қилган; йўлда бошқа транспорт воситалари, пиёдалар бормиди; улар ўртасида оралиқ масофа қанча, улар қайси йўналишда ва тахминан қандай тезликда ҳаракат қилишган; йўлнинг ушбу қисмида хавф тўғрисида қандай огоҳлантирувчи

белгилар бор; йўл қопламасининг ҳолати ва кўриш шароити қандай бўлган;

5) сўроқ қилинувчининг фикрича, хавфли вазият юзага келиш пайтида йўлнинг ҳолати қандай бўлган ва бундай вазият юзага келишининг сабаби нимада, вазиятнинг хавфлилиги нимада намоён бўлган; сўроқ қилинаётган шахс йўлнинг транспорт воситаси ҳаракатланадиган қисмида пиёдани кўрганми ва у транспорт воситасига бевосита яқин жойда қаердан пайдо бўлди; сўроқ қилинаётган шахс авариянинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрган; у йўл ҳаракати қоидаларини бузганми ёки хавфли вазият бошқа сабаб билан пайдо бўлганми; у светофорнинг қайси сигналига кўра чорраҳа томон ҳаракат қилган ва бошқа шу кабилар;

6) одам уриб кетиш, тўқнашув қандай содир бўлган; пиёдага транспортнинг қайси қисми урилган; авария вазиятида ва авариядан кейинроқ сўроқ қилинаётган ҳайдовчи ўзини қандай тутган;

7) ҳодиса юз берган жойга бевосита яқин турган транспорт воситалари ҳайдовчиларидан қайси бири унинг кўрсатмаларини тасдиқлаши мумкин; сўроқ қилинаётган шахс ҳайдовчилар ҳодисани кузатганлиги эҳтимол тутилган автомашиналарнинг рақам белгиларини эслаб қолганми;

8) сўроқ қилинаётган шахс ЙТҲда жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун қандай чоралар кўрган.

Ҳодисада қатнашган транспорт воситалари ҳайдовчиларини сўроқ қилиш учун юқоридаги саволлар доираси тугал эмас. Бу доира сўроқ қилинаётган шахснинг ҳодиса механизмидаги ролига, айб даражасига, авария оқибатларининг характери ва оғирлик даражасига ҳамда бошқа шу кабиларга қараб кенгайтирилиши ёки торайтирилиши мумкин. Масалан, одам урганликда гумон қилиш бўйича қидирув чора-тадбирларини ўтказиш вақтида ушланган ҳайдовчини сўроқ қилиш авария пайтида у қаерда бўлганлиги, у авария содир этилган жойдан бошқа жойда

бўлганлигини ким тасдиқлаши мумкинлигини, ҳодиса юз берган жойдан яширинишга уни нима мажбур этганлигини ва бошқа шу кабиларни аниқлашдан бошлаш керак.

ЙТҲда қатнашган ҳайдовчини сўроқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинар экан, у ишнинг қандай тугашидан манфаатдор эканлигини унутмаслик керак, негаки, ҳақиқат қарор топиши учун сидқидилдан ёрдам кўрсатиш истагидаги тажрибали ҳайдовчилар ҳам йўлда юзага келган вазиятни холис баҳолашга, белгиланган қоидаларни ким бузган-у, ким бундан жабр кўрганини фарқлашга қодир бўлмайдилар. Бироқ, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо беришдаги субъективлик ҳамиша ҳам жавобгарликдан қочиш ёки айбни бировга ағдариш мақсадини кўзламайди. Масаланинг бу жиҳати транспорт воситалари ҳайдовчиларини сўроқ қилиш тактикасини белгилаб бериши керак. Улар бераётган маълумотларнинг қай даражада тўғрилигига эса, тўпланган далил-исботларнинг жамламаси бўйича баҳо бериш мумкин.

Жабрланувчини сўроқ қилишнинг хос хусусиятлари. ЙТҲ бўйича пиёдалар, велосипедчилар, транспорт воситаларидаги йўловчилар жабрланувчи бўлишлари мумкин. Аварияда иштирок этган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бўлиб, бунинг натижасида зиён кўрган ва айбсизлиги аниқланган шахслар ҳам жабрланувчи сифатида эътироф этилади.

Транспорт уриб кетишидан жабрланганларни ва аварияда жабрланган пассажирларни сўроқ қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, жабрланганлар транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳаракатлари йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик мувофиқлиги хусусида фикр юритишга қийналадилар, айниқса, фикр юритиш махсус тайёргарлик талаб қилинса, иш янада мураккаблашади. Шу сабабдан воқеага тавсиф берар эканлар, жабрланувчилар кўпроқ объектив категорияларга эмас, балки ҳис-

ҳаяжонга амал қиладилар. Бошқа томондан, ҳодиса учун айбдор бўлган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари (уларнинг қариндошлари, танишлари) аксарият ҳолларда жавобгарликдан қочиш ёки айбни енгиллаштириш мақсадида жабрланувчиларга тазйиқ ўтказиб, етказилган зарар учун пул бериш таклифи билан уларни кўрсатма беришдан бош тортишга ёки ўзларига маълум бўлган далилларни яширишга кўндириш учун ҳаракат қиладилар. Бундай тазйиқ ўтказилиши эҳтимолини назарда тутиб, ЙТҲда жабр кўрганларни сўроқ қилиш биринчи вазифа деб ҳисобланади, сўроқ ўтказишга жабрланувчининг соғлиғи тўсқинлик қилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай пайтларда сўроқ фақатгина даволовчи шифокорнинг рухсати билан ўтказилади.

Пиёдаларни (велосипедчиларни) автомашина уриб кетганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчиларни сўроқ қилиш жараёнида қуйидагилар аниқланади:

1) жабрланувчи қай тарзда, қандай тезликда, қандай жадалликда ва йўналишда ҳаракат қилган;

2) жабрланувчи ўзига яқинлашиб келаётган транспорт воситасини кўрганми ва агар кўрган бўлса, у қайси томондан ва таҳминан қандай тезликда ҳаракат қилган;

3) жабрланувчи транспорт воситаси келиб урилганда қаерда турган;

4) келиб урилган транспорт воситасининг тури, русуми, модели, ранги қандай эди ва агар у воқеа содир бўлган жойдан яширинган бўлса, қайси йўналиш бўйлаб кетган.

ЙТҲга шоҳид бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликни тергов қилишнинг дастлабки босқичида ҳодисага шоҳид бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш алоҳида муҳим аҳамиятга молик. Бундай шахслар жумласига ҳодисада иштирок этмаган, бироқ, авария жойига бевосита яқин туриб, уни кузатиш

мумкин бўлган пиёдалар, йўловчилар, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари киради. Ҳаракат хавфсизлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича зиммасидаги вазифаларни бажараётган ЙҲХХ ходимлари ҳам ҳодиса шоҳидлари бўлиши мумкин. Шоҳидларни сўроқ қилиш вақтида олинадиган маълумотлар юз берган воқеага холис баҳо беришда доимо катта қимматга эга бўлади.

Ҳодиса шоҳиди бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида, биринчидан, ҳодиса содир этилганида уларнинг ўзи қандай шароитда бўлганлиги (ҳодиса юз берган жойга қандай келиб қолганлиги, аниқ турган жойи, ҳодисани қаердан туриб кузатганлиги ва шу кабилар), иккинчидан, ҳодиса механизми (йўлнинг мазкур қисмида транспорт воситалари қайси йўналишда ҳаракат қилганлиги; йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмида пиёдалар бўлган-бўлмаганлиги, агар бор бўлса, аниқ қаерда бўлганлиги; ҳодисада иштирок этган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари учун атрофни кўриш шароити қандай бўлганлиги, атроф манзарани кўриш учун уларга нима ҳалақит қилганлиги; автомашиналарнинг тўқнашиши, одам уриб кетиш йўлнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган қисмининг аниқ қайси жойида юз берганлиги; ҳайдовчи тўқнашиб кетиш ёки одам уришнинг олдини олиш учун чоралар кўрган-кўрмаганлиги, агар кўрган бўлса, бу ҳаракатлар нимада намоён бўлганлиги; одам уриб кетган транспорт воситаси светофорнинг қайси сигналига биноан чорраҳага кириб келганлиги ёки пиёда светофорнинг қайси сигналига биноан чорраҳани кесиб ўтганлиги ва бошқа шу кабилар) аниқланади.

Ҳодиса жойидаги яширинган ҳайдовчиларни қидириш учун ҳайдовчининг ташқи қиёфаси, у қочиб кетган транспорт воситасига тааллуқли маълумотлар (тури, русуми, модели, рақам белгиси ва бошқа фарқловчи белгилари) муҳим аҳамиятга эгадир. Юз берган ҳодисага холис

баҳо бериш нуқтаи назаридан олганда касбий кўникмага эга бўлган шоҳидлар: ҳодисада иштирок этмаган транспорт воситалари ҳайдовчиларининг, йўлнинг мазкур қисмида ҳаракат хавфсизлиги устидан назоратни амалга оширувчи ЙҲХХ ходимларининг фикрлари алоҳида эътиборга эга бўлади. Улар тўқнашиш, одам уриш ва бошқа шу кабилар содир бўлган пайтда йўлда юзага келган ҳолатда аниқ баҳо беришлари, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик оқибатида хавфли вазиятни юзага келтирган шахс ким эканлиги, бундай вазиятда авариянинг олдини олиш мумкин бўлган-бўлмаганлиги ва шу кабилар ҳақида асосли мулоҳазалар билдиришлари мумкин.

Яширинган ҳайдовчилар ва транспорт воситаларини қидириш

ЙТҲ юз берган жойдан яширинган ҳайдовчилар авария туфайли автомашинада пайдо бўлган носозликларга, путур етган жойларга имкон қадар тезроқ барҳам беришга, ундаги изларни йўқ қилишга уринадилар. Автомобиль яхшилаб ювилади, тўқнашиш, одам уриш ва бошқа шу кабилар натижасида шикаст етган деталлар янгиларига алмаштирилади, қийшайган кузов тўғриланади, умуман камчиликларга барҳам берилади. Жиноят изларининг йўқ қилиб юборилиши хавфи яширинган транспорт воситалари ҳайдовчиларини жадал қидириш юзасидан чора-тадбирлар кўришни тақозо этади. Ҳодисанинг шоҳидларидан, жабрланувчилардан олинган маълумотлар тезкор қидирув чора-тадбирлари ўтказиш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Ҳодиса юз берган жойдан топилган излар: автомобилнинг тури, русуми ҳақида фикр юритиш имконини берадиган ғилдирак қопламаларининг излари; ҳаракат йўналишини ва яширинган транспорт воситаларини қидириш йўналишларини белгиловчи излар

қидирилаётган транспорт воситаларига тааллуқли муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Ҳайдовчилар ва транспорт воситаларини қидириш ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда ташкил этилади. Бунда олинаётган маълумотларни айирбош қилиш ва бундан кейинги қидирув чора-тадбирларини биргаликда режалаштириш мақсадида тезкор қидирув ходимлари, ЙҲХХ ходимлари ва терговчи ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилиши керак. Ҳайдовчилар яширинган йўналишдаги ЙҲХХ постлари улар хизмат ўтаётган ҳудудда қоидабузар пайдо бўлиши эҳтимоли борлиги ва унинг белгилари ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Яна шуни унутмаслик муҳимки, қидирилаётган ҳайдовчилар автомобилдаги носозликка барҳам бериш, авария изларини йўқотиш мақсадида бирор жойда тўхташлари ҳам мумкин. Бундай тўхташлардан йўлдаги ёнилғи-мойлаш материалларидан пайдо бўлган доғлар, йўлнинг ёқаси ёки транспорт воситаси ҳаракатланадиган қисмидаги ҳайдовчининг оёқ излари, йўл ёқасидаги ғилдирак қопламаси излари ва бошқа шу кабилар дарак бериши мумкин. Транспорт воситаси тўхтаб ўтган жойда авария натижасида путур етган деталлар, фараларнинг синиқ парчалари, кузов бўёғининг заррачалари топилиши мумкин. Булар ҳам «иссиғида» жиноятчининг кетига тушган ходимларнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак, негаки, булар ҳодиса тўғрисида янги далилий маълумотлар берибгина қолмай, қидирув тўғри йўналишда олиб борилаётганлигини ҳам тасдиқлайди.

Тезкор ходимлар эга бўлган дастлабки ахборотларда қидирувни аниқ йўналишларда олиб бориш учун зарур бўлган ҳодиса жойидан қочган ҳайдовчилар ва транспорт воситаларига тааллуқли ишончли маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки мавжуд бўлса-ю, бир-бирини инкор этса, янги ахборот манбаларини қидириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Булар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- автотрассадан сиртида кўзга ташланадиган путур етган жойлари бор транспорт воситаси ўтганлигини кузатган шахслар;

- транспорт воситаларининг ҳайдовчилари носозликка барҳам беришда ёки носоз автомобилни ташишда ёрдам кўрсатиш илтимоси билан мурожаат қилган шахслар;

- автокорхоналарнинг сафардан қайтган транспорт воситаларида шикаст етган жойлари борлигини пайқаган ходимлари ва бошқа шу кабилар.

Айниқса, мазкур гувоҳларни қидириб топишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва йўл хизматининг кўп сонли ходимларидан юксак даражадаги уюшқоқликни, тажриба ва маҳоратни, режали иш маромини талаб қилади, кўп вақт ва куч сарфланишини тақозо этади. Шунинг учун бундай ишга оммавий ахборот воситаларини жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Баъзида яширинган ҳайдовчилар ўзлари қочиб кетган транспорт воситаларини ҳодиса юз берган жойдан анча олисга ташлаб кетадилар. Бунга авария туфайли автомашинанинг носоз ҳолатга келиши оқибатида ҳаракатни давом эттиришнинг иложи йўқлиги; ёнилғи тугаб, уни яна қуйишнинг имконидан маҳрумлик, яъни яқиндаги ЙҲХХ постида қўлга тушиб қолиш мумкинлиги ва бошқа шу каби ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин. Жиноятчилар ташлаб кетган транспорт воситалари топилганида ЙҲХХ органларидаги мавжуд қайд этиш материаллари бўйича дарҳол унинг эгасини аниқлаш лозим. Айни бир вақтнинг ўзида топилган транспорт воситасини кўздан кечириш орқали қидирилаётган ҳайдовчи тўғрисидаги ахборотга ҳам эга бўлиш мумкин. Бунинг учун эса, ҳайдовчининг қўли тегиши мумкин ва шарт бўлган рул бошқаруви агрегатларида, приборлар қутичаси ва автомашинанинг бошқа қисмларида қолдирилган қўл излари, ташлаб кетилган транспорт воситаси атрофидаги оёқ излари, сигарета қолдиқлари ва бошқа шу кабилар асқотади. Транс-

порт воситасининг салонида яхши сақланиб қоладиган ҳидлардан қидирув хизмати итлари ёрдамида яширинган ҳайдовчини топиш ва ушлаш, кейинчалик эса, тўғри қайд этилган ҳид изларидан гумон қилинувчини танлаш деб аталмиш ишларда фойдаланиш мумкин. Бундай иш натижалари далил-исботлар манбаи сифатида эътироф этилмаса-да, бироқ улардан таҳминлар қилиш ва ишни тергов қилишнинг бундан кейинги режаларини тузишда фойдаланиш мумкин.

4-§. Йўл-транспорт ҳодисалари терговининг давоми

Терговнинг давоми ЙТҲнинг сабаблари тўғрисидаги дастлабки хулосани ойдинлаштириш, текширилаётган воқеанинг ҳали номаълум бўлган ҳолатларини, ҳодиса ҳар бир иштирокчисининг роли ва айб даражасини аниқлаш, терговнинг дастлабки босқичида олинган маълумотларни текшириш мақсадини кўзлайди. Бунинг учун *экспертизалар, тергов экспериментлари, сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилади.*

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликка доир ишларни тергов қилишда кўпинча экспертизалар ўтказиш талаб қилиниб, улар орасида энг кўп *тарқалганлари автотехника, криминалистик, суд-тиббиёт ва суд-кимё* экспертизаларидир. Ҳозирги кунда ҳодиса юз берган пайтда ҳайдовчиларнинг психофизиологик ҳолати қандай бўлганлигини аниқлаш учун *суд-психологик* экспертиза тез-тез тайинланадиган бўлиб қолди. Психофизиологик ҳолатнинг нормадан четга чиқишига сабаб йўлда хавфли вазият юзага келиши бўлган деб таҳмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, тилга олинган шаклдаги экспертиза ўтказиш зарурати пайдо бўлади.

Автотехника экспертиза текшируви кўриб чиқилаётган тоифадаги ишларнинг деярли барчаси бўйича ўтказилади, негаки бундай экспертиза

техника нуқтаи назаридан қараганда, кўпинча ЙТҲ механизмидаги сабабий боғланишларни аниқлаш ва уларга баҳо беришнинг ягона усули бўлиб қолади. Бу каби техник жиҳатдан баҳо бериш усули йўқ бўлса, ҳодиса иштирокчиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишларни аниқлаб бўлмай қолади, бошқача айтганда, текширилаётган воқеага юридик жиҳатдан баҳо беришнинг ҳам имкони қолмайди. Автотехника экспертизаси ушбу тоифадаги ишлар терговини амалга ошираётган терговчи олдида кўндаланг бўладиган асосий саволлардан бирига жавоб беради, яъни, транспорт воситасининг ҳайдовчиси юзага келган вазиятда ҳодисанинг олдини олиш учун техник имкониятга эга бўлган-бўлмаганлиги масаласини ҳал қилиб беради.

Автотехника экспертизаси ҳал этадиган масалаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. *Автомашинанинг (мотоцикл ва шу кабиларнинг) техник ҳолати.* Бундай пайтда транспорт воситасининг техник ҳолатини ўрганиш вазифаси фақатгина у ёки бу носозликни аниқлаш эмас, балки бу носозлик юзага келишининг сабабини очиб беришдан ҳам иборатдир. Автотехника экспертизаси автомашинанинг аниқ узели ёки агрегати авария оқибатида ишдан чиққанми ёки автомашинадаги носозлик таъмирнинг, техник хизмат кўрсатишнинг қониқарсизлиги, заводда йўл қўйилган нуқсон, ҳайдовчи томонидан бошқарувнинг нотўғри усуллари қўлланилиши ёки бошқа сабаблар натижасими деган саволга жавоб бериши керак.

2. *Ҳодисанинг айрим деталларига қараб, унинг механизмини аниқлаш.* Ушбу масалаларни ҳал этиш давомида транспорт воситалари ҳаракатининг тезлиги, йўналиши, траекторияси, тўқнашилган жой, излар ҳосил бўлиш (путур етиш) механизми ва авариянинг бошқа ҳолатлари, уларнинг динамикаси аниқланади.

3. *Ҳодисада иштирок этган транспорт воситалари ҳайдовчиларининг хатти-ҳаракатлари.* Ушбу хатти-ҳаракатларга экспертиза ҳайдовчи йўлда юзага келган вазиятда транспорт воситасини ҳайдаш ва бошқариш усулларидан қай даражада тўғри ёки нотўғри фойдаланганига баҳо беради. Экспертиза ҳайдовчи фойдаланган ҳайдаш усуллари техника хавфсизлиги талабларига қай даражада мос келиши, ушбу вазиятда авариянинг олдини олиш учун қандай усуллар кўпроқ самара бериши мумкинлиги ва бошқа шу каби масалалар ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини билдириши керак.

Автотехника-экспертизаси ҳайдовчининг хатти-ҳаракатларига баҳо беришда ушбу ҳаракат тезлигига, йўналишига, автомобилнинг турғунлигига, тормоз йўлининг узун-қисқалиги ва бошқа шу кабиларга қандай таъсир кўрсатганлигини ҳам аниқлайди.

Уқтириб ўтилган масалаларни ҳал этиш учун экспертизага тергов пайтида олинган зарур материаллар: ашёвий далиллар, кўздан кечириш, тергов эксперименти баённомалари, ҳодисада бевосита иштирок этган транспорт воситалари ёки уларнинг агрегатлари; ҳодиса юз берган жойнинг чизгилари ва фотосуратлари; шоҳидларни сўроқ қилиш вақтида олинган маълумотлар ва бошқа зурур нарсалар тақдим этилади.

ЙТҲ механизмидаги сабабий боғланишларни аниқлашга ёрдам берадиган техник экспертиза тадқиқотлари орасида тергов қилинаётган воқеа юз берган *йўл қисми техник ҳолатининг экспертизаси* муҳим ўрин тутади. Бундай текширув давомида йўлнинг ушбу қисми белгиланган техника талабларига (қопламанинг сифати, ёритилганлик даражаси, кенглиги, тўсиқлар бор-йўқлиги ва бошқа шу кабилар) жавоб бериш-бермаслиги аниқланади. Йўл ҳолатининг қониқарсизлиги ЙТҲга сабаб бўлган ҳолларда юқоридаги каби тадқиқот ўтказиш тақозо этилади.

Криминалистик экспертизалар орасидан кўпроқ ғилдирак

қопламаларининг излари (транспорт воситасини идентификациялаш мақсадида), ойнанинг синиқ бўлакчалари, авария натижасида узилиб тушган ёки путур етган деталлар ва узеллар (бўлакланишнинг умумий чизиғи маълум бўлса, бўлакчалардан яхлит қисм ясаш), автомашинанинг турли қисмларида жабрланувчининг кийим-кечакларидан қолган излар (идентификациялаш мақсадида) бўйича трасология тадқиқотлари ўтказилади.

Ҳодиса юз берган жойдан яширинган ҳайдовчиларни фош қилиш мақсадида *идентификациявий дактилоскопик экспертизалар* тайинланиши мумкин. Бундай экспертизалар учун ҳодисада иштирок этган транспорт воситасининг салонида, узеллари ва агрегатларида топилган хўл бармоқ излари объект сифатида хизмат қилади. Тергов вақтида бошқа криминалистик экспертизалар, хусусан, ҳайдовчилик гувоҳномасида, юк ташишга доир ҳужжатларда, транспорт воситаларининг паспортлари ва бошқа ҳужжатларда қалбакилик белгилари бор-йўқлигини билиш учун ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси тайинлаш зарурати туғилиши мумкин.

Материаллар ва моддаларнинг криминалистик экспертизаси ушбу тоифадаги ишлар бўйича ўтказиладиган криминалистик экспертизалар тадқиқотининг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Экспертиза объектлари: ёнилғи-мойлаш материаллари, сирлаш учун ишлатилган лак-бўёқ ва бошқалар. Бу ўринда уларнинг қайси гуруҳга мансублиги ёки пайдо бўлиш манбаига доир масала ҳал этилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликка доир ишлар тергов қилинаётганида жабрланувчилар, белгиланган қоидаларни бузган ҳайдовчилар, биологик манба ҳосилаларининг излари: қон, соч толалари, мия моддаси ва бошқа шу кабилар суд-тиббиёт экспертизаси объектлари бўлиши мумкин. Суд-тиббиёт экспертизаси ўлим сабаблари, тан жароҳатининг оғирлик даражаси ва ҳодиса юз берган жойда

топилган биологик объектларнинг қайси гуруҳга мансублигига доир масалаларни ҳал этади. Суд-тиббиёт экспертига ҳодисада иштирок этган транспорт воситалари ҳайдовчиларининг соғлиғи, қай пайтда носоғлом ҳолат ЙТҲга сабаб бўлганлигига доир саволлар берилиши мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганликни тергов қилиш вақтида бошқа турдаги экспертизалар: материалшунослик (металл деталларнинг бузилиши сабабларини аниқлаш учун); дефектоскопик (транспорт воситасининг турли конструкцияларида, деталларида ва бошқаларда яширин, ички нуқсонларни аниқлаш учун); товаршунослик (авария туфайли етказилган зиён миқдорини белгилаш учун) экспертизалари ва бир қатор бошқа экспертизалар ўтказиш эҳтиёжи пайдо бўлиши мумкин.

Тергов эксперименти – ***анча кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, асосан гумон қилинаётганлар, айбдорлар, жабрланувчилар, ҳодиса гувоҳлари ёки шоҳидларининг кўрсатмаларини текшириш мақсадида ўтказилади. Бу шахслар терговчига воқеага субъектив баҳо берган ҳолда далилларни маълум қиладилар. Ушбу далилларни объектив тасдиқлаш учун сўроқ вақтида маълум қилинган воқеа юз бериши ва ҳодиса иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари манзаралари тикланади. Излар ҳосил бўлиши механизмини аниқлаштириш, турли йўл шароитларида автомобилнинг эксплуатация сифатларини текшириш учун тергов экспериментлари камроқ ўтказилади.***

Энг кўп тарқалган тергов экспериментлари қуйидаги мақсадларда, чунончи:

1) транспорт воситаларининг, пиёдаларнинг ҳаракат тезлиги тўғрисида, ҳодиса юз берган пайтда улар орасидаги ва бошқа объектлар орасидаги масофа тўғрисида воқеани четда туриб кузатган гувоҳлар айтиб берган маълумотларни текшириш ва тасдиқлаш;

2) транспорт воситаси ёки пиёда аниқ масофани босиб ўтиши учун зарур бўлган вақтни аниқлаш;

3) транспорт воситасида муайян вақт ичида, йўлдаги муайян шароитларда транспорт воситасини бошқаришнинг тегишли усулларидан фойдаланган ҳолда босиб ўтиш мумкин бўлган оралиқ масофани топиш;

4) автомобиль йўлнинг транспорт воситаси ҳаракатланадиган қисмида турган бир пайтда аниқ жойдан туриб ҳодисани кузатиш, ҳайдовчи кабинасидан қандайдир тўсиқлар ёки йўл белгиларини кўриш ёҳуд куннинг муайян вақтида, муайян об-ҳаво шароитларида, кўчанинг керакли даражада ёритилганлиги ва бошқа шу каби шароитларда кўриш чегарасини белгилаш имкониятини текшириш учун ўтказилади.

Юқорида келтирилганлар тергов эксперименти воситасида ҳал этиладиган масалаларнинг тугал рўйхати эмас, албатта. Бироқ, бу муаммоларнинг исталган бирини ҳал этиш учун муайян тергов ҳаракатларини ўтказиш шароитлари эксперимент орқали текширилаётган воқеа содир бўлган шароитларга имкон қадар мос тушиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса, айни ўша аварияга учраган транспорт воситасидан (бунинг иложи бўлмаса, ўша русум, модель, ранг, техник тавсифи ва шу кабилари ўхшаш автомобилдан), бўй-басти, жинси, ёши ўхшаш пиёдадан, худди ўша жойдан, ўхшаш об-ҳаво шароити ва ёритилганлик даражасидан фойдаланиш керак.

Айбланувчини сўроқ қилишга айб эълон қилиш учун етарли даражада далил-исботлар тўпланган ва айб эълон қилинганидан кейин киришилади. Айбланувчини сўроқ қилишнинг моҳияти ундан тегишли тушунтириш ва маълумотлар олишдир. Бундай тушунтиришлар кўпинча янги тергов экспериментлари, сўроқлар, экспертизалар, бошқа тергов ҳаракатлари ёки тезкор қидирув чора-тадбирлари орқали қўшимча текширувлар ўтказишни тақозо этади. Агар, айбланувчи текширилаётган воқеага янги ту-

шунтиришлар берса ва уларни мантиқан асослай олса, юқоридаги каби текширувни ўтказиш зарур.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини жиноий тарзда бузганлик тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчиларни сўроқ қилишнинг хос хусусиятлари сўроқ вақтида аниқлаштирилаётган масалалар кўпинча махсус, техник йўналишларга эга эканлигида намоён бўлади. Масалан, суҳбат сўроқ қилинаётган шахс бошқарган транспорт воситасининг эксплуатация хусусиятлари; автомашинани ҳайдаганида унинг узеллари ва агрегатларида сезган ўзгаришлар; ҳаракат хавфсизлиги қоидалари ва шу кабилар ҳақида бўлиши мумкин. Шунинг учун мазкур тергов ҳаракатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан терговчининг автомобиль соҳасини, автотранспортни бошқаришни қай даражада мукаммал билишига, сўроққа қай даражада пухта тайёргарлик кўрганлигига боғлиқ. Шу мақсадда кўпинча олдиндан махсус адабиётлар билан танишиш ёки автотехника мутахассисидан маслаҳат олиш ҳам талаб қилинади.

34-боб. ЭКОЛОГИЯ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Экология соҳасидаги жиноятларнинг оқибатлари

Ҳозирги шароитда экологик муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Тупроқ, ер ости бойликлари, ҳаво, сув муҳити, ўсимлик ва ҳайвонот оламига жуда катта зарар етказиб келаётган экологик жиноятларга қарши самарали курашиш муҳим аҳамиятга эга.

Экологик жиноятлар терговининг самарадорлиги, энг аввало, терговчининг мазкур корхона ва тозалаш иншооти ишлашини ташкил этишнинг ўзига хос томонларини билишига боғлиқ.

Бу жиноятларнинг барчаси тергов услуби нуқтаи назаридан бир хил кўринишга эга ва ўз криминалистик белгиларига кўра, яъни содир эти-

лиш тарзи, механизми ва шарт-шароити, содир этган шахс ва келтирган зарар характери жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшашдир. Мазкур тоифадаги ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни тергов қилиш ва очиш экологик жиноятлар қолдирган типик моддий изларда криминалистик аломатлар бутунлай аниқ намоён бўлиши ва уйғунлигига боғлиқ. Масалан, табиий муҳитнинг ифлосланиши турли кимёвий воситалардан фойдаланиш, энергетик иссиқлик, шовқин, тебраниш, радиация тарзида ҳаддан зиёд тарқалиши атроф-муҳит таркибий қисмини биологик ва физик тузилмалар ва сифат жиҳатдан жиддий оғишларга олиб келади.

Тупроқ ва ер ости бойликлари, дарё, кўллар, сув омборлари, каналлар, сув ҳавзалари, сизот сувлари, музликлар ва ҳоказолар асосан саноат, транспорт, коммунал хўжаликлар ва бошқа корхоналардан чиққан тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқовалардан ифлосланади. Ҳаво бўшлиғи эса асосан қора ва рангли металлургия корхоналари, кимёвий, энергетик, нефтни қайта ишлаш саноати томонидан норматив ҳужжатларда белгиланган ва рухсат этилган концентрация (РЭК)дан юқори миқдорда чиқариладиган углевод оксиди, олтингугурт, қўрғошин, азот оксидлари, симоб, водород сульфиди ва бошқа жонли мавжудот учун хавфли бўлган моддалардан ифлосланади.

Экологик зарар келтирадиган қилмишларни аниқлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак: 1) мазкур ҳудудда мавжуд чиқинди чиқарадиган табиатни ифлослайдиган манбалар ишлаб чиқариш корхоналари қанча эканлиги; 2) чиқиндининг РЭКдан юқорилиги, уларнинг миқдори, ифлосланишнинг давомийлиги, вужудга келган экологик хавфлилик даражаси; 3) тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқовалар, ташландиқ ва чиқиндиларни сув ҳавзалари ва атмосферага чиқариш сабаблари; 4) атмосфера ва сув муҳитини ифлослашда айбдорлар, айниқса

нотўғри кўрсатмаси туфайли ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган шахслар; 5) жиноий оқибатларга олиб келган хатти-ҳаракатлар, уларнинг юз берган ва давом этган вақти, зарарли оқибатларни бартараф этиш имкониятлари ва бошқаларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бир қатор ҳолатларда давлат органларининг санитария назорати ва бошқа инспекция ходимларининг талаблари, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини бажармаслик, тозалаш иншоотларини қуриш ёҳуд таъмирлашдан бош тортиш натижасида ҳаво ва сувлар ифлосланмоқда. Бунда кўрсатмаларни бажармаслик сабаблари ва важларини белгилаш, корхона раҳбари ёҳуд бевосита ижрочилар айбини аниқлаб олиш зарур. Тергов ишлари мукаммаллигини таъминлаш учун жиноят содир этишга олиб келган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи вазият бўйича айбланувчиларни шарт-шароитларини аниқлаш лозим. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, технологик режим талабларига риоя қилиш тозалаш иншоотлари, чанг ва турли газларни тутиб қоладиган қурилмаларни ўрганишда муҳим ўрин тутади.

2-§. Жиноят ишини қўзғатиш

Экологик жиноят тўғрисида иш сув-техника назорати, балиқчилик назорати, санитария-эпидемология станцияси органлари, корхона маъмурияти, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, алоҳида фуқаролар ахборотларига асосланиб қўзғатилади.

Экологик жиноят бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан аниқланиши ҳам мумкин. Дастлабки текширишда жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш, сув ҳавзалари, тупроқ ёҳуд ҳаво қанчалик ифлосланаётганлиги, бу ифлосланишнинг характери ва ҳажми, уларнинг одамлар соғлигига, ҳайвонот дунёсига, қишлоқ

хўжалиги, балиқчилик хўжаликлари ёки бошқа ишлаб чиқаришларга келтирадиган зарарини белгилаб олиш керак. Мавжуд жиноят белгиларини текшириш учун қўшимча материаллар талаб қилиш ва тушунтириш хатлари олиш мумкин. Жумладан, жиноят иши қўзғатишга оид хулоса чиқаришга қуйидаги таҳлиллар асос бўлиши мумкин:

1) сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари, балиқ заҳираларини муҳофаза қилиш ёки табиат муҳофазасига оид бошқа норматив қоидалар бузилганлиги тўғрисида ҳужжатлар;

2) одамлар томонидан тупроқ, сув ресурслари, балиқ заҳиралари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарар ёҳуд атмосфера ҳавоси ифлослангани тўғрисида ҳужжат;

3) оқова сув, тупроқ, ҳаводан олинган намуна таҳлилига оид ҳужжат;

4) шоҳидларнинг хабари ёки тушунтириш хати, шунингдек ўз хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан экологик зарарли оқибатларга олиб келган шахснинг кўрсатувлари.

Тўпланган ахборот ва маълумотларни текшириш мақсадида жиноят иши қўзғатганга қадар ҳодиса рўй берган жойларни кўздан кечириш лозим.

Терговнинг дастлабки босқичида ифлосланиш механизми ва манбаига нисбатан турли фаразлар олға сурилади. Бунда объектни ифлослаётган чиқиндилар, моддалар ва ташландиқларнинг тури, табиатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиш сабаблари, уларга риоя қилмаган мансабдор ва бошқа шахслар иштироки ўрганилади.

Фаразни олға суриш жиноят иши қўзғатиш вақтида вужудга келган вазиятга боғлиқ. Қоидага кўра вазиятнинг учта тури мавжуд:

а) сув манбалари, тупроқ ва атмосфера ҳавоси ифлосланганлик факти маълум;

б) содир этилган қоидабузарликлар одамлар саломатлиги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, балиқ заҳираларига зарар келтиргани очиқ-ойдин кўриниб турибди;

в) илгари йўл қўйилган экологик жиноят белгиларини кўрсатувчи материаллар мавжуд.

Шунга мувофиқ терговчи олдида турган вазифаларидан келиб чиқиб иш бўйича тергов йўналиши, бу ҳаракатларнинг биринчи навбатдаги тадбирлари белгилаб олинади. Энг аввало, жиноий хатти-ҳаракатнинг келиб чиқиш сабаблари ва экологик объектлар ифлосланишининг интенсивлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидагиларни бажариш зарур:

- воқеа содир бўлган жой ва тозалаш иншоотларини кўздан кечириш;
- атроф муҳитни ифлосланишига олиб келган ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш;
- ифлослаётган манбаларни бартараф этиш чорасини кўриш;
- экологик қоидани бузганликда айбли шахс, жабр кўрганлар, гувоҳларни сўроқ қилиш;
- ифлосланишнинг технологик жараёнини кўрсатадиган ҳужжатларни олиб қўйиш, ички бошқарув назоратининг ҳолати, экологик назоратни амалга оширадиган инспекция ва органларнинг маълумотлари;
- ифлосланганлик даражасини таҳлил этиш учун тупроқ, сув ва ҳаводан намуналар олиш;
- тиббий, биологик, кимёвий, ихтиологик ва бошқа экспертизаларни белгилаш.

Бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида ахборот олиш учун тергов ҳаракатларини тезкор-қидирув тадбирлари билан қўшиб олиб бориш тавсия этилади.

Милиция ходимларига топшириқ бериб, унда тозаланмаган ва зарар-

сизлантирилмаган оқова сувни ташлаганларни кўрган гувоҳларни билиб олиш, атрофдаги жойларни текшириб чиқиш йўли билан моддий далилларни аниқлаш, ҳаракатдаги воситалар (автомашина, кема ва ҳоказо)ни тўхтатиш, жойларни айланиб чиқиш ва изидан кузатиб бориш йўли билан ифлосланган жойдан яширинганларни аниқлаш керак.

3-§. Жиноят моҳиятини исботлаш

Атроф муҳит ифлосланганлик факти ва даражасини исботлаш учун то ифлосланганга қадар тупроқ, сув объекти ва атмосфера ҳавосининг ҳолати (кимёвий таркиби, баъзи моддалар бўйича РЭМ, маҳаллий табиий шароитлар), рўй берган ҳодисалар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва ифлослашни тўхтатиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ахборотга эга бўлиш керак. Шунингдек, юқорида тилга олинган объектларни ифлосланишига йўл очадиган вазиятни (тозалаш қурилмалари носоз, ишлаб чиқаришнинг технологик талабларига риоя қилмаслик, чиқинди ва ташландиқларни зарарсизлантириш ва тозалаш жараёнининг бузилиши, саноат, коммунал-маиший хўжаликлардан чиқадиган оқовалар тозаланишни таъминловчи қурилмалар бир меъёрда ишламаслиги, назоратининг сусайиб кетганлиги) аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Терговнинг охиригача кутиб ўтирмай терговчи жиноятни келиб чиқишига йўл очган аниқ сабаб ва шароитларни белгилаши, уни бартараф этиш имкониятларини ўрганиши ва олдини олиш тўғрисида тегишли органларга тақдимот киритиши шарт.

Экологик жамиятларни тергов қилишда ҳақиқий ҳолатни тез, тўла ва самарали аниқлаб олиш керак. Тергов ҳаракатларига таъсир кўрсатадиган бир қатор ўзига хос тактик йўналишлар мавжуд.

Воқеа рўй берган жойни кўздан кечириш жараёнида ифлосланган

сув ҳавзаси, ер участкаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига дуч келиш мумкин. Бунда ифлосланиш характери, унинг бошланиши, ривожланиши ва жадаллашиш даражаси аниқланади. Сув ва ер нефть маҳсулотлари билан ифлосланганда юзада юпқа қатлам ҳосил бўлади, у ички қатламга ўтиши, тупроқ шимиб олган бўлиши мумкин. Натижада ифлосланган ер ва сувнинг физик хоссаси ўзгаради (ялтирайди, ҳид чиқаради, ранги ўзгаради). Атмосфера ҳавоси ифлосланганда зарарли чанг-тузон ва турли газларни шамол йўналиши бўйича ўз манбаларидан узоқларга олиб кетади. Ифлосланган ҳаво турли даражада флора ва фауналарга ҳам таъсир кўрсатади.

Ифлосланган жойда ўзига хос томонларни исботлаш учун текшириш ишларига турли мутахассислар – тегишли ишлаб чиқариш тармоқлари, санитария-эпидемиология, сув муҳофазаси, балиқ муҳофазаси ва бошқалар билан шуғулланадиган ходимларни жалб этиш керак. Бундан мақсад илмий методлар ва махсус асбоблар, қурилмалар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб, олинган ахборот ва намуналар тўла-тўкис аниқлиги таъминланади.

Ифлосланган жойни кўздан кечирганда кўп ҳолларда марказдан бошлаб кейин четга чиқилади., яъни ифлослаш манбаидан тозалаш иншоотига, сув тўпланадиган жойга, сўнгра чиқиндилар тўкиладиган ва кўмиладиган яқин ҳудудга ўтиш, хуллас спирал бўйича ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, фақат ифлосланаётган манбанигина эмас, балки чиқиндилар, ташландиқлар, ўлган балиқ ва бошқа ҳайвонлар тўпланиб қолган участкаларни ҳам ўрганиш имконияти яратилади. Бу участкалардаги сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳаводан намуналар олинади. Видеога олиш, суратга тушириш, шунингдек ифлосланиш манбаи, унинг қолдиқлари, излари ва намуна олинган участкаларнинг чизмаси кўздан кечириш баённомасига илова қилинади.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Улар сув ҳавзала-

ри, тупроқ ва ҳавони зарарлаётган далиллар, шунингдек фауналарнинг қирилиб кетиши, ўрмон ва бошқа ўсимликларнинг йўқолиши тўғрисида маълумотлар беради.

Экологик ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги энг қимматли маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) саноат объектлари қурилиши, қайта қуриш ва таъмирлаш лойиҳаси, тозалаш, фильтрлаш ва сув тўплаш иншоотларини қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

2) саноат, коммунал хўжалиги ва бошқа объектлардан чиқадиган чиқиндилар ҳисобини юритиш, уларнинг сони, кимёвий таркиби ва концентрациясига оид ҳужжат;

3) саноат объектлари, канализация ва тозалаш иншоотларини кўриш, таъминлаш ва фойдаланиш тартибига оид инструкция ва бошқа норматив ҳужжатлар;

4) ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиш тўғрисида ҳужжатлар;

5) чиқиндиларни текшириш ва лаборатория текширувига оид ҳужжатлар;

6) санитария-эпидемиология станцияси, давлат ўт ўчириш назорати, давлат балиқчилик назорати ва бошқа инспекцияларнинг сув ҳавзалари, тупроқ, ҳавони ифлослантириш фактларига оид ҳужжатлари ва кўрсатмалари.

Ҳужжатлар билан танишув орқали, баъзи мансабдор шахслар ваколати, ҳужжатларнинг талабларига риоя этиш даражаси тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бу ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни ифодалайдиган ва жиноят ишига тиркаб қўядиган асосий ҳужжатлар даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Ҳужжатларни уларнинг тўла-тўкислиги ва мантиқийлиги нуқтаи назаридан ҳам, тузатиш ва қўшимча киритиш имкониятларини техник-

криминалистик воситаларни жорий этиш орқали аниқлаш билан ҳам чуқур ўрганиш зарур.

Ҳужжатлар билан танишиб чиқиш натижасида аниқланган фактлардан сўроқ қилишда, экспертиза тайинлашда ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Терговчи воқеа содир бўлган жойга оид ҳужжатларни ўрганиш жараёнида суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, зарур ҳужжатларни тайёрлаб қўйиши керак. Шунингдек, сув ҳавзалари, тупроқ ва атмосфера ҳавосининг ифлосланганлигига қадар ва ундан кейинги ҳолатини кўрсатадиган ашёвий далиллар ва олинган намуналарга эга бўлиши зарур. Экспертиза ифлосланган макон, унинг вақти, давомийлиги, жадаллашуви ва келиб чиқиш сабаблари, тозалаш иншоотидаги камчиликлар, атроф муҳитни муҳофаза қилишда йўл қўйилган хатоларни белгилашга ёрдам беради.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича қуйидаги экспертиза турлари ўтказилади:

- суд-тиббиёт экспертизаси – одамлар вафот этган ёки заҳарланганлиги сабабларини белгилаш, чиқинди ва ташландиқлар (қурум, кўл, чанг, газ, турли суюқликлар ва моддаларнинг) одам соғлиғига хавфлилик даражаси, уларнинг таъсир кўрсатиш механизми, оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриш ва ҳоказолар учун;

- суд-ветеринария экспертизаси – ҳайвонларнинг ўлиш ва касалланиш сабабларини, сув, тупроқ ва ҳаво ифлосланишининг ҳайвонлар ҳаётига таъсирини аниқлаш учун;

- ихтиологик экспертиза – балиқларнинг ўлиш сабаблари, унга сабаб бўлган моддаларни аниқлаш учун;

- кимёвий экспертиза – сув ҳавзалари, тупроқ ва атмосфера ҳавосини ифлословчи моддалар таркиби, концентрацияси, манбаларини

аниқлаш учун;

- технологик экспертиза – сув ҳавзалари, тупроқ ва ҳавони ифлословчи технологик жараёнда йўл қўйилган қоидабузарликни, саноат оқоваларини тозалаш, суюқлик ва газ чиқиндиларини зарарсизлантириш қоидаларига риоя қилмаслик сабабларини аниқлаш учун;

- техник экспертиза – тозалаш иншоотлари, чанг ва газларни тутиб қоладиган қурилмаларни ишдан чиқиши, тузатилмаслиги сабаблари, уларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш учун.

Баъзан бошқа турдаги экспертизаларни (гидротехник, иқтисодий, бухгалтерияга оид), шунингдек комплекс экспертиза (тиббий-биологик, техник-санитария, кимёвий-ветеринария ва бошқа)ларни белгилаш зарур бўлади.

Экологик жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гувоҳларнинг кўрсатмалари муҳим далиллар манбаи ҳисобланади. Амалда мазкур иш бўйича гувоҳ сифатида бир неча гуруҳдаги гувоҳлар бўлиши мумкин:

1) ифлосланиш фактлари ва зарарли оқибатларга оид маълумотларни берадиган гувоҳлар. Улар орасида турли инспекциялар ва назорат органлари мансабдорлари ва оддий фуқаролар бўлиши мумкин;

2) тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган саноат, коммунал ва бошқа чиқиндиларни сув ҳавзалари ва ҳавога чиқарилганлигини бевосита кузатган гувоҳлар; ифлослантираётган манбаларни биладиган шахслар. Улар асосан, тозалаш иншоотларида ишловчи ходимлар бўлиб, ўзларининг камчиликларини яшириш ва саноат объекти раҳбари билан муносабатни бузмаслик учун ифлосланиш вазиятларини сир тутишга ҳаракат қилади;

3) тозалаш иншоотларидан нотўғри фойдаланиш сабаблари ва баъзи шахсларнинг нотўғри берган кўрсатмаси туфайли сув ҳавзаси, тупроқ ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳақида хабардор бўлган шахслар.

Сўроқ қилиш йўли билан ифлосланишгача бўлган вазият, тозалаш иншоотларининг аввалги ҳолати, технология қоидасига масъул шахснинг фаолияти ва кўрсатмалари, илгари қандай ифлосланиш фактлари кузатилгани каби масалалар аниқлаб олинади. Кўп ҳолларда оқова сувлар, зарарли моддалар, газларни ташлаш, ифлосланиш оқибатларига барҳам бериш ва экологик жиноятни содир этишга олиб келадиган вазиятни бартараф этишга йўналтирилган бошқа тадбирлар юзасидан гувоҳлар муҳим кўрсатувлар бериши мумкин.

Гумон қилинган ва айбланаётганларни сўроқ қилиш самарадорлигини таъминлаш учун, қоидага кўра, содир этилган жиноят иши юзасидан ишончли далиллар йиғилган бўлиши керак. Уларни сўроқ қилиш тактикаси сўроқ қилинувчини ўз айбини инкор этиши бемаъни эканлигига ишонтирадиган маълумотларнинг мантиқий таҳлилига асосланган бўлиши керак. Бундай тоифадаги ишлар бўйича айбланувчилар ўз айбини бошқаларга, айниқса, бўйсунувчиларга тўнкашга мойил бўладилар, тажрибалари етишмаганликлари, норматив ҳужжатлар талабларини бузиш хавфлилигини билмаганликларини рўкач қиладилар. Баъзан улар ўз айбларини тан олиб уни юмшатишга ҳаракат қиладилар, зарарли оқибатларни инкор этадилар ёки унчалик эмас деб ҳисоблайдилар, баъзан ишлаб чиқариш манфаати учун шундай қилганликлари, юқори лавозим шахс кўрсатмалари мавжудлигини пеш қиладилар.

Экологик жиноят тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчи шахслар махсус билимга, профессионал тажрибага эга эканлигини эътиборга олиб, терговчи сўроққа жиддий тайёргарлик кўриши ва норматив материалларни ўрганиши, корхона ва унинг тозалаш иншоотлари фаолиятининг ўзига хос томонлари, жиноят иши материалларини билиб олиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиши зарур.

Терговчи айбланувчини сўроқ қилаётганда унинг шахси, профессио-

нал стажи, зарарли чиқиндиларни қаерга ва қанча ташлашга оид кўрсатма беришда нималарга асосланганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлиши керак. Мазкур иш бўйича айбланувчи кўрсатмасини экспертиза хулосаси ва бошқа маълумотлар билан таққослаб кўриш керак.

Айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида ва бошқа тергов ҳаракатларини мазкур жиноий қилмишни содир этиш сабаблари ва шароитларини белгилашга алоҳида аҳамият бериш керак: бу ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва фаолият кўрсатишидаги нуқсонлар, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишда баъзи мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги, тозалаш иншоотлари иши бўйича назоратнинг йўқлиги, техник воситалар ва транспорт билан ёмон таъминланганлиги, баъзи бир ишлаб чиқариш жараёнларида ҳисоб ишларини юритиш, чиқиндилар сақлаш ва уларни ҳисобга олиб бориш ва бошқалар талабга жавоб бермайди. Терговчи мутахассислар ёрдамида худди шундай жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

35-боб. КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Контрабанданинг криминалистик тавсифи

Сўнгги йиллар Ўзбекистон ҳудудига хом-ашё, саноат моллари, бадиий ва бебаҳо қадриятлар, савдодан чиқарилган товарларни контрабанда йўли билан олиб кириш ва олиб чиқиш кенг авж олганлиги билан ажралиб туради. Бунга:

- МДҲ республикалари билан мавжуд очиқ чегаралар;
- **Ўзбекистон иқтисодий тизимининг ўзгариши ва Божхона назоратининг фаолияти етарлича такомил эмаслиги;**
- суверен ҳудудлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатларини йўлга солувчи ҳуқуқий-шартнома базасининг камчиликлари кенг йўл очиб беради.

Ҳозирги шароитда контрабанда жуда кенг кўламга ёйилган бўлиб, у уюшган жиноятчилик томонидан корхона раҳбарлари, божхона ходимлари, маҳаллий маъмурият вакиллари ва ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўз фаолиятига жалб этиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Ҳозирда гиёҳванд моддаларнинг янги турлари (кокаин, ЛСД), қурол-яроғ, қалбаки пул ва халқ истеъмоли моллари контрабандаси амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқа МДҲ мамлакатларига транзит учун ҳужжат расмийлаштириш орқали контрабанда олиб кирилиши кенг тус олган. Бунинг натижасида ҳар йил давлатга ўнлаб миллиарддан зиёд зарар

етказилмоқда. Контрабанданинг бу усули жуда оддий: товар транзит сифатида ҳужжат расмийлаштириш орқали олиб кирилади ва сохта фирмалар орқали сотилади. Баъзан чегарадаги манфаатдор божхона ходимлари эса пора эвазига юк чегарани кесиб ўтишига кўмаклашадилар.

Контрабанданинг худди шундай усуллари маҳсулот ва хом-ашёни Ўзбекистондан олиб чиқишда ҳам ишлатилади. Кўпинча озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари билан тўлдирилган автомашиналар расмийлаштирилмай, ташқарига олиб кетилади.

Кейинги йилларда рангли металларни контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш кенг тус олмоқда. Бу усул ҳам сохта ҳужжатлар ёки пора бериш орқали юкни транспорт воситаларида кўринишини ўзгартириш йўллари билан амалга оширилади.

Контрабанданинг «анъанавий» усули ҳам катта ҳажмда сақланиб қолган, яъни қимматбаҳо буюмлар ва валютани яширин жойларда Ўзбекистонга олиб кириш ва олиб чиқиш. Контрабанданинг бу усулида кўплаб хорижий фуқаролар иштирок этади.

Ҳозирги вақтда контрабандани тергов қилишнинг оддий ҳолатлари қуйидагилар:

1. Чегара ёки божхона назоратида сохта ҳужжатлар билан контрабанда қилган шахсларни қўлга олиш.

2. Ҳужжатларни тафтиш қилиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирлар чоғида хом-ашё ёки тайёр маҳсулотни контрабанда йўли билан олиб чиқиш ҳолатини аниқлаш.

Биринчи ҳолатда терговчиларнинг хатти-ҳаракатлари қўлга олиш ҳолатини расмийлаштиришга ва контрабанда маҳсулотини мусодара қилишга қаратилган бўлиши керак. Бунда мусодара қилинаётган маҳсулотнинг миқдори, маркаланганлиги, ўралганлиги, илова қилинган ҳужжатлари, махфий жойларнинг мавжудлиги контрабанда кўринишини аниқ

фиксация қилиш жуда ҳам муҳимдир. Буларнинг ҳаммасини баённомаларда аниқлик билан қайд этиш керак. Қўлга олиш ва мусодара қилишни аниқ фиксациялаш учун видеотасмага олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, алоҳида эътибор контрабанда ва контрабандани олиб кириш ёки олиб чиқишга ҳаракат қилган шахс ўртасидаги алоқани аниқлашга қаратилиши керак. Баъзан, қўлга олинган шахснинг ҳис-туйғуларини - (сўкиш, ҳақорат, дўқ-пўписа, пора беришга ҳаракат қилиш, контрабандани амалга ошириш ниятини бошқа шакллардаги кўринишини) фиксациялаш ҳам ёрдам бериши мумкин. Шунинг учун магнит ва видеотасмалар ёрдамида фақат қўлга олиш ва контрабандани мусодара қилиш жараёнинигина эмас, балки қўлга олинган шахснинг қўлга олингандан ва тергов органларига олиб борилгандан кейинги хулқ-атворини ёзиш ҳам эътиборга моликдир.

Сўнгра қуйидагиларга қаратилган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари мажмуи амалга оширилиши лозим:

- контрабандани олиб ўтишга ҳаракат қилган шахснинг айбини аниқлаш;

- шерикларни аниқлаш;

- контрабанда маҳсулотини келиб чиқишини аниқлаш;

- олиб чиқишга мўлжалланган контрабанда маҳсулотларининг бошқа партияларини аниқлаш.

Қўқ

қисдан амалга оширилган ҳаракат омилини ишлатиш биринчи навбатда жиноят иши қўзғатиш билан боғлиқдир.

Тергов ишларини иложи борича тезроқ бошлаш мақсадга мувофиқдир. Тергов қўлга олинган ва контрабандага алоқаси бор бошқа шахслар ўз хатти-ҳаракатларини келишиб олмасликлари учун иложи борича тезроқ ўтказилиши лозим.

Иккинчи ҳолатда терговчилар ва тезкор ходимлар одатда кон-

трабандани қўлга туширишга қаратилган тактик операцияни тайёрлаш учун етарли вақтга эгалар. Бунда контрабандани янги партиясини олиб ўтиш вақтида кўрсатилган шахсларни қўлга олишдан бошлаш зарур. Бир вақтнинг ўзида терговчилар ва тезкор ходимлар:

а) контрабандага алоқаси бор шахсларнинг уй ва иш жойларини тинтув қилиш;

б) контрабандани қўшимча ҳолатлари қайд этилиши мумкин бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш;

в) контрабандага алоқаси бор барча шахсларни дарҳол сўроқ қилиш;

г) аниқланган контрабанда ҳолатлари бўйича қўшимча тафтишлар белгилаш ишларини амалга оширишлари зарур.

2-§. Контрабанда ишини тергов қилиш

Контрабанданинг моҳияти божхона чегараси орқали товар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларни махфий ёки алдаш йўли билан олиб ўтишдан иборат. Ушбу масала учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасига биноан жавобгарлик ўрнатилган. Махфий ҳаракат усуллари қуйидагилар:

- «кўринмас» ёки яхши қўриқланмайдиган чегараларни кесиб ўтиш учун айланма йўл ёки яширин сўқмоқлардан фойдаланмоқ;
- товар ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларнинг транспорт воситаларида махсус жойлаштирилган махфий жойларидан фойдаланмоқ;
- товар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларга бож тўланмайдиган ва декларация талаб қилмайдиган объектлар каби тус бериш.
- объектларнинг инсон танасининг аъзоларида яшириш.

Божхона органларини алдаш йўли билан контрабанда қуйидаги

ҳолларда амалга оширилади:

1. Божхона назоратига қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш;

2. Сохта тамғалар, муҳрлар, идентификация белгилари ва ҳоказоларни ишлатиш;

3. Объектни ноҳаққоний декларация қилиш.

Ушбу жиноят қасддан амалга оширилади. Контрабандани давлат чегарасидан ноқонуний олиб ўтишда кўпинчалик чегара ва божхона ходимлари, кузатувчилар иштирок этишади. Шериклик одатда шахсий ғараз хусусиятига эга ва уюшган гуруҳ таркибида эпизодик ёки доимий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Контрабанданинг энг кўп тарқалган объектлари гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар ва антиквариатдир. Баъзан бу Ўзбекистон орқали ўтаётган, жўнатувчиси ва қабул қилувчиси сохта фирма ёки шахс бўлган транзит юкдир. Шу каби объектларнинг божхона назоратидан озод қилинган дипломатик почтада ёки дипломатик иммунитетга эга бўлган шахслар орқали ўтказиш контрабанданинг алоҳида, ўзига хос турларидан биридир.

Бошланғич тергов ҳаракати. Контрабанда ишини тергов қилиш одатда божхона ёки чегара ходимлари томонидан уни фош этилишидан бошланади. Агар контрабанда объектига эга бўлган шахс қўлга олинса жиноят иши қўзғатилади ва қуйидаги тергов ишлари амалга оширилади:

Кўздан кечириш. Контрабанда объектлари ва ошкор қилинган яширин жойларни кўздан кечириш. Яширин жойлар транспорт воситаларида жойлаштирилган бўлиши мумкин: эшикларда, ўриндиқларда, юкхонада, капот остида, ёритгичларда ва ҳоказо. Контрабанда предметлари ёқилғи бакида, ғилдирак камераларида, прицеп бортларида ва ҳоказоларда бўлиши мумкин.

Топилган нарсаларнинг ҳаммаси синчиклаб кўздан кечирилади

ва зарурият бўлса мутахассис иштирокида хусусиятлари, мақсади ва жойлашиши кўздан кечириш баённомасида қайд қилинади. Контрабандага оид далилий ашёлар қийматини аниқлаш учун экспертлар таклиф қилиниши мумкин.

Қалбаки ҳужжатлар, тамғалар, муҳрлар ва сохталаштирилган идентификация белгилари кўздан кечирилиши шарт.

Контрабандачини қўлга олиш ва сўроқ қилиш. Қўлга олишда контрабандистни шахси аниқланади ва шахсий тинтув ўтказилади. Агар қўлга олинган шахснинг танасида контрабанда ашёлари (гиёҳванд моддалар, қимматбаҳо буюмлар) яширилганлик эҳтимоли бўлса, рентгеноскопик текширув, ич сурадиган дориларни ишлатиш, тананинг табиий тешикларини кўздан кечириш ёрдамида суд-тиббиёт текшируви амалга оширилади. Суд-тиббиёт эксперти хулосасига текширув пайтида топилган ҳамма контрабанда объектлари илова қилинади ва сўнгра кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилади.

Қўлга олинган шахсни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқланиши зарур:

1) қўлга олинган шахснинг оилавий ва хизмат ҳолати, турар жойи ва бошқа алоқалари;

2) контрабанда ашёлари кимга тегишлилиги; қўлга олинган шахс ташувчи бўлса, кимнинг топшириғига биноан, қандай шарт билан ташувчи бўлишга рози бўлганлиги, транспорт воситаси кимга тегишлилиги; контрабанда эгасининг ходими бўлса, авваллари шундай ташувчиликни амалга оширганлиги;

3) транспорт воситасидаги яширин жойлар ким томонидан жойлаштирилган ва жиҳозланган, авваллари ҳам шу каби мақсадларда ишлатилганлиги, контрабандани махфий ташиш учун ошкор этилмаган бошқа жойлар борлиги;

4) қаерда, қачон ва ким томонидан контрабанда юкни қабул қилиб олганлиги, қаерда, кимга ва қандай шароитда топшириши; сўроқ қилинаётган шахсга юк ҳақида, уни жўнатувчи ва қабул қилувчи шахслар ҳақида нималар маълумлиги;

5) ким ва қандай ҳолатда ташувчини божхона назоратидан ўтиш учун қалбаки ҳужжатлар ва бошқа воситалар билан таъминлаганлиги; муваффақиятсизлик ҳолатида қандай йўл тутиш тўғрисидаги кўрсатувлар;

6) чегарани қийинчиликсиз кесиб ўтишда божхона ходимлари ёрдами тўғрисида келишув борлиги ва бу келишув қандай шартлар асосида амалга оширилиши кераклиги, ўз ичига нималарни олиши, аввал ҳам бундай ёрдам кўрсатилганлиги;

7) юк ташиш тўғрисида контрабанда эгасидан бошқа яна ким хабардор эканлиги, бу шахслар юк эгасининг фаолиятига, юкнинг ўзига қандай алоқаси борлиги; ташувчининг контрабанда эгасининг шериклари, контрабанданинг келиб чиқиши манбалари тўғрисида хабардорлиги.

Агар контрабанда қўлга олинган шахсга тегишли бўлса, қўлга киритиш манбалари ва сотиш каналлари тўғрисидаги саволлардан ташқари шерикларнинг шахси ва контрабандачининг бошқа алоқаларини аниқлаш, контрабандачи аъзо бўлиши мумкин бўлган уюшган жиноий гуруҳ мавжудлиги ҳақидаги тахминни ва унинг жиноий фаолиятининг бошқа эпизодларини текшириб кўриш керак. Қўлга олинган шахснинг кийимида ёки танасида гиёҳванд моддалар топилганда гиёҳванд ёки токсикоман эмаслиги аниқланиши зарур ва бу нарсалар ким учун мўлжалланганлиги ва ким орқали сотиш режалаштирилганлигини аниқлаш лозим. Қўлга олинган шахснинг гиёҳвандлиги масаласи уни текширув даврида суд-тиббиёт экспертизаси олдига ҳам қўйилади.

Контрабандачи билан бирга қўлга олинган олиб ўтувчиларни

сўроқ қилишда чегарани кесиб ўтиш билан боғлиқ бевосита саволлардан ташқари уларнинг контрабандачи билан алоқалари хусусиятлари, шу каби уринишлар улар иштирокида ёки унга таниш бўлган шахслар ёрдамида аввал ҳам амалга оширилганлиги, уларнинг шахси; чегарадан нима олиб ўтилганлиги, чегарани кесиб ўтгандан сўнг уларни ким, қаерда ва қандай шароитда қабул қилиб олганлиги аниқланади.

Тинтув. Контрабанда ашёлари ва уларни ташиш воситаларини кўздан кечириш ёки қўлга олинган шахсни сўроқ қилиш натижасида аниқланган шахсларнинг уй ва хизмат жойлари, транспорт воситалари ва юк сақлайдиган жойлари тинтув қилиниши керак. Агар бу жойлар чегара ёки божхона назорати бекатларидан узоқда жойлашган бўлса ички ишлар органларига прокурорнинг санкцияси олинган қарор билан тинтув қилиш тўғрисида талабнома жўнатилади. Тезкор ҳаракат мақсадида бу талабнома ва санкцияланган қарор факс билан, бир вақтнинг ўзида асл нусхаларини хизмат почтаси орқали жўнатилади. Сусткашлик муҳим далилларни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Тинтув қўлга олинган шахснинг турар жойи бўйича ҳам амалга оширилиши керак; агар у хорижлик фуқаро бўлса, унинг вақтинча турар жойи ва юкни топшириш жойи ҳам тинтув қилиниши керак.

Кейинги тергов ҳаракатлари. Уларнинг асосийлари контрабанда шерикларини аниқлаш ва сўроқ қилиш, контрабанда қилишга мўлжалланган юклар, жиноий фаолиятнинг далили бўлган бошқа нарсалар сақланиши мумкин бўлган жойларни тинтув қилиш ва топилган объектларни кўздан кечиришдир.

Сўроқ қилишнинг мақсади-шериклар ўртасидаги алоқани аниқлаш, контрабанда асосий даромад манбаи бўлган уюшган жиноий гуруҳни, контрабанда товарлари ёки қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиш манбаларини, божхона ёки бошқа давлат структураларида жиноятчилар-

нинг ғаразли алоқаларини, жиноий фаолиятнинг ҳамма эпизодларини аниқлаш.

Антиквариат ёки санъат асарлари бўлган контрабанда қўлга киритиш манбаини аниқлаш жуда ҳам муҳимдир. Бундай вазиятларда музей, кўргазма ва шахсий коллекциялардан ўғрилик қилишга ихтисослашган уюшган гуруҳлар изига чиқиш имконияти мавжуд.

Экспертизалар. Бу тоифа ишларда қуйидаги экспертизалар ўтказилади:

криминалистик: контрабанда ашёларидаги қўл изларига мувофиқ шахсни аниқлаш; қалбакилаштирилган муҳр, штамп, идентификация белгилари ва ҳоказоларни текшираётган ҳужжатларни техник-криминалистик экспертизаси; сохта ҳужжатлардаги қўлёзма текстларни текширувчи ёзувга оид; трасологик, яширин жойлар ва уларнинг жиҳозланишига оид;

материаллар ва моддалар экспертизаси: наркотик, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар таркибини, объектларнинг ўзаро таъсири фактини, умумий келиб чиқиш манбаини белгилашга оид;

санъатшунослик: санъат асарлари ва унинг атрибуцияси, антиквариат предметлар, коллекциявий буюмларнинг ҳақиқийлиги билан шуғулланувчи; шунингдек, контрабанда объекти кўкрак белгилари ва коллекциявий тангалар бўлса нумизматик экспертиза ўтказилиши мумкин; коллекциявий қурол-яроғни ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ бўлса, қуролга оид;

контрабанда ҳажмини белгилаш мақсадида ашёларнинг қийматини аниқлаш учун товаршуносликка оид. Агар контрабанда товарларининг қиймати юздан уч юзгача бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан ошса, ЖК 8-бўлимидаги изоҳга биноан у катта ҳажмда амалга оширилган деб ҳисобланади. Контрабанда қиймати ундан ортиқ бўлса – жуда кўп

миқдорда амалга оширилган деб ҳисобланади ва ЖК 182-модда 2 қисми билан квалификация берилади.

Контрабанда эгаси аниқланмаган ҳоллардаги терговнинг ўзига хос хусусиятлари. Амалиётда контрабанда эгаси топилмаган ҳоллар ҳам учраб туради. Бу нарса поезд, денгиз кемалари, баъзан самолётларни текширганда учраб туради. Бундай ҳолларда жиноятчини аниқлаш учун чоралар кўрилади: контрабанда беркитилган жой устидан яширин кузатув ўрнатилади, пистирма ташкил қилинади, контрабанда предметлари люминофор билан белгиланади ва ҳоказо.

Агар шу каби тезкор тадбирлар натижасида контрабандачи топилмаса, жиноят иши қўзғатилиб, биринчи навбатда поезд бригадаси, кема ва самолёт экипажлари сўроқ қилинади. Ораларида контрабандист бўлиши мумкин бўлган айнан шу шахсларнинг контрабандачи тегишлилиги тўғрисидаги тахмин синчиклаб текширилиши керак. Лекин контрабандачи пассажир бўлиши ҳам мумкин, шунинг учун сўроқ жараёнида пассажирлардан бирортаси ўзининг ғайритабиий хатти-ҳаракатлари билан ўзгалар эътиборини тортган-тортмаганлигини аниқлаш лозим.

Контрабанда юк ёки багаж аниқ бир шахсга тегишлилигини аниқлаш мақсадида синчиклаб кўздан кечирилиши лозим.

Маълум бир ҳолатларда контрабанда юкни ошкор этилганлиги сир сақланади ва ошкор этадиган ҳаракатлар бажарилмайди:

1) контрабандани фақат ташувчиси эмас, балки қабул қилувчиси ва сотиш йўлларини аниқлаш лозим бўлганда. Бу ҳолат гиёҳванд моддалар ёки қурол-яроғ контрабандасида юзага келиши мумкин. Тезкор усул билан контрабанда ҳаракатининг тўлиқ «занжири»ни кузатиш имконияти туғилади: ташувчи-ю қабул қилувчидан, сотувчигача;

2) юк Ўзбекистон орқали транзит бўйича олиб ўтилаётганда бизнинг божхона органларимиз тегишли хабарнома юбориб, юкни қабул

қилувчиларни манзилда жиноят устида қўлга олишни уюштирилиши лозим бўлганда;

3) чегара ёки божхона ходимларини контрабанда билан алоқалари борлиги тўғрисида асосли шубҳалар бўлса ва бу шубҳалар уларнинг Ички хавфсизлик органлари томонидан текширилаётганда.

Контрабанда ҳолати бўйича қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов жараёнида қўшни чегара ўтиш бекатлари ва божхона структуралари хабардор қилинади. Контрабанда учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар томонидан контрабанда ҳолатлари қайд содир этилганида уларнинг аввалги ҳаракатларининг моҳияти нимадан иборатлиги аниқланади. Шу билан бир қаторда маъмурий жавобгарликка оид ҳаракатлар жиноий жавобгарликка оид кейинги ҳаракатлар билан таққосланиб аввалгиси синов тарзида қилинганми ёки йўқлиги аниқланади.

36-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ «ИЗЛАР БОСИЛМАЙ ТУРИБ» ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Жиноятларни «излар босилмай туриб» фош қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари

Жиноятни изидан, тезлик билан фош қилмоқ - мазкур масалани ўта қисқа муддатда - жиноят белгилари аниқланган ёки у тўғрида хабар олинган вақтдан бошлаб уч кун ичида ҳал қилмоқ демакдир. Ички ишлар ва прокуратура органлари амалиётида «излар босилмай туриб» ибораси кўчма маънода қўлланилади. Унга этимологик жиҳатдан «...шу заҳоти, дарҳол» деб таъриф берилади.

Кўп ҳолларда ўғрилик, босқинчилик, талончилик, зўрлаш, қотиллик, безорилик, фирибгарлик каби баъзи жиноятлар «излар босилмай туриб» тергов қилинади. Бу хил тергов ишлари ўзига хос шароитда олиб борилади:

зудлик билан чора кўришни талаб этган вазиятнинг тўсатдан юзага келиши;

терговчи ва дастлабки тергов органлари қарор қабул қилиши ва уни амалга ошириши учун вақт танқислиги;

тергов жараёнининг жадал ривожи, шарт-шароит, тергов вазиятининг тезкор ўзгариши;

зарур маълумотлар етишмаслиги ва янги маълумотлардан кечиктирмасдан фойдаланиш зарурати;

òåðãîâ èøëàðèãà қàðøèëèê êўðñàòèø, излар ва жиноят белгиларини йўқотиш ва ҳоказо.

Ушбу шарт-шароитлар «излар босилмай туриб» тергов қилишни ташкил этиш ва амалга оширишга бўлган қуйидаги асосий талабларни белгилаб беради:

1) тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса рўй берган жойга имкон борича тезроқ етиб келиши, жиноят иши қўзғаш ва дастлабки тергов ишларини бошлаш тўғрисида тезкорлик билан қарор қабул қилиш;

2) барча зарур куч ва воситаларни кечиктирмай ишга жалб этиш;

3) одатдаги ҳаракатлар дастурининг қабул қилинган йўллари билан бирга терговнинг ўзига хос усулларидан ҳам фойдаланиш; ўрганилаётган масалалар доирасини жараённи олға силжитиш учун кўпроқ хизмат қиладиганлари билан вақтинча чеклаб қўйиш, тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини қатъий танлаб олиш ва ҳар икковининг бирин-кетинлиги тартибига риоя қилиш;

4) тергов тадбирларининг (интенсивлиги), тезкорлиги, узлуксизлигига риоя қилиб, уларни барча тергов-тезкор гуруҳининг таркибидан фойдаланган ҳолда «кенг фронт» бўйлаб ўтказиш;

5) ўта кам вақт сарфлаган ҳолда имкон борича кўпроқ маълумот йиғиш ва уларни қайд этиш мақсадида техник воситаларни кенг қўллаш, бирга иш юритаётган органларга тезкорлик билан маълумот узатиш; муайян маълумотдан хабардорларни тезда тадқиқ этиш учун мутахассис ва экспертлар ёрдамидан ҳар томонлама фойдаланиш.

Мазкур талабларнинг бажарилиши марказлаштирилган бошқарув томонидан ички ишлар органларининг кучи ва воситалари билан иштирок этаётган ИИБ ва бошқа органлар бўлинмалари ўзаро ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлаш, шу билан бирга юзага келаётган вазиятга мувофиқ равишда ҳаракатланиш имконини берадиган чоралар қўллаш мақсадида таъминланади. Ана шундай чоралар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса содир бўлган ерга етиб келишга ва техник воситаларнинг излар ва бошқа далилий ашёлар билан ишлашга доимо тайёр бўлиб туришини таъминлаш;

б) исталган вақтда тергов-тезкор гуруҳи таркибига вазият тақозо этган мутахассисларни жалб қилиш имкониятини таъминлаш. Мазкур мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар ички ишларнинг навбатчи қисмида ёки прокуратура органларида бўлиши;

в) ҳодиса юз берган жойга йўл олган тергов-тезкор гуруҳини тегишли вазиятлар учун мўлжалланган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг намунавий дастурлари билан таъминлаш. Ушбу ҳаракат дастурлари энг зарур ташкилий ҳамда тактик тусдаги кўрсатмаларни ўз ичига олган бўлиб, уларда изоҳ, илмий жиҳатдан асослаш каби ортиқча маълумотларга ҳожат йўқ. Одатда, бундай дастурлар ҳамда тадбирлар рўйхатини уларнинг мақсади, бирор муаммога дуч келинганида имконий вариантлари билан бирга ўз ичига олган бўлиши шарт. Дастурлар тўплами ички ишлар навбатчи бўлимида бўлиши лозим;

г) ҳодиса жойини тергов-тезкор гуруҳ етиб келгунига қадар қўриқлашнинг пухта ишлаб чиқилган чоралари тизими.

Маълумки, ҳодиса жойини кўздан кечириш кўпинча жиноят иши қўзғатишдан аввал амалга оширилади. Бироқ баъзи ҳолларда жиноят содир этилганлигининг белгилари очиқ-ойдин бўлиб, биринчи навбатда жиноятчини қўлга тушириш чораларини кўриш талаб этилганда ёки жиноятчи жиноят устида далил билан қўлга олинганида жиноят иши кўздан кечиришдан аввал ҳам қўзғатилиши мумкин. Содир этилган жиноят факти бўйича жиноят иши қўзғатиш «излар босилмай туриб» амалга ошириладиган барча кейинги ҳаракатлар учун зарур ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий вазифаси жиноят ва уни содир этган шахсга оид маълумотлар, у ҳодиса жойидан қайси тарафга қочганлиги, жиноятчи ôîéäàëàíãàí òðàíñïîðò âîñèòàëàðèни аниқлашдан иборат. Бу маълумотлар жиноятчини, транспорт воситасини таъқиб этиш ва ушлаш, ўғирланган мол-мулкни излаб топишни ташкил этиш учун зарур. Маълумотларни зудлик билан тўплаш, йўлни тўсиш ҳамда қидирув тадбирлари режасини ишга тушириш мақсадида ички ишлар органи навбатчи қисмига етказилади. Қидирув тадбирларига, одатда, патрул - пост хизмати нарядлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ЙХХХ), транспорт милицияси бўлинмалари ва бошқалар жалб қилинадилар. Бу ишларнинг барчаси навбатчилик қисми ва ички ишлар органи бошлиғи раҳбарлигида ҳодиса жойини кўздан кечириш билан бирга қўшиб олиб борилади.

Кўздан кечириш вақтида унинг ҳар бир иштирокчиси бўлиб ўтган ҳодисанинг умумий тасвирини тиклашга кўмаклашиши, тегишли суд экспертизаларини ўтказиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни аниқлаши лозим. Тезкор ходим бу вақтда жабрланувчи ва гувоҳларни аниқлаб олади ва айбдорларни излаш учун муҳим шарт-шароитлар бўйича савол-жавоб қилади ва бу тўғрида кўздан кечириш раҳбарини хабардор қилади.

«Èçлар босилмай туриб» экспертиза тайинлашда ҳам ўзига хос вазифалар ҳал этилади. Экспертиза ўтказиш йўли билан қуйидаги масалалар ҳал этилади:

- ҳодиса хусусида, унинг жиноий таърифи, ìåõàíèçìè òўғðèñèää áîøëàнғич маълумотга эга бўлиш;

- ìóàéўí øàõñèíãà ìàçêóð æèíîўòää àëîқääîð ёки àëîқääîð ýìàñëèãè õóñóñида маълумот олиш;

- зудлик билан махсус илмий дарслар ёрдамида пайдо бўлган гумонни текшириб кўриш, гумон остидаги шахсни излаб топиш ва тутиб келти-

риш учун талаб этилган маълумотларни олиш;

- жиноий ҳодисани кейинчалик тадқиқ этиш, шунингдек гумон остидаги шахслар ёки дастлабки кўздан кечиришда олинган далилий ашёларни қиёслаш талаб этилган янги излар пайдо бўлганида янгидан экспертизалар ўтказиш, «изларга оид маълумотлар базасини» мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

- гумон остидаги шахс томонидан (айнан шу йўл билан, ана шу қуроллардан фойдаланган ҳолда ва ҳоказо) содир этилган бошқа жиноятларни ҳам аниқлаб, бундан қатор ходимлар ва ҳатто турли тергов ва дастлабки тергов органларининг мазкур жиноятларни очиш йўлидаги ҳаракатларини бирлаштириш учун фойдаланиш.

Жиноятчининг шахси ва жиноят қуролларига оид маълумотларни ички ишлар органларидаги криминалистик ва тезкор ðўéõàòлар бўйича текшириш ҳодиса жойидаги изларга кўра, улар ҳақидаги маълумотлар бирор турдаги рўйхатда мавжуд бўлса, шахсини аниқлаш имконини беради; ўқлар гильзотекаси бўйича текширув ўқотар қуролнинг айнан шу нусхаси бошқа жиноятлар содир этишда қўлланилган-қўлланмаганлигини очишга кўмаклашади. Ҳисоб-рўйхатга олиш маълумотларидан шу билан бирга қидирув ишлари жараёнида ҳам тезкорлик билан фойдаланиш даркор.

Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш бу босқичда, бошқа тергов ҳаракатлари каби биринчи навбатда қидирув ишлари учун маълумот йиғиш мақсадига хизмат қилади. Сўроқ мазмуни қуйидагича бўлади:

жиноий тажовузкорлик қачон, қаерда ва қандай қилиб содир этилган, у нимадан иборат бўлган ва нима мақсадда амалга оширилган;

жиноятни ким амалга оширган, жиноятчилар қанча бўлган, уларнинг ташқи кўринишидаги белгилари, чизгилари; улар ўртасида роллар қандай тақсимланган, ким раҳбарлик қилган; жиноятчилар бир-бирига қай тарзда мурожаат қилишган, улардан бирортасида овоз ёки нутққа оид хусусият-

лари (шевага хос сўзлаш, «с» ни айтолмаслик, дудуқланиш, жиноятчилар шевасида сўзлаш) бор-йўқлиги;

жиноятчиларнинг транспорт воситалари бўлганми, қандай, уларнинг белгилари, рақамли белгилари ёки бирор хусусияти, уларни ким бошқарган;

нима ўғирланган, ўғирланган буюмларнинг номи ва белгилари; қимматбаҳо буюмларнинг тавсифи ва уларнинг қиймати; ўғирланган пул миқдори ва номинали;

гумон остидагилардан бирортаси жиноят содир этилган жойда у содир этилгунга қадар бўлмаганми, нима сабабдан ё қандай баҳона билан, нималар билан қизиққан;

ким жиноят қилганликда гумон қилинади, нима асос бор, жиноятчилар ўғирланган буюмлардан қай тарзда фойдаланишлари мумкин; жабрланувчилар турар жойини сотиш, айирбошлаш, буюмлар сотилиши, хизматлар таклиф қилиб эълон бермаганмилар ва бошқа шу кабилар.

Жабрланувчи ёки гувоҳлар томонидан жиноятчиларнинг ташқи белгилари тасвирлаб берилганидан сўнг кўп ҳолларда уларнинг синтетик суратлари тайёрланиб, қидирув гуруҳлари жиноятчиларни улар пайдо бўлиши мумкин бўлган жойлардан излаш ишларини ташкил этиб, бу ишга жабрланувчи ва гувоҳлар жалб этиладилар.

Жиноятчилар томонидан ўғирланган ёки улар фойдаланган автомобилни қидириш ЙҲХХ ходимлари билан биргаликда амалга оширилади. Автокорхона гаражлари, пулли тўхташ жойлари òåêøèðèëàäè, автомобил яширилиши ёки уни қайта бўяш, эҳтиёт қисмларга ажратиш мумкин бўлган ҳовли, боши берк кўчалар ва бошқа жойлар кўздан кечирилади.

3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг хусусиятлари

Гумон остидаги шахсни тутиш ва сўроқ қилиш. Гумон остидаги шахснинг аниқланиши ва қўлга олиниши «излар босилмай туриб» қидириш ишларининг ижобий натижасидир. Унинг шахсига оид ва қуролли қаршилик кўрсатиш имкониятига оид мавжуд маълумотларни ҳисобга олиб тезкор гуруҳ таркиби ва қўлга олиш тактикаси ҳал қилинади. Жиноят ҳозирча таркиби аниқланмаган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда қўлга олиш фактининг ўзини ҳам муайян вақт сир сақлаш керак бўлади. Бир неча одамни турли жойларда қўлга олиш талаб этилганида кераклича алоҳида тезкор гуруҳлар тузилади ва ҳаракат қилиш вақти ўзаро келишиб олинади. Қўлга олиш махсус ёки тезкор ҳаракат бўлинмаларига топширилиши мумкин âà óëàð áó èøíè þêñàê ìàõîðàò áèëàí âà øàðîèò òàêîçî ýòãàíäà атрофдагиларга сездирмасдан амалга оширадилар.

Олинган маълумотлардан тезкорлик билан фойдаланиш мақсадида гумон остидаги шахс қўлга олиниши биланоқ сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқ. У сўроқ қилинганда қуйидагилар аниқланади:

жиноят содир этиш нияти қандай қилиб ва нима сабабдан пайдо бўлди; тажовуз қилинган шахс (буюм) га оид, жиноятни содир этишнинг қулай вақти ва шароити хусусидаги маълумотлар кимдан олинди, аввалдан жиноятни яшириш тўғрисида келишилганмиди;

жиноятни содир этишда қўлга олинган шахсдан бошқа яна ким иштирок этган, мазкур шахслар қўлга туширилган шахс билан уюшган гуруҳ тузганмиди, унинг таркиби, бошлиғи ким, гуруҳ аъзолари ўртасида роллар қандай тақсимланган ва бошқа ушбу гуруҳга оид барча маълумотлар;

жиноят содир этилган шарт-шароит, ишлатилган қуроллар, улар ҳозирги вақтда қаерда, улар қаердан олинган, агар транспорт воситаларидан фойдаланилган бўлса, у ҳолда қандай ва кимга тегишли, ҳайдовчининг жиноятдаги тутган ўрни;

жиноятда буюм ёки бошқа моддий бойликлар, пул ўғирланган

бўлса, у ҳолда улар ҳозир кимда ва қаерда, қайси йўл билан, ким орқали пулланди ёки пуллаш кўзда тутилган, ана шу шахс илгари ҳам ўғирланган буюмларни сотиб олиш билан шуғулланганми.

Мазкур рўйхат тахминий эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Сўроқ ўтказилиши билан, баъзан эса у билан бир вақтда ҳибсга олинган шахснинг уйи ва у кириши мумкин бўлган бошқа бинолар тинтув қилинади. Тинтув у билан алоқадор шахслар, шунингдек аниқланган ҳамтовоқларининг уйида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга қўйиладиган асосий талаб - қўққисдан ва тезкор ҳаракат қилиш, бир вақтнинг ўзида бир неча ерда тинтув ўтказаётган гуруҳлар ўртасида қатъий ва аниқ ахборот алмашувини ташкил этиш. Бу эса олинган маълумотлардан ҳам қидирувда, ҳам далил тўплаш, исботлашда ҳамда ҳибсга олинганлар тергов ишига кўрсатиши мумкин бўлган қаршиликни бартараф этиш учун зарур.

«Излар босилмай туриб» тергов ишлари юритиш жараёнида жабрланувчига ва гувоҳларга таниб олиш учун шахслар ва буюмларни кўрсатиш мумкин. Бундай зарурат шахсан жиноятни содир этмаган, лекин аввалари жабрланувчи ёки гувоҳга дуч келган жиноий гуруҳ раҳбарига нисбатан пайдо бўлиши мумкин.

«Излар босилмай туриб» тергов қилиш жараёни ташкилий нуқтаи назардан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин:

1) ҳодиса содир бўлган жойга йўл олган тергов-тезкор гуруҳ, вазият тақозоси билан (мисол учун, зудлик билан яна бир ҳодиса жойини кўздан кечириш талаб этилса) ўзининг шу иш юзасидан фаолиятини якунлаб, терговни давом эттиришни эса бошқа терговчи ёки тергов-тезкор гуруҳига топширади;

2) ҳîäèñà ðўé áåðãàí жойда иш бошлаган тергов-тезкор гуруҳи имкон борича тергов ишларини тўлиқ амалга оширади ва эътиборан бошқа вази-

фаларни бажариш учун жалб этилмайди;

3) тергов-тезкор гуруҳи бошланғич босқичдаги то айбдор ҳибсга олингунига қадар барча ҳаракатларни амалга оширади, сўнг иш материалларини бошқа терговчи ёки тергов-тезкор гуруҳига топширади.

«Излар босилмай туриб» жиноятини муваффақиятли очиш терговчи ҳамда тезкор ходимдан юксак маҳорат талаб қилиш билан бирга жамоатчилик орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари обрў-эътиборининг ҳам юксалишига сабаб бўлади.

37-боб. ХОРИЖ ФУҚАРОЛАРИ ТОМОНИДАН ВА УЛАРГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ТЕРГОВИ

1-§. Хориж фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати

Хориж фуқаролари томонидан ва уларга қарши содир этилган жиноятларни очиш ва тергов қилиш услуби ўзига хосдир. Мазкур жиноятларни аниқлашга имконият берувчи хусусиятлари тажовуз субъекти ёки бевосита объектига қаратилган жиноий ҳаракатларда ифодаланади. Бу турдаги жиноят ишларини олиб бораётганда хорижлик фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеини, вужудга келиши мумкин бўлган таржима муаммолари, хорижликлар учун ғайритабиий шароит, турмуш тарзи, юриш-туриш қоидалари, мамлакатимизнинг урф-одат ва қонунлари, суд ишлари жараёнини яхши билмаслик каби айрим психологик омилларни ҳисобга олиш зарур. Психологик жиҳатдан яна бир ҳолатни кўзда тутиш керак: МДҲнинг кўпчилик фуқаролари Ўзбекистонда бўлган пайтларида ўзларини бутунлай чет эллик деб ҳисобламайдилар, «ўзимизники» деган ички туйғу уларнинг юриш-туриши ва хатти-ҳаракатларида акс этади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хатти-ҳаракатида ҳам намоён бўлиши мумкин: дастлабки тергов жараёнида хорижликлар ва уларнинг консулхоналари билан мулоқотда зарур қоидаларни эътиборга олмаслик.

Халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ хорижлик деб ушбу давлат ҳудудида бўла туриб бошқа давлат фуқаролигига мансуб бўлган ҳар қандай шахс тушунилади. Хорижлик ўз фуқаролигининг далили сифатида миллий паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатга эга бўлиши шарт. Ўзбекистон фуқароси бўлмаган, лекин мамлакатимиз ҳудудида яшаётган, бирор хорижий давлат фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатсиз шахс фуқаролиги йўқ шахс (апатрид) деб тан олинади.

Хорижликлар мамлакатимизда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон фуқаролари билан, бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Бу ҳолат жавобгарлик тартибининг бир хиллигини ҳам англатади. Бундан мустасно ҳолат Ўзбекистон Республи-

каси ЖК 11 модда 4 қисмида кўзда тутилган: хорижий давлат фуқароларининг жиноий жавобгарлик масаласи халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ҳал этилади».

Ўзбекистон ЖПКда (4-модда 2-қисм) «иммунитетга эга шахслар»нинг, яъни дипломатик (консуллик) вакилларининг ўз шахси, уй-жойларини, архивларини, ўзаро хат ёзишувлари ва почтасини яшаётган давлатдаги маъмурий ёки бошқа органларининг мажбурий хатти-ҳаракатидан тўлиқ ҳимоя ҳуқуқи назарда тутилган. Дипломатик (консуллик) вакиллари ҳар қандай ҳолатда қамоққа олиниши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас; уларнинг иш ва яшаш жойлари, хизмат хоналари, шахсий ва хизмат автомобилларининг салони тинтув қилиниши, текширилиши, олиб қўйилиши, мусодара қилиниши мумкин эмас; архивлар, почта ва ўзаро ёзишувлар очилиши ёки ушлаб қолиниши мумкин эмас; улар судда гувоҳлик беришга мажбур эмаслар, гувоҳлик беришга рози бўлган ҳолатда тергов ёки суд органларига келишга мажбур эмаслар.

Қуйидаги хориж фуқаролари гуруҳи Ўзбекистон жиноят судлов жараёнидан дахлсиздир:

1. Дипломатик вакиллар ходимлари: а) Ўзбекистон фуқароси бўлмаган дипломатик персонал ва улар билан яшаётган оила аъзолари; б) Ўзбекистон фуқароси бўлмаган маъмурий-техник ходимлар ва улар билан яшаётган оила аъзолари; в) Ўзбекистон фуқароси бўлмаган, лекин юртимизда муқим (доимий) яшайдиган, хизмат қилувчи ходимлар; г) дипломатик курьерлар; д) дипломатларнинг шахсий хизматидаги шахслар-уй хизматчилари;

2. Консуллик ходимлари: а) консуллик раҳбарлари; б) консулликнинг мансабдор шахслари; в) консулликнинг Ўзбекистон фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистонда муқим яшамайдиган маъмурий ва техник ходимлари;

3. Ўзбекистон орқали ўтиб кетаётган, бошқа давлат дипломатик ваколатхоналарининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ва дипломатик курьерлари;

4. Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган ёки ҳудудимиз орқали ўтиб кетаётган хорижий парламент ва давлат делегацияларининг ходимлари;

5. Халқаро давлатлараро ташкилотларнинг ходимлари.

Дипломатик ва консуллик муассасаларида хизмат қилувчи ходимларининг имтиёзлари ва дахлсизлигининг ҳажми, қоида бўйича, ўзаро тарзда аниқланади. Масалан, консулликнинг мансабдор шахслари йўл транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни тўлаш давосидан озод этилмайдилар.

Юқорида кўрсатилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ЖПК шундай қоида ўрнатганки, бу қоидага мувофиқ «дипломатик дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан процессуал хатти-ҳаракатлар шу шахсларнигина илтимоси ёки уларнинг розилиги билан амалга оширилади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг амалга ошириш розилиги Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади» ЖПК қўшимча равишда ваколатхоналарда ва консуллик жойларида олиб қўйиш ва тинтув пайтида, албатта ТИВнинг вакили ва прокурор бўлиши шартлигини талаб қилади (ЖПК 165-моддаси).

Дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахс жиноят ҳақида арз қилса, буни унинг иштирокида барча зарур тергов хатти-ҳаракатларини олиб бориш илтимоси ёки розилиги деб баҳолаш керак эмас, айниқса бундай арз оғзаки равишда ифодаланган бўлса. Бундай илтимос ёки розилик ёзма равишда ифодаланиши керак. Терговчи бу ҳақда ички ишлар органлари ёки прокуратура раҳбарияти орқали Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ)нинг тегишли муассасаларига маълум қилади. Бундай илтимос ёки розилик

бўлмаганда, терговни кечиктириб бўлмаса, дипломатик дахлсизликка таъсир этмасдан хориж фуқаросининг иштирокисиз зарур тергов харакатларини амалга ошириш зарур, баённомада сабаби кўрсатилган ҳолда эса қайд этиш шарт. Алоҳида ҳолларда хорижий дипломат томонидан оғир жиноят содир этилганда, тергов манфаати шошилинч харакатлар амалга оширилиши талаб этилганда (жиноят қуролини олиб қўйиш, айбдорни суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш ва бошқалар) ҳодиса жойига ТИВнинг вакилини, у орқали эса тегишли элчихона ёки консуллик вакилини чақириш тавсия этилади.

Кейинги тергов ҳаракатлари масаласи элчихона ёки консуллик ходимлари келганидан сўнг ҳал қилинади ва агар уларда бундай ҳаракатларни амалга оширишни илтимос қилиш ёки розилик билдиришга ҳақли бўлсалар, тегишли баённомада бу ҳақда қайд этилади, шахсларни мансабини ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда уларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, юқорида айтиб ўтилган хориж фуқароларининг баъзи тоифалари дахлсизликка ўз хизмат вазифасини бажараётгандагина эга бўладилар. Булар – дипломатик вакилликнинг хизмат кўрсатувчи, маъмурий-техник ва консулликда хизмат қилувчи ва баъзи бошқа ходимлар. Шунинг учун, жиноий тажовуз ўз хизмат вазифасини ўтаётганда содир этилганлигини аниқлаш зарурияти туғилганда ТИВга хориж фуқароси ва жиноят тафсилотлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган ёзма сўров йўлланади. Ватанимизга турист сифатида ёки спорт мусобақалари, фестиваль, конкурс ва бошқаларда иштирок этиш учун, шунингдек илмий конференция, симпозиум қатнашчилари, аспирантлар, талабалар, практикантлар, хорижий банк, фирма, корхоналарнинг ходимлари, мутахассис ва ишчилари ҳеч қандай имтиёзга эга эмаслар ва суд қилиш дахлсизлигига эга эмаслар. Улар бизда содир этилган жиноятлари учун

жиноий жавобгардирлар ва Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда жиноий-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

2-§. Хориж фуқаролари билан боғлиқ ишлар бўйича тергов олиб боришнинг хусусиятлари

Хорижлик фуқароларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда ёки жабрланувчи хориж фуқароси бўлган ҳолларда, одатдаги масалалардан ташқари бир қанча ўзига хос масалалар ҳал қилинади: хорижлик фуқаронинг мавқеи, Ўзбекистонда бўлишининг қонунийлиги, қонуний яшашнинг белгиланган муддати.

Хориж фуқаросини ушлаб туриш ёки қамоққа олиш ҳақидаги хабарнома ТИВ орқали 3 кундан кўп бўлмаган муддат ичида қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг элчихонаси ёки консуллигига жўнатилади. Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган хорижий давлат фуқаросини бориб кўришга рухсат элчихона хизматчиларига ёки консулликнинг мансабдор шахсларига уларнинг илтимоси ушлаб олинган ёки қамоққа олингандан сўнг 4 кундан кўп бўлмаган муддат ичида берилиши керак. Рухсат Ўзбекистон Бош прокурори ёки унинг муовини томонидан ТИВ билан келишилган ҳолда берилади ва зарурият туғилганда Ўзбекистон Республикаси МХХ, ИИВ ёки Олий суди билан келишилади. Агар ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс бундай учрашувдан воз кечса ва бу ҳақда ёзма хабар берса рухсат берилмайди ва бу ҳақда ТИВга маълум қилинади. Жиноят иши қўзғатилганда хорижлик фуқаро ўзбек тилини билиши, қай даражада билиши ва таржимон кераклиги, тушунтириш, кўрсатмалар қайси тилда беришни афзал кўриши аниқланади. Агар ўзбек тилида кўрсатмалар бера олмаса, таржимон таклиф этилади ва барча процессуал ҳаракатлар унинг иштирокида олиб борилади. Бу ҳолда таржимонга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади ва у ЖК 238-

моддасига асосан қасддан нотўғри таржима қилиш учун жиноий жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилади; хориж фуқаросига ўзи танлаган тилида кўрсатма бериш ва таржимонни рад қилиш ҳуқуқини тушунтирадилар.

Тилга оид тўсиқдан ташқари терговни қийинлаштирадиган муайян психологик омиллар таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бегона давлатда турган чет эллик шароитни тушунмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ишига ишончсизлик билан қараши, баъзан уларни умуман тушунмаслиги мумкин. Ўзекистон Республикаси суд жараёнининг қоидаларини билмаслик, терговчининг қарорлари ва ҳаракатлари гўёки ноқонунийлиги хорижлик фуқарода ҳаққоний янглиш фикрга олиб келиб, у томондан қаршилик кўрсатишга олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолларда терговчи хорижлик фуқарога унинг янглишганини одоб ва сабр билан тушунтириб ёрдам бериши мумкин. Бу масалада ҳимоячиси ҳам ёрдам бериши мумкин.

Хорижлик фуқаро мамлакатимиздаги мавжуд давлат тузуми хусусида янглиш фикрга эга бўлиши, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ва уларни чеклаш қоидалари ҳақида нотўғри фикрларга эга бўлиши мумкин. Психологик алоқа ўрнатилаётганда, шу каби ҳолларда унга ишнинг ҳақиқий ҳолатини ётиғи билан тушунтириш зарур.

Терговни ташкил этиш ва тактикасига хорижлик фуқаро иш бўйича жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида қатнашганда бизнинг ҳудудимизда қисқа муддат бўлиши жиддий таъсир этиши мумкин. Бу ҳолда тергов харакатларини ўта тезкор равишда ва шунчалик сифатли ўтказиш керакки, уни қайта ўтказиш зарурияти туғилмаслиги лозим.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон суд қилиш ҳуқуқидан дахлсизликка эга хорижлик фуқарони тергов ҳаракатларига жалб этиш фақатгина уларнинг илтимоси ёки розилиги билан амалга оширилиши мумкин ва бу нарса ёзма равишда қайд қилинади. Уларни гумон

қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш қайси мамлакат вакили бўлса, фақатгина ўша мамлакат органлари томонидан дахлсизликдан маҳрум этилгандан сўнггина мумкин бўлиб, бу ҳолат амалиётда камдан-кам учрайди.

Хорижлик фуқароларга қарши содир этиладиган жиноятлар тизимида мулк ва тажовуз-зўрлик жиноятлари кўпчиликни ташкил этади: ўғрилик, талончилик ва қуролли босқинчилик.

Одатда ўғриликни хорижлик фуқаролар жойлашган ҳудудда яшовчи шахслар (меҳмонхона, кемпинг, курорт ва бошқалар), хорижлик фуқаролар билан алоқа қилишга «ихтисослашган» фоҳишалар ёки уларнинг шериклари амалга оширади; бу ҳолда қиз кўп ҳолларда хўрак вазифасини ўтайди ва хориж фуқаросини шериклари талайдиган ва қуролли босқинчиликни амалга оширадиган ерга олиб келади. Жиноий гуруҳ шериги бўлиб аэропорт ёки вокзалда унинг хизматидан фойдаланишни таклиф этувчи такси ёки бошқа транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлиши мумкин.

Хориж фуқароси иштирок этиши талаб қилинмайдиган тергов ҳаракатлари қабул қилинган расмий тартибда олиб борилади. Жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган хориж фуқароси Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетган бўлса, муайян қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Бу биринчи навбатда одамлар ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатишга тегишли. Бу ҳолда иккита йўл мавжуд: агар бу давлат билан ҳуқуқий ёрдам ҳақида шартнома тузилган бўлса, фото ёки видео тасвирлардан фойдаланиб уларни тегишли идоралар орқали хориж фуқароси яшаётган ерга юбориш (бундай шартнома бўлмаса, бу ҳаракат Интерпол орқали амалга оширилиши мумкин); агар хориж фуқароси сўроқ қилинган бўлса, сўроқ баённомасидаги тавсифга кўра объектни идентификация қилиш. Айнан ўхшашлик ҳақидаги терговчининг хулосасини исботлаш учун тегишли экспертиза

ўтказилиши талаб қилиниши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Жабрланган ёки гувоҳ хорижлик фуқарони сўроқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Унинг мамлакатимизда бўлиши қисқа муддатли бўлганда, сўроқ тезлик билан амалга оширилиши керак ва тергов ҳаракатлари зудлик билан ўтказилган бўлиши керак. Сўроқнинг вақти ва жойи шу ҳолларни ва хорижлик фуқаронинг турар жойини ҳисобга олган ҳолда аниқланади; уни сўроқ қилиш ҳақида алоҳида талабнома жўнатиш эҳтимоли бор.

Делегациялар, туристик гуруҳлар ва шу кабиларнинг таркибида мамлакатга келган хорижлик фуқароларни шу гуруҳлар, делегациялар раҳбарлари орқали сўроққа чақирилиши тавсия этилади. Ўқувчилар улар аъзо бўлган ўқув муассасалари, ҳамшаҳар ва бошқа ташкилотларнинг маъмурияти орқали чақирилишлари мумкин. Ўзбекистонга доимий асосда келаётган мутахассис ва ишчилар фирма ёки муассасаларнинг маъмурияти орқали чақирилишлари мумкин. Бу ҳолда терговчи тил ва шаҳарни билмайдиган хорижлик фуқарони қандай қилиб сўроқ жойини топиб келиш масаласини пухта ўйлаб кўрмоғи керак.

Сўроқда таржимондан ташқари сўроқ қилинувчининг илтимосига кўра, унинг мамлакатининг дипломатик ёки консуллик ваколатхонасининг ходими иштирок этиши мумкин. Бу шахслар иштирокида сўроқнинг жойи, вақти ҳақидаги барча музокаралар тергов бўлими раҳбари томонидан фақат ТИВ орқали олиб борилади.

Гумон остидаги хориж фуқаросининг сўроғи пайтида дипломатик ёки консуллик ходимининг иштироки ҳақидаги илтимоси кўриб чиқилиши шарт. Илтимосни қондириш рад этилганда, терговчи буни махсус қарор билан асослашга мажбур; илтимос қондирилганда вакилнинг иштироки ҳақидаги илтимос ТИВ органлари орқали жўнатилади. Қайта сўроқ ўтказиш заруриятида бундай чақирувчининг расмий тартиби

қайтарилади.

Сўроққа тайёргарлик режа тузишни ўз ичига олади. Энг муҳим саволларни олдиндан маълумот бериладиган тилга таржима қилиш ва мумкин бўлганда таржиманинг айнан тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Агар сўроқда ҳужжатларни тақдим қилиш кўзда тутилса, иш учун муҳим қисмини мазмуни ҳам олдиндан таржима қилиниши мумкин. Бу ҳолат ашёвий далилларга ҳам тааллуқли: уларнинг номлари ва улардаги белгилар, улар топилгандаги текшириш ёки тинтув баённомасининг қисмлари олдиндан таржима қилиниши керак. Олдиндан қилинган бундай таржима сўроқ қилинаётган шахсга бу буюмларни тўсатдан тақдим этгандагина зарур тактик таъсирни таъминлайди.

Хорижлик фуқарони сўроқ қилишни баённомадан ташқари магнитофон тасмаси ёки видеомагнитофон лентаси ёрдамида ёзиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу хорижлик фуқароларни ёки хорижлик фуқаролар иштирокидаги юзлаштиришда айниқса муҳимдир.

Таржимоннинг иштироки масаласини ҳал қила туриб, терговчи, ҳозирги пайтда МДҲ давлатларида яшовчи шахслар яшаётган жойидаги тилни билмасликлари мумкин, чунки бу ҳодиса бу давлатларда яшаётган русийзабон аҳоли учун хосдир. Табиийки, бундай ҳолларда улар маълумотларни рус тилида беришни ҳоҳлайдилар ва бу нарса сўроқ баённомасида қайд қилинган бўлиши керак.

Шундай шароит вужудга келиши мумкинки, терговчи хорижлик фуқаро маълумот бермоқчи бўлган тилни билади. Қонун бу тилда сўроқ олиб борилишига қарши эмас, агар терговчи унда бемалол гаплаша олса, бу албатта, сўроқ қилинаётган шахс билан мулоқотни анча енгиллаштиради, психологик алоқа, ишончли муносабатларнинг ўрнатилишига ёрдам беради. Лекин бунда шу тилда сўроқ баённомасини ҳам тузиш, кейинчалик таклиф этилган таржимон ёрдамида баённомани суд олиб борган тил-

га таржима қилиш ва мустақил таржимани ишга тикиб қўйиш тавсия этилади.

Дахлсизликка эга бўлмаган гувоҳ ёки жабрланувчи хорижлик фуқарони сўроқ қилаётганда, терговчи уни ўз кўрсатмаларидан бош тортгани ва ёлғон маълумотлар бериши учун жиноий жавобгарлиги ҳақида огоҳлантиради. Бу огоҳлантириш сўроқ баённомасида унинг имзоси билан тасдиқланади. Дахлсизликка эга бўлган шахс сўроқ қилинганда уни маълумот беришдан бош тортиши учун жавобгарлиги ҳақида огоҳлантириш аҳамияти йўқлиги шубҳасиз. Ёлғон маълумотларни берганлиги учун жавобгарликка келсак, бу ҳолат маълум даражада аҳамиятга эга, чунки бундай жавобгарлик ҳақидаги масала дипломатик йўл билан ҳал этилади, яъни, огоҳлантириш тактик маънога эга бўлади. Яна шуни кўзда тутиш керакки, бир қанча давлатларда кўрсатмаларнинг ҳаққонийлигини исботи сифатида қабул қилинган қасам Ўзбекистон қонунчилигида назарда тутилмаган, бу ҳол эса хориж фуқаросига тушунтирилиши керак.

Сўроқ қилинувчига эркин ҳикоядан сўнг бериладиган саволлар ўз моҳиятига кўра ҳар хил шарҳларга йўл қўймаслиги керак. Сўроқ қилинаётган шахс тушунмайдиган ва аниқ таржима этилмайдиган иборалар, мақол ва маталларни ишлатишдан ўзини тутиши керак.

Юзлаштиришда маълум қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Унинг иштирокчилари турли тилда гаплашувчи хорижлик фуқаролар бўлиши мумкин ва бу ҳолда таржимон ва қўшалоқ таржима керак бўлади. Бу ҳақда таржимонга айтиш ва унга юзлаштиришда иштирокчиларнинг бир-бири билан терговчини четлаб мулоқот қилишининг олдини олиш вазифасини юклаш керак.

Суд экспертизасини амалга ошириш жиноят иши бўйича ўтаётган шахслардан эксперт текшируви учун намуналар олишни талаб қилиши мумкин. Агар бундай шахслар дахлсизликка эга бўлмасалар, бу

расмий процессуал тартибдан четга чиқмайди, лекин бунда қуйидаги муҳим ҳолни кўзда тутиш керак. Баъзи давлатларнинг урф-одатларига кўра, бегоналарга инсон аъзоларининг бирорта қисмини, шу жумладан сочлар, қон, сперма (маний), тирноқ ва шу кабиларни беришга йўл қўймайди. Тарқалган ривоятларга кўра, буларнинг ҳаммаси инсонга сеҳргарлик тарзида зарар етказиши мумкин. Шунинг учун намуналар олишга уриниш терговчининг нуқтаи назаридан асоссиз қаршиликка учраши мумкин, мажбурий чоралар эса (қонунда кўзда тутилган ҳолларда) бутун тергов жараёнини анчагина мураккаблаштирадиган қаттиқ қарама-қаршиликка олиб келиши мумкин.

Шу сингари қаршиликка учраган терговчи унинг сабабларини аниқлаш ва агар сабаблар анъанавий ёки диний маросимларга оид бўлса, субъект эгаллаган нуқтаи назарни ўзгартиришга, ётиғи билан тушунтириш йўли орқали ҳаракат қилиб кўриши керак. Буни замонавий қарашли хорижлик фуқаро учун нуфузли бўлган диндошлар ёки юртдошларни таклиф этиб амалга ошириш мумкин.

Экспертиза тайинланганда гумон остига олинган ёки айбланаётган хорижлик фуқаро қарорларнинг таржимаси билан танишиш имкониятига эга бўлиши керак, унга албатта унинг ҳуқуқларини тушунтириш керак, у арз қилган илтимослар диққат билан кўриб чиқилиши керак. Худди шу тартибда эксперт (мутахассис)нинг хулосаси билан таништириш ва қўшимча ёки қайта экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимоси ҳуқуқини унга тушунтириш керак.

Айбланадиган хорижлик фуқарони тугалланган ишнинг ҳужжатлари билан таништириш умумий қоидалар асосида таржимон иштирокида амалга оширилади.

38-боб КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ Компьютердан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи

90-йилларнинг биринчи ярмида бошланган ёппасига компьютерлаштириш (АҚШ ва Ғарбий Европадагидан кечроқ) компьютер ва дастурлар билан таъминлаш бозорини ривожлантиришга, фойдаланувчининг профессионал тайёргарлигини ўсишига, ташкилотларда маълумотларни технологик ишлаб чиқаришни такомиллашиши ва ўсишига олиб келди. Кенг фойдаланиш тармоқларига тобора кўпроқ уланаётган ЭҲМ татбиқ қилиш соҳасини сезиларли кенгайтирди. Бухгалтерлик ва бошқа ишлаб чиқариш ҳужжатларидан, «қоғозсиз» автоматик фойдаланиш жорий этилмоқда. Компьютерда сақланаётган маълумотлар кўпинча қоғозда сақланмайди. Компьютер амалда нафақат раҳбарларнинг, ҳатто оддий ходимлар иш столининг таркибий қисмига айланмоқда.

Бу жараённинг натижаларидан бири компьютер маълумотларини ишлатиш соҳасида жиноий хатти-ҳаракатлар юз бера бошлади, бу эса мана шу соҳада содир этилган жиноятлар учун жиноий жавобгарликни қонун асосида қатъий белгилаб қўйишга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191-моддасига биноан сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки шу каби ахборотларни рухсатсиз тўплаш ва ошкор қилиш, шунингдек бунинг орқасида кўп миқдорда зарар етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. ЖКнинг 174-моддасига биноан компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурларни ўзгартириш мақсадида тегишли рухсатсиз компьютер вируслари ёки дастурларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, шунингдек, рухсати бўлмагани ҳолда ахборот тизимидан фойдаланиш маълумотларининг бузилиши, олиб ташланиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бу тизимнинг ишдан чиқишига сабаб бўлиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Компьютердаги маълумотларни кўпинча «анъанавий» бўлиб қолган ўзлаштириш, фирибгарлик, қалбаки пул ясаш, сохта ишбилармонлик ва бошқаларда қўллайдилар, масалан: тўлов ҳужжатларини соҳталаштириш; ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли билан нақд ва нақд бўлмаган пул маблағларини ўғирлаш; пулларни ўзлаштириши (ошкоралаш); тегишли пулларни иккинчи маротаба олиш; қалбаки ёки ўғирланган электрон тўлов воситалари ёрдамида (кредит карта) харидлар қилиш; махфий маълумотларни сотиш ва бошқалар учрамоқда.

Компьютерда шахслар, ашёлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тўпланади ва тизимга солинади.

ЭҲМдаги, ЭҲМ тармоғидаги – компьютер маълумоти ҳам жиноят содир этилиши объекти (компьютернинг ўғирланиши, машина вақтидан ноқонуний фойдаланиш) ёки воситаси (ЭҲМдан маълумот

йиғиш учун, ҳужжатларини қалбакилаштириш учун) фойдаланиш бўлганда ҳам тергов қилиш жараёнида аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Программалаштирилган маҳсулотлар жиноят объекти сифатида ҳам (ноқонуний кўчириш, бузувчи программалар - вируслар ёрдамида зарар етказиш), жиноят содир этиш қуроли сифатида ҳам (тармоққа рухсатсиз кириш, маълумотларни бузиш ва қалбакилаштириш) ишлатилиши учрайди.

Компьютер маълумоти бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: машинкада босиб чиқарилган; магнит, оптик ва бошқа омиллардаги тўплагичлар; ЭҲМ хотирасидаги тезкор маълумотлар баъзаси. ЭҲМга маълумот стандарт (клавиатура ва тўплагичлар), эластик ва қаттиқ магнит дисклари ҳамда ностандарт («сичқон», диджитайзер, сканер, ўхшашлик асосидаги рақамли ўзгартиргич) мосламалар орқали киритилади.

Маълумотни чиқариш мосламасининг блоки компьютер ишининг натижаларини истеъмолчи учун одатий мосламалари - монитор (дисплей), принтер, модем, плоттер (графокурувчи) ва бошқалар қабул қилиш имконини яратади. Маълумотларни узоқ муддатли ва ишончли асраш учун кўпгина мосламалар ишлаб чиқилган: магнит ва магнитооптик диск тўплагичлар ва ҳоказо.

Компьютерда жиноят содир этиш усулларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Ушлаб олиш усуллари Маълумотларни бевосита тутиб олиш бевосита телефон тармоғи орқали, ёки компьютер тармоқларига уланиш орқали амалга оширилади. Барча маълумот ёзиб олинади. Яширинча эшитиш объекти бўлиб турли тармоқлар хизмат қилади - кабель ва ўтказувчи**,** ер усти микротўлқинлар, спутник ва ҳукумат алоқалари.

Маълумотларни электромагнит ёрдамида, бевосита алоқасиз ишлайдиган асбоблардан: марказий процессор, дисплей, телефон, принтер, мик-

ротўлқинлар алоқаси орқали ушлаб олиш мумкин. Жиноятчилар автомашинадан ёки портфелдаги приёмник билан бинодан узоқ бўлмаган жойдан, бировнинг эътиборини тортмасдан ЭҲМ хотирасидаги ёки иш жараёнида ишлатувчилар маълумотларни осонлик билан билиб олишлари мумкин. Экспериментлар пайтида бир бирига яқин жойлашган 25 дисплей терминалидан бир пайтда чиқарилаётган маълумотларни олиш ва ҳар бир экранга чиқарилган маълумотларни ажратишга муваффақ бўлинди. Агар телевизорга видеомагнитофон уланса, маълумотларни нафақат тўплаш, кейинчалик бемалол таҳлил қилиш ҳам мумкин.

Баъзан кичик микрофонлар компьютерларга ходимларнинг ўзаро гап-сўзини эшитиш мақсадида яширин ўрнатилади.

«Ахлатни йиғиб олиш» деб номланган усул компьютер билан ишлагандан сўнг истеъмолчи қолдирган маълумотларни ахтаришдан иборат. Ахлат соладиган саватларнинг ичидаги ёзишмаларни йиғиш каби электрон йўл билан сақланиб қолган маълумотларни излаш иш тугаллангандан сўнг ўчирилмаган маълумотларни танлаб аввалги ёзувларини ёзиб олишда ифодаланади.

Бепарволик билан очиқ қолган ёхуд ёпиқ хона ва терминалларга кириш учун фойдаланилади. Бу физик йўл рухсати йўқ шахснинг компьютер терминали ҳақиқий истеъмолчисининг йўлларига телефон каналлари орқали (интернет) боғланганда ёки истеъмолчи терминални фаол режимда қолдириб кетганда амалга ошади. Бундай йўллардан бири «думидан ушлаб» дейилади: рухсати йўқ истеъмолчи алоқа йўлларига уланади, сўнгра иш тугашини билдирувчи ишорани кутади, уни ушлаб олади ва истеъмолчи ишни тугатгач тармоққа кириб олади.

«Компьютерни исканжага олиш» усулида таваккалига биринкетин рақамларни териб, симнинг нариги учида бегона компьютерни жавоб бериши кутилади. Шундан сўнг телефон ЭҲМдаги сигналлар қабул

қилиш қурилмасига уланади ва алоқа ўрнатилади. Фақат кодни топиш қолади.

«Ниқобланиш» ёки «қаллоблик» - ўзини ҳақиқий истеъмолчи деб кўрсатиб компьютер тармоғига киришдан иборат. Уни амалга оширишнинг энг осон йўли ҳақиқий истеъмолчиларнинг код ва шифрларини қўлга киритишдир. Масалан, шахс компьютерларининг истеъмолчиларига унинг телефон рақами ўзгарганлигини билдириб, янги рақамни жўнатади. Сўровнома жўнатаётган истеъмолчи ўз шахсий кодини теради ва ундан шахс ўз мақсадларида фойдалана олади.

Шунингдек, Мистификация деб номланган усул ҳам бор. Хусусан, қайси тармоқ билан уланмоқчи бўлса, ўша тармоқ билан боғланганига юз фоиз ишонган олисдаги терминал истеъмолчиси ногаҳон кимнингдир тармоғига уланади. Бу тармоқ эгаси, ҳаққонийга ўхшаш жавоблар бериб, бу янглишувни бирмунча вақт билдирмай туриши ва шу пайтнинг ўзида баъзи бир маълумотларни, хусусан кодларни билиб олиши мумкин.

«Ҳалокат» усулида компьютер марказида ЭҲМ ишида оғиш ёки бошқа четланишлар юз берган чоғда ишлатиладиган махсус программа мавжудлигидан фойдаланилади. Бундай программа ёвуз ниятли одамнинг қўлида қудратли ва хавфли қуролдир. Шу йўл билан Нью-Жерсидаги банкдан катта пул миқдори ўғирланган эди.

«Деворсиз омбор» усулида рухсатсиз кириш тармоқ бузилиши натижасида амалга оширилади. Масалан, истеъмолчининг баъзи файллари очиқ қолса маълумотлар банкининг унга тегишли бўлмаган қисмларига кириш имконияти вужудга келиши мумкин.

«Троян оти» усули программанинг иш қобилиятини ўзгартирмасдан муайян вазифаларни амалга оширувчи буйруқларни бегона программага киритишдан иборат. Бу усул билан жиноятчилар одатда ўз ҳисоб рақамларига ҳар бир операциядан муайян пул миқдорини чегири-

шади. Бу усуллардан бири «салями» деб аталади, бунда чегирмалар миқдори кичик бўлади ва уларнинг йўқотилиши амалда сезиларли эмас (масалан, ҳар бир операциядан 1 доллар)

«Бомба»-муайян бир шароитда ёки муайян бир вақтда ўз-ўзидан ишлаб кетиши керак бўлган (ёки ҳар сафар ишлаб кетадиган) буйруқлар тўпламини программага киритиш усулидир.

Жиноят усулининг энг қулай йўлини танлаш учун жиноятчилар аралашишни ҳоҳлаган жараёнларининг моделини тузадилар ва тажовуз қилиш ва уни яшириш усулларини режалаштирадилар. Бунинг йўлларидан бири - реверсив моделдир. Бунда аниқ тармоқ модели ясалади, унга ҳақиқий бошланғич маълумотлар киритилади ва режалаштирилган ҳаракатлар ҳисобга олинади. Олинган тўғри натижалардан ҳақиқатга ўхшашларининг кераклиси танлаб олинади. Сўнгра моделни қайтариш йўли билан натижаларни аниқлайдилар ва бошланғич маълумотлар билан қандай ўзгартиришлар киритишни аниқлайдилар.

«Варрак» - кўпроқ қўлланиладиган усул. Бир нечта банкда кўп маблағ қўйилмаган ҳисоб рақами очилади ва пулни бир банкдан иккинчисига секин-аста кўпайиб борувчи пул миқдори ўтказилади. Фирибгарлик шундан иборатки, пул ўтказиш хабарномаси зарур маблағ билан таъминланмаганлиги банкда аниқлангунча биринчи пул ўтказиш ҳақидаги талабномадаги пул маблағини қоплайдиган умумий маблағини бу банкка ўтказиш ҳақида хабарнома келади. Бу кўп маротаба, ҳисоб рақамида дурустгина маблағ йиғилгунча давом этади. Сўнгра пул тезда ҳисобдан олинади ва ҳисоб рақамининг эгаси ғойиб бўлади.

Қоида бўйича компьютер билан боғлиқ жиноятларда бир неча усул бирга олиб борилади.

Криминалистик тавсифнинг кейинги таркибий қисми бўлиб жиноятчининг шахси хизмат қилади. Компьютер соҳасида жиноят содир этувчи-

ларни адабиётда уч гуруҳга бўлиш қабул қилинган деса бўлади.

Компьютер соҳасида жиноятларнинг пайдо бўлиши «хакерлар» билан боғлиқ. Аввал уларнинг мақсади программалашган маҳсулотнинг муҳофазасини «бузиб» қўйишдек қийин масалани ечиш билан ёки ўз иззат-нафсини қондириш, ҳазиллашиш учун компьютер вирусларини яратиш билан боғлиқ фақатгина оддий қизиқиш сифатида рўй берган. Хакерларни ўзига хос компьютер ишқибозлиги билан биргаликда юқори даражадаги моҳирлик ажратиб туради. Гуруҳга кўпчилиги ўткир ақл-идрокка эга бўлган ва ностандарт тафаккури билан ажралиб турадиган профессионал программистлар киради. Ўз компьютер тармоқлари учун хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш ва бегона воситаларни «бузиш» улар учун ягона вазифани ўтайди ва бу жараён уларга ўзича завқлидир. Секин-аста улардан баъзилари ўз ишидан бир қанча моддий фойда олишга ўтадилар.

Профессионал жиноятчиларнинг қилаётган ишларида ғаразли ниятлар яққол ифодаланган. Улар барқарор жиноий маҳоратга эга. Мазкур жиноятларни кўп маротаба содир этадилар ва уларни албатта яшириш ҳаракатлари билан бирга олиб боришади. Булар одатда техник жиҳатдан жуда яхши таъминланган, уюшган жиноий гуруҳ ва тўдага кирувчи, олий математик, муҳандис-техник ёки иқтисодий маълумотли юқори малакали мутахассислардир. Бу гуруҳ ҳиссасига мансаб, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш, ўта катта миқдордаги маблағларни ўғирлаш, фирибгарлик билан боғлиқ ўта хавфли жиноятлар тўғри келади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, бу соҳа жиноятчисининг тавсифини бериш мумкин. Уларнинг кўпчилигини эркаклар ташкил этади (тахминан 80 фоиз), лекин компьютер техникасини эгаллаш билан боғлиқ жиноятларда аёллар ҳиссаси котибалар, иш юритувчилар, ҳисобчилар, ғазначилар ҳисобига жуда тез кўпаймоқда. Кўпчилик қонунбузарларнинг ёши 15-45 ёшни ташкил этади, 33 фоиз жиноятчиларнинг ёши 20дан ош-

майди.

Тажовуз қилиш сабаблари ва мақсадлари орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ғаразли (маблағлар ва мол-мулкни ўзлаштириш), сиёсий (жосуслик, мамлакатнинг молиявий, пул-кредит ва валюта тизимини кўпоришга қаратилган), тадқиқотчилик эҳтиёжи, безорилик ва шўхлик, қасос ва бошқа истаклар.

Криминал тавсиф тизимида жабрланган томон ҳақидаги умумлаштирилган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Жабрланган томон ҳақидаги маълумотлар криминалистик жиҳатдан шубхасиз муҳимдир, чунки жиноятчининг шахсини, уни қидириш керак бўлган шахслар доирасини тўлиқроқ тавсифлашга имкон беради. Одатда жиноятчи жабрланувчи томонини ўз тажовуз объекти сифатида танлаши тасодифий эмас.

Компьютер соҳасидаги жиноятчилик бўйича халқаро қўмитанинг маълумотлари бўйича бу турдаги ҳаракатлар жиддий хавф туғдиради. Масалан, техник-ҳисоблаш тизими кўзда тутмаган техник ҳолатнинг ёки жиноятнинг вужудга келиши энг катта банкни ҳам бир неча кун ичида молиявий инқирозга олиб келиши мумкин.

Жабрланганларни уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин: компьютер тизимининг эгалари, улар хизматидан фойдаланаётган мижозлар ва бошқа шахслар. Айниқса биринчи гуруҳга тегишли бўлган жабрланувчилар компьютер маълумотлари ҳаракатлари соҳасидаги жиноий ҳодисалар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўп ҳолларда қуйидаги сабабларга кўра ноиложликдан хабар берадилар ёки хабар бермайдилар: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг бу масалада тажрибасизлиги; тергов оқибатида келтириладиган зиён етказилган зарардан ортиб кетишидан хавфсираш ва шу билан бирга фирманинг обрўсига путур етиши; суд жараёни вақтида ташкилот хавфсизлиги тузилишининг ошкор этилишидан ҳадиксираш; ўзининг ноқонуний ҳаракатларини аниқланишидан

қўрқиш, мансабдор шахсларни тергов натижаларининг бири уларнинг профессионал яроқсизлиги (тажрибасизлиги) ҳақидаги хулоса бўлишидан ҳадиксираш; мавжуд маълумотларнинг ҳақиқий қийматини тушунмаслик. Бу ҳолатлар шубҳасиз шу турдаги жиноий ҳаракатларни содир этиш имконини яратади.

2-§. Тергов тактикасининг хусусиятлари.

Ушбу соҳадаги жиноятларни тергов қилишда уч хил вазиятни учратиш мумкин:

1) ҳамма нарса аниқ – жиноятнинг хусусияти ва ҳолатлари маълум (масалан: қандай вирус ва қай йўл билан компьютер тармоғига киритилган) ва жиноят жабрланувчининг ўз кучи билан аниқланган, жиноятчи маълум ва қўлга олинган, ўз айбига иқрор бўлган вазият;

2) Жиноятни содир этиш усули маълум, аммо жиноят механизми қисман ноаниқ, масалан компьютер тармоғи ҳимоясининг заиф жойлари орқали фойдаланувчиларни интернет файлларига ноқонуний кирганларида жиноятчининг шахси аниқ бўлиб, аммо у яширинган;

3) фақатгина жиноий натижа аниқ, масалан, банк компьютер тармоғини ишдан чиқариш; жиноятчининг шахси ва жиноят механизми ноаниқ.

Биринчи ҳолатда компьютер тизимига ноқонуний кириш ва юзага келган натижалар ўртасида алоқа борлиги (ишдан чиқиш, компьютерга вирус тушириш ва бошқалар), келтирилган зарарнинг ҳажмини аниқлаш зарур. Иккинчи ҳолатда – юқорида қайд этилган вазифалардан ташқари, жиноятчини қидириш ва қўлга олиш зарур. Ниҳоят, энг ноқулай (учинчи) ҳолатда жиноят механизмини аниқлаш зарур.

Тергов тактикасининг бир қисми бўлган компьютер информацияси-

ни ошкор қилиш, фиксациялаш ва олиб қўйиш тўғрисида тўхталиб ўтсак, аниқроғи: жиноят содир этилган жой, бинони, буюмларни, ҳужжатларни кўздан кечириш, тинтув қилиш (шунингдек ўша жойдаги ва бинодаги шахсий тинтув), олиб қўйиш (буюмларни, ҳужжатларни, почта-телеграф корреспонденциясини, давлат сирини ўз ичига олган ҳужжатларни), телефон ва бошқа сўзлашувларни яширин эшитиш тўғрисида. Бу тергов ҳаракатларини амалга оширганда компьютердаги маълумотни йўқ қилиш ёки унга зарар етказишга йўл қўймайдиган компьютер маълумотини қидиришни тактик тўғри бажариш, керакли маълумотни топиш; қайд этиш ва процессуал меъёрга мувофиқ олиб қўйиш керак.

Тергов, тафтиш ёки олиб қўйишга тайёргарлик кўришда терговчи қарор қабул қилади. Бу эҳтиёж компьютер ҳаракати соҳасидаги жиноят таркиби белгиларидан ташқари қуйидагиларга асосланган бўлиши мумкин:

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчилар, баъзи гувоҳлар ҳисоблаш техникаси ва информатика соҳасида махсус маълумотга, шунингдек шахсий компьютер техникасига эга бўлса;

иш материаллари ҳужжатларида ЭҲМ орқали ёзилган ҳужжатларнинг борлиги (сўровномаларга жавоб, айбланувчи ёки жабрланувчи тарафидан олинган маълумотномалар);

компьютер маълумотини тарқатувчи буюмларни ўғирлаш;

юқорида кўрсатилган шахсларни ҳисоблаш техникаси, программалаштириш билан қизиқиши ёки уларнинг шундай қизиқишга эга бўлган шахслар билан алоқаси борлиги.

Кўздан кечириш ёки тинтувга тайёргарлик кўриш чоғида ишлатилаётган ЭҲМнинг тури ва конфигурацияси тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотга эга бўлиш зарур; маҳаллий ёки глобал тармоққа (интернетга) уланганлиги; информациявий хавфсизлик ва ноқонуний фойдаланишдан

ҳимоя хизмати мавжудлиги; ҳисоблаш техникаси ўрнатилган жойдаги электр таъминлаш тизими; фойдаланувчилар малакаси; ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатувчи ходимлар тўғрисида маълумот тўплаш зарур. Бундай маълумотга эга бўлиш терговчига компьютерда сақланаётган маълумотга эга бўлишни енгиллаштиради ва унинг далилий кучини максималлаштиради.

Компьютер маълумотини тезда йўқ қилиш мумкин бўлганлиги учун қўққисдан қилинган тинтув ёки тезкорлик билан ўтказилган кўздан кечириш кўпинчалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар компьютерларда маҳаллий компьютер тармоғи ҳосил қилганлиги тўғрисида маълумот олинса, бу тармоққа уланган барча компьютер техникаси жойлашган жойни аниқлаш ва ЭҲМ ўрнатилган барча жойларда бир вақтнинг ўзида тинтув ташкил қилиш зарур. Тинтувдан (кўздан кечириш)дан аввал компьютер информациясини йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш имкониятини олдини олувчи чоралар кўриш лозим. Бунинг учун кўздан кечириш пайтида ЭҲМни электр қуввати билан узлуксиз таъминлаш, кўздан кечириш ёки тинтув ўтказилаётган жойдан бегоналарни чиқариб юбориш ва ҳеч кимни қўймаслик; қолган шахсларни ҳисоблаш техникаси ва электр токи таъминоти мосламаларига тегиш имкониятидан маҳрум қилиш учун чоралар кўриш зарур. Агар объектда портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли моддалар, электромагнит нур тарқатувчи буюм ва аппаратлар бўлса, уларни бартараф қилиш керак. Кўздан кечириш ёки тинтувни информатика ва ҳисоблаш техникаси мутахассиси билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Холислар сифатида ҳам ЭҲМда ишлаш билан таниш бўлганларни таклиф қилиш фойдадан ҳоли эмас.

Маълумотни фақат компьютердагина қидириб қолмасдан, ҳамма ҳужжатларни, (қоғоз парчаларигача), синчиклаб кўздан кечириш зарур, чунки программистлар кўпинча, ўз хотираларига ишонмасдан қоғозда па-

роллар, конфигурация тизимлари ҳақидаги ўзгаришлар, компьютер маълумот базаси тузилиши хусусиятлари тўғрисида ёзувлар қолдиришади. Кўпгина фойдаланувчилар компьютер ишдан чиққанда маълумотларни йўқотмаслик учун файллар нусхаларини дискеталарда сақлашади. Шунинг учун, топилган барча маълумот тарқатувчи буюмлар олиниб текширилиши керак.

Фақат санаб ўтилган тайёргарлик чораларидан сўнггина терговнинг кейинги босқичига ўтиш керак. Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, оддий қоидаларга амал қилмаслик оқибатида терговчининг компьютер маълумотини йиғиш борасидаги фаолияти ўз мақсадига эришмайди. Тинтув пайтида, гумон қилинувчи тезкор тергов гуруҳи аъзоларига сездирмасдан ЭҲМ кучланиши тумблерини мурувватини 220 дан 115 га ўзгартириб қўяди. Таъминот блоки ёқилганда бироздан сўнг ишдан чиқади ва компьютер умуман ишламаслигига сабаб бўлади.

Компьютер маълумотини қидириш тактикаси, биринчидан, маълумотнинг ҳимояланиш даражаси, иккинчидан, тергов ҳаракатлари даврида компьютернинг ва периферия мосламаларининг функционал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда танланиши зарур.

Компьютерни юқори даражада ҳимояланганлигига ноқонуний маълумотдан фойдаланишга қарши ва ёки сертификатланган махсус ҳимоя воситаларининг мавжудлиги; компьютер тизими жойлашган ҳудуд ва биноларни (техник воситалар ва махсус персонал ёрдамида), узлуксиз қўриқлаш, жиддий кириб-чиқиш режимларини қўллаш, биноларни махсус жиҳозлаш; маълумот муҳофазаси маъмурияти мавжудлиги, нормал ишлаши ва иш назорати гувоҳ бўлади.

Ҳимояланишнинг паст даражаси компьютердан фойдаланишнинг оддий алгоритми (масалан, маълумотлар фақат пароль билан ҳимояланган), уни енгиб ўтиш тўғрисидаги ишончли маълумотлар олиш билан

ифодаланади, бунда маълумотга етишиш учун махсус воситалар ишлатилмайди.

Компьютер маълумотларига ноқонуний эришишга қарши ҳимояни енгиб ўтиш терговчи фаолиятида энг масъулиятли ишларидан биридир. Айнан нотўғри муомала натижасида маълумотлар (махсус программалар ёрдамида) йўқ қилиниши, шу жумладан ўз-ўзидан, ўзгартирилиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш чоғида компьютернинг ҳимоя даражасини (ҳимоя воситалари, пароллар, муҳим сўзлар ва ҳоказо) иложи борича аниқ ва тўлиқ аниқлаш зарур.

Бир тарафдан, программалаштириш ва ҳисоблаш техникаси мутахассисларининг умумий фикрларига кўра, ҳимояни тўла кафолатлайдиган техника ва программа воситалари бугунги кунда мавжуд эмас. Шу боис, умуман олганда, маълумот излашда ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш мумкин. Бошқа тарафдан, мавжуд ҳимоя воситалари шунчалар хилма-хил ва улар ҳар-хил алгоритмлар ва ҳимояланиш кўринишига эгаки, уларни енгиб ўтиш учун кўп вақт талаб қилинади. «Хакерлар» орасида бирор мақсадга эришиш ҳимоясини енгиб ўтиш юқори маҳорат саналади.

Компьютер маълумотларини ҳимоялашнинг сабаблари турлича. Жиноятни тергов қилиш ва очишга тўсқинлик қилиш мақсадидан ташқари истеъмолчилар маълумотларини ЭҲМда ишловчининг етарли билим ва маҳоратга эга эмаслиги ва бетартиблигидан ҳимоялашади. Компьютер маълумотларини ҳимоялаш идентификация (истеъмолчини аниқлаш) ва аутентификация (аслига тўғрилигини текшириш) йўли билан амалга оширилади. Иккинчи тараф субъект ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилади. Аслига тўғрилик паролни билиш, шахсий идентификация номери, криптографик калит; шахсий карточка ёки шу каби мослама; овоз, бармоқ излари ва бошқа биометрик хусусиятлар билан тасдиқланади.

Пароллар аввалдан операциявий тизим ва бошқа сервис программа-

ларга ўрнатилади. Тўғри ишлатилганда, улар кўпгина ташкилотларга хавфсизликнинг мақбул даражасини таъминлай олади. Шундай бўлса-да, хусусиятлар мажмуи бўйича улар аслига тўғриликни тасдиқловчи энг заиф воситадир. Паролларнинг ишончлилиги уларни эсда сақлаш ва сир тутиш қобилиятига асосланган. Пароль эсда қоладиган бўлиши учун уни оддий тузишади, бироқ қонуний истеъмолчиларнинг қизиқишлари, танишлари доираси аввалдан ўрганиб чиқилса, паролни топиш қийинчилик туғдирмайди. Баъзи пароллар бошидан сир тутилмайди, чунки улар ҳужжатларда кўрсатилган стандарт маънога эга бўлади ва тизим ўрнатилганда ҳар доим ҳам ўзгартирилмайди. Паролни киритишни оптик воситалар ва процессор ва монитор тарқатувчи электромагнит нурни қўлга олиш мобайнида аниқлаш мумкин.

Компьютер техникасини кўздан кечириш ёки тинтув пайтида пароль ёрдамида ҳимоя қилишнинг анализи компьютерда топилган криминалистик маълумотнинг ҳақиқий эгасини аниқлашда терговчига ёрдам бериши эҳтимоли каттадир. Бошқача қилиб айтганда, пароль тизими ишончлилиги қанча катта бўлса, унинг ҳақиқий эгаси кимлигини ишонч билан аниқлаш мумкин бўлади ва топилган маълумотнинг далилий кучи шунча юқори бўлади.

Қоғозсиз технология машинавий тарқатувчилар ёки алоқа тармоқлари орқали ҳужжатлар алмашинувида бир қатор афзалликларга эга. Аммо бунда ҳужжат муаллифи ва ҳужжатни идентификациялаш муаммоси туради. Одатий (қоғозли) технологияда бу нарса ҳужжатдаги маълумот жисмоний тарқатувчи (қоғозли) билан узвий боғлиқ. Бу муаммо қисман «рақамли имзо» ишлатиш орқали ҳал этилади. Технология шундан иборатки, ҳужжатни тузган шахс, уни махсус программа – электрон калит ёрдамида кодлаштиради. Бунда иккита калит қўлланилади. Биринчиси, сир тутилмагани, шифровка учун ишлатилиб, истеъмолчининг адреси би-

лан бирга эълон қилиниши мумкин, иккинчиси, махфий расшифровка қилиш учун ишлатилиб, фақатгина бир шахсга маълумдир. Бу программа одатда, ҳужжатнинг муаллифи ёки жўнатилган тарафга маълум бўлиб махсус дискетада сақланади. Рақамли имзо иккита функцияни бажаради-маълумотнинг дахлсизлигини таъминлайди ва ҳужжат муаллифининг шахсини тасдиқлайди. Криптографик ҳимоя компьютер ёки магнит тарқатувчидаги маълумотнинг махфийлигини таъминловчи энг ишончли воситалардан саналади. Шуни ёдда тутиш керакки, тасарруфда компьютер ёки магнит тарқатувчи бўлса-да, электрон калит топилмаган бўлса, маълумотни «ўқиш» ва муаллифни идентификациялашнинг иложи бўлмайди.

Криптоалгоритмларни ишлатишдан ташқари яна бир қатор шифротекст анализи ва уни очишга уринишнинг турли шароитларини инобатга олувчи программалаш воситалари мавжуд. Уларга қисман, маълумотни магнит тарқатувчиларни шифрлашдан ташқари клавитура ва ЭҲМ экрани фаолиятини вақтинча тўхтатувчи (қимматли маълумотни йўқ бўлиб қолиши), шунингдек, винчестер виртуал дисклари ёки файллар даражасида маълумот объектларини ҳимоясини кўзда тутувчи Norton Utilities пакетидаги Diskreet программасини мисол қилиш мумкин. ЭҲМнинг нормал иш фаолиятини давом эттириш учун пароль киритиш керак бўлади.

Машинавий маълумотга етишишни бошқарувчи барча ҳимоя программалари саволга жавоб бериш принципи бўйича ишлайди: ким, қандай операциялар ва қандай маълумотлар билан ишлай олади. Маълумотдан фойдаланиш қуйидагича белгиланиши мумкин:

- умумий (албатта ҳар бир истеъмолчига тақдим этилган имконият);

- рад (қатъий рад, масалан, маълумотнинг бир қисмини йўқ қилишга рухсатни);

- ҳодисага боғлиқ (ҳодиса томонидан бошқарилувчи);

- истеъмолчи мурожаатини блокировка қилиш, масалан, маълум вақт оралиқларида ёки маълум бир терминал компьютер тизимларига мурожаат қилганда;

- маълумотлар мазмунига боғлиқ (бу ҳолатда маълумотдан фойдаланиш маълумотларнинг жорий моҳиятига асосланади, масалан, баъзи бир истемолчиларга у ёки бу маълумотларни ўқиш тақиқланади);

- ҳолатга боғлиқ (компьютер тизимини динамик ҳолатидан), ҳимоя тизими ва программаларни бошқарувчи компьютер тизимининг жорий ҳолатига боғлиқ ҳолда амалга оширилади;

- такрорлашга боғлиқ (масалан, истеъмолчига фақат бир ёки муайян маротаба маълумотдан фойдаланишга рухсат берилади);

- истеъмолчининг исми ёки бошқа белгилари бўйича (масалан, истеъмолчи 18 ёшга тўлган бўлиши керак);

- ваколатларга боғлиқ, яъни тақдим этилган режимга биноан мослама, маълумот, программаларга мурожаат этиш, масалан, «фақат ўқиш», «ўқиш ва ёзиш», «фақат бажариш»га рухсат берилиши мумкин.

Аввалги мурожаат ва маълумотлардан фойдаланишни бошқариш билан аввалги мурожаатлар ва маълумотлар орасидаги семантик алоқани инобатга олувчи ваколатларга боғлиқ (программа аввалги сўровномаларни ўз ичига олувчи контекст таҳлилини, жорий сўровнома муҳитини ва маълумотлар ўртасидаги семантик алоқаларни анализ қилади);

Рухсатнома бўйича (пароль ёки бошқа идентификатор: карточка, нишон ва ҳоказо бўйича) идентификация остида компьютер тизимига кираётган истемолчининг ҳаққонийлигини аниқлаш тушунилади;

Таомил бўйича (бу ҳолатда тизим ўз тартибига эга: маълумотлар хавфсизлигини таъминловчи ўз қоидаларини автоматик равишда жамлайди).

Янги электрон технологияларга электрон калитларни ишлатиш ки-

ради. Электрон калит катталиги гугурт қутисидан катта бўлмаган микросхемада ишланган хотирали мосламадир. Компьютерни кўздан кечириш пайтида ҳимояланган программа ишлатилса, у ўз калити мавжудлигини текширади. Калит топилса, программа бажарилади; акс ҳолда хато тўғрисида маълумот пайдо бўлади ва иш жараёни тўхтатилади. Калитнинг ўзи принтер уланадиган портга киргизилади ва осонликча чиқарилади.

Шундай қилиб, тезкор маълумотни мавжудлиги ва қўлланилиши, кўпинча ЭҲМдаги қидирувда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бироқ, ҳимояни муваффақиятли енгиб ўтиш компьютердаги далилларни йиғиш муаммоларини ҳал қилмайди. Компьютер маълумотини қидириш, кўздан кечириш ёки тинтув пайтида ЭҲМ ва унинг периферия мосламаларининг функционал ҳолатига боғлиқ бўлади. Маълумот доимий тарқатувчида ёки ЭҲМнинг фақат иш даврида сақланиши мумкин, шунинг учун терговчи тергов ҳаракатлари бошида компьютер ёқилган ёки ўчирилганлигидан келиб чиққан ҳолда турли тактик усуллар қўллаши лозим.

Компьютер ёқилганда электрон мосламалар маълумот ва программалар учун мўлжалланган «жорий хотира» ҳажмини ташкил этади ва уларнинг иш жараёнида хотирада сақлаб туради. Компьютер ёқилганда бирор программа билан ишлашни тугатганда ОЗУ тозаланади ва янги маълумотларни киритишга тайёрланади. Компьютернинг иш жараёнида ОЗУ махсус программалар воситаларида программа ва маълумотларни алоҳида сақлайдиган махсус қисмларга бўлинади. Бундай қисмларнинг ичида, истеъмолчининг хоҳишига кўра ташқи мослама - маълумот тўпловчига ўхшаш махсус қисм ажратилиши мумкин. Бу тўпловчи қисм («виртуал диск» ёки «псевдодиск») маълумотга етишишни катта тезлиги ва ЭҲМ мосламалари билан программа алмашиш борасидаги махсус операцияларни тез бажариш билан ажралиб туради. Компьютер ишлаётганлигига система блоки панелидаги индикаторларни ёниши, липиллаши, тум-

блерларнинг ҳолати, дисплейдаги тасвир, кичик вибрация ва вентиляторларнинг ичидаги паст овоз гувоҳлик беради.

Агарда компьютер кўздан кечиришдан аввал ёқилган бўлса, у ҳолда дисплейда тасвирланган маълумотни тўғри баҳолай олиш керак. Биринчи навбатда қандай программа бажарилаётганлигини аниқлаш керак. Стандарт программа ишлаётганда (масалан, экранда Norton Commander ёки Windows программалари тасвирланган бўлса), техник воситаларни кўздан кечирмай туриб ҳар хил манипуляцияларни бажармаслик керак. Дисплей экранини суратга олиш лозим. Компьютерга уланган барча телефон линияларни ўчириб қўйиш зарур. Керак бўлса, система блоки қопламасини очиб, ЭҲМ конфигурациясини визуал усулда аниқлаш, электрон платаларни жойлашиш тартибини ёзиб олиш керак. Бу қоидаларга амал қилиш маълумот базаси ва аппарат воситаларини ишдан чиқиши ва уларга зарар етказишдан сақлайди. Бундай воситаларга электрон калитлар, «радиозакладка», товуш ўчиргичлар ва бошқалар кириши мумкин. Аппарат воситаларини кўздан кечирганда ушбу тергов ҳаракати, (тинтув) қатнашчиларига номаълум воситалар (кенгайтириш платалари, ностандарт боғлама ва бошқалар) учраса, компьютер дарҳол ўчирилиши керак. Бу ҳолатда таъминот блоки тумблерини ўчирмай туриб вилкани розеткадан чиқариш керак. Сўнгра симларни узишдан аввал барча портлар, уланиш тизими ва қисмларини кейинчалик кабель, кенгайтириш платаларини ва бошқа мосламаларини аниқ ўз ҳолига келтира олиш учун белгилаб қўйиш зарур.

Агар процессорнинг конфигурацияси стандарт бўлса, жорий пайтда бажарилаётган программа билан ишлашни тўғри якунлаш ёки у билан ишлашни кўшимча, балки қидирилаётган маълумотлар чиққунча давом эттириш зарур. Кўздан кечиришда (тинтувда) ҳозир бўлганларга терговчи мутахассисларнинг ЭҲМ манипуляцияси давридаги барча хатти-ҳаракатларини тушунтириб бериши керак. Маълумот базасига яққол ва

енгил изоҳларсиз киришга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай клавишани босилиши ёки «сичқон»нинг ҳаракати изоҳланган бўлиши керак.

Агар маълумот қидируви учун терговчи ишлатаётган, лекин компьютерда бўлмаган программа маҳсулотлари ишлатилса, бу нарса текширув ёки тинтув баённомасида қайд этилиши керак. Бундай программалар стандарт бўлиши керак. Назорат яққоллиги, яъни, программа ишининг асосий этапларини дисплей экранида кўриниши, терговчи ва мутахассиснинг изоҳ бериши зарурдир. Холисларнинг максимал фаоллиги қидирилаётган программа, текст ёки график ҳужжат эмас, балки аудио ёки видеоролик (вербал ёки визуал маълумот) бўлиши мумкинлиги учун жуда муҳимдир. Программа ишининг бундай натижаси бетакрор бўлиб, баённома ёрдамида қайд этилади.

Қидирилаётган маълумот топилганда дисплейнинг жорий тасвири суратга туширилиши ва стандарт воситалар ёрдамида маълумотни доимий тарқатувчига (одатда - магнит диск) ёзиб олиш ёки принтер орқали қоғозга чиқариш зарур.

Компьютерни ёқиб ўчириш ва улар билан манипуляция қилиш фақат ҳисоблаш техникаси мутахассиси иштирокида бажарилиши мумкин. Агар объектда электр таъминоти ўчириб қўйилган бўлса, масалан ёнғин ёки портлаш билан боғлиқ, уни ёқишдан аввал компьютер ва ҳамма периферия мосламалари ўчирилганлигини текшириш керак. Объектда мавжуд барча компьютерлар (ёки хотира блоклари) ва магнит тарқатувчилар олиб қўйилиши керак. Уларни объектда ёки бегоналар кириши мумкин бўлган ерларда сақлаш мумкин эмас. Магнит тарқатувчилардаги маълумот жиноятчи томонидан осонгина йўқ қилиниши мумкин. Бу ҳолатни визуал йўл билан аниқлаб бўлмайди.

Компьютер ва унинг мосламалари муҳрланади: разъемларга қоғоз қўйиб, эгаси ёки эксперт йўқлигида фойдаланишнинг олдини олиш учун

унинг четларини компьютернинг ён деворига қуюқ клей ёки ёпишқоқ лента ёрдамида маҳкамланади. Магнит тарқатувчилар турли ҳил электромагнит ва магнит майдонларнинг таъсири ва йўналтирилган нур тарқатишнинг салбий таъсирини олдини олиш учун махсус экранлаштирилган контейнер ёки футлярларда сақланади. Фақат контейнер ва футлярларгина муҳрланади. Изоҳловчи ёзувлар дискетага ёпиштирилувчи махсус этикеткаларга ёзилади. Бунда аввал этикеткага ёзув туширилади ва сўнгра дискетанинг махсус мўлжалланган ерига ёпиштирилади. Агар дискетада ёзувли этикетка мавжуд бўлса, у ҳолда фақат тартиб рақами қўйилади, изоҳловчи ёзувлар эса шу рақам остида алоҳида вараққа ёзилиб, коробкада сақланади. Магнит тарқатувчиларни бевосита каноп билан ўраш, уларни тешиш ва уларга имзо, белги ва муҳр қўйиш мумкин эмас.

Тергов ҳаракати баённомасида магнит ва бошқа доимий магнит тарқатувчиларнинг жисмоний хусусиятлари, аппаратуранинг серия номерлари ва уларнинг индивидуал белгилари қайд этилади. Машинкада ёзилган текстлар баённомага илова сифатида расмийлаштирилади.

Кўпинчалик аппарат воситаларида маълумот изларидан ташқари криминалистика учун одатий излар ҳам учраб туриши сабабли, кўздан кечиришга мутахассис-криминалистни таклиф қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Тергов амалиётида компьютер воситаларининг ички элементларида бармоқ излари, металлни қайта ишлаш асбоблари, қўлда улаш излари қолганлиги ҳолатлари маълум.

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни бошланғич сўроқ қилишда компьютер тизимининг функцияси ва мақсади, компьютер техникаси ва у жойлашган ерга ким бемалол кириши мумкинлиги, у ерда бегоналарни пайдо бўлиши ва қандай ҳимоя воситалари ишлатилганлигини аниқлаш зарур. Агар маълумотнинг бир қисми махфий бўлса, ким у билан фойдаланишга рухсат берган ва аслида ким фойдаланган. Жиноят натижасида қандай за-

рар (мулк, номулк шаклида) етказилган ва уни камайтириш йўли борми.

3-§. Экспертиза тадқиқотининг имкониятлари

Юқорида мазкур тоифа ишлари юзасидан ашёвий далил йиғиш бўйича мутахассиснинг иштирок этиши нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтгандик. Лекин унинг бўлғуси таҳлили, эксперт тадқиқотлари жараёнида далилларни текшириш янада муҳимдир.

Мазкур ишларда ўтказиладиган экспертизаларнинг асосий тури - компьютер-техник экспертизасидир. Бу турдаги экспертизалар ичида уларнинг вазифаларига ва тадқиқ этиш объектларига боғлиқ равишда яна икки кўринишини ажратиш мумкин:

- компьютерлар ва уларнинг эҳтиёт қисмларининг техник экспертизаси, компьютернинг конструктив хусусиятлари ва унинг ҳолатини, унинг периферия мосламалари, магнит ташувчилари ва ҳоказолар, компьютер тармоқлари ҳолатини, шунингдек ишда нуқсонлар пайдо бўлиши сабабларини ўрганиш мақсадида ўтказилади;

- маълумотлар ва дастурий таъминот экспертизаси, компьютерда ва магнит ташувчилардаги ахборотни ўрганиш мақсадида амалга оширилади.

Компьютер-техник экспертиза ҳал қилиши зарур бўлган масалаларни ҳам икки гуруҳга ажратиш мумкин. Компьютерлар ва уларнинг бутловчи қисмларининг техник экспертизаси томонидан ҳал қилинадиган (диагностик) саволлар:

1) тадқиқ этишга компьютернинг қайси модели тақдим этилган; унинг тизим блоки ва периферия мосламаларининг техник тавсифи; мазкур ҳисоб тармоғининг техник тавсифи;

2) мазкур компьютер ва унинг бутловчи қисмлари қачон ва қаерда тайёрланган ва йиғилган; компьютер завод шароитида йиғилганми ё хона-

ки шароитдами;

3) компьютер ва периферияснинг ички тузилиши илова қилинган техник ҳужжатларга мувофиқми; компьютер конструкциясига ўзгаришлар киритилмаганми (масалан, қўшимча ўрнатилган мосламалар, қаттиқ дисклар, тезкор хотирани кенгайтириш, оптик дискларни кўчириб олиш мосламалари ва конфигурациянинг ўзгаришлари);

4) компьютер ва унинг бутловчи қисмлари созми; уларнинг ишлатилганлик даражаси; компьютер ва периферия мосламалари носозлигининг сабаблари; магнит ахборот ташувчиларнинг жисмоний нуқсонлари йўқми;

5) компьютер ўзига хос фойдаланувчилар (чапақай, кўзи ожиз ва бошқа) ишлаши учун мосланмаганми;

6) ахборотни қабул қилиш, йиғиш ва узатишга мослашган бошқа электрон воситаларининг (пейджер, электрон ён дафтарча, телефон сервери) техник тавсифи; бу воситалар созми; носозлигининг сабаблари.

Маълумотлар ва дастурий таъминот экспертизасига ҳал этиш учун тақдим этиладиган диагностик масалалар:

1) компьютерда қандай операция тизимидан фойдаланилган;

2) ички ва ташқи магнит ташувчилардаги ахборот мазмуни нимадан иборат, шу жумладан у ерда қандай дастурий маҳсулотлар жойлашган; дастурий маҳсулотлари нимани кўзлаган; уларнинг ишлаш алгоритми, ахборотни киритиш ва чиқариш услуби қанақа; мазкур компьютер дастури, маълумотлар базаси ишлаганида маълумотлар киритилиб, натижалар намойиш этилгунига қадар қанча вақт ўтади;

3) мазкур дастурий маҳсулотлар стандарт тизимларнинг лицензияли (ёки рухсат этилмаган) нусхасими ё ўзига хос (оригинал) ишланмами;

4) ушбу тизим маҳсулоти дастурларига баъзи операцияларнинг (қайси) бажарилишини ўзгартирадиган бирон ўзгаришлар (қандай) киритил-

маганми;

5) мазкур ўзига хос компьютер маҳсулоти техник вазифага мувофиқ келадими; уни ишлатишда барча кўзда тутилган функцияларининг бажарилиши таъминланадими;

6) àõáîðîòàí ôîéäàëàíèøíè ÷åêëàø ó÷óí ïàðîëëàð, ÿøèðèí ôàéëëàð, ҳèìÿ äàñòóðëàðè âà бошқаёàð қўёёàíãàíiè; яширин ахборотнинг мазмуни нимадан иборат; пароль танлаб кириш, ҳимоя воситаларини бузиш ва бошқа рухсат этилмаган йўллар билан ахборотга эга бўлиш ҳаракат қилинганми;

7) ўчирилган файлларни, нуқсонли магнитли ахборот ташувчиларни тиклашнинг имконияти борми; тикланган файлларнинг мазмуни қандай;

8) êîððîíà è÷êè (локал) ҳисоблаш тармоқлари, глобал тармоқлар ва маълумотларнинг тақсимланган базаларидан ахборот кетиб қолишининг сабаблари, механизми;

9) компьютер, алоҳида дастурлар фаолиятида нуқсонлар мавжудми; ушбу нуқсонларнинг сабаби нимада; компьютер фаолиятидаги нуқсонлар қандай вируснинг таъсири туфайли юз бермаган; вируснинг салбий таъсири кўпчилик дастурларга тарқаладими ё фақат айрим дастурлар билан чекланадими; вирус шикастлаган мазкур дастур (матн файли) фаолиятини тўлиқ ҳажмда тиклаш имкони борми;

10) пейжер, электрон ён дафтарчадаги маълумотларнинг мазмуни нималардан иборат; дафтарчада яширин маълумот борми ва унинг мазмуни;

11) мазкур файлга қачон сўнгги бор тузатиш киритилган ёки дастурий маҳсулот қачон амалга оширилган;

12) мазкур ҳаракатларни амалга оширган шахснинг дастурлаштириш ва компьютер техникаси билан ишлаш соҳасида маҳорати қай даражада бўлган.

Компьютер-техника экспертизалари ёрдамида баъзи қиёслашга оид

масалалар ҳам ҳал қилиниши мумкин:

1) компьютернинг бутловчи қисмлари (печат платалари, магнит ташувчилари, дисководлар ва ҳоказо) бир жойда ишлаб чиқарилганми;

2) мазкур компьютер дастури муайян шахс томонидан ёзилмаганми (компьютер-техника ва муаллифлик экспертизаларини ўтказишда биргаликда ҳал қилинади).

Компьютер-техника экспертизаси объектлари қуйидагилардир:

éèғèëãàí хîëääãè êîìïüþòåðëàð, óëàðíèíã òèçèì áëîêëàðè;

периферия мосламалари (дисплейлар, принтерлар, дисководлар, модемлар, клавиатуралар, сканерлар, «сичқон» типидаги манипуляторлар, жойстиклар ва ҳоказо), компьютер ва ҳисоблаш тармоқларининг коммуникацион мосламалари;

магнит ахборот ташувчилар (қаттиқ ва флоппи-дисклар, оптик дисклар, тасмалар);

дастурий ва матн файлларининг ёзма баёнлари;

тизимлар қидирув белгиларининг луғатлари (тезауруслар), таснифлагичлар ва бошқа техник ҳужжатлар, масалан техник вазифа ва ҳисоботлар;

электрон ён дафтарчалар, пейжерлар, харфли ёки рақамли матнлар ахборотларнинг электрон ташувчилари, уларнинг техник ҳужжатлари.

Мазкур тоифа ишлари юзасидан бошқа синфларга оид ва кўринишдаги: трасологик - бузиб кириш изларини, дактилоскопик - компьютерларнинг ҳам ташқи, ҳам ички юзасидаги қўл изларини таҳлил қилиш учун экспертизалар тайинланиши ҳам мумкин. Суд-иқтисодий, хусусан, молия-иқтисодий ва бухгалтерия экспертизалари, мисол учун, компьютер ахборотлари ҳаракати соҳасидаги жиноятлар кредит-молия соҳасидаги жиноятлар билан боғлиқ бўлганда тайинланади. Компьютердан қалбаки ҳужжат, қалбаки пул билетлари тайёрлаш мақсадида қўлланганида тех-

ник-криминалистик экспертизалардан фойдаланиш кенг тарқалган. Овоз (суҳбат)ни яширин эшитиш воситаларидан фойдаланилганида фоноскопик экспертиза ўтказилади.

39-боб. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг криминалистик таснифи

Маълумки, жиноят содир этилиш вақтида ҳали 18 га тўлмаган шахслар вояга етмаган деб эътироф этилади. Мазкур тергов методикасининг яратилиши ана шу ёшдаги шахсларнинг объектив ва субъектив ижтимоий-психологик хусусиятларига боғлиқдир. Унинг объектив қисмини ушбу ёшдаги шахслар организмида кечаётган руҳий-физиологик жараёнлар ташкил этса, субъектив қисми муайян шахснинг шаклланиш хусусиятларидан иборат. Ҳам объектив, ҳам субъектив омиллар вояга етмаган шахснинг ижтимоий ва ҳуқуқий онги, қонун талабларини қабул қилиши, ҳулқ-атвори, ўзга инсонларга бўлган муносабати каби шахсий хусусиятларига анча жиддий таъсир кўрсатади.

Жиноий-ҳуқуқий ҳамда жиноий-процессуал қонунлар вояга етмаганларга алоҳида ёндашади. Мисол учун, ЖКда вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигига бағишланган алоҳида VI бўлим мавжуд. Ушбу бўлимнинг 81-90-моддаларида унинг ўзига хос томонлари акс эттирилган. Хусусан, жиноий жазо билан бир қаторда мажбурлов чоралари (88), жиноий жавобгарликдан ёки жазодан (87, 89-модда) озод этиш имкониятлари кўзда тутилади.

ЖПКда вояга етмаганларнинг ишлари бўйича жиноий ишларни юритиш махсус 60 боб сифатида ажратилган. Унинг хусусиятлари ана шундай шахсларни айблаш бўйича жиноят ишларини юритиш тартиби, умум

қабул қилинган исботланиши талаб этилган ҳолатлардан ташқари аниқланиши керак бўлган қўшимча шарт-шароитлар, вояга етмаганлар ишларининг алоҳида кўрилиши, сўроқда педагог иштирок этиши, судда жиноят ишини кўриб чиқишнинг ўзига хослиги ва бошқа масалаларга оиддир.

Қонунларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга алоҳида эътибор берилганлиги болаликни ҳимоя қилиш ҳақидаги конституциявий қоидаларни, шу билан бирга халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга молик, хусусан БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 20 ноябрида қабул қилган Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциянинг тегишли низомларини акс эттиради.

Вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилиш методикаси дастлабки терговнинг умумий мақсадлари ва тамойилларига таянади ва айни вақтда вояга етмаганлар шахсига боғлиқ қатор хусусиятларни ҳам акс эттиради. Ушбу хусусиятлар улар томонидан ҳуқуққа қарши ҳаракат содир этилганда ва дастлабки тергов вақтида шаклланган тушунча ва мулоҳазаларга асосланган ўсмир ҳулқида намоён бўлади.

Руҳий-педагогик адабиётларда 14-17 ёшлар ўсмирлик ёки йигитликнинг бошланғич даври деб аталади. Биологик жиҳатдан ўсмирлик жисмоний ривожланишнинг якуний даври бўлади. Мазкур тоифага оид шахсларнинг ижтимоий аҳволи турлича бўлиб, улар орасида талабалар, ишчилар ва ишламайдиганлар бор. Шу билан бирга улар ҳулқи ва ҳаракатлари онгли-иродали кўринишга эга ва бу ўз ўрнида 16 ёшдан умумий жиноий жавобгарлик, 14 ёшдан бошлаб эса қасддан одам ўлдириш, ўғрилаш, зўрлаш, жинсий кўринишдаги зўрлик ишлатиш, ўғрилик, босқинчилик, товламачилик, талончилик, транспорт воситасини олиб қочиш, мол-мулкни қасддан йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш мосламаларини, шунингдек, наркотик моддалар ёки психотроп воситаларни, радиоактив материалларни қонунга

ҳилоф равишда эгаллаш, темир йўл, ҳаво, денгиз, дарё транспорт воситалари ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолга келтирганлик, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги айрим жиноятлар учун, 13 ёшдан эса айбини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик даври бошланишини белгилаб беради (ЖК 17-моддаси).

Криминалистикага оид адабиётларда вояга етмаган қонунбузарларни, улар орасидаги фарқ бирмунча нисбийлигини қайд этган ҳолда, тўрт гуруҳга ажратиб таснифлаш қабул қилинган.

Биринчи гуруҳга илк бор жиноятга қўл урган шахслар киритилади. Уларнинг жиноятдан аввалги ҳулқи ва маънавий қиёфаси бирмунча ижобий. Одатда бундай ўсмирлар у қадар жиддий бўлмаган жиноятларни мураккаб ёки фавқулодда вазият таъсирида содир этадилар.

Иккинчи гуруҳга киритилган илк марта жиноятга қўл урганларнинг аввалги ҳулқ-атворини бенуқсон деб бўлмайди. Улар спиртли ичимликлар, наркотиклар истеъмол қиладилар, чекадилар ва уйдан қочиб кетиш каби одатларга эгадирлар.

Учинчи гуруҳ - маънавий қарашлари бузуқ ўсмирлар. Улар аввал ҳам турли қонунбузарликлар содир этиб, маъмурий жазога тортилган, махсус мактаб ва касб-ҳунар билим юртларидан йўлланганлардир. Жиноятнинг сабаби ва мақсади уларда онгли равишда, катта ёшли шахс ёки ўзига нисбатан бузуқ тенгдошининг таъсирида шаклланади. Муштлашишларда қатнашиш, безорилик, ожизроқларни тунаш каби кўпгина жиноятларни улар дабдурустдан содир этишади.

Маънавий бузуқлиги билан жамиятга жиддий хавф туғдириб, ҳулқ-атвори ҳар қандай меъёрлардан буткул чиқиб кетган шахслар тўртинчи гуруҳга киритилади. Бу тоифага муқаддам судланганлар (шартли ҳукм қилинган, муддатидан аввал озод қилинган ва ҳ.) ҳам киради. Одатда, булар ишлаш ёки ўқишдан бўйин товлаб, жиноий гуруҳларга уюшган ёки

катталарнинг жиноий гуруҳи таркибига кирган шахслардир. Улар қўрс ва бераҳм, уят ҳисси нималигини унутганлар. Асосий мақсади - таъмагирлик ва бойиш. Манфаати - вақтни бекорчилик билан ўтказиш, қимор ўйнаш, спиртли ичимликликлар истеъмол қилиш ва жинсий алоқа.

Жонсараклик ва таъсирчанлик туфайли ўсмир одам танлай олмайди, жанжалга мойил бўлади. Мустақилликка бўлган табиий интилиш атроф муҳит, жамиятга қарши бўлган катталар таъсири туфайли салбий ривож топиши мумкин. Тортинчоқ, журъатсиз болаларга беҳурмат муносабатда бўлиб, улар нафсонияти поймол қилинган оилада ўсган ўсмирлар ҳам шундай таъсирга берилиши мумкин. Ўсмир ҳулқ-атворидаги кўп нарсани унинг ўз мавқеини кўтариши, тенгдошлари орасида обрў-эътибор қозониши, довюрак, қатъий деб ном олишга интилишини белгилайди.

Кўпгина ўсмирларга яхши тарбия олмаслик оқибатида дағаллик, ўжарлик, беҳаёлик, жиззакилик хосдир. Улар билан муомалага киришганда ушбу омилларни эътиборга олиш талаб этилади. Вояга етмаганларга ёлғончилик ҳам хос эканлигини ёдда тутмоқ зарур. Мардлик ва дўстлик тушунчаларини нотўғри англаш, ўзини кўрсатиш, эътибор қозонишга интилиш ҳам уларга хос бўлиши мумкин.

Дўстликка интилиш кўп ҳолларда биргаликда кўнгилхушлик қилиш, кейин эса жиноий гуруҳга кириш, катталар ёки вояга етмаган ўта хавфли қонунбузарлар таъсирида назоратсиз қолишга олиб келади.

Ҳаётий тажриба етишмаслиги ўзига ва атрофдагиларга баҳо бериш мезонларининг шаклланиб улгурмаганлиги натижасида уларда бўлиб ўтаётган воқеликларнинг асл моҳиятини англаб ета олмаслик; ишонувчанлик, тез ҳис-ҳаяжонга берилиш, асабийлик, дўқ-пўписага кўнувчанлик, бетайинлик хислатлари ўрнашиб қолади.

Ушбу омиллар кўп жиҳатдан тергов услубиёти хусусиятларини белгилаб беради. Вояга етмаганлар билан муносабатларда терговчи процессу-

ал меъёрларга риоя қилишидан ташқари кенг миқёсдаги маънавий ва руҳий билимларга таяниши лозим. Вояга етмаганлар билан ишлайдиган терговчи касбига хос фазилатлар билан бирга инсонпарварлик, ўсмирни қайта тарбиялаш ва камол топиши имкониятига ишонч каби хусусиятларни намоён этиши шарт. Ўсмирлар ўзларига нисбатан адолатли муносабатни айниқса қадрлайдилар. Терговчи вояга етмаган қонунбузарни мунтазам ўрганиб, унинг руҳиятидаги ўзига хос томонларини аниқлаши, ички дунёсини тушуниб етишга интилиши керак. Бунда ўсмирлар гуруҳларига хос қизиқишлар; спорт, мусиқа, техника, компьютер ўйинлари ва бошқа нарсаларни билиш ҳам катта ёрдам бериши мумкин. Терговчи ўсмир назарида обрў-эътибор қозониб, тақлид учун намуна бўлиб қолиши ўта муҳим. Ўсмирга айб шундай қўйилиши керакки, у йиғилган маълумотлар етарли эканлигига амин бўлсин. Шу билан бирга ўсмирга қўйилаётган айб моҳияти ҳамда у қилган ҳаракатларнинг ижтимоий зарарини, ўзи, қариндошлари, яқинлари ва жабрланувчиларга қандай зарар етказганлигини очиб бериш зарур.

Ҳам тактик, ҳам тарбиявий нуқтаи назардан руҳий мулоқот руҳини ўрнатиш терговнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бунинг учун ўсмирга терговчининг сўзлари ва ҳаракатларигина эмас, балки унинг ташқи кўриниши, эътиборлилиги, иш материалларини бекаму-кўст билиши ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзаро сўзлашув, баҳс юритиш гап оҳанги ишга муносабатни англатишини ёддан чиқармаслик керак, чунки ўсмирлар бу хил хусусиятларга нисбатан ўта сезгир бўладилар. Вояга етмаганлар ишини тергов қилишда уларнинг тез толиқиб қолишини ҳам эътиборга олиш шарт. Жумладан, улар иштирокидаги сўроқ ва тергов амаллари бир соатдан кўп давом этмаслиги лозим (ЖПК 553-моддаси).

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича исботланиши талаб этилади-

ган умум қабул қилинган ҳолатлар билан бирга қўшимча равишда қуйидаги шарт-шароитлар аниқланиши шарт:

вояга етмаган айбланувчининг ёши (туғилган куни, ойи, йили);

турмуш ва тарбияланиш шароити;

вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этишга олиб келган сабаблар ва шарт-шароит;

катта ёшли далолатчилар ва бошқа ҳамтовоқларининг бор-йўқлиги (ЖПК 548-моддаси).

Вояга етмаганнинг ақлан заифлиги маълум бўлса, у ўз ҳаракатлари оқибатини тўлиқ англай олган-олмаганлиги аниқланиши керак. Мазкур жиҳатларни аниқлаш мақсадида вояга етмаганнинг ота-онаси, ўқитувчилари ва тарбиячилари сўроқ қилиниши шарт.

Вояга етмаганларни катталарга нисбатан жиноятга етакловчи сабаблар кўпроқ, чунки улар ўртоқларига кўмаклашишга интилиш, шўхлик, улфатлари ўртасида эътибор қозониб, дадиллиги, кучи ва чаққонлигини намойиш этишга интиладилар.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича участка инспекторлари билан жипс алоқа ўрнатиш лозим. Бу ўсмирнинг турмуш, ўқиш, меҳнат шароитига оид, унинг атрофидаги одамлар, унинг ҳулқи ва аввалари содир этган ҳаракатлари хусусида зарур маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Худди ана шу мақсадларда таълим-тарбия муассасалари, корхоналар, ҳаваскорлик тўгараклари (спорт-соғломлаштириш, маданият ва бошқ.) билан ҳам алоқа боғлаш фойдали.

2-§. Жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки версиялар

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича тергов ишининг сифати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ўз вақтида жиноят иши қўзғатилишига боғлиқ.

Мазкур масалани ҳал этишдаги оз бўлса ҳам кечикиш, ўсмирлар томонидан янги, баъзида янада оғирроқ жиноятларни содир этилишига, шунингдек далил-исботлар йўқотилишига олиб келади. Бу бўлғуси тергов ишини анча оғирлаштиради.

Шу билан бирга ўз вақтида жиноят иши қўзғатиш катта ёшли далолатчиларнинг жиноят изини яшириш мақсадида ўсмирга салбий таъсир ўтказишларига чек қўяди.

Вояга етмаганлар жинояти тўғрисидаги хабар келиб тушган ҳамон терговчи жиноят иши қўзғатиши ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириши, жумладан жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш чораларини кўриши, гумон остидаги шахсни ЖПК 220-моддасига биноан ушлаб олиши, жиноят жойини кўздан кечириши ва гувоҳлар, жабрланувчиларни аниқлаши лозим.

Жиноят белгиларини аниқлаш жараёнида тушунтиришлар олинади, зарур материаллар тўпланади. Хусусан ўсмирнинг ёшини аниқлаш учун унинг паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаганида ёшига тегишли ҳужжатлар - тиббиёт картаси, таълим муассасаларидаги иш қоғозлари, кадрлар бўлимидаги шахсий варақаси орқали аниқланади. Ана шу мақсадда гувоҳлар (ота-она, васийлар, қариндош-уруғлари ва ҳ.) ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Бошқа имконият бўлмаган тақдирда суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилади.

Вояга етмаган шахс ўқийдими ёки ишлайдими, қаерда, ким бўлиб, унинг ўқишга ва ишга муносабати, кундалик хулқи, ўртоқлари билан муносабатларини ҳам аниқлаб олиш зарур. Вояга етмаган шахс ишламайдиган ва ўқимайдиган бўлса, бунинг сабаби ва ўқишни қачон ташлаб кетгани, қачон ва ким томонидан қандай чоралар кўрилганлиги аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотларни йиғиш жараёнида терговчи

ўсмирнинг асосий феъл-атвор белгилари, унинг орзу-ҳаваслари, одатлари, унинг қизиқишлари, вақтни қандай ўтказиши, ёшига ва хусусиятларига оид маълумот олиш заруратини доимо назарда тутиши шарт. Терговнинг бошланишидаёқ, ҳар бир иш бўйича қуйидаги версиялар илгари сурилиши шарт:

- катта ёшдаги далолатни, жиноятга ундовчи шахс ва бошқа иштирокчиларнинг бор-йўқлиги;

- жиноятга қўл урган ўсмирлар ёҳуд катталар гуруҳи мавжудлиги;

- ўсмир ўғирлаган буюмларни сақлаш учун қолдирган, уларни совға қилган шахслар ва õàáàð áåðìàñëèê ¸êè аввалдан ваъдалашилмаган яшириш фактларининг бор-йўқлиги;

- вояга етмаганларни тиланчилик, ичкиликбозлик, қиморга ўргатиш, наркотиклар истеъмол қилиш, дайдилик каби ишларга жалб қилиш ҳоллари.

Ўсмирнинг тергов вақтида айбини тан олмаслиги ёки аксинча, содир этилган жиноятни тўлалигича ўз зиммасига олиш истаги ҳам алоҳида эътиборга молик.

Ўсмирлар гуруҳи томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда ушбу гуруҳ қачон ва қай тарзда уюшганлиги, у қандай жиноий ниятларни амалга ошириш мақсадида тузилган эканлигини белгилаб олиш зарур. Гуруҳ иштирокчиларидан ҳар бирининг ролини аниқлаб олиш вазифаси ҳам муҳим. Бу уларнинг айбдорлиги даражасини аниқлаш, шу билан бирга алоҳида тергов ҳаракатларини режалаштириш учун зарур. Хусусан, жиноий тузилмалар фаолияти тергов қилинганида сўроқ қилиш гуруҳнинг оддий иштирокчиларидан бошланади. Ташкилотчи, раҳбар, уларнинг ёрдамчилари кейинроқ, уларнинг етакчилик ўрнига оид етарлича маълумот йиғилганидан сўнг сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқ.

Гуруҳ таркибида муқаддам судланган ўсмирлар бўлса, такрорий жи-

ноят сабабларини тадқиқ этиш шарт ҳамда илгариги жиноят ишлари, жазони ижро қилиш муассасалари, махсус таълим муассасаларидан тавсифномалар талаб қилиб олинади.

Муайян тергов ҳаракатларининг режага киритилиши ва улар муддати ҳамда кетма-кетлигини аниқлаб олиш жиноят тури ва жиноий иш қўзғатилган вақтга келиб йиғилган ёки тергов вазиятининг ушбу вақтига келиб мавжуд бўлган дастлабки маълумотларга боғлиқ. Тергов ишида катта танаффусларга йўл қўймаслик, сўроқлар учун катталар ёки ёши катта ўртоқлари таъсир кўрсатишининг олдини олишни унутмаслик керак.

3-§. Алоҳида тергов ҳаракатлари тактикасининг ўзига хос жиҳатлари

Вояга етмаганлар содир этган жиноятлар шундай хусусиятга эгаки, бунда ҳодиса жойини кўздан кечириш - дастлабки тергов ҳаракатидан бири ҳисобланади. Жойни синчиклаб кўздан кечириш жиноят ўсмирлар томонидан содир этилганидан далолат берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва қайд этиш имконини беради.

Ҳодиса аниқланган қуйидаги белгилар жиноятни ўсмирлар содир этганидан далолат беради:

- àââàëàäàí ïóòà ÿéëàíãàí âà àìàëãà îøèðèëган ҳаракатларнинг йўқлиги, бинога бир неча усуллар ва йўллар билан киришга интилганликларидан далолат берувчи излар;

- жиноят изларини йўқотиш чораларининг кўрилмаганлиги;

- жиноят жойида беадаб, безориларга хос қилиқлар қилинганлиги, товарлар шикастланган, буюмлар бесабаб синдирилган, беҳаё ёзув ва суратлар чизилганлиги;

- жиноят учун танланган жой ҳам уни ўсмирлар содир этганидан далолат бериши мумкин; масалан, мактаб ошхонасидан ёки интернат олди-

даги дўкончадан қилинган ўғирлик.

- ўсмирлар томонидан ўғирланиши мумкин бўлган буюмлар ҳам ўзига хос бўлади: а) мусиқа асбоблари, видео ва фототехника, спорт буюмлари, замонавий русумдаги кийим, ширинликлар, спиртли ичкиликлар. Шу билан бирга анча қиммат, осори атиқа, қадимги буюмларга тегилмаган бўлиши мумкин.

Қуйидаги фактлар жиноят ўсмирлар томонидан содир этилганлиги ёки жиноий гуруҳ таркибида ўсмирлар борлигидан далолат бериши мумкин: кичик ҳажмдаги оёқ, қўл излари; одатда ўсмирлар киядиган пойабзал тагчарминиг излари; ташлаб кетилган, йўқотилган кўпинча ўсмирлар олиб юрадиган буюмлар (қўлбола совуқ қурол, занжирлар, безаклар қолдирилган из ва ёзув кабилар.

Жиноят жойида қолдирилган баъзи объектлар, сигарета қолдиқлари, шишалар ва бошқа нарсалар бўйича ёки ўғирланган буюм турига қараб унинг одатлари, чекиши, наркотиклар, токсик моддалар истеъмол қилиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Вояга етмаган шахснинг кўникмалари, маҳорати ва қизиқишлари хусусида радиотехника, электроника, компьютер билан ишлаганлик изларига қараб фикр юритиш мумкин.

Олиб қочилган, сўнг ташлаб кетилган транспорт воситасини кўздан кечиришда автомобил қулфларини очиш усуллари мазкур турдаги автомашина электр схемаси билан танишми, сигнализацияни ўчира олишолмаслиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Вояга етмаган шахсни қўлга тушириш ва уни ҳибсга олиш алоҳида ҳолларда, хусусан ЖПК 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина қўлланади. Мазкур масалани тўғри ҳал қилиш учун содир этилган жиноятнинг оғирлигига ҳамда ўсмирнинг шахсий хусусиятларига баҳо бериш талаб этилади. Бунда унинг содир этилган жиноятдан кейинги ҳаракатлари, жиноятнинг такроран содир этилиш эҳтимоли, терговдан

қочиб қутилиш имконияти ҳисобга олинади.

Вояга етмаганларни ҳибсга олиш имкон борича унга ортиқча эътибор жалб этмайдиган тарзда тайёрланиб ўтказилиши: ўсмир мактабда, иш жойида, ўртоқлари даврасида ва бошқа шу каби жойларда қўлга олинмаслиги мақсадга мувофиқ. Қаршилик кўрсатиш имкониятини, шунинг ўзида ўқотар ёки совуқ қурол, махсус восита ва бошқа нарсалардан фойдаланиш имкониятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Ўсмир ҳибсга олингани ва ушлаб турилган жойи хусусида унинг ота-онасига хабар берилиши шарт.

Вояга етмаганларнинг ишлари юзасидан тинтув ўтказиш ўғирланган мол-мулк, жиноят қуроллари ва воситалари, ўсмир жиноятни содир этганда кийган пойабзални излаб топишга, таниш-билишлари, ҳавасларини аниқлашга ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароити тўғрисида маълумот тўплашга имкон беради.

Тинтув вақтида, одатда, айбланувчининг қонуний вакили ҳозир бўлиши лозим. Бунинг иложи бўлмаганда турар жой бошқармаси ёки маҳалла вакили таклиф этилади. Ётоқхона ёки иш жойида тинтув ўтказилганида тарбиячи ё маъмурият вакили ҳозир бўлади. Тинтувни бошлашдан аввал ўсмирга ва у билан бирга яшайдиган шахсларга излаб ётган буюмни ўз ихтиёри билан топшириш таклиф этилади. Ўсмирлар тез-тез майда ўғриликларга қўл уришини эътиборда тутиб, уларда ўзларига тегишли бўлмаган буюмлар бор-йўқлигини суриштириб аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Тинтувга тайёргарлик кўришда ўсмирнинг ота-онаси ва оиладаги ўзаро муносабатлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, тинтувга тайёргарлик пайтида умумий тусдаги ҳаракатлар ҳам амалга оширилади: тинтув жойи билан танишув, тезкор-тергов гуруҳи таркибини белгилаш, мутахассисларни жалб қилиш, холислар бўлишини та-

ъминлаш ва ҳ.

Босқинчилик ва талончилик жиноятларини содир этишда ўсмирлар ўзларини кўпроқ қизиқтирган майда-чуйда буюмлар: сақич, занжир, пичоқ, соат ва бошқа буюмларни тортиб оладилар. Бу буюмлар ўсмир хонасида ёки унинг ёнида бўлиши мумкин.

Келиб чиқиши шубҳали бўлган объектлар аниқланганида улар уйда қандай сабабдан сақланаётганлигини шу заҳоти суриштира бошлаш мақсадга мувофиқ.

Тинтув вақтида ўсмир спиртли ичимликлар, наркотиклар истеъмол қилишидан далолат берадиган ҳолатлар аниқланиши, беҳаё кўринишдаги буюмлар, уятсиз ёзув ва асарлар топилиши мумкин.

Табиийки, тинтув вақтида ҳозир бўлган оила аъзолари кузатиб борилади. Тинтув вақтида ўсмирни кузатиб бориш айниқса муҳимдир. Ёшига хос бўлган таъсирчанлик, ўзини бошқара олмаслик туфайли у тажрибали катта ёшдаги шахсга нисбатан терговчининг сўзлари ва ҳаракатларига асабийроқ муносабатда бўлади. Мисол учун, терговчи ўсмирнинг жавоб муносабатини текшириб кўриш мақсадида ўз мақсадини баён этганидаги «сўз билан текшириб кўриш» ижобий натижа бериши мумкин.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда сўроқ қилинаётган шахснинг процессуал мавқеи, шунингдек, унинг шахсини таърифлайдиган маълумотлар эътиборга олинади. Бу икки жиҳат ҳам сўроқ иштирокчилари доирасини, сўроқни қаерда, қачон ўтказишни ва унга оид энг мақсадга мувофиқ тактик услубларни, сўроққа чақиртириш услубини белгилаб олиш учун аҳамиятлидир.

ЖПК 121-моддасига мувофиқ 16 ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилиш қонуний вакили, катта ёшдаги яқин қариндоши ёки педагог иштирокида ўтказилади. Мазкур қоида вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишга ҳам тааллуқли. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда тер-

говчи ёки прокурор ихтиёрига кўра педагог иштирок этиши мумкин (ЖПК 554-моддаси). Шу билан бирга вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокидагина сўроқ қилинади (ЖПК 553-иоддаси).

Вояга етмаганлар сўроққа, одатда, уларнинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари орқали чақиртириладилар. Терговчи ўсмирни ўз хизмат хонасига чақириши мумкин. Яхшиси уни сўроқ қилиш учун мактабга келиш ва у кўниккан шароитда сўроқ қилиши афзал. Кенг овоза бўлиш эҳтимоли туфайли телефонограмма орқали чақириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўсмирнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши ва руҳий алоқа ўрнатишни мураккаблаштириши сабабли куч ишлатиб олиб келиш ҳам маъқул эмас.

Одобсиз, безори вояга етмаган шахслар расмий шароитда сўроқ қилингани мақсадга мувофиқ. Бу ўсмирнинг интизомни сақлаши ва ахлоқига масъул бўлиб туришига кўмаклашади.

Сўроқ тактикасидаги кўпгина ҳолатлар вояга етмаган шахснинг процессуал мавқеидан келиб чиқади. Гумон остидаги шахс, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос томонларига эътибор бериш лозим. Вояга етмаган гумон остидаги шахсни сўроқ қилишга тайёрланишнинг ўзига хос томони шундаки, терговчи ушбу босқичда кўпинча ҳали унинг жиноят содир этишдаги иштирокига оид етарлича далил-исботга, ўсмир шахси ҳақида керакли тасаввурга эга эмас, сўроққа тайёрланиш учун ҳам вақти чекланган. Бироқ, ана шундай шароитда ҳам ўсмир хусусида ҳеч бўлмаса унинг ота-онаси, ўқитувчилари, қўшниларини суриштириш орқали дастлабки маълумот тўплаши зарур. Вояга етмаганлар ишлари бўйича участка инспекторида керакли маълумот бор-йўқлигини суриштириб кўриш лозим.

Зудлик билан ўтказишнинг иложи бўлмаганда, сўроқ ўсмир ҳибсга олинганидан сўнг 24 соат ичида ўтказилиши шарт. Бундай тарзда

ўтказилган сўроқ қонун талабларини бажариш билан ўсмирнинг муайян кўрсатув беришини ўргатиш эҳтимоли бўлган катталар билан алоқада бўлишидан сақлайди.

Сўроқ вақти ва тактикасини танлашда ўсмирларнинг руҳий ҳолатини эътиборга олиш зарур. Одатда улар ҳаяжонланган ва янгича шароитдан руҳан эзилган ҳолатда бўладилар. Буларнинг устига жазо олдидаги, фош бўлиш, ота-онасидан қўрқиш ҳисси қўшилади. Ана шу вақтда ўсмирни унинг аҳволи жиддийлиги, сўроқ унинг учун муҳимлигига ишонтира билиш, терговга ёрдам бериш унинг манфаатида эканлигини англата олиш ўта муҳим. Бу мақсадда унинг асабий ҳолатини бироз бўлсада енгиллатиш, тинчлантириш, руҳий алоқа ўрнатиш чораларини кўриш керак.

Объектив ва тўлиқ маълумот олишга эришилишида биринчи сўроқнинг ўрни беқиёс. Гапни ўсмирнинг турмуш, ўқиш ва тарбия шароити ҳақидаги суҳбатдан, унинг қизиқишларидан бошлаган маъқул. Ўсмир бу саволлар содир этилган жиноятга алоқаси йўқ деб ўйлаб, ўзи ва дўстлари ҳақида иштиёқ билан ҳикоя қилиб бериши мумкин. Таржимаи ҳоли тўғрисидаги батафсил суҳбатдан сўнг у қайси жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлиги хусусида унга батафсил ва содда қилиб тушунтириб берилади.

Саволларни тўғри тузиш муҳим ўрин тутади. Улар аниқ, лўнда бўлиб, ўз ичига ўсмирга бирор нимани шама қилиши мумкин эмас. Ўсмирга оид ишонувчанлик хусусиятини ҳам унутмаслик керак. Гумон остидаги вояга етмаган шахс ишонувчанлиги ва мантиқий фикрлаш қобилияти ҳали ривож топмаганлиги туфайли терговчи саволларидан олган маълумотларга таяниб ўзини ноҳақ айблаши, айбдор деб тан олиши мумкин.

Гумон остидаги шахс жиноят содир этганлигини тан олиб, бу ҳақида сўзлаб беришга тайёр бўлса, унинг кўрсатувларини мунтазам таҳлил қила

бориб, ҳар бир жиҳати юзасидан сўроқ қилиш зарур. Шу билан бирга у келтираётган фактларни икир-чикиригача сўзма-сўз баённомага киритиши лозим. Шу тарзда олинган маълумотлар келажакда уларнинг нақадар тўғри эканлигини, ўсмир ҳақиқатда ҳам жиноят содир этганми ё маълумотларни бошқа манбалардан олганлигини аниқлаш имконини беради.

Терговчининг содир этилган жиноят жиҳатларидан хабардорлигини намойиш этиши ҳам иш ҳолатларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Бироқ бу фактлар аниқ маълумотларга асосланган бўлиши шарт. Гумон остидаги шахсга у қадар жиддий бўлмаган, бироқ ишонарли далилни дабдурустдан намойиш этиш уни ҳақиқатни сўзлашга мажбур этиши мумкин. Шу билан бирга, у ёки бу далилларни намойиш қилишда ўсмир ёши ва ривожига боғлиқ равишда уларни ҳамма вақт ҳам мос равишда баҳолай олмайди. Шу сабабли намойиш этилаётган маълумотларнинг асл моҳиятини унга тушунтириб бериш маъқул.

Аниқлик киритувчи саволлар, гумон остидагининг жой, вақт, гувоҳларга оид, биргаликдаги ҳаракатлар хусусидаги жавоблари ва сўроқ баённомасида қайд этилган шу каби маълумотлар кейинчалик унинг важлари асоссиз эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Гумон остидаги шахсни сўроқ қилишда қайси педагог иштирок этиши маъқуллигини ўсмирнинг шахсий хусусиятлари ва бошқа кўпгина омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш лозим. Баъзи ҳолларда ўсмир таниган ва ҳурмат қилган педагогнинг иштироки гумон остидаги ўсмирнинг асабини тинчлантиришга кўмаклашади. Бошқа ҳолларда, мисол учун жинсий жиноятларни тергов қилишда яхшиси, бошқа мактабдан педагогни таклиф қилган маъқул. Бу босқичда ота-она иштироки ҳам ножоиз. Амалиётдан маълумки, ота-онаси иштирокида сўроқ қилинаётган вояга етмаган гумон остидаги шахс кўпинча уялади, довдираб, жавоб беришдан ўзини олиб қочади. Бунинг устига ҳамма ота-оналар ҳам ана шундай

сўроқ жараёнида ўзини тўғри тута билмайдилар.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш учун терговчи унинг шахсига оид барча зарур маълумотларга эга бўлиши шарт. Сўроққа тайёрланишда терговчи ўсмирнинг маънавий-руҳий тавсифига суянади. Сўроқдан олдин терговчи педагог ва ҳимоячини ўсмирнинг руҳий тавсифи билан таништириши тавсия этилади.

Терговчи сўроқда қатнашаётган шахслар эътиборини улар бераётган саволларнинг қандай қўйилишига, ўсмир қайта тарбияланиши самарасини камайтирадиган тортишув ва гап ташлашларга йўл қўйилмаслигига қаратади.

Терговчи вояга етмаган шахсга унинг айбланувчи сифатида жалб этилиши тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттиргач, даставвал айбланувчи ўзини айбдор деб тан олиши ё олмаслигини аниқлайди.

Ўсмир айбини тан олганда ҳам, сўроқ синчиклаб, шошилмай, батафсил ўтказилиши лозим. Жиноят шарт-шароитини ва ҳар бир иштирокчи ролини муфассал аниқлаш бу каби сўроқнинг тактик услубларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга тайёргарлик босқичида ўсмир жиноий фаолият, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, қимор ўйинлари кабиларга жалб қилинган қилинмаганлигига эътибор қаратиш зарур.

Жиноят сабаблари ва мақсадларини келиб чиққан оқибат билан қиёслаш орқали айбланувчи шундай оқибатларга интилган-интилмаганлигини, уларнинг келиб чиқиш эҳтимолига йўл қўйган-қўймаганлигини аниқлаш зарур.

Агар ўсмир, ўз айбини тан олиб, чалкаш тафсилотлар берса, бундай ҳолда бу унинг қаттиқ ҳаяжонланиш ҳисобига рўй бердими ёки у бошқа манбалар орқали олган нотўғри маълумотларга суяндими, аниқлаш лозим. Бунинг учун хотирани фаоллаштириш услубларини қўллаш ёхуд унинг ёлғон сўзлаганлигини фош этиш лозим.

Сўроқ жараёнида ўсмир ва унинг шериклари жиноят ишидан сўнг ўзларини қандай тутганлари, нима ҳаракатлар содир этганлари, катталардан қайсиси билан, нима мақсадда мулоқотда бўлганларини аниқ белгилаб олиш муҳим.

Буткул сўроқ давомида катта ёшли далолатни ёки бошқа иштирокчилар ролига аниқлик киритиш вазифасини ёддан чиқармаслик лозим. Бунинг учун ўсмир эркин ҳикоя қилаётганида турли шартларга эътибор қаратиш, аввалдан тайёрланган, шу билан бирга сўроқ жараёнида пайдо бўлган, катта ёшдагилар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ва ўсмир билан биргаликда ҳаракатлари хусусида саволлар берилади.

Вояга етмаган шахс ўзини айбдор деб тан олмаса, сўроқ қилишда қўлланадиган тактик услублардан ташқари бошқаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Биринчи навбатда ўсмирга содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфли томонини, одамларнинг бунга муносабати, у оиласига, яқинларига етказган зарарни содда, тушунарли тарзда баён этиб бериш шарт. Шу билан бирга айбини тан олмаслик нималарга олиб келиши мумкинлиги ва юзага келган вазиятни тўғри баҳолаб, чин дилдан тавба қилиш ва тергов билан фаол ҳамкорлик қилиш унинг учун нақадар муҳимлигини очиб бериш керак; бу унинг учун айбини енгиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Далиллар келтириш тактикаси ўзининг жиноятдаги иштирокини тан олмаётган вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда айниқса қўл келади. Далилларни тобора жиддий турларини намойиш этиш, мантиқий тартибга риоя қилган ҳолда ва орада катта танаффусларга йўл қўймай келтириш ижобий натижалар беради. Шу билан бирга ҳар бир далилнинг моҳияти изоҳлаб борилиши зарур. Бунда фақат бевосита ўсмирнинг ўзини фош қиладиганларини мисол келтириш мақсадга мувофиқ. Ишонувчанлиги сабабли ёки айбни ўз бўйнига олиб, катталардан ёки бошқа иштирокчилар-

дан айбни соқит қилиш мақсадида у содир этмаган айбларни ҳам зиммасига олиши мумкин.

Айбини тан олмаётган вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда ёлғонни фош қилиш услубидан фойдаланиш ҳам табиий ҳол. Шу мақсадда терговчи, аввал тўла-тўкис аниқланган иккинчи даражали жиҳатлар тўғрисида сўзлайди. Хабардорликни намойиш этиш ўсмирга таъсир қилиб, уни тўғри сўзлашга мажбур қилиши мумкин. Шу қаторда қўққисдан кутилмаган савол билан мурожаат қилиш ҳам, айниқса ўсмир терговчига ҳақиқатни сўзлаётгани ва содир этган жиноятидан афсус эканини уқтираётган бўлса, руҳий самара беради. Берилаётган кўрсатувлар ёлғонлигини маҳорат билан исботлаш ўсмирнинг бундан кейин ҳам ёлғон кўрсатув бериш мумкинлигига бўлган ишончини пучга чиқаради.

Сўроқ жараёнида вояга етмаган шахс кўрсатмаларини шу заҳоти баённомага киритиш тавсия этилмайди. Бу уни чалғитади, сергаклантиради, терговчининг фикрини бир ерда жамлашига халал беради ва улар орасида юзага келган руҳий алоқа узилади. Сўроққа ҳалал бермайдиган тарзда қисқача ёзиб бориш ва у тугаганидан сўнг баённома тўлдириш мақсадга мувофиқ. Имконият даражасида баённомада айбланувчи ишлатган ибораларни айнан сақлаб қолиш зарур. Унинг кўрсатмаларини ўсмирларга хос бўлмаган тил билан баён этиш мумкин эмас.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда фоноёзув қўлланиши ҳам мумкин, чунончи:

- сўроқ олиб борилган шароитни қайд этиш учун;

- ўсмир ўз кўрсатувларини ўзгартирганда ёки ўзгартириши мумкин бўлганда, аввалгиларидан бош тортганда;

- терговчи, катта ёшдаги бошқа иштирокчи билан юзлаштириш ўтказишдан хавфсираб, унинг сўроқ жараёнини ушбу шахсга эшиттирмоқчи бўлганда.

Вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчига сўроқ қилиш чоғида таъсир кўрсатиш, шунингдек ўсмирга бевосита қандай кўрсатув беришни ўргатиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда улар имкон борича тезроқ сўроқ қилиниши ва сўроқ батафсил бўлиши шарт.

16 ёшга тўлмаган шахсга сўроқ бошланишидан аввал ҳақиқатни одилона сўзлаб бериш зарурлиги тушунтирилади, бироқ óёàð ¸ёґîí êўðñàòув áåðганлик ва êўðñàòув áåðèøääí áîø òîðòганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

Вояга етмаган гувоҳлар улар унинг ёши, шахсий хусусиятлари ва тергов қилинаётган жиноятга муносабатидан келиб чиқиб тоифаларга бўлинади:

1) æèíîÿò ¸êè ó áèëàí áîғёèқ áîøқà ҳîäèñàни кузатган øîҳèäёàð;

2) жиноят иши тугатилган ёки жиноий жазодан мажбурий тарбия чораларини тайинлаш туфайли озод этилган иштирокчи-ўсмирлар;

3) вояга етмаган айбланувчининг яқин қариндош ва танишлари.

Гувоҳнинг мазкур тоифалардан қай бирига оидлигидан қатъи назар, уни сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда имконият борича унинг баъзи шахсий хусусиятларини: тенгдошларига муносабати (дўстлик, алдамчилик, кўнгилчанлик, жоҳиллик ва ҳ.), шахсга оид хоссаларини (ёлғончилик, ўжарлик, яширинлик), қизиқишлари, ҳаваслари ва ҳодиса иштирокчилари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Жиноятни кузатган ёки у билан боғлиқ бирор ҳодисага гувоҳ шоҳид бўлган шахслар одатда тўғри сўзлайдилар. Аммо унутувчанликлари ёки бирор кимса таъсирида кўрсатувларини ўзгартирмасликлари учун улар имкон борича эртароқ сўроқ қилингани маъқул. Уларнинг кўрсатувларига баҳо беришда ҳодисани қабул қилишнинг ҳам объектив (узоқдан туриб, ёритилган жойни, анча вақт давомида кузатиш), ҳам субъектив (сезги органларининг ҳолати, ҳис-ҳаяжон) омилларини ҳисобга олиш шарт. Ўсмир

кўрган-эшитганларини баён этганида ҳам ўзига хос қийинчиликлар юзага келади. Буларнинг бари унинг руҳий хусусиятлари, сўз бойлиги етарли эмаслиги, бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мазкур қийинчиликлар хотиранинг ўзаро боғлиқ ҳолатлар ёрдамида фаоллаштириш, хотирани далиллар намойиш этиш йўли билан жонлантириш сўроқни ҳодиса содир этилган жойда ўтказиш ёки кўрсатувларни текшириш услублари ёрдамида бартараф этилади.

Гувоҳларнинг мазкур тоифаси одатда терговчига ишонади ва баъзида, ҳатто онгсиз равишда бўлса ҳам, ҳақиқатни аниқлашда кўмак беришга тайёр бўлади. Шу билан бирга бундай ишонч ва тайёрлик ҳисси ортида барча сўралган нарсани тасдиқлайвериш эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли, вояга етмаган гувоҳга бериладиган саволлар жуда пухта ўйланган, лўнда ҳар қандай шама ва уқтиришдан фориғ бўлиши шарт.

Ижтимоий хавфли ҳаракатларда иштирок этиб, жиноят иши тугатилган вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда ҳам у билан ўхшаш қилишни содир этган вояга етмаган айбланувчидаги каби сўроқ тактикасини қўллаш мумкин. Бундай гувоҳлар, одатда, содир этилган жиноятда ўзларининг иштирокларини инкор этмайдилар, ўзга шахслар, айниқса катталар ва ўзидан катта ўсмирлар тўғрисида истар-истамас кўрсатув берадилар. Бундай ҳолатни тавба қилиш ва терговга фаол ёрдам бериш зарурлиги, бу эса гувоҳнинг бўлғуси тақдири учун, шунингдек унинг дўстларини қайта тарбиялаш учун муҳим аҳамиятга эгалигини тушунтириш билан бартараф этиш мумкин. Сўроқ жараёнида терговчининг бўлиб ўтган ҳодисадан хабардорлигидан далолат берадиган далил-исботлар намойиш этиши мақсадга мувофиқ. Ушбу жиноят иши бўйича сўроқ қилинган бошқа вояга етмаганлар томонидан тилга олинган, бироқ батафсил баён этилмаган фактларнинг икир-чикирларига аниқлик киритувчи саволлар бериш ҳам тавсия этилади.

Жиноий жавобгарлик ёшига етмаган гувоҳларни сўроқ қилишни тайёрлаш ва ўтказишда уларни икки гуруҳга ажратган маъқул. Биринчиси - илк маротаба, одатда, бирон кимса таъсирида жиноятга қўл урган ўсмирлар. Улар кўп ҳолларда тўғри кўрсатув берадилар ва терговчининг вазифаси ана шу «тарбияси оғир» ўсмирнинг ишончини қозониш, аниқланиши керак бўлган жиҳатлар, шарт-шароитлар доирасини тўғри белгилаб олиш, саволларни талаб даражасида тузиш, кўрсатув тафсилотларини белгилашдан иборат бўлиб қолади.

Иккинчи гуруҳга бир неча маротаба ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ўсмирлар кирадилар. Улар деярли самимий бўлмайдилар, содир этган қилмишларидан камроқ афсусланадилар, чўрткесар, ашаддий ва тарбиясиз эканликлари билан фахрланадилар. Уларни фош қилишда обрўга эга бўлган педагог, шу жумладан спорт мактабининг тренери катта ёрдам бериши мумкин.

Вояга етмаган айбланувчининг яқин танишларини сўроқ қилишда улар ўртасидаги дўстона муносабатларни эътиборда тутиш лозим. Кўпинча улар яшаш, ўқиш, ишлаш жойига кўра шаклланган, бирга дам оладиган турғун гуруҳларга уюшадилар.

Бу хил гувоҳлар тоифасида оила, мактаб, меҳнат жамоаси билан нормал алоқасини узган шахслар бир талай. Улар ижтимоий назоратдан чиқиб кетган бўлиб, ўз қарашларига кўра айбланувчининг маслакдошлари ҳисобланадилар. Уларни сўроқ қилишда ўзлари ёки бошқа ўсмирлар томонидан содир этилган, тергов томонидан ҳали аниқланмаган ҳуқуқбузарликлар хусусида кўпгина қимматли маълумот олиш мумкин.

Гувоҳнинг камсўзлиги унинг айбланувчи ёки гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан қўрқитилиши оқибати бўлиши ҳам мумкин. Гувоҳ ҳали терговга маълум бўлмаган айблари учун жазо олишдан қўрқиб индамаётган бўлиши ҳам эҳтимол. Мазкур ҳолатни сўроқ вақтида эътиборда тутиш,

унга боғлиқ версияларнинг асосли эканини текшириб кўрмоқ лозим.

Юқорида қайд этилган гуруҳларда кичик ёшдаги гувоҳлар бўлса, бунда қуйидагилар эътиборга олиниши шарт. Баъзи ёш болалар ўта кузатувчан бўладилар. Улар кўпинча катталар сезмаган ҳолатларни кўриб, эслаб қоладилар. Ушбу фазилатдан сўроқ қилинаётган шахснинг эътиборини тафсилотларга қаратиш ва уларни кейинчалик текшириш мақсадида баённомада икир-чикиригача қайд этиш орқали фойдаланса бўлади.

Вояга етмаган жабрланувчилар, одатда, ростгўй бўлсалар-да, маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар кўрганликлари туфайли иш натижасидан манфаатдор шахс эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг билан бирга кўрсатувлар ҳаққонийлигига улар жиноий тажовуз вақтида ҳаяжон, қўрқув ҳолатида бўлиб, содир бўлаётган ҳодисаларни тўлиқ англай олмаганликлари ҳам таъсир қилиши мумкин.

Жинсий жиноят содир этилганида, жабрланувчи баъзи тафсилотларни айтмаслиги, ҳаттоки уларни рад этиши ҳам мумкин. Жабрланувчига айбланувчининг қариндошлари, яқинлари, дўстлари таъсир кўрсатаётганлигини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Буларнинг бари унга саволларнинг қай тарзда берилишини белгилайди ва кейинчалик кўрсатувларини текшириш йўлларини танлаш имконини беради.

Вояга етмаганлар тарбияси учун масъул шахсларни сўроқ қилиш орқали ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароитлари, шахсига оид хусусиятлари аниқланади. Сўроқ жараёнида жиноят содир этилишига олиб келган, жиноий ахлоқ сабабларини келтириб чиқарган, ўсмир онгига унинг жазо олмаслиги тўғрисидаги тушунчани киритган сабаб ва шарт-шароитга ойдинлик киритилади.

Терговчи вояга етмаган, гумон остидаги шахс тутиб келтирилган ва ҳибсга олинган бўлса, унинг ота-онаси билан учрашади. Ота-онасини барча масалалар юзасидан тўлиқ ҳажмда сўроқ қилишнинг иложи

бўлмаганда, имкон борича улардан ўсмир қайси ҳаракатларни содир этганлик учун ҳибсга олингани, ўтказилаётган терговнинг холислиги, уларнинг ростгўй кўрсатувлари, хусусан, содир этилган жиноятнинг сабабларини аниқлаб олиш ва бўлғуси тарбия чораларини белгилаб олишда нақадар муҳимлигига эътибор қаратиш.

Îòà-онаси ҳар икковини сўроқ қилиш талаб этилади, чунки улар бола тарбияси муаммосига ҳар хил ёндашиши, унинг ҳаёти тўғрисида турлича маълумотга эга бўлиши мумкин.

Вояга етмаганнинг тарбияси учун масъул шахсларни сўроқ қилганда навбатма-навбат оиласининг таркиби, ўсмирнинг ўқиш ва дам олиш шароитлари, унинг ўртоқлар давраси, бўш вақтини қай тарзда ва ким билан ўтказиши; ота-онаси ўсмирнинг бўш вақтини қандай назорат қилгани; спиртли ичимликлар истеъмол қиладими ва қачондан бери, óíè ичишга êèì ўðãàòãàí; бошқа эҳтиёж ва қизиқишлари, àââàë éўë қўéãàí àéáëàðè âà ìàêòàá, бошқа билим юрти, уйида êўðèëãàí ÷îðàëàр; уйдан қочиб кетмаганми, кечаси кетиб қолиш одати йўқми, бунга ота-онасининг муносабати; ўсмирнинг мактаб, ишхонадаги жамоаси билан муносабатлари; ота-онасининг бир-бирига ва ўсмирга бўлган муносабати; улар содир этилган жиноятга оид қандай маълумотга эгалиги; ўсмир билан шу тўғрида ўтказган суҳбатлари мазмуни; жиноят содир этилган куни у вақтини қандай ўтказган, ўзини шундан кейин қандай тутганлиги аниқланади.

Мактаб, ҳунар-техника билим юрти педагоглари, тарбиячиларини сўроқ қилиш ўсмирнинг руҳий-жисмоний ривожига оид хусусиятлар, унинг феъл-атвори, эҳтиёжлари, қизиқишлари, алоқалари, ёш хусусиятларининг намоён бўлиши хусусида маълумот олиш имконини беради. Бу шахслар оиладаги маънавий иқлим, ота-онасининг ўзаро муносабатлари, ўсмирнинг турмуш ва тарбия шароити, одатлари, мойилликларининг пайдо бўлиш сабабларидан хабардор бўлишлари мумкин. Ўқитувчи ва тарби-

ячилар одатда, ота-оналарга нисбатан холисроқ бўлади.

Вояга етмаганлар содир этган жиноятларни тергов қилишда юзлаштиришга эҳтиёткорлик билан ёндашиш ва уни фавқулодда ҳоллардагина ўтказиш керак. Ўсмирлар юзлаштиришга истар-истамас розилик берадилар, чунки сотқин деб ном олиш ва жазоланишдан қўрқадилар. Юзлаштириш одатда терговчи ва ўсмир ўртасидаги бўлган руҳий алоқани чигаллаштиради. Асосий хавф эса у бошқа иштирокчи таъсирида, айниқса у жиноятнинг катта ёшли қатнашчиси бўлса, ўз кўрсатмаларини ўзгартириши мумкинлигидадир. Ўсмир баъзан мураккаб вазиятни англаб олишда қийналади ва ёши катта шахс билан юзлаштирилгандан сўнг ўз айбини тан олмаган катта ёшли шахс дўқ-пўписа қилмаган ҳолда ҳам ўз кўрсатмаларини ўзгартиришига мойил бўлади. Вояга етмаганларни ўзаро юзлаштириш ҳам ўта мураккаб. Ўсмирнинг фош қилувчи кўрсатувларини бошқа иштирокчи одатда, улар ўртасидаги ёмон муносабатларга йўяди.

Вояга етмаган айбланувчи кўрсатувларидаги қарама-қаршиликларга юзлаштиришдан бошқа йўл билан барҳам бериш имконияти мавжуд бўлса, терговчи ушбу имкониятдан фойдаланиши шарт.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш жараёни, юқорида айтилганидек, фонограммага туширилиши ва сўнг у кўрсатувлари мувофиқ келмаган шахсга намойиш этилиши мумкин.

Содир этилган жиноят турига қараб суд-баллистик, трасологик ва ўзгача экспертизалар òàéèíëàíèøè ìóìêèí. Áèðîқ èøëàðíèíã ìàçêóð òîèôàñèга кўпроқ ñóä-òèääè¸ò, ñóä-ïñèхиатрик, суд-руҳий ва психиатрик-руҳий экспертизалар хосдир.

Суд-тиббиёт экспертизаси ўтказиш ўсмирнинг ёшини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлмаганида, ёш қасддан яширилганида ва мавжуд ҳужжатлар шубҳа туғдирган ҳолларда мажбурийдир. Суд-тиббиёт экспертизаси организмнинг ёшга хос бўлган ўзгаришларига оид илмий маъ-

лумотлар: умумий анатом-физиологик ривожланиш, скелет суякларининг қотиши, тиш аппаратининг ривожи кабиларга таянади. Ёш муайян даражада тахминий аниқланади.

Суд-психиатрик экспертизаси вояга етмаган шахснинг психик ҳолатини ўрганиш мақсадида тайинланади. Ўсмир психикасидаги камчиликлар сурункали касаллик, руҳий фаолиятнинг вақтинчалик издан чиқиши, ақли заифлик ёки бошқа касаллик оқибати бўлиши мумкин. Шу каби нуқсонлардан ўсмирларда шахснинг ҳаяжон-ирода хусусиятларида намоён бўладиганларидан: бирдан асабийлашув, жиззакилик, урушқоқлик, ишонувчанлик, ўжарлик кабилар тез-тез учрайди. Қизиқишлари ҳам психопатик ўзгаришларга мойил бўлиб: дайдилик (дромомания), ёндириш (пиромания), ўғрилик қилиш (клептомания) кабиларга интилиш пайдо бўлади.

Вояга етмаган қонунбузарлар орасида олигофрения кўринишларидан бири – ақли заифлик (дебилизм) дучор бўлган шахслар ҳам тез-тез учраб туради. Бундай ўсмирлар ақлан заифлиги ва ҳис-ҳаяжон-ирода функцияси издан чиққанлиги билан тавсифланадилар. Ақлан заифликни аниқлаш мақсадида суд-руҳий экспертизаси тайинланади. Ақлан заифлик руҳий касаллик оқибатида келиб чиққан бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, аввал руҳий-психиатрик экспертиза тайинлаган маъқул.

Суд-руҳий ва руҳий-психиатрик экспертизалари олдига ҳал қилиш учун одатда қуйидаги масалалар қўйилади: вояга етмаган шахснинг ақлий ривожланиш даражаси, ўсмирнинг ақлий ривожида шу ёш учун хос бўлган меъёрий даражадан оғиш мавжудми, вояга етмаган шахс унинг жисмоний ва руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда шарт-шароитларни тўғри қабул қилиши ва улар тўғрисида тегишли, кўрсатма бериши мумкинми, вояга етмаган шахс ўз ҳаракатлари ва ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатлар моҳиятини тўлиқ англаб етиши мумкинми, ўсмир ўз

ҳаракатларини бошқариши мумкинми ва мумкин бўлса, қай даражада кабилар.

Ҳар қандай экспертизани тайинлашда вояга етмаган шахс экспертиза ўтказиш ва унга материаллар тақдим этиш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга ошириши учун ҳимоячи ёрдамидан фойдаланишини таъминлаш зарур.

4-§. Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишлар бўйича терговчининг профилактик фаолияти

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича терговчи профилактик ишининг асосий мақсади - муайян жиноятнинг содир этилиши ёки такрорланишига олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат.

Ўсмирларда жиноий ахлоқни шакллантириб, юзага чиқишига сабаб бўладиган энг типик шарт-шароитлар: вояга етмаган шахсни тарбиялашга масъулиятсиз ёндашув, мактабда, ишхонада зарур тарбиявий ишларнинг олиб борилмаслиги; ўсмир атрофидаги муҳитнинг салбий таъсири; катталар ёки ёши каттароқ ўсмирларнинг жиноят содир этишга бевосита гижгижлаши; вояга етмаганлар билан профилактик ишларини олиб бораётган органлар фаолиятидаги нуқсонлар чуқур таҳлил қилишини тақозо қилади.

Терговчи жиноятнинг олдини олиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш учун нобоп тарбия берган ва ўсмирга салбий таъсир кўрсатган шахсларни аниқлаб, уни жиноятни содир этишдан сақлаб қолишга ҳалал берган шарт-шароитни аниқ белгилаб олиши шарт. Мазкур иш вояга етмаган шахсни тарбиялаш ва уни салбий таъсирлардан сақлаш бўйича кимга ва қандай мажбуриятлар юкланганлигини белгилайдиган меъёрларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўсмирни ишга жойлаштириш, умумтаълим муассасасига қайтариш

ёки махсус ўқув юртига йўллаш ҳам жиноятнинг олдини олиш чораларидан биридир.

Вояга етмаган фарзандига салбий таъсир кўрсатаётган шахсларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, уларни кўчириб юбориш чораларини кўриш, васий тайинлаш ҳам жиноятнинг олдини олишда муҳим ўрин тутиши мумкин.

Жиноят ўсмирга атроф муҳитнинг салбий таъсир қилиши натижасида юз берган бўлса, чоралар ушбу таъсирни бартараф қилиш ёки ўзгартиришга қаратилади.

Шу мақсадда терговчи расмий ташкилотга тақдимнома йўллайди, яшовчилар, меҳнат жамоалари олдида фикр билдириши мумкин. Одатда, тергов ишидан сўнг бўлган ана шундай чиқишларда у жиноят содир этилишига олиб келадиган шарт-шароитларни қайд этиб ўтиши, ўсмирларни тарбиялашга оид қайси ҳуқуқий меъёрлар бузилганлигини намойиш этиши, ушбу қонунбузарликка йўл қўйган шахсларнинг масъуллигини асослаб, шу каби қонунбузарликларга келажакда йўл қўймаслик йўлларини кўрсатиб бериши лозим.

Вояга етмаганларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва жиноятларининг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланиш зарур.

40-боб. ГИЁҲВАНД ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕРГОВИ

1-§. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар ЖКнинг XlX-бобидаги 270-271, 273-278-моддаларда назарда тутилган.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прокурсорлар билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи уларни ЖК моддала-

рида берилган тушунчаларига асосланади ва умуман қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади.

1. Кўкнор ёки таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган тақиқланган ўсимликларни экиш, парваришлаб етиштириш (ЖК 270-м.) ҳолларида экин майдони ва бу қилмиш билан шуғулланган шахснинг кимлиги, у ўзи истеъмол қилиши ёхуд бошқаларга ўтказиш ниятида эканлиги аниқланмоғи лозим. Экин майдони 250 квадратметрдан кўп бўлса, ўртача, 1000 квадратметрдан ошса катта майдон ҳисобланиб, жазо чораси тегишлича кучайтирилади. Амалиётда бундай хатти-ҳаракат катта миқдорда даромад олиш учун содир этилса-да, гўё экинларни кексайган шахс ўзи учун парвариш этгани ҳақида ёлғон тушинтириш бериш кўп учрайди. Экинларни агроном-селекционер, химиклар ёрдамида экспертиза қилиниши лозим бўлади.

2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м.). Уларни қўлга киритиш усули қонунга хилоф эканлиги, чунончи ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, босқинчилик тарзида бўлганлиги, шахс илгари ҳам бундай қилмиш билан шуғулланган, тамагарчилик, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол этган, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан, кўп миқдорда, уюшган гуруҳ таркибида тажовуз қилган, ҳатто-ўта хавфли рецидивист экани албатта синчковлик билан аниқланмоғи лозим. Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари қайси жойдан қонунсиз эгалланган ва уларни кимлар орқали сотиш, тарқатиш мўлжалланганига алоҳида эътибор берилиши зарур. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни контрабанда қилиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 246-м.).

3. Гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддаларни бошқаларга ўтказиш ва шу мақсадда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш каби хатти-ҳаракатлар (ЖК 273-м.) мазкур жиноятларнинг энг жиддий тури

ҳисобланади. Жиноятнинг предмети бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдори кўп бўлмаса, озгинадан кўпроқ ёхуд кўп бўлса, жазо меъёри ҳам кескин ўзгаради. Шу боис жиноят предметининг нимадан иборат экани ва қанча эканлиги албатта экспертиза йўли билан исботланмоғи шарт. Тергов жараёнида айбланувчининг шахси, айниқса илгари ҳам шундай жиноятлар учун маҳкум этилгани, унинг уюшган гуруҳ аъзоси эканлиги аниқланиши зарур. Жиноятни ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув, спорт ёки турли жамоат тадбирларини ўтказаётган жойларда, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жазоси ўталадиган жойда содир этилиши айниқса хавфли ҳисобланади. Бу хил жиноятларда гиёҳвандлик воситаларнинг манбалари ва уларни олган, сотган, истеъмол қилганлар доирасини тўла аниқлаш жуда зарур. Агар бундай шахсларда сотиш, даромад олиш мақсади аниқланмаса, улар фақат гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилгани ёки бошқа мақсадларда тайёрлагани, сақлагани учун жавобгарликка тортилади (ЖК 276-м.). Бошқаларни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бепул истеъмол қилишга алдаб чорлаш, ўргатиш, далолат қилиш, мажбурлаш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (ЖК 274-м.). Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш учун жиддий жазолар белгиланган (ЖК 127-м. 2 ва 3-қисми). Бу қилмишни бангихоналар очиш тарзида содир этиш оғир жиноят ҳисобланади (ЖК 273-м., 4-қисми). Жиноят таркибига баҳо беришда яна бир ҳолатни эътиборга олиш лозим: кўп бўлмаган миқдордаги гиёҳвандлик воситаларни ёки психотроп моддаларни бошқаларга ўтказиш мақсадида ёхуд бундай мақсадсиз қонунга хилоф равишда тайёрлаган, сотиб олган, сақлаган, ташиган ёки жўнатган шахс ўз ихтиёри билан айбига иқрор бўлиб, ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари

ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади (ЖК 273-м. 6-қисми ва 276-м. 3-қисми).

4. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 275-м.) Бу қоидалар «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» 1999 йил 19 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосланган. Жумладан, унга кўра гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар фақат давлат эҳтиёжлари учун, буюртмага мувофиқ махсус лицензияга эга бўлган муассаса, корхона, ташкилот томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Уларни тайёрлаш, аниқлаш, фойдаланиш, бошқаларга бериш, ташиш, жўнатиш каби ҳаракатлар қатъий тартибга солинган. Уларга риоя қилмасликнинг нимада ифодалангани, сабаби, оқибатлари иш бўйича батафсил аниқланмоғи лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг 1998 йил 22 майдаги қарори билан тасдиқланган. Унда 67 турдаги гиёҳвандлик воситалари ва 22 турдаги психотроп моддаларнинг ўлчами – оз, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорга мансублиги ҳам белгиланган. Мазкур масала БМТнинг Қонунга хилоф муомаладаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши кураш тўғрисида Конвенциясига (1988 йил) асосланиб ҳал этилган. Конвенцияда ана шу восита ва моддаларни тайёрлашда фойдаланиладиган 22 хил кимёвий моддалар-прекурсорлар ҳам назарда тутилган.

Бу тоифа жиноят ишини тергов қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1995 йил 27 октябрда қабул қилган Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида қарори талабларига риоя қилиниши шарт.

Ноқонуний равишда гиёҳвандлик воситаларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар жиноятчининг хатти-ҳаракатларига қараб бири-иккинчисидан кескин фарқ қилади. Аммо соғлом аҳолини фалаж қилишлари бу воситаларнинг истеъмоли натижасида одам организмида турли хил муддатда бетакрор ўзгаришларга олиб келиши, кейинчалик эса унга батамом руҳий ногиронликка мубтало бўлиб қолишлари билан боғлиқ оқибатлари уларни бирлаштириб туради. Тиббиёт нуқтаи назаридан гиёҳвандлик воситалари деганда, бир ёки бир неча хил ўсимликлардан ёхуд сунъий моддаларда тайёрланган, дастлаб истеъмол қилиш натижасида одам марказий нерв системасига таъсир кўрсатиб, руҳан таскинлик берадиган, кўпроқ истеъмол қилиш натижасида кайфиятни ҳаддан ташқари кўтариб юборадиган, охир оқибат гангитиб гўнг ҳолатга соладиган восита назарда тутилади.

Гиёҳвандлик воситаларини мунтазам истеъмол қилиш одам саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, унинг фаолияти ва асабини издан чиқаради, руҳий касалликка учратади. Бундай одамнинг меҳнат қобилияти пасаяди, қисқаси шахсни таназзулга дучор қилади, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этишга олиб келади.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга ва махсус гиёҳвандлик воситалар рўйхатига киритилган, халқаро ягона конвенция назоратида бўлган ўсимликлардан саноат асосида ёки хонаки тайёрланган воситалар ғариқонуний ҳисобланади. Назоратда бўлган бундай воситалар рўйхати психотропик хусусиятига эга бўлган (руҳиятга таъсир этувчи) янги доривор воситалар ҳисобига муттасил кўпайиб бормоқда. Уларни даволашдан бошқа мақсадларида ишлатиш ҳолатлари кўпайганлиги сабабли бундай моддалардан фойдаланиш қатъий равишда ҳуқуқий тартибга солинди. Бундай моддаларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар наркотик моддаларга нисбатан бошқача жавобгарлик ҳолатлари белгилаб қўйилган.

Гиёҳвандлик воситалар билан ноқонуний ҳаракатлар тўғрсидаги ишни тергов қилишда жиноят субъектининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш керак: кўп ҳолатларда айбдор шахс гиёҳвандлик воситаларига муккасидан кетган бўлади, яъни усиз тура олмайди. Гиёҳвандлик мушкул оқибатларга олиб келишини тергов жараёнида эътиборга олиш керак (гиёҳвандларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, тергов экспериментлари ўтказиш кабилар). Гиёҳвандларнинг типик белгилари ёлғон сўзлаш, аҳлоқий таназзулга юз тутш ва ақлан заифлашиб қолишдир. Наркотик очиқиш шароитида шахснинг қулоғига гап кирмайди, у атроф-муҳитни реал тасаввур қила олмайди.

2-§. Жиноят иши қўзғатиш

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида, шунингдек текшириш ва тафтиш жараёнида ўғирлик, мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатлари, гиёҳвандлик восита ва психотропик моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш, бериш қоидаларининг бузилиши ёки гиёҳванднинг шифохонага тушиши билан боғлиқ тергов органлари томонидан текшириш натижасида аниқланган жиноятлар бўйича иш қўзғатиш - булар энг кўп учрайдиган сабаблар ҳисобланади.

Бундай тоифадаги жиноятнинг ўзига хос томони шундаки, жиноятчини жиноят устида қўлга олиш кўпгина ҳолларда уларни фош қиладиган ашёвий далилларга эга бўлишга имконият яратади ва у тергов қилишнинг бундан кейинги йўналишини белгилаб беради. Агар гиёҳвандлик воситаларини ёки уларнинг изларини топиш имкони бўлмаса, амалда уларни сақлаш, ташиш ва истеъмол қилганлигини исботлаш жуда қийин кечади.

Гиёҳвандларни жиноят устида (олиб кетаётганда, келишув содир этаётганда, кўкнори ширасини тайёрлашганда) қўлга тушириш учун

гиёҳванд модда гумон қилинган шахс билан бирга бўлиши, бу холатни кузатувчи олдиндан билиши керак. Жиноятчиларни қўлга олиш навбати тўғрисидаги масала ҳар бирини ушлаганда қандай натижаларга эришиш мумкинлигига қараб ҳал қилинади. Уларнинг ҳар бирини ушбу жиноятдаги роли ва иштироки даражаси, жиноятчилар гуруҳи билан алоқалари ҳисобга олиниши керак. Бу тўғри кўрсатув бериши мумкин бўлган шахсни аниқлаб олиш имконини беради.

Гиёҳвандларни қўлга олишнинг энг самарали усули тўсатдан ҳаракат қилиш ҳисобланади. Жиноятни содир этиш усуллари ва ниқобланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиб, қўлга тушириладиган жой белгиланади. Қўлга тушириш гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларни олиб кетаётган транспортда, турар жойда олди-сотди битими амалга оширилаётганда, кўкнори ва нашадан гиёҳванд тайёрлаётганда, гиёҳвандлик моддалари қабул қилаётганда маълум жойда сақлаётганда; истеъмол қилаётганда, жўнатаётганда, сотаётганда амалга оширилади. Шунингдек гиёҳвандлик восита олинадиган ўсимликларни етиштиришда, экишда, ишлов бераётганда, ҳосилини йиғиштириб олаётганда ҳам қўлга тушириш мумкин. Формацевтика корхонасида ўғирланган гиёҳвандлик воситаларни олиб чиқаёганда; дорихона ёки даволаш муассасасида уларни сохта рецепт бўйича олиб кетаётганда ҳам қўлга тушириш мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларни фармацевтика корхоналари, даволаш муассасалари, дорихоналардан ўғирлик йўли билан олганларни тергов қилишда қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш керак: 1) ўғирлик содир этилганми; 2) ким содир этган; 3) қандай усулда амалга оширилган; 4) мунтазам содир этиб турилганми; 5) ўғирланган гиёҳванд моддалар миқдори; 6) ўғирланган модда қаерга яширилган; 7) ўғирликдан мақсад истеъмол қилишми ёки сотишми; 8) олиб-сотарлар билан олдиндан кели-

шиб олинганми; 9) ўғирланган моддалар қайси йўллар билан тарқатилган; 10) ўғирликка қандай шароит имкон берган.

Гиёҳвандлик воситаларни сотиш билан боғлиқ ишни тергов қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқланиши даркор: 1) гиёҳвандлик воситасининг манбаи қаерда; 2) у кимдан харид қилинган; 3) олди-сотди ҳақида олдиндан келишиб олинганми; 4) муҳсулот қандай баҳоларда сотиб олинган; 5) маҳсулотни ўтказиш йўллари; 6) жавобгарликни оғирлаштирадиган ва, аксинча, енгиллаштирадиган ҳолатлар, чунончи гуруҳнинг мавжуд бўлганлиги, мунтазамлиги ва ҳ.к. 7) жиноят содир этишга қандай шароитлар имкон берган.

Муайян шахсда гиёҳвандлик воситаларнинг мавжудлиги тугал жиноят таркибини ташкил этади, чунки қонунга кўра, бу воситаларни ўзи истеъмол қилиш учун олганлар ҳам жавобгарликка тортиладилар; шу билан бирга тажриба кўрсатадики, гиёҳвандлик воситаларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилади. Шу сабабли жиноят билан алоқадор барча шахсларни аниқлаб олиш зарур.

3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари

Жиноят устида қўлга олиш ва тинтув ўтказиш баённомалари дастлабки далил тарзида бўлиб, муайян бир шахсда гиёҳвандлик воситалар топилганлигини билдиради, холос. Бундай вазият версия тузишда содир этилган жиноят усули ва тезкор-қидирув ишлари натижаларига оид маълумотларга алоҳида аҳамият беришни талаб этади.

Гумон қилинган шахснинг турмуш тарзи, жиноят содир этиш усуллари, унинг кимлар билан учрашганлиги ва қайси маршрут бўйича сафар қилганлиги версия тузиш учун бошланғич материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Энг типик версияни қуйидаги кўринишда таклиф этиш мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларни қўлга олишда: а) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситаси ёки психотропик моддаларни олиб-сотарга улгуржи пуллайди савдогар эса уни чакана нархда сотади; б) қўлга олинган шахс фақат олиб-сотар томонидан ёлланган шахс; в) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситалар ўғриси; г) қўлга олинган тасодифий унга юкни элтиб бериш топиширилган, у нимани олиб кетаётганлигини билмайди; д) қўлга олинган шахс – гиёҳванд, у гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилиш учун ўғирлаб олган ёки тайёрлаган; е) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситасини дорихонадан,ёки даволаш муассасасидан ўғирлаб олган.

Гиёҳвандлик воситасини сотаётганда қўлга олинганда: а)сотувчи иккинчи даражали шахс бўлиб, унга гиёҳвандлик воситасини сотиш вазифаси юклатилган; б) сотувчи – гиёҳвандлик воситаларини ўғирлаб олган; в) сотувчи афюн ва наша билан савдо қилади, бу хил моддаларни кўтарасига сотади, ундан чакана савдо билан шуғулланувчилар харид қилади; г)сотувчи гиёҳвандлик воситаларни уни етиштирадиган ёки тайёрлайдиган жойдан олади; д) сотувчи ўзига ўхшаш олиб-сотар ва элтиб берувчи билан ҳамкорлик қилади; е) харидор наркотик моддани ўзи истеъмол қилади; ж) харидор наркотик моддалар билан савдо қилади, кўтарасига сотиб олади ва жойларга олиб бориб майдалаб пуллайди; з) харидор бангихона эгаси, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларни бангилар истеъмол қилиши учун олади; и) харидор гиёҳвандлик воситаларни май-

далаб сотиш учун олади; к) харидор- гиёҳванд шахс, айни вақтда ўз харажатларини қоплаш учун гиёҳвандлик воситани майдалаб сотади.

Олға сурилган версияларни текшириш – турли тергов ҳаракатлари, айниқса тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш орқали амалга оширилади.

Тергов версияларни мақсадга мувофиқ ва методика асосида текшириш учун тергов ишларини яхши режалаштириш зарур. У мураккаб гуруҳли ишларни тергов қилишда жуда муҳим ҳисобланади, бунда турли шаҳар ва туманларда тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Гуруҳлар томонидан содир этилган кўп эпизодли жиноят ишларини тергов қилишда янгидан-янги ҳолатлар очилади. Шунга мувофиқ янги версиялар вужудга келади, натижада тергов режаси ўзгаради, янги ҳаракатлар билан тўлдирилади.

Ниқобланган гуруҳли гиёҳвандфурушлар томонидан содир этилган жиноятни тергов қилишда милициянинг тезкор ҳодимлари билан ҳамкорликда иш юритиш лозим. Шунинг учун алоҳида қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисидаги ишларда суруштирув органларига топшириқ берш ҳолатлари назарда тутилиши керак. Қоидага кўра бирор жойга боришни ҳам режалаштириш лозим, чунки кўрилаётган жиноят ишлари бошқа шаҳар, туман ва мамлакатларда юрган жиноят гуруҳи аъзоларини талаб этади.

Мазкур тоифага оид ишлар юзасидан тинтув ўтказишнинг ўзига хос томонлари қуйидаги вазиятларга кўра амалга оширилади.

Гиёҳвандлик восита, психотроп модда ёки прокурсорни тегишли рухсатномасиз оз миқдорда бўлса ҳам сақлаш жиноят ҳисобланади. Бу ҳақда жиноятчи билгани учун уни сақлаш усулларини ўйлаб топади, билиш қийин жойларни танлайди. Жиноят иштирокчилари кўп ҳолларда қариндош ва яқин муносабатдаги шахслар бўлиб чиқади. Улар гиёҳванд-

лик воситаларни турли вақтларда турли хонадонларда сақлайдилар. Қишлоқ жойларда кўкнори ўсимликлари етиштирадиганлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни яшириш имкониятлари катта бўлади. Жиноятчилар жавобгарликдан қочиш мақсадида қўлланиладиган усуллардан бири – уларнинг транспортда жўнатаётган буюмлари ичидан, ҳовлидаги қурилмалардан ва томорқа участкаларидан топилган гиёҳвандлик моддалари хақида ҳеч нарса билмасликлари ҳақида важ қилишдир. Бундай ҳолатни гумон қилинган шахс бўйнига қўйиш анча қийин кечади. Гиёҳвандлик моддаларни сақлаб қўядиган, элтиб берадиган, олиб-сотадиган, воситачилик қиладиганлар тўғрисидаги маълумотларни тезкор-қидирув йўли билса бўлади.

Тинтув ўтказишга тайёргарлик кўришда гуруҳ иштирокчилари тўғрисида тегишли маълумотларга эга бўлиш керак, тинтув натижалари белгиланган версияни текшириш имкониятини беради. Янги версиялар пайдо бўлади, олдингисига тузатишлар киритилади. Гумон қилинганлар уйидан гиёҳвандлик восита ёки унинг излари топилган тақдирда хулоса қилиш мумкинки, мазкур шахс жиноятдан тушган даромаднинг жуда оз қисминигина олади.

Тинтув вақтида турли ўрамдаги тарозилар, гиёҳванд воситалар излари, қолдиқлари топилган бўлса, бу шахс гиёҳвандлик воситалари тайёрловчи ёки воситачи бўлиши эҳтимол. Жиноятнинг ташкилотчиси қилинганда унинг бошқалар билан алоқасини кўрсатадиган ҳужжатларга кўпроқ аҳамият бериш лозим.

Тинтув ўтказишнинг асосий вазифаси гиёҳвандлик воситалари ва бошқа ашёвий далилларни топишдан иборат. Гиёҳвандлик воситаларини ўлчаш, қадоқлаш учун ишлатиладиган тарозилар; гиёҳванд восита олинадиган ўсимлик қолдиқлари; наша тайёрлашда фойдаланиладиган элак, халтачалар, прессlар шприц, махсус найчалар; жиноят йўли билан то-

пилган пуллар ва қимматли буюмлар; қалбаки рецептлар ва ҳ.к. Жиноят иштирокчиларининг ёзишмаларини, почта воситасида ўтказилган пул ҳисоб-китобларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун почта-телеграф муассасаларида корреспонденцияларни кузатиш зарурати пайдо бўлади.

Тинтув вақтида топилган ҳужжатлар жиноятчиларнинг ниқобланган алоқаларини аниқлаш имкониятини беради. Бундай хужжатларга хат, телеграмма, пул переводлари, посилкаларга тегишли маълумотнома, ёдномалар, блакнотдаги турли ёзувлар, сақлаш камераси квитанцияси, халқаро сўзлашувлар тўғрисида квитанциялар, мехмонхона ҳисоб-китоб қоғозлари, самалёт, темир йўл, автобус, трамвай билетлари кабилар киради.

Топилган ёзишмалар синчкловлик билан ўрганилиши лозим. Тажриба кўрсатадики, бундай ёзишмалар сирли маъноларга эга бўлади, уларда жиноятни ниқоблаш мақсадида шифрланган усулдан фойдаланадилар, жаргон сўзларни ишлатадилар. Гиёҳвандлик воситалари сақланадиган яширин жойни аниқлаш алоҳида маҳорат ва синчковлик талаб қилади. Уларни баъзан турли озиқ-овқат маҳсулотлари солинган идишларда сақлайдилар, устига ёғ, сметана, мой қуядилар, крупа, ун кабилар соладилар. Деворларда, дераза тагида, мебелларда, болалар қўғирчрқларида яширадилар, шунингдек хўжалик қурилишлари, томорқа участкалари, ҳавлиларда, учоқ атрофида, молхоналарда яширин жой тайёрлайдилар. Тинтувда ўргатилган итлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тинтув натижалари баённомада ўз ифодасини топиши керак.

Яширган жой топилганда уни тасвирлаб кўрсатиш ва суратини олиш лозим. Турли жойдан топилган гиёҳвандлик воситалари алоҳида-алоҳида жойлаштирилиши ва экспертизага топширилиши лозим. Экспертиза уларнинг таркиби, тозалик ва намлик даражасини аниқ белгилаб беради.

Ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечириш, одатда, гиёҳванд воситаларини дорихона, даволаш муассасалари, фармацевтика корхоналарида ўғирлик содир этилганда ва бундай объектларда босқинчилик юз берганда амалга оширилади.

Гиёҳванд воситалар сақланган жойни синчиклаб кўздан кечириш, жиноятчининг қўл, оёқ изларини аниқлашга эътиборни қаратиш лозим. Гиёҳванд воситалар жойланган идиш ва у сақланадиган жойни очишда ишлатилган қуролларни ҳам текшириш талаб этилади. Ходиса рўй берган жойдаги изларни фото суратга олиниши ва баённомада аниқ-равшан кўрсатилиши лозим.

Кукнори етиштирадиган жой аниқланганда уларда қанча маҳсулот етиштирилиши, улардан қанча ҳосил олиниши мумкинлиги, майдоннинг схемаси, ҳажми ва экинликларнинг барчаси йўқотилганлиги, бир неча тун намуна олингани баённомада кўрсатилиши лозим.

Кўкнори қайси экинлар орасида экилганлиги, текшириш вақтида экинлар қандай ҳолатда бўлганлиги, пишган, пишмаган, йиғиштириб олинган, бир қисми йиғиштириб олинган, одам изи, ҳайвон ва транспорт воситаси излари ҳисобга олинади. Бундай тадбиркорларда агроном мутахассисларни жалб этиш лозим.

Гиёҳванд воситалар тайёрланадиган, қайта ишланадиган ёҳуд истеъмол қилинадиган хонани кўздан кечиришда турли мосламаларга, хом ашёларга ҳамда идишдаги изларга эътибор бериш зарур.

Шиша ва металл идишларда аниқланган гиёҳванд восита ва қўл излари энг асосли далилий ашё ҳисобланади.

Гумон қилинганларни жиноят устида қўлга олишда гувоҳ бўлганлар асосан ушбу вазият билан боғлиқ шахс ҳисобланадилар. Бу гувоҳларни сўроқ қилиш зарур, чунки қўлга олинган жиноятчи уни фош қиладиган предметлар меники эмас, деб тониши ҳеч гап эмас.

Агар жиноятчи гиёҳванд воситаларни олиб кетаётганда қўлга олинса, автобус ва тролейбус ёки бошқа транспорт воситаларига қаерда ўтиргани, қандай одамлар уни кузатгани, унинг қўлида нима бор эканлигини аниқлаш зарур. Бу саволларга йўлда ҳамроҳ бўлганлар, автотранспорт хайдовчилари, автобус кондукторлари ва кассирлари жавоб беришлари мумкин.

Юк сақланадиган жой ходими сўроқ қилинганда сақлашга қўйилган юкнинг хидига урғу берилади. Аммо жиноятчилар бу ҳолатни олдиндан билиб, ҳидини ниқоблаши мумкин (қалампир, атир кабилардан фойдаланадилар).

Олиб-сотарлар кўп ҳолларда транспортнинг такси туридан фойдаланадилар. Такси ҳайдовчилар мижозини қайси манзилга етказиб қўйгани ва кимлар билан учрашгани тўғрисида маълумот бериши мумкин.

Қариндош-уруғлари, таниш-билишлари, қўни-қўшниларидан айбланувчининг ҳаёт тарзи, ҳамтавоқлари, учрашувлари ва сафарлари тўғрисида сўраш керак. Гувоҳларни сўроқ қилиш жиноятчи қўлга олингандан кейин дарҳол ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда улар ўзаро тил бириктириб ёлғон кўрсатув беришга келишиб олишлари мумкин.

Гиёҳвандлар орасидан гувоҳ қидириш лозим, улар мазкур иш юзасидан кўрсатув беришлари мумкин.

Ўзининг ёмон ҳолатга тушиб қолганлигини англаб етган ва даволанишга интилаётган шахслар одатда гиёҳванд воситаларни тарқатаётганларни айблайдилар ва тўғри кўрсатув беришга мойил бўладилар.

Ҳали гиёҳванд даражасига етиб улгирмаган ва уни қабул қилавериш нималарга олиб боришини яхши тушуниб етмаган шахсларга бу қилмиш яхшиликка олиб бормаслигини, агар бу заҳри-қотилни истеъмол қилишни

тўхтатмаса, нималарга дучор бўлишини тушунтириш фойдадан холи эмас. Бу суҳбатга шифокор ва руҳшуносларни ҳам жалб этиш керак.

Сурункали гиёҳванд шахслар даволанишни хаёлига ҳам келтирмайди, ўз хатти-ҳаракатларини танқидий кўз билан кўрмайди, улар таназзулга юз тутган шахслардир. Бундай шахслардан ҳақиқий маълумотларни олиш анча қийин кечади.

Гиёҳванд гувоҳ абстиненцияга тушган вақтда олинган маълумотларга баҳо беришда эҳтиёт бўлиш керак. Гиёҳванд айбланувчи манфаатини ёқлаб, шантаж қилишгача бориши, хатто жиноятга қўл уриши, ўзлари берган кўрсатувлардан тонишлари ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг кўрсатувларини қайта-қайта текшириб кўриш, бошқа манбалар билан солиштириш мақсадга мувофиқ.

Гиёҳванд воситаларни сақловчиларга бу хилдаги хатти-ҳаракатнинг ёмон оқибатларга олиб келишини тушунтирганда гуруҳ ташкилотчисини қўлга олиш муҳимлигини уқтириш самарали натижалар беради. Агар гумон қилинган унга сақлаш учун берилган нарса нима эканлигини билмаган эдим, деб кўрсатув берса, унинг бу кўрсатувларини йиғилган маълумотлар билан солиштириб кўриш зарур.

Жиноятнинг ташкилотчилари ва асосий иштирокчиларини сўроқ қилишда тинтув вақтида топилган далиллар, гувоҳлар кўрсатувлари, эксперт хулосаларидан моҳирона фойдаланилмаса, сўроқ яхши натижа бермайди.

Топилган нарса гиёҳвандлик хусусиятга эга эканлиги фақат экспертиза воситасида аниқланади. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича комплекс суд-тиббиёт ва суд-психологик экспертиза ўтказиш ва экспертлар ҳал қилиши учун кўпинча қуйидаги саволларни қўйиш керак: текширилаётган шахс яқинда гиёҳванд восита қабул қилганми; унда сурункали норкоманлик белгиси мавжудми; у наркотик моддаларга қарши ўтказиладиган маж-

бурий даволатишга мажбурми; у жиноят содир этилган вақтда гиёҳвандлик таъсирида бўлганми ва бошқалар.

41-боб. УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Уюшган жиноятчилик ва гуруҳлар тавсифи

Жиноятчилик билан курашишнинг 70-йиллардаги амалиёти ва назариясида профессионал (касбий) жиноятчилик бизда йўқ қилинган, бу

нарса бизнинг жамиятга хос эмас деган фикрлар ҳукмрон эди. Олимлар ва амалиётчилар кўплаб жиноятларни бир гуруҳ томонидан, бир хил усулда юқори «технологик» савияда содир этилган ҳолатларига дуч келганда жиноятчиларнинг ҳаракатларида баъзи бир «профессионаллик элементлари» борлиги ҳақидаги юзаки изоҳлар берардилар. Жиноий фаолият билан *касб* сифатида шуғулланиш ҳақида ҳеч нима дейилмасди. Собиқ Иттифоқда профессионал жиноятчиликнинг, айниқса уюшган жиноятчиликнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқ фанининг ақидаларидан бири бўлиб келди.

Аммо вақти келиб, нафақат профессионал, балки профессионал уюшган жиноятчиликнинг мавжудлигини тан олиш пайти келиши муқаррар эди. Унинг жиноий-сиёсий жиҳатини тан олишнинг ўзи кифоя қилмади: зудлик билан ўз ечимини талаб қиладиган илмий ва амалий тусдаги бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Ташкилий жиҳатдан биринчи ёндашувда Ички ишлар вазирлиги тизимида махсус бўлинма тузилди ва бу ишга муҳим маълумотларни аниқлашга қодир кучли техника воситаларига эга бўлган Давлат хавфсизлик қўмитаси жалб этилди. Илмий жиҳатдан биринчи навбатда уюшган жиноятчилик нима эканлигини ҳамда унинг гуруҳ жиноятчилигидан фарқи нимадалигини аниқлашга тўғри келди.

Адабиётда жиноий гуруҳнинг бир қанча таърифлари берилган. Масалан, баъзи муаллифлар уни умумий мақсадга интилувчи, маълум бир тарзда уюшган, жамият учун хавфли, инсон ҳуқуқларини поймол этувчи ҳаракатлар асосида бирлашган кичик норасмий гуруҳ деб эътироф этишади. Бошқа муаллифларнинг фикрига кўра, бундай жиноятчиларни ўзаро шахсий муносабатлар эмас, юқори даражада ривожланган жиноий фаолият бирлаштиради. Жиноий фаолият асосидаги жамиятга қарши шахслар кичик норасмий гуруҳ тусидаги маълум бир тарзда ташкиллаштирилган уюшма ва бирлашган ҳолатда ҳаракат қилувчи фаолият субъектидир. Ана шу субъектларнинг ҳамжиҳатлилиги даражасига қараб, жиноий гуруҳнинг

қуйидаги криминалистик турлари мавжуд: тасодифий, уюшган, жиноий ташкилотлар.

Биринчи гуруҳга гуруҳий жиноятни содир этиш учун *тасодифий* шароитлар тақозосида бирлашган шахслар киради. Унинг асосий мақсади жиноят содир этиш эмас, балки мулоқотга бўлган эҳтиёжни қондиришдир. Гуруҳнинг кўпгина аъзолари дастлаб жиноятни бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун, тасодифан, ҳамма билан ўша ерда бўлгани учун ёки тўсатдан рўй берган вазият натижасида амалга оширадилар. Тасодифий гуруҳда роллар одатда тақсимланмайди ва гуруҳ аъзоларининг уюшқоқлиги ҳам анча паст бўлади. Агар тасодифий жиноий гуруҳ фош этилмай қолса ва у криминалистик фаолиятни давом эттирса аста-секин, уюшган жиноий гуруҳга айланади. Бу гуруҳлар етакчи бўлмаса-да, улар анча уюшқоқ бўлиб, энг фаол ва обрўли аъзоларидан иборат ўзакка эгадир. Жиноий фаолиятда бир ёки бир неча шахс тобора етакчи роль ўйнай бошлайди. Улар бошқалардан кўра фаол ва ҳамжиҳатроқ бўладилар.

Уюшган жиноий гуруҳ шахсий таркибнинг барқарорлиги билан ажралиб туради, ҳатто махсус хулқ-атвор нормалари ишлаб чиқилади, етакчи ва етакчилик учун курашаётган гуруҳ аъзоси «оппозиционер» бўлиши мумкин. Бундай гуруҳда ролларнинг аниқ тақсимланганлиги, метин интизом ва ҳаракатларнинг пинҳонийлиги кузатилади. Гуруҳнинг барча фаолияти жиноий тажовуз қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг жиддийлиги борган сари ошаверади. Гуруҳ жиноят содир этишнинг мураккаброқ усулларини амалга оширишга, бир неча жойда бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилишга қодир. Бундай гуруҳ аъзолари одатда жиноий тажрибага, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг тезкор гуруҳлари билан мулоқот қилиш тажрибасига эга, шунингдек, тергов ва тезкор иш усуллари билан танишдирлар.

Жиноий ташкилотлар - бу айнан жиноий гуруҳларнинг юқори тури бўлиб, уларда интизом ва ҳаракат координацияси янада кўпроқ. Иштирокчиларнинг ташкилий алоқаларини шакллантиришга, жиноятни амалга ошириш ва яшириш усулларини ишлаб чиқиш ва кўникма ҳосил қилишга, пинҳонийликни сақлаш мақсадида аъзолар ўртасидаги бевосита мулоқот ўрнига информацион алоқалар ўрнатиш уюштирилади. Жиноий ташкилотлар учун мураккаб структура, махсус муҳофаза ва паналаш блокларининг мавжудлиги хосдир. Уларга ҳатто муассаса ёки корхона маъмурияти ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат орган ходимлари киритилади.

Уюшган жиноятчилик деганда таниш-билиш ва порага асосланган алоқалар ёрдамида ўзининг хавфсизлик тизимини таъминловчи ва жиноят билан касб (бизнес) сифатида шуғулланувчи жиноятчилар ҳамжамиятининг нисбатан кенг кўламга ёйилиши тушунилади. Амалиётда уюшган жиноятчиликнинг уч даражаси учрайди. Биринчиси иқтисодиёт соҳасида мулкни ўмарувчи, товламачилик, таъмагирлик, босқинчилик ва ўғрилик билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларни ўз ичига олади; иккинчи даража хўжалик ёки маъмурият органлари билан таниш-билиш ва порага асосланган алоқаларга эга бўлади; учинчи даража ўзига хос бўлиб, мафия кўринишига эгадир. Гап бу ерда бир қатор жиноий гуруҳларни функционал-иерархик бошқарув тизимига, ягона жиноий ташкилотга бирлашиши ҳақида бораяпти. Ғарбий адабиётда бу нарса уюшган жиноятчиликнинг тармоқ структураси деб номланган. Одатда, бундай ташкилотни кенгашга ўхшаш нарса ҳосил қилган бир неча киши бошқаради. Бу каби структуравий уюшмалар минтақалараро алоқаларга эга бўлиб, ҳам профессионал жиноятчиларни, ҳам «оқ ёқалик»ларни (давлат аппарати ва маъмурият ходимлари) бирлаштиради, ўз пул жамғармалари ва хавфсизлик тизимлари-

ни тузишади. Профессионал жиноятнинг икки тури мавжуд: коррупция билан ва усиз.

«Уюшган гуруҳлар (бандалар), ҳамжамиятлар – уюшган жиноятчиликнинг биринчи ячейкаси» деб ҳисобланади. Уюшган жиноятчиликнинг алоҳида турларида концентрациялаш ва уларни монополиялаштириш, пинҳоний ва ҳаққоний хўжалик фаолияти ва ичкиликбозлик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, фоҳишабозлик ва бошқа тарздаги жиноий бизнес соҳаларида майдонни қўлга киритишга қаратилган гуруҳларнинг ўзаро ҳаракатдаги (бевосита ва билвосита) тизимидир. Уюшган жиноятчилик деб таърифланадиган жиноий фаолият минтақавий ёки ҳатто мамлакат даражасига эга бўлади ёки халқ хўжалигининг бирор-бир тармоғини эгаллайди.

Уюшган жиноятчиликнинг икки хил даражаси бор. Биринчиси – фаолият доираси чегараланган жиноий ташкилот. Масалан, автомобиль ўғирлаш билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар кенг тарқалган. Бундай уюшмада роллар аниқ тақсимланган бўлиб, ҳужжатларни қалбакилаштирувчи, муҳрлар тайёрловчи, автоэҳтиёт қисмлардаги номерларни алмаштирувчи каби мутахассислар мавжуд. Бу даражада жиноятчиларнинг коррупцион алоқалари бўлиши шарт эмас. Кўп ҳолларда корхона ёки муассасалар маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жиноий фаолиятдаги бевосита иштироки кузатилади.

Иккинчи даража – жиноий ташкилотлар тизими ҳам жиноий фаолиятнинг фақат бир турига, масалан, наркобизнесга ихтисослашган бўлиши мумкин, лекин одатда у турли-туман кўринишга ва кенг коррупциявий алоқаларга эга.

Юқорида баён этилган тушунчаларнинг криминологик таҳлили исботлов жараёни учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, терговнинг вазифаси фақатгина жиноятнинг барча иштирокчиларини

аниқлаб, уларнинг роллари ва айбини белгилаб бериш эмас, балки жиноий фаолиятнинг вақтга, жойга доир барча кўринишларини, жиноятни амалга ошириш ва яшириш усулларини, келтирилган моддий зарар миқдорини ва жиноятни содир этишга алоқадор барча ҳолатларни аниқлаш ҳамдир. Кўриниб турибдики, исботлашнинг барча элементлари жиноят уюшган ҳамжамият томонидан амалга оширилганида ўзига хос хусусиятларга эга.

Бу хил жиноятларни аниқлаш криминалистик аспектда икки босқичдан иборат:

1) Жиноятни гуруҳ томонидан содир этилганлиги фактини аниқлаш;

2) Жиноятни уюшган жиноий ташкилот томонидан содир этилганлиги белгиларини аниқлаш;

Бу саволларга оид маълумотларни, жиноий иш қўзғатилганда тергов органларига келган бошланғич маълумотлардан олса бўлади, лекин улар асосан тергов ҳаракатини ўтказиш ва тезкор-қидирув тадбирлар жараёнида аниқланади.

Жиноий иш қўзғатишга асос бўлувчи бошланғич маълумот тергов органларига бир неча каналлар орқали келиши мумкин.

1) Жабрланувчиларнинг аризасини қабул қилган ички ишлар органи навбатчи қисмидан, патруль хизмати ходимлари, ташкилот ва корхоналар ходимлари ёки бошқалардан;

2) Ички ишлар органлари тезкор аппаратларидан;

3) Криминал тусга эга бўлиши эҳтимол бўлган жароҳатли инсонлар мурожаат қилганда тиббиёт муассасаларидан;

4) Жиноий иш қўзғатишдан аввал ҳодиса жойини кўздан кечирганда ва у билан боғлиқ қидирув тадбирларини ўтказиш давомида.

Жиноят ҳақидаги маълумот оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Содир этган жинояти ҳақида жиноятчининг ўзи ҳам арз берган бўлиши мумкин.

Криминалистик аспектда бу маълумот, кўп ҳолларда, жиноий гуруҳ томонидан содир этилганлиги, гуруҳнинг ҳамжиҳатлиги, вазифаларнинг тақсимланиши ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. Бошланғич маълумотга асосланиб гуруҳнинг ташкилий даражаси, унинг юқорироқ даражадаги жиноий гуруҳга тегишлилигини аниқлаш одатда қийин.

Маълумки, бошланғич маълумотни текшириш учун тушунтириш олиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ревизия, бошланғич текширувлар белгилаш, жиноят иши қўзғатишдан аввал ўтказилган экспертиза хулосалари кенг тарқалган воситалардан саналади.

Жиноят иши тезкор йўл билан олинган маълумотлар асосида қўзғатилганда жиноят белгилари ҳақидаги маълумотлар шахсий қидирув, тезкор кузатув, назорат текшируви, иқтисодий таҳлил ва бошқа тезкор-қидирув тадбирлари орқали олиниши мумкин.

Шахсий қидирув тезкор ходимнинг жиноятчини қидириш, топиш ва қўлга олиш ҳаракатларидан иборат. Қидирув объекти бўлиб, жиноий тил бириктирган гуруҳ аъзолари бўлиши мумкин.

Тезкор кузатув жараёнида шахснинг алоқалари, жойи, турли хил буюмларни ташиш фактлари ва жиноий гуруҳ мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи бошқа маълумотлар аниқланади.

Назорат текшируви шахс ёки гуруҳ учун кутилмаганда фуқаролик битими ёки хўжалик муносабатининг тўғрилигини текшириш учун қўққисдан амалга оширилади. Назорат текширувининг технологик жараённинг бир неча бўлинмаларида бир йўла ўтказилиши неча шахсларнинг ҳаракатларидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга ёрдам беради.

Жиноий иш қўзғатишдан аввалги тезкор ҳаракатлар жиноий ташкилотнинг хусусиятлари ва унинг уюшган жиноятчиликка тегишлилиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Тезкор маълумотлар бўйича жиноий иш қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Тезкор маълумотлар кўлами терговчи ва тезкор ходимнинг чуқур ўйланган ва ташкиллаштирилган ҳаракатларига боғлиқ.

2-§. Ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш чоғида жиноятни уюшган гуруҳ томонидан содир этилганлигини аниқлаш

Жиноий ҳаракатларни бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилганлиги ҳақидаги версия ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш вақтида топилган излар, тажовуз предметининг хусусиятлари, жиноятни амалга ошириш усули ва қуроли ҳақида маълумотларга асосланиб олға сурилиши мумкин.

Жиноятчиларнинг излари. Содир этилган жиноятнинг гуруҳий тусга эга бўлиши тўғрисида биринчи навбатда папилляр чизиқлар суратига кўра турли шахслар томонидан қолдирилган қўл бармоқлари излари гувоҳлик бериши мумкин.

Бармоқ изларига қараб жиноятчилар бир нечта бўлганликлари тўғрисидаги хулоса излар жабрланувчи ёки унинг атрофидагиларга тегишли эмаслиги аниқлангандан сўнггина чиқарилади. Худди шу талаблар асосида оёқ (пойабзал) излари ҳам баҳоланади. Фарқлар пойафзалнинг тури ва размери, юриш усулига қараб аниқланади.

Чекиш излари ҳам фойдали маълумотлар бериши мумкин. Жиноятчи бир киши эмаслигини ҳар хил маркали сигарет ва папирос қолдиқлари, ўчириш усулидаги фарқ, уларни охиригача чекиш ёки турли катталикдаги қолдиқлар қолдириш, папирос гильзасини ўзига хос усулда эзғилаш,

мундштук ишлатиш, лаб помадаси излари орқали билиб олиш мумкин. Фарқларни сигарет қолдиқларидаги сўлакни ўрганиш орқали ҳам аниқланса бўлади. Бир хил маркали сигарет ёки папирос қолдиқлари топилганда уларнинг товар белгисига эътибор бериш зарур, чунки улар ҳар хил фабрикада тайёрланган бўлиши мумкин, бу эса қолдиқлар турли шахсларга тегишли эканлигидан далолатдир.

Жиноий тажовуз предметининг хусусиятлари. Катта ёки оғир предметларнинг сурилиш ва ташилиш излари, ўғирланган нарсанинг катта ҳажми ва оғирлиги жиноят гуруҳ томонидан содир этилганлигига ишора бўлиши мумкин.

Мурда топилганда жиноят гуруҳ томонидан содир этилганлигини қуйидагилар орқали аниқласа бўлади: шикаст етказилган қуролларда; мурдани боғлаш ёки уни ўрашда қўлланилган тугун турларида; жабрланувчи ҳаётлигидаги қийноқ изларида. Гуруҳ билан амалга оширилган жиноятнинг хусусиятларидан бири бўлиб қотилликни яширишнинг тури ҳам хизмат қилиши мумкин (кўмиш жойи, мурдани бўлакларга бўлиш усули, бахтсиз воқеани инсценировка қилиш ва ҳоказо).

Жиноятни содир этиш усули ўта мураккаблиги ёки нозиклиги билан ажралиб турса, жиноят гуруҳ томонидан содир этилганлигига исбот бўла олади. Масалан, ўғирликни бино тагидан ер ости йўли қазиб амалга ошириш. Жиноят қуроли ва воситаси ҳам катта аҳамиятга эга: сейф ёки бошқа металл идишлардан ўғирлик содир этилганда металл кесувчи оғир ускуналар ишлатиш, ҳодиса, жойида турли ўқотар қуролларнинг отилган гильзаларини топиш, бузиб киришнинг турли қуроллари излари, бир неча транспорт воситаларининг излари ва бошқалар.

Барча топилган излар, предметлар, ҳодиса жойидаги шароитнинг ўзгариши тергов қилинаётган ҳодисага ва гуруҳ жинояти версиясига нисбатан баҳоланиши зарур. Гуруҳнинг белгилари бўлмаса ҳам бундай жиноят-

ни инкор этиб бўлмайди. Жиноий гуруҳнинг баъзи бир аъзолари жиноят содир этишда бевосита иштирок этмасаларда, келишувга кўра бошқа жиноий вазифаларни бажаришлари мумкин. Жиноий гуруҳнинг барчаси ҳодиса жойида бўлганлиги, лекин баъзи иштирокчилар из қолдирмаган бўлиши ҳам эҳтимол. Жиноий ташкилотнинг етакчиси одатда жиноий ҳаракатларда шахсан узи иштирок этмайди, шунинг учун, табиийки, ҳеч қандай из қолдирмайди.

Жиноят ва жиноятчиларнинг изларини баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) из пайдо бўлишининг сабаблари ва усулларини, улар пайдо бўлишининг вақт ва жой ҳолатларини аниқлаш, яъни жиноятни хаёлан тиклаш;

2) топилган изларнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш, ишга алоқаси бўлмаган изларни чиқариб ташлаш, янги изларни топиш учун маълумот олиш;

3) жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва жиноятга алоқадор бўлмаган шахсларни чиқариб ташлаш;

4) терговни режалаштириш учун зарур версияларни олға суриш.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида бошланғич маълумот сифатида ҳодиса жойини кўздан кечиришдан ташқари у билан параллел равишда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида олинган маълумотлардан фойдаланилади: уйма-уй айланиб чиқиш; жабрланувчи ва бошқалар фикрини ўрганиш; хизмат-қидирув итидан фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасида олинган бошланғич маълумот, одатда тўлиқ бўлмайди. У жиноят шубҳасиз гуруҳ томонидан содир этилганлиги ва гуруҳнинг уюшқоқлиги тўғрисидаги баъзи-бир маълумотларнигина ўз ичига олади.

3-§. Жиноятни уюшган гуруҳ содир этганлиги тўғрисида версияни илгари суриш ва терговни режалаштириш

Бошланғич маълумотлар тергов ва тезкор-қидирув версияларини илгари суриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Агар бошланғич маълумот фақат ҳодиса жойини кўздан кечириш орқали олинган бўлса, тергов қилинаётган ишга алоқадор ёки у ҳақида бирор-бир маълумотга эга шахслар бўлмаса, бундай энг мураккаб вазиятда версия мазкур жойнинг маълум ориентирларга нисбатан жойлашиши; ушбу ерда бўлган шахсларнинг сони, уларнинг жисмоний ва бошқа хусусиятлари; улар ҳаракатларининг йўналиши ва хусусиятлари; қолдирилган излар хусусиятлари ва иштирокчилар томонидан келтирилган предметлар ва уларнинг излари; бу ерда бўлган шахслар ҳаракатларининг натижаларига асосланади (қолдирилган излардан ташқари): мурдалар ва уларнинг жойлашиши, предмет ва буюмлар қисмлари, сачраган нарсалар, кўлмаклар, шикастланган, жойи ўзгартирилган ва ёйилган предметларнинг мавжудлиги.

Ҳодисанинг юз бериш модели ҳодиса жойида рўй берган ҳодисадан аввалги вазият ва ҳодисадан сўнгги вазият ҳақида тасаввур бериши мумкин. Шу асосда ҳодиса жойини кўздан кечириш орқали олинган бошланғич маълумот, кўпинча жиноятчиларнинг биологик хусусиятларига тегишли бўлиб, антропологик хусусиятлар (ирқий, жинсий, ёш хусусиятлари); анатомик жисмоний хусусиятлари (юз тузилиши, тери морфологияси, гавдаси, ва бошқалар); функционал-анатомик хусусиятлар; биохимик хусусиятлар (сўлак, қон, тер, сперма, тана тўқимаси, ҳид таркибининг спецификаси)дан иборат бўлади.

Ушбу маълумот жиноятчиларнинг тажрибаси, билимлари, маҳоратлари ва одатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Жиноят гуруҳ томонидан содир этилганлиги тўғрисидаги версияни

илгари суришда терговчининг вазифаси жиноятчиларнинг шахслари ҳақида тўпланган маълумотларни ҳар бир шахснинг белги ва хусусиятларига қараб фарқламоқдир. Агарда қўл, оёқ, тиш, ҳид изларига нисбатан бу анча енгил бўлса, билим ва маҳорат борасида бир талай қийинчиликларга дуч келиш мумкин.

Одатда гуруҳ фаолияти кўп эпизодли бўлгани учун, унинг қайси эпизоди ёки қайси тергов ҳаракатидан бошлаш кераклигини аниқлаш жуда муҳимдир. Шунинг учун, амалиёт терговчига режани тезкор-қидирув тадбирларини олиб борган ходим билан бирга тузишни тавсия қилади. Агар тезкор материалларни амалга ошириш шубҳа остидагиларни жиноят устида қўлга олишдан бошланса, унинг тавсиялари қуйидаги ҳолларни аниқлашда катта ёрдам беради: кимни, қаерда ва қандай вазиятда қўлга олиш зарур, ушланганларни қандай кетма-кетликда тинтув қилиш керак, терговнинг жорий босқичида қўлга олиниши мақсадга мувофиқ бўлмаган гуруҳ иштирокчиларини чалғитиш учун, шунингдек, жиноий йўл билан топилган пул ва бойликни олиб қўйиш ёки ҳибсга олгунга қадар уларни сақлаш учун қандай ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилиши зарур.

Тезкор материалларга асосан қўзғатилган иш терговини режалаштиришда тезкор маълуумот манбаини сир сақлаш чораларини кўриш лозим, бу эса ҳам алоҳида тергов ҳаракатларининг тактикасини, ҳам уларнинг кетма-кетлигини чуқур ўйлаб амалга ошириш лозимлигини талаб қилади.

4-§. Сўроқ қилиш - жиноятни уюшган гуруҳ содир этганлиги тўғрисида маълумот олишнинг воситаси сифатида

Жиноятни уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилганлиги тўғрисида

маълумот олишнинг воситаси сифатида сўроқ қилиш алоҳида ўринга эга. Уни бу қадар аҳамият касб этишининг сабаби, биринчидан, сўроқи қилиш энг кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, ҳеч бир жиноятни тергов қилиш усиз ўтмайди, иккинчидан, у терговчи ва судга жиноят ҳодисаси, унинг таркибидаги барча элементлар, шунингдек жиноятни амалга ошириш мақсади, сабаби ва мотиви сингари мураккаб элементлар ҳақида тўлиқ маълумот бера оладиган воситадир.

Сўр

оқ қилиш предмети, яъни, аниқланиши керак бўлган ҳолатлар доираси, умумий кўринишда исботлаш предметига киради. Жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича ишларда сўроқ қилишнинг хусусиятларига фақат гуруҳ томонидан содир этилган жиноят фактини тасдиқлайдиган маълумотларнигина олиш эмас, балки гуруҳ ҳақида, ҳар бир иштирокчининг роли ва айби ҳақида иложи борича тўлиқ маълумот олиш киради.

Сўр

оқни тактик таъминлаш ***уни амалга ошириш ва тузиш усуллари, керак бўлганда, сўроқ режасини тузишдан иборат.***

Бу-

ндай режа қуйидаги шартларни ҳисобга олиб тузилиши зарур:

а)

тезкор маълумотлардан фойдаланиш кўзда тутилган бўлса, сўроқ қилинувчига маълумот манбаини айтиб қўйишнинг олдини олиш зарур;

б)

жиноий ташкилот иштирокчиларини, уларнинг ҳамжамиятидаги ролидан қатъи назар, сўроқ қилишнинг мураккаблиги боис сўроқнинг тактик усулларини чуқур ўйлаб кўриш, уларни қатъий кетма-

кетликда ўтказиш, саволни тўғри қўйиш, сўроқ қилинувчининг жавобини олдиндан башорат қила олиш лозим. Айбланувчиларни сўроқ қилиш айбланувчиларнинг бир-бирларини қўллашини фош қилиш усули сифатида фойдаланмоқ даркор.

Сўр

оқ вақтини аниқлаш сўроқ қилинувчи эга бўлган маълумотларнинг муҳимлиги, унинг процессуал мавқеи, жиноий ташкилотдаги ва тергов қилинаётган вазиятдаги роли ҳамда иш бўйича сўроқ қилинувчи шахслар билан алоқасига боғлиқ. Сўроқ вақтини аниқлашга гуруҳ аъзоларини сўроқ қилиш кетма-кетлигини танлаш ҳам таъсир қилади. Агар тезкор манбалардан ташкилотнинг бирор-бир аъзосининг айби камроқлиги ёки бардошсизроқлиги маълум бўлса, у ҳолда сўроқни айнан шу шахсдан бошлаган маъқул. Баъзан бунинг тескариси рўй беради – аввал гуруҳ раҳбари сўроқ қилинади, ундан ҳаққоний кўрсатувлар олишга эришилса, қолган шерикларни сўроқ қилиш осон кечади.

Сўр

оқ вақтини аниқлашга тергов сирини сақлаш эҳтиёжи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифалари каби бир қатор омиллар ҳам таъсир қилади.

Сўр

оққа чақириш усули ҳам тактик аҳамиятга эга. Бу ерда овоза бўлишнинг, сўроқ қилинувчини сўроққа келишига тўсқинлик қилинишининг ва ҳаттоки у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътибори доирасига тушгани маълум бўлганидан сўнг сўроқ қилинувчини йўқ қилишнинг эҳтимолини инобатга олиш зарур. Сўроқ қилишда кўпинча магнит ва видеомагнитофон тасмаларни тайёрлаш жуда катта аҳамиятга эга.

Гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш ***ўзига хос хусусиятларга эга. Жабрланувчиларнинг бир хил процессуал мавқеларида уларни сўроқ қилиш предмети уларга бўлган тажовуз аниқ ёки ноаниқ бўлганлигига қараб фарқланади. Биринчи ҳолатда бу куч ишлатиш, ғаразли ва очиқ мулк жиноятларидир, иккинчи ҳолатда – фақат ўғирликдан иборат бўлиб, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан кўп содир этилади.***

Жабрланувчига тажовуз аниқ ҳолатда рўй берганида сўроқ қилишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

гуруҳ жиноятини содир этишда иштирок этган жиноятчиларнинг сони, ҳар бирининг ҳаракатлари, айниқса ўзларини тутишлари, лақаб ишлатганликлари, жиноий жаргондан фойдаланганликлари, ҳаракатларга ким раҳбарлик қилганлиги, ким нима билан қуролланганлиги, ҳужум қилганлар ҳодиса жойини қандай тарк этганликлари батафсил аниқланмоғи керак.

Худди шу схема бўйича гувоҳлар ҳам сўроқ қилиниши керак, аммо бунда қўшимча тарзда улар ҳодиса вақтида қаерда бўлганликлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг ҳаракатларини қай ҳолатда кузатганликлари ҳам аниқланади.

Жабрланувчиларни сўроқ қилганда улар қасос, ачиниш, гуруҳ аъзоларидан фақат бири қўлга тушганда эса бошқа иштирокчилар олдида қўрқув ҳиссиётлари туфайли ёлғон кўрсатув беришлари мумкинлигини инобатга олиш зарур. Жабрланувчилар баъзан, гуруҳ иштирокчиларининг барча жиноий ҳаракатлари ҳақида маълумот бермай, овоза бўлишини

хоҳламайдиганини яширадилар. Масалан, босқинчилик тўғрисида хабар бериб, зўрлаб номусига тегиш тўғрисида индамайдилар. Иқтисодиёт соҳасида уюшган йўл билан содир этилган жиноятлар бўйича гувоҳларни сўроқ қилишни ўзига хос хусусиятлари бор. Бундай ишлар бўйича одатда назорат-ревизия ортганлари ходимлари, маъмурият ва ишлаб чиқаришнинг турли звенолари раҳбарлари, қўриқлаш хизмати персонали, савдо ходимлари ва бошқалар сўроқ қилинади. Уларни сўроқ қилишда:

- талон-тарожнинг ташаббускори ким бўлган, унинг усули ва ҳаракат режасини ким ишлаб чиққан;

- жиноий ташкилот қандай шаклланган, ҳар бир иштирокчи унга қай тариқа жалб этилган;

- мазкур корхона ходимларидан ташқари ким ушбу жиноий ташкилот аъзоси бўлган;

- ҳар бир иштирокчининг вазифаси нимадан иборат бўлган;

- жиноий фаолиятдан тушган фойда қандай тақсимланган;

ким ва қандай сабабларга кўра жиноий ташкилот билан жиноий алоқаларини узган, ташкилотнинг бошқа аъзолари, хусусан раҳбар бунга қандай муносабатда бўлгани каби саволлар албатта аниқланиши лозим.

Тергов

говда кўрсатув беришдан воз кечаётганларни кўндириш ёки гувоҳ ёки жабрланувчини ёлғон кўрсатув беришдан қайтариш эҳтиёжи кўп туғилади.

Айбланувчи ва шубҳа остидагиларни сўроқ қилиш ***чоғида қуйидагиларга эътибор бериш шарт:***

а)

ю

шма жиноий ҳаракатининг хусусиятлари: ғаразли-зўравонлик жиноятлари (босқинчилик, талаш), мулкка доир куч ишлатилмайдиган жиноятлар (ўғирлик, қаллоблик ва бошқалар), иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар;

б)

жи

ноий уюшма иштирокчисининг роли ва мавқеи;

г)

ю

шма аъзосининг жиноий фаолиятдан аввалги фаолияти, касби, маълумоти, оилавий аҳволи, аввал судланганлиги, жиноятларни тергов қилиш ва очиш усуллари билан танишлиги.

Жи

ноий уюшма ташкилотчиларини (раҳбарларини) сўроқ қилишда қуйидагиларни аниқлашга интилиш зарур:

жи

ноий уюшмани тузиш фикри кимдан, қандай, қай тарзда чиққан, бунга нима ундаган, фикр қандай кетма-кетликда амалга оширилган;

қан

дай жиноий фаолият кўзда тутилган ва амалда қандай фаолият амалга оширилган; жиноий фаолиятнинг эпизодлари, унинг конкрет иштирокчилари;

жи

ноятлар қандай усулларда амалга оширилган, усуллар ҳақида маълумот қайси манбадан олинган, жиноий уюшма аъзоларидан қай бири ундан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган;

ую

шманинг ташкилий жиҳатда ихтисослашган қисмлари мавжудлиги;

ую

шманинг моддий-техник таъминоти, қуролланиши, транспорт воситалари, алоқа воситалари, махфийлиги;

ую

шмага янги аъзолар жалб этиш йўллари, давлат ёки жамоат структураларидаги коррупциявий алоқалар, яшириш гуруҳининг таркиби, унинг фаолияти, йўлловчи ва бошқа маълумотлар олиш каналлари;

ҳим

оя гуруҳи, таркиби, ҳаракатлари;

иж

рочилар, уларнинг турли хусусиятлари, ижрочи томонидан тартибга риоя этилиши, уюшмадан алоқани узганлар, бошқаларни уларнинг алоқа узишига бўлган муносабати;

жи

ноий йўл билан орттирилган мулк, пул ва бойликлар, уларни уюшма аъзолари ўртасидаги тақсимоти, умумий мулк ва пулнинг мавжудлиги, унинг ишлатилиши;

иш

тирокчиларнинг шахсий муносабатлари, низолар, уларни ҳал қилиш йўллари, жазолаш тизими; рақобатчиларнинг мавжудлиги, уларнинг раҳбар билан муносабатлари.

Ҳи

моя гуруҳи аъзоларини сўроқ қилишда қуйидагиларни аниқлашга ҳаракат қилиш зарур:

ую

шмага қандай жалб этилган, унинг қандай хислатлари бунга асос бўлган;

уни

нг мажбуриятлари нимадан иборат бўлган;

қур

оли бўлганми, у қай йўл билан топилган, уни ишлатиш ҳоллари бўлганми;

бош

қа жиноий гуруҳ аъзолари билан низоларда иштирок этганми, қачон, қаерда, нима сабабдан, натижа қандай бўлган;

жи

ноий фаолиятдан улуши қандай бўлган, у ким томонидан белгиланган, қачон берилган ва нимага сарфланган.

Яш

ириш гуруҳи аъзоларини сўроқ қилишда келтирилган саволлардан ташқари қуйидагилар аниқланади:

жи

ноий уюшма учун маълумот тўплашда қандай тўсиқларни ва қай тариқа ўтишга тўғри келган;

мув

аффақиятсизликлар бўлганми, уларни қай тарзда енгиб ўтишга тўғри келган;

агар

сўроқ қилинувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими бўлса, ўзининг жиноий уюшмадаги иштирокини қандай яшира олган.

5-§. Уюшган гуруҳ содир этган жиноятларни

аниқлашнинг бошқа воситалари

Пре

дмет ва ҳужжатларни кўздан кечириш имкониятларидан фойдаланиш. ***Маълумки, далилий аҳамиятга эга бўлган предмет ва ҳужжатлар фақат ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасида эмас, балки бошқа тергов ҳаракатларини амалга ошираётганда ҳам олиниши, шунингдек, терговчига процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилиш мумкин. Мазкур объектларни кўздан кечириш жиноятни уюшган гуруҳ томонидан содир этилганлигининг белгилари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Чунончи, жиноят қуроли бўлиб хизмат қилган воситаларнинг хусусиятлари улардан фақат бир киши фойдаланиши мумкин эмаслигини қуйидагилар кўрсатади:***

а)

объектнинг ҳажми – катталиги, оғирлиги ва ҳоказо;

б)

ҳужжатни – ашёвий далилни хизмат ёки бирор-бир операцияни амалга ошириш билан боғлиқ бир неча шахслар томонидан ишлатилганлиги;

в)

объектни тайёрлаш бир неча иштирокчининг ҳамкорлигини талаб қилишлиги кабилар.

Тин

тув имкониятларидан фойдаланиш. ***Мазкур тергов ҳаракати ҳам тажовуз уюшган гуруҳ томонидан содир этилгани ҳақида маълумот олиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, жумладан:***

а) бир киши ишлатиши мумкин бўлмаган қуролларни (металл кесиш аппарати ва ҳоказо) излашга алоҳида эътибор бериш зарур. Жиноят

қуролларида улар бир неча шахс томонидан ишлатилганлигининг излари, масалан бармоқ излари бўлиши мумкин. Уларни тегишлича, балки мутахассис иштирокида расмийлаштириш зарур. Тинтув вақтида топилган ва жиноят қуроли бўлиб хизмат қилган у ёки бу технологик ускуналар, ярим фабрикатлар, хом-ашё ёки бошқа материаллар (қалбаки пул қолиплари, ўғирланган автомобиль қисмларидаги рақамларни ўзгартириш мосламалари, сохта ҳужжат қисмлари, турли хилдаги муҳр, штамплар ва ҳоказо), улардан фойдаланган турли шахсларнинг изларини топиш мақсадида албатта кўздан кечирилади.

б) Фуқ

аролар тасарруфидан чиқарилган предметлар – ўқотар ва совуқ қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, заҳарлар, гиёҳванд моддалар ва ҳоказо. Улар бошқа тергов қилинаётган ишларда тажовуз қуроли бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкинлигини терговчи ёдида тутиши лозим.

в) Пул

ва бойликлар, қимматбаҳо қоғозлар, тинтув қилинаётган шахснинг шерикларига тегишли бўлиши мумкин.

г) тур

ли ҳужжатлар - кундалик ёзувлар, хатлар, ён дафтарчалар, «пинҳоний» бухгалтерия, фотосуратлар, магнитафон ва видеоёзувлар ва бошқалар. Айнан шундай ҳужжатларда жиноий уюшма, унинг аъзолари, бошқа жиноятлари тўғрисида маълумотлар бўлиши мумкин.

Бир

неча шахсни баравар тинтув қилиш тактик операциянинг элементи бўлиб, тинтувдан ташқари қўлга олиш, сўроқ қилиш, юзлаштириш ва

бошқа тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўз ичига олади. Операцияни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида ўзига хос штаб тузилади.

Ху-

лосада, тезкор-қидирув тадбирлар жараёнида маълумотни техник воситалар ёрдамида олиш ҳақида айтиб ўтиш керак. Телефонда сўзлашиш ёзувлари ёрдамида жиноий уюшма таркиби, мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган жиноятлар ва жиноятчиларнинг улардаги роллари, вақт ва учрашув жойлари ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни билиб олса бўлади.

Яш

ирин фото-, кино-, видеосурат натижалари шериклар учрашувлари вазиятлари, уларнинг орасидаги алоқалар мажудлигини исботлабгина қолмай, балки гуруҳ иштирокчисининг ҳар бир ҳаракати, жиноий тажовуз динамикасини тасдиқлайди, қўлга олишда эса умумий жиноий фаолиятнинг муҳим ашёвий даллиларини олиш имконини беради.

М У Н Д А Р И Ж А

I бўлим. КРИМИНАЛИСТИКА ФАНИГА КИРИШ

1-боб. КРИМИНАЛИСТИКА ФАНИ, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ТИЗИМИ, ЮРИДИК ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРИ

1-§. Криминалистика фани ва унинг вазифалари.....3

2-§. Криминалистика тизими.....13

3-§. Криминалистиканинг юридик ва бошқа фанлар билан алоқалари.....14

2-боб. КРИМИНАЛИСТИКА МЕТОДЛАРИ

1-§. Криминалистикада қўлланиладиган методлар таснифи.....19

2-§. Умумилмий криминалистик методлар.....20

3-§. Махсус криминалистик методлар.....25

3-боб. КРИМИНАЛИСТИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ

1-§. Криминалистик идентификация тушунчаси, вазифалари, принциплари ва шакллари.....29

2-§. Криминалистик идентификация объектлари.....34
3-§. Идентификация объектларининг таснифи.....37
4-§. Идентификациявий тадқиқот жараёни.....39
5-§. Криминалистик диагностика.....49

II бўлим. КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКА

4-боб. КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКАНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. Криминалистик техника тушунчаси ва унинг вазифалари.....55

2-§. Криминалистик техника текширув воситалари ва услублари……....60

3-§. Криминалистик техникасининг тергов ва тезкор-қидирув ишларида қўлланилиши……75

5-боб. СУД ФОТОГРАФИЯСИ ВА ВИДЕО-ТАСВИР ЁЗУВИ.

1-§. Криминалистик фотография тушунчаси, унинг қўлланиш шакллари.....81

2-§. Криминалистик фотография методлари.....84

3-§ Суратга видео-тасвирга тушириш натижаларини процессуал расмийлаштириш.....106

6-боб. КРИМИНАЛИСТИК ТРАСОЛОГИЯ

1-§. Трасология тушунчаси ва изларнинг таснифлари.....109

2-§. Қўл бармоқ излари.....113

3-§. Оёқ ва пойабзал излари.....117

4-§. Бузиш қуролларидан қолган излар……....122

5-§. Транспорт воситаларининг излари.....126

6-§. Изларни кўздан кечириш ва процессуал расмийлаштириш.....129

7-§. Трасологик экспертиза ҳал қиладиган масалалар.....133

7-боб. КРИМИНАЛИСТИК БАЛЛИСТИКА

1-§. Баллистика тушунчаси ва текширув объектлари....139

2-§. Ўқ-отиш қуролларининг турлари ва қисмлари.....142

3-§. Отилган ўқ ва гильзалар асосида отиш қуролини идентификациялаш.....149

4-§. Отишдан қоладиган жароҳатларни, отиш масофасини, ўқнинг йўналиш томонини аниқлаш.....151

5-§. Портловчи моддаларни текширув.....156

6-§. Совуқ қуролларнинг текшируви.....161

8-боб. ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА МАТНЛАРИНИ КРИМИНАЛИСТИК УСУЛДА ТЕКШИРИШ

1-§. Ҳужжатлар ашёвий далил сифатида криминалистик текширув объекти.....166

2-§. Криминалистик хатшунослик тушунчаси.....168

3-§. Дастхатнинг идентификациявий белгилари.....172

4-§. Хатшунослик текширувининг услубиёти.....179

5-§. Криминалистик муаллифшунослик текшируви.....184

6-§ Хатшунослик ва муаллифшунослик текширувини ўтказиш учун материал тайёрлаш.....189

9-боб. ҲУЖЖАТЛАРНИ КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКА УСУЛИДА ТЕКШИРИШ

1-§. Криминалистик техника текшируви тушунчаси, вазифаси ва турлари.....193

2-§. Ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари.....196

3-§. Қалбакилаштирилган ҳужжатларни техникавий усулда текшириш.....202

4-§. Криминалистик техника текширувида ўлланадиган замонавий асбоблар.....207

5-§. Ҳужжатларнинг техник экспертизаси ўтказишда ҳал қилинадиган масалалар.....209

10-боб. ОДАМЛАРНИНГ ТАШҚИ ҚИЁФА БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЎТКАЗИШ

1-§. Одамнинг ташқи қиёфаси-идентификация объекти: тушунчаси ва илмий асослари.....213

2-§. Одамнинг ташқи қиёфа белгилари тизими.....217

3-§. Портретлар бўйича идентификация қилиш турлари.....221

4-§. Одамларнинг портретлари асосида ўтказиладиган идентификациявий текширув.....225

11-боб. КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ

1-§. Криминалистик рўйхатга олиш тушунчаси ва унинг аҳамияти.....231

2-§. Криминалистик рўйхатга олиш тизими.....234

3-§. Криминалистик рўйхат турлари.....236

III БЎЛИМ. КРИМИНАЛИСТИК ТАКТИКА

12-боб. КРИМИНАЛИСТИК ТАКТИКАНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. Криминалистик тактика тушунчаси ва унинг вазифаси.....251

2-§. Криминалистик тактика тизими.....254

3-§. Тактик усуллар, тактик қарорлар, тергов вазиятлари ва криминалистик тактиканинг бошқа қоидалари.....259

13-боб. ТЕРГОВ ВЕРСИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТАЪЛИМОТ

1-§. Тергов версияси тушунчаси ва таснифи.....271

2-§. Тергов версияларини тузиш, текшириш ва натижаларини баҳолаш.....274

14-боб. ТЕРГОВНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. Терговни режалаштириш ҳамда ташкил этиш тушунчаси ва вазифалари.....287

2-§. Режалаштириш принциплари ва турлари.....291

3-§. Режалаштириш ҳужжатлари.....294

15-боб. ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

1-§. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий қоидалари.....301

2-§. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тактикаси.....305

3-§. Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижасини қайд этиш.....325

16-боб. ТЕРГОВ ЭКСПЕРИМЕНТИНИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Эксперимент тушунчаси ва вазифаси.....328

2-§. Тергов экспериментини ўтказишга тайёргарлик кўриш.....333

3-§. Тергов экспериментини ўтказиш тартиби ва тактикаси.....337

4-§. Тергов экспериментининг натижаларини расмийлаштириш.....341

17-боб. КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тушунчаси ва вазифаси.....344

2-§. Кўрсатувни ҳодиса бўлган жойда текширишга тайёргарлик кўриш.....348

3-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг процессуал тартиби ва тактикаси.....352

4-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш натижаларини расмийлаштириш.....361

18-боб. ТИНТУВ ВА ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Тинтув тушунчаси ва унинг турлари…….. 365

2-§. Тинтув ўтказишнинг тактик усуллари……. 370

3-§. Олиб қўйиш.....378

4-§. Тинтув ва олиб қўйиш натижаларини қайд

этиш…380

19-боб. СЎРОҚ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Сўроқ тушунчаси ва кўрсатувларнинг психологик асослари.....384

2-§. Сўроқ ўтказишга тайёргарлик кўриш.....391

3-§ Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш тактикаси.....394

4-§. Гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш..399

5-§. Юзлаштириб сўроқ қилиш тартиби.....408

6-§. Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш.....411

7-§. Сўроқ натижаларини процессуал расмийлаштириш.....414

20-боб. ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Таниб олиш учун кўрсатиш тушунчаси ва унинг объектлари.....419

2-§. Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўриш...429

3-§. Таниб олиш учун кўрсатиш тартиби ва тактик усуллари.....433

4-§. Таниб олиш учун кўрсатишни расмийлаштириш.....436

21-боб. ТЕЛЕФОН ВА БОШҚА ҚУРИЛМАЛАР ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИБ ТУРИШ ТАРТИБИ ВА ТАКТИКАСИ

1-§. Сўзлашувларни эшитиб туришнинг умумий тартиби.....438

2-§. Телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тактикаси.....440

3-§. Телефон ва бошқа сўзлашув воситалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш баённомаси.....447

22-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

1-§. Махсус билимдан фойдаланиш тушунчаси.....449

2-§. Тергов жараёнида ва экспертиза ўтказишда махсус билимнинг қўлланиш шакллари.....453

3-§. Экспертиза тайинлашга тайёргарлик кўриш ва намуналар олиш тартиби.....462

4-§. Эксперт хулосаси ва унинг натижаларини баҳолаш.....466

IУ бўлим. АЙРИМ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ

23-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ КРИМИНАЛИСТИК УСЛУБИЁТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-§. Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услубиёти тушунчаси.....473

2-§. Жиноятларни тергов қилишнинг хусусий криминалистик услубиётларни тузиш ва таснифлаш тамойиллари.....480

3-§. Жиноятларни тергов қилишдаги хусусий криминалистик услубиётларнинг таркибий тузилиши.....486

24-боб. ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Ҳамкорликнинг умумий жиҳатлари.....495

2-§. Ҳамкорликнинг тактик-услубий қоидалари……497

3-§. Ўзаро ҳамкорликнинг турлари……..500

25-боб. ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Қотиллик жиноятларининг криминалистик тавсифи.....507

2-§. Жиноят ишини қўзғатиш ва терговнинг типик вазиятлари.....512

3-§. Терговнинг дастлабки босқичи.....518

4-§. Терговнинг кейинги босқичда ўтказиладиган ҳаракатлар.....526

26-боб. НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Номусга тегиш жиноятини криминалистик тавсифи.....530

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари.....533

3-§. Вояга етмаганлар номусига тегиш жиноятини тергов қилиш.....548

27-боб. ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ МУЛКИНИ МАНСАБДОР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ Талон-тарож қилиш жиноятларининг криминалистик тавсифи.....551

2-§ Дастлабки материалларни таҳлил этиш, жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатлари.....558

3-§. Давлат мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини тергашни режалаштириш.....569

4-§. Ҳужжатларни кўздан кечириш.....576

5-§. Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни сўроқ қилиш.....579

6-§. Талон-тарож жиноятини тергаш бўйича экспертизалар тайинлаш.....583

7-§. Талон-тарож жиноятларининг олдини олиш тадбирлари.....586

28-боб. ЎҒИРЛИК, ТАЛОНЧИЛИК ВА БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг криминалистик тавсифи.....589

2-§. Ўғирлик жиноятларини тергов қилиш.....594

3-§. Талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергаш.606

29-боб. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГАШ УСЛУБИ

1-§. Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи.....619

***2-§. Дастлабки тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари**..620*

2-§. Кейинги ўтказиладиган тергов ҳаракатлари.....625

30-боб. ПОРАХЎРЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ

1-§. Порахўрликнинг криминалистик тавсифи.....631

2-§. Типик тергов вазиятлари, версиялари ва терговни режалаштириш…….632

3-§. Дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари……..635

31-боб. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ ТАРЗДА БУЗИЛИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ушбу турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи.....639

2- § Жиноят ишини қўзғатиш. Тергов қилишнинг дастлабки босқичи.....642

3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг ташкилий ва тактик хусусиятлари.....651

32-боб. ЎТ ҚЎЙИШ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Ўт қўйиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг криминалистик тавсифи.....658

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказиш.....662

3-§. Тергов ўтказиш режалаштириш ва кейинги тергов ҳаракатлари.....670

33-боб. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЖИНОИЙ ТАРЗДА БУЗГАНЛИК ҲОЛЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ.

1-§. Йўл-транспорт ҳодисаларининг криминалистик тавсифи.....678

2-§. Тергов йўналишларини аниқлаш.....684

3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чора-тадбирлари.....688

4-§. Йўл-транспорт ҳодисалари терговининг давоми.....707

34-боб. ЭКОЛОГИЯ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Экология соҳасидаги жиноятларнинг оқибатлари.....715

2-§. Жиноят ишини қўзғатиш.....717

3-§. Жиноят моҳиятини исботлаш.....720

35-боб. КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Контрабанданинг криминалистик тавсифи.....728

2-§. Контрабанда ишини тергов қилиш услуби.....731

36-боб. ЖИНОЯТЛАРНИ «ИЗЛАР БОСИЛМАЙ ТУРИБ» ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Жиноятларни «излар босилмай туриб» фош қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.....740

2-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари.....743

3-§. Кейинги тергов ҳаракатларининг хусусиятлари.....746

37-боб. ХОРИЖ ФУҚАРОЛАРИ ТОМОНИДАН ВА УЛАРГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ТЕРГОВИ

1-§. Хориж фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати.....750

2-§. Хориж фуқаролари билан боғлиқ ишлар бўйича тергов олиб боришнинг хусусиятлари.....754

38-боб КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§ Компьютердан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи.....763

2-§. Тергов тактикасининг хусусиятлари.....771

3-§. Экспертиза тадқиқотининг имкониятлари.....785

39-боб. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Вояга етмаганлар содир этган жиноятларнинг криминалистик таснифи.....790

2-§. Жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки версиялар..796

3-§. Алоҳида тергов ҳаракатлари тактикасининг ўзига хос жиҳатлари……...799

4-§. Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишлар бўйича терговчининг профилактик фаолияти.....818

40-боб. ГИЁҲВАНД ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕРГОВИ

1-§. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи.....820

2-§. Жиноят иши қўзғатиш.....826

3-§. Дастлабки тергов ҳаракатлари…….....828

41-боб. УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

1-§. Уюшган жиноятчилик ва гуруҳлар тавсифи.....837

2-§. Ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш чоғида иноятни уюшган гуруҳ томонидан содир этилганлигини аниқлаш.....844

3-§. Жиноятни уюшган гуруҳ содир этганлиги тўғрисида версияни илгари суриш ва терговни режалаштириш.....847

4-§. Сўроқ қилиш - жиноятни уюшган гуруҳ содир этганлиги тўғрисида маълумот олишнинг воситаси сифатида.....849

5-§. Уюшган гуруҳ содир этган жиноятларни аниқлашнинг бошқа воситалари.....855